АЛЕКСЕЙ ТОЛСТОЙ

УЛУҒ ПЁТР

РОМАН

ИККИНЧИ ВА УЧИНЧИ КИТОБ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1973

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОДИЛ ШАРОПОВ

таржимаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИККИНЧИ КИТОБ

БИРИНЧИ БОБ

1

Ғира-шира тонг қоронғисида хўрозлар қичқирмоқда, февраль тонги эринчоқлик билан ёришмоқда. Қоровуллар барра пўстинларининг судралган этакларини босишиб, қоқиниб-суқиниб кўчага тўсилган ғовларни олиб ташлашмоқда. Мўрилардан чиққан тутун ер бағирлаб ёйилмоқда, эгри-бугри тор кўчалардан иссиқ нон ҳиди келмоқда. Отлиқ соқчилар: кечаси бирон ҳодиса рўй бергани йўқми, деб суриштириб ўтишди. «Рўй берганда қандоқ,— жавоб қилишди қоровуллар,— чор атрофда босқинчилар изғиб юрипти...»

Москва эринчоқлик билан уйғонмоқда эди. Қўнғироқчилар совуқдан дийдираб жомхоналарга чиқиб, то Улуғ Иван ибодатхонаси овоз бергунча кутиб туришарди. Бирдан улуғ рўза шарафига даранглаган қўнғироқ садоси туман босган кўчалар узра салобат билан оҳиста суза бошлади. Ғижирлаган товуш эшитилди,— черков эшиги очилди. Дьячок панжасини ҳўллаб, иконалар олдидаги доим ёниб турадиган мойчироқнинг пилигини тозалади. Гадолар, чўлоқлар, мажруҳ-нотавонлар черков остонаси сари судралишиб келавердилар. Улар оч қоринга минғирлаб сўкинишар, қоронғи даҳлиз томонга, ичкарида липиллаб ёнаётган шамлар томонга талпиниб ҳадеб чўқинишарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оёқ яланг бир девона диконглаб чопиб келди: белидан юқориси қип-яланғоч, ёзда сочларига илашган қўйтикан ҳалигача турипти, бутун вужуди қўланса ҳид. Айвонда турганлар унинг қўлидаги бир парча хом гўштни кўриб ёқа ушладилар... Демак, яна бирор хунук гап айтади, яна Москвани миш-миш босиб кетади... Девона даҳлиз рўпарасига жойлашиб олди-да, чўтир тумшуғини тиззасига тираб, одам кўпайгунча кутиб ўтирди.

Тонг отиб, кўчалар ёришди. Эшиклар тарақлаб очилди. Белбоғларини маҳкам танғиб олган баққоллар кўринди. Гўё бўйиндан боғлангандай, ҳафсаласизлик билан дўконларини оча бошладилар. Шамол тўзитган булутлар остида гала-гала қарғалар учиб юрарди. Подшо уларни қиш бўйи роса хом гўшт билан боқди,— аллақаёқлардан учиб келган гала-гала қарға-қузғунлар ҳамма гумбазларни булғатиб юборганди. Черков айвонига тўпланган гадойлар атрофга аланглаб шивирлашар: «Уруш бўлади, қирғин бошланади. Китоб гапига қараганда, сохта подшоликнинг умри уч ярим йилдан ошмайди»,— дейишарди.

Ўтмиш йилларда, худди мана шу дамда Хитой-городда ғала-ғовур авжига чиқувчи, одам тирбанд бўлғувчи эди. Замоскворечье томондан — ғалла ортган турна қатор аравалар, Ярослав йўлидан — парранда, ҳар хил жонивор, ўтин юклаган аравалар, Можайск ёқдан —уч от қўшилган файтонларда кўпаслар келгучи эди. Ҳозир эса, икки аравагина сасиган нарса келади, шуни пуллашади, холос. Дўконларнинг ярми ёпиқ, эшиклари михлаб ташланган. Москва дарёсининг нариги соҳилидаги слободалар дашт-биёбонга айланган. Ўқчилар яшаган уйларнинг томлари очилиб қолган.

Ибодатхоналар ҳувиллаб қолди. Кўпгина одамлар черковдан юз ўгира бошладилар: православ поплар ширин балишга учиб имонини сотишди, шу йил қишда халқни дорга осган, қатл қилган золимлар томонга ўтиб олишди, деб нолишга тушдилар. Баъзи бир черковда поп тушки ибодатни бошлаш ўрнига ҳовлига чиқиб, соқолини селкиллатганича қўнғироқчига ўшқирар: «Қатта қўнғироқни чалсанг-чи, каллаварам, қаттиқроқ даранглат!»— деб бақирар эди. Қўнғироқчи нақадар зўр бермасин, халойиқ черковни ёндаб ўтиб кетаверар, чунки уч бармоқ билан чўқинган келмасди. «Уч бармоқ билан чўқиниш—шармандалик, икки бармоқ орасига бош-

www.ziyouz.com kutubxonasi

малдоғингни суқсанг — нималигини биласан... Тўғри чўқиниш ўрнига шармандаликни ўргатувчи кишиларнинг кимлигини яхши биламиз»,— деб ўргатишарди раскольниклар.

Ҳарқалай кўчалар одамга тўлди: боярзодалар, текинхўрлар, тунги саёқлар, қўрама-қўра санқиб юрадиган турли одамлар пайдо бўлди. Қўплари қовоқхона олдига тўпланиб, эшикнинг очилишини кутишар, искабпскаб қўйишарди: ичкаридан саримсоқ, этсиз сомса ҳиди келарди. Неглинная кўчасининг нарёғида порох, тўп ўқи, лос ва темир ортган аравалар кетаётгани кўринарди. Ўнқир-чўнқир жойларда шалдираб, Москва дарёсидан ўтиб Воронеж йўлига чиқиб олишарди. Аврасиз калта пўстин, ажнабийча шляпа кийганидан руслик қиёфасини йўқотиб қўйган мўйлови шопдай сувори драгунлар аравакашларни бақириб сўкишар, уларга қамчи ўқталиб дўқ қилишарди. Халойиқ орасида: «Немислар подшомизни ғиж-ғижлаб, яна уруш бошлашга ундашяпти. Подшомиз эса, Воронежда доим немис хонимчалар билан, шундай бўлгач, охири вой албатта!»

Қовоқхона очилди. Ҳаммага таниш қовоқхона мутасаддиси зинапоя олдига чиқди. Одамлар анқайиб қолди, ҳеч ким кулмади, ҳамма билдики, иш чатоқ: мутасаддининг юзи тап-тақир, фармонга биноан кеча маҳкамада соқолини олишган эди. Бечора лабларини буриштириб, йиғламоқдан бери бўлиб, черковнинг пастки гумбазидаги бешта крестга чўқинди-да: «Қиринглар...»— деди тумтайиб.

Девона ҳам ғўштни тишлаб олиб, айвоннинг у бурчагидан бу бурчагига ит сакраш қилиб ирғишлай бошлади. Югуриб хотин ва эркаклар келишди,— ҳамма ҳайрон... Девона қайси черковни ёқтириб қолса, ўша черковнинг ошиғи олчи. Бироқ ҳозирги кунда бу жуда хавфли. Эски Пименда қандайдир бир девонани асраб олишган экан, бир куни черковга кириб, минбарга чиқволиб, икки бармоғини шохга ўхшатиб: «Менга сажда қилинглар, ёки мени танимадингларми?» — деб бақирибди одамларга. Солдатлар девонани ҳам, попни ҳам, дьяконни ҳам ушлаб олиб Преображенский маҳкамасига, князь кесарь Федор Юрьевич Ромодановский ҳузурига ҳайдаб келишибди.

Тўсатдан бақирган-ҳайқирган овозлар эшитилади. «Сажда қил! Ерга йиқил!» Қизил патли шляпа, ясама

www.ziyouz.com kutubxonasi

соч кийган каллалар, соқоли қирилган ваҳший башара одамлар оломон устида қамчи ўйната бошлади,— булар карета ёнида келаётган суворилар эди. Халойиқ деворлар тагига, қор уюмлари ортига чекинди. Зарҳал берилган, ойнабанд карета ўқдай учиб ўтди. Каретада эса юзига қизил сурган бир қиз худди жонсиз ҳайкалдай чўққайиб ўтирарди; ҳурпайган сочлари устида — тивит шляпа, унга олмос қадалган ва ҳар хил лента тақилган, қўллари то тирсагигача сувсар енглик ичида. Ҳамма уни таниди: бу мочағар ўша кукуйлик малика Анна Монс эди. Карета тўғри растага бориб тўхтади. Савдогарлар ҳовлиқиб қолишди, дўконларидан югуриб чиқиб, ҳар хил шойи ва духобаларни каретага олиб боришди.

Аммо қонуний малика Евдокия Фёдоровна эса, шу йил кузакда оддий чанада Суздаль монастирига жўнатилган, умрбод кўз ёши тўкишга маҳкум этилган эди.

2

— Биродарлар, ҳой яхшилар, менгаям қуйинглар.., Улай агар, юрагим эзилиб кетди... Кеча крестимни ҳам сотиб ичдим...

— Ўзинг кимсан сен?

— Икона чизувчиман, палехлик бўламиз, қадимдан бери касбимиз шу... Ҳозир аҳвол чатоқ, хонавайрон бўлдик...

— Отинг нима?

— Ондрюшка...

Бу одамнинг на шапкаси бор ва на кўйлаги,— бори ҳам илма-тешик. Юзи чўзинчоқ, кўзлари ўтдай ёниб турар, лекин ўзи ниҳоятда хушмуомала эди. У одоб сақлаб майхўрлик қилаётган улфатлар ёнига борди. Бундай ғарибга ҳар қандай одамнинг ҳам раҳми келади...

— Ўтир, ийманма...

Унга вино қуйишди. Суҳбат давом этди. Шабкўр, қилбўйин, ўтакетган муғомбир мужик ҳикоя қилмоқда эди:

— Ўқчиларни дорга осишди. Ҳа, майли. Бу — подшонинг ўз иши. (Эгри бармоғини кўтариб ликиллатди.) Бизга алоқаси йўқ, лекин...

Ўқчи формасида камзул кийган лўппи юзли посадлик киши (ҳозир кўплар ўқчилардан қолган камзул ва қалпоқларни кийишарди, чунки ўқчиларнинг хотинлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

эрларининг кийимларини ялиниб-ёлвориб сувтекинга сотишарди), ана шу посадник киши қалайи стаканни чертиб огоҳлантирди:

— Ҳой, лекининг чиқиб қолмасин тағин... Ҳушёр бўл, ҳа!..

Муғомбир мужик унга бармоғини ликиллатиб:

— Биз-ку жимгина ўтирибмиз... Сизларда, Москвада чатоқ: сал нарсага бонг уриб ғовға кўтарасизлар,— деди.— Демак, халқни қўрқитиш учун ўқчиларни девор бўйлаб дорга осишган... Гап бу хусусда эмас, посадник йигит... Э, биродари азизлар, нимасига ҳайрон бўласиз: Москвага озиқ-овқат келмай қолди, деб нега бош қотирасиз? Кутманглар ҳам... Бундан ҳам баттар бўлади ҳали... Масалан, бугун — гапирсам кулгим қистайди, тавба дейиш керак, тавба... Бир бочка тузлаган балиқ опкелиб сотдим... Бола-чақам билан қишда ерман деб тузлагандим, ҳидланиб қопти савил... Бозорга опкелдиму, юрагим така-пука: сасиган балиқ учун калтаклашмаса гўргайди, дейман. Йўқ — бир соатга қолмай ҳаммасини сотиб бўлдим, талашиб олишди... Ҳозир Москвада яшаш қийин — очарчилик ҳиди келади...

— Ҳа, рост айтасан!— деди икона чизувчи хўрсиниб.

Муғомбир мужик унга қараб, жиддий оҳангда деди:

— Фармон чиқипти: осилган ўқчиларни масленица байрамигача дордан олинсин, шаҳар ташқарисига чиқариб кўмилсин, дейилипти. Қамида саккиз минг мурда. Хўш, уларни ташишга арава қани? Демак, яна мужик балогардон. Хўш, посадчилар-чи? Посадларга ҳам отулов мажбурияти солиш керак.

Посадлик кишининг лўппи юзи лип-лип уча бошлади. Мужикдан ўпкалаб бош чайқади:

— Балли сенга, қўшчи... Агар сен ҳам ўликлар осилиб ётган девор тагидан қиш-қировда юриб кўрганингда ундай демасдинг... Қор аралаш бўрон ёпирилади, мурдалар чайқала бошлайди... Бизлар учун шу мудҳиш манзаранинг ўзи ҳам кифоя...

— Уларни ўша куниёқ кўмишганда, осонгина қутилардик-қўярдик,— деди мужик.— Ўтган якшанба куни биз ўн саккиз чанани ҳайдаб бозорга келдигу, энди молларимизни ёймоқчи бўлиб турсак, бир гала солдат босиб қолди: «Чаналарни бўшат!»—«Хўш, нега бўшатамиз? Сабаб?»—«Гап қайтарма!» Қилич ўқталиб дўқ қилишди. Чаналарни ағдар-тўнтар қилишди. Бир бочка

www.ziyouz.com kutubxonasi

майда қўзиқорин опкелгандим — агдариб ташлашди, аблаҳлар. «Варвара дарвозасига жўна тезроқ»,— деб бақиришди. Варвара дарвозаси ёнида уч юзтача ўлик қалашиб ётипти... «Орт чанага, фалонингга — фалон...»— деб сўкади, холос. Оч-наҳор, туз татимасдан, отларни ҳашаклатмасдан то қоронғу тушгунча ана шу ўликларни ташидик... Кейин қишлоққа қайтдик — уйдагиларнинг юзига қараёлмаймиз — ана шармандалик!

Стол ёнига нотаниш бир киши келди-да, кўзачани тақ эткизиб столга қўйди.

— Аҳмоғини топса ахлат ташитади,—деди-да, шартта ўтириб, ҳаммага кўзачадаги винодан қуйди. Сўнгра ўйноқи кўзларини қисиб:— Саломат бўлинглар,— деб ичди. Мўйловини артмасдан саримсоқ пиёз ғажий бошлади. Унинг юзи ошланган теридек, чўғдай қизариб кетган, кўк чавкар соқоли жингалак-жингалак.

Шабкўр мужик унинг қўлидан стаканни авайлаб олди:

— Мужик аҳмоқ, ҳа, аҳмоқ, лекин шуни билки, мужик тушунади... (Стаканни салмоқлаб кўрди-да, ичиб, томоғини қирди.) Йўқ, садағанг кетайлар... (Саримсоқ пиёзга қўл чўзди.) Эрталаб Воронежга жўнаган арава-ю чаналарни кўрдингларми? Мужикнинг терисини бир эмас, уч марта шилишяпти. Ўлпон солиғи — тўла, шартнома бўйича — тўла, жон бошига — тўла, ўрган пичанинг учун — боярингга тўла, кўприк учун тўла, бозор ҳақи — тўла...

Чавкар соқолли одам оғзини катта очиб, роса хаҳолаб кулди. Шабкўрнинг дами ичига тушиб кетди, бурнини тортиб деди:

— Ҳа, майли... Мана энди — пошшоликнинг юкини ташиш учун от-улов бер дейишяпти. Бунинг устига армия учун сухари ҳам бериш керак... Йўқ, биродари азизлар... Бир санаб чиқинг-чи, қишлоқларда қанча хонадон қолган экан? Бошқалари қани, қаёққа кетди? Топиб олинг-чи... Ҳозир деярли ҳаммаси қочишга шайланиб турипти. Мужик аҳмоқ, токи қорни тўқ. Лекин шу зайлда бер-бердан боши чиқмай, охири чалворини ҳам ечиб олмоқчи бўлишса... (Соқолини тутамлаб таъзим қилди.) Унда мужик чипта ковушини кияди-ю, «ҳайё-ҳу» деб жўнаб қолади...

Икона чизувчи унга яқинлашиб, қоп-қора кўзлари билан қаттиқ тикилди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шимолга. Қўллар томонга... Чўл биёбонга!..

Шабқўр: «Жим тур!» дегандай қўли билан уни четлатди. Посадлик киши у ёқ-бу ёққа аланглаб қарадида, кўкси билан столга энгашиб шивирлай бошлади:

— Йигитлар, ростдан ҳам ҳамма ваҳимага тушиб қолди, одамлар жон сақлаш учун Бело-озеро, Вол-озеро, Матко-озеро, Выг-озеро томонларга қочиб кетишяпти... У ёқлар тинч... (Шишинқираган бетлари сесканиб кетди.) Фақат бу ердан кетганларгина ўша ёқда тирик қолиши мумкин...

Икона чизувчининг кўз қорачиғлари кенгайиб, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди,— у дам унга, дам бунга мурожаат қилиб дерди:

— Ғапи жуда тўғри... Биз Палехда улуғ рўзагача олти юзта икона тайёрладик. Бурноғи йилга қараганда бу жудаям оз. Бу йил Москвада биронтасини ҳам сотолмадик. Палехнинг нолаю фарёди кўкка етади. Сабаби нима? Биз чизган икона жуда тиниқ, ярқироқ чиқади, Исонинг номи икки «и» билан ёзилади. Қўли кўтарилган, уч бармоғи жуфтланган бўлади. Крестни ҳам қияроқ, тўрт учли қилиб чизамиз. Ҳамма жиҳатдан православ ақидаларига мос. Тушундингизми? Биздан икона сотиб олувчи харидорларимиздан Корзинкин, Дьячков ҳамда Викулин деган дўкондорлар: «Бу хилда икона чизишни йиғиштиринг. Бу тахталарни куйдириш керак, чунки унда из бор»,— дейишди. «Қани из?» (Икона чизувчи хўрсиниб қўйди. Посадлик киши биратўла столга ётиб олди, тишини такиллатиб кула бошлади.) «Қанақа бўларди, ўшанинг изи... Ерда парранда изини кўрганмисиз,— турта чизиқни?.. Сизлар чизган иконада ҳам худди шунақа из бор...» — «Қани ўша?» — «Анави қия чизиқ-чи... Энди тушунарлими? Сизлар бунақа иконани Москвага оборманглар. Ҳамма бало нимадалигини ҳозир бутун Москва билади»,— деди...

Мужик ҳадеб киприк қоқар, бу гапга ишондими, йўқми — билиб бўлмасди. Чавкар соқол эса, нуқул сариқсоқ ғажир ва илжаярди. Посадлик киши бош иргаб, икона чизувчининг гапини маъқулларди... Бирданига аланглаб, лабини чўччайтириб шивирлай бошлади:

— Хўш, тамаки-чи? Қайси китобда одамзод тутун ютиши керак, дейилган? Кимнинг оғзидан тутун бурқсаб чиқади? Хўш? Қирқ саккиз минг сўлкавойга барча

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳарларни ҳамда Сибирни Кармартенов деган тамакифуруш инглизнинг ихтиёрига беришди. Бунинг устига, ана шу заҳарли гиёҳни ҳамма чекиши керак деган фармон ҳам бор... Кимдан чиққан ақл бу? Хўш, чой-чи, кофе-чи? Картишкага бало борми, кўрсам кўнглим айнийди — туф-е! Картишка — дажжолнинг озиғи! Бу гиёҳлар ҳаммаси чет элдан келади, уни лютеранлар ва католиклар опкелиб сотишади бизга... Кимики чой ичса — охири вой... Кимики кофе ичса — кофир бўлади. Минг лаънат! Мен бунақа нарсани дўконимга йўлатиб бўпман, ундан кўра очдан ўлганим яхши...

— Хўш, ўзинг нима сотасан? — сўради чавкар соқолли киши.

— Бе, эндиги замонда савдо қайда... Немислар қиляпти савдони, биз эса урушдан бўшамаймиз. Овсей Ржов, унинг укаси Константин деган йигитларни кўрган ё эшитганмисан? Гундертмарков полкининг ўқчилари эди... Менинг дўконим билан уларнинг ҳаммоми шундоққина ёнма-ён. Унақа йигитлар ҳозир йўқ. Икковини ҳам ғилдиракка боғлаб қийнаб ўлдиришди... Овсей пушаймон еб кўпинча шундай дерди: «Ўша саксон иккинчи йилда, Кремлда дарвешлар гапига қулоқ солмадик, мана энди жазомизни тортяпмиз. Агар биз ўқчилар ўшанда бир ёқадан бош чиқариб, эски динимиз учун маҳкам турганимизда... Москвада бironта ажнабий қолмасди. динимиз ҳам равноқ топар, халқимиз ҳам тўқ, шод бўларди. Энди бўлса, қандай жон сақлашимизни ҳам билмаймиз...» Ана шундай адолатли йигитлар бутун қиш бўйи дорда осилиб ётди... Энди ўқчилар йўқ, бизларни истаган куйга солаверишади... Соқолимизни қиришади, ҳаммани кофе ичишга мажбур қилишади, мана кўрасиз...

— Дон-дунимизни еб тугатамизу кўкламга яқин жўнаб қоламиз,— деди мужик қатъий қилиб.

— Биродарлар!— икона чизувчи паришон ҳолда деразага қаттиқ тикилди.— Биродарлар, шимолда ажойиб даштлар, жимжит ўрмонлар бор, беғалва, тинчгина кун кечириш мумкин...

Қовоқхона ичи тобора ифлос, ғала-ғовур авж олмоқда, чипта қопланган эшик гурсиллаб очилиб-ёпилмоқда эди. Мастлар бир-бирлари билан баҳслашарди; пештахта олдида гандираклаб турган кўйлаксиз ва крестсиз одам,— насяга арақ бер,— деб ялинарди... Битта мастни сочидан тортиб, даҳлизга судраб чиқишди ва ўша ерда

www.ziyouz.com kutubxonasi

роса дўппослашди,— ҳойнаҳой, бирон чатоқ иш қилган бўлса керак...

Қадди букилиб биратўла энгашиб қолган бир гадой стол ёнига келиб тўхтади. Иккита қўлтиқтаёққа суяниб турган жойида ҳаммага илжайиб қаради: ёқимли юзидаги ажинлар ёйилиб кетди. Чавкар соқол унга қараб қўйди, қошлари чимирилиб кетди. Бели букилган одам:

— Қаёқдан учиб келдинг, шунқор?— деб сўради.

— Олисдан,— деди чавкар соқол.— Нега қаққайиб турибсан, ўтавер бемалол...

— Наднод ночақ гнидлек?[1]— деди тез-тез пичирлаб бели букилган одам.

— Қани, ўт тезроқ, бизлар бу ерда очиқчасига...

Бели букилган киши ортиқ савол бермади, сийрак соқолини диккайтириб, қўлтиқтаёқларини дўқиллатиб, қовоқхона тўрига ўтиб кетди. Посадлик киши қўрқиб кетди:

— Ким ўзи бу?

— Ғариблик йўлини танлаган бир мусофир,— деди чавкар соқол жиддий тарзда.

— Сен билан қайси тилда гаплашди?

— Қуш тилида.

— У сени таниди шекилли...

— Камроқ савол берсанг, кўпроқ яшайсан... (Соқолига ёпишган нон ушоқларини сидириб ташлади-да, сўлақмондай қўлини столга қўйди.) Энди қулоқ сол... Биз Дондан бўламиз, мол сотиб олиш учун келганмиз.

Посадлик киши дарҳол унга яқинроқ сурилиб олди, кўзлари пирпираб кетди:

— Нима олмоқчисан?

— Милтиқ дори — ўн бочка керак. Эллик пудча қўрғошин. Чопон учун асл мовут. Тақа учун темир, мих. Пулимиз бор.

— Асл мовут ва темирни топиш мумкин... Лекин қўрғошин билан милтиқ дори — қийин масала: ғазнадан бўлак ерда йўқ.

— Демак, ғазнадан четроқда уриниб кўриш керак.

— Менинг бир ошнам бор, ўзи мирза. Унга совға керак.

— Тўғри, бусиз иш битмайди.

---

[1] Ҳарфлар тескари ўқилади: «Дондан қачон к[illegible]инг?»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Посадлик киши калта пўстинининг боғичларини шоша-пиша тимдаларкан: — ҳозир бориб мирзани бошлаб келишга ҳаракат қиламан,— деди-да, чиқиб кетди. Мужик ҳам олди-сотдига аралашмоқчи бўлди-да, пешанасини тириштириб, томоқ қириб сўради:

— Қўзи юнги ҳам тери керак эмасми сенга, яхши йигит? Тавба, эллик пуд қўрғошин-а... Нима бало, казаклар уруш бошламоқчими?

— Бедана отмоқчи...

Чавкар соқол ўгирилиб қаради: бели букилган қўлтиқтаёқли чол шу томонга келмоқда эди. Қўлида садақа солинган шапкаси билан унинг ёнига ўтирди ва бошини кўтармасдан:

— Салом, Иван,— деди.

— Саломат бўл, Овдоким,— деди у ҳам бошини кўтармасдан.

— Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди, атаман...

— Тиланчилик қиляпсанми?

— Қариликдан... Ёзи билан ўрмонда кездим, қадимги ишлар қаёқда дейсан... Турмуш жонга тегди, ўлиш ҳам керак энди...

— Бир оз сабр қил...

— Хўш-хўш, бирон яхши гап бормн?

Иван илжайди, маст одамлар устидаги тутун булути оша узоқни кўраётгандай, қараб қолди. Кўзлари хунуклашиб кетди. Оғзининг бир чеккаси билан секингина:

— Донни оёққа турғизяпмиз,— деди.

Овдоким шапкасига энгашиб олиб, ундаги чақаларни йиғиштира бошлади.

— Қайдам,— деди у ниҳоят,— эшитишимга қараганда, Дон казаклари тавбасига таяниб тинчиб қолган эмиш, қишлоқларига қайтишипти, мол-мулк орттириш пайига тушиб қолишипти...

— Келгиндилар, дейдилар кўп. Шулар бошлайди, казаклар ёрдамлашади... Ёрдамлашмаса — у ёғи маълум: ё Туркияга қочамиз, ёки Москва ёнида қулликда умримиз ўтади, абадий... Ўша йили биз Азов ёнидаги жангда подшога ёрдам қилдик, мана энди у бутун Донга чанг соляпти. Келгиндиларни тутиб бер, дейишади. Москвадан аллақанча попларни олиб келишди, эски динимизни тугатишяпти... Тинч Дон тамом бўлди деявер.

— Бундай ишга бош бўла оладиган зўр одам ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рак,— деди Овдоким,— Степан[1] бошлаган ишга ўхшаб, пачаваси чиқмаса гўргайди тағин...

— Бизда шундай одам бор, Степан эси пастлик қилиб, калласидан айрилди. Бу унақа эмас, ўткир одам, ҳақиқий йўлбошчи бўлади... Раскольниклар ёппасига унга эргашади...

— Мени довдиратиб қўйдинг, Иван, ўтмишни эслатиб қизиқтириб қўйдинг, Иван, мен бўлсам, тинчгина дам олиш ниятида эдим...

— Кўкламда Донга боргин. Бизга эски атаманлар керак. Степан даврида тузукроқ ўйнаб-кулолмадик, мана энди яйраймиз...

— Қайдам, Иван, яйраймизми-йўқми ҳали... Ўша шунқорлардан қанчаси тирик қолди? Сен билан мен, холос, бор-йўғи шу...

Посадлик киши ҳаллослаб қайтиб келди: юзи липлип учарди. Унинг кетидан,— мис тугмали немисча камзул кийган, пиймаси йиртиқ, тепакал мирза кеккайиб келарди. Кўксидаги тугма боғичга ғоз пати қистирилган эди. Мирза саломлашмади, жирканиб стол ёнига ўтирди.— Юзида ташналик акс этар, кўзлари хира, дажжол кўзига ўхшар, бурнининг ичигача кўриниб турарди. Посадлик киши ўтирмади, унинг орқасида туриб, қулоғига шивирлади:

— Кузьма Егорич, мен айтган одам шу...

— Блинов,— деди мирза юмшоққина овоз билан ҳеч кимга эътибор қилмасдан,— блинов с тешкой...[2]

3

Князь Роман, Борис ўғли Буйносов, оддийчасига — Роман Борисович, ёлғиз ички кўйлакда каравот четида инқиллаб ўтирибди, кўкрагини ва қўлтиғини қашлайди. Одатича силамоқчи бўлиб қўлини соқолига оборади-да, шартта тортиб олади, чунки соқол йўқ: қирилган, қўлга санчилади, соқол эмас, тиканак... Князь кичкина деразага қараб қаттиқ эснайди: уа-ҳа-ҳа-ҳа-а... Тонг ёришмоқда, лекин таъби хира, юраги сиқилмоқда.

Ўтмиш йилларда худди шу дамда Роман Борисович

---

[1] Степан Разин демоқчи. *(Авт.)*

[2] Сўз ўйини: б л и н — чўзма, т е ш к а — балиқ қорни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

сувсар пўстин кийгучи, қундуз шапкасини то қошигача бостириб, узун ҳассани қўлига олиб, поли ғижирлайдиган йўлкалардан тантанали суратда юриб ҳовлига чиққувчи эди. Юз элликтача қарол, унинси файтон ёнида отларни ушлаб турар, буниси дарвоза очгани югурарди. Қароллар гулдай очилиб шапкаларини олишар, икки букилиб таъзим қилишарди. Яқинроқ турганлари унинг оёғини ўпишарди... Қўлидан ушлаб, қўлтиғидан суяб файтонга ўтиргизишарди... Ҳар кун эрталаб Роман Борисович, ҳаво айниса ҳам, қор-ёмғир ёғиб турса ҳам, қасрга жўнаб — подшо аъло ҳазратлари (кейинчалик давлатпаноҳ малика) бир қиё боқармикинлар, деган орзу билан мунтазир бўлиб кутарди. Бир неча марта бунга муяссар бўлган эди...

Ҳаммаси тушдай ўтди-кетди! Уйғониб қарасанг — ҳайҳот, ҳайҳот! Наҳотки қайтиб келмаса! Эсласанг — тепа сочинг тик бўлади: қани ўша ҳузур-ҳаловат, шон-шуҳрат?.. Ҳаммасидан ҳам анави девордаги этаги қайрилган голландиялик беҳаё қизнинг сурати ортиқча. Аслида бу деворга ҳеч нарса осиш керак эмас. Подшо буюрди ётоқхонага осиб қўйишни: ё ҳаммага кулги қилиш ёки тириклай қийнаш учун жўрттага шундай қилди. Чидайсан, ноилож...

Князь Роман Борисович кечқурун скамейкага улоқтириб ташлаган уст-бошларига маъюс тикилиб қолди: бир жуфт заифона, йўл-йўл жун пайпоқ, тиззадан келадиган калта шим,— бели ҳам тор, оғи ҳам, зар тасмали камзул, худди яшил тунукадан тикилганга ўхшайди. Қозиқда — қора парик, таёқ билан қоқсанг ҳам чанги кетмайди. Ҳаммаси нимага керак?

— Мишка!— жаҳл билан чақирди князь. (Қизил мовут қопланган пастак эшикдан, православча узун кўйлак кийган чаққон бола дарҳол кириб келди-да, таъзим қилгач, бошини бир силтаб сочларини тўғрилади). — Мишка, ювинишга сув келтир. (Бола мис тоғорани олиб, унга сув қуйди). Тоғорани тўғри ушла... Қўлимга қуй...

Роман Борисович ювиниш ўрнига нуқул кафтларига пишқирар,— тикандай жун босган соқолсиз юзни ювишга жирканарди... Минғирлай-минғирлай каравотга бориб ўтирди-да, пайпоқларини кийғизиб қўйишини кутди. Мишка унга ликобчада бўр билан тоза латта узатди.

— Бу нимаси тагин?— бақирди Роман Борисович.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тишингизни тозалайсиз.

— Тозаламайман!

— Ихтиёр ўзингизда... Подшо ҳазратлари у куни тишларни тозалаш керак, деган экан, шунинг учун боярия ҳар куни эрталаб тиш ювдиришни буюрдилар...

— Ликобча билан тумшуғингга тушираман шу... жуда маҳмадона бўлиб кетибсан...

— Ихтиёр ўзингизда...

Роман Борисович кийиниб бўлгач, баданини қимирлатиб кўрди: кафтан шу қадар дағал, шу қадар торки, бутунлай сиқиб қўйди... Бу азоб нима учун керак? Лекин қатъий буйруқ бор: дворянлар немисча либос, алонж парик кийиб хизматга келиши керак, дейилган... Чидайсан!.. Қозиқдан паркни олди (қанақа хотиннинг сочидан қилинганлиги номаълум), жиркана-жиркана бир амаллаб бошига қўндирди. Мишка қаттиқ эшилган парик толаларини тўғрилаб қўймоқчи эди,— бечоранинг қўлига бир урди. Чарсиллаб печда тараша ёнаётган даҳлизга чиқди. Пастки қаватдаги ўчоқбошидан аччиқ ҳид аралаш куюнди иси келар, у ерга тик зина билан тушиларди.

— Мишка, сассиқ ҳид қаердан келяпти? Яна кофе қайнатишяптими, а?

— Подшо ҳазратлари, бояр қизлари ва хонимлари эрталаб кофе ичсин, деб буюрипти, шунинг учун кофе қайнатяпмиз...

— Ўзим ҳам биламан... Тишингни иржайтирма...

— Ихтиёр ўзингизда...

Мишка мовут қопланган эшикни очди,— бу эшикдан ибодат қилинадиган хонага кириларди. Роман Борисович сиполик билан чўқинди-да, минбар ёнига борди. Минбарда духоба ёзилиб, устига часослов[1] китоби очиб қўйилган, китоб саҳифаларига шам ёғи томган. Роман Борисович шам пилигини тозалади. Темир гардишли кўзойнагини тақди. Бармоғини ялаб китобдан бир варақ очди-ю, бурчакка тикилганича ўйланиб қолди: бурчакдаги икона жилдлари ва ромлари билинар-билинмас йилтирар, мўъжизакор Николай-авлиё олдига қўйилган мойчироқлардан фақат биттаси липиллаб ёнарди...

Ўйланиб қолганига сабаб кўп... Ахир аҳвол шу хилда

---

[1] Эрталабки, тушки ва кечки ибодат дуолари ёзилган китобча. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

давом этаверса, насл-насаби улуғ князлар ва дворянларнинг хонавайрон бўлиши аниқ, шармандалик ва ҳақоратлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади... «Сени қара-ю, дворянликни таг-томири билан қуритмоқчи-я! Қуритиб бўпсан... Иван Грозний даврида ҳам князлар уруғини қуритмоқчи бўлиб роса уринишган... Оқибат нима бўлди,— тўс-тўполон, исён... Яна исён кўтарилади... Давлатнинг умуртқа суяги, суянган тоғи ким,— биз... Бизни хонавайрон қилсанг,— давлат ҳам тугайди, яшашда маъно қолмайди... Хўш, ундан кейин нима бўлади, подшо? Қаролларга пошшолик қиласанми?.. Ана майнабозлик... Ёшсан ҳали, жиндаккина ақлинг бор, шуниям Кукуйда ичиб тамомладинг...»

Роман Борисович кўзойнагини тўғрилаб ўқий бошлади,— овози минғирлаб чиқар, лекин равон эди. Кўзи китобда-ю, хаёли аллақаёқларда сайр қилиб юрарди...

«Хизматкорлардан элликтасини солдатликка олишди... Воронеж флоти учун беш юз сўм олишди... Воронеждаги ерларимдан тўпланган ғаллани арзон баҳо билан ғазнага олиб қўйди, ҳамма омборларни қоқлаб кетишди. Уч йиллик буғдой ҳосилини асраб келувдим, нархи кўтарилишини кутувдим... (Азбаройи алам қилганидан оғзи бемаза бўлиб кетди.) Мана энди,— монастирларга қарашли ерлар, мол-мулклар тортиб олинади, жамики даромад ғазнага топширилади, деган ган тарқалди... Ўн бочка тузланган гўшт тайёрлаб берсин, депти... Худоё тавба, тузланган гўшт нимага керак?..»

Ҳамон ўқимоқда... Қўрғошин ромли, слюда кўзли дераза ортида тонг ёришмоқда. Остонада турган Мишка устма-уст таъзим қилмоқда.

«Масленица байрамида насл-насаби улуғ хонадонларни роса оёқ ости қилиб, номини булғашди!.. Ярим кечада, баъзан ундан ҳам кечроқ, уч юзга яқин масхарабозчасига кийинган тавиялар гоҳ у уйга, гоҳ бу уйга бостириб киришди. Қандай даҳшат! Афт-башараларига қора куя чаплаб олишган. Ҳаммаси маст. Қайси бири подшо,— кошки ажратиб бўлса.— Молдай еб-ичишди, қусишди, оқсоч қизларнинг этакларини йиртиб, дабдала қилишди... Хўроз бўлиб қичқиришди, така бўлиб маърашди, мушук сингари миёвлашди».

Роман Борисович у оёқдан бу оёққа босиб ўйлай бошлади: масленицанинг охирги куни уни роса ичириб маст қилишганини, сўнгра иштонини тушириб, тухум со-

www.ziyouz.com kutubxonasi

линган саватга ўтқизишганини эслади... Бунинг нимаси кулгили?.. Хотини кўрди, Мишка ҳам кўрди... Ё парвардигор! Бу нимаси? Бу қандай кўргилик?»

Роман Борисович зўр бериб миясини ишлатар, фалокатнинг бош сабабини билмоқчи бўларди: «Қилган гуноҳларимизнинг жазосими бу?» Москвада одамлар тилёғламачи маккор пайдо бўлипти, деб пичир-пичир қилишади... Католиклар билан лютеранлар ўшанинг думи эмиш, чет элдан келтирилган молларда дажжолнинг тамғаси бор эмиш. Хуллас, қиёмат қойим яқинлашмоқда.

Князь шамнинг қизғиш шуъласига кўз қирини ташлаб туриб ўйланар, аҳвол шундайлигича қолишига шубҳаланарди: «Йўқ, рус дворянларининг ҳалок бўлишига тангри йўл қўймайди... Бу мумкин эмас. Ҳозирча сабр қилиш, чидаш керак. Ҳе-ҳе-ҳе...»

Астойдил ибодат қилиб бўлгач, гумбаз тагидаги дераза олдига қўйилган стол ёнига бориб ўтирди. Сўнгра қалин дафтарни очди-да, секин-аста варақлади, соқолмўйлови олинган лаблари қимирлай бошлади; кимга қарз-ҳасана пул берилгани, кимдан ундирилгани, қайси қишлоқ солиқни пул билан, ёки дон, ё эса заҳирадан тўлагани,— хуллас, ҳамма даромад-буромад шу дафтарга ёзилган эди.

Остонада бош гумашта Сенка пайдо бўлди. Бу ниҳоятда қув, мияси бутун, қамчисидан қон томадиган золимни Роман Борисович қарзи бадалига қаролликка олинган йигитлар орасидан топганди. Худди қопоғон итнинг ўзгинаси эди: хўжайиннинг ҳақини ундиришга келганда, мужикнинг охирги тийинини қоқиб олмагунча қўймасди. Албатта, ўғирлик ҳам қиларди, лекин эви билан, инсоф билан, аммо сўйсанг ҳам иқрор бўлмасди. Роман Борисович бир эмас, бир неча марта унинг бақалоқ юзини қоплаган патак соқолидан ушлаб судраган ва бошини деворга уриб: «Сен ўғирладинг, ўғирлаганинг аниқ, бўйнингга ол!»— деб уни қийнаганда ҳам Сенка киприк қоқмасдан, худди иконага тикилгандай, сарғиш кўзлари билан хўжайинга бақрайиб қараб тураверарди. Роман Борисович ўйланиб қолгач, уни ўз ҳолига қўярди, фақат шундан кейин Сенка ғамза-мамзулининг этагини қайириб, ичини текшириб-да, йиғлаб юборарди:

— Бекордан-бекорга урдингиз, Роман Борисович, ўз

Библиотека Ассоциации Выпускников

www.ziyouz.com kutubxonasi

хизматчингизни. Худо кечирсин сизни, лекин мен ҳеч қандай ўғрилик қилганим йўқ, сизнинг олдингизда бегуноҳман...

Сенка қия очиқ эшикдан ёни билан секингина кирди-ю, Николай-авлиёга қараб чўқинди-да, боярнинг таъзим қилиб, тиз чўкди.

— Хўш, Сенка, бironта яхши гап топиб келдингми?

— Худога шукур, ҳамма ёқ тинч, Роман Борисович.

Сенка тиз чўкиб турган жойидан қўзғалмай, кўзини шифтга тикиб, кун кеча кимдан ва қанча пул ундирганини, қаердан нималар ташиб келинганини, кимда қанча қарз қолганини гапириб берди. Қасддан боқимонда тўламаган икки мужикни — Федька билан Коськани Иваньково қишлоғидан ҳайдаб келиб, кечадан бери ҳовлига боғлаб қўйганини айтди.

Роман Борисович ҳайрон бўлиб, оғзи очилиб қолди,— наҳотки қарзни тўлашдан бош тортишса, нучук? Дафтарни очиб қаради: Федька бултур, янги уй қурмоқчиман, от абзали ва мола сотиб олмоқчиман ҳамда уруғлик учун, деб олтмиш сўм олган... Коська — ўттиз сўму эллик тийин, у ҳам, рўзғорга керакли алланималар олмоқчиман, деганди, ёлғон гап...

— Вой аблаҳлар, вой муттаҳамлар-е! Икковини ҳам таёқ билан уринглар, деб тайинладингми?

— Кеча кечқурундан бери уришяпти,—деди Сенка,— ҳар бирига иккитадан одам қўйдим — аямай калтаклашяпти... Қўяверинг, Роман Борисович, асло парво қилманг: агар Федька билан Коська қарзини тўлашмаса,— қўлимизда тилхатлари бор,— ундаги шартга биноан икковини ўн йилгача қарол қилиб ишлатамиз. Бизга қуллар керак...

— Менга пул керак, қуллар эмас!— Роман Борисович гоз патини столга улоқтирди.— Қулларни едирасан, ичирасан — подшо солдатликка олади-қўяди...

— Пул керак бўлса, Иван Артемич Бровкиндан ибрат олиб иш қилинг: у Замоскворечьеда сурп заводи қурди, давлатга елканбоп сурп тайёрлаб беряпти. Пул демаганинг ўшанда — қоп-қоп...

— Ҳа, эшитганман... Гапларинг ёлғон бўлса керак...

Бровкиннинг сурп заводи кўпдан бери Роман Борисовичга тинчлик бермасди, Сенка ҳар куни деярли шуни эсига солар: ҳаром йўл билан бу ишдан ўзи манфаатланмоқчи бўлгани сезилиб турарди. Аммо подшонинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

тоғаси Лев Криллович Наришкин ишнинг даромадлироқ йўлини топган эди: у ўз пулини немислар слободасида турувчи Ван-дер-Фик номли голландияликка берганди, у эса бу пулни Амстердам биржасига юбориб, фойдага қўйганди. Ўша пулнинг ҳар ўн минги йил сайин олти юз сўмдан нақд фойда беради, ҳар йили олти юз сўлкавой Наришкиннинг чўнтагига тушади. «Емай-ичмай — олти юз сўлкавой-а!..»

— Ота-боболаримиз ташвиш нималигини билмай бемалол яшаганлар,— деди Роман Борисович.— Давлатимиз ҳам мустаҳкам эди. (Сенка тутган барра пўстинни кийди.) Подшо ёнида ўтирардик, ўй ўйлардик, маслаҳатлашардик, шундан бўлак ташвишимиз йўқ эди... Энди бўлса, уйқудан уйғонганингга пушаймон ейсан...

Роман Борисович у зинадан чиқиб, бу зинадан тушиб, муздай йўлаклардан ўта бошлади. Йўл-йўлакай, тоб ташлаб шишиб кетган эшикни очиб қаради: хонадан иссиқ ва нордон буғ ҳиди келар, тўр томонда, чўпчироқ шуъласида ғивирлаган тўрт мужик аранг кўринарди; улар оёқ яланг, кўйлакчан ҳолда қўй юнгидан намат босмоқда эдилар.

— Хўш, хўш, ишланглар, ишлайверинглар, лекин худони унутманглар,— деди Роман Борисович. Мужиклар чурқ этмадилар. Нарироқ боргач, яна бир эшикни очди, бу — чеварлар ишхонаси эди. Йигирматача катта-кичик қизлар стол ва кергилар ёнидан иргиб туриб, таъзим қилишди. Боярин бурнини жийириб исканди.

— Бай-бай, ҳамма ёқ сасиб кетибди-ку, қизлар... Ишланглар, ишлайверинглар; ишқилиб худони унутманглар...

Роман Борисович тикувчилар хонасига ҳам кўз ташлаб ўтди, сўнгра кўнчилар ишхонасига мўралади: бу ерда каттакон чанларда тери ивитилмоқда ва ачитилмоқда эди. Тумтайган кўнчи — мужиклар териларни қўллари билан ийлаб ошламоқда эдилар... Гир айлана тешиклари бор юмалоқ фонусда ёниб турган шамни Сенка пуфлаб ўчирди-да, зилдай қулфларни очиб, заҳиралар сақланадиган қазноқ ва ҳужраларни кўрсатди. Ҳаммаси жойида эди. Роман Борисович катта ҳовлига чиқди. Кун аллақачон ёришган, ҳаво булут эди. Хизматкорлар қудуқ ёнида қўйларни суғоришарди. Пичан ортган аллақанча чана дарвозадан то бостирма таги-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гача тизилиб турарди. Мужиклар шапкаларини бошдан олишди.

— Бу қанақаси, мужиклар, пичанни жудаям оз ортибсиз-ку,— деб бақирди Роман Борисович.

Мўри ўчоқ билан кун кўрган кўҳна уйчалар ва ҳужраларнинг эшигу туйнукларидан буруқсаб тутун чиқар, шамолда ҳовлига ёйиларди. Ҳамма ёқни уйим-уйим кул ва гўнг босиб кетганди. Арқонга ёйилганича музлаб қолган кир ва латталар шамолда липилларди. Отхона олдида деворга ўгирилиб, ерга қараб олган иккита бош яланг мужик гоҳ у оёғини, гоҳ бу оёғини босиб турарди. Отхонадаги хизматкорлар зинада турган боярини кўрган заҳотиёқ югуриб ҳовлига чиқишди-да, ерда ётган таёқларни олиб, икки мужикнинг думбасига, сонига ура бошлашди...

— Войдод, вой жоним! Э худо, нега қийнайсан?— деб фарёд чекишарди Федька билан Коська...

— Ҳа, ҳа, қилмишинг учун, ур, яна ур, яна,— ҳаҳаларди Роман Борисович зинадан туриб.

Новча бўйли, юзи қип-қизил, чўтир Федька бурилиб ялина бошлади:

— Марҳаматли Роман Борисович, раҳм қил бизга... Ахир, донимиз йўқ, худо урсин, рождествогача ҳаммасини еб тамомлаганмиз... Молимизни олсанг ҳам розимиз, ахир бундай азобга қандай чидаб бўлади?..

Сенка Роман Борисовичга шипшитиб қўйди.

— Моли майда, жуда ориқ, алдаяпти... Аммо бўйнидаги қарзнинг ярми бадалига қизини олсак бўлади. Қолган ярмини ишлаб узсин.

Роман Борисович юзини буруштириб, тескари қаради.

— Ўйлаб кўраман. Кечқурун гаплашамиз.

Бурқсиган тутун орасидан, барги тўкилган яланғоч дарахтлар ортидан қўнғироқнинг мунгли садоси эшитилди. Қарғалар ҳуркиб, занг босган гумбазлар тепасига кўтарилди.

«Тавба, тавба, бу қандай гуноҳи азим»,— деб пичирлади Роман Борисович, яна бир карра рўзғорга кўз ташлади-да, кофе ичишга емакхонага қараб кетди.

Князь ойим Авдотья билан княззода уч қиз столнинг пойга томонида, голландча курсиларда ўтиришибди. Кимхоб дастурхоннинг ўша учи қайириб қўйилган — эҳтиёт шарт... Князь ойимнинг эгнида — одми ранг духо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бадан тикилган кенггина русча кўйлак, бошида — ажнабийча чепец. Қизлар — этаги ерга судралган немисча кўйлакда: Натальяники — пушти ранг, Ольганики — яшил, йўл-йўл, каттаси — Антонида эса — «шафақ гул» рангли антиқа кўйлак кийган. Ҳаммасининг ҳам сочлари ҳурпайган, ун сепилган. Ёноқлари қип-қизил қилиб бўялган, қошлари қоп-қора, кафтлари эса — ишлайвериб қизариб кетган.

Илгари Авдотьянинг ҳам, қизларнинг ҳам емакхонага киришга ҳақлари йўқ эди: ўз хоналарида — дераза ёнида тикиб-тепчиб, қўл ҳунар билан шуғулланиб ўтиришар, ёз кунлари эса — чорбоққа чиқиб, арғимчоқ учишарди. Бир куни подшо маст улфатлари билан келиб қолди. Остонадан туриб, кўзларини олайтириб емакхонага бошдан-оёқ қараб чиқди-да: «Қизларинг қани? Дарҳол столга таклиф эт...»— деб буюрди. (Қизларни қидириб югуриб қолишди. Ҳаммани ваҳм босди, йиғиси-ғи, тўс-тўполон бошланди. Ниҳоят, қўрққанидан эси оғиб қолган уч тентакни топиб келишди.) Подшо қизларнинг ёнидан ушлаб-ушлаб туриб сўради: «Танца тушишни биласанми?.. (Билиш у ёқда турсин, кўрган ҳам эмас,— қизлар уялиб кетди, кўзларидан тирқираб ёш оқди.) Ўргатилсин... Масленицага довур французча, полякча рақсларни ва контрдансни билишлари лозим...» Сўнгра князь Романни камзулидан ушлаб қаттиқ силтади: «Уйингда ажнабийча расм-русм, ажойиб тартиб ўрнат. Шуни унутма!..» Қизларни стол ёнига ўтқизиб, вино ичишга мажбур қилди... Қизиқ, қизлар ҳам уялмай-нетмай ичаверишди... Бирпасдан кейин кула бошлашди,— гўё кўпдан ичиб юргандай,— таажжубланишмади ҳам...

Уйда ноилож ажнабийча расм-русм ўрнатишга тўғри келди. Князь ойим Авдотья ақли етмагани учун таажжубланарди, холос, аммо қизларга жон кирган, бирданига дадил, кўрс ва инжиқлашиб қолишганди. Дам уни обер, дам буни обер деб хархаша қилишарди. Тикиш-тепчишни йиғиштириб қўйишган. Эрталабдан ясаниб-тусаниб олиб одоб сақлаб чой ва кофе ичишарди.

Роман Борисович емакхонага кирди. Қизларига хўмрайиб қаради. Қизлар бош эгиб қўя қолдилар. Авдотья ўрнидан туриб таъзим қилди:

— Ассалом, отахон — князь...

Антонида онасига ўшқирди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўтиринг, мутер...

Роман Борисович совуқда кўп тургани учун бир қадаҳгина етмак солинган ароқдан ичгиси, саримсоқ билан тамадди қилгиси келиб қолди... Ароқни-ку бир амаллаб, авраб-нетиб олар-а, аммо саримсоқ беришмайди...

— Бугун, негадир, кофе ичгим йўқ. Зинада шамоллабман шекилли... Онаси, ўткиридан опкел.

— Дардингиз ароқ экан, фатер, ҳар куни эрталаб шу гап,— деди Антонида.— Қачон тартибга ўрганасиз ахир...

— Овозингни ўчир, байтал,— бақириб берди Роман Борисович,— йўқса қамчини оламан...

Княззода қизлар бурунларини қийшайтириб, тескари қараб олдилар. Авдотья қадимгича мулозамат билан таъзим қилиб қадаҳни тутди-да:

— Овқатга қара, дадаси, бемалол еб-тўйиб ол,— деди пичирлаб.

Роман Борисович ароқни ичиб, нафасини ростлади. Тузлаган бодринг сувини камзулига оқизиб, ғажий бошлади. Дастурхонга на брусникали карам қўйилган ва на пиёз қўшиб тузланган қўзиқорин қиймаси. Алланима бало солинган жиндай сомсани чайнаб туриб, ўғли эсига тушиб кетди:

— Мишка қани?

— Арифметикани ўрганяпти, дадаси. Мунақада мияси нима бўлади, ақлим етмай қолди...

Замонавий расм-русмга муккасидан кетган чўтир Ольга лабини буриштириб:

— Мишка уззукун мужиклар билан ўйнагани ўйнаган,— деди.— Кеча яна отхонага кириб балалайка чалди, картада бурунга чертар ўйнади...

— Бола ёш ҳали,— деди Авдотья инграб.

Бирмунча вақт индамай қолишди. Қизлардан энг шўхи ва кулағони кенжатой Наталья бирдан деразага ёпишиб тикилиб қолди. (Деразанинг слюда кўзлари ўрнига яқинда ойна солинганди.)

— Ие-ие, ҳой қизлар! Меҳмон келди, меҳмон...

Қизлар шошиб қолишди, дастпанжалари оқарсин деб: қўлларини баланд кўтариб силкита бошлашди. Стол устини тезроқ йиғиштириш, дастурхон ёзиш учун чўри қизлар югуришиб қолди. Мажордом (илгари уни эшик оғаси дейишарди) — соқол-мўйлови қирилган, са-

www.ziyouz.com kutubxonasi

йилга чиққандек ясаниб-тусаниб олган, художўй эски хизматкор ҳассасини дўқ эткизиб ерга бир урди-да, боярия Волкова келганлигини маълум қилди. Роман Борисович меҳмонга пешвоз чиқиш учун: шляпасини силкитиш ва оёқларини ўйнатиб таъзим қилиш учун ноилож ўрнидан турди... Князь Буйносов келиб-келиб шунга таъзим қилсинми энди! Ана шу боярия Волковани етти йил муқаддам одамлар Санька деб чақиришар, бурнини этагига артиб юрарди. Энг қашшоқ, энг хароб мужик оиласида туғилган. Отаси — Ивашка Бровкин, қарзи бадалига қаролликка олинган деҳқонлардан эди. Агар замона ўзгармаганда, Санька то гўрга киргунча ўчоқбошида қолиб кетарди. Ана кўрдингми,— келганини маълум қилиш учун мажордом овора. Зарҳал каретада кепти-я! Эри подшо билан иноқ.. (Эри князь Романнинг амакиваччаси эди.) Отаси иблиснинг ёрдами билан кўпаслар қаторига кириб олди, армия таъминоти ҳозир бутунлай Бровкинга топширилган эмиш...

Мажордом эшикни ланг очди, қадимги замондан қолган тор ва пастаккина эшикда сарғиш-пушти ранг кўйлак кўринди, шитир-шитири эшитилди. Ялангоч кифтларини ўйнатиб, гулдай юзига бепарво тус бериб, киприкларини юмиб боярия Волкова кириб келди. Хонанинг ўртасида тўхтади-да, узукларини ярқиратиб, ранг-баранг атир гул қадалган, хилма-хил кружавалар билан безатилган юбка этакларини сал-пал кўтариб, бир оёғини олға узатди,— оёғида баланд пошнали атлас бошмоқ,— сўнгра, олдинги тиззасини букмасдан, французча салом қондасига мувофиқ, бир оз ўтириброқ энгашди. Пудра сепилган ва туяқуш пати қадалган бошини ўнг-сўлга буриб қимирлатиб қўйди. Шундан кейингина киприкларини кўтариб, кўк кўзлари ила жилмайди ва тишларини йилтиратиб саломлашди:

— Бонжур, принцес!

Буйносовнинг қизлари ҳам, ўз навбатида, кетларига ташланиб ўтириброқ таъзим қилишар, кўзлари билан еб қўйгудай бўлиб меҳмонга тикилишарди. Роман Борисович шляпасини бошидан олди-да, қўл-оёқларини кериб, силкита бошлади. Меҳмонни дастурхонга — кофе ичишга таклиф қилдилар. Ота-онаси, бола-чақаларининг соғлиғини сўраган бўлдилар. Қизлар унинг кўйлагини томоша қилишар, сочлари қай ҳолда турмакланганини текширib кўришарди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Вой, буни қаранг, ғалати куафа[1] экан, кит мўйловидан қилинган.

— Бизнинг сочимизга нуқул чивиқ пахта ишлатишади.

Санька уларга тушунтирди:

— Куаферни топиш ўлимдан қийин: Москвада борйўғи битта куафер[2] бор, холос. Масленица байрами олдида аёллар ҳафталаб навбат кутишди, баъзилар элбурутдан турмаклатиб қўйиб, ётсам бузилади деб,— курсида ўтириб ухлашди... Мен дадамга Амстердамдан куафер топиб кел, деб илтимос қилдим.

— Ҳурматли Иван Артемичга мендан салом айтинг,— деди князь.— Қалай, сурп заводи ишлаяптими? Бориб кўрмоқчиман. Ҳар ҳолда янгилик, ғалати иш...

— Дадам Воронежда. Вася ҳам Воронежда, подшо ҳузурида.

— Эшитганман, хабарим бор, Александра Ивановна.

— Кеча Васядан хат олдим.— Санька икки бармоғини очиқ корсажи ичига суқди (Роман Борисович кўзларини пирпиратиб, мана энди қип-яланғоч бўлиб олди деган хаёлга борди), кўк қоғозни олди.— Ишқилиб Васягинамни Парижга жўнатишмасин-да...

— Хатда нима депти?—йўталиб олиб сўради князь.— Подшо хусусида нималар ёзипти?..

Санька хатни имиллаб очди,— пешанаси тиришиб, икки бети-ю, бўйини қизариб кетди, ниҳоят:

— Ўқишни яқиндагина ўргандим. Кечирасиз,— деди шивирлаб.

Сўнгра, жимжимадор ҳарфлар билан ёзилган ва сиёҳ сачраган сатрлар узра бармоғини юргизиб, ҳар бир сўзни ҳижжалаб ўқий бошлади:

«Салом, Сашенька, кўп йиллар саломат бўлгайсан, нури чашмим... Бизда, Воронежда ишлар жойида... Яқинда флотни Дон дарёсига туширамиз ва шундан сўнг бу ердаги ишимиз тугайди... Сени қўрқитмоқчи эмасману, аммо қулоғимга шундай бир гап чалинди: подшо мен билан Андрей Артамонович Матвеевни Гаагага ва ўшанақаси — Парижга юбормоқчи эмиш. Бу ҳақда нима дейишни ҳам билмай қолдим: узоқ жой, бунинг устига

---

[1] Аёллар сочини турмаклаганда ишлатиладиган махсус асбоб. *(Тарж.)*

[2] Соч турмакловчи уста. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

хавотирлироқ... Ҳаммамиз, худога шукур, соғ-саломатмиз. Герр Питер сенга салом юборди,— яқинда, кечки овқат устида сени эслаб, соғлиғинг учун қадаҳ кўтардик. Подшо кун бўйи меҳнатда банд. Верфда оддий ишчилар қатори ишлаяпти. Миху скобаларни ўз қўли билан тоблайди, кемани ўзи лослайди. Соқолини олишга ҳам қўли тегмайди: ҳаммани қистовга олиб кўз очирмайди; одамлар роса чарчади, лекин флотни куриб битказишди...»

Роман Борисович тирноғи билан столни чертарди:

— Ҳа... Флот, албатта, ҳа... Ўзи тоблайди, ўзи лослайди... Демак, кучи ортиб кетипти...

Санька ўқиб бўлди. Лабини оҳиста артди. Мактубни буклаб, корсажга яширди.

— Байрамга яқин подшо қайтади, оёғига йиқилиб ялинаман... Мен ҳам Парижга бораман...

Антонида, Ольга, Наталья,— баравар қарс урдилар: «Ие, оҳ — ана маза!» Князь ойим эса чўқиниб олди:

— Капалагимни учириб юбординг-ку, ойимбека. У ерда ҳамма нарса хароб бўлса керак... Келиб-келиб.— Парижга-я!.. У ер нопок жой!

Саньканинг кўк кўзлари қоронғилашди, узукларини кўксига босди:

— Москвада шундай зерикканманки!.. Қанотим бўлса чет элга учардим-кетардим... Подшо ойим Прасковья Фёдоровнаникида бир француз бор,— ажнабийча расмрусмларни ўргатади, мениям ўша ўргатяпти. Ўша француз шундай ажойиб нарсаларни гапириб бердики! (Санька хўрсиниб қўйди.) Ҳар кеча тушимга киради, гўёки мен малина рангли енгсиз калта кўйлак кийиб французча рақс тушаётганмишман, тушганда қандоғ — ҳаммани менга ҳаваси келади, бошим айланади, кавалерлар йўл бериб чекинишади... Сўнгра қирол Людовик ёнимга келиб менга атир гул тақдим этганмиш... Москвада зерикишдан бўлак нарса йўқ. Яхшики, ўқчиларни дордан олишди, бунисигаям шукур, мурдадан ўлгудай қўрқаман...

. . . . . .

Бояриня Волкова жўнаб кетди. Роман Борисович стол ёнидан қўзғалмай ўтирди-ўтирди-да, Улкан сарой маҳкамасига, хизматга бормоқчи бўлиб, файтон қўшишни буюрди. Ҳозир ҳамма хизмат қилиши лозим, деган

www.ziyouz.com kutubxonasi

буйруқ бор. Гўё Москвада хизматчи етишмаётгандай. Патқалам қимирлатиш учун дворянларни стол ёнига ўтқизиб қўйди. Ўзи бўлса, қорамойга беланиб, тамаки тутатиб, болта чопяпти, мужиклар билан ароқхўрлик қиляпти...

— И-иҳ, мазам қочди, и-иҳ, юрагим сиқилиб кетди,— деб инқилларди князь Роман Борисович файтонга чиқаётиб.

4

Спас дарвозаси ёнидаги чуқур жарликда, унда-мунда муз тагидан чириган сепоялар чиқиб турган жойда Роман Борисович йигирматача чипта ёпилган чанани кўрди. Ориқ отлар бошларини осилтириб турарди. Жар ёқасида бир мужик музлаб қолган ўқчи ўлигини лўм билан ердан кўчирмоқда эди. Ҳаво булутли, кул ранг тусда. Қор ҳам кул ранг. Гўнг босиб, ўнқир-чўнқир бўлиб кетган Қизил майдон бўйлаб жун чакмон кийган одамлар бошларини қуйи солиб шошмасдан ўтиб борарди. Минорадаги соат ғижирлаб-хириллаб занг ура бошлади (илгари овози жаранглаб чиқарди). Роман Борисовичнинг юраги баттар сиқилди.

Файтон эски кўприкдан ўтиб Спас дарвозасига кирди. Кремлда одамлар худди бозордаги сингари, бошда шапкаси билан бемалол юрарди. Отлар ғажиб ташлаган қозиқлар ёнида оддий чаналар турарди... Буларни кўриб Роман Борисовичнинг юраги эзилиб кетди. Шундай азиз жой эгасиз қолди, Москва шуҳратини учинчи Рим даражасига кўтарган, ҳув анави шоҳона деразадан шамчироқдай нур сочиб турадиган чашми мунаввар йўқ энди... Хунобгарчилик!

Роман Борисович маҳкама эшиги олдида тўхтади. Князни файтондан тушириб оладиган бironта одам топилмади. Ўзи тушди. Усти ёпиқ пешайвон зинасидан ҳарсиллаб чиқа бошлади. Зинапоячалар эса — қордан, тупуриқдан ифлос бўлиб кетган. Юқоридан тушиб келаётган аллақандай нимча пўстинли кишилар князни туртиб йиқитиб юбораёздилар. Кейинда келаётган чавкар соқолли одам кўзини ола-кула қилиб князга ёмон тикилди... Роман Борисович зинада тўхтаб, ҳассасини ғазаб билан дўқиллатиб бақирди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шапкани! Шапкани ол бошдан!

Қошки биров қулоқ солса... Кремлда тартиб йўқ, аҳвол шунақа...

Маҳкамадаги пастак-пастак хоналарни печдан чиққан тутун — ис, қўланса ҳид босиб кетган, поллари супурилмаган. Узундан-узун столлар ёнида котиблар тирсаги тирсагига тегиб, тиқилишиб ўтирар, патқалам билан нуқул қоғоз қитирлатишарди. Биттаси — энгашиб олиб тароқ кўрмаган бошини, иккинчиси — қўлтиғини қашлар эди. Қичкина столлар ёнида эса—сансалорликка ниҳоятда уста мирзалар дафтар варақлаб, арзномалар устидан бармоқ югуртириб ўтиришарди, улардан тарқаган этсиз балиш ҳиди бир чақирим ердан димоққа уриларди. Кирлаб кетган дераза кўзларидан ғира-шира ёруғ тушарди. Бўлим оғаси — чўтир бурнига кўзойнак қўндириб олган мирзабоши хона бўйлаб столлар ёнидан у ёқдан-бу ёққа ўтиб турарди.

Роман Борисович такаббурона қадам ташлаб у хонадан бу хонага, у бўлимдан бу бўлимга ўтиб борарди. Катта сарой маҳкамасида иш кўп, лекин ҳаммаси чалкашиб кетганди. Бу маҳкама: подшо хазинаси, омборхоналар, олтин ва кумуш идишлар устидан назоратчилик қилар, бождан, казаклардан ва ўқчилар солиғидан тушган пулларни, ўлпончилардан келган пулларни ҳамда подшога қарашли қишлоқ ва шаҳарлардан йиғилган солиқларни тўпларди. Бу ишга мирзабоши билан кўпни кўрган бўлим оғаларининггина ақли етарди, холос. Янги тайинланган боярлар эса, печи қизиб кетган кичкина уйда кун бўйи қимирламай, немисча тор кийимда сиқилиб-қийналиб ўтиришар, нуқул хира ойнага — ойна ортида ҳувиллаб қолган подшо саройига тикилишарди: илгари ҳарамга кириладиган пешайвон ёнида, ана шу майдончада сувсар пўстинли боярлар шойи рўмолчаларини елпишиб сайр қилгувчи, давлат ишлари хусусида ўзаро фикр юритувчи эдилар.

Бу майдон қанчадан-қанча даҳшатли ҳодисаларни, ғалати ишларни кўрган. Ривоятларга қараганда, Иван Грозний ҳув анави михлаб ташланган кўҳна пешайвондан тушиб, навкарлари билан бирга Александровская слободасига кетган, кейин қайтиб келиб, қаҳр-ғазаб билан улуғ боярлардан ўч олган. Бошларини кесган, товаларда куйдирган, қозиқларга ўтқазган. Ота мерос мулкларини тортиб олган. Аммо боярлар зотини бутунлай хо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

навайрон қилишга тангри йўл қўймади. Асилзода уруғлар ёппасига бош кўтарди.

Ҳув анави пиёзнусха томига мис хўроз ўрнатилган ёғоч уйдан лаънати Гришка Отрепьев ўзини ташлади,— шавкатли рус боярларини хонавайрон қилган яна бир золим шу эди-да... Москва ерлари чўл-биёбонга айланди, ёнғинлар бошланди, йўлларни одамзод суяги босиб кетди, аммо тангри бунга ҳам йўл қўймади,— асилзода уруғлар бош кўтарди.

Мана энди, қилган гуноҳларимиз касофатига яна даҳшатли кунлар бошланди... «Э-ҳа-ҳа,— эснаб томоқ қиришарди боярлар иссиқ хонада, дераза олдида ўтириб олиб.— Ётиғи билан иш бошлаш ўрнига — зўравонлик билан айтганини қилдиришмоқчи... Соқолларни қиришди, ҳамма хизматда бўлсин, дейишди, ўғилларимизни полклар рўйхатига тиркаб қўйишди, баъзиларини бегона юртларга жўнатишди... Э-ҳа-ҳа, бу гал ҳам тангри йўл қўймайди...»

Роман Борисович палатага кириши билан, бугун юқоридан яна аллақандай қоғоз келганини кўрди. Кекса князь Мартин Ликовнинг салқиган юзлари пир-пир учарди. Дума аъзоси дворянин Иван Ендогуров билан дастурхон оғаси Лаврентий Свиньин тутилиб-тутилиб фармонни ўқитаётганди. Бошларини кўтардилар ва фақат: «Эҳ-ҳе-е!»— дейишга тиллари келди, холос.

— Князь Роман, ўтир, манавини эшит,— деди князь Мартин йиғламоқдан бери бўлиб.— Бу ишнинг оқибати нима бўлади-а? Энди ҳар бир аблаҳ сўкавериши, беҳурмат қилиши мумкин... Биргина ҳуқуқимиз қолганди, уни ҳам тортиб олишмоқчи...

Ендогуров билан Свиньин подшо фармонини яна бошқатдан ўқий бошладилар. Фармонда шундай дейилганди: князлар ва боярлар, дума аъзолари ҳамда москвалик дворянлар беҳурмат қилинганлиги хусусида арзнома ёзаверибди, улуғ князу фалону фалон подшоҳи аъзамнинг жонига тегдилар. Фалон куни князь Мартин Григорий ўғли Ликов унга, яъни подшоҳи аъзамга арзнома ёзиб, гўё Преображенский полкининг поручиги Олешка Бровкин ҳарам пешайвонида уни ҳақорат ва беҳурмат қилгани хусусида шикоят этибди... Пешайвондан ўтаётиб: «Нега менга ўқрайяпсан бўрига ўхшаб? Мен сенга малай эмасман, илгари князь эдинг, эндиликда эса бетайин бир одамсан...» деб ўшқирибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Князь Мартин салқиган юзларини селкиллатиб:

«Она сути оғзидан кетмаган гўдак, мужиквачча, таги паст-да,— деди.— Ўшанда азбаройи жаҳлим чиққанидан нима деб ўшқирганини унутиб қўйдим, у бошқа сўзни айтди...»

— Хўш, ўшанда нима деб ўшқирганди князь Мартин? — сўради Роман Борисович.

— Нима, нима — нимасини сўрайсан... Ўшқирди, бақирди: «Мартинушка-мартишка, тақир кал»,— деганини кўплар эшитди.

— Бай-бай-бай, яхши бўлмапти,— деди Роман Борисович бош чайқаб.— Айтмоқчи, бу Олешка Иван Бровкиннинг ўғли эмасми?

— Ким билади дейсан кимнинг ўғлилигини...— Ёндогуров билан Свиньин давомини ўқий бошладилар:

— «Улуғ князь ва ҳоказо унвонли подшоҳи аъзам, давлат ишларн бошдан ошиб ётган шундай қийин бир пайтда, минбаъд ҳеч ким унга халал бермаслиги учун, шикоятбозлик қилган князь Мартинга ўн сўм жарима солинсин ва бу пулни гадойларга берилсин, ушбу кундан эътиборан беҳурмат қилинганлиги хусусида арзнома ёзиш ман этилсин...»

Фармонни ўқиб бўлиб, бурунларини жийириштди. Князь Мартин Ликов яна типирчилаб қолди:

— Бетайин-а! Мана, ушлаб кўр, нега энди бетайин бўларканман? Бизнинг наслимиз князь Личкодан бошланади, ҳа! Ўн учинчи асрда князь Личко уч минг найзабоз аскар билан Угорье ўлкасидан келган. Ўша Личкодан — Ликовлар, Брюхатий, Таратухин, Супонев каби князлар тарқаган, Буйносовлар ҳам Личконинг кенжа ўғлидан тарқаган...

— Бекор айтибсан! Ҳақиқатан, бетайинниинг гапини қиляпсан, князь Мартин!— Роман Борисович ўтирган жойида бутун гавдаси билан ўгирилди, қошлари чимирилиб, кўзлари чақнаб кетди (агар соқоли қирилмаганда, оғзи қийшиқроқлиги билинмас, князь Романдек даҳшатли кимса бўлмасди)...— Буйносовлар қадим замонлардан бери саройда Ликовлардан юқори ўтиришади. Бизнинг насл-насабимиз черниговлик князлардан бошланади. Сиз Ликовлар эса, Иван Грозний даврида ўз номингизни князлар шажарасига тиркаб олгансиз... Арвоҳ урсин ўша Личкони, биламиз, Угорье ўлкасидан қандай чиқиб келганини...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Князь Мартиннинг кўзлари ола-кула бўлиб айлана бошлади, кўз остидаги халтачалар ирғишлади, юзи эса йиғлагансимон тусга кириб, устки қалин лаби билан бирга титраб кетди.

— Буйносовлар-чи! Тушинода, лагерда, тушинолик ўғри ота мерос мулкини сизларга ҳадя қилганди шекилли, а?

Иккала князь ҳам сапчиб ўрнидан турди-да, бир-бирига ўқрайиб бошдан-оёқ тикила бошлашди. Агар Ендогуров билан Свиньин орага тушмаганда, иккиси сан-манга бориб, бўларди жанжал, бўларди тўполон. Ҳайтовур, у деб-бу деб тинчитишди. Жиззаки князлар пешана ва бўйинларини рўмолча билан артиб, иккиси икки ёққа — бошқа-бошқа скамейкага бориб ўтиришди...

Дума аъзоси дворянин Ендогуров азбаройи зериккани-дан, давлат думасида боярлар нима деб ҳасратлашганини ҳикоя қиларди, — бечоралар қўлларини ёзади, холос: подшо ўз маслаҳатгўйлари билан Воронеждан туриб нуқул пул талаб қилади — пул. Маслаҳатгўйларнинг роса танлабди,— ҳаммаси шу ерлик ва ажнабий савдогарлар, насл-насаби номаълум кишилар, дурадгору темирчилар, матросу ҳаммоллар — хуллас, жаллод қўлидан бир амаллаб эсон-омон қочиб қолган одамлар. Подшо шу муттаҳамларнинг маслаҳатига қулоқ солади. Ҳақиқий давлат Думаси Воронежда. Ҳозир барча шаҳарлардан, посадликлардан ҳамда аҳли савдогардан Воронежга арз-шикоят ёғилмоқда: кўнглидаги подшосини топиб олишди-да... Ана шу қаланғи-қасанғилар билан Туркия султонини енгишмоқчи. Прокопий Вазницининг Карловицдаги элчихонасида хизмат қилувчи бир одам Москвага ёзипти: турклар Воронеж флотини масхара қиляпти,— Дон дарёси денгизга қуйиладиган жойдан нари ўтолмайди, қумга ўтириб қолади деб куляпти,— депти.

— Худоё тавба, жимгина ўтирсак бўлмасмикин-а, туркларнинг жиғига тегмасдан,— деди ниҳоятда ювош Лаврентий Свиньин. (Унинг уч ўғли солдатликка, тўртинчиси — матросликка олинганди. Чол болаларини соғинарди.)

— Жимгина ўтириш — бу қанақаси?— деди Роман Борисович чолга кўзини ўқрайтириб.— Аввало сен, Лав-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рентий, зоти улуғ бошқалар турганда, гапга суқилмаслигинг лозим,— бу бир... (Ўз сонига уриб қўйди.) Нима, турклар олдида, татарлар олдида жим ўтирайликми? Ундай бўлса, нима учун князь Василий Голицинни икки марта Қримга юбордик?

Князь Мартин юзини печь томонга ўгириб пичинг қилди:

— Ҳамманинг ҳам ота мероси мулки Воронеж ва Рязань ортида эмас...

Роман Борисович бурнини қийшайтирди унга, лекин менсимагани учун жавоб қайтармади.

— Амстердамда Польша буғдойи пуди бир гульдендан сотилмоқда, Францияда эса ундан ҳам қиммат. Польша панлари олтинга кўмилиб кетди. Иван Артемич Бровкин билан гаплашиб кўр, сенга айтиб беради — пул қаердалигини... Мен бўлсам, бултурги буғдойнинг ҳар пудини вино заводларига ялиниб, отанг яхши-онанг яхши, деб уч тийину бир пулдан аранг сотдим... Алам қилади-да: мана — Ворона дарё, мана — Дон дарёси, у ёғи — денгиз орқали буғдойимни чет элда боплаб пуллардим... Бу жуда катта иш: агар тангри мадад бериб енгсак борми... Сен бўлсанг, жимгина ўтир дейсан-а!.. Биз денгиз бўйига, чунончи Керчми, бошқами, ишқилиб битта шаҳар қуриб олсак — бас... Ўшанда биз яна Учинчи Рим бўламиз, ахир Исо қабри ҳақида жон куйдиришимиз керакми-йўқми? Ё эса виждонимизни бутунлай йўқотиб қўйдикми?

— Султонни енголмаймиз, йўқ. Бекорга тегажоғлик қиляпмиз,— деди князь Мартин эркин нафас олиб.— Донимиз кўп бўлса — қайтага яхши, худога шукур қилиш лозим. Демак, очдан ўлмаймиз. Фақат қизларимиз ерга судраладиган этакни, ўзимиз ажнабийча расм-русм, олифтачиликни ҳавас қилмаслигимиз лозим...

Роман Борисович пол тахтасининг дўппайган кўзига тиззалари орасидан бирпас индамай қараб турди-да:

— Яхши,— деди.— Хўш, ким қизига судраладиган этак оберяпти?

— Шундай аҳмоқлар борки, немислар слободасига бориб қадоғини эллик, ҳатто етмиш беш тийиндан кофе ҳам сотиб олишади, бунақаларни ҳеч қандай мужик тўйғизолмайди.— Князь Мартин печга кўз қирини ташлаб, салқинган бағбақасини селкиллатар, яна жанжал чиқариш пайидалиги кўриниб турарди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эшикни биров қаттиқ итариб очди. Димиққан хонага аёзли ҳаво билан юмалоқ юзли, танқай бурун, лоладай қизариб кетган бир офицер кириб келди: учбурчак шаклли кичкина шляпаси қулоғигача бостириб кийилган, париги тўзиб кетганди. Оёғида — узун қўнжли оғир этик, эгнида — қизил ва кенг қайтарма енгли яшил ранг кафтан, кафтанига қор сачраган. Афтидан, бу офицер жон-жаҳди билан Москва бўйлаб от чоптириб келган.

Князь Мартин офицерни кўрди-ю, оғзини очиб эснай бошлади: уни ранжитган дилозор — Преображенский полкининг поручиги — подшонинг эркатойларидан бири худди ана шу Алексей Бровкин эди-да...

— Боярлар, ишларингни йиғиштиринглар... (Алёша шошилар, ланг очиқ эшик қопқасини ушлаб турарди.) Франц Яковлевич Лефорт жон таслим қилмоқда...

Алёша парикини бир силкиди-ю, кўзларини беҳаё чақнатиб (Пётр асраб олган таги пастларнинг ҳаммаси ҳам шунақа),— пошналарини дўқиллатиб, шпорларини жингирлатиб, поли чириган маҳкама йўлакларидан чопқиллаганича чиқиб кетди. Тақир кал шуъба оғаси ва мирзабошилар унинг кетидан кўз олайтириб тикилишарди: «Ҳовлиқмасдан, секинроқ юриш керак, беодоб, бу ер сенга отхона эмас».

5

Бундан бир ҳафта олдин Франц Яковлевич Лефорт ўз қасрида Дания ва Бранденбург элчилари шарафига зиёфат берганди. Ҳаво илиб, бўғотлардан сув томчиларди. Зал ичи жуда иссиқ эди. Каминда ўтин ловуллаб ёнар, Франц Яковлевич ўтга орқасини бериб, улуғ режалар тўғрисида ҳикоя қилиб ўтирарди. У тобора қизишиб, Дания қироли ҳамда Бранденбург курфюсти билан подшо Пётр ўртасида биродарона иттифоқ учун, норжил ёнғоқ палласидан ишланган қадаҳни кўтарарди. Ҳовлида, дераза қаршисидаги ярқироқ яшил тегарчикли ўн икки тўп (дераза ёнида турган мажордом дастрўмолини силташи билан) баравар гумбурлаб салют берарди. Порох тутуни оппоқ булут сингари осмонга кўтарилиб қуёшни тўсарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лефорт кўзларини катта очиб, зарҳал курсичада чалқанча ташланиб ўтирар, жингалак-жингалак парик толимлари оқарган юзига ёпишиб турарди:

— Улкан дарёларимиз бўйида мачтабоп қарағайзорлар ётибди, биздаги балиқ билан барча христиан мамлакатларни тўйғизиш мумкин. Истасак, минг-минг чақирим ерларни ҳайдаб зиғир ва наша уруғи сочамиз. Жануб томондаги ёввойи даштларни айтинг, пичанзорлар ичида юрган отлиқ кўринмайди! Ўша ерлардан татарларни ҳайдасак, чорвамиз туёғи осмондаги юлдуздай кўпаяди. Бизга темир керак бўлса,— оёғимиз остида. Уралда тоғ-тоғ темир рудаси. Европа мамлакатлари нимаси билан бизга мақтаниши мумкин? Газламаси биланми? Биз инглизларни, голландларни чақириб келамиз, ўзимизнинг одамларни мажбур қиламиз. Ҳаш-паш дегунча — бизда ҳар хил тўқимачилик корхоналари бўлади. Посадлик ҳунармандларни илм-фан, санъатга ўргатамиз. Савдо-саноат аҳлини тушида кўрмаган даражага кўтариб улуғлаймиз.

Қайфи ошиб қолган Лефорт, ширакайф элчиларга ана шундай деди. Элчилар унинг нутқи ва вино таъсири остида ҳайрон қолдилар. Зал ичи димиқиб кетганди. Лефорт мажордомга иккала деразани очиб қўйишни буюрди, эриган қор ҳиди аралаш кириб келган муздай ҳавони бурун катаклари билан ичига тортиб роҳатланди. То қош қорайгунча улуғ режалар учун аллақанча қадаҳни бўшатди. Оқшомда Польша элчисиникига жўнади ва ўша ерда тонг отгунча ичиб, танца тушди.

Эртасига Франц Яковлевич, ҳар кундагига қарағанда, бир оз мазаси қочгандек, ҳорғинлик сезди. Қуён мўйнасидан тикилган калта пўстинини кийиб, шойи рўмол билан бошини боғлаб олди-да, ҳеч ким ёнимга кирмасин, деб буюрди. Пётрга хат ёзмоқчи бўлиб ҳаракат қилди-ю, бироқ шуни ҳам эплаёлмади,— жунжикиб, пўстинга ўралиб камин ёнида ўтирди. Поликоло номли италиялик табибни чақириб келишди. Табиб унинг балғамини, сийдигини ҳидлаб кўрди-да, тилини такиллатиб, бурнини қашлади. Беморга сурги дори ичирди, томиридан қон олди. Заррача наф қилмади. Кечаси адмирал Франц Яковлевич, иситмаси зўрлигидан, ҳушидан кетди. . . . . .

. . . . . .

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пастор[1] Штрумпф табаррук кулчани боши устида баланд кўтариб, черковда хизмат қилувчи дастёр боланинг кетидан, каттакон залдаги одамлар орасини аранг ёриб ўтмоқда, бола эса қўнғироқ чалиб, йўл бўшатиб, олдинда бормоқда эди. Лефортнинг қасри ғовур-ғувурга тўлган,— бутун Москва шу ерга тўпланганди. Эшиклар тарақлаб очилиб-ёпилар, ғирғирак шамол эшикдан кириб тешикдан чиқарди. Хизматкорлар нима қиларини билмай эсанкираб қолган, баъзилари аллақачон ичиб, маст бўлиб олишганди. Лефортнинг хотини Елизавета Францевна эрининг ётоғига кириладиган эшик олдида пасторни кутиб олди,— йиғлаиверганидан юзи сўлишиб, қизил доғ босиб, бурни серрайиб қолган эди. Малина ранг кўйлагининг боғичлари чала-чулпа боғланган, соч толимлари парик остидан чиқиб турар эди. Адмирал хотини кетма-кет кириб келаётган номдор шахсларни кўргач, ўтакаси ёрилгудай бўлиб қўрқиб кетганди. У рус тилида деярли гаплашмас, умр бўйи ҳарамдан чиққан эмасди. Елизавета Францевна жуфтланган кафтларини пасторнинг кўксига яқин оборib, немис тилида пичирлай бошлади:

— Нима қилишимни билмай қолдим! Меҳмонлар шу қадар кўпки... Жаноби пастор Штрумпф, маслаҳат беринг, нима қилай? Балки ҳозирча бирор енгилроқ тамадди тортилиб турилсамикин? Хизматкорлар ҳаммаси ақлдан озибди, ҳеч гапимга қулоқ солмайди. Омборхоналар калити шўрлик Францнинг ёстиғи тагида. (Адмиральшанинг рангпар-сарғиш кўзларидан дувиллаб ёш келди, бечора аёл лифт ортини титкилаб дастрўмолини топди-да, оғиз-бурнини ҳўл дастрўмол билан тўсиб олди.) Жаноби пастор Штрумпф, залга киришга қўрқяпман, доим шу хилда ўзимни йўқотиб, довдираб қоламан... Энди нима бўлади, нима бўлади, пастор Штрумпф?..

Пастор одоб билан ҳозирги вазият талабига монанд ёқимли овоз билан адмиральшага бир неча сўз айтиб таскин берди. Сўнгра, тақир қирилган кўкимтир юзини кафти билан силаб, дунёвий ташвишлардан фориғ бўлди-да, ётоқ сари қадам қўйди.

Лефорт эзилган кенг ўринда ётарди. Гавдаси бир неча ёстиқ билан бир оз кўтариб қўйилганди. Тикандай соқоли ва сочлари ўсиб, ичига тортиб кетган бетларини

[1] Протестант черковининг попи. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва дўппайган бош чаноғини қоплаб олганди. Адмирал сарғайиб кетган ўмровини кериб, ҳуштак аралаш хирилаб, тез-тез нафас олар, гўё серташвиш ҳаёт гирдобига яна қайтмоқ учун жон талвасада интилаётганга ўхшарди. Оғзи очилиб қолган, иситмаси зўрлигидан қизариб, лаблари қовжираб кетганди. Фақат қоп-қора кўзларигина тирик, лекин ҳаракатсиз эди.

Табиб Поликоло пастор Штрумпфни бир четга олиб чиқиб, кўзларини қисиб, юзидаги ажинларни уйиб:

— Томирларида қон йўқ,— деди,— бизнинг фанимизга шу нарса маълумки, жон билан тан томирлар орқали боғланган бўлади. Аммо ушбу ҳолатда эса, адмиралнинг томирлари балғамга тўлганлигидан жони энг тор йўллар орқали минут сайин баданига қуйилмоқда, шу сабабдан томирлари ҳадемай батамом балғамга тўлиб, бутунлай бекилиб қолиши аниқ...

Пастор Штрумпф оҳиста бориб, беморнинг бош томонига ўтирди. Лефорт ҳозиргина алаҳсирашдан тўхтаб кўзини очган, ҳушига келганди, алланимадан безовталанаётгани кўриниб турарди. Номи тилга олинганини эшитиб, кўзини зўрғатдан қимирлатиб пасторга қарамоқчи бўлди-ю, бироқ яна каминга, каминда тутаётган кул ранг тарашага тикилиб олди. У ёқда, жимжимадор камин нақшлари устида денгизлар худоси — Нептун ёнбошлаб ётибди, қўлида — уч бошли найза, тирсаги тагида — тилла суви берилган кўза, кўзадан олтиндай товланиб сув қуйилмоқда, жингалак-жингалак заркокил сингари ҳар ёққа таралмоқда. Ўртада, қоп-қора ўра ичида ўтин тутамоқда...

Штрумпф адмирал нигоҳини бутга тортилган Исо образига жалб этмоқчи бўлиб астойдил ҳаракат қиларкан: дунёвий ташвишлардан абадий қутулмоқ ва у дунё роҳатидан умидвор бўлмоқ лозим, чунки парвардигор ҳеч бир бандани андин бенасиб айламагай,— деди... Лефорт бир нима деб ғулдиради, бироқ нима деганини англаб бўлмади. Штрумпф энгашиб унинг қип-қизил лабларига қулоғини тутди. Лефорт энтиккан нафаси аралаш:

— Кўп гапирма,— деди.

Шундай бўлса-да, пастор ўз бурчини адо этди: ўлим тўшагида ётган Лефорт учун ўзи тавба қилиб калима келтирди, табаррук кулчани ўптириб, оғзига вино томизди. Штрумпф кетгач, Лефорт тирсагига тиралиб гавдасини кўтарди. Ҳамма унинг мажордомни чақираётганини

www.ziyouz.com kutubxonasi

билди. Югуришиб қолишди, ўчоқ бошида йиғлаб ўтирган чолни топиб келишди. Йиғлайвериб шишиб кетган, шляпасига туяқуш пати тақилган мажордом қўлида ҳассаси билан беморнинг оёқ томонида тўхтади. Франц Яковлевич унга буюрди:

— Созандаларни чақир... Дўстларни... Қадаҳлар...

Созандалар тузук кийинмаган, ҳар ким ўз кийимида,— оёқ учида кириб келишди. Қадаҳларда вино келтиришди. Созандалар каравотни ўраб олишди-да, сурнайларни лабларига босиб, олтмишта кумуш, мис ва ёғоч сурнайларда французча ажойиб рақс — минуэтни чалишди.

Оппоқ оқариб, афтидан мурда ҳиди келиб қолган Лефорт елкасигача ёстиққа ботиб кетди. Чаккалари ичга кириб, юзи чўзилиб қолди. Фақат кўзлари ўтдай ёнарди. Унга қадаҳни беришди, бироқ қўллари кўтаролмади,— вино кўксига тўкилиб кетди. Музика садолари остида адмирал яна ҳушдан кетди. Кўзлари кўрмай қолди.

. . . . . .

Лефорт оламдан ўтди. Москвада одамлар суюнганларидан нима қилишларини билишмасди. Ажнабийлар ҳукмронлигининг белгиси — Кукуй слобода энди хотима топди. Лаънати маслаҳатгўй ҳаром ўлди. Бу аблаҳ подшо Пётрга сеҳрланган гиёҳ суви ичирган, буни ҳамма кўрган, ҳамма билган, лекин айтишга ҳеч кимнинг тили келмаган. Ўқчиларнинг кўз ёшлари охири бошига етди. Дажжол макони — Лефорт қасрининг овози энди абадий ўчади...

Москвада дув-дув гап: Лефорт жон бераётиб, созандаларга музика чалишни, масхарабозларга сакрашни, раққосаларга ўйин тушишни буюрганмиш, ўзи эса, мурдадай кўкариб тўшакдан думалаб тушиб, ирғишлай бошлаганмиш... Қасрида эса, чердакда ажина ув тортиб йиғлаганмиш, чийиллаб ҳуштак чалганмиш...

Етти кунгача боярлар ва турли лавозимдаги хизматчилар адмирал тобути ёнига келавердилар. Улар суюнганини ҳам, қўрққанини ҳам пинҳон тутиб, икки хил рангли залга киришарди. Зал ўртасидаги супачага тобут қўйилган, ярмигача қора шойи чойшаб ёпилган эди. Тўрт офицер қилич яланғочлаб тобут ёнида, яна тўрттаси пастда — супача ёнида турарди. Эридан айрилиб қолган хотин мотам либосида эди, у пастда — супача олдига қўйилган буклама курсида ўтирарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Боярлар супачага чиқишарди-да, касри юқмасин учун бурун ва лабларини тескари буриб лаънати адмиралнинг кўкариб кетган қўлига бетларини теккизибгина қўя қолишарди. Сўнгра, бева хотини ёнига бориб, икки букилиб, қўл учларини полга теккизиб таъзим қилишарди-ю урра жўнаб қолишарди.

Воронеждан йўлга чиққан Пётр йўл-йўлакай отларни алмаштириб, ўлган-тирилганига қарамай чоптиравериб, саккизинчи кун деганда етиб келди. Олти от қўшилган, чарм қопланган файтон Москва бўйлаб қуюндай учиб ўтди-да, тўғри Лефорт қасрининг ҳовлисига келиб кирди. Турли тусдаги отлар жиққа ҳўл қовирғаларини аранг қимирлатиб, нафас оларди. Файтоннинг чарм пардаси ичидан бир қўл чиқди-да, очмоқчи бўлиб қайишини тимирскилай бошлади.

Шу пайт Александра Ивановна Волкова саройдан чиқиб келаётганди, зинада ундан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Санька бу отларни кўриб, бironта зоти паст бояр келган бўлса керак, деб ўйлади. Унинг каретаси ўтадиган йўл тўсилиб қолганидан жаҳли чиқди.

— Нега йўлда қаққайиб турибсан? Ҳайда қирчанғиларингни,— деди подшо кучерига.

Ҳалиги қўл боғични тополмагач, парда қайишини жаҳл билан шартта юлиб ташлади ва бирданига, қайтарма қулоқчинли шапка, кул ранг мовут аврали барра пўстин, пийма кийган одам файтондан туша бошлади. Тушди, Санька бошини чалқанча ташлаб унга тикилди-қолди: новча, кулча юз, озиб кетган, кўзлари шишинқираган, қоп-қора мўйлови диккайган... Худоё тавба, подшо-ку!

Пётр увишган оёқларини олдинма-кетин чўзиб чигилини ёзди, қошлари чимирилиб бир-бирига қўшилиб кетди. Ўзи совчилик, вакил оталик қилган қизни таниди, кичкина оғзи атрофидаги ажинлар билан салгина жилмайди. Хириллаган овоз билан:

— Мусибат, оғир мусибат,— деди-ю, пўсти енгларини силкита-силкита қасрга кирди. Санька ҳам изига қайтиб, унинг кетидан югурди.

Стулда ўтирган бева хотин подшони кўриб анграйиб қолди. Подшо оёғига ўзини ташламоқчи бўлди. Бироқ Пётр уни қучоқлаб бағрига босди, бошидан оша тобутга қаради. Хизматкорлар югуриб келиб, подшонинг эгнидан пўстинини олишди. Пётр пиймада лапанглаб бориб

www.ziyouz.com kutubxonasi

видолашмоқ учун супачага чиқди. Тобут четига қўлини қўйиб, анчагача қимирламай турди. Сўнгра энгашди, кичкина гултожни, азиз дўстининг пешана ва қўлларини ўпди. Яшил кафтан остидан кифтлари қалтирай бошлади, гардани таранглашди.

Подшонинг елкасига тикилиб турган Саньканинг кўзлари жиққа ёшга тўлганди,— қўлини хотинчасига жағига тираб, ингичка овоз билан инграб йиғларди. Жудажуда ачинар, нимагадир, кимгадир раҳми келарди... Подшо худди ёш боладай бурнини торта-торта, супачадан тушди-да, Саньканинг ёнида тўхтади. Санька ҳамдардлик билан бошини қимирлатди.

— Бундай жонажон дўст энди қайда,— деди Пётр. (Бирдан ўпкаси тўлиб, кўзини қўли билан яширди, қопқора ва жингалак-жингалак сочларини силкита бошлади.)— Шодликда ҳам бирга эдик, ғам-ташвишда ҳам. Дилимиз ҳам, фикримиз ҳам бир...— Шартта қўлини туширди, у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради: кўз ёшлари тақка тиниб, мушукка ўхшади-қолди... Ўнтача бояр шошапиша чўқиниб, залга кириб келмоқда эди.

Ҳар ким ўз даражасига мувофиқ — олдин ёши улуғи, сўнгра бошқаси — бирин-кетин Пётр Алексеевич ёнига югуриб келишарди-да, дарҳол тиз чўкиб, кафтларини полга тираб, эман тахтачаларга устма-уст бош уриб таъзим қилишарди. Пётр улардан бирортасини ўрнидан турғизмади, қучоқламади, ҳатто илтифот юзасидан бош иргамади ҳам: подшо такаббурона гердайиб турар, кўриниши батамом бегона эди. Калта бурнининг икки катаги тобора шишиб борарди.

— Суюняпсиз, хурсандсиз, кўриб турибман!— деб пўнғиллади-да, қасрдан чиқиб яна файтонга минди.

6

Ўша йил кузда немислар слободасида, лютеранлар черковининг ёнгинасига саккиз деразаси кўчага қараган, голландча услубда ғиштин иморат қурилди. Уни улкан сарой маҳкамаси шошилинч равишда — икки ойда қуриб битирди. Бу уйга Анна Ивановна Монс онаси ва укаси Виллим билан кўчиб келди.

Подшо бу уйга ошкора келаверар, кўпинча шу ерда тунаб қоларди. Кукуйликлар (шунингдек, москвалиқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар ҳам) бу ўйни — малика қасри — дейишарди. Анна Ивановна уйда шоҳона таомил ўрнатганди: мажордом ҳамда хизматкорлар ливрея кийиб юришар, отхонада олти жуфт зотли поляк отлари боқилар, ҳар бир лозимат учун алоҳида карета тайёр эди.

Илгари Монслар майхонасига бир кружка пиво учун ҳар ким бемалол кираверарди, ҳозир эса бу уйга ўйлашиб киришарди. «Уни қара-я,— деб эслашарди немислар,— яқиндагина бу кўк кўз Анхен топ-тоза этак тутиб, столларга кружкада пиво келтириб қўярди. Ўшанда улфатлардан бирортаси ҳазиллашиб думбачасига шапатилаб: «Қани, балиқча, кўпигини ҳўпла-чи, гули сенга, пивоси менга» деса, лоладай қизариб кетарди...»

Энди Монслар уйида Кукуй аҳолисидан фақат — мўътабар кишилар — савдогарчилик ва тўқимачилик соҳасининг арбобларигина бўлар, лекин улар ҳам таклиф қилинганда,— байрамларда, зиёфатларда келишарди. Дастурхон устида ҳазил-мутойиба гап қилишар, аммо ҳеч ким ҳаддидан ошмасди. Анхеннинг ўнг томонида ҳамиша пастор Штрумпф ўтирарди. У рим тарихидан бирор кулгили ёки ибратли воқеани ҳикоя қилишни яхши кўрарди. Вақтичоғ меҳмонлар ўйчанлик билан олисдан имиллашиб кружкаларини кўтаришар, ширин хаёлга чўмиб, хўрсиниб қўйишарди. Анна Ивановна уйда айниқса одоб сақланишига, ҳамма нарса чиройли бўлишига кўпроқ эътибор берарди.

Шу йиллар ичида унинг ҳуснига ҳусн қўшилган: юришида такаббурлик, нигоҳида — осойишталик, мулойимлик ва ғамгинлик пайдо бўлганди. Одамлар қанчалик гап қилишмасин, унинг ойнабанд каретаси кетидан нақадар эгилиб таъзим қилишмасин,— подшо уникига ётиб кетиш учунгина келарди, холос. Хўш, бу ёғи нима бўлади? Амлок маҳкамаси Анна Ивановнага бир неча қишлоқча инъом қилганди. Бал ва зиёфатларда қимматбаҳо тақинчоқлар билан шу қадар безаниб олардики, ҳаммaнинг ҳаваси келарди, Пётр Алексеевичнинг гир айланасига олмослар қадалган, кичкина ликобчадай расмини кўксига тақиб юрарди. Муҳтожлик нималигини билмас, нима истаса муҳайё эди. Лекин бу ёғи мужмалроқ,— иш ора йўлда тўхтаб қолганди.

Вақт ғириллаб ўтарди. Подшо энди кўпинча Воронежда турар ёки жанубий денгиздан шимолий денгизгача бекатма-бекат от алмаштириб, йўлда қуюндай учиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

юрарди. Анна Ивановна унга хат ёзар ва ҳар бир маросим ёки байрамда мактуб билан бирга — ярим дужна цитрон[1], ярим дужна апельсин (булар Ригадан келтириларди), занжабилли колбаса, хушбўй гиёҳ солинган ичимлик юборарди. Ахир, ўйнашни мактубу совғалар билан узоқ ушлаб туриш мумкинми? Борди-ю, бирорта хотин унга илашиб, кўнглига ёқиб қолса-чи? Анхен тунлари мижжа қоқмай, парқу тўшакда тўлғаниб тонг отдирарди. Ҳамма иш мужмал, ноаниқ, омонат. Душман, душман, чор атрофдан душман ўраб олган,— Монсиха қачон қоқилиб йиқиларкин,— деб кутишарди, холос.

Ҳаттоки энг яқин дўсти — марҳум Лефорт ҳам,— Анна Ивановна унга: қачонгача Пётр ўзига қарамай шу хилда палапартиш бўйдоқ юриши мумкин, деб олисдан гап очганда,— Анхеннинг юзини оҳиста чимчилаб: «Ваъда қилинган нарсани уч йил кутиш керак»,— деганди. Дарди нимадалигини ҳеч ким тушунмасди: Анна Ивановна подшо тахтини ҳам, ҳокимиятни ҳам истамас, чунки ҳокимият — нуқул ташвиш, бебақо...У мустаҳкам алоқани, поклик, одоб сақланишини истарди, холос...

Фақат битта йўл — иссиқ-совуқ қилишгина қолганди. Онасининг маслаҳатига кўра, бир куни кечаси Анна Ивановна, қаттиқ ухлаб ётган Пётрнинг ёнидан оҳиста турди-да, қитдай латтага ўз қонини томизиб, унинг камзули четига шу латтани тикиб қўйди... Подшо Воронежга жўнаб кетди, камзул эса — Преображенскда қолди, ўшандан бери бу камзулни бирор марта кийгани йўқ. Қампир Монсиха афсунгар хотинларни бир неча марта орқа уйга чақириб келди. Бироқ онаси ҳам, қизи ҳам кимни иссиқ-совуқ қилиш лозимлигини очиқ айтишга қўрқишди: князь-кесарь Ромодановский афсунгарлик учун палаққа тортар эди.

Агар бироита оддий (лекин бадавлат) киши Анна Ивановнани севиб қолганда,— жон дерди-я! Бунақа зебзийнатларнинг ҳаммасини беғалва турмушга жон деб алишарди. Озодагина уй,— мажордомсиз бўлсаям майли,— мўм суртилган залда қуёш шуъласи жилваланади, дераза токчаларига қўйилган жасмин гулларнинг муаттар бўйи, ошхонада қовурилаётган қаҳванинг ҳиди уй

[1] Бир хил цитрус ўсимлик меваси. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ичига ёйилиб, кўнгилни яйратади, ҳузур-ҳаловат бағишлайди, киркада[1] қўнғироқ жаранглайди, кўчада уй ёнидан ўтиб бораётган мўътабар кишилар, дераза олдида тикиш тикиб ўтирган Анна Ивановнага эҳтиром билан салом берадилар...

Лефортнинг ўлими билан Анна Ивановнанинг боши устида қора булут соя солиб тургандек бўлди-қолди. Шу етти кун ичида (Пётр етиб келгунча) Анна шунча кўп йиғладики, онаси табиб Поликолони чақиртириб келди. Табиб унинг қонида хафагарчилик орқасида йиғилган балғамни тозалаш учун сурги буюрди. Анна Ивановна Пётрни кутаркан, ваҳмдан юраги орқасига тортиб кетар, бироқ нега бундайлигини ўзи ҳам англаёлмасди. Хаёлан Пётрни эсламоқчи бўлиб, ўқчилар қатл этилган қонли кун оқшомида Лефортникида ўтирган ҳолатини: тупроқдай бўзариб кетган юзини, тиш оғриғидан шишиб кетган юзини кўз олдига келтирар эди. Ўқрайган кўзлари ғазабга тўлганди. Аёзда қизарган қўллари стол устида — бўш талинка олдида қимирламай ётарди. Овқатга қарамас, дастурхон тепасида бўлаётган ҳазилмутойиба гапларга қулоқ солмасди. Ҳеч кимга боқмасдан, дудмалроқ қилиб гап бошлаганди:

— Қошки тўрт полккина бўлса, улар сон-саноқсиз... Кундага бошларини қўяётиб ҳам икки бармоқ билан чўқинишди-я... Қадимий урф-одат учун, эскилик ва қашшоқлик учун жон беришди... Қашшоқликдан ҳам ўтиб, қип-яланғоч девона бўлиш учун... Ана посадлик ҳунармандлар! Аслида Азовдан эмас, Москвадан бошлаш керак экан!..

Анна Ивановна Пётрнинг ўша кунги ҳолатини унутолмас, эсига тушса — қалтираб кетарди. Ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийновчи бу одам уни тинч деразадан энг оғир ташвишлар гирдобига улоқтирмоқчи бўлганини кўнгли сезиб турарди... Нега? Борди-ю, руслар орасидаги пичир-пичирлар рост бўлиб, бу одам дажжол бўлса-чи?.. Кечалари Анна Ивановна мўм шамнинг майин шуъласи тушиб турган каравотда ётаркан, қўлларини бураб, бармоқларини қайириб, юм-юм йиғларди:

— Ойи, ойижон, ўзимни нима қилишим керак энди? Уни севмайман... Келади ҳали ҳовлиқиб — на сабрни билади ва на бошқани... Мен бўлсам — ўликман, ўлик...

---

[1] Протестантлар черкови. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Балки мен ҳам шўрлик Францга ўхшаб тобутда ётсам яхши бўлармиди...

Эрталаб Анна Ивановна ювиниб-таранмаган, кўзлари шишган ҳолда деразага қаради-ю, ўнқир-чўнқир кўчада, панжара девор ортида подшо файтони тўхтаганини кўриб қолди. Бу гал Анна ҳовлиқмадиям, у ёқ-бу ёғини тузатмадиям: бошида чепчик ва тивит рўмол билан,— нима деса дер,— деб шундай ҳолда тураверди. Пётр боғчадан ўтиб келаётиб, деразадан уни кўрди-да, кулмай бош ирғаб қўйди. Даҳлизда оёғини гиламчага артди. Ҳушёр, ювош:

— Салом, Аннушка,— деди мулойимгина қилиб. Пешанасидан ўпди.— Етим қолдик.— Девор ёнига, деворга осилган соат тагига бориб ўтирди: соат капгирида кулиб турган юзнинг сурати оҳиста чайқалиб арғимчоқ учарди. Пётр жуда секин гапирар, гўё ажал адашиб шу қадар номаълум иш қилганидан таажжубланаётганга ўхшарди.— Шўрлик Франц, Франц... Ёмон адмирал бўлса ҳам, бутун бошли флотга арзийдиган одам эди. Бу — мусибат, оғир мусибат, Аннушка... Эсингдами, мени биринчи марта сеникига олиб келгани? Ўшанда сен жажжи қизалоқ эдинг, мусиқий яшикни синдириб қўяди, деб қўрқиб кетгандинг... Ажал бошқа одамнинг жонини олиши керак эди... Франц йўқ! Ақл бовар қилмайди...

Анна Ивановна юз-кўзигача тивит рўмолга ўраниб, қулоқ соларди, холос. Тайёрланмагани учун нима деб жавоб қилишини ҳам билмасди. Кўз ёшлари рўмол остидан тирқираб оқар, эшик орқасида идиш-товоқларнинг шиқирлагани эшитиларди. Жиққа ёш бўлган бурнини тортиб, ўпкаси тўлиб хўрсинди-да, тангри даргоҳида ҳозир Франц роҳат қилаётган бўлса керак, деди ғўлдираб. Пётр унга ғалатироқ қилиб қараб қўйди...

— Питер, йўлдан келиб ҳали ҳеч нима емагандирсиз. Бугун худди сиз яхши кўрган қовурма колбаса...

Пётрни қовурма колбаса ҳам қизиқтирмаганини кўриб Анна Ивановна ғамга чўмди. Ёнига ўтириб, тери ҳиди уриб қолган қўлини оғзига обориб ўпди. Пётр бошқа қўли билан унинг сочини силади:

— Кечқурун келаман, бирпас ўтириб кетаман... Қўй, бўлди қил энди, қўлимни ҳўл қилвординг... Бориб колбаса билан ароқ олиб кел... Бора қол тезроқ... Қиладиган ишларим кўп бугун...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лефортни дабдабаю асаса билан дафн қилдилар. Уч полк аскар, байроқлари энгашган ҳолда, тўплари билан бирга кузатиб борди. Тобут қўйилган ва саккиз жуфт қора от қўшилган махсус арава кетидан адмиралнинг шляпасини, қиличини ва шпораларини ёстиқлар устида кўтариб боришарди. Қора совут кийган, дубулгасига патлар тақилган суворн машъалани ерга қаратиб ушлаб олганди. Элчилар ва пшончли вакиллар мотам либосида сукут сақлаб борарди. Уларнинг кетидан — боярлар, окольничийлар, дума аъзолари ҳамда москвалик дворянлар — мингтача одам. Ҳарбий трубачилар труба чалишар, барабанлар оҳиста тараклардн. Пётр Преображенский полкининг биринчи ротаси билан олдинда борарди.

Боярлардан баъзилари, салгина нарида кетаётган подшони кўрмасдан олдинда юришни орзу қилиб, элчилар олдидан бирин-кетин йўрғалаб ўта бошлади. Элчилар кифтларини қисиб, пичирлашиб қолишди. Қабристон олдида уларни бутунлай четга чиқариб қўйишди. Роман Борисович Буйносов билан бефаҳм князь Степан Белосельский эса, тобут қўйилган аравани ушлаб, ғилдиракнинг ёнгинасида судралиб боришарди. Кўпгина руслар ширакайф эди: ўликни чиқаришга шошилиб тонг ёришар-ёришмас келганлари учун қоринлари очган, марҳумни эслаш маросими бошланмасданоқ, ҳар турли яхна таом қўйилган дастурхон атрофида тиқилишиб, аллақачон еб-ичиб олишган эди.

Тобутни лаҳаддан чиққан музлаган тупроқ устига қўйишгач, Пётр тез-тез юриб тобут ёнига борди. Боярларга кўз ташлади, соқол-мўйлови қирилган, ранги қув ўчган башараларга тикилди, шу қадар ғазаб билан тишини ғижирлатдики, баъзи бировлар кетига тисарилиб, одамлар орқасига яширинишди. Тоғаси Лев Кирилловични имлаб чақирди:

— Нега булар элчилар олдига ўтиб олди? Ким рухсат берди?

— Уларга айтдим ҳали, уялтирсам ҳам, сўксам ҳам қулоқ солишмади,— деди секингина Лев Криллович.

— Итлар! (янада қаттиқроқ). Булар одам эмас — итлар!— Бўйнини бир силтаб, бошини гир айлантирди, қўнжи узун этиги билан ер тепинди. Боярлар тисарилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўл бўшатишди, элчилар ва ишончли вакиллар сурилишиб, қабр ёнига боришди,— бу ерда, қопқоғи очиқ тобут тепасида, мовут кафтанда, совқотиб, етти ёт бегонага ўхшаб подшо турар эди. Яна қанақа ҳунар кўрсатаркан, дегандай ҳамма унга ўтакаси ёрилгудек бўлиб тикиларди. Пётр қиличини ерга санчди, тиз чўкди ва... саргузаштлар шайдоси, тўс-тўполон, ўйин-кулги, кайф-сафолар ишқибози бўлмиш жонажон ўртоғидан, қадрдон ва оқил дўстидан қолган ушбу жасадга юзини маҳкам босди... Ниҳоят, аччиқ алам билан кўз ёшларини артиб, ўрнидан турди.

— Қопқоғини бекит... Қабрга қўй...

Барабанлар тараклади, байроқлар энгашди, тўплар гумбурлади, оппоқ тутун булути осмонга кўтарилди. Тўпчилардан бири анқайиб, чекинишга улгуролмай қолди,— ёлқин унинг калласини шартта учириб юборди.

Ўша куни Москвада яна шивир-шивир бошланди: «Иблисни-ку — кўмдик, лекин бошқаси қолди, шунча одам қирилгани камлик қиляпти чоғи».

8

Савдогарчилик ва ҳунармандчилик соҳасида кўзга кўринган кишилар чаналарини дарвоза сиртида қолдириб, шапкаларини қўлга олиб,— ҳовлининг қоқ ўртасидан бошланган усти ёпиқ, узун зинадан Преображенский қасрига кўтарилишарди. Тижорат соҳасидаги давлат вакиллари ҳамда савдо растасидаги дўкондор бойлар — эгниларида асл мовут аврали тулки пўстин, почапўстинда уч от қўшилган, гилам қопланган чаналарда келишар ва қўрқмасдан тўғри кираверишарди. Путури кетган зал яхшироқ иситилмаганди. Боярлар чўкинқираб қолган ва кўп жойидан дарз кетган шифтга қараб, курсиларга ва эшикларга қопланган қизил мовутни куя еганини кўриб бош чайқашар:

— Қадимги иморат, шарти кетиб-парти қопти... Боярлар ташаббуси билан қурилгани кўриниб турипти,— дейишарди.—Эсизгина, эсизгина...

Ном-баном тузилган рўйхат бўйича, тижорат аҳлини бу ерга ошғич тўплаган эдилар. Никонианчилар идишида овқат ейишга ва тамаки чекишга мажбур қилишади, деб кўркиб баъзи бировлар келмади. Подшонинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

нима учун қасрга таклиф этганини одамлар фаҳмлашарди. У куни Қизил майдондаги дўнг жойда, дума мирзабошиси барабанлар садоси остида олий фармон ўқиб эшиттирди. Унда шундай дейилганди: «Подшоҳ олий ҳазратлариға маълум бўлибдурким, тижорат соҳасиндаги давлат вакилларига ҳамда савдо растасидаги дўкондорларға инчунин барча посадлик ҳунармандларға ва савдогарларға ва саноат аҳлиға баъзи маҳкамалар ҳамда вилоят ҳокимлари, шунингдек, маҳкамаларда хизмат қилғувчи турли амалдорлар сансалорлик қилмоқдалар, совда-сотиқ ишлариға, ҳунармандчилик ишлариға катта зиён етказиб, аларни хонавайрон қилмоқдалар... Улким, подшо олий ҳазратлари аларға меҳрибонлик юзасидан ушбу тадбирни маъқул кўрдилар: алар орасидаги низоларни, суд ишларини, арз-шикоятларни, савдо-сотиққа оид ҳамда давлат солиқларини ундириш каби масалаларини эмдиликда бурмистрлар ҳал қилғайлар, бурмистрларни тижорат аҳли йилда бир марта сайлағай: ўз ораларидин энг яхши ва адолатли кишилардин кимни хоҳласалар — ани сайлаб олғайлар. Ҳар ой бурмистрлар орасидан бир одам президентлик қилғай...» Бундан ташқари: шаҳарларда, посад ва слободаларда суд ишларини олиб бориш, низоларни бартараф қилиш, ўлпонлар тўплаш учун энг яхши ва адолатли кишилардан маҳаллий бурмистрлар сайлансин, шунингдек, бож олиш ва майхоналардан даромад солиғи йиғиш учун божхона ва қовоқхона бурмистрлари сайлансин, дейилган. Бурмистрлар савдо-сотиқ ва солиқ масаласига оид жамики ишларни бошқаришлари, фикр юритиб маслаҳатлашиш учун махсус Бурмистрлар палатасига тўпланишлари лозим, жанжалли ишлар ва арз-шикоятлар билан маҳкамаларга мурожаат этмасдан шу ерда тўғри подшо ҳузурига кирилсин, дейилган.

Бурмистрлар палатаси учун Кремлдаги Иоанн-Предтечи ибодатхонаси ёнидаги кўҳна сарой биносининг ертўлалари билан (ертўлада хазина сақлаш учун) қўшиб берилди.

Бундай оқилона, айни муддаодаги ишга Москва савдогарлари пулни аямайдилар (яқиндагина Кремлга юракларини ҳовучлаб шапкасиз киришарди, энди у ерга бемалол ўрнашиб олишди): кўҳна саройнинг томи янгиланди, кумуш ранг тунука қопланди, бинонинг ичи ва сирти бўялди, дераза кўзларига слюда эмас, ойна қў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

йилди. Подваллар олдига ўз одамларидан соқчи қўйишди.

Вилоят ҳокимларининг зуғумидан ва маҳкамалардаги адолатсизликдан қутулганлиги эвазига энди савдогарлар илгаригисига қараганда икки ҳисса даромад солиғи тўлашлари керак эди. Хазина учун бу — соф фойда. Хўш, савдогарлар учун-чи?— униси номаълум...

Дарҳақиқат, вилоят ҳокимлари, маҳкамалардаги катта-ю кичик амалдорлар дастидан кун кўриш амри маҳол эди, булар шу қадар очкўзки, ҳушёр бўлмасанг,— бўрига ўхшаб бўғзингга чанг солади, Москвада судма-суд судрайвериб, иштонинггача ечиб олади, бошқа шаҳар ва посадларда эса тўлов бадалига ҳокимнинг ҳовлисида қийнайвериб жонингни олади. Шундай, ҳаммаси рост, албатта.

Аммо баъзи бировлар,— муғамбир, уддабуро одамлар,— янгиликдан чўчишар ва ҳар эҳтимолга қарши чорасини кўришар: ҳокимга таъзим қилиб пул қистиришар, мирзага бир газ мовут ёки қанд, ёки балиқ юборишар, мирзабошини уйларига чақириб хурсанд қилишар ва шу йўсинда туппа-тузук яшашарди. Баъзи бойларда қанча мол, қанча пул борлигини ҳоким ёки мирзабоши тугул иблис ҳам текшириб аниқлаёлмас... Албатта, растада энг бадавлат одам — Митрофан Шорин ёки Алексей Свешников учун маза,— бундай шунқорларни кафтда кўтариб юришади, уларнинг уйига митропалит келиб кетиб туради. Улар Бурмистрлар палатасига уч баравар даромад солиғи тўлашга ҳам рози, чунки, обрў, тартиб — ҳаммаси ўша ерда. Хўш, анави Ревякинларнинг улкани — Васька-чи, масалан? Дўконидаги темир-терсакни ҳисобласангиз — тўққиз пулдан ошмайди, нуқул кўзларини латта билан ишқалаб ўтирганн ўтирган. Аммо қизиғи шундаки, кўрган-билганлар айтишича: уч мингга яқин деҳқонни қарз бадалига қарол қилиб олган. Анчайин мужик ёки посадлик ҳунарманд у ёқда турсин,— ундан қарздор бўлмаган, оғир шарт билан тилхат бермаган савдогар камдан-кам топилади. Бирорта шаҳар, бирорта посад йўққи, Ревякин у ерда темир-терсак дўкони очмаган бўлсин, усталигини қарангки, ҳаммаси қариндошлари ва гумаштаси номида. Уни ҳеч қандай йўл билан қўлга тушириш мумкин эмас: балиқдай билтанглаб қўлдан чиқади-кетади. Унинг учун Бурмистр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар палатаси,— хонавайронлик,— давлати қанчалигини ўз ҳамкасбидан яшириб бўпти...

Савдогарлар подшонинг чиқишини кутишар — ёши улуғлари скамейкаларда ўтиришар, ёшроқлари тик туришарди. Нега чақирганини ҳамма тушунарди: демак, умидвор подшоҳимизга пул керак, биз билан очиқчасига гаплашмоқчи. Аллақачон шундай қилиш керак эди,— очиқчасига... Бу ерда биринчи марта бўлганликлари сабабли юраклари ўйнаб, тахтнишин ёнидаги шерлар ва қушлар расми солинган антиқа эшикни томоша қилишарди (тахт йўқ, фақат чодир-соябон қолганди).

Ёнбошидаги эшикдан бирданига Пётр чиқди: эгнида голландча либос, юзи қип-қизил, ичган бўлса керак.

«Салом, салом»,— деб такрорлади мулойимгина, сўнгра ҳамма қўл бериб кўришди, баъзиларнинг кифтига қоқиб, бошини силаб қўйди. Кетидан бир неча киши эргашган: Митрофан Шорин билан Алексей Свешников — эгниларида венгерча камзул: ака-ука Осип, Фёдор Баженинлар — ниҳоятда жиддий, басавлат, мўйловлари буралган, чет эл мовутидан тикилган елкаси тор кафтан кийиб олишган; паканагина, лекин кеккайган, сал кунда бойиб кетган Иван Артемич Бровкин — соқоли тақир қирилган, қоратўриқ парики киндигига тушиб турибди; дума мирзабошиси, хўмрайган Любим Домнин ва ниҳоят, кийимига қараганда оддий посадликка ўхшаш, циганча соқол қўйган, сочлари кенг пешанасидан орқага қаратиб силлиқ таралган, ҳеч ким танимаган аллақандай бир одам,— қўрққанидан бўлса керак,— энг кейинда келар эди.

Пётр скамейкага ўтирди-да, керилган тиззаларига тирсагини тираб олди. Сўнгра, олға силжиган савдогарларга: «ўтиринглар, ўтиринглар»,— деди. Бироқ улар имиллашиб тураверди. Подшо боши билан имлаб ўтиришга буюрди. Ёши улуғлар дарҳол ўтиришди. Дума мирзабошиси турган жойида орқа чўнтагидан ўроғлиқ қоғозни — фармонни олиб, қақраган лаблари билан тамшанди. Ўша он ака-ука Осип ва Фёдор Баженинлар ирғиб туриб, инглизча шляпаларини қоринлари устига қўйиб, синолик билан бошларини қуйи солдилар. Пётр яна боши билан имлаб уларни кўрсатди:

— Қани энди мана шундай азаматлар бизда кўпроқ бўлса... Мен кўпчилик олдида Осип билан Фёдорни мукё-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фотламоқчиман... Англияда, Голландияда тижорат ишларида, корхоналарни ривожлантиришда ибрат кўрсатган одамларни мукофотлайдилар, биз ҳам ушбу русумни жорий қилишимиз керак. Гапим тўғрими? (Ўнг ва сўлга бурилиб қаради, қошларини кўтарди). Нега бирдан хаёл суриб қолдинглар? Пул сўрайди деб қўрқяпсизларми? Янгича яшай бошлаш керак, савдогарлар, янгича,— мен фақат шуни истайман...

Бадавлат мовутфуруш Момонов таъзим бажо келтириб сўради:

— Янгича яшаш қанақа бўлади, подшоҳим?

— Ҳар ким ўзича яшашни тарк этади... Менинг боярларим бўрсиққа ўхшаб, уйларида ўтиргани ўтирган. Бу сизларга тўғри келмайди, сизлар — тижорат аҳлисизлар. Савдогарчилик илмини ҳар ким ўзича эмас — ширкатлар тузиш йўли билан ўрганиши керак. Голландияда Ост-Инд ширкати бор — ана пухта иш: биргаликда кемалар қуришади, биргаликда савдо-сотиқ, яхлит-яхлит фойда қилишади. Ўшалардан ўрганишимиз керак... Савдогарчилик илмини ўрганиш учун Европада академиялар бор. Хоҳласангиз — Амстердамдагидан ҳам яхшироқ биржа қуриб берамиз. Ширкатлар тузинг, корхоналар очинг... Сизлар бўлса: «алдамасанг — сотолмайсан»,— шуни биласиз, холос...

Подшога маҳлиё бўлиб тикилиб турган савдогар йигит шапкасини бирдан тарс эткизиб кафтига урди:

— Рост гап, бизда доим шунақа...

Ёнидагилар этагидан тортиб уни орқага сурмоқчи бўлишди. Бироқ, у бошини чайқаб, кифтини қисди.

— Нима? Рост эмасми? Алдаш билан кун кўряпмиз: қадоқдан урамиз, газдан урамиз — алдаймиз, холос...

Пётр кулиб юборди (йўғон овоз билан, хунукроқ қилиб, оғзи карнайдай очилиб кетди). Унга қўшилиб ёнида турганлар ҳам секингина кулдилар. Подшо кулгини шартта тўхтатиб:

— Икки юз йилдан бери савдогарчилик қиласизу, ҳали ҳам йўлини билмайсиз,— деди жаҳл билан.— Атрофингиз тўла бойлик, босиб ўтасизу — кўрмайсиз... Яна ўша-ўша қашшоқлик, оч-яланғочлик. Бир тийин топдингми — қовоқхонага югур. Шундайми?

— Жудаям ундай эмас, подшоҳим,— деди Момонов.

— Йўқ шундай! (Бурун катаклари шиша бошлади.)

— Чет элга бориб у ёқдаги савдогарларни бир кў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ринг-а,— қиролдан кам эмас! То ўзларинг ўрганиб олгунча кутиб ўтиришга бизда вақт йўқ... Баъзи чўчқани зўрлаб тумшуғини тоғорага тиқмасанг — ўзи топиб еёлмайди... Нима учун ажнабийлар доим мени безор қилишади? Дам уни бер, дам буни, таги билан бер, деб қисташади... Ўрмонларни, конларни, корхоналарни кўтарасига сотиб олишмоқчи... Хўш, ўзимизникилар нега шундай қилолмайди? У куни Воронежга аллақайси юртдан бир одам келди: шундай сайрадики, бирам ғалати прожектлар![1] Юртингиз бой, фақат одамларингиз камбағал... Нега бундай?— деди.—Мен индамадим... Сизлардан сўрайман,— нега бундай? Ёки бизнинг юртимизда уларга қараганда мундайроқ одамлар яшайдими? (Савдогарларга қаттиқ тикилди, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди). Тузугини худо бермади. Борига шукур қилиб иш битираверишкерак. Шундайми? Баъзан рус кишилари мени шундай қийнашадики, жоним ҳалқумимга келади... (Қулоғи таранглашиб, бўйин томири биратўла туртиб чиқди).

Шу пайт, подшо ёнида ўтирган Иван Артемич гапга беғараз аралашиб, ҳар бир сўзни чўзиб деди:

— Русларни кўп урганлар, лекин бекордан-бекорга ураверганлар, шунинг учун мундайроқ бўлиб қолишганде...

— Аҳмоқ!— ўшқирди Пётр.— Аҳмоқ!— Тирсаги билан Бровкиннинг биқинига туртди.

Иван Артемич ўзини баттар жинниликка солиб:

— Ана холос, мен ҳам шуни айтяпман-да,— деди.

Подшо Бровкиннинг ғалатироқ қисилган кўзларига, аҳмоқона илжайган юзига ғазаб билан андак тикилиб турди-да, пешанасига шапатилаб:

— Ванька, сени масхарабоз қилишга фармон берганим йўқ ҳали,— деди.

Бироқ, афтидан савдогарлар олдида тутақиш, дўқ қилиш ақлдан эмаслигини ўзи ҳам тушунди, чоғи. Савдогарлар — боярлар эмас: боярларни сўксанг ҳам, урсанг ҳам ҳеч ёққа бормайди, чунки ота мерос мулкини ташлаб кетолмайди. Савдогарлар эса, шиллиқ қуртдай муғамбир, сал нарсага тушмуғини чиғаноққа яширади-ю, капитали билан бирга жўнаб қолади... Ҳақиқатан ҳам палата сув қуйгандай, орага совуқлик тушгандай жи-

[1] Проект, лойиҳа. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

миб қолганди. Иван Артемич ер остидан подшога айёрона кўз қисиб қўйди.

— Ўқи, Любим,— деди Пётр мирзабошига.

Ака-ука Баженинлар яна сиполик билан бошларини қуйи солдилар. Любим Домнин ингичка ва ширасиз овоз билан шошмасдан ўқий бошлади:

—«...берилди ушбу мукофот ёрлиғи жонбозлик кўрсатганлиги учун... Бултурги йили Осип ва Фёдор Баженинлар Вовчуга қишлоғинда ажнабий мастерлар ёрдамисиз, ўзлик-ўзлари, немислар тегирмониға монанд, сув бирла юрадирғон арралиқ тегирмон қурганларким, анда яғоч аралаб, тахта тилмоқ ва тахталарни Архангельскға элтиб ажнабий ва рус савдогарлариға сотмоқ учун. Алар яғочларни тилдириб тахта қилдилар. Архангельскға олиб бордилар ва ул ердин чет элга жўнатдилар. Ака-ука Баженинлар ҳозир ўшал завод ёнида кемалар ҳамда яхталар қурмоқ ниятидадурлар, токи тахта ва бошқа ҳар хил рус молларини шу ердин тўғри чет элга жўнатмоқ мумкин бўлғай. Шул сабабдин бизким, подшойи аъзам, аларға миннатдорлик изҳор айлаб буюрдикким, ўшал қишлоқда кемалар ва яхталар қуришга киришсинлар; кемасозлик учун керакли чет элдин келтириладиган жамийки асбоб-ускуналар бож тўлашдан озод этилсин; кемасозликда мутахассис ажнабий ва рус мастерларини эркин равишда ёллаб, ўз асбоблари билан бирга ишга олинсин. Кемалар битиб тайёр бўлғач, денгиз қароқчиларидан қўриқламоқ ва шунингдек, ажнабий кемалардин эҳтиёт бўлмоқ учун кемаларға тўплар ўрнатилсин...»

Мирзабоши узоқ ўқиди. Сўнгра, муҳр осилган ёрлиқни найча қилиб ўради-да, кафтига қўйиб Осип билан Фёдорга узатди. Улар ёрлиқни қабул қилиб, подшо олдига бордилар ва индамай, одоб ҳамда сиполик билан оёғига эгилиб таъзим қилдилар. Пётр уларни елкаларидан ушлаб оёққа турғизди-да, иккисини ҳам ўпди, аммо шоҳона русмига биноан юзидан эмас — оғзидан, қаттиқ ўпиб-ўпиб олди.

— Энг муҳими — ташаббус, ташаббус ҳамма нарсадан қиммат,— деди Пётр савдогарларга. Сўнгра кўз югуртириб, ҳеч ким танимаган, циганча соқол қўйган тепакал посадликни қидириб топди-да, чақирди:— Демидич! (У ҳарсиллаганича одамлар орасини ёриб ўтиб, подшо ёнига борди). Демидич, савдогарларга таъзим

www.ziyouz.com kutubxonasi

қил... Бу Никита Демидов Антуфьев — тулалик чилангар. У ясаган тўппонча ва милтиқлар инглизларникидан қолишмайди. Чўян қуяди, кон қидиради. Бироқ қўли калта. У билан гаплашиб, ўйлашиб кўринглар. Мен унинг дўстиман. Агар ер керак бўлса — ер берамиз, қишлоқлар инъом этамиз. Демидич, таъзим қил, таъзим қил уларга, сен учун ўзим кафилман...

9

— Сен кимсан? Нима қилиб юрибсан бу ерда? Ким керак сенга?

Тўладан келган баджаҳл аёл палехлик икона чизувчи Андрей Голиковни қовоғу димоғ билан бошдан-оёқ қараб чиқди. Илма-тешик бўлиб кетган жигар ранг жул чакмон остида Андрейнинг иссиқлик тошган бадани дағдаға титрарди. Рутубатли март шамоли гувиллаб, оқ шаҳарнинг кўҳна деворлари устидаги шипшийдам баргсиз буталар ҳуштак чаларди. Патлари ҳурпайган оч қарғалар тўда-тўда ахлатлар устида учишиб қағиллашарди. Савдогар Василий Ревякиннинг қўраси атрофидаги жуда баланд тахта девор бурчаги, бир-бирига тақалган Москва уйларининг деворлари бўйлаб чўзилиб кетганди. Бу атроф кимсасиз, кўчалари тор, бефайз эди.

— Ҳазрат Аврамий ҳузуридан келдим,— деди-да Андрей, икки бармоғини пешанасига қўйиб чўқинди. Дарвозани очган аёлнинг орқа томонида, ғилдирак излари босиб кетган қўрада қийшайган бостирмалар ёнида баҳайбат кўппаклар занжирларини шарақлатиб юлқина бошлади... Андрюшка тўнғиб музлаб қолаёзган, фақат кўзлари ёнарди, холос. Аёл уни синчиклаб кўздан кечиргач, унга йўл бериб ҳовлига киргизди-да, узунасига тушган иморат томон ишора қилди: пешайвонсиз ва зинасиз бу уйга лой устига ташлаб қўйилган ифлос тахталардан ўтиб бориларди. Бўғот остидаги слюда кўзли деразаларнинг қопқоқлари шамолда очилиб-ёпилиб тарақлар эди.

Аёл Андрюшкани бочка ҳиди босиб кетган қоронғи даҳлизга итариб киргизди-да:

— Оёғингни похолга арт, бу ер сенга оғилхона эмас,— деди тўнғиллаб, бирпас ўйланиб тургач:— **Ул падари бузруквор ва фарзанди муборак ва руҳи муқаддас ҳақи,— деб чўқиниб олди.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнгра хужрага кириладиган пастак эшикни очди. Хужра ичи ниҳоятда иссиқ эди, печдаги чўғлар шуъласида бурчакдаги иконаларнинг қора ромлари йилт-йилт қиларди.

Андрей бу кўҳна иконаларнинг ваҳимали кўзларига қараб узоқ чўқинди. Қўрққанидан эшик олдида қимирламай туриб қолди. Аёл ўтирди. Девор орқасида ибодат қилаётган аллақанча одамнинг бўғиқ хониши эшитиларди.

— Дарвеш Аврамий сени нима учун юборди?

— Азият чекиш учун.

— Қаерда?

— Уч йилгача дарвеш Нектарий ёнида.

— Нектарий ёнида дегин...— деб чўзди аёл.

— Мени ўша киши юборди: дарвеш Нектарий ёнига қандай етиб олиш йўлини ўзи кўрсатади, деди. Дунё кўзимга қоронғи бўлди, таним оч, руҳим азоб ичида. Ваҳимага тушиб қолдим. Дашт-биёбон, жаннат макон излайман... (Андрюшка бурнини тортиб қўйди). Менга раҳм айла, аяжон, даргоҳингдан ҳайдама.

— Дарвеш Нектарий сенга дашт-биёбон яратиб беради,— деди аёл илмоғлик қилиб. Печдаги олов шуъласида йилтираган кўзлари сузилди.

Андрей ҳасрат қила бошлади:

— Мана олти ойдан ошдики, уйма-уй кезиб тиланчилик қиламан, очликдан ўлар ҳолатга етдим, аёзда совқотиб неча марта ўлиб-тирилдим. Ҳар хил ярамас одамларга ҳамроҳ бўлдим, улар мени йўлдан оздирмоқчи, ўғриликка ўргатмоқчи бўлишди, хайрият, бу ишга қўлим бормади, кўнглим чопмади, қўрқдим.

Шундан кейин бу йил қишда, қор аралаш бўрон турган аёзли тунларда девор тагларида қандай жон сақлаганини гапириб берди:

— Пича похол топиб тагимга соламану устимга чипта ёпиб биқиниб ётавераман. Бўрон қутуриб увиллайди, қор бўралаб ёғади, дорга осилган ўқчилар жасади арқонда рақс тушади, деворга урилиб гурсиллайди. Ана шундай даҳшатли тунлардан бирида кўнглим тинчгина маконни, осойишта турмушни қўмсаб қолди.

Аврамий хусусида роса суриштириб бўлгач, аёл: «кетимдан юр»,— деди-да, Андрей билан яна қоронғи даҳлиздан ўтиб, зинадан пастга тушди. Андрейни подвалга

www.ziyouz.com kutubxonasi

киргизиб, пойгада қимирламай туришни тайинлади-да, чиқиб кетди.

Подвалда хониш садоси янграр, мўм ва бухур ҳиди димоғни ёрарди. Ўттиздан кўпроқ одам қиртишланган полда тиз чўкиб ибодат қилмоқда, қора ридо ва қора тақия кийган, бир кифти қийшайган одам духоба қопланган минбарда китоб ўқимоқда эди. Қўлда кўчирилган ибодатноманинг кўҳна варақларини ҳар сафар варақлаганида унинг яккам-дуккам соқоли шам ёриғида диккайиб кетарди. Қаторасига девор бўйлаб ёқиб қўйилган ва ҳатто полга ҳам ўрнатилган шамлар шуъласи Новгород усталари чизган катта-кичик иконаларни ёритиб турарди.

Жамоат попсиз ибодат қилмоқда, мунгли товуш билан димоғидан чиқариб куйламоқда эди. Дарвешнинг ўнг томонида, ибодат қилувчилар олдида турган эчки соқол Василий Ревякин тиз чўкиб тасбеҳ ўгирар, дам иконаларга кўз ташлаб, дам кетига бурилиб қараб, ибодат қилувчиларга кўз олайтирарди; унинг ёвуз назари остида одамлар жон-жаҳди билан ҳатто пешаналари қашқа бўлганига қарамай, устма-уст сажда қилишарди.

Бир кифти қийшайган дарвеш китобни ёпди-да, боши узра кўтариб, одамлар томон бурилди: юзига қараганда ҳали унчалик қаримаган, фақат бурни пачоқ, соқоли яккам-дуккам. Дарвеш гўё кўзига мудҳиш нарса кўрингандек қорачиқларини йириб, тишсиз оғзини катта очиб чинқира бошлади:

— Рум папаси тақводор Ипполит айтган гапни эсимиздан чиқармайлик. «Дажжол пайдо бўлгандан сўнг тангрининг черкови зери забун бўлғай, қонсиз қурбонликка хотима берилғай. Шаҳар ва қишлоқларда, монастиру даштларда фоҳишабозлик бошланғай. Фақат бир тўда кишилардан бўлак ҳеч кимса балою қазолардин қутула олмағай»,— деган эдилар...

Унинг овози мудҳиш эди. Ибодат қилаётганлар муккасига ерга ётволиб кифтларини титратиб йиғлай бошладилар. То йиғи овози авжига чиққунча дарвеш китобни баланд кўтариб кутиб турди, ниҳоят, кўксидаги ёғоч крестни чангаллаб:

— Азиз биродарлар, кўрган-кечирганларимни сизларга сўзлаб бермоқчиман. Аввалambор худованди карим менга раҳм-шафқат айлади. Тангри марҳамат айлаб мени Вол-озерога, дарвеш Нектарий ҳузурига йўллади. Мен

www.ziyouz.com kutubxonasi

икки букилиб дарвешга таъзим бажо келтирдим. У вот: «Сен танингни ҳимоя қилмоқчимисан ёки жонингни?»— деб сўради мендан. Мен «Жонимни ҳимоя қилмоқчиман, жонимни»,— дедим. «Балли сенга, бўтам»,— деди дарвеш Нектарий. Шундан кейин жонимни ҳимоя қилиб, танимни азоблай бошлади... ул ерда биз нон ўрнига исмалоқ, қирққулоқ ва ҳар хил гиёҳларни, эман ёнғоқларини териб ердик, қарағай пўстлогини шилиб олиб қуритардик-да, балиқ қўшиб талқон қилардик,— бу жудаям мазали овқат. Худованди карим бизни оч қолдирмади. Дастлабки кунларда раҳбаримиз мени шундай азобларга солдики, асти қўяверинг: ҳар кун икки марта калтаклади. Ҳатто муқаддас якшанба кунлари ҳам икки марта савалаб турди. Шу икки йил мобайнида ҳар куни иккитадан ҳисобланганда жами бир минг тўрт юз ўттиз марта калтак ебман. Аммо унинг муборак қўли зарбидан пайдо бўлган жароҳат ва шишларнинг сон-саноғи йўқ. Раҳнамойим танимнигина қийноққа соларди: қўлига нимаики тушса, шу билан менга,— мен етимчага, мурғак мусичага таълим берарди.Учи тўмтоқ ҳасса билан, келидаста билан, оташкурак, чўмич, ўқлоғ, косов билан солиб қоларди... Имоним саломат, кўнглим равшан бўлмоғи учун таним ўлмоғи лозим эди, шу сабабдин раҳнамойим мени аямай урарди... Оёқларинг итоатгўй, яхши букиладиган бўлсин, деб обкаш билан болдиримга соларди; ўшанда болдиримнинг бир парча эти узилиб тушган. Фақат ёғоч билангина эмас, ҳатто темир билан ҳам урар, сочимни юлар, баъзан гишт билан аъзойи баданимни дабдала қилар эди. Ўшанда дастпанжаларим чиқиб қовурғаю устухонларим синиб дабдала бўлганди. Аммо худованди карим мени бутунлай хароб этмади. Ҳозир жисман заиф бўлсам ҳам руҳан тетикман, дилим равшан... Азиз биродарлар, имонингиз саломат, дилингиз пок бўлмоғи учун ибодат қилишдан асло эринманглар!

— Имонингиз саломатлиги йўлида асло эринманглар,— дея дарвеш уч карра такрорлади-да, эсанкириб қолган жамоатга кўзларини ола-кула қилиб, ғазаб билан қаттиқ тикилди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси Василий Ревякиннинг қариндош-уруғлари, божалари, гумаштала-ри, омборхона ва дўконларида хизмат қилувчи дастёрлари эди. Улар дарвешнинг ваъзига индамай қулоқ солишар ва ғамгинлик билан хўрсиниб-хўрсиниб қўйишарди. Баъзи бировлар дарвешнинг ғазабнок назарига бар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дош беролмай ерга қарарди. Андрей Голиков эса, азбаройи ўпкаси тўлиб кетганидан юзини тўсиб, энгашиб олиб юм-юм йиғларди. Шамларнинг сарғиш шуъласи кўз ёшлари орқали акс этиб ибодатхонада лип-лип қилар, деворлардаги фаришталар сурати қанот қоқаётганга ўхшаб кўринарди.

Дарвеш эгилиб жамоатга таъзим қилди-да, минбардан тушди. Унинг ўрнига Василий Ревякин чиқди. Ўзи пакана, соч-соқолига оқ оралаган, кўз ўрнида пўстак тешигига ўхшаш иккита ковак, қорачиқлари тинмай югуриб липиллаб турарди. Василий тасбеҳ ўгиришни тўхтатмасдан ширинсуханлик билан гап бошлади:

— Азиз оға-иниларим, унутилмас қадрдонларим... Даҳшатли кунга қолдик, биродарлар! Жудаям даҳшат! Тип-тиниқ осмонимизни қора булут қоплади, турмушимизни бутунлай бадбўй ҳид босиб кетди... (Ўзидан-ўзи гумонсираган одамга ўхшаб орқамда биров туриптими, дегандай ўнг ва сўл кифтидан оша кетига бурилиб қаради-да, пиймасини оҳиста шипиллатиб олға бир қадам қўйди.) Аллақачон дажжол келди. Аллақачон Никониан черковининг гумбазига миниб олди. Эшитяпсизми? Уч бармоқ унинг муҳри, уч бармоқ билан чўқинувчиларга нажот йўқ. Кимки попнинг қўлидан просфора олса—дўзахга тушади. Чунки уларнинг просфорасига иблис муҳр босган, уларнинг художўйлиги ҳам қалбаки... Хўш, бу фалокатдан биз қандай қутулишимиз мумкин? Қайси йўл билан қутулиш мумкинлигини эшитдик. Мен ҳеч кимни мажбуран ушлаб турмайман. Марҳамат, кетинглар, ўша ерга боринг азият чекинглар, азиз биродарлар, кўзларинг очилсин, дилларинг равшан бўлсин. Биздек ожиз ва осий бандалар ҳақига дуо қилувчилар сони кўпайсин. Балким мен ҳам жўнаб қоларман... Омборхоналарни, дўконларни ёпаману молларни ва бор-будумни гадойларга улашиб бераман. Бу фалокатдан қутулиш учун ягона чора ота-боболаримиз динига амал қилмоқ, бўйсунмоқ ва қўрқмоқ... (Аламзадалик билан соқолини силкиди, мовут камзулининг енги билан кўз ёшини артди. Жамоат сукутга кетиб, нафас олмай, қимирламай қотиб қолди). Кимгаки у ер насиб этган бўлса, унинг жони роҳатда, лекин насиб этмаганлар асло ноумид бўлмасин... Дарвешлар унинг ҳақига дуо қилиб, гуноҳини ювгайлар. Зинҳор-зинҳор бир нарсадан огоҳ бўлинглар: иблис чалғитиб тўғри йўлдан оздирмасин...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозир қадимги замон эмас: иблиснинг малайлари шу қадар кўпайганки, ўнтаси бир одамни ўраб олиб ишга солмоқчи бўлади... Гуноҳга бот, ёлғон гапир, хўжайинга билдирмай бир тийинигина ўғирла, деб қистайди нуқул. Бир тийин ҳам пулми?.. Гап бир тийин устида эмас! Йўқ... Сенга ёпирилдими — қутулиб бўпсан, абадий азоб чекканинг-чеккан... Дўзах азобидан қўрқинглар, ишқилиб, дарвешлар ҳаққингизга дуо қилишдан чарчамасинлар... (Яна бир қадам олға босди, сонига тасбеҳни уриб қўйди.) Тузоққа илинтириш учун ўйлаб топган янгилигини қара: Бурмистрлар палатаси!.. Мана дўзах, дўзахга бориладиган тўппа-тўғри йўл шу-да... Қадимги замонда савдогарлар давлат хазинасига муайян сумма тўларди, шу билан гап тамом-вассалом; нима олади, нима сотади; қанчадан сотади,— буниси маҳфий, ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди. Худованди карим унга ақл берган, шунинг учун ҳам у савдогар. Аҳмоқ эса, ақлдан маҳрум, шунинг учун ҳам умри батракликда ўтади, бири икки бўлмайди. Бурмистр сайлансин эмиш! У дарҳол омборхонамни, сандиғимни тинтишга тушар... «Ҳаммасини кўрсат, ҳаммасини»,— деб туриб олар... Кимга керак бунақа янгилик? Аҳли савдогарни дажжолнинг тузоғига илинтиришмоқчи... Бунинг устига почта! Бу нимаси тағин? Агар керак бўлса, мен ўз одамимни Улуғ Устюгга жўнатаман, почтадан тезроқ етиб боради ва ҳамма гапни оғзаки айтиб, ҳамма ишни ими-жимида битириб келади... Хўш, почта-чи? Ким билсин, хатимни ким олиб боради ва кимларнинг қўлидан ўтади? Йўқ, бизга почтасиям керак эмас, икки ҳисса тўлов тўлашга, ажнабийлар ва никонианчилар билан улфатчилик қилиб тамаки чекишгаям тобимиз йўқ.

Ўзи истамаса ҳам беихтиёр жаҳли чиқди. Чўғдай қизариб кетган қалтироқ қўлини чўнтагига тиқиб дастрўмол олди-да, юзу кўзларини артди. Ёниб тугаёзган шамга қараб бош чайқади ва, ниҳоят, оғир хўрсиниб гапни тугатди-да:

— Юринглар, овқатланамиз,— деди.

Ибодатхонага тўпланган ҳамма одам даҳлиздан ўтиб, ошхона ёнидаги ҳужрага киргач, бўз дастурхон ёзилган тахта стол атрофига жойлашди; тўрдаги бурчакда Василий Ревякин билан унинг учта эски гумаштаси,— ўз амакиваччалари алоҳида столда овқатланишарди. Дарвешни ҳам ўз ёнларига таклиф қилишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бироқ у жўрттага эшиттириб қаттиқ тупурди-да, эшик ёнига бориб, пойгада ўтирган гадойларга қўшилди. Андрей ҳам шу ерда эди.

Столнинг қоқ ўртасида шам ёнарди, қоронғилик орасидан қовоғи солиқ бир хотин пайдо бўлиб, овқат солинган товоқларни қўйиб кетарди. Баъзан шифтдан суварак думалаб тушарди. Одамлар индамай овқатдан олишар, сўнгра қошиқларини столга қўйиб, сиполик билан аста чайнашарди. Андрей сурилиб, дарвешга яқинроқ ўтирди. Дарвеш товоқни тиззасига қўйиб энгашиб олиб, оғзи куйганига, соқолидан шўрва оқиб тушганига қарамай, қалтираб-титраб ҳўплар, нонни майда-майда қилиб оғзига соларди. Ниҳоят, шўрвани ичиб бўлиб чўқинди-да, қўлларини чалиштириб қорни устига қўйди.

Андрей дарвешнинг кўзлари туманлашганини кўриб, кўнгли юмшаганини сезди-да:

— Отахон, мен дарвеш Нектарий ҳузурига бормоқчи эдим. Рухсат эт,— деди

Чолнинг нафас олиши бирдан тезлашди, бироқ кўзлари яна туманлашиб бақрайганича қотиб қолди.

— Ҳамма уйқуга кетганда ибодатхонага келгин. Сени ўзим синаб кўраман...

Андрей чўчиб тушди, алами зўрлиги, юраги сиқилганидан аъзойи бадани жунжикиб энсасини тахта деворнинг ғадурига ишқалай бошлади...

10

Жануб томондан, Ёввойи даштдан гармсел эсиб бир ҳафтада қорларни учириб кетди. Текисликка ёйилиб кетган тошқин сувларда баҳор осмони кўм-кўк нил каби акс этарди. Сойлар, жилғалар тўлиб-тошди, Донда муз қўзғолди. Воронеж дарёси бир кечада қирғоқлардан ошиб верфни сувга бостириб юборди. Шаҳардан то Донгача дарёда тизилишиб лангар ташлаб турган кемалар, бригантина, галера ва қайиқлар шамолда чайқалардн. Ҳали қуримаган смола кема бортлардан оқиб томчилар, зарҳалланган ва кумуш рангга бўялган нептунларнинг тумшуқлари офтобда йилтирарди. Қуритиш учун кўтариб қўйилган елканлар ҳавода ҳилпирарди. Лойқа сувда оқиб кетаётган сўнгги муз парчалари бир-бирига ишқаланиб қисирлар, гоҳ шўнғиб, гоҳ сув бетига қалқиб чиқарди. Дарёнинг ўнг томонида, Воронежнинг рўпарасига қурилган қалъа деворлари тепасида дам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бадам бурқираб тутун кўтарилар, лекин шамол дарҳол уни парчалаб ташларди. Сув бетида тўп ўқлари вашиллаганича сузиб анча жойгача думалаб борар гўё ер ўзидан-ўзи шишиб, тарс-тарс ёрилаётганга ўхшарди.

Верфда кечаю кундуз иш тўхтамасди. Қирқ замбаракли «Крепость» номли кемага пардоз берилмоқда, сўнгги кам-кўсти тугалланмоқда эди. Бу кема учта мачтаси ва нақшинкор дум томони билан бирга, янги ўрнатилган сепоялар ёнида сувда чайқалиб турарди.

Порох, тузланган эт ва қоқинон ортилган қайиқлар кетма-кет ўша томонга қараб йўл олар ва кемага етгач, қоп-қора борт тагида тўхтаб, кемадан ташланган арқонга қайиқни боғлашарди. Бироқ оқим қайиқни оқизиб кетмоқчи бўлгандай, арқонни таранглаштирар, тахталар ғижирлаб нола қиларди. Дум томондаги трапда капитан Памбург гоҳ русча, гоҳ португалча сўкиниб шундай бақирардики, палубага думалатиб туширилаётган бочкаларнинг гурс-гурсини, темир илмоқларнинг шарақа-шуруғини унинг овози босиб кетарди. Тепага қайрилган бурама мўйлов, қутурган қўчқор кўзига ўхшаш ғазабнок кўзлар, лойга беланган қўнжли этик, кафтан устидан нимча пўстин, боши қизил рўмол билан танғиб боғланган. «Текинхўрлар! Итваччалар! Гўнқарғалар!»— деб сўкинарди капитан нуқул. Матрослар жон-жаҳди билан тармашиб қоп-қоп қоқинонларни, бочкаю яшикларни қайиқдан тортиб олишарди-да, югура-югура думалатиб ҳаммасини кема подвалига жойлашарди, бу ерда эса, чўққайган мовут шапка, почалари бурмали жигар ранг чалвор кийган боцманлар занжирбанд кўппакдан баттар ириллаб, уларни безор қилишарди.

Дарё ортидаги тепалик устида қийшайиб қолган, учи найзасимон миноралар, кўҳна деворлар орқасида қад кўтарган черковларнинг занг босган гумбазлари кўринарди. Эски шаҳарнинг рўпарасига, тепанинг ён бағрига ишчилар учун лойсувоқ уйлар, тахтадан қилинган бостирмалар қурилган эди. Дарёга яқинроқ жойда эса, янги тайинланган адмирал Головин учун ҳамда Александр Меншиков, адмиралтейство бошлиғи Апраксин, контр-адмирал Корнелий Крейс учун ғўла ёғочдан қурилган махсус уйлар қад кўтариб турарди. Дарёнинг нариги ёғига, пайраха босиб, арава ғилдираклари ўйиб ташланган пастак қирғоқ бўйлаб, тутундан қорайиб кетган, лойсувоқ томли темирчилик устахоналари жой-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашган эди, ҳали битмаган кемаларнинг қовурғалари кўринар, ярми сувга чўккан тахта ғарамлари, сувдан чиқариб қўйилган соллар, бочкалар, арқону симлар, занг босган лангарлар кўзга ташланарди. Смола эритаётган қозонлардан қоп-қора тутун кўтарилар, арқон эшадиган дастгоҳ ғилдиракларининг ғирчиллаб нола қилгани эшитиларди. Арракашлар тахта тилинадиган баланд сўрилар устида туриб олиб, нуқул кифтларини ликиллатишар, оёқ яланг солчилар эса, тизза бўйи лой кечиб, у ёқдан-бу ёққа югуриб, тошқин сувда оқиб кетаётган ходаларни чангак билан тортиб олишарди.

Асосий ишлар тамомланган, кемалар сувга туширилган эди. Фақат «Крепость» номли кема қолганди, чунки унга алоҳида эътибор бериб, ҳамма иш ниҳоятда пухталик билан бажарилмоқда эди. Уч кундан кейин шу кемада адмирал байроғи кўтарилсин, деган топшириқ бор эди.

Эшик дам-бадам тарақлаб очилар, янги одамлар кириб, ечинмасдан, оёқларини артмасдан скамейкага чўкар, катталар эса, тўғри бориб стол ёнига ўтирарди. Подшонинг уйида туну кун бемалол овқат еб, ичкилик ичиб ўтиришаверарди. Бўш қадаҳларга ўрнатилган шамлар липиллаб ёнарди. Уй ичи исиб кетган, париклар ёғоч девордаги қозиқларга илиб қўйилган эди. Трубкалардан чиққан тамаки тутуни секин-аста хонага ёйиларди.

Контр-адмирал Корнелий Крейс зар билан гул солиб тикилган қайтарма енги билан юзини тўсиб ўтирган жойида уйқуга кетганди. Россия флотининг вице-адмирали, собиқ денгиз қароқчиси голландиялик Юлиус Рез арпабодиён солинган ароқдан устма-уст симирар, ғазабнок юзини буриштириб, ягона кўзи билан нуқул шамга тикиларди; йироқ океанлардаги кирдикорлари учун бу довюрак бир кўзли сўқирнинг калласи инглиз пули билан икки минг фунт баҳоланган эди. Кемасоз усталардан Осип Най билан Жон Дей шу долзарб кунларда қўли тегмагани учун соқоллари ўсиб кетганди,— трубка тутатишар ва кўз қисиб, рус усталаридан Федосий Скляевни мазах қилишарди. Федосей ҳозиргина кириб келди, бўйнидан шарфни нари-вери олиб, пўстин тугмаларини ечиб, чўчқа эти солинган уғра ошни тушира бошлади...

— Федосей!— Унга мурожаат қилди Осип Най, са-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риқ киприкларини пирпиратиб.— Федосей, Москвада қандай кайф-сафо қилганингни гапириб бер, оғайни.

Федосей индамай уграни ҳўплайверди, гапиргиси келмади. Гапираверіб жонига теккан-да. Февраль ойида чет элдан қайтди, Пётр Алексеевичнинг мактубига биноан тўғри Воронежга бориши керак эди. Бироқ шайтон йўлдан урди: Москвада ошна-оғайнилари билан ялло қилиб роса ўйнади. Уч кун сурункасига меҳмондорчилик: қуймоқхўрлик, ичкиликбозликдан боши чиқмади. Бундай кайф-сафо нима билан тугаши маълум: Федосейни Преображенский маҳкамасига оборіб қамадилар.

Подшо орзиқиб кутган ўз арзандаси Федосейни князь-кесарь қамаб қўйганини эшитиб, дарҳол Ромодановскийга хат ёзган ва махсус чопар орқали Москвага жўнатган эди.

Хатда бундай дейилганди:

«Мин ҳер кёниг... Нима сабабдан бизнинг азаматларни,— Федосий Скляеев ва бошқа йигитларни қамаб қўйдинг? Мен ниҳоятда хафа бўлдим. Айниқса Скляевни жуда орзиқиб кутган эдим, чунки у кемасозлик санъатида энг моҳир уста. Шундай одамни сен қамаб ўтирибсан. Бу иш учун сени худога ҳавола қилдим... Бу ерда менга ёрдам берадиган бирон кимса йўқ. Федосий жиноятчи эмас. Худо ҳаққи, уни бўшатиб, тезроқ менинг ҳузуримга жўнат, Питер».

Князь-кесарнинг қуйидаги жавоб мактубини ўн кундан кейин Скляев ўзи олиб келиб Пётрга топширганди:

«Унинг гуноҳи шундан иборат: бир гала улфатлари билан маст-аласт ҳолда кетаётиб, гов ёнида Преображенский полкининг солдатлари билан муштлашган. Текшириш натижасида иккала томоннинг ҳам айбдорлиги аниқланди. Шу сабабдан мен Скляевни қидириб топтирдим ва қилмишига яраша калтаклатдим, шунингдек, унинг устидан шикоят қилган ва тўполонда қатнашган солдатларни ҳам калтаклатдим. Бунинг учун мендан хафа бўлмагайсан, негаки мен аҳмоқликни кечиришга одатланмаганман, ҳатто каттакон амалдорнинг аҳмоқлик қилганини кўрсам, кўз юмиб кетолмайман».

Шундай қилиб, бу масала тинчгина ҳал бўлган, Пётр Алексеевич Скляевни қучоқ очиб кутиб олган, эркалатиб кифтларига қоққан, азбаройи суюнгандан ўз сонига шапатилаб, кулавериб кўзлари ёшланган эди... «Оббо

www.ziyouz.com kutubxonasi

Федоси қурғур-ей, бу сенга Амстердам эмас!» Князь Ромодановскийнинг мактубини кечки овқат маҳалида ҳаммага ўқиб берган эди.

Федосий уграни ичиб бўлгач, идишини нари суриб қўйди-да, Осип Найдан тамаки сўраб олди.

— Етар энди шунча кулганларинг, лаънатилар,— деди тўнғиллаб.— Бугун дум томондаги трюмга тушдингизми?

— Тушдик,— деди Осип Най.

— Йўқ, тушмабсиз...

Шошилмасдан сопол трубкасини чўнтагидан олди, оғзининг икки чети осилиб кетди. Жон Дей ҳар бир сўзни тишлари орасидан чиқариб рус тилида савол қилди:

— Хўш, биз трюмга тушмабмизми, нима сабабдан суриштириб қолдинг, Федосей Скляев?

— Сабаби шуки... Мени мазах қилиб ҳиҳилагандан кўра, қўлга фонус олиб туша қолсангиз чакки бўлмасди.

— Нима, тешилиптими?

— Тешилиши ҳам гапми... Тузланган гўшт солинган бочкаларни жойлашимиз биланоқ кеманинг биқин тахталари тоб ташлаб, остидан сув отилиб кира бошлади.

— Ундай бўлиши мумкин эмас...

— Мумкин экан. Айтувдум-ку сизга: дум томондаги часпаклар бўш, девдим-ку!

Осип Най билан Жон Дей бир-бирига қараб қўйди. Шошилмасдан ўринларидан туриб, қулоқчинли шапкаларини бостириб кийишди. Федосий ҳам турди, жаҳл билан шарфини бўйнига ўраб, фонусни қўлга олди-да, пичинг аралаш деди:

— Балли сизга, генераллар!

Стол ёнига офицерлар, матрослар, усталар келиб ўтирарди,—ҳаммаси чарчаган, юз-қўлларига қора мой юққан, уст-бошларига лой сачраган. Сопол кружкадаги оғизни куйдирадиган ўткир ароқни оппоқ ичишарди-да, нимаики дуч келса: қовурилган гўштми, мечкай этими, сиркага солинган тилми,— ишқилиб, қўлга илинганини олиб тамадди қилишарди. Кўпчилиги нари-бери еб бўлгач, чўқинмасдан, ташаккур изҳор этмасдан, индамай чиқиб кетаверарди...

Кўзлари мужгон, кенг яғринли, чўққи шапкасини қулоғига бостириб кийган бир матрос, тахта девор ёнидаги эшикнинг кесакисига гавдаси билан суянганича қимирламай турар эди. Унинг серпай бўйнида — арқондан

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшиб қилинган дарра. (Гап кор қилмаган одамни шу билан сийлайди.) Кимки эшикка яқинлашса, эринчоқлик билан йўлини тўсар, лекин ўшқирмасди:

— Қаёққа кирмоқчисан, онаси байтал, қаёққа?..

Тахта девор ортидаги хонага, ётоқ учун ажратилган уйга ҳозир давлат арбоблари тўпланган: адмирал Фёдор Алексеевич Головин, Лев Кирилович Нарышкин, Адмиралтейство бошлиғи Фёдор Матвеевич Апраксин, Александр Данилович Меньшиков,— ҳаммаси шу ерда. Лефорт вафот этгандан кейин Меньшиковга генерал-майорлик унвони ҳамда «Псков губернатори» деган ном берилган эди. Пётр дафн маросимидан Воронежга қайтгач: «Менинг иккита қўлим бор эди, биттаси қолди, бир оз қаллоброқ бўлса ҳам ҳар ҳолда вафодор қўл»,— деган экан.

Преображенча форма кийган Алексашка Меньшиков роса қизиган ғиштин печь ёнида турибди: эгнида — юпқа камзул, бўйнида — шарф, бошида — парик, ияги остида — жимжимадор нафис тўр.

Апраксин билан бақалоқ Головин йиғилмаган кўрпа-тўшак устида ўтиришибди. Лев Нарышкин эса, стол ёнида, кафтини пешанасига тираб олган. Ҳаммаси дума мирзабошиси ва улуғ элчи Прокофий Возницининг гапини тинглашмоқда. Прокофий Дунай бўйидаги Карловици шаҳрида ўтказилган съезддан ҳозиргина қайтиб келди. Бу съездда Австрия, Польша, Венеция ва Москва элчилари турклар билан битим тузиш ҳақида маслаҳатлашишганди.

У ҳали подшони кўргани йўқ. Пётр Алексеевич: министрлар тўпласин, ўйлаб кўришсин, мен кейинроқ келаман, деган экан. Возницин кўзойнагини чўзинчоқ бурни устига тушириб, хотира дафтарини тиззасига қўйиб, сўзлай бошлади:

— Мен Туркия элчилари билан, чунончи, раис афанди Роми ва махфий маслаҳатчи Маврокордато билан армисциция, яъни вақтинча қурол ишлатмаслик ҳақинда муваққат шартнома тузди. Бундан ортиғига эришиш мумкин бўлмади. Ўзларинг ўйлаб кўринглар, жаноби министрлар: ҳозир Европада шароит шу қадар чалкашиб кетганки, бутун дунё ларзага келиши ҳеч гап эмас. Испания қироли қариб чиради, бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи гўрда, эртами-индин бефарзанд оламдан ўтади. Бир томонда Франция қироли ўз набираси Филиппни Испа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ния тахтига ўтирғизмоқчи, шунинг учун уни уйлантириб, ўз саройида — Парижда сақлаб турипти. Иккинчи томонда эса, Австрия императори ўз ўғли Карлни Испания тахтига ўтирғизиш пайида...

— Биламиз, ҳаммасидан хабаримиз бор,— тоқатсизланиб унинг гапини бўлди Алексашка.

— Пича сабр қил, Александр Данилович, бу ёғини эшит,— деди Возницин ва нуроний назар билан кўзойнак устидан гўзал йигитга қаттиқ тикилди.— Шу кунларда Франция билан Англия ўртасидаги катта можаро ҳал қилинмоқда. Агар Испания Франция қироли қўл остида бўлса,— унда Франция ва Испания флоти бирлашиб, ҳамма денгизларга хўжайин бўлиб олади. Борди-ю, Испания Австрия императори қарамоғига ўтса,— у ҳолда Англия ёлғиз қолган Француз флотини бемалол енгади. Европа сиёсатини инглизлар чалкаштиряпти. Улар шунинг учун ҳам австрийцлар билан туркларни Карловицида учраштиришди. Франция қиролига қарши уруш очмоқ учун Австрия цезари аввало орқа томонни мустаҳкамлаб олмоғи лозим. Туркlар ҳам сулҳ тузишга рози, чунки дам олиш, куч тўплаш ҳаводай зарур: шаҳзода Евгений Савойский[1] туркларнинг Венгриядаги, Жанубий Руминиядаги ва Грециянинг жанубидаги кўпгина шаҳар ва ерларини босиб олиб цезарга берган. Австрийцлар ҳалитдан Кустантинияга кўз тикяпти... Ҳозир туркlар фақат қўлдан кетган ерларни қайтариб олишни ўйлайди, холос.... Узоқдаги поляклар билан ёки биз билан урушишни хаёлига ҳам келтирмайди... Туркlар учун Азовнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ: бу қалъа жангда бўладиган талафотга арзимайди.

— Ростдан ҳам Туркия султони сен тасвирлагандек заифми? Бунга ишониб бўлмайди,— деди Алексашка (Головин билан Апраксин мийиқларида кулиб қўйдилар. Уларга қараб Лев Кириллович ҳам илжайиб бош чайқади).

Алексашка сонини ликиллатиб, шпорларини жиринглатиб яна гап қотди:

— Агар чиндан ҳам султон сен айтгандек заиф бўлса, хўш, нега у билан доимий сулҳ ҳақида шартнома тузиб қўл қўймадинг? Бундан чиқди сен раис афандига, Украинада қирқ минг азамат ўқчимиз қишлаётганини,

[1] Евгений Савойский — Австрия лашкарбошиси. *(Автор изоҳи).*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ахтиркага Шеиннинг сувори полки тўпланганини, булардан ташқари, Брянскда кемаларимиз денгиз томон йўл олишга шайланиб турганини айтмабсан-да! Ахир, сени қуруқ жўнатганимиз йўқ эди-ку... Армисциция дейди-я!

Прокофий Возницин кўзойнагини аста қўлга олди. Минг қилганда ҳам янги тартибга кўникиш осон эмас: насл-насаби номаълум бола улуғ элчи билан шу хилда гаплашса, бунга қандай чидаб бўлади? Прокофий ғазабдан пирпираб учган бетларини қовжираган кафти билан силади, фикрини бир жойга тўплаб, ўзини босди. Бу ерда бақирган билан иш битмайди.

— Нима учун сулҳ тузмай, армисцицияга рози бўлганимнинг сабаби бор, Александр Данилович... Цезарь элчилари биз билан маслаҳатлашмасдан ўзлари турклар билан яширин музокара бошлашди. Поляклар ҳам бизга билдирмасдан иш битиришди. Шундай қилиб, биз ёлғиз қолдик. Турклар австрицлар билан келишиб ишини битириб олгандан сўнг, биз билан гаплашгиси ҳам келмай, тумтайди қолди. Яхшиямки у ерда эски танишим Александр Мавроқордато бор экан, у бўлмаганда армисцицияга ҳам эриша олмасдик... Сиз, жаноби министрлар, бу ерда ўтириб: бутун Европа биздан умидвор, деб ўйласангиз керак. Йўқ, асло ундай эмас. Европа бизни назарига илмайди, дунё сиёсатида заррача ҳам аҳамияти йўқ, деб билади бизни...

— Тавба, буниси ўлганнинг устига тепган дегандай...

— Шошма, жудаям қизишма, Александр Данилович,— деб тўхтатди уни Головин мулойимлик билан.

— Элчилар маҳалласидан энг ёмон жойни бизга беришди. Дарвозага соқчи қўйиб қўйишди. «Ҳеч ёққа чиқма, турклар билан учрашма, хат орқали алоқа қилма», деб тайинлашди... Мен Венадалигимда, кўпни кўрган бир поляк дўхтирни ёнимга олволдим. Ўша дўхтирни турклар қароргоҳига, Мавроқордато ҳузурига юбора бошладим. Дўхтир бир бориб, Мавроқордатога мендан салом айтиб келди. Иккинчи марта борганида Мавроқордато менга салом йўллапти ва ошнамга айтгин, совқотяпман, депти. Бу гапни эшитиб хурсанд бўлдим. Қоратўриқ тулки мўйнали, малина ранг аврали пўстинимни дўхтир орқали унга юбордим, поляклар қароргоҳини четлаб ўтгин, дашт йўлидан юргин, деб тайинладим. Мавроқордато пўстинни олипти, эртасига менга яхши тамаки, иккита ғалати чубуқ, бир қадоқча қаҳва, аллақан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ча қоғоз юборипти. «Оббо шайтон-ей, совғага совға қайтариб, орани очиқ қилмоқчи шекилли»,— деб ўйладим ўзимча... Шундан кейин қора икра, осетр пешноби, беш дона чала тузланган белуга, ҳар хил мураббо ва ичимликларни аравага босиб яна юбордим... Сўнгра оддий кийимда, қоронғи тушганда турклар қароргоҳига ўзим кириб бордим. Худди ўша куни турклар цезарь билан сулҳ шартномаси тузиб, қўл қўйишган экан...

— Аттанг!— деб юборди Алексашка шпорли пошнаси билан ер тепиниб.

— Мавроқордато менга шундай деди: «Агар Днепр бўйидаги шаҳарларимизни қайтариб бермасангиз, сизлар билан муросага келишимиз қийин. Днепр орқали Қора денгизга чиқиладиган йўлни сизлар учун абадий тўсиб ташлашимиз лозим. Азовни ҳам бўшатиб қўйишингиз керак, Қрим хонига божни ҳам қадимгидай тўлаб туришингиз керак...» Энди тушундингми, Александр Данилович? Турклар биринчи суҳбатдаёқ баланддан келиб, ана шундай талабларни қўйди. Мен ёлғиз қолдим, иттифоқчиларимиз эса ўз ишларини битириб жўнаб кетишди... Воронеждаги флотимизни пеш қилиб кўрдим, турклар кулишди, холос: «Денгиздан минг чақирим нарида флот қурилганини биринчи марта эшитяпмиз, ўша кемаларинг билан Донда бемалол сузиб юраверинглар, аммо денгизга қўйиладиган тор жойдан барибир ўтолмайсизлар»,— дейишди. Украина қўшинини тилга олиб дўқ қилсам, улар менга татарларни пеш қилиб: «Ҳозир татарлар бошида ташвиш йўқ, қўллари қичиб турипти, ҳушёр бўлинглар, Давлат-Гирейнинг ҳужуми[1] яна такрорланиб, балога қолманглар тағин»,— деб пўписа қилишди. Агар туркларнинг бошқа ташвиши бўлмаганда, аллақачон бизга қарши уруш очиши турган гап эди... Билмадим, Александр Данилович, балким мен ақлим кўтоҳлик қилиб, яхшироқ натижага эришолмагандирман, лекин армисция — ҳар қалай уруш эмас...

Майда-чуйда ишлардан ҳали аллақанчаси битмаганди. Мих етишмасди. Туладан темир ортиб йўлга чиққан чаналарнинг бир қисмигина кеча етиб келди. Темирчилик устахоналарида туни билан иш тўхтамади, чунки

[1] Иван Грозний даврида қримликлар Москвага ўт қўйиб, ярим миллионга яқин одамни қириб, қанчадан-қанчасини асир қилиб ҳайдаб кетишган. *(Автор.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳар бир кун ғанимат: дарёда сув кўпайганидан фойдаланиб оғир кемалар Дон қуйиладиган жойга етиб олиши лозим.

Устахоналардаги дамларнинг ҳаммаси тинимсиз алангаланарди. Чарм этаклари чўғда куйган, кўйлаклари шўртанг тердан жиққа ҳўл бўлган темирчилар; белигача қип-яланғоч, бадани ўтда пишган новча босқончилар; афт-башараси қоракуяга беланиб дам босаётган ўғил болалар — ҳаммаси оёқда туролмас, қўлларини силкитиб чигилини ёзар, ҳаммаси қорайиб кетган эди. Бу ердагилар навбатма-навбат, бир неча марта алмашиниб, тун бўйи ишлашарди. Дам олувчилар шу ердан кетмасди: баъзилари ланг очиқ эшик ёнида қоқи балиқ еб ўтирар, баъзилари—тўплаб қўйилган писта кўмир устида ухлаб ётарди.

Бош уста Кузьма Жемов фалокат босиб қўлини беҳосдан майиб қилди (уни Лев Криллович Туладаги заводида умрбод ишлатиш учун турмадан озод қилган ва уни яқинда бу ерга юборган эди). Иккинчи уста эса, ис тегиб, устахона ёнидаги ҳўл тахталар устида инграб ётибди.

Ишчилар «Крепость» кемасининг асосий лангарига учта тиғ улаб тоблашмоқда. Лангар шифтдаги блокка осиб қўйилган, уч томони ўтда. Дам босувчилар пешана терларини сидириб, ўпкалари ҳуштак чалганига қарамай, олтита дамнинг ричагига зўр бериб баравар талпинишади. Икки босқончи шайланиб турибди, дастаси узун босқонлар оёқлари ёнида, дастаси қўлларида. Кузьма Жемов соғ қўли билан (иккинчи қўли латта билан боғланган) оловни ковлаб сайрайди, холос:

— Бўшашма, бўшашма, бос қаттиқроқ, жонинг борми?..

Пётрнинг эгнида оқ кўйлак, белида — сурп этак, кўйлаги кирлаб кетган, салқиган юзида қоракуя доғлари; оғзини маҳкам юмиб, лабини чўччайтириб олиб, ўтда қиздирилаётган лангар тиғини узун қисқич билан у ёқдан-бу ёққа оҳиста ағдармоқда. Бу қадар каттакон темирни қиздириб улаш осон эмас; бу жуда оғир, чаққонлик талаб этадиган иш..

Жемов блок арқони ёнида турган ишчилар томон бурилиб, команда берди:

— Маҳкам ушла... Тайёр бўл... Ҳозир айни пайти, сал ҳаялласак — куйдириб юборамиз,— деди Пётрга қа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

раб. (Пётр ҳам укки кўзини чўгдан олмасдан бош иргаб розилик билдирди-да, қўлидаги қисқич билан тиғни қимирлатиб қўйди.) — Бошла, ёпирил... Тезроқ, торт!..

Ишчилар шоша-пиша арқонни соғиб торта бошладилар. Блок қисирлаб кетди. Қирқ пудли лангар дам чўғидан кўтарилди. Устахонани бошдан-оёқ учқун босиб кетди. Азбаройи қизиганлигидан оқариб кетган лангар оёғи чарс-чурс қилиб учқун сачрата-сачрата, сандон устида муаллақ туриб қолди. Энди уни энгаштириш, сандонга зичроқ ётқизиш керак эди.

Жемов энди бақирмасдан, шивирлаб гапиришга ўтди:

— Энгаштир, яна... Зичроқ ётқиз... (Лангар сандон устига ётди.) Қуюндисини тозала... (Шогирдлар супурги куйганига қарамай дарҳол супуриб ташладилар.) Тиғни бер!—Пётрга қараб ваҳшиёна чинқириб юборди Кузьма.—Нега анқаясан? Обкел тезроқ!

— Ҳозир!

Пётр бир пуд келадиган қисқични чўғдан юлқиниб тортди-да, беҳосдан сандонга уриб олди, сал бўлмаса, чўғдай қизарган тиғни қисқичдан тушириб юбораёзди. Азбаройи ҳаяжонланган ва кучганидан ўтирилиқираб қолди-да, сийиб юборди...

— Зичроқ ур!— деб бақирди Жемов босқончиларга кўз ташлаб. Босқончилар хириллаб нафас олиб, тиғни гир айлана босқон билан бир меъёрда салмоқлаб ура бошладилар. Пётр тиғни ушлаб турар, Жемов болға билан такиллатар эди: така-тук-так, така-тук-так. Қуюнди чўғлари этакка сачраб, жаз-жаз қиларди.

Тиғ лангарга уланди. Босқончилар ҳарсиллаб, уҳ-уҳлашиб четга чиқдилар. Пётр қисқични бочкадаги сувга ташлаб, юз-кўзларини енгига артди. Кўзлари кулиб, сузилиб кетди. Жемовга қараб, кўз қисиб қўйди. Кузьма юзидаги ажинларни бир жойга тўплаб деди:

— Баъзан шундай ҳам бўлади, Пётр Алексеевич... Лекин минбаъд қисқични юлқиниб торта кўрма, йўқса, қизиган темирни сандонга қўёлмай тушириб юборасан, бунақада бирон одамга тегиб кетиши ҳам мумкин. Шунақа қилганимда мени ҳам калтаклашган...

Пётр индамади, бочкадаги сувда қўлини ювиб этакка артди-да, кафтанини кийиб, устахонадан чиқди. Баҳор рутубатининг ўткир ҳиди димоққа уриларди. Қаттакон юлдузлар шуъласида сал-пал бўзариб кўринган дарёда муз парчалари қисирларди. «Крепость» кемаси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг мачтасидаги чироқ шамолда чайқаларди. Пётр қўлларини чўнтакка тиқиб, оҳиста ҳуштак чалиб, дарё бўйлаб, сув ёқалаб борар эди.

Тахта девор ёнида турган матрос подшони кўриши биланоқ, министрларга хабар бериш учун энгашганича кичкина эшикка кириб кетди. Лекин Пётр у уйга кирмасдан, иссиққина емаккхонада қолди: тамаки тутунидан бурнини жийириб, иштаҳа билан столга энгашди-да, лаганлардаги хилма-хил таомларни кўздан кечириб:

— Менга қара,— деди қошлари ҳайратомуз чимирилган лўппи юзли кишига. (Жажжи юзли, ҳаво ранг кўзли бу одам машҳур кемасоз дурадгор Аладушкин эди.)— Мишка, ҳув анавини менга узат,— деди подшо атрофига ивитма олма терилган гўштни кўрсатиб. Сўнгра, ухлаб қолган вице-адмиралнинг рўпарасига ўтирдида, қаттиқ чарчаган одамнинг ичишидан қилиб, шошилмасдан қадаҳни бўшатди, ароқ томир-томиригача етди. Қаттиқроқ олмани танлаб олди. Уни чайнаб, уруғларини вице-адмирал Корнелий Креснинг тепакал бошига туфлади.

— Нима бало, маст бўлиб қолдингми?—сўради подшо. Бетлари салқиган, афт-башараси бужмайган вице-адмирал бошини кўтариб, шамоллаган овоз билан:

— Шамол зюд-зюд-вест[1], бир балл. Капитан вахтасида — Памбург. Мен дам оляпман,— деди-да, яна юзини енги билан тўсиб пинакка кетди.

Пётр овқатланиб бўлгач:

— Нега бунчалик хомушсизлар?— деб сўради-да, икки қўлини мушт қилиб столга қўйди. Бир дақиқадан сўнг ўрнидан туриб белини ростлади. Тахта девор ортидаги эшикдан ётоқхонага кирди, каравотга ўтирди. (Министрлар одоб сақлаб қимирламай турарди). Ип сингари чалкашиб кетган голланд тамакисидан олиб, бошмалдоғи билан трубкага жойлади ва Алексашка келтирган шамдан тутатиб чекди:— Хўш, саломатмисан, улуғ элчи?

Жун пайпоқ кийган Возницининг бедармон оёқлари букилди, французча камзулининг қотирма этаклари тарвақайлаб кетди, улуғ элчи улкан таъзимни бажо келтирди, парик толаларини Пётрнинг лойга беланган

[1] Ғарб-жануб. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошмоқлари олдига ёйиб ташлади-да, подшодан ижозат кутиб, энгашганича қимирламай тураверди.

Пётр тирсаги билан ёстиққа суяниб:

— Алексашка, улуғ элчини турғизиб қўй,— деди...— Лекин сен, Прокофий, хафа бўлма, негадир жудаям чарчабсан... (Возницин Меньшиковни итариб ташлаб, ўзи турди. Аразлагани аниқ эди.) Мактубларингни ўқидим. Ғазабланмагин деб ёзибсан. Ғазабланганим йўқ. Ҳалол хизмат қилдинг, бунга ишончим комил, лекин ота-бувадан қолган усулда иш қилдинг... (Ғазаб билан оғзини очди.) Австрицлар! Инглизлар! Ҳа, майли, охирги марта борганимиз, уларга ялинганимиз шу бўлсин... Ўтир. Гапириб бер.

Возницин элчилар съездида қилган ишларини ва чеккан азиятларини яна бир бошдан ҳикоя қила бошлади. Лекин бу гаплар мактубларда баён этилгани учун Пётр ҳаммасидан хабардор эди, шу сабабдан паришон ҳолда трубкасини тутатиб ўтирарди.

— Ақлим ожиз бўлса ҳам, подшоҳим, содиқ малайинг бўлганим учун ўзимча мундоғ ўйлаб кўриб: агар туркларни безовта қилинмаса, армисцицияни узоққа чўзиш мумкин, деган фикрга келдим. Туркияга энг ақлли, учига чиққан айёр кишини юбориш керак... Бориб музокара юргизсин, ишқилиб, вақтни чўзсин: уни-буни оғзаки ваъда қилаверсин, ахир мусулмонларни алдаш гуноҳ эмас, подшоҳим, худо кечиради...

Пётр илжайди. Юзининг бир томони қоронғида эди, аммо соққадай дум-думалоқ кўзи шам ёруғида ялт-ялт этиб ёмон тикиларди.

— Хўш, нима дейсизлар, боярлар?— сўради подшо ва трубкасини оғзидан олиб, тиш орасидан чиқариб, уч қадам нарига тупурди.

Апраксин билан Головиннинг парикларидан деворга тушган шохга ўхшаш соялар ликиллай бошлади. Ўйлаб кўрмасдан бирданига жавоб бериш қийин, албатта... Лекин Думадаги тепса-тебранмаслар сингари гапга тўн кийгизиб, на ҳа ва на йўқ демасдан масала атрофида айланаверишни Пётр ёқтирмасди. Алексашка иссиқ печга кифтини ишқалар, нуқул лабини қийшайтирарди.

— Хўш?— деди Пётр яна.

— Нимаям дердик, Прокофий ото-боболаримиз қўллаган қадимги усулга амал қилиб фикр юритипти: на

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундоғ эмас, на бундоқ — нуқул майнавозчилик! Ҳозир бу усул бизга тўғри келмайди.

Лев Криллович энтикиб, қизишиб:

— Турклар билан сулҳ тузишимизга тангри асло йўл қўймайди,— деди.— Қуддуси шариф патриархи: Исо қабрини ҳимоя қилинглар, деб кўз ёшлари ила бизга мактуб йўллаган. Молдавия ҳамда Валахия ҳокимлари, турклар асоратидан бизни қутқазинглар, деб тиз чўкиб ялинишмоқда. Биз бўлсак...— худоё тавба! (Пётр унга масхараомуз кулиб: «Йиғламасдан гапир...» деди Лев Крилловичнинг кўзлари чақчайиб, оғзи очилиб, дами ичига тушиб кетиб, зўрға тилга келди.) Подшоҳим, Қора денгиз бизга ҳаводай зарур, усиз яшаёлмаймиз! Худога шукур, ҳозир етарли даражада кучлимиз, туркларда эса куч йўқ... Биз Васька Голицин сингари Қримни оламан деб овора бўлмасдан Дунай орқали сузиб, денгиздан ўтиб, Кустантинияга бостириб киришимиз ва муқаддас Аё-София устига крест ўрнатишимиз шарт.

Мугузга ўхшаб диккайган париклар типирчилай бошлади. Пётрнинг кўзлари ҳамон англаб бўлмайдиган тарзда ялт-юлт қилар, оғзидаги трубкаси хўриллар эди.

Табиатан вазмин ва ювош Апраксин:

— Урушдан кўра сулҳ яхши, Лев Криллович, уруш қимматга тушади,— деди секингина.— Турклар билан йигирма беш йилга, лоақал ўн йилга сулҳ тузишимиз, лекин зинҳор-зинҳор Азовни ва Днепр бўйидаги шаҳарлари қайтариб бермаслик шарти билан тузишимиз лозим,— деди-да, кўз қирида Пётрга қараб, хўрсиниб қўйди.

Подшо ўрнидан турди, бироқ жой тор, юриб гапиришнинг иложи йўқлигини кўриб, столга омонатгина ўтирди.

— Бутун вақтим орқамга қараш, сиз дворянларга, ота мерос бандаларига таълим беришга кетяпти, билмадим, қачонгача сизлар билан овора бўларканман! Дворянлар лашкаримиш! Шу ҳам лашкар бўлдими? Отга миниб олиб, қилични қайси қўлида ушлашни билмайди бу лаънатилар. Лашкар эмас,— текинхўрлар, учига чиққан текинхўрлар! Қошкийди аҳли савдогар билан гаплашиб, улардан ўрганса... Архангельск тупканинг тагида: инглизлар, голландлар истаган номаъқулчилигини қиляпти, молларимизни сув текинга сотиб олишяпти... Митрофан Шорин саккиз минг пуд маъдан лосини омбор-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да чиритиб юборипти, нархи ошармикин, деб уч йил кутганини гапириб берди.—«Бу ханнот ажнабийлар ёнимдан ўтиб, бетимга кулишади»,— дейди... Ёғоч-тахта-чи! Чет элга ёғоч-тахта жудаям керак. Ёғочнинг кони — ўрмонлар фақат бизда, биз бўлсак, молимизни сотолмай нуқул уларга ялинамиз, холос. Сурп-чи! Иван Бровкин: бу нархга сурп сотгандан кўра, Архангельскдаги омборхоналарим билан бирга ҳаммасини куйдириб ташлаганим маъқул, дейди... Йўқ, Қора денгиз билан иш битмайди. Кемаларимиз Болтиқ денгизида сузиши керак.

Ниҳоят гапини тугатди... Дароз, ҳамма ёғини доғ-дуғ босиб кетган подшо кўзини чақчайтириб савол назари билан жаноби министрларга тикилиб олди. Ҳамманинг қовоғи осилиб кетди. Қийин бўлса ҳам татарлар билан, боринг — турклар билан жанг қилиш, бу бошқа гап, ҳар ҳолда бунга ўрганиб қолганмиз. Аммо Болтиқ денгизида жанг қилиш? Ливонияга, поляклларга қарши-я! Шведларга қарши урушиш? Европанинг чигил сиёсатига аралашиш? Худо кўрсатмасин!— Лев Криллович этаклари тарвайган кафтанини тимирскилаб, данак рангли дастрўмолини олди-да, юзини артди. Возницин қотма юзини титратиб бош чайқади. Пётр шим чўнтагидан тамаки халтасини олиб:

— Энди биз турклар билан бошқача гаплашиб сулҳ тузамиз,— деди.— Прокофий сингари қора-тўриқ тулки мўйнали пўстин совға қилиб ялиниб ўтирмаймиз...

— Албатта!— деб юборди бирданига Меньшиков кўзларини пирпиратиб.

11

Бўтана бўлиб, лиммо-лим тўлиб оққан Донда кемалар йўл-йўл елканларини шамолда шиширив, денгиз томон сузиб бормоқда. Ўн саккизта қўш палубали кема, уларнинг олдида ва кетида йигирмата галиот ва йигирмата бригантин ҳамда яхталар, галералар: саксон олтита ҳарбий кема ва казаклар тушган беш юз ясси кема турна қатор тизилиб кетганди.

Баланд палубалардан қаралса, кўкаламзор даштлар, суви жимирлаган кўллар кўринарди. Гала-гала парранда шимол томонга учиб ўтар, баъзан олисдаги бўр тоғлари кўзга чалинар эди. Бошда шарқ-жанубдан қаттиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

шамол туриб, то кемаларни ғарбга буриб олгунча она сути оғзиларига келди, елканларни шамол учираверіб, кемалар дам-бадам қумлаб қолаверіб, ҳамманинг силласини қуритди, капитанлар жон-жаҳди билан карнай орқали бақираверіб безор қилди. Флотда қуйидаги буйруқ эълон қилинганди:

«Бирінта кема кейінда қолиб кетмасдан, командир кемасига думма-дум етиб юрсин. Мабодо уч соатлик масофада кейінда қолса, штраф тарзида йиллик маошидан чорагини, агар олти соат кейін қолса — учдан икки қисмини босиб қолинсин!»

Кемалар ғарб-жанубга бурилгандан сўнг енгил сузиб кетди. Дашт узра уфқ бўйлаб ёйилган намхуш шафақ яллиғи тез сўниб, бирпасда қоронғилик тушди. Адмирал кемасида отилган тўп садоси янгради, қўнғироқлар жаранглади. Чироқлар липиллаб, мачта тепасига ўрмалаб чиқа бошлади, лангар шалоплаб сувга тушди. Қоронғилик босган қирғоқларда гулханлар ёқилар, казаклар бир-бирларини чақириб ҳайҳайлашарди.

Тоғдай қорайиб кўринган баҳайбат «Апостол Пётр» номли кемадан (подшо комондор унвонида шу кемада хизмат қиларди) дам-бадам мушак отилиб юлдузли осмонга кўтариларди-да, вашиллаб, ўтли думидан учқун сачратиб беданаларни ҳуркитарди. Одамлар кечки овқатга тайёрланиб кают-компанияга тўпланишмоқда эди. Айниқса шу кечаю кундуз ичкиликка берилган адмираллар, капитанлар ва олий мақом боярлар яқин-атрофдаги кемалардан қайиқда сузиб шу ерга келишарди.

Дивногорскдаги монастирь ёнида эса, Борис Алексеевич Голициннинг ширкати қурган олтита кема флотга қўшилди. Шу муносабат билан кемалар лангар ташлаб, баланд қирғоқ остида тўхтади, икки кунгача монастирь боғида, очиқ ҳавода роса кайф-сафо давом этди: мугиз сурнай чалишиб, гап қотишиб монахларни маҳлиё қилишди, саккиз юз замбаракдан ўт очиб капалакларини учиришди.

Яна елканлар кўтарилиб йўлга тушилди. Дарёнинг баланд қирғоқлари ёқалаб, атрофи четан ва хандақлар билан ўралган шаҳарчалар ёнидан, қўрғонлар, ер-мулклар, балиқ овланадиган жойлар ёнидан ўтишди. Паньшин шаҳарчаси яқинида, дарёнинг чап соҳилида узун найза кўтарган бир гала сувори қалмоқларни, ўнг соҳилда эса — чорбурчак шаклида тизилган аравалар

www.ziyouz.com kutubxonasi

орасидаги казакларни ва икки тўпни кўрдилар. Қалмоқлар билан казаклар осетр овланадиган жойни ҳамда уюр-уюр йилқиларни ўзаро беғалва бўлиб ололмагандан кейин жанг қилгани тўпланишган эди.

Лашкарбоши Шейн қайиққа тушиб қалмоқлар ёнига, Борис Алексеевич Голицин казаклар ёнига борди. Бир амаллаб уларни битимга келтиришди. Шу муносабат билан кўкаламзор тепалар устида, оҳиста сузиб ўтаётган булутлар ва баландлаб учган турналар галасининг садоси остида яна кайф-сафо қилишди. Қайфи ошиб қолган Корнелиус Крейс тошбақа туттириб келиб, ўзи шўрва қилди. Буни кўриб Пётр ҳам аллақанча тошбақа топтириб келди-да, боярларни ғалати таом билан меҳмон қилди, еб бўлганларидан кейин уларга тошбақа каллаларини кўрсатди. Лашкарбоши Шейн, кўнгли айнаб, қайт қилди. Роса кулишди.

Йигирма тўртинчи майда, айни кун қизиган туш пайтида, жануб томонда, денгиз туманлари орасидан Азов қалъасининг истеҳкомлари кўринди. Дон шу ерда кенг ёйилиб кетган, лекин қирқ замбаракли кемалар ўтиши учун саёзлик қиларди.

Вице-адмирал Дон тармоқларидан Қутурма номли анҳорни ўлчаб бўлгунча, Пётр яхтага тушиб Азов билан Таганрог қалъаларининг истеҳкомларини кўргани жўнади. У қайтгунча, чиройли арғумоқлар минган хон элчилари совға юкланган отларни етаклаб Боғчасаройдан келдилар. Дарҳол гилам чодирларини тикишди, учига қўтос думи осилган ва яримой ўрнатилган узун найзасимон туғларини баланд тепа устига қадаб, хон юборган совға-саломни подшо қабул қиладими,— деб руслар қароргоҳига таржимон юборишди. Хон элчиларига, подшо Москвада, бу ерда фақат унинг ноиби Головин билан боярлар бор, холос, деб жавоб қилишди. Тепа устидаги туғ уч кунгача ҳилпираб турди. Татарлар асов арғумоқларини ўйнатиб, оғзи хунук тўплар рўпарасидан от чоптириб ўтишарди. Тўртинчи куни хон элчилари адмирал кемасига келдилар ва келтирган совғаларини, чунончи: эгар учун қуйма жилд, қилич, тўппонча, пичоқ ва эгар-жабдуқларни турк чеварлари тўқиган оппоқ гилам устига ёйиб ташладилар,— буларга кумуш суви берилган бўлса-да, хашаки тошлар билан безатилган анчайин

www.ziyouz.com kutubxonasi

буюмлар эди. Головин буклама курсида талтайиб, турклар эса гилам устида чордана қуриб ўтирарди. Элчилар Возницин қўл қўйган армисциция тўғрисида гапиришар, гоҳ ундан, гоҳ бундан гап очиб, сийрак соқолларини чимдиб, сичқон кўзига ўхшаш ўйноқи кўзларини югуртириб, ҳамма ёқни кўздан кечиришар, нуқул тилларини такиллатишарди.

— Москов қарош, флот қарош... Лекин бекорга овора бўласиз,— улкан кемалар билан Қутурмадан ўтолмайсиз: яқинда султон флоти ҳам Донга ўтмоқчи бўлиб кўп уринди, лекин ҳеч натижа чиқмай қуруқдан-қуруқ Керчга қайтди...

Уларнинг сир билмоқ учун разведка мақсадида келганлари сезилиб турарди. Эртасига эрталаб тепа устида на чодир кўринди, на туғ ва на суворилар — ҳаммаси тундаёқ жўнаб қолганди.

Ўлчаш ва текшириш натижасида Қутурманинг саёз эканлиги аниқланди. Дон суви кундан-кунга пасаймоқда эди. Энди умид фақат ғарб-жануб шамолида,— бу шамол денгиз сувини дарёга ҳайдаши мумкин эди.

Пётр Таганрогдан қайтди. Сув пасайганини эшитиб, қовоғи осилиб кетди. Жанубдан кучсиз шамол эсарди. Кунлар исиб кетди. Смола эриб кема бортларидан томчилай бошлади. Қишда чала қуриган ёғочу тахталар тоб ташлаб тарс-тарс ёрилар, трюмга сизиб кирган сувни матрослар насос билан тортиб чиқаришарди. Жазирама офтобда, жимирлаган туман орасида эса елканлари йиғиштирилиб, қимирламай қолган кемалар кўринарди.

Мувозанат сақлаш учун ишлатиладиган балластларни кемадан олиб ташлаш тўғрисида буйруқ берилди. Кема трюмларига жойлашган бочка-бочка порохларни, тузлаган этларни қайиқларга ортиб, Таганрогга таший бошладилар. Шундан сўнг кемалар анча енгиллашди, лекин Қутурманинг суви барибир камайиб бораверди.

Йигирма иккинчи июнда тушдан кейин контр-адмирал Юлиус Рез ёзилмоқчи бўлиб, ҳаммом каби исиб кетган кают-компаниядан палубага чиқди-ю, жануб-ғарб томондан ёпирилиб келаётган қора булутларни кўрди. Ёзилиб бўлгач, яна бир карра булутга кўз ташлаб, кают-компанияга қайтди, шляпаси билан қиличини олди-да, баланд овоз билан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳалемай шторм бошланади,— деди.

Пётр, адмираллар, капитанлар — ҳаммаси ирғиб стол ёнидан туриб палубага чиқди. Осмонда парча-парча қора булутлар ёпирилиб келмоқда, оқиш туман қоплаган сув сатҳини тобора қоронғилик босмоқда эди. Қуёш чўян тусли ёғдуси-ла ёндирарди. Ҳарорат авжига чиққан, кема яловлари ва байроқчалари қуритиш учун арқонга ёйиб қўйилган кирлар—ҳаммаси қимирламай шалпайиб қолган эди. Ҳамма кемаларнинг боцманлари барбвар жар солиб: ҳамманг палубага чиқ, деб бақира бошладилар. Матрослар ёпирилиб шторм лангарларини ҳаракатга келтиришди.

Осмонни қора булут қоплаб, сув сатҳи тобора қорая бошлади. Ўфқ бир лаҳза ялт этиб ёришди. Мачталарнинг арқонлари таранглашиб, хунук товуш билан ҳуштак чалиб юборди. Байроқчалар жонланиб, юлқина бошлади. Шамол бирданига жон-жаҳди билан ёпирилиб келди-да, минди-минди бўлиб ўмбалоқ ошаётган қора булутларни олдига солиб қувиб кетди. Мачталарни ғижирлатиб, арқонга ёйилган иштонларни учириб юборди. Қутурган шамол сувни чайқалтирар, мачта арқонларни узар, елканларни юлқиларди. Рейда[1] турган матрослар жон-жаҳдлари-ла арқонга тармашиб олишарди. Капитанлар этикларини гурсиллатиб у ёқдан-бу ёққа югуришар, тобора авжига чиқаётган бўрондан ошириб ҳайқиришарди. Сув кўпириб-тўлқинланиб, кема бортларига урилиб сачрар эди. Бирданига осмон гўё тарс-тарс ёрилгандай, қарсиллаб кетди, устма-уст гумбурлаган даҳшатли товушдан юрак ёрилаёзди. Чақмоқ чақди, ўтли тиғлари ерга санчилди.

Пётр бош яланг ҳолда, тутқични чангаллаганича, дам кўтарилиб, дам пастлаб лопиллаётган дум томонда қимирламай турар, этагини шамол дўмбира қилиб шиширарди. Балиққа ўхшаб оғзини кап-кап очар, қулоғи битиб, кўзлари қамашганидан ҳеч нарса сезмас ва эшитмасди. Назарида, шу кеманинг ён-верига, тўлқинларнинг қоқ тепасига чақмоқ тушаётгандек эди.

Юлиус Рез подшонинг қулоғи тагида бақириб:

— Бу ҳали ҳолва, ҳақиқий шторм энди бошланади,— деди.

---

[1] Сув бўйида кема тўхтайдиган қулай жой. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шторм ҳамма ёқни дабдала қилиб, кўп шикаст етказиб, ўтиб кетди. Лангар арқонларини узди, бир неча мачтани синдирди, кичик кемалардан бир қанчасини қирғоққа чиқариб ташлади, кўпини сувга чўктириб юборди. Соҳилдаги матрослардан иккитаси чақмоқ тегиб ўлди. Аммо пировардида ғарб-жанубдан кучли шамол туриб, узлуксиз гувиллаб эсаверди: бу — айни муддаодаги шамол эди.

Қутурмада сув тез кўтарила бошлади. Тонготар маҳали кемалар ҳаракатга келди. Элликка яқин эшкакли ясси кема узун арқонлар билан шатакка олиб энг аввал «Крепость»ни судради. Кема бирор марта тагини ерга теккизмасдан, бу белгидан-у белгига сузиб бораверди, ниҳоят Қутурмадан бемалол ўтиб олиб, Азов денгизига чиқди ва чиқа солиб тўпдан ўқ узди-да, капитан Памбургнинг шахсий байроғини кўтарди.

Ўша куни энг оғир ва таги сувга чуқур ботадиган кемалардан: «Апостол Пётр», «Воронеж», «Азов», «Гут Драгерс» ҳамда «Вейн Драгерс» кемаларини денгизга чиқариб олинди. Йигирма еттинчи июнда бутун флот Таганрог истеҳкомлари олдига лангар ташлаб тўхтади.

Шу ерда, баланд тепалар панасида, қовжираб тоб ташлаган кемаларнинг дарз кетган жойларига бошқатдан лос тиқа бошлашди, смолалаб мойлашди, чувалиб кетган арқонларини тўғрилашди, балластларни қайтадан кемага олишди. Пётр эртадан кечгача осма кажавадан тушмай, болға билан тўқиллатиб, ёрилган тахталар орасига лос тиқар, нуқул ҳуштак чаларди. Баъзан эса лоғ-дуғ босган бўз шимда думбасини дўппайтириб олиб, бошқа рей[1] ўрнатмоқ учун кертикма-кертик оёқ қўйиб, мачтага чиқарди. Ёки Федосей Скляев ишлаётган жойга — трюмга тушарди (Федосей Жон Дей ва Осип Най билан сан-манга бориб қаттиқ сўкишиб қолганди).

Ҳозир Скляев дум томонидаги шпангоутларнинг[2] мураккаб боғичларини мустаҳкамлаётганди.

— Пётр Ликсеич, худо ҳаққи, менга халақит берманг,— деб тўнғиллади Федосей,— йўқса ишни расво

---

[1] Елканни тортиб туриши учун мачта учига кўндаланг ўрнатилган ёғоч. *(Тарж.)*

[2] Кеманинг ёғоч қовурғалари, шулар устидан сирти қопланади. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

қиласиз. Қалламни олсангиз ҳам майли, ихтиёр сизда, лекин аралашманг, йўқса...

— Хўп, хўп, пича ёрдамлашаман, холос...

— Анави Аладушкинга ёрдамлашинг, боринг, йўқса уришиб қоламиз...

Бутун июнь ойи ишлашди. Контр-адмирал Юлиус Рез Преображенск ва Семёновск полкларининг солдатларидан танлаб олинган кема командаларини узлуксиз машқ қилдириб чиниқтирарди. Улар орасида умрида денгизни кўрмаган дворян болалари кўп эди. Баджаҳллиги ва довюраклиги билан ном чиқарган ҳақиқий денгизчи Юлиус Рез матросларга дарра билан таълим бериб, кемачилик соҳасидаги ўз билимларини уларнинг миясига қуярди. Масалан, сувдан ўн икки саржин баландликда, елканни ушлаб турган, тўртинчи кўндаланг ёғоч устида қимирламай туришга, ёки ўзини бортдан ташлаб уст-боши билан бирга денгизга шўнғишига мажбур қиларди ва: «Кимики ғарқ бўлса — у денгизчи эмас»,— дерди. Ияги ит тумшуғига ўхшаш бу қароқчи таёқ ушлаб, қўлини орқасига қилиб, оёқларини кериб, капитан кўприкчасида туриб оларди-да, бир кўзи билан ҳаммани: ким нима қилаётганини, ким арқон тугунини имиллаб ечаётганини, ким арқонни нотўғри боғлаётганини бемалол кўрарди. «Ҳой, олдинги уш буршак маштада тюрган иплас, ҳўкуз, нега арканни унака бушатасин? Ҳамманг тепага чиқ... Башкаттан башла!» — деб ер тепиниб бақирар эди.

Москвадан янги тайинланган элчи Емельян Украинцев етиб келди. (Элчилар маҳкамасидаги ходимлар орасида энг тажрибалиси шу одам эди.) У билан бирга мирзабоши Чередеев ҳамда таржимонлардан Лаврецкий билан Ботвинкин келди. Туркия султонига ҳамда подшоларга совға қилиш учун аллақанча сувсар мўйнаси, балиқ тишлари ва бир ярим пуд чой олиб келишди.

Ўн тўртинчи августда, шарқ-шимолдан турган кучли шамолда «Крепость» бутун флот ҳамроҳлигида очиқ денгизга чиқиб, жануб-ғарб томон йўл олди. Ўн еттинчи август куни кеманинг чап бортидан—нўғайлар томонидан Тамань шаҳрининг ингичка мезаналари кўринди; флот бўғоздан ўтди-да, барча тўплардан ўт очиб порох тутунига кўмилиб, Керч рўпарасида лангар ташлаб тақка тўхтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаҳар деворларининг путири кетган, баланд-баланд чорбурчак башняларининг баъзи ерлари қулаганди. Ва истеҳкомлари бор эди ва на жангда чидам берадиган қўрғонлари. Қирғоқ яқинида тўртта кема турарди. Афтидан, турклар бутун кўрфазни порох тутуни ва кема елканлари босиб кетишини кутмаган, ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаган бўлсалар керак, бирданига ҳовлиқиб югуришиб қолишди.

Керч ҳокими — нозик бадан, тепса-тебранмас Муртаза пошо капалаги учган ҳолда, башнялардан бирининг ўпирилган деразасидан мўралаб қararди. Пошо икки ясовулига Москва адмирали турган кемага бориб нима сабабдан бунчалик улкан флот ташриф буюрганини сўраб билиб келишни тайинлади. Бир ой муқаддам хон жосуслари уни: «Рус флоти бир пақирга арзимайди, тўп-замбараклари йўқ. Азовнинг таги қумлоқ, саёз жойларидан ўтиб бўпти»,— деб ишонтирган эди.

Кемаларни кўришга халақит бериб, деразаларни тўсиб турган бута шохини Муртазо нари итарди-да:

— Бай-бай-бай... Ана кўргилигу мана кўргилик,— деб ғиншиб кемаларни санай бошлади. Санайвериб чарчади, санашни бас қилди ва орқасига бурилиб, башня саҳнида турган амалдорларга қараб бақирди:— Хўш, жосуслар гапига лаққа тушган ким эди? Ўша итвачча татарларга қайси биринг ишона қолувдинг, а?

Муртазо қавушини тапиллатиб, нуқул ер тепинарди. Туркиядан олис, бир чеккада тинчгина ётавериб семириб кетган, дангаса бўлиб қолган амалдорлар эса, қўлларини кўксига қўйиб, салла ва фасларини ликиллатиб бош чайқашарди. Ҳаммаси шуни аниқ билардики, Муртазо бу хунук хабарни султонга етказишга мажбур бўлади, бироқ у ёғи қоронғи: гарчи султон халифаи дини ислом бўлса ҳам, шу қадар жиззаки ва баджаҳл одам эдики, ҳатто Муртазодан кўра баланд мартабали пошшоларни ҳам баъзан қозиққа ўтиргизиб қатл қилдирган.

Ясовуллар адмирал кемасидан тушиб, елкани қийшайган қайиққа ўтиришди, қайиқ изига қайтди. Муртазо сабрсизлик қилиб, ясовулларни тезроқ олиб келиш учун бир амалдорни қирғоққа жўнатиб, яна кемаларни санашга тушди. Ҳадемай ясовуллар — икки грек — ҳал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лослаб етиб келди. Муртазо тумшуғини чўзиб ғазаб билан уларга тикилди:

— Хўш?

Ясовуллар кўзларини ола-кула қилиб, бўйинларини қисиб, тилларини такиллатиб, сўзлай бошладилар:

— Москов адмирали сизга салом йўллади; сўнгра, подшо элчисини султон ҳузурига кузатиб боряпмиз, шуни пошшога айтиб қўй, деди. Биз унга, элчингизга денгиз орқали боришга пошшо ижозат беролмайдилар, ҳамма қатори элчингиз ҳам Қримдан Бобага ўтиб қуруқликдан бораверсин, дедик. «Денгиздан боришга тўсқинлик қилсаларинг, биз уни то Константинополгача бутун флот билан кузатиб бораверамиз»,— деди адмирал.

Эртасига Муртазо пошо юборган беклар адмирал ҳузурига келиб шундай дедилар:

— Биз ҳар ҳолда сиз московликларга ачинамиз, негаки, сизлар бизнинг Қора денгизни билмайсизлар, бу шундай фирибгар денгизки, энг оғир дамда панд бериб дилингни сиёҳ қилади-қўяди, шунинг учун уни Қора денгиз дейдилар. Худо кўрсатмасин, бирор фалокат юз берсами... Яхшиси, маслаҳатга кўниб, қуруқликдан тўғри Бобага боринглар.

Адмирал Головин қовоғини осилтириб: «Қўрқитиб бўпсан»,— деб қўйди ичида. Унинг ёнгинасида турган голландча кийимли, кўзлари йилтироқ, новча киши кулиб юборди, унга қўшилиб ҳамма руслар кулдилар.

Муртазо пошонинг қўлидан нимаям келарди? Ахир Москов кемалари эрталаб шамол турар-турмас елканларини кўтарса, денгиз қоидаси ҳаракатига қатъиян амал қилиб, бекам-кўст саф тортиб, кўрфазда бемалол сузиб юрса,— бу ҳазилакам гапми? Бунчалик сурбетлар талабини рад этиб кўр-чи?.. Муртазо пошо шуларни ўйлаб, фақат худога умид боғлаб, жўрттага музокарани чўзарди.

Қайиқ турк адмирали кемаси ёнида тўхтади. Корнелий Крейс ҳамда голландиялик матрослар сингари кийинган икки қайиқчи — Пётр билан Алексашка — кемага кўтарилдилар. Палубада саф тортиб турган турк матрослари салют беришди. Адмирал Ҳасан пошо мағрурона қадамлар билан каютадан чиқди: эгнида —

www.ziyouz.com kutubxonasi

оппоқ шойи либос, бошида—салла, салласида эса нуқул олмосдан қилинган ярим ой. Ҳасан пошо обрў сақлаб, қўлини пешанасига ва кўксига теккизиб ишораи салом билдирди. Унга жавобан Корнелий Крейс бошидан шляпасини олди-да, бир оз кетига тисарилиб, Ҳасан пошонинг тумшуғи тагида шляпа патларини ҳилпиратиб, қўлини ёйди.

Иккита курси қўйилди. Икки адмирал чодир тагига ўтирди. Пак-пакана, хўппа-семиз киши — бу ошпаз экан — ширинлик солинган ликопчаларни, кичкина-кичкина чашкалар билан кофейникни патнисда кўтариб келди. Адмираллар сиполик билан ғалати суҳбат бошладилар.

— Подшоҳнинг соғлиқлари қалай?— деб сўз бошлади Ҳасан пошо.

— Подшо соғ-саломат,— деб жавоб берди Корнелий Крейс ва ўз навбатида султон ҳазратларининг соғлигини сўради.

Ҳасан пошо султонга ғойибона таъзим бажо келтириб:

— Ул ҳазрати олийни оллоҳ ўз паноҳида асрағай...— деди. Сўнгра ғамгин кўзлари ила Корнелий Крейсдан оша қараб давом этди:

— Керчда биз улкан флот сақламаймиз. Бу ерда ҳеч кимдан қўрқадиган жойимиз йўқ. Шунинг учун энг катта кемаларимиз ҳозир Мармар денгизида. Ўша кемаларнинг замбараклари шу қадар каттаки, уч пуд келадиган тош ўқларни бемалол отаверади.

— Бизнинг кемаларимиз тош ўқларни сира ишлатмайди,— деди Корнелий Крейс кофедан ҳўплаб.— Биз фақат ўн саккиз қадоғлик ва ўттиз қадоғлик чўян ўқларни отиб ўрганганмиз. Бунақа ўқ душман кемасининг бу биқинидан кириб, у биқинидан тешиб чиқади.

Ҳасан пошонинг чиройли қошлари сал-пал кўтарилди.

— Туркиянинг энг яқин дўстлари бўлган инглизлар ва голландларнинг подшо флотида хизмат қилганини кўриб, биз ниҳоятда таажжубландик...

Унга жавобан Корнелий Крейс очиқ чеҳра билан жилмайди-да:

— Э Ҳасан пошо, одамлар ким кўпроқ пул берса, ўшанга хизмат қилади,— деди. (Ҳасан пошо димоғдорлик билан бошини қуйи солиб ўйланиб қолди).— Англия ва Голландия Москов билан савдо алоқаси боғлаб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

жуда катта фойда кўрмоқда. Подшо билан уруш қилгандан кўра сулҳ тузиб, қўшничилик қилган маъқул. Москов дунёдаги барча мамлакатлардан бой.

— Подшо бунча кемаларни қаёқдан олди, жаноби вице-адмирал?— деб сўради Ҳасан пошо ўйчан ҳолда.

— Московликлар икки йил ичида ўзи қурди,— деди Корнелий Крейс.

Ҳасан пошо нуқул:

— Бай-бай-бай...— деб салласини ликиллатар, шундан бошқа сўз айтишга тили тутилиб қолгандек туюларди.

Икки адмиралнинг суҳбати тугагунча Пётр билан Алексашка турк матросларини тамаки билан сийлашди, ҳар хил қизиқ гаплар билан роса кулдиришди. Ҳасан пошо дам-бадам уларга кўз ташлаб қўяр, чунки ғоят новча бу икки йигит ҳаддан зиёда синчков эди. Ана, биттаси мачтага чиқди. Иккинчиси эса, инглизлар кашф этган тезотар тўпга тикилганича туриб қолди. Ҳасан пошо одоб юзасидан оғиз очмади, ҳатто матрослар бу йигитларни пастки палубага олиб тушаётганларида ҳам индамай ўтираверди.

Корнелий Крейс ҳар хил мева, ширинлик ва кофе сотиб олмоқ учун қирғоққа тушишга ундан ижозат сўради. Ҳасан пошо ўйлаб туриб, жаноб вице-адмиралга ўз кофесини пуллаб олишни маъқул топди.

— Сенга қанча кофе керак?

— Етмиш червонга қанча келса, шунча...

— Абдулло,— деб чақирди Ҳасан пошо товони билан ерни дўпиллатиб. Бояги ошпаз лапанглаб чопиб келди. Пошонинг гапини эшитиб бўлгач, изига қайтиб, бирпасда тарози билан қайтиб келди. Унинг кетидан қоп кўтарган матрослар пайдо бўлди. Ҳасан пошо тагидаги курсини қопга яқин суриб қулайроқ ўтирди-да, тарозини текшириб кўрди, неча марта тортилганини санаб туриш учун каҳрабо тасбеҳини қўйнидан олиб, қоплар оғзини очишга буйруқ берди. Сўнгра кофе доналарини нозик бармоқлари орасидан думалатиб, кўзларини чала юмиб:

— Бу қаҳва Явадаги қаҳвалар ичида энг аълоси. Менга раҳмат дейсан ҳали, жаноби вице-адмирал. Сиртингдан маълум: яхши одамсан,— деб мақтади-да, энгашиб қулоғига шивирлади:— Сенга ёмонлиқни асло раво кўрмайман, бечараз гапим шуки, московликларни денгиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

орқали боришдан қайтаришинг шарт, негаки, қирғоққа яқин жойларда, сув остида хатарли қумлоқлар, харсанглар жуда кўп, ҳатто ўзимиз ҳам ўша жойлардан жуда қўрқамиз.

— Нега энди биз қирғоқ бўйлаб сузишимиз шарт экан?— деди Корнелий Крейс.— Бизнинг кемалар денгизнинг ўртасидан тўғри бораверади, фақат орқадан шамол турса бас.

Вице-адмирал етмиш червонс санаб берди. Ҳасан пошо билан хайрлашди-да, трап ёнига келиб зарда билан чақирди:

— Ҳой, Пётр Алексеев!..

Дарҳол жарангдор овоз:

— Мен тайёр!— деб жавоб берди.

Пётр билан Алексашка люкдан ўқдай отилиб чиқишди — иккисининг ҳам бошида қизил фас. Вице-адмирал Ҳасан пошога қараб шляпасини силкитиб қўйди-да, руль олдига ўтирди, қайиқ жойидан қўзғалиб зинғиллаганича қирғоқ томон кетди. Пётр билан Алексашка энгашиб олиб эшкакларга зўр беришар, тишларининг оқини кўрсатиб илжайишарди.

Қайиқ тўлқин билан бирга қирғоқдаги шағалга урилиб тўхтади. Қалъа дарвозасидан ясовуллар билан кечаги беклар чиқди-да, чирпган қайиқлар ва сепоялар ёни билан тўғри уларнинг олдига келиб, асло шаҳарга киришманглар, деб илтимос қилишди, нима керак бўлса, ҳаммасини дўкондорлар шу ерга — қайиққа етказишини айтишди. Азбаройи жаҳли чиққанидан Пётрнинг кўз соққаси ўйнаб, икки бети чўғдай қизариб кетди. Эшкакни тиккасига ушлаб турган Алексашка:

— Мин херц, буйруқ бер... бутун флот билан қалъа рўпарасида тайёр бўламиз... Бу нимаси ахир...

— Киргизмасликка уларнинг ҳақи бор: бу ахир қалъа,— деди Корнелий Крейс.— Қирғоқ бўйлаб қалъа деворлари атрофида сайр қиламиз, биз учун керакли ҳамма нарсани бемалол кўраверамиз.

12

Муртазо пошо яна пайсалга солиш учун баҳона тополмади: ижозат беришга мажбур бўлди. Пётр флот билан бирга Таганрогга қайтди. Йигирма саккизинчи ав-

www.ziyouz.com kutubxonasi

густда «Крепость» элчи Емельян Украинцевни, мирзабоши ва таржимонларни бортга олди-да, тўрт туркия ҳарбий кемалари ҳамроҳлигида Керч бурунини айланиб ўтиб, кучсиз шамолда Қримнинг жанубий соҳиллари бўйлаб жўнади.

Туркия кемалари изма-из сузиб борарди. Олдинги кемага ясовул тушган, Ҳасан пошо Керчда қолганди. Сўнгги соатда у ялиниб-ёлвориб: мен маслаҳат бермасам ҳам подшо элчиси қулоқ солмай ўзича жўнаганлиги ҳақида менга лоақал тўрт оғиз сўз ёзиб қолдиринглар, деб кўп илтимос қилди. Лекин илтимоси рад этилди.

Балаклава кўринганда ясовул ўз кемасидан тушиб қайиққа минди-да, «Крепость»га етиб олгач, чопонини узун енглари билан имо-ишора қилиб, Балаклавага кириб ўтишини, у ердан тоза сув олволишни илтимос қилди.

— Жудаям аломат шаҳар, марҳамат, киramизу чиқамиз,— деб роса бақирди.

Панжарага суяниб турган капитан Памбург йўғон овоз билан тўнғиллади:

— Ҳамма бочкаларимизга сув тўлдириб олганмиз. Сени қара-ю! Бизни тушунмайди, деб ўйласа керак. Ясовул Балаклавага кириб, «элчига йўл харжи» деган баҳона билан халқдан пул йиғиб олмоқчи. Оббо муттаҳам-ей!..

Ясовулнинг илтимоси ҳам рад этилди. Шамол кучая бошлади. Памбург осмонга назар ташлаб, қўшимча елканлар ҳам кўтарилсин, деб буюрди. Туркларнинг оғир кемалари тобора кейинда қола бошлагач, олдинги кемадан сигнал бериб: «Елканларни камайтиринглар», деб ялинишга тушдилар. Памбург дурбиндан тикилиб қаради, португалча сўкиниб, зинадан пастга тушди-да, ёнғоқдан антиқа қилиб ишланган кают-компанияга кирди. Элчи Емельян Украинцев шу ерда — стол ёнида, мўм суриб йилтиратилган скамейкада эди: кема чайқалишидан кўнгли айниб, кўзларини юмиб, пиргини бошдан олиб, қўлида ғижимлаб ўтирарди. Зардаси қайнаган Памбург унга ҳасрат қила бошлади:

— Анави шайтонлар менга, елканларни камайтир, деб сигнал беришди. Қошки мен қулоқ солсам... Тўғри очиқ денгизга йўл олиб ҳайдайвердим...

Украинцев эса, билганингни қил, дегандай фақат пиргини силтаб қўя қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Памбург капитан турадиган кўприкчага чиқди. Оғзини тўсмасин учун мўйловини бураб олди-да:

— Ҳамманг юқорига чиқ! Командамга қулоқ сол! Фор-бом-брамселларни кўтар... Грот... Крюс-бом-брамселлар... Фор-стеньга-таксель, фока-таксель...[1] Чапга бур... Шундай юрилсин...

«Крепость» ғижирлаб, ёнга қийшайинқираб бурилдида, елканларини шамолга бериб қимирламай тўхтаб қолганга ўхшаб кўринган тўрт кемадан тобора узоқлашиб, Евксин гирдобидан оша тўғри Кустантинияга йўл солди...

•

Кема бир томонига қийшайиб, шарқ-шимол шамоли қутуртирган қорамтир-қўнғир тусли денгизда қушдай учиб борар эди. Тўлқинлар кўпириб-тошган ўркачларини баланд кўтариб қараётгандек ва гўё, бу ёлғиз кема қачонгача сузаркин, қуёшда қақраган соҳилга қачон етаркин, деб тикилаётгандек эди. Голландлар, шведлар ва датчанлардан тузилган кема командаси — ўн олти азамат ҳаммаси собиқ қароқчилар — тўлқинга парво қилмай, трубкаларини сўриб бемалол тамаки чекишарди: кема сайрга чиққандай эркин сузиб борарди. Аммо команданинг ярми эса — солдатлар ва тўпчилар трюмда, сув солинган ва тузланган эт жойлашган бочкалар орасида чўзилиб ётишарди. Памбург тоби қочган одамларга кунига уч маҳал ароқ беришни буюриб: «Денгизга ўрганиш керак!»— деди.

Бир кечаю кундуз йўл босилди; эртаси куни кема тумшуғи билан шўнғиб, тўлқин кўпиклари устидан ошиб ўта бошлагач, арқонлар тортилиб, елканлар сатҳи торайтирилди. Памбург мўйловига қўнган кўпикларни пуфлаб нуқул пишқирар эди.

Улуғ элчи Украинцев билан мирзабоши Чередеев чайқалавериб қаттиқ азоб чекишди. Иккови қуйруқ томондаги ҳужрада,— янги бўялган кичкина каютада ётишар, бошларини ёстиқдан кўтариб, чорбурчак деразачадан мўралаб қарашарди... Ана, дераза секин-секин пасайиб денгиз қаърига чўка бошлади, кўм-кўк сув вишиллаб, тўрт

[1] Юқори, ўрта ва пастки елканлар. Умуман ҳар хил мачта ва асбоб-ускуналар учун денгизчилар қабул қилган терминлар. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўзли ойнага кўтарилди, бирданига шалоп этиб ҳужрани қоп-қоронғи қилди-қўйди. Деворлар қисирлади, гўё шифтгача сув босиб кетгандек бўлди. Элчи билан мирзабоши инграб кўзларини чирт юмиб олишди.

Иккинчи сентябрь куни эрталаб кичкина қалмоқ бола — юнга[1] мачта тепасидан туриб: «Е-ер!» деб бақирди. Босфорнинг кўкимтир, баланд-паст қирғоқлари тобора яқинлашаверди, йироқларда эса қийшайган елканлар элас-элас кўринди. Чағалайлар пайдо бўлиб, кема устида чағиллаб айлана бошлади. Капитан Памбург ҳаммани палубага тўплаш учун ҳуштак чалишни буюрди: «Ҳамма ювиниб-тараниб, уст-бошини тозалаб, парик кийиб тайёр бўлсин!»— деди.

«Крепость» айни туш пайтида, барча елканлари кўтарилган ҳолда, қадимий қоровул миноралари ёнидан ўтиб, Босфорга елдай кириб борди. Қалъа девори устидаги мачтадан сигнал бўлди: «Бу кимнинг кемаси?» Памбург жавоб қайтарди: «Москва байроғини билишларинг керак». Қирғоқдан яна сигнал: «Лоцман олинган», Памбург сигнал берди: «Лоцмансиз бораверамиз».

Украинцев олтин уқали, малина рангли кафтанини, пат қадалган шляпасини кийди; мирзабоши Чередеев эса (шу қадар озиб кетганки, қуруқ суяги қолган, бурни ингичкалашиб, худди Суздаль рассомлари чизган улуғ жафокаш суратига ўхшаб қолган) кумуш уқали яшил кафтанини кийиб, пат қадалган шляпасини бошига қўндирди. Тўпчилар — тўплар ёнида туришди, солдатлар палубадаги майдончада саф тортишди.

Ойнадай тип-тиниқ кўрфаз сувида «Крепость» гўё музда сирғангандек сузиб борарди. Чап томондаги қақраган тепаларда — жўхориси ўрилмаган экинзорлар, водокачкалар, ён бағирларда ўтлаб юрган қўйлар, тошдан қурилган, томига жўхорипоя ёпилган уйлар кўринарди. Ўнг томондаги соҳилда эса,— ажойиб боғлар, оппоқ деворлар, томлари черепицали уйлар, сувга қараб тушган зиналар... Осмонга қад кўтарган тўқ яшил рангли сарв дарахтлари. Қадимий қасрнинг харобалари — ўт босиб кетган. Дарахтлар орқасидан бош кўтарган гумбазлар, мезаналар... Кема қирғоқ яқинидан ўтаётганда дарахт шохларида осилиб турган антиқа меваларни

[1] Енг матрос, кемада дастёр бола. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрдилар. Димоққа зайтун ҳамда атиргул ҳиди урилди. Руслар турк ерларининг обод ва гўзаллигини кўриб ҳайратда қолишди:

«Ҳамма буларни — мусулмон, тақирбош, деб масхара қилади, лекин қандай роҳатда яшаганини бир кўриб қўй!»

Гўё оламнинг нариги бурчида олтин сочилгандек йироқларга заррин шафақ ёйилди. Шафақ тобора қизариб сўна бошлади-да, Босфор сувини қон билан бўяди. «Крепость» Кустантиниядан уч миля нарида лангар ташлаб тўхтади. Зумрад осмонда каттакон юлдузлар пайдо бўлди, бундай юлдузларни Москвада ҳеч ким кўрган эмасди. Сомон йўли эса, туман сингари элас-элас кўринар эди.

Кемадагилардан биронтасининг ухлагиси келмасди. Ҳамма сокин қирғоқ томонга тикилар, қудуқ ёғочларининг ғижирлашига, чигирткаларнинг чириллашига қулоқ соларди. Ҳаттоки итлар ҳам бу ерда бошқачароқ акиллarди. Сув остида, анча чуқур жойдан оқим билан бирга липиллаб ўтаётган нурланувчи антиқа балиқлар кўринарди. Солдатлар тўплар устида жим ўтириб олиб: «Бой мамлакат экан, бу ерда тирикчилик ҳам осон бўлса керак», деб ҳавас қилишарди.

Емельян Украинцев ўйчан ҳолда шамга кўз тикиб ҳужрада ўтирарди; қоп-қора деразачадан мўралаган бир неча катта юлдузлар шам шуъласида кўринмасди. Элчи патқаламни аста сиёҳдонга ботирарди-да, қил-пил илашмадими дегандай тикилиб қарар, мабодо илашган бўлса — паригига артиб тозаларди. У ҳарф ўрнига цифр ишлатиб, Пётр Алексеевичга махфий мактуб ёзмоқда эди:

«...Бул ерда бир суткага яқин туриб қолдик... Бизга етолмай кейинда қолган турк кемалари уч кундан кейингина етиб келди. Ясовул мендан роса ўпкалаб йиғламоқдан бери бўлди: Нега тез ҳайдадинглар? Султон калламни олдиради энди... Мени шу ерда кутиб туринглар, элчи келганини султонга ўзим хабар қиламан,— деб кўп ялинди. Биз ҳам унга: султон бизни тантанали суратда, иззат-икром билан қабул қилсин, деб тайинладик. Ясовул кечга яқин Кустантиниядан қайтиб келди ва:

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Султон сизларни иззат-икром билан қабул қилмоқчи ва сизлар учун ўз қайиқларини юбормоқчи бўлди»,— деди. — «Йўқ, биз кемамизда борамиз», деб жавоб қилдик. Бу хусусда кўп талашдик, ниҳоят, «Крепость» олдинда бошлаб юрсин, деган шарт билан уларнинг қайиқларида боришга розилик бердик.

Эртасига султон гиламлар тўшалган учта қайиқ юборди. Биз ўша қайиқларга миндик. «Крепость» олдинга ўтиб йўл бошлади. Бирпасдан сўнг мақтаса арзийдиган, ҳайратомуз Кустантиния кўринди. Шаҳарнинг деворлари ва башнялари кўҳна бўлса ҳамки, қурилиши ниҳоятда мустаҳкам, кўриниши баҳайбат. Шаҳар томлари сидирғасига черепица билан ёпилган, айниқса, оқ тошдан қурилган мачитлари жудаям антиқа ва ниҳоятда ҳашаматли, хусусан, мармардан қурилган Аё София кўзни қамаштиради. Сувдин қаралса — Стамбул ҳам, Перу слободаси ҳам кафтдай кўринади. Турклар қирғоқдин кетма-кет ўқ узиб, бизни табрикладилар; уларга жавобан капитан Памбург ҳам барча тўплардан баравар ўт очди. Ниҳоят, султоннинг қасри рўпарасида тўхтадик. Қаср девори устида султон кўринди: у бизни томоша қилмоқда, маҳрамлар каттакон елпиғичлар билан уни елпимоқда эдилар.

Соҳилда бизни юзта сувори човуш ҳамда бамбуқ найза ушлаган икки юз янгичар кутиб олди. Менга ва мирзабошига қимматбаҳо эгар уриб безатилган икки от келтиришди. Қайиқдин тушишимиз биланоқ човушлар бошлиғи бизга салом бериб соғлиғимизни сўради. Биз отларга миниб, қинғир-қийшиқ тор кўчалар билан сарой томон жўнадик. Халойиқ бизга эргашиб икки ёнимизда роса югурди.

— Сенинг кеманг бу ердаги одамларни ҳайратга солди: уни ким қурди, бундай улкан кема қандай қилиб саёз Дондин денгизга чиқа олди? Подшонинг кемаси кўпми? Ҳаммаси шунақа каттами?— деб суриштира бошлашди. Жуда кўп, дедим, бу ерда: рус кемаларининг таги ясси, деган гап тарқалипти, бу ғирт ёлғон, дедим, кемаларимиз денгизда бемалол сузаверади, дедим. Бир неча минг турк, грек, армани ва яҳудий «Крепость»ни томоша қилгани келди, ҳатто султон ҳам келиб, қайиқда кемани уч марта айланиб томоша қилди. Айниқса елканлар ва арқонларнинг пишиқлигини, мачта ёғочларининг бақувватлигини кўпроқ мақтадилар. Мени кечирасан, наза-

www.ziyouz.com kutubxonasi

римда, кеманинг кўпгина камчилиги борга ўхшайди, биз келаётганда денгизда шамол у қадар кучли эмасди, аммо негадир «Крепость» қаттиқ ғижирлади, бир ёққа оғинқираб тумшуғи билан сувни шалоплатаверди. Ўзингга маълум, уни Осип Най билан Жон Дей қурган, ҳар ҳолда пулдин урсалар керак, негаки қўллари эгри. Кема қуриш — ҳазилакам иш эмас, унга кетган пулга каттакон шаҳар қурса бўлади. Ҳамма уни томоша қилади-ю, лекин ҳеч ким нархини сўрамайди, чунки бу ерда уни сотиб олишга қурби етадиган савдогар йўқ... Кечирасан, билганимни, қўлимдан келганча ёзяпман.

Аммо турклар ўз кемаларини ҳафсала билан мустаҳкам қилиб қурмоқдалар, сирти ҳам жуда зич қопланмоқда. Уларнинг кемалари — бизникига қараганда пастроқ бўлса ҳам — сув шалоплатмайди.

Бир грек менга шундай деди: агар подшо аъло ҳазратлари Қора денгизни беркитиб қўйса — Кустантинияда очарчилик бошланади, чунки дон-дун, ёғ, тахта-ёғоч — ҳаммаси Дон бўйидаги шаҳарлардан келади... Бу ерда мишмишлар юрипти: гўё сен бутун флотинг билан Трапезунд ва Синопга борганмишсан. Бу ҳақда менга кўп савол беришди; билмайман, борганини ўз кўзим билан кўрганим йўқ, деб жавоб қилдим...»

Памбург офицерлар билан бирга баъзи европалик элчилар ҳузурига бориб, ҳол-аҳвол сўраб кўришди. Голландия ва Франция элчилари русларни бажону дил қабул қилиб, миннатдорлик билдиришди, вино қуйиб, подшонинг соғлигига қадаҳ кўтаришди. Сўнгра Англия элчисини кўрмоқчи бўлиб учинчи элчихонага боришди, пешайвон зинаси олдида отдан тушиб эшикни тақиллатишди. Соқоли чўғдай қизил, бўйи бир саржин келадиган новча хизматкор чиқди-да, эшикни тўсиб туриб: сизларга нима керак?— деб сўради. Памбург кўзларини ўтдай чақнатиб, кимлигини ва нима учун келганини айтди. Хизматкор эшикни ёпиб уйга кириб кетди ва москваликлар кўчада узоқ кутиб қолганига парво қилмай, анчадан кейин чиқиб масхараомуз тарзда шундай деди:

— Элчи овқатлангани ўтирди, капитан Памбургга айт, у билан гаплашадиган ишим ҳам, гаплашишга тобим ҳам йўқ,— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ундай бўлса, элчига кириб айт: томоғига суяк тиқилиб ўлсин!— деб бақирди Памбург ва отга ирғиб минди-да, япалоқ ғишт ётқизилган зинани бостириб отни ҳайдаганича кўчада мол ёйган савдогарлар ёнидан, қипяланғоч болалар ва итлар ёнидан ўтиб тўғри Галата томон жўнади. Боя капитан бу ердаги кабобхона ва қаҳвахоналарда ҳамда исловатхона эшиги олдида бир неча эски ошналарини кўрган эди.

Бу ерда Памбург билан офицерлар дузик номли машҳур грек виносидан ичиб, гиж бўлиб олишди-да: қўллари қичиб, инглиз матросларни муштлашишга чақиришди. Капитанни йўқлаб эски ошналари — йироққа қатновчи кемаларнинг штурманлари, Галатадаги хилват жойларда яшириниб ётган машҳур денгиз қароқчилари, умуман тушуниб бўлмайдиган ғалати одамлар келди. Зиёфат қилмоқчи бўлиб Памбург ҳаммасини «Крепость»га таклиф этди.

Эртасига турли миллат матрослари — шведлар, голландлар, французлар, португалияликлар, марокашликлар қайиқларда сузиб кемага яқинлаша бошлашди: баъзиларининг бошида парик, оёғида ипак пайпоқ, белида қилич; баъзиси бошини қизил рўмол билан маҳкам танғиган, пайпоқсиз туфли кийган, сербар камарига тўппонча қистириб олган, баъзиларининг эгнида калта чарм камзул, бошида эса — шўр балиқ ҳиди босган, қор-ёмғирда кийиладиган кенг соябонли шляпа.

Меҳмонлар очиқ палубада, ҳарорати сусайган сентябрь қуёши остида дастурхон атрофига ўтиришди. Зиёфат бошланди. Рўпарадаги деворлар ортида — дераза-ларига майда кўзли панжара ўрнатилган, қоронғи бино, бу — султоннинг қасри; кўрфазнинг нариги томонида эса — Ускудорнинг боғ-роғлари, яшнаган дарахтзорлари... Преображенликлар ва семёновликлар сурнай чалишар, қошиқда машқ қилишар, рақс куйларига олиб қўшиқ айтишар, ҳуштак чалиб ҳар хил сайроқи қушларга тақлид қилишарди.

Памбург қизишиб кетганди, бошида — кумуш ранг пудра сепилган парик, эгнида — лента ва кружевалар билан безалган малина ранг куртка, бир қўлида қадаҳ, бир қўлида рўмолча,— меҳмонларга гап сотарди:

— Агар бизга мингта кема керак бўлса, мингиниям қурамиз... Бизда саксон замбаракли, юз замбаракли кемаларнинг негизи аллақачон тайёр қилинди. Келаси йи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ли бизни Ўрта ер денгизида, Болтиқ денгизида кутиб оласиз. Машҳур денгизчиларнинг ҳаммасини хизматга қабул қиламан. Биз океанга ҳам чиқамиз ҳали...

— Салют!— деб қичқиришарди юзлари қизариб кетган денгизчилар.— Капитан Памбургга салют!

Меҳмонлар денгиз ҳақида қўшиқ айтишар, оёқларини тапиллатишарди. Шамол йўқлигидан тамаки тутуни палуба устида оҳиста сузиб юрарди. Кун ботганини ҳам, юлдузлар нурли кўзлари билан Аттика осмонидан бу ғайри оддий зиёфатга мўралаб турганини ҳам аҳли зиёфат сезмади. Ярим кечада, денгиз қароқчиларининг ярми хуррак отиб, ким — стол тагида ағнаб, ким — бўронларда сочи оқарган калласини лаганлар устида энгаштириб ухлаётганда, Памбург шоша-пиша кўприкчага чиқиб бақира бошлади:

— Командамга қулоқ сол! Бомбардирлар, тўпчилар, жой-жойингга! Ўқ жойла! Ўқни яхшилаб итар! Пиликни ёқ! Команда...' Иккала бортдан баравар... Ў-ў-ўт оч!

Қирқ олтита оғир замбарак баравар ўт сочди. Уйқуга кетган Кустантиния устида қарсиллаган, гумбурлаган товушлардан еру кўк ларзага келиб, гўё тоғ қулагандек туюлди... Тутунга бурканган «Крепость» яна залп берди.

Элчи Емельян Украинцев цифр билан яна махфий мактуб ёза бошлади:

«...Султоннинг ва бутун халқнинг жон-пони чиқиб кетди: капитан Памбург бир тўда денгизчилар билан кун бўйи ичкиликбозлик қилди, кўп ичиб кайфи ошиб қолганлигидан ярим кечада туриб, кемадаги барча тўплардан икки карра ўқ отди. Шул сабабдин туркларни ваҳм босиб, Кустантинияда шивир-шивир бошланди, гўё подшоҳим, Қора денгизда юрган сенинг кемаларингга, капитан Памбург ўша тўплар садоси билан: бўғозга бемалол киравергинлар, деган маънода сигнал берган эмиш...

Ўша кечаси султон ҳазрат олийлари шу қадар қўрқиб кетганки, кўйлакчан ҳолда ётоғидин қочиб чиққан, баъзи министрларининг юраги ёрила ёзган, юқори саройдаги икки ҳомиладор султон ойим капитаннинг касридин бола ташлаб қўйган. Шунинг учун султон ҳазрат олийлари Памбургдин ниҳоятда ғазабланиб, биздин илтимос

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилдики, биз уни кема капитанлигидин бўшатиб, калласини олғаймиз. Мен султонга шундай жавоб қилдим: капитан нима сабабдин ўқ отгани менга маълум эмас, буни ўзим текшириб сабабини аниқлайман; агар султон ҳазрат олийлари тўпбозликдин ранжиган бўлса, мен капитанга қатъий буйруқ бериб, тўпдан ўқ отишни ман этаман, аммо уни капитанликдан бўшатишга менда ҳеч қандай асос йўқ, дедим. Шу билан бу иш бости-бости қилинди.

Султон сешанба куни бизни қабул қилади. Турклар собиқ денгиз қароқчиси — жазоирлик капитан Мирзамурод пошони кутмоқдалар, у етиб келгач: руслар билан сулҳ тузайликми ёки уруш бошлайликми, деб ундин маслаҳат олмоқчидирлар».

www.ziyouz.com.kutubxonasi

ИККИНЧИ БОБ

1

Сентябрь қуёши сердарахт қирғоқнинг устигинасида туриб қолган. Кун-бакун йўл юриб шимол томон узоқлашган сари, одам оёғи босмаган хилват жойлар кўпроқ учрайди. Жимжит дарё бўйида яйраб юрган гала-гала паррандалар чўчиб осмонга кўтарилади. Теварак-атрофда ботқоқдан, таг-томири билан ўпирилиб қулаган дарахтлардан бўлак ҳеч нарса йўқ. Аҳён-аҳёнда балиқчининг кулбаси, соҳилга чиқариб қўйилган қайиғи кўринади, холос. Оқ кўлгача ҳали бир ҳафта йўл босиш керак.

Ўн тўрт киши дон-дун юкланган оғир баржани арқон билан судрашарди. Бошлари энгашган, қўллари осилиб тушган ҳолда, сўнгги кучини лямкага тўплаб, кўкси билан олға интиларди. Улар Ярославлдан йўлга чиқишганди. Ҳар куни қуёш қарағайзор орқасига ўтиб тез ботолмасдан ғамгин уфқда узоқ туриб қолганида баржадаги одам: «Ҳой, тўхта!»— деб бақирар эди. Бурлаклар қозиқ қоқиб баржани ўшанга боғлашар ёки бирон дарахтга арқонни ўраб қўя қолишарди. Сўнгра гулхан ёқишарди. Нуқул ботқоқдан иборат дарё бўйидаги қарағайзор кул ранг туман орасига кириб секин-аста кўздан ғойиб бўларди. Яллиғланган уфқда эса, учиб ўтаётган ўрдакларнинг бўйни чўзиқ қораси элас-элас кўринарди. Худди отдай келадиган буғилар шох-шаббаларни қисирлатиб дарё бўйига келарди. Ўрмон овчи кўрмаган, ўқ товушидан ҳуркмаган паррандаю ҳайвонга тўла эди.

Дарёда эшкакларнинг шалоплагани эшитилди: баржанинг хўжайини — дарвеш Андрей Денисов қирғоққа яқинлашмоқда, хизматкорлар учун баржадан қоқинон, буғдой, баъзан балиқ, оғиз очиқ кунлари тузлаган эт ҳам обкеларди-да, арқон маҳкам боғландими-йўқми, деб текшириб кўрарди. Сўнгра қўлини орқасига қилиб, қайиш камарига тиқиб, гулхан ёнида тўхтарди. Хўжайин

www.ziyouz.com kutubxonasi

соғлом, ранги тоза, соқоли жингалак, кўзлари тиниқ одам эди. Эгнида — ридо остидан кийиладиган енги тор, узун камзул, бошида — мовут такя.

— Ҳаммангиз тирикмисиз, азиз биродарлар?— деб сўради.— Астойдил меҳнат қилинг, худованд карим меҳнат қилган бандасини яхши кўради. Хурсандчилик қилаверинг, ҳаммасини ўзи кечиради. Ҳалиям бахтингиз бор экан, никончиларнинг ботқоғидан қочиб қутулдингиз. Онега кўлига етиб олганимиздан кейин у ёғи роҳат! Ҳақиқий жаннат!..

Қўлини камаридан олиб, гулхан ёнига чўққайиб ўтирарди. Чарчаган одамлар унинг гапини индамай тинглашарди:

— Ана ўша ўлкада, Виг дарёси бўйида бир дарвеш яшар эди. У ҳам сизга ўхшаб, дажжолнинг васвасасидан қочиб келганди. Илгари у савдогар бўлиб, ўз уйи, дўкону омборлари бор экан. Бир куни хобида аён бўлиб, ўтда ёнаётган одамни кўрипти ва унинг: «Иблис васвасасига ишониб, абадий қийноқда қолдим...»— деган фарёдини эшитипти. Чўчиб уйғонипти-да, бор-будини хотинига, болаларига берипти-ю, шу ёққа жўнапти. Ўзига чайла қилиб, оташин умид билан чўқиниб, шу ерда кун кечира бошлапти. Таёқ билан ер чўқилаб, беш-олти ҳовуч арпа сепипти. Эчки терисини ҳўллигича ёпиниб олипти, тери қуриб, баданига ёпишиб кетипти, шу аҳволда қишин-ёзин юраверипти. Бисотида эса битта ёғоч товоғу қошиқ ва эскича битилган ибодатномадан бўлак ҳеч вақо йўқ. Аммо сал кунда авлиёлик даражасига етиб жамики инс-жинс устидан ғалаба қилди... Одамлар уни зиёрат қилгани кела бошладилар: дарвеш уларни барг ёки бир дона мева билан чўқинтириб, тавба-тазарруларини эшитарди. «Эски динни тарк этиб, дўзахда абадий куйгандан кўра тириклайин ўтда куйиб ўлган маъқул»,— деб таълим берарди. Бир-икки йил орасида унинг ёнига анча-мунча одам кўчиб келди. Дарахтларга ўт қўйиб, ерни тозалашди, ҳайдашди. Ҳайвон овлашди, балиқ тутишди, ўрмонда қўзиқорин ва ҳар хил мева териб ейишди. Ҳамма нарса ўртада: омборлар ҳам, ертўлалар ҳам, тирикчилик ҳам. Фақат хотинлар бошқа, эркаклар бошқа: дарвеш шуни маъқул кўриб ажратиб қўйди.

— Яхши қилипти,— деди аллақим тўнғиллаган овоз билан,— хотин бор жойда ҳаловат йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Денисов ажайиб гап қотган одам томонга караб қўйди.

— Дарвешнинг дуоси билан ёввойи ҳайвонлар қўлга тушаверар, баъзан шундай катта балиқлар тутиларкики, одам ҳайрон қоларди. Унинг шарофатидан ўрмонни ҳар хил мева-ю қўзиқорин босиб кетганди. Одамлар дарвеш кўрсатган жойни қазиб, мис ва темир конлари топишди, темирчилик устахонаси қуришди... Шундай қилиб, ўша ер ҳақиқий зиёратгоҳга айланди...

Шох-шабба орқасида ётган Андрюшка Голиков ўрнидан туриб, Денисовнинг ёнига ўтирди-да, тикилиб кўзига қаради.

Голиков шу ёқда риёзат чекишга аҳд қилиб бурлаклар билан йўлга чиққанди. (Ўша куни Ревякиннинг ҳовлисида дарвеш Андрюшкани тавба-тазарру қилдириб роса текширгандан сўнг: «Ярославлга бориб, Денисовнинг ғалла ортилган баржасини кутгин»,— деб буюрганди.) Ана шу ўн тўрт бурлакдан тўққизтаси Голиков сингари риёзат чекишга аҳд қилган одамлар эди.

Денисов давом этди:

— Дарвеш куни битиб, вақт-соати яқинлашгач, бизни, яъни акам Семён билан мен Андрейни чақириб дуо қилди-да: «Вигдаги зиёратгоҳга бош бўлинглар»,—деди. Сўнгра чўқинтирди,— биз кетдик. Унинг кулбаси бир четда, сойликда эди. Бир оз юргач орқамизга қарасак — кулба ёняпти, худди похолга ўт тушгандай... Мен югуриб бормоқчи бўлувдим, акам қўлимдан ушлаб қолди: тўхта! Тўхтаб турдик: ўт-аланга ичидан саловот айтган ширин овозни аниқ эшитдик... Ишонасизми, кулба тепасида, тутун орасида қора куядай, қоп-қора ажиналар чарх уриб чийиллашади, денг... Ака-ука дарров тиз чўкиб, ўша овозга қўшилиб саловот айта бошладик... Эрталаб ўша жойга бориб қарасак— кул тагидан тип-тиниқ булоқ қайнаб чиқяпти... Биз булоқ атрофини, қудуқ оғзига ўхшатиб, тахта билан ўрадик, устига — икона қўядиган токча қилдик... Аксига, икона чизадиган рассом топилмаяпти,— кўнгилдагидай бир икона чиздирмоқчи эдик-да...

Голиков хўрсиниб кўзини артди. Денисов унинг тароқ кўрмаган сочларини оҳиста силаб қўйди-да:

— Лекин, биродарлар, биргина томони чатоқ: бизда ғалла икки йил ҳосил беради-ю, учинчи йил — йўқ... Бултур ҳаммаси ёмғирда ивиб, чириб кетди, ҳатто сомон

www.ziyouz.com kutubxonasi

ниям йиғиб ололмадик. Шунинг учун узоқ жойдан ташиб келишга мажбурмиз... Ташисак ҳам майлига, хайрли иш... Меҳнатингиз зое кетмайди, савобга қоласиз, болажонларим...

Денисов яна пича гапириб тўхтади. Сўнгра дуои тиловат қилиб ўрнидан турди-да, қайиққа миниб, дарёда акс этган ғира-шира шафақ шуъласида тўғри баржага кетди. Тунлар совуқ, уст-боши юпун одамларнинг совқотиши аниқ...

Тонготар маҳалда Денисов яна соҳилга қайтиб одамларни уйғотарди. Улар йўталишар, анчагача қашланишарди. Чўқиниб олгандан сўнг бўтқа пиширишарди. Бўзарган совуқ қуёш пуффак сингари туман орасида муаллақ туриб қолган пайтда — бурлаклар яна лямкаларга кириб олишарди-да, чипта чориқларини шалоплатиб, заҳкаш соҳил бўйлаб баржани судрашарди. Чақирим кетидан чақирим, кун кетидан яна кун — ҳар кун аҳвол шу эди.

Шимолдан пағa-пағa қора булут сузиб келаверди, кучли шамол турди. Шексна дарёси тошди.

Булут тўлқинланган Оқ кўл узра сув бағирлаб, қуюндай бостириб кела бошлади. Баржани орқага — Белозерскга қайтаришга мажбур бўлишди. Тўлқин ёпирилиб келиб, бўм-бўш соҳилга отилиб чиқар, бурлакларни қулатиб юборар эди. Баржани судрашнинг иложи қолмади. Тушки овқат маҳалида бурлаклар балиқчининг ертўласига кириб, уст-бошларини қуритишди. Бурлакликка ёлланган икки йигит овқат масаласида Денисов билан айтишиб қолди-да, хизмат ҳақи учун етмиш беш тийиндан пул олиб, боши оғган томонга қараб кетди...

Баржа шаҳарнинг рўпарасида лангар ташлаб тўхтаган эди. Шамол кучайиб, суяк-суякларгача қақшатарди. Умидсизлик енгди,— арқонга ўралиб, баржани шимолгача судраш,— бу қандай кўргилик ахир!.. Ёлланган одамлар Денисов билан сўкишиб, ҳаммаси балиқчилар слободасига тарқалиб кетди. Қолганлар бўлса... бириси — танишини топиб олди, бириси — санқиб юрди-юрди-да, бирданига йўқ бўлди-қолди...

Дарё бўйида, тошлар орасида тўнкарилиб ётган қайиқ устида Андрюшка Голиков, Илюшка Дехтярев (каширалик қочоқ деҳқон) ҳамда «Ювиниб Ол» лақабли

www.ziyouz.com kutubxonasi

Федька ўтирибди; кўп қийноқларни бошдан кечирган, устухонлари синган бу букчайган йигит аслида монастирь деҳқони эди. Учови атрофга аланглаб қарарди.

Бу ердаги жамики нарса кўнгилни ғаш қилади: тўлқинланиб кўпирган кўлнинг лойқа суви ҳам, шимолдан сузиб келаётган қирғоқ дўнглари ортидаги қатор-қатор булутлар ҳам, яп-ялалоқ сайхонлик ҳам ва шундай бефайз жойга нуқул ёғочдан қурилган, булут қоплаган бу кўҳна шаҳар ҳам... Башняларнинг тунукалари тешилган, черков гумбазлари занглаб кетган, баланд-баланд уйларнинг томлари ўпирилиб тушган. Тўр ёйиш учун соҳилга ўрнатилган узун-узун қозиқларни шамол лопиллатарди. Кўчада одам кўринмас, черков қўнғироғи мунгли нола қилар эди...

— Денисовни қара-я, гап билан қорнингни тўйғизишга жуда уста экан. Ўша жаннатга етгунингча, қуруқ устухонинг қолар,— деди Федька «Ювиниб Ол» қадоқ бўлган кафтини тирноғи билан чўқилаб.

— Сен унга ишон!— деди ғазаб билан Голиков.— Шак келтирма, астойдил ишон!— деди-да, оппоқ бўлиб кўпикланган тўлқинларга ғамгин тикилди. Ғариблик, ёлғизлик, умидсизлик, совуқ... Бу ерда ҳам худога етишиш осон бўлмаса керак, ҳа...

Оғзи катта, кўзлари қувноқ, бақувват мужик Илюшка Дехтярев шошмасдан, овозини баландлатмасдан сўзлай бошлади:

— ...мен ўша одамни гапга солиб, нима сабабдан посадингиз бунчалик ҳувиллаб қолди, нега кўп уйларнинг эшигу деразаларига тахта михлаб ташланган, деб сўрадим. «Сабаби шуки, монахлар бевошлик қилиб кўз очиришмайди,— деди ўша одам.— Биз Москвага шикоят қилиб неча марта арзнома юбордик, бироқ арзимизни тинглашга вақтлари бўлмаса керак, ҳеч натижа йўқ... Муборак ҳафтада монахлар нималар қилмади денг... Ўнтача чанага тушволишиб, иконалар кўтаришиб балою-қазодай ёпирилиб келишди-да, баъзилари посадга, баъзилари слободага, қолганлари қишлоқма-қишлоқ молдай ёйилишди... Уйга бостириб кириб, қийшиқ крестни тумшуғингга: қани, уч бармоқ билан чўқин, ўп, деб мажбур қилишди. Ун, қаймоқ, тухум, балиқ сўрашди, уйда ҳеч нарса қолдирмай шипириб кетишди... Пул ҳам талаб этишди... Сен раскольниксан, попсиз ибодат қиласан. Эскича босилган китобларинг борми?— деб дўқ қилиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Қўрага обчиқиб роса қийнашди... Шундан кейин посадда одам қолармиди...»— деди.

Федька «Ювинив Ол» бошини чалқанча ташлаб, хириллаган овоз билан қаҳ-қаҳ уриб кулди:

— Ана мазаю, мана маза! Текин овқат, текин ичкилик! Тағинам бу очофат монахларни ер ютмайди-да!

Дехтярев тиззаси билан туртиб, уни огоҳлантирди, чунки, тақясини қулоққача босгириб кийган, жингалак соқолли бир монах шамолда тўзиган барларини ушлаб, қайиқ томон келаётган эди. Монах тўлқинлар устида чайқалиб ғижирлаётган баржага қаради, сўнгра кўзларини ўқрайтириб йигитларга тикилди:

— Бу баржа қаердан келди?

— Ярославлдан, отахон,— деди Дехтярев жавоб бергиси келмагандай, лекин мулойимлик билан.

— Нима ортилган?

— Нима ортилганини бизга айтишмади.

— Ғалламикин?

— Ҳа, ғалла...

— Қаёққа обормоқчисиз?

— Ким билади, қаёққа деса — ўша ёққа судраймиз...

— Ёлғон гапирма: биласан, биласан, биласан...—Монах ўнг енгини шоша-пиша шимарà бошлади.— Денисовнинг баржаси бу... Повенецга кетяпсиз, раскольниклар монастирига ғалла оборяпсиз, битлиқи малайлар...

Қўққисдан Илюшка Дехтяревнинг ёқасига чанг солиб, қўрқитиб юборди ва посад томонга бурилиб овози борича:

— Қоровул!— деб бақириб чақирди.

Андрюшка Голиков қайиқдан ирғиб турди-ю, сув бўйлаб чопқиллаганича балиқчилар кулбалари томон қочиб қолди.

Монах иккинчи марта:

— Қоровул!— деб бақираётиб бирдан дами ичига тушиб кетди: Федька унинг сочидан тортиб Илюшкани ажратиб олди, монахни бир тепиб ағдарди, урмоқчи бўлиб ён-веридан тош қидирди. Монах ирғиб туриб, ён-бошдан унга ташланди, лекин ғазаби қўзиб метинга айланган Федька бўш келмади: яна йиқитди-да, энгаштириб туриб бўйнига бир мушт солди. Монах «ғиқ» этганича қимирламай қолди. Шу пайт, говрон кўтариб тор кўчадан чопиб келаётган тўрт киши кўринди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Андрюшка Голиков қўрқа-пуса балиқчининг кулбаси ортидан қаради. Федька «Ювиниб Ол» беш киши билан олиша кетди: бирининг қўлидан гавронни тортиб олди, сакраб бориб унисига, ваҳшиёна ҳайқириб бунисига ёпишди... «Бало экан, чиндан ҳам балойи азим...»— деб қўйди ичида Голиков. Сўнгра Дехтярев ҳам жангга кирди: чапдастлик қилиб монахнинг қулоғи тагига шундай солдики,— учинчи марта ағдарилиб думалаб кетди у. Ёрдамга келган тўрт киши кетига тисарилиб қочишни мўлжаллаб қолди. Унда-мунда посад дарвозаларидан одамлар чиқа бошлади:

— Ур, боплаб ур, шундай, шундай,— деб гижгижлашиб роса қийқиришди.

Федька билан Илюшка уларни енгишди, кетидан қувламоқчи ҳам бўлишди-ю, лекин дарҳол соҳилга қайтиб, оғиз-бурунларининг қонини ювиб, тўғри Голиков ҳалтираб-титраб турган кулбага боришди.

— Сенинам яхшилаб калтаклаш керак эди,— деди унга Федька «Ювиниб Ол».—Ростини айтсам, аҳмоқ экансан, шу ақлинг билан жаннатни орзу қиласан-а...

Орқаси кўлга қаратиб солинган лойсувоқ кулба эшигидан, умрида тароқ кўрмаган, кўзигача кул ранг соқол босиб кетган кимнингдир калласи кўринди. Қиприкларини пирпиратиб, чорпаҳилдан келган ва тутундан қорайиб кетган оёқ яланг бир одам чиқди-да, посад томонга қаради,— у ёқда ҳеч ким қолмаганди.

— Кираверинг,— деди-да, шиллиқ қурт сингари, яна инига кириб кетди. Кулбага эшик тепасидаги туйнукдан ёруғ тушарди. Аллақандай тахир, ачиган балиқ ҳиди урилларди димоққа, уйнинг ярми балиқ овланадиган тўрлар билан банд эди. Илья, Андрей ва Фёдор эшикдан кирган заҳоти икки бармоқ билан чўқинишди.

— Ўтиринг,— деди балиқчи.— Биласизми, кимни урдингиз ҳозир?

— Мени умр бўйи калтаклашди, лекин бирон марта, отинг нима, деб сўрашмади,— деди Федька «Ювиниб Ол».

— Сиз урган ҳалиги одам Крестовоздвиженский монастирининг калитдори Феодосий бўлади. У шундай газандаки, босмачидан ҳам, иблисдан ҳам баттар! Қутурган тўнғизнинг ўзгинаси!

Балиқчи разм солиб қарасаки, учови ҳам ўзига ўхшаш одамлар; уларнинг орасига кириб скамейкада бе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

малол ўтириб, қўлларини қўлтиқлари остига жойлаб олди-да, у ёқдан-бу ёққа чайқалиб ҳасрат қила бошлади:

— Бу ерлар балиқнинг кони, маза қилиб яшаса бўларди-ю, лекин барибир кетаман... Илож қолмади: бу иблис кўлни бутунлай эгаллаб олди... Шу вақтгача биз тутган балиғимиздан монахларга: қиш фаслида — тўртдан бирини бериб келдик; бунинг устига, ҳар мавсумдаги овдан ҳам берамиз. Шунча берсак ҳам барибир кўзи тўймайди. Елканни кўрдими, дарров қирғоққа чопади, сенга фақат егуликка етадиган қилиб озгина балиқ қолдиради, холос. Бермасанг, дарҳол: «Қани, кўрсат, қандай чўқинасан?»— деб туриб олади. Гуноҳга ботсанг ҳам, қўрққанингдан, уч бармоқ билан чўқинасан. «Йўқ, ундай эмас, мугамбирлик қиляпсан, кетимдан юр!»— дейди. Кетидан юрсанг у ёғи маълум: монастирь ертўласига қамаб, кишанлаб қўяди. Қанча тўрларимизни йиртиб, қанча қайиқларимизни дабдала қилиб ташлади бу золим... Устидан шикоят қилиб, вилоят ҳокимига бордик. Кошки ҳоким ундан қолишса,— кўзига илинган нарсани қўймайди. Ахир, уларнинг қўлида, монастирда митрополитдан келган фармон бор: эски мазҳабга амал қилувчиларни таг-томири билан қуритилсин, дейилган ўша фармонда. Эҳ, биродарлар, бу ердан тезроқ кетишларинг керак.

Голиков оғзи бўшлик қилиб:

— Йў-ғе, биз ахир Денисовнинг одамимиз,— деб юборди-да, Илюшка билан Федькага чўчигансимон қараб қўйди.

— Денисов пора бериб қутулиб кетаверади — у жуда зўр одам... Ўтда ҳам куймайди... Шимолдан мўйна, балиқ тиши, мис ортиб келаётганда ҳам йўлини қилади, қайтаётганда ҳам. Бир эмас — бир неча марта шундай қилган... Ҳамма ерда унинг ўз одамлари бор, ҳа...

Федька заҳарханда билан деди:

— Ана сафсатабоз! То кела-келгунимизча бизга фақат қоқинон едирди, аммо гап билан шундай аврадики, гўё товуқ гўшти егандай бўлдик.

Улфатлар Вигадаги дарвеш тўғрисида шунчаки гурунглашиб ўтирганда, Голиков афт-башарасини буриштириб хаёл сура бошлади. Денисов баъзан унинг бошини силаб ширинсуханлик билан: «Қалай, йигитча, жонинг омонми? Ишқилиб омон бўлсин...»—деганларини хотир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лади. Гулхан ёнидаги ажойиб суҳбатларини эслади, қайиққа қандай минганини ва шафақ шуъласида қорайиб кўринган чўққи такяли гавдасини кўз олдига келтирди. Қадимги иконаларда авлиёлар суратини худди ана шундай қайиқда ўтирган қилиб чизишарди. Андрюшка бу одам учун ҳозир тириклай ўтда куйиб қурбон бўлишга ҳам тайёр эди...

Улар скамейкада ўтириб, энди нима қиламиз, деб узоқ ўйлашди: Қайга қочиш керак? Ёки нима бўлса ҳам шимолга борган маъқулми? Аммо балиқчи бунга маслаҳат бермади:

— Қайиқсиз осон эмас, икки ойгача ўрмонма-ўрмон пиёда юриб, то Вигага етгунча, ҳалок бўласиз... Яхшиси, эркин ўлкага, Донга жўнаганларинг тузук...

— Мен Донда бўлганман,— деди Федька хирillаб,— ҳозир у ерда илгариги эркинлик йўқ. Станицалик казаклар дайдиларни тутиб ҳукуматга топширишяпти. Мени икки марта кишанлаб, икки марта Воронежга жўнатиб, подшолик ишида роса ишлатишган...

Шундай қилиб, учовидан ҳам бironта маънилик гап чиқмагач, Денисовни топиб келиш учун Андрюшкани юборишди,— у нима деркин?

Андрюшка шаҳар дарвозасига етар-етмас: «Тўхта, тўхта!» деб бақирган овозлардан юраги ёрилаёзди. Чопиб кетаётган жулдур кийимли яланг-оёқ одамларни кўрди, баъзилари девордан ошиб қочиб қутилди. Яшил камзулли икки солдат ҳарсиллаб уларнинг кетидан қувиб келмоқда эди; ҳарсиллай-ҳарсиллай тор кўчага кириб кўздан ғойиб бўлди. Кўча эшик олдида турган нуроний қария: «Икки кундан бери қувиб юришипти», деди. Голиков ундан: Андрей Денисовни танийсизми, ўшани кўрмадингизми, деб сўради. Чол ўйланиб туриб:

— Тўғри майдонга бориб, Денисовни ҳокимнинг қўрасидан сўроғласанг топасан,— деди. Гўнг уйилиб кетган ўртамиёна майдондаги савдо растасининг дўконлари тахта қоқилиб михлаб ташланган, устунлари қийшайган, томлари ўпирилган. Фақат уч-тўртта дўкон очиқ, унда кулча нон ва қўлқоп сотиларди. Майдон ўртасида кўҳна жоме,— деворлари дарз кетган, атрофи ўралмаган. Жоменинг пастаккина айвонида латта-путтага ўралган тиланчи аёллар ётибди, бир девона бош чайқаб, керишиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

эснайди, унинг олдида — учта косов. Бу ерда кун кўриш осон эмаслиги кўриниб турибди.

Майдоннинг қоқ ўртасида — ғазна томонидан ўрнатилган йўғон хода ёнида найза ушлаган соқчи кўринди. Голиков қўрқа-писа ўша томонга юрди. Тахта дўкондан бир баққол бошини чиқариб (тулкининг ўзгинаси,—тили ширин):

— Мазалик ўрама кулча, кўкнори уруғ солинган,— дея мақтаб кетди.

Голиков соқчига таъзим қилди-да, ҳокимнинг қўраси қаерда, деб сўради.

Ўқчилар формасида, этаги тўпиғига тушган, қирқ ямоқ кафтан кийган калтабақай соқчи қовоғини солиб тескари қаради: фармон ёзилган бургут суратли тунука ходага қоқилганди.

— Йўқол бу ердан!— бақирди соқчи.

Андрюшка нарига бориб, атрофга кўз ташлади: чириган тахта деворлар, қийшайган уйлар... Қоп-қора булутлар черков гумбазидаги крестларга илашиб сузиб ўтмоқда. Пийма кийган, белбоғи белидан паст боғланган миршаб пўст ташлаган қалин лаблари билан ямламай ютиб юбормоқчидек, Голиковга яқинлашиб келаверди. Хода ёнида турган соқчи ҳам, дўконларидан мўралаган баққоллар ҳам, нима қиларкин, дегандай унга тикилиб қолишди.

— Қаердан келдинг? Кимнинг одамисан? Нега санқиб юрибсан?— деб Андрюшканинг тумшуғи тагида ўшқириб сассиқ саримсоқ ҳидини уфура бошлади. Голиков қўрққанидан қалтираб-титраб, тили калимага келмай дудуқланиб қолди. У эса ёқасидан ушлаб судради.

— Бу ахир Денисовнинг одами-ку!— деб бақирди бир баққол дўконидан туриб.

— Бундан бошқа яна саккиз киши бор, ҳаммаси Денисовнинг одамлари: ўтда ёнгани кетишяпти,— деди овози ингичка, чинқироқ баққол иккинчи дўкондан.

Миршаб Андрюшкани қаттиқ силтаб дўқ қилди:

— Подшонинг фармонини ўқимадингми? Қани, юр кетимдан, итвачча!..

Андрюшка қаршилик қилмасдан индамай бераётган бўлса-да, миршаб уни судраб майдоннинг нариги ёғига — ҳокимнинг қўрасига олиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ясаниб-тусанган, сочлари силлиқ қилиб таралган Андрей Денисов қундуз телпагини тиззасига қўйиб, ҳокимнинг меҳмонхонасида савлат тўкиб ўтирарди. Ҳоким Максим Лупандин бу бой савдогарнинг ажойиб бузи этигига, авраси кул ранг асл инглиз мовутидан, астари қирмизи шойидан тикилган чакмонига суқланиб тикиларди. Ўзи эса, олмахон мўйнали эскирган пўстинда, бунинг устига — кичкина, тепа кал, юзига ҳуснбузар тошган киши эди. Марҳум подшо Федор Алексеевич даврида Лупандин дастурхон оғаси эди, амалдан тушгач, Пётр Алексеевичга ялиниб-ёлвориб, еб ётиш учун Белозерскга аранг ҳоким бўлиб олганди.

Иккаласи ҳам нуқул гапни айлантирарди-ю, мақсадга ўтмасди. «Чакмонл жудаям бошқача,— ичи куйиб ўйларди ҳоким,— менга берармикин?..» Боя у Федосий ҳазратни чақириб келиш учун Крестовоздвиженск монастирига яширинча одам юборган эди, лекин Денисов ҳам баъзи бир нарсани ҳозирча яшириб қўйганди.

— Ҳаво айниса — айнийверсин, менга барибир,— деди Денисов.— Шамол турса бўлгани: елканларни кўтарамизу кўлдан сузиб ўтиб оламиз. Турмаса — қирғоқ бўйлаб, баржани судраб кетаверамиз... Бир амаллаб Ковжага борволсак бўлгани, ўша ерда қанча одам десанг топилади: Повенецга бемалол етволамиз. Шундай эмасми?

— Албатта, мақсадинг тушунарли,— мужмал жавоб қилди ҳоким чакмондан кўз узмасдан.

— Максим Максимич, сендан илтимос, баржа билан одамларимни қўйиб юбор, йўлдан қолдирма.

— Агар мана бу фармон бўлмаганда аллақачон қўйиб юборардим.— Ҳоким чўнтагидан подшо фармонини олди-да, кўзига яқин обориб, гўё соқоли билан ўқиётгандек, соқолини қоғоз устидан ўрмалатиб ўқий бошлади: «...Улуғ князь ва подишоҳнинг фармонига биноан... Бу ёғини эшит... Жамики дайдиларни ҳамда монастирь овқатига ўрганган текинхўрларни ва монастирларда хизматкорлик қилаётган йигитларни солдатликка олинсин...! Гап шунақа...»

— Монастирнинг бизга дахли йўқ, бизнинг ишимиз савдогарчилик...

— Сабр қил... «...Булардан ташқари, боярларнинг отбоқар ва қаролларини ҳам, уйма-уй санқиб юрган тиланчи ва қочоқларни ҳам солдатликка олинсин...» Сен-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га нима деб жавоб беришга ҳайронман, Андрей, ақлим етмай қолди... Агар бу фармонни бирорта мирза келтирганда — гап бошқа эди... Преображенск полкининг поручиги Алексей Бровкин олиб келди, ёнида солдатлар ҳам бор. Биласанми, поручиклар билан гаплашиш қанчалик қийин?

Денисов чакмон барларини шартта очиб, чўнтагидаги тангаларни жаранглатиб қўйди. Ҳоким чўчиб, оз сўрадим шекилли, деган хаёлда саросималаниб қолди, тўсатдан Феодосий кириб келишидан хавотирланиб, эшик томон кўз ташлади. Шу пайт лаби қалин киши Андрюшка Голиковни олдига солиб, кириб келди-да, бошидан шапкасини олиб таъзим қилди:

— Максим Максимич, яна биттасини тутдим...

— Тиз чўк, аблаҳ!— газаб билан чинқирди ҳоким. Миршаб Голиковнинг елкасидан ниқтаб чўккалатди, қоқ суяк тиззалари полга тўқ этиб урилди.— Отинг нима? Кимнинг қаролисан? Қаердан қочиб келдинг? (Миршабга қараб). Ванька, сиёҳ билан перони бер менга,— деди.

Денисов секингина:

— Қўйиб юбор уни, Максим Максимич, у ахир мени одамим-ку,— деди.

Ҳокимнинг кўзлари йилтиради, мис сиёҳдоннинг қопқоғини очди-да, ичига тушган пашшани перо билан ола бошлади. «Калитдор ҳам тезроқ кела қолмади»,— деб энди хаёлидан ўтказиши билан даҳлизда пол тахтаси ғижирлади. Ванька эшикни очиши билан жингалак соқолли бояги монах газабнок ҳолда келди-да, Денисовни кўрди-ю, ҳасса билан солиб қолди.

— Бунинг одамлари мени ёмон калтаклашди, сал қолди ўлдириб қўйишига. Сен бўлсанг унга ёнингдан жой берипсан-а! Кимга, кимга! Сендан сўраяпман, Максим? Лаънати раскольникка! Дарҳол уни менга топшир, ҳоким, буни сенга икки марта айтганман, учинчи марта айтяпман!

Федосий қўлини ҳасса дастасига қўйиб, ўқрайган кўзлари билан ваҳшиёна тикилиб гоҳ Денисовни, гоҳ Максим Максимични пармалар эди. Жон-пони чиқиб кетган Голиков ўрмалаб-ўрмалаб бурчакка бориб олганди. Ванька эса, ҳокимнинг амрига мунтазир — Андрюшканинг қўлини қайиришга тайёр эди. «Чакмон меники бўлди»,— деб қўйди ичида ҳоким...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кела солиб акиллайсан, холос, ўзинг кимсан, монах? Кимлигингни билмайман, билишниям истамайман,— деди-да, ўрнидан турди Денисов. (Феодосийнинг ҳасса чангаллаган қўли кўкариб кетди). Сўнгра кўйлак тугмаларини ечди, бўйнидаги саккиз қиррали мис крестга боғланган халтачани ечиб олди.— Сен билан ўғил болачасига гаплашмоқчи эдим, Максим Максимич, арзимаган даромадимдан пичасини сенга чўзиб, қуллуқ қилмоқчи эдим... Демак, гапимиз тўғри келмас экан...

Денисов букланган ёрлиқни халтачадан олиб авайлаб очди-да:

— Бу ёрлиқни бизга, Андрей ва Семён Денисовларга Бурмистрлар палатаси инъом қилган,— деди.— Бу ёрлиқда бизга истаган жойимизда савдогарчилик қилишга ижозат берилган, Андрей билан Семёнга ҳеч қандай зарар ва шикаст етказилмасин, ҳеч ким уларга тўсқинлик қилмасин, дейилган. Ёрлиққа президент Митрофан Шорн шахсан ўз қўли билан имзо чеккан...

— Митрофан менга хўжайин эмас,— деб бақирди Феодосий қўлини ҳассадан юлқиб олиб,— ўша Митрофанингга — мана!— Икки бармоғи орасига бошмалдоғини суқиб кўрсатди.

— Ўҳў!— деб юборди ҳоким.

Денисовнинг икки бети чўғдай қизариб кетди.

— Москвалик энг бообру савдогарлар президентига шуни кўрсатадиган бўлдингми ҳали, а? Бу — хиёнат!

— Ўшанинг билан тиқилиб ўл, лаънати!— устмаюст бақириб такрорлади Феодосий ва соқолини селкиллатиб, жон-жаҳди билан юлқиниб, бостириб келди-да, Денисовнинг раскольникча крестига чанг солди:— Хўш, бу нима, имонсиз? Сени ўзим ўтда куйдираман... Сенинг кучсиз қоғозингга қарши менда кучли фармон бор...

— Қўйинглар, яраша қолинглар,— минғирлаб ялинарди ҳоким.— Андрей, монахга йигирма беш сўм бергин — қутуласан-қўясан...

Аммо унинг гапига монах ҳам, Денисов ҳам қулоқ солмай нуқул бурун катакларини шишириб пишқиришарди. Миршаб секин-аста ёни билан писиб яқинлашаверди. Денисов буни пайқаб, Феодосийнинг бўйнидан крестини шартта юлиб олди ва дераза ёнига бориб ромни кўтарди-да, ҳовлига қараб бақирди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жаноби поручик! Булар подшонинг сўзига шак келтиряпти!..

Уйдагиларнинг дами ичига тушиб кетди, пишиллаб нафас олишлари ҳам тўхтади. Даҳлизда шпоралар жиринглади. Хонага Алёша Бровкин кирди: оёғида узун қўнжли этик, бўйнида оппоқ шарф, белида қилич. Икки бети қип-қизил, учбурчак шляпа қош устида.

— Нима тўполон?

— Жаноби поручик, манави калитдор билан ҳоким президент ёрлиғини ҳақорат қилди, мени эса ёқамдан судраб, ўтда куйдирмоқчи бўлишди...

Алёшанинг кўзлари ўқрайиб қинидан чиқаёзди, худди Пётр Алексеевичнинг кўзига ўхшади-қолди. Монахга, сўнгра ҳокимга (у энди ўрнидан турмоқчи бўлиб қўлларини столга тираган эди) кўзи билан тешиб юборадигандай ёмон тикилди-да, қўлидаги таёқча билан столни тақиллатди ва эшикдан югуриб кирган солдатга буюрди:

— Икковини ҳам қамоққа ҳайда...

2

Кукуйда яшовчилар Анна Монснинг юриш-туришини кўриб ҳайрон бўлишарди: «Қизиқ! Шу ёшгина қизда бу қадар сермулоҳазалик ақл-идрок қаёқдан пайдо бўлдийкин? Унинг ўрнида бошқа қиз бўлганда аллақачон ўзини йўқотиб қўйган бўларди. Анхен тамоман отасига тортган, раҳматлик Монснинг худди ўзгинаси».

Пётр Қора денгиздан қайтганидан кейин жуда сахий бўлиб кетганди.

Бир эмас, бир неча марта Анхен унга: «Азизим, нури чашмим, бўлмағур нарсаларга пул сарф қилиб мени исрофгарчиликка ўргатяпсиз,— деганди.— Агар манга ижозат берсангиз, Ревелга хат ёзаман, у ерда яхши сигирлар кўп экан, кунига икки челак сут берадиган иккитагинасини сотиб оламиз, қайтага бу маъқулроқ бўларди. Ана ўшанда озода ва шинамгина дачамга баъзан нонуштага келардингиз, маза қилиб қаймоқ ердингиз...»

Унинг дачаси қўра дарвозаси рўпарасидаги ўрмонзор орасига — Кукуй анҳори ёнидан то Яуза дарёсига чўзилган учбурчак ерга қурилиб, бу ер унга инъом қилин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганди. Шу ерга ўртамиёна бир уй, томлари черепицали молхоналар, бостирма ва омборлар жойлашган. Дарё бўйидаги тепанинг ён бағрида семиз, ола-була сигирлар ўтлаб юрар, ҳар бирига қадимги грек худоларининг номи қўйилган, майин юнгли қўйлар, инглиз чўчқалари ва аллақанча паррандалар кўринарди. Полизда эса, уруғи чет элдан келтирилган ҳар хил сабзавот ва картошка ўсар эди.

Тонг энди ёришганда Анхен тивит рўмол ўраб, калта пўстин кийиб, қумлоқ йўлдан дачага борарди. Хизматкорларнинг сигир соғишини, паррандаларга дон сочишини кўздан кечирар, тухумларни санар, нонуштага керакли кўкларни ўз қўли билан кесиб оларди. Хизматкорларга нисбатан ғоят талабчан эди, бироитаси кир-чир юрганини кўрса қаттиқ жазоларди. Карам етилган, ҳосилни йиғиш пайти эди. Бу қадар к_тта-катта карамлар ҳатто пастор Штрумпфнинг полизида ҳам битган эмасди. Немислар келиб томоша қилишар ва ҳайрон қолиб: «Бунақа карамни, бунақа шолғомни Гамбургга юбориб кўргазмага қўйса бўлади»,— дейишарди. «Яқиндагина қаровсиз бўш ётган ерда шундай ажойиб ҳосил битиптими, демак, Анхенда бирор сир бор, дуосини билса керак»,— деб ҳазиллашишарди.

Рус қизлари қўшиқ айтиб карам тўғрашар, яп-янги арғувон тоғорага солишарди. Анхен Меньшиков ёки адмирал Головининг қўраларидан энг соғлом ва хушчақчақ қизларни териб оларди. (Уларнинг қўралари ҳам, уйлари ҳам немислар слободаси билан ёнма-ён эди.) Ошпичоқлар тапиллайди, қирмизи юзли қизлардан хушбўй карам ҳиди гуркирайди; бир гала оппоқ ғоз паррандахонадан чиқиб, ҳув анави кўкаламзорда — бостирма сояси тушиб, қирови эримаган кўкатлар орасидан ҳовуз томон йўрғаламоқда; дачанинг қирралик томидан тутун кўтарилиб, кўм-кўк кузги осмонга тарқалмоқда; озода кийинган икки новвой саватда иссиқ кулча нон кўтариб супурилган ҳовлидан ўтиб бормоқда...

Анхен ғоят бахтиёр, кўнгли хотиржам эди: совқотган оёқларини тапиллатиб югуриб-еларкан, бу боғ-роғни, мол-ҳолни кўриб суюнар, томоша қилиб тўймасди. Бироқ уйга қайтиши билан кўнгли ғаш бўлиб, юрагига ҳеч нарса сиғмасди. Лоақал бир кун ҳам тинчлик йўқ: бугун Пётр Алексеевич яна қандай ҳунар кўрсатаркан, деб кутгани кутган. Тўсатдан бу руслар маст-

www.ziyouz.com kutubxonasi

аласт ҳолда ёпирилиб келишади-да, полни из қилиб, тамаки чекиб, кулини гултувакка ташлаб, рюмкаларни синдириб, ҳамма ёқнинг расвосини чиқаришади, ёйинки, истасанг-истамасанг, мажбуран ясантириб базм-зиёфатга судрашади, чарчаганингга қарамай, пошналарингни дўқиллатиб танца туширишади.

Зиёфат, танца аҳён-аҳёнда бўлгани яхши, диққинафас кузги кечаларда, қишки байрамларда ярашади. Аммо рус тўралари ҳар кун зиёфатга бормаса, ўйинга тушмаса — туролмайди. Хусусан, Пётрнинг телба-тескари қилиқлари Анна Ивановнани кўпроқ ранжитарди: тушки ёки кечки овқатга қачон келишини, қанча меҳмон билан келишини ҳеч вақт айтмасди. Баъзан ярим кечада бир гала одам билан тўғри кириб келарди. Бу очофатларни тўйғизиш учун аллақанча масаллиқни тўқовуриб пиширгунча она сути оғзингга келарди, кўпинча ҳаммаси нест-нобуд бўлиб, чўчқага ташланар, юрагинг ачишарди.

Бир куни Анхен Пётрга мулойимлик билан: «Нури чашмим, агар малол келмаса, қанча меҳмон келишини ҳар сафар менга олдинроқ билдириб қўйсангиз яхши бўларди, бекорга ортиқча сарф-харажат бўлмасди»,— деб илтимос қилди. Пётр унга таажжуб билан бир қаради-да, қовоғини солиб индамади. Шундан кейин ҳамма нарса илгаригидай давом этаверди.

Қуёш барглари сарғайиб тўкила бошлаган қайинлар тепасигача кўтарилди. Қизлар ўчоқ бошига кетишди. Анна Ивановна омборхонага кирди; бир неча мода ғозни бўз қопга солиб, тешигидан бошини чиқариб, шу ерга осиб қўйилганди; сўйишдан олдин уларни икки ҳафта ёнғоқ билан боқиларди. Анхен ҳар бир ғознинг оғзига биттадан ёнғоқни пўчоғи билан зўрлаб тиқди, сўнгра, пайпоқдор товуқларнинг оёқларини қизлар қандай ювиб тозалансин, деб тайинланганди; сўнгра қўйхонага кириб қўзиларни қўлига олди, жингалак юнгли пешанасидан ўпди. Ниҳоят, истар-истамас уйга қайтди. Қайтди-ю, кўчада турган каретани кўриб, юраги «шиғ» этиб кетди.

Мажордом Анна Ивановнани орқа томондаги зина олдида кутиб олди ва:

— Саксония элчиси жаноби Кенигсек келди,— деб пичирлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хайрият, у эмас экан... Анхен кулимсираган-да, юбка этагини йиғиштириб, бошқа усти-бош кийиб олиш учун торгина зинадан йўрғалаганича, юқорига чиқиб кетди.

Кенигсек оёқларини стул тагига тиқиб, бемалол ўтириб олган, чап қўлида тамаки қутиси, ўнг қўли бўш — нозик ҳаракатлар учун керак бўлади — немисча сўзга французча сўзларни аралаштириб, ундан-бундан гап сотар; қизиқ-қизиқ саргузаштлардан ҳикоя қилар, нуқул хотинлар тўғрисида, снёсат тўғрисида гапирар, ўз ҳукмрони Саксония курфюрсти ва Польша қироли Августни мақтар эди. Бошидаги мушк сепилган париги кифтларини бутунлай ўраб олганди. Шляпаси билан қўлқоплари гилам устида ётарди. Ҳазил-мутойиба гап қотиб илжайган пайтда сўпоқ бурни кулгили тарзда буришиб кетар, ёши аримаган бенбо хумор кўзлари сузилиб, Анхенга ғалати тикиларди. У эса, Кенигсекнинг рўпарасида, ўтини ёна бошлаган камин ёнида қўлларини осилтириб, тор корсаж кийганидан қаддини тик тутиб, гапга қулоқ солиб ўтирарди. Анна Ивановна, мулозамат қоидаси талабига кўра, лабини икки чети билан билинар-билинмас, муғамбирона жилмаярди, холос.

Жаноби элчи оғзи тинмай гапирарди.

— ...Ҳар қандай одам бир кўришдаёқ унга таслим бўлади... Ниҳоятда чиройли, хушмуомала, довюрак... Бироқ Август оддий одамлардан эмас — одамизод қиёфасига кирган худодир... Ўйин-кулгисиз туролмайди, айшишрат қилмаса кўнгли жойига тушмайди... Варшава жонига тегса, Краковга жўнаб қолади, йўл-йўлакай ов қилади, ёввойи тўнғизларни отади, боёнлар қасрида кайф-сафо қилади ё эса бирорта бостирмада пичан орасида қишлоқи жонон билан тунаб қолади... Кавалер Винтер номи билан ўзига гувоҳнома ёздириб олади-да, саргузаштлар ишқибози қиёфасида бутун Европани кезиб чиқади ва тўсатдан Парижда пайдо бўлади.

Париж чорраҳаларидаги тунги ур-йиқит, қиличбозликларда, кўпинча унинг кўксини мўлжаллаган тиғу зарбаларни мен бир неча бор мана шу қилич билан даф этганман. Отларни қуюндай учириб Версалга тунги сайилга бордик, денг; қирол Август саёҳатчи офицер қиёфасида кийиниб олган. Оҳ, Версаль, Версаль! Уни кўрмабсиз — дунёга келмабсиз: ердаги жаннат шу. Сиз уни ал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

батта кўришингиз шарт, фрейлен Монс... Қатта-катта деразалари миллионларча чироқларнинг ёруғидан ярқираб туради, қасрнинг олд томонидаги машъалалар шуъласи кўзни қамаштиради. Айвон панжаралари бўйлаб кавалерлар хонимчалар билан сайр қилишади. Дарахт шохларида — хитой фонусчалари, худди жаннат мевасига ўхшаб осилиб туради. Кўл ортидан мушаклар визиллаб осмонга кўтарилади, учқунлари сувга тушади, сувдаги қайиқларда эса созандалар арфа ҳамда виола чалишади. Фонтанлар вашиллаб отилиб туради, атрофида тунги капалаклар учиб юради. Мармар ҳайкаллар барглар орасидан гўё жон кириб тирилган худоларга ўхшайди. Жамики христианлар орасида ҳақиқий христиан — қирол Людовик курсида ўтирипти. Бошидаги парик соя қилиб бақалоқ юзини тўсиб қўйган, лекин барибир мен ён томондан қараб, унинг мағрур профилини, чўччайган остки лаби билан таърифи бутун дунёга кетган ғалати мўйловини кўриб олдим. Людовик ўтирган курсига бир хоним суяниб турипти: эгнида қора плаш, бошлиғи қош-кўзигача босиб тушган. Бу аёл мадам де Ментенон. Қиролнинг ўнг томонидаги стулда Филипп Анжуйский ўтирипти — Испаниянинг бўлажак қироли, Людовикнинг набираси, нимагадир, хафароқ кўринади... Ҳамма ёқда маска кийган минг-минг одам, бутун сарой, бутун парк шу қадар чароғонки, шуҳратини оламга ёймоқ учун атайлаб олтин билан безатилганга ўхшайди.

Анхеннинг бармоқлари типирчилар, лорсиллаган кўкси тор корсаждан кўтарилиб-кўтарилиб тушарди.

— Шуларнинг ҳаммаси хаёл эмас — ҳақиқат эканлигига негадир инонгим келмайди,— деди Анна Ивановна.— Айтгандай, қиролнинг курсиси ёнида турган ўша Ментенон ким ўзи?

— Унинг маҳбубаси.... У шундай аёлки, унинг олдида ҳатто министрлар, элчилар ҳам ўзини йўқотиб қўяди... Менинг ҳукмроним қирол Август Ментенон олдидан бир неча бор ўтгач, мадам унга жилмайиб қўйди...

— Жаноби элчи, нима учун қирол Людовик ўша мадам Ментенонга уйланмайди?

Кенигсек ҳайрон бўлди, ликиллаб турган қўллари бир лаҳза тўхтаб, икки тиззаси орасида бедармон осилиб қолди. Анхен бошини янада энгаштириб ерга қаради.

— Эҳ, фрейлен Монс... Қиролничанинг аҳамияти маҳбубанинг қудратидан зўр деб ўйлайсизми? Ҳеч-да? Қи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

роличa — бу фақат сулолавий алоқа қурбони холос. Давлат арбоблари қироличага тиз чўкиб таъзим қилишади-ю, аммо оёққа тура солиб маҳбуба томон югуришади, чунки ҳаёт — сиёсат, сиёсат эса — олтин ва шуҳрат демак. Қирол тунда қироличанинг чодирига эмас, маҳбубанинг чодирига киради. Бағрига босишлар, оташин бўсалар пайти иссиқ ёстиқда... (Анхеннинг икки бети қизара бошлади. Элчи бир оз силжиб, атир. ҳиди гуркираган парига билан унга яқинроқ ўтириб олди). Иссиқ ёстиқда пинҳон ётган фикрлар текширилади. Қиролнинг пайига тушган аёл юрак тепишига қулоқ солиб сирини билиб олади. Бундай аёл тарихда қолади.

— Жаноб элчи,— деди Анхен бошини кўтариб,— менимча бахтнинг умри узоқлигига ишонишдан зўр орзу йўқ. Модомики ишонч бўлмагандан кейин бу кийим-кечакларнинг, анави қимматбаҳо тошойнанинг менга нима кераги бор?.. Менга қолса, шаън-шавкат камроқ бўлса бўлсинки, аммо кичкина бахтимга ёлғиз парвардигордан бўлак ҳеч ким соя солмасин, дейман... Мен ҳашаматли қайиқда сузиб кетяпман, лекин бу қайиқ омонат экан...

Анхен корсажи ичидан секин-секин тортиб кружевали дастрўмолини олди-да, оҳиста силкиб, юз-кўзларига босди. Лаблари дастрўмол остида худди ёш боланинг лабига ўхшаб титрай бошлади...

— Сизга вафодор дўст керак экан, эй соҳибжамол қизчагинам!— Кенигсек унинг билагидан ушлаб оҳиста қисиб қўйди.— Сиз юрак сирларини айтишга ишончли одам тополмай кўп қийналибсиз.... Менга бемалол ишониб айтаверинг... Жону дилим билан ўзимни, бутун тажрибамни сизга тақдим этаман. Бутун Европа сиздан умидвор, кўзи сизда. Менинг давлатпаноҳ қиролим ҳар бир мактубида «Кукуй наҳрининг паризоди», деб сизни тилга олади...

— Сиз ўзингизни қай маънода менга тақдим этяпсиз, тушунолмадим...

Анхен дастрўмолни юзидан олди-да, хавфли тарзда яқинлашган жаноби элчидан нарироқ ўтирди. Бу шилқим оёғим остига йиқилса-я, деган фикр миясига ялт этиб келиб қўрқиб кетди... Шартта ўрнидан турди, этагини босволиб қоқилиб кетаёзди.

— Гапингизни тинглаб ўтиришга мажбур бўлмасам керак...

Анхен уялганлигидан қип-қизариб кетди-да, дераза

www.ziyouz.com kutubxonasi

олдига борди. Бояги кўм-кўк осмонни энди қора булут босган, қутурган шамол чангни тўзитиб учирар эди. Пётр ҳадя қилган, қўлга ўрганган бедана ҳаво айнига-нидан патларини ҳурпайтиб, дераза токчасидаги ярон-гуллар орасида шумшайиб ўтирарди. Анхен фикрини бир жойга тўплаёмай қийналмоқда, балки бунга Кениг-секнинг орқадан қаттиқ тикилаётгани сабаб бўлса ҳам ажаб эмас,— юраги ҳовлиқиб дук-дук урмоқда эди... «Бе, аҳмоқона хаёл! Нега энди оёғимга йиқилар экан? Бироқ орқасига ўгирилишга қўрқар эди. Яхшики, бу-рилиб қарамади: Кенигсекнинг кўзлари йилтирар, гўё бу қизни энди кўргандай, бошдан-оёқ разм солиб тикилар-ди... Серҳашам юбка остида — хипча бел, баланд қилиб турмакланган кул ранг сочлар тагида — сутдай оппоқ кифтлар, ўпишга тайёр энса...

Лекин барибир элчи ўзини йўқотмади: «Агар бу па-ризод яна бир оз ақли ўткирроқ, иззат-нафслироқ бўл-гандами, ундан фойдаланиб тарихда қоладиган ишлар қилиш мумкин эди»,— деб кўнглидан ўтказиб қўйди.

Анхен бирдан дераза ёнидан чекинди, ўйноқи кўзла-ри саросималаниб Кенигсекка тикилди-ю, қотди-қолди:

— Подшо!..— деди Анхен.

Элчи дарҳол шляпаси билан қўлқопларини ердан ол-ди, кўкси кружевали кўйлагини нари-бери тузатди. Гул-зор панжараси ёнида икки ғилдиракли извош тўхтади, чангдан кўзларини қисиб, Пётр тушди. Кетма-кет чарм соябонли арава етиб келди. Подшо ўша томонга қараб бир нима деди-да, уйга кирди. Аравадан икки киши тушди, плашлари билан юзларини пана қилиб, шошапи-ша гулзордан чопиб ўтди. Икки ғилдиракли извош би-лан арава ўша заҳотиёқ жўнаб кетди.

Бу икки кишини Анна Ивановна илгари сира кўр-ган эмасди. Улар сиполик билан таъзим қилишди. Пётр уларнинг қўлидан шляпаларини ўзи олди. Биттасини,— юзида баджаҳллик ва димоғдорлик акс этган новчаси-ни,— елкасидан ушлаб силкитди, кифтига қоқиб қўйди:

— Бу ер менинг уйим, сиз меникида меҳмонсиз, герр Иоганн Паткуль... Ҳозир овқатланамиз...

Пётр ниҳоятда хушчақчақ, лекин ҳушёр эди. Қайтар-ма қирмизи енги ичидан парикни тортиб олди-да:

— Буни яхшилаб тарагин, Аннушка. Буйруғингга биноан дастурхон устида парик кийиб ўтиришим керак... Атайлаб солдат юбориб обкелтирдим,— деди. Сўнгра

www.ziyouz.com kutubxonasi

иккинчи меҳмонга — бетлари қип-қизил чўғдай қизариб кетган генерал Қарловичга:— Қанақа парик кийсам ҳам барибир, қирол Августга етолмайман, чунки у жудаям ҳашаматли ва улуғворона кўркам... Биз бўлсак, устахона билан отхонадан чиқмаймиз...

Пётрнинг этиги қўнжларигача чангга ботган, кийимига терлаган от ҳиди уриб қолган эди. Ювингани кетаётиб Кенигсекка кўз қисди:

— Негадир хотиним олдига тез-тез келадиган бўлиб қолдинг, кўзингни оч, жаноби элчи...

— Подшо аъло ҳазратлари,— Кенигсек нозик ҳаракатлар билан қўлидаги шляпасини ер бағирлатиб, бир қадам чекиниб, якка тиззада тиз чўкди:— Венус[1] даргоҳига гул ва кабутар келтирган оддий бандаларни жазолаш яхши эмас...

Пётр ювиниб-тараниб бўлгунча Анна Ивановна сарой мулозамат қоидаларига мувофиқ мезбонлик қилди: патнисда зирали ароқ қуйилган рюмкаларни опкелиб ҳар бир меҳмонга биттадан тутди, ҳол-аҳвол сўради: «Москвага қачон келдилар, бирор жиҳатдан камчилик кўриб қийналаётганлари йўқми?..» Кенигсекнинг гапи эсига келди-да, учи тўмтоқ туфлисини кўз-кўз қилиб, юбка этакларини стул атрофига ёйвориб:

— Европадан келган одам бизнинг шаҳарда олдинига бир оз зерикади, албатта. Худо хоҳласа, яқин-орада турклар билан ярашиб олсак, ҳаммани венгерча ва немисча усти-вош кийишга ўргатамиз, кўчаларга тош ётқизамиз, ўғри-ю, қароқчилардан тозалаймиз, ана ундан кейин кўринг Москвани...

Иоганн Паткуль ингичка лабини қимтиб, йўғон ва совуқ овоз билан унга жавобан: Ригадан келганига бир ҳафтача бўлганини, элчилар меҳмонхонасига тушмай, ундан бир неча кун олдин Варшавадан — қирол Август ҳузуридан келган генерал-майор Карлович билан вице-адмирал Корнелий Крейсникига тушганини айтди. «Ҳозирча қийналаётганим йўқ, ҳақиқатан Москва чанг, кўчаларига тош ётқизилмаган, одамларнинг уст-воши ночор экан»,— деди.

— Бу ерда мен ғалати нарсани...— Паткуль мийиғи-

[1] Қадимий юнон афсоналарида муҳаббат худосининг номи. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

да кулиб Карловичга қараб қўйди: азбаройи семизлиги ва ҳарбий форма торлик қилгани, бунинг устига дўппайган қорнини сербар шарф билан сириб боғлагани учун генералнинг томоғи ҳуштак аралаш хир-хир қиларди,— бу ерда жудаям ғалати, бошқача бир усулни кўриб ҳайрон қолдим. Москвалик чайқовчилар алдаб-сулдаб бир неча тийин топиб ароқ ичишар экан. Бирор нарса сотиб олганингда қайтимини санаб кўрсанг, албатта кам чиқади, талаб этсанг — жўрттага сени чалғитиб бошқатдан санатади. Санаб кўрасан, нотўғри ҳисоблабсан, дейсан. Қўлига олиб яна санайди: йўқ, тўғри, ўзингиз янглишяпсиз, деб қасам ичади, черков гумбазидаги крестга қараб чўқинади. Иккинчи ва учинчи марта бошқатдан санаб кўраман — барибир кам; у бўлса талашади, яна ўзи санай бошлайди. Хуллас, бу майнавозлик камида ўн марта такрорланиб, ахири жонга тегади, кам бўлса садқаи сар, дейсану қўл силтаб кетаверасан...

— Хизматкорингизга буюринг, унақа одамни судраб миршабхонага оборсин, у ерда дарра билан яхшилаб савашади,— деди қатъий равишда Анна Ивановна.

Паткуль сесканиб кифтини қисди.

Пётр ювиниб-яйраб, таралган парикни бошига илиб хонага кирди. Анхен қадаҳда зирали ароқ тутди. Подшо қадаҳни кўтарди, лабини чўзиб чўп этказиб унинг бетидан ўпди. Мажордом эшикни ланг очиб юборди-да, қўлидаги бўй баравар ғалати ҳасса билан полни дўқ этказиб қўйди. Ҳаммаси емакхонага ўтди. Унинг гумбазсимон шифтига — булутлар орасида учиб ўйнаб юрган ғилмонлар расми чизилган, ганч сувоқ деворларига — Фламандиядан келтирилган чиройли гул қоғоз ёпиштирилган, сирланган камин тепасига — ажойиб рассом Снайдерс ишлаган сурат осилган: унда — сўйилган ҳар хил паррандалар ҳамда турли мевалар тасвирланган.

Пётр ловиллаб ёнаётган каминга орқасини бериб ўтирди, Паткуль — унинг ўнг томонига, Карлович билан Кенигсек — чап томонига жойлашди, ташвишланган Анхен эса — подшо рўпарасида... Гулдор полотно дастурхон ёзилган стол: биллур қадаҳларда венгер виноси, дастурхон ўртасида — чўчқа гўштидан, қон ва жигардан қилинган колбасалар. Тамадди учун қўйилган совуқ таомлардан зиравор ҳиди келарди. Дераза ортида чанг-тўзон кўтарилар, яланғоч шохлар шамолда қаттиқ чайқаларди. Аммо уй ичи иссиққина эди. Безалган столдаги ноз-неъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

матлар, меҳмонларнинг мамнун чеҳралари, каминда ловиллаган олов,— ҳаммаси деворга ўрнатилган шамдонларнинг ойналарида акс этарди.

Пётр назокатли дўсти — Польша қиролининг саломатлиги учун қадаҳ кўтарди. Меҳмонлар парик гажакларини елкаларига қайтариб ташлаб, овқатга қўл чўзишди.

— Подшоҳи бокарам, сиз билан холи гаплашмоқчи эдик, жуда муҳим махфий иш хусусида,— деди Паткуль тўртинчи тўққиз-тўққиз столга қўйилгандан кейин: ёнғоқ мағзи қўшиб тайёрланган ўрдакчалар келтирилганди.

— Яхши,— деди Пётр бош иргаб, қалайи лаганларни тирсаги билан нарироқ суриб: боядан бери у дам илжайиб, дам юзини буриштириб, шпракайф Анхеннинг қирмизи ёноқларига кўз ташлаб ўтирарди. Бутун обед давомида ҳазиллашиб, Аннанинг тежамкорлигини хасисликка йўйиб масхара қиларди, унга кўз қисиб имо билан Кенигсекни кўрсатар ва гўё: «Бу таом Венус даргоҳида «анови элчи» келтирган кабутурлардан тайёрланганми?»— деб сўраётганга ўхшарди. Аммо Паткуль билан Карловични шошилинч равишда Москвага келишга мажбур этган жуда муҳим гапни эшитгиси келардими-йўқми,— буни билиб бўлмасди.

Паткуль бугунгача подшони фақат бир марта, у ҳам бўлса, вице-адмиралликда кўрганди, холос. Пётр ўшанда яхши муомала қилган бўлса-да, бироқ у билан суҳбатлашишдан ўзини опқочган эди. Бугун уни ўзи таклиф қилиб яширинча овқатланиш учун маҳбубасиникига бошлаб келганди. Паткуль бу осиёликка эҳтиром билан бирга совуқ зеҳн солиб ўтирарди. Подшо билан тезроқ гаплашмоғи ниҳоятда зарур эди. Чунки Швециянинг ёш қироли Карл Ўн иккинчининг элчилари аллақачон Москвага келиб, абадий сулҳ тузиш хусусида Лев Кириллович билан боярларни гапга солмоқда эди. Шведлар ҳали подшони кўрган эмасди, лекин бугун-эрта Кремлда қабул ҳамда ваколат ёрлиқлари топшириш маросими ўтказилмоқчи эди.

— Жаноби Карлович ҳам, жаноби элчи ҳам тасдиқлаши мумкин: менинг гапларим қирол Август ҳазрат олийларининг хоҳишига мутлақо зид эмас, билъакс, он ҳазратнинг кўнгил муддаосини тамоман ифодалайди. Азбаройи юрак-бағрим эзилиб кетганлигидан гапиряпман. Лифляндиянинг жамики рицарлари, Риганинг бар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ча номдор савдогарлари сиз аъло ҳазрат подшоҳга кўз тикмоқдалар, додимизга қулоқ солишингиздан умидвор бўлиб кутмоқдалар.

Паткулнинг кенг пешанасидаги ажинлар бир жойга тўпланди. У шошилмасдан, секин-секин, баъзан бенхтиёр, тутоқиб кетса-да ўзини босиб гапирарди:

— Бахтсиз Лифляндия хотиржамлик ва тинчлик истайди. Бир вақтлар биз Речи Посполитанинг[1] бир қисми эдик, эркинлигимизни сақлаб туппа-тузук яшардик, Рига шаҳри обод бўлиб, Болтиқ бўйидаги ҳамма ўлкаларга номи кетган эди. Одамзод юраги ҳасад билан тўлган, кўзи оч, дейишади,—бу рост. Речи Посполита бизнинг бойлигимизга кўз олайтириб қўл чўзди, иезуитлар[2] бизнинг динимизни, тилимизни, урф-одатларимизни таъқиб этдилар... Ўша йили бошга тушган кулфатлар устига-устак, парвардигор бизни ақлдан ҳам оздирди: Лифляндия рицарлари ўз ихтиёри билан Швеция қироли ҳимоясига ўтиб олдилар. Ёмғирдан қочиб қорга йўлиқди дегандай, улар Польша бургутидан қочиб, шерга йўлиқдилар.

— Кетини ўйламаганлар,— деди Пётр. Чўнтагидан калта найли трубка олди. Кенигсек дарҳол ўрнидан туриб, чақмоқтошини чақа бошлади, пилик тутатгач, тарелкага солиб Пётрга тутди. Иоганн Паткуль то подшо трубкасини ёндириб олгунча одоб сақлаб кутиб турди.

— Хабарингиз бўлса керак, подшоҳим,— давом этди Паткуль,— Швеция сенати илгари бир редукция қабул қилган ва уни қирол Карл Ўн биринчи тасдиқлаган эди. Бу қонунга йигирма йилча бўлди. Энди эса Швеция сенаторлари, ўша ичиқора чайқовчилар, билмадим, қиролга нима ичириб бошини айлантиришган, Лифляндия дворянларига қадимги қироллар инъом этган барча ерларни тортиб олиш керак, деган ёвуз фикрни миясига қуйганлар. Эрллар ва баронлар ўз қасрларини, молмулкларини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар, зодагонлар ерини деҳқонлар эгаллаб, ҳайдашга тушдилар. Бизга, яъни Лифляндия рицарларига қасам ичиб, қонун сизларга жорий қилинмайди, деб ваъда берилганди! Аммо орадан саккиз йил ўтгандан кейин бу қирол, илгариги подшолар инъом этган ерларни ҳам тортиб олиш ҳа-

[1] Польшанинг демоқчи. *(Тарж.)*

[2] Реакцион католик ташкилотининг аъзоси; маккор, иккиюзламачи киши. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

қида редукция комиссиясига амр қилди. Аммо бу ерлар қадимдан бери рицарларники ва бировга бермасликка ҳақ-ҳуқуқи борлигини ҳужжат билан исботлаш керак, агар ҳужжат бўлмаса — бари қўлдан кетади. Иоанн Грозний ва Стефан Баторий давридан буён тўхтовсиз урушлар Лифляндияни харобазорга айлантирди, ҳужжатлар йўқолиб кетди, шундай қилиб, биз ўз ҳуқуқимизни исботлаёлмай сарсон бўлиб юрибмиз... Мен редукция комиссиясининг кирдикорлари ҳақида бутун Лифляндия рицарлари номидан арзнома ёзиб Швеция қиролига шикоят қилдим... Бироқ арзимнинг оқибати шу бўлдики, сенат ариза ёзган ўнг қўлимни кесишга ва калламни олишга... (Паткулнинг овози баландлашди, қулоқлари қапишиб, юпқа лаблари оқариб кетди)... ёвузлик олдида қул каби бўйин эгишга рози бўлмаган бошимни танимдан жудо этишга ҳукм қилди... Подшоҳи бокарам, Лифляндия рицарлари хонавайрон бўлди. Савдогарларимиз эса жудаям оғир аҳволда... (Пётр шу дақиқадан эътиборан астойдил қулоқ сола бошлади.) Шведлар инсофни унутиб Рига портига келган молдан ҳам, жўнатилган молдан ҳам икки баробар бож ҳақи олишмоқда. Очкўзлик ва порахўрлик шу даражага етдики, оқибати фақат бизнигина эмас, уларнинг ўзини ҳам хонавайрон қилиши мумкин. Чет эл кемалари Ригага бурилмасдан тўғри Кенигсбергга ўтиб кетмоқда, энди Польшадан бутун ғалла Бранденбург курфюрстига жўнатилмоқда. Экинзор ерларимизни ўт, алаф босиб кетди, порт ҳувиллаб, шаҳар қабристонга ўхшаб қолди. Ревель эса, шведлар дастидан бутунлай ҳувиллаб қолди. Бу аҳволда ё бутунлай хонавайрон бўламиз ёки уруш бошлашга мажбурмиз. Ё ҳозир бошлаш керак ё ҳеч қачон, подшоҳим. Жамики рицарлар отга минади. Қирол Август, сизларни Польша ҳимоясига оламан, деб онт ичди.

Паткуль генерал Карловичга қаттиқ тикилди, сўнгра сарғиш кўзларини Кенигсекка қаратди. Иккови ҳам сиполик билан бош иргаб унинг гапини тасдиқлади.

— Қайдам,— деди Пётр трубка найини ғажиб.— Бу гал ҳам чўғдан қочаман деб алангада куйманглар тағин... Қирол Августнинг сояси юпқа, аммо поляк панларининг тирноғи ўткир. Жудаям сахийлик қилворибсиз. Рига билан Ревелни Польшага бериб...

— Польша ҳозир Стефон Баторий давридаги Польша эмас. Польша ҳалок бўлишимизни истамайди,— деди

www.ziyouz.com kutubxonasi

Паткуль.— Қуруқликда ҳам, денгизда ҳам битта душманимиз бор: Швеция қироли... Речи Посполита бизнинг динимизга, эркинлигимизга кўз олайтирмайди...

— Худо билади, худо билади... Бугун, сейм бундай қарор қилса, эртага панлар миясига бошқа фикр келиб, ундай қарор қилади... Агар қирол бир ўзи ҳукмрон бўлгандайди, ишониш мумкин эди. Панлар бор, панлар!.. (Пётр оғзидан тутун уфуриб, бепарволик билан гапирарди. Паткуль кўзини йириб подшога шу қадар тикилиб олгандики, ёноқ суяклари туртиб чиққанди.) Панлар урушни хоҳлармикин ҳали?

— Подшоҳи бокарам, қирол Августнинг саксониялик қўшинига Ливония чегаралари яқинидаги Шавль ва Бирзен лагерларида қишлаш ҳақинда аллақачон буйруқ берилган; бу қўшин фақат Августга итоат этади...

— Ўша қўшинда қанча аскар бор?

— Йигирма беш минг сара аскар.

— Бундай иш учун камлик қилади.

— Яна ўшанча ливониялик рицарлар Рига ёнида тўпланади. Шведлар гарнизонида унчалик кўп аскар йўқ. Ригани бир ҳамла билан оламиз. У ёғи—уруш, уруш бошлангандан кейин панлар ҳам қараб турмайди. Иттифоқдошларимиздан яна бири — Дания қироли Христиан, подшоҳи бокарам, ўзимизга маълумки, Христиан герцогни[1] ҳам, шведларни ҳам ёмон кўради, жон-жаҳди билан нафратланади. Дания флоти денгиздан туриб бизни мудофаа қилади.

Ниҳоят, Паткуль масаланинг энг қийин жойига етди. Подшо қўлини осилтириб, нуқул столни чертарди, юмюмалоқ юзи эса на розилигини ифода этарди, на қаршилигини. Қош қораймоқда, шамол кучайиб дераза қопқоқларини тарақлатмоқда эди. Анхен шамларни ёқмоқчи бўлиб қўзғалди, бироқ Пётр тиш орасидан: «Керак эмас!»— деб ўшқирди.

— Подшоҳи бокарам, сиз учун шундай қулай пайт келдики, Болтиқ денгизида мустаҳкам ўрнашиб, отамерос ерларингизни — Ингрия билан Карелияни шведлардан қайтариб олишингиз мумкин. Шведларни енгиб, денгиз бўйларини эгаллагандан сўнг бутун дунёда шуҳрат қозонишга интилиш, Голландия билан, Англия, Ис-

[1] Герцог Голштейн-Готорбский, Карл XIIнинг поччаси Фридрих IV. Голштейн герцоглиги Дания билан чегарадош. *(Автор.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

пания ва Португалия билан, шимолдаги, ғарбдаги ва жанубдаги барча мамлакатлар билан савдо алоқаси боғлаш лозим ва шу вақтгача бирон та подшо ва бирон та қирол уддасидан чиқолмаган ишни, яъни — Москония орқали Шарқ билан Ғарб орасида савдо йўли очишдек улкан ишни бажариш лозим. Сўнгра барча христиан қироллар билан алоқа ўрнатиб, Европа ишларида ҳал қилувчи сўзга эга бўлмоқ... Болтиқ денгизида даҳшат соладиган қудратли флот қуриб, учинчи денгиз давлати бўлиб олишга эришмоқ лозим... Сиз турклар ва татарларни енгиш йўли билан эмас, ана шуларни амалга оширгандагина бутун дунёда шуҳрат қозонасиз. Ё ҳозир ё ҳеч қачон...

Паткуль тепамизда худо бор, худо шоҳид дегандай, қўлини баланд кўтарди. Кенигсек ҳам шу калимани такрорлади: «Ё ҳозир, ё ҳеч қачон...» Генерал Карлович пишиллаб бурнини торта бошлади...

— Нега энди, ҳозир! Нега бунчалик шошилиш керак, уйга ўт тушдими?— деди Пётр трубка найини ғажиб.— Шведлар билан урушиш осон эмас. (Камин олови шуъласида меҳмонларнинг кўзлари ҳадиксираган тарзда ялт-юлт эта бошлади.) Ўн икки минг саксониялик қўшин — ҳар ҳолда иш бериши мумкин. Дания флоти... Ҳм... Шведлар, шведлар қўшини... Европада биринчи ўринда туради... Сизга бирор маслаҳат бериш қийин...

Подшо яна стол чертишга тушди. Паткуль қизишиб, зўрғатдан ўзини босиб эътироз билдира бошлади.

— Ҳозирги кунда шведларни осонгина, қурол ишлатмасданоқ енгиш мумкин... Эси кирмаган ёш бола нима-ю, қирол Ўн иккинчи нима... Шу ҳам қирол бўптими! Доим қиз болага ўхшаб ясанган-тусанган, унга базм-зиёфат, кайф-сафою ўрмонда қуён овлаш бўлса бас, шундан бўлак ҳеч нарса билмайди. Бор пулни маскарадларга сарфлаб, хазинани қоқлади. У — тишсиз шер... Шунинг учун ҳам Швеция элчиси эрта баҳордаёқ Москвага келиб, сулҳ тузайлик, деб ялиняпти... Элчи эмиш! Элчи дейишга тил бормайди: бирон та ходимининг оёғида шойи пайпоқ йўқ. Шу даража қашшоқлашиптики, фақат лўвия ейишяпти. Бултур генерал Карлович Стокгольмга борганида шундай нарсаларни кўриптики... Жаноб генерал, кўрганларингизни ўз оғзингиз билан гапириб беринг...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Карлович бўйнини чўзиб, ёқасидан бир оз чиқариб олди:

— Тўғри, Стокгольмга борганим рост... Шаҳар унчалик катта эмас, аммо денгиздан ҳам, қуруқликдан ҳам қилинган ҳар қандай ҳужумга бардош беради. Худди шернинг уяси дейсиз. Мен номимни ўзгартиб, савдогар қиёфасида кийиниб олгандим. Пароходдан тушдиму бозор томонга юрдим: қарасам, одамлар шоша-пиша дўконларини, дераза қопқоқларини ёпяпти, хотинлар болаларини олиб қочяпти, гўё шаҳарга ёв бостириб киргандай. «Нима гап?»— деб сўрадим чопиб кетаётган бир одамдан. «Қирол!»— деди-ю, қўл силтай-силтай кетаверди.

Мен бир неча походларда ва кўпгина шаҳарларда бўлганман, ўшанда ҳар турли ғалати воқеаларни кўрганман, аммо бунақасини умримда кўрганим йўқ: халқ ўз қиролидан худди вабодан қочгандек қочади-я! Қараб турсам — тоғдаги ўрмондан бир тўда отлиқ тушиб келяпти, камида — юзта овчи, елкасида — мугиз сурнай, олдиларида — бир гала тозн... Тошкўприкдан ўтиб от қўйиб тўғри шаҳарга кириб келдилар. Майдон кимсасиз, одамлар аллақачон ин-инига уриб кетди. Олдинда, қора арғумоқда — чамамда ўн етти яшар йигитча, оёгида узун қўнжли солдатча этик, эгнида — фақат кўйлак, холос. Жиловни қўйвориб, ўқдай учиб келди: қирол Карл Ўн иккинчи... Гўё шер боласи... Кетида овчилар, қийқиришиб, ҳуштак чалишиб, бозор ичидан бало-қазодай ўтиб кетдилар. Яхшики, бирон кор-ҳол рўй бермади, отларига бостириб кетишлари ҳам мумкин...

Мен ҳар бир нарсани билишга ишқибоз бўлганим учун бир танишимга ялиниб қўймаганимдан сўнг у мени Арабистон пардоз молларини сотиб юрган савдогар сифатида, эрталаб қасрга олиб кирди. Ҳали вақт эрта бўлса ҳам саройда кайф-сафо авжида,— қирол вақтчоғлик қилаётган экан. Емакхонанинг деворларига — одам бўйи жойгача қон сачраган, полдаги қон жилға бўлиб оқмоқда. Ҳамма ёқда думалаб ётган одамлар, уй ичи сасиб кетган. Қирол ва ҳозирча оёқда турган чала маст одамлар қўй ва бузоқларнинг калласини олмоқда: ўн кролдан гаров ўйнаб, қилич билан бир зарбда жониворларнинг калласини танидан жудо қилмоқда эдилар. Мен қиролнинг қиличбозлигига қойил қолдим: отбоқарлар бузоқни (кетидан итаришиб) унга рўпара қилишарди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қирол югуриб келарди-да, қилични бир айлантиришдаёқ бузоқ бошини шартта кесиб ташларди ва этигига қон сачратмаслик учун лип этиб ўзини четга оларди.

Мен одоб билан таъзим қилдим, қирол қилични столга улоқтирди-да, қонга беланган қўлини ўптиргани менга узатди. Савдогарлигимни эшитгач: «Жуда вақтида келдинг, менга беш юз голланд гульдени қарз бериб туролмайсанми?»— деб сўради. Сўнгра мени стол ёнига ўтқизишиб, мажбуран ичиришди. Мулозимлардан биттаси қулоғимга шивирлаб огоҳлантирди: «Қиролнинг райини қайтарманг, у уч кундан бери маст. Кеча бообрў ажнабий савдогарни шу ерда қип-яланғоч қилиб, аъзойи баданига асал чаплашди-да, парга ётқизиб думалатишди...» Мен шармандаи шармисор бўлишдан қўрқиб, ёнимда бўлмаса ҳамки, беш юз гульден беришга ваъда қилдим-да, то кечгача ўзимни мастликка солиб, стол ёнида қимирламай ўтирдим. Думалаб қолган амалдорлар бирданига уйғониб, яна овқатга, ичкиликка ёпишар, бақириб қўшиқ айтишар, лаганларни овқат-повқати билан хизматкорлар бошига ағдаришарди-да, яна чўзилиб уйқуга кетишарди.

Кечаси қирол дераза ойналарини синдириш, ухлаб ётган шаҳар халқини безовта қилиш учун бир гала лаганбардорлари билан саройдан чиқди. Мен қоронғиликдан фойдаланиб, урра жўнаб қолдим. Бутун шаҳар қиролнинг дастидан нола қилмоқда. Мен учта черковда бўлдим, пасторлар меҳробдан туриб: «Ёш қиролга куни қолган мамлакатнинг ҳолига вой»,— деб халққа ваъз қилганини ўз қулоғим билан эшитдим. Шаҳар аҳли энг яхши одамларни қасрга юбориб, ёмон йўлдан қайтишни ва зарур ишлар билан шуғулланишни илтимос қилмоқда. Бироқ бу одамларни калтаклаб ҳайдамоқдалар. Марҳум қиролнинг дастидан хонавайрон бўлган эрллар ва баронлар умуман қирол хонадонини жон-жаҳди билан ёмон кўришади. Сенатдагилар ҳозирча қиролга суянишади, аммо пул масаласида уни жуда сиқиб қўйишган. У бўлса, парвойи фалак, қип-қизил тентак!

Яқинда у сенатга келиб беҳужжат, ҳисоб-китобсиз сарф қилишга икки юз минг крон талаб қилади. Сенат унинг талабини рад этади. Қирол ғазабига чидолмай, жиннилиги қўзиб, қўлидаги таёқчани синдириб: «Менга қарши чиққан одамни мана шундай қиламан»,— дейди. Эртасига овчилар билан бирга сенат залига бостириб

www.ziyouz.com kutubxonasi

киради. Овчилар қопни очиб олтита қуённи қўйиб юборишади-да, тозиларни олқишлаб қийқиришади... (Пётр бошини чалқанчасига ташлаб, хандон отиб кула бошлади.) Сенаторлар қочиб дераза токчаларига чиқишади, итлар талаб кийимларини дабдала қилади... Унинг бўлган-тургани шу, ўтакетган тўполончи қирол... Ҳақиқатан шер боласи, лекин шердан ҳам даҳшатлироқ.

Генерал Карлович қайтарма енгдан шойи дастрўмолини олиб юз-кўзларини, парик остидан бўйнини артди. Пётр эса столга тирсагини тираб ҳамон кулярди. Анна Ивановна жиркангансимон лабини бурштириб, томдан тараша тушгандай, тўсатдан:

— Бе, шу ҳам қирол бўпти-ю, унақа қиролни ёлғиз Преображенск полкимиз биланоқ дабдала қилиш мумкин,— деди.

Ҳамма бурилиб унга қаради. Кенигсек дастрўмоли билан оғзини ёпди.

— Бу ишга ақлинг етмайди. Аннушка, аралашмаганинг маъқул,— деди Пётр оҳистагина.— Яхшиси бориб айт, шамларни ёқишсин...

Деворга ўрнатилган ойнавор шамдонлардаги шамлар ёқилди. Биллур қадаҳларга вино қуйилди. Шамларнинг илиқ шуъласида ҳатто Паткулнинг хўмрайган чеҳраси ҳам мулойимлашди. Анхен музикали қутини келтирди, қулоғини бураб, қопқоғини очди-да, камин устига қўйди. Қутидан чиққан ингичка овоз немисча қўшиқни куйлай бошлади. Қўшиқ сўзлари эса: ноз-неъматлар ила стол безалиб, шамлар нур сочиб, мовий кўзлар кулиб турса — дунёда бундан ортиқ роҳат, хотиржамлик борми?.. Майли, дераза орқасидан шамол гувиллайверсин, парво қилма,— деб тасалли берар, гўё аллалаётгандек туюларди... Пётр қўшиққа ҳамоҳанг бошини тебратар, бошмоғи билан полни тапиллатар эди. Ўша оқшом подшо снёсат тўғрисида ортиқ оғиз очмади.

3

Ҳар якшанба куни Иван Артемич Бровкинникига, Ильинка кўчасидаги ғиштин янги уйига қизи Александра билан куёви тушки овқатга келарди. Иван Артемич хотини ўлгандан бери бўйдоқ эди. Катта ўғли Алёша солдатлар полкига одам олиш учун жўнаб кетганди. Яқинда чиққан фармонга биноан ўттиз уч полк, яъни

www.ziyouz.com kutubxonasi

уч дивизия тузилиши керак эди. Озиқ-овқат, кийим-кечак масаласи бўйича генерал-провиант раҳбарлиги остида Таъминот маҳкамаси ташкил этилсин, деган янги буйруқ чиқди. Ўз-ўзидан маълумки, агар генерал-провиант фақат маҳкама қогози билан иш қиладиган бўлса на сули, на пичан, на қоқинон ва на бошқа нарса топиб бўпти. Шу сабабдан Иван Бровкин — бирор унвони ва муайян иш жойи бўлмаса ҳам — яна асосий таъминотчи бўлиб қолди. Унинг иши тобора ривож олганидан кўпгина машҳур савдогарлар унга шерик ёки гумашта бўлиб ишлашарди.

Бошқа ўғиллари эса: Яков — Воронежда, флотда хизмат қилар, Гаврила — Голландияда, верфда кемасозликни ўрганмоқда эди. Йигирма бирга қадам қўйган кенжатой Артамон отасининг ёнида ёзиш-чизиш, ҳисобкитоб каби ишлар билан банд эди, бундан ташқари, отасига тижоратга оид китобларни ва баъзан қизиқчилик учун Пуффендорфнинг тарихини ўқиб берарди. Иван Артемич қулоқ солиб ўтираркан: «Биз бўлсак, дунёнинг бир чеккасида яшаймиз, чўчқа нимаю биз нима»,— деб хўрсиниб қўярди.

Болалари — ҳаммаси йил ошиб туғилган — жуда ақлли, бунисн эса асл тилла эди. Раҳматлик онаси болаларим деб жонини аямаганлиги, сут билан бирга бутун қонини фидо қилиб, уларга бахт тилагани кўриниб турарди. Қаҳратон қишда, бўрон қутурган тунларда тутун босган кичкина уйда, ўпирилган ўра сингари ичига тортиб кетган даҳшатли кўзлари ила чўпчироққа тикилиб, урчуқ йигириб тонг оттирарди онаизор. Жўжабирдай болалар печь устида пишиллаб ухлашар, коваклар орасида сураракlар шитирлашиб югуришар, похол том устида бўрон золим ҳаётдан фарёд чекиб увиллар эди. Ўшанда шўрлик она: «Катталар-ку майли-я, бу нарасида, бегуноҳ болалар нега азоб чекади?» — ўзига савол берарди. Шундай қилиб, бахт нималигини билмай оламдан ўтди бахти қаро она. Хотини тириклигида Иван Артемич уни сийлаб-сийпашга ҳам қўли тегмасди, мана энди қариган чоғида доим уни эслар эди. Жон бераётганда: «Зинҳор-зинҳор болаларим ўгай онага қарам бўлмасин, йўқса — у дунёда ёқангдан ушлайман»,— деганди хотин. Шундай қилиб, бошқа уйланмади...

Бровкиннинг уйи ажнабийларга тақлид қилиб қурилган ва жиҳозланганди: бу уйда одатдаги уч хонадан

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқа тўртинчи хона — меҳмонхона ҳам бор эди. Илгари ҳамма уйларда — девор тагига қўйилган скамейкаларда меҳмонлар зерикиб, оғзини енги билан тўсиб эснаб ўтирган бўлса, ҳозир Бровкиннинг меҳмонлари хона ўртасига қўйилган ва духоба чойшаб ёпилган стол атрофидаги голландча курсиларда то овқатга таклиф этилгунча чақчақлашиб ўтирарди. Меҳмонлар зерикмасин учун стол устига ҳар хил расмлар, ўн икки ой кунлари таърифланган календарь, музика қутиси, шахмат тахтаси, трубка ва тамаки териб қўйилган эди. Девор бўйлаб — дворянлар уйидаги сингари ҳар бало солинган сандиғу қутилар эмас, жавон ёки каттакон шкафлар турарди, меҳмон келганда эса, ичидаги қимматбаҳо чинни идишлар кўриниб турсин, деб жўрттага очиб қўйишарди.

Булар ҳаммаси Александранинг талабига биноан сотиб олинган. У отасини яхши кийинишга, тез-тез соқол олиш ва паригини вақтида янгилаб туришга ўргатади. Иван Артемич бу хил ишларда қизнинг гапига қулоқ осиш лозимлигини балодай тушунади. Аммо спрасини айтганда, ёлғизликдан зерикади, холос. Подшо билан қўл бериб кўришадиган бўлиб олгандан кейин улфатлари ундан нарироқ юришади, илгаригидек гердайиб олиб димоғдорлик билан гап сотай деса — ёнида ҳеч ким йўқ... Баъзан Варваркадаги қовоқхонага боргиси, савдогарлар билан чақчақлашиб тилининг чиғилини ёзгиси келади. Бироқ оёғи тортмайди, негаки, қовоқхона унга муносиб жой эмас. Хуллас, зерикишга мажбур.

Иван Артемич дераза ёнида турибди, кўчага тикилади. Ана, Свешниковнинг гумаштаси зинғиллаб кетяпти. Бу хумпарнинг жудаям мияси бутун-да! Кечикдинг, яхши йигит, сен бораётган жойга биз эрта саҳардаёқ бориб, ишни битириб келганмиз... Ана, Ревякин келяпти, оёғида яп-янги пийма, юзини деразадан тескари ўгириб олди, занғар. Албатта суд идорасидан келяпти, бошқа қаерга борарди... Бровкин билан судлашиб бўпсан...

Кечқурун Иван Артемич, қизи уйда йўқ кунларда паригини ва духобадан тикилган испанча кафтанини ечарди-да, пастга — ошхонага тушиб, гумашталар ва хизматкорлар билан бирга овқатланарди. Карам шўрвадан ҳўплаб-ҳўплаб, ҳазил-мутойиба гап сўқар эди. Айниқса у, қишлоқда энг қашшоқ бўлган Ивашкани унутмаган, қадимги ҳамқишлоқлари келганда суюниб, тери-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сига сиғмай кетарди. Бечора қишлоқи ошхонага кириб, Иван Артемични кўриши билан жон-пони чиқиб, нима қилишини билмай: оёғига йиқилиш керакми ё таъзим қилиб қўя қолиш, деган ваҳимали хаёлдан қаққайганича қотиб қолади. Албатта, бирпасдан кейин секин-аста тили калимага келиб, узоқдан гап айлантириб, мақсадга ўтади...

— Оббо Иван Артемич-ей, овозингдан танидим, йўқса, ўлай агар, таниёлмасдим. Қишлоқда мужиклар майдончага тўпланиб олиб фақат сени гапиришади, холос, бири қўйиб, бири олади — гап тўхтамайди. Ўша кезларда сен ёлғиз от билан қарздан бўлак ҳеч вақоси йўқ қашшоқ бўлсанг ҳам бургут эдинг, бургут!..

— Фақат уч сўм дастмоя билан иш бошладим, уч сўм билан. Шундай, Константин.

Қишлоқи эса, кўзларига жиддий тус бериб, бошини соллантиради нуқул:

— Демак, бўладиган одамни парвардигор бошқача қилиб яратар экан. Ҳа...— Сўнгра кулимсираб, мулойимлик билан:— Иван Артемич, мени Константин Шутовга ўхшатяпсан, мен Константин эмасман. Унинг уйи рўпарангда, меники чапроқда, шундоққина ёнгинангда. Эски уй бор-ку, эсингдами?

— Эсимда йўқ, унутибман, унутибман.

Мужик кўзига ёш олиб, овози бутунлай ўзгариб:

— Эскириб тамом бўлди, қулаб тушмаса гўргайди,— деди йиғламсираб.— У куни оғилхона чўкиб, бузоғимни босиб қолди. Нима қилишимни билмай бошим қотяпти...

Иван Артемич нима қилиш кераклигини билади: «Гумаштага айт, кузгача қарзингни қистамай тура турсин»,— демоқчи бўлса ҳам ҳозирча индамайди; то уйқуси келгунча қишлоқдаги қўни-қўшниларининг ҳол-аҳволини: ким қандай яшаётганини, ким ўлган, ким қолган, кимнинг қанча невараси борлигини суриштиради... «Мени кутинглар, яқинда хотин олмоқчиман, баҳорда қишлоққа бориб унашиб қўймоқчиман»,— деб ҳазиллашади.

Ҳамқишлоқ ошхонада тунаб қолади. Иван Артемич юқорига чиқиб иссиққина ётоққа киради. Остона ёнида, намат устида боядан бери ухлаб ётган ливреяли икки қарол ирғиб туриб уни ечинтиради. Пак-пакана, биққасемиз Бровкин шамчироқ ёниб турган иконалар олдида чўқиниб, сажда қилиб бўлгач, қорнини қашлай-қашлай, қўнжи кесиб ташланган пиймани оёғига илади-ю, совуқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳожатхонага боради. Шундай қилиб, кун тугайди. Иван Артемич ҳар сафар момиқ тўшакка кириб олгандан сўнг чуқур нафас олиб: «Кун тугади»,— деб қўярди. Шу хилда кунлар тугайвериб тобора оз қолмоқда эди. Аттанг-аттанг, қани энди ўлмасдан яшайверсанг, яшайверсанг... Чол болаларини, битмаган ишларини ўйлар, аммо уйқу ғалаба қилиб фикрларини чалкаштирарди.

Бугун тушки ибодатдан сўнг мўътабар меҳмонлар келмоқчи эди, Иван Артемич шуларни кутиб ўтирарди. Олдин Санька эри билан келди. Василий Волков қайнатасига таъзим қилмади, фақат бетидан ўпиб, ғамгин ҳолда стол ёнига бориб ўтирди. Санька эса, отасининг юзига лабини теккизган бўлди-да, дарҳол ўзини ойнага солиб, кифтларини ўйнатиб, серҳашам этакларини айлантириб, янги кўйлагини томоша қилишга тутинди.

— Отажон, сизга гапим бор... Жудаям жиддий масала хусусида.— Яланғоч қўлини кўтариб, пудра сепилган сочига қадалган шойи гулларни тўғрилади. (Мовий, хумор кўзларини ойнадан узмас, кичкина оғзини юмиб олганди.)— Жудаям муҳим гап,— деди-да, ўтириб олиб, буклама пат елпиғич билан елпина бошлади.

Волков қовоғини солиб гап қотди:

— Қизингизга бир бало бўлди: Париж, Париж, дейди холос... Парижда уни икки кўзлаб кутишаётгандай... Билла ётиш ҳам чиппакка чиқди.

Голландча печь ёнида ўтирган Иван Артемич мийиғида кулиб:

— Ай-ай-ай... Таълим бериш керак,— деди.

— Таълим бериш-а: бутун уйни бошига кўтарар... Оғиз очгани қўймайди, сал нарсага: «Пётр Алексеевичга арз қиламан», деб қўрқитади. Уни Европага опкетгим йўқ — ақлдан озади...

Санька ойнадан узоқлашди-да, кўзини сузиб, жинжилоғини кўтариб деди:

— Опкетасан. Пётр Алексеевич менга, сен ҳам борасан, деган... Сен жоҳилсан!

— Эшитдингизми, ота? Бунга нима дейсиз?

— Ай-ай-ай...

— Айтгандай, отажон,— деди-да, Санька этакларини йиғиб, унинг ёнига ўтирди.— Кеча мен Буйносовнинг кенжатой қизи Наталья билан гаплашдим. Қизмисан — қиз, бироқ куйиб-пишиб ўтирипти. Буйносовлар ҳали каттасини узатгани йўқ, бунга навбат қайда? На-

www.ziyouz.com kutubxonasi

таша бирам гўзал, шундай етилиптики!.. Сарой мулозамат қоидасини, ўзини қандай тутиш, ким билан қандай саломлашишни мендан ҳам яхши билади...

— Хўш, князь Роман нима учун қизларини тинчитмайди ё ноши кетига кетиб мазаси қочганмикин?— деб сўради Иван Артемич бурнини қашлаб.— Ҳа, шунинг учун бўлса керак, ҳар гапда сурп заводимни тилга олади...

— Ҳа, аҳволи оғир эмиш. Князь ойим Авдотья менга ҳасрат қилди. Князь бўлса, жуда хафа, қовоғи осилиб кетган.

— Ақли ётмаса ҳам ҳарбий пудряд ишига суқилиб, қайтага бошига бало орттирди: бизнинг азаматлар роса боплади уни,— деди Иван Артемич.

— Лекин у машҳур князлар авлодидан, отажон, Буйносовлар ҳазилакам одам эмас!.. Шундай князнинг қизини келин қилсак, обрўйимиз янада ошади. Агар сеп масаласида оёғимизни тираб олмасак, нега бермасин, албатта беради. Мен кенжатойимиз Артамонни уйлантириш хусусида гапиряпман. (Иван Артемич бўйнини қашимоқчи бўлди-ю, бироқ парики халал берди.) Энг муҳими шуки, Парижга жўнагунимча, қандай бўлмасин, Артамонга Натальяни унаштириб қўйиш керак. Қиз жудаям эзилиб кетди. Мен бу ҳақда Пётр Алексеевичга гапирдим.

— Гапирдингми?— Иван Артемич дарҳол бурун қашлашни йиғиштирди.— Хўш, у нима деди?

— Жуда соз, деди. Куни кеча Меньшиковникида мен у билан рақс тушдим. Мўйлови билан бетимни қитиқлаб: «Тезроқ тўйни бошланглар»,— деди.

— Нега энди тезроқ?— Иван Артемич ўрнидан туриб, қизига қаттиқ тикилди. (Санька бир қарич новчароқ эди.)

— Билмадим... уруш бўлади шекилли... Ўзидан сўрашга вақт ҳам бўлмади... Ҳамманинг оғзида шу гап: уруш бошланади дейишади, холос.

— Кимга қарши?

Санька «қайдам» дегандай лабини буриб қўйди. Иван Артемич калтабақай қўлларини орқасига қилиб оппоқ пойпоқда қизил пошнали учи тўмтоқ бошмоғини тапиллатиб, хонада лапанглаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Зина олдида шалдир-шулдир қилиб карета тўхтади. Меҳмонлар олдинма-кетин кела бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иван Артемич шойи камзулдан қорнини дўппайтириб, ҳар бир меҳмонни мавқеига кўра ё юқорида, эшик олдида кутиб олар ё эса пастга тушиб, пешайвон зинаси олдида унга пешвоз чиқарди. Каретадан тушган князь Роман Буйносовга (малайлари каретанинг ортки пиллапоясида эди) зинанинг қоқ ўртасида рўпара бўлди-да, очиқ юз билан қўл бериб кўришди. Князнинг кетидан қизлари Антонида, Ольга ва Наталья этакларини авайлаб, чўян пиллапоядан йўрғалаб чиқишди. Иван Артемич Натальяга бошдан-оёқ разм солиб, кетидан тикилиб: тўғри, роса етилипти, деб қўйди ичида.

Қизлар чуғурлашиб меҳмонхона ўртасидаги стол атрофига ўтиришди. Саньканинг яланғоч билагидан тортқилаб, алланималар тўғрисида бидирлаб гапира бошладилар. Ҳурматли меҳмонлар — президент Митрофан Шорин, Свешников, Момонов — қизларнинг туфлиларини бехосдан босиб олмаслик учун печь ёнига бориб ўтирдилар ва хўмрайиб олиб ер остидан уларга тикила бошладилар: «Ҳаммаси Европага тақлид қилади, подшонинг хоҳиши шу бўлгандан кейин илож нима... Қизларни эргаштириб юришдан яхшилик чиқмайди...»

Санька кечагина Гамбургдан олинган суратларни — талантли голланд рассомлари ишлаган гравюраларнинг босма нусхаларини қизларга кўрсатмоқда эди. Қизлар оғиз-бурунларини дастрўмол билан яшириб, юнон худоларининг қип-яланғоч расмларини томоша қилишар ва: «Бу ким? Анови нима? Бу хотин нима қиляпти?»— деб устма-уст савол беришарди.

Санька ғижиниб тушунтирар эди:

— Бу сигир оёқли одам — сатир... Сиз бекорга лабингизни буриб тескари қараяпсиз, Ольга: ана, анжир барги бор унда, рассомлар доим шундай чизади. Мана бу қизни Купидон[1] тир билан қалбини яралаган... Шўрлик қиз ниҳоятда бахтсиз, олам кўзига қоронғилашиб, йиғлаяпти... Жонажон дўсти уни ошиқи шайдо қилиб, энди ташлаб кетяпти, анави елканли кемага қаранг... Бу расмнинг номи: «Бахтсиз Ариадна...» Буларнинг ҳаммасини ёд билишларинг керак. Кавалерлар кўпинча юнон худолари ҳақида савол беришади. Бу йил бултургидақа эмас — ҳамма нарса ўзгарган... Бу аҳвол-

[1] Кичкина бола шаклида муҳаббат худоси. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

да, ажнабийлар билан рақс тушаман деб ovораям бўлиб юрманг...

— Ёд олардигу, китоб йўқ-да... Дадамиз бунақа нарсага бир тийин бериб бўпти,— деди Антонида. Бир оз чўтирроқ Ольга эса, азбаройи изза бўлганидан, енгига тутилган кружевани тишлади. Санька бирдан Натальяни қучоқлаб, қулоғига бир нима деб шивирлади. Ширмой юзли, новвот ранг сочли Наталья қип-қизариб кетди...

Артамошка меҳмонхонага вазминлик билан, одоб сақлаб кирди: эгнида немисча жигар ранг либос, озғин, Санькага ўхшайди, лекин қошлари қорароқ, кўзлари кўкиш, мўйлови энди сабза урган.

Санька, укамга қарасанг-чи, дегандай Натальяни чимчилаб қўйди. У эса хижолат чекиб бошини қуйи солди.

Артамон ҳурматли меҳмонларга бел букиб таъзим қилди-да, опаси ёнига борди. Санька бир лаҳза ўтириниқираб, лабини қимтиб, бидирлаб:

— Кенжатой иним Артамоша билан танишинглар,— деди.

Қизлар пудраланган парикларини сал-пал қимирлатиб қўйишди. Артамон қоида бўйича бир қадам чекинди-да, оёқларини тапиллатиб, қўлларини икки ёққа ёйиб юборди. Санька қизлар номини бирма-бир айтиб таништирди: «Княззода Антонида, княззода Ольга, княззода Наталья». Ҳар бири ўз навбатида ўрнидан қўзғалиб яна ўтирди, Артамон ҳам ҳар бирига жавобан уч марта қўлларини ёйди. Сўнгра оҳиста стол ёнига ўтириб, қўлларини икки тиззаси билан маҳкам қисиб олди. Ёноқлари чўғдай ёна бошлади. Кўзларини мўлтиратиб опасига қаради. Санька эса қошларини чимириб, ғазаб билан хўмрайиб қўйди. Артамон дудуқланиб:

— Тез-тез рақс тушиб турасизми?— сўради Натальядан. Унга жавобан қиз алланима деб пичирлади.

Ольга дадил жавоб берди:

— Наришкинникида уч кунгача танца тушдик, уч марта кўйлак алмаштирдик. Шу қадар дим, бирам иссиқ эдики, терлаб-пишиб кетдик. Сиз нега ҳеч ерда кўринмайсиз?

— Ёшман ҳали...

— Дадам юбормайди, шўхликка ўрганади, деб қўрқади,— деди Санька.— Олдин уйлансин, кейин қаерга

www.ziyouz.com kutubxonasi

борса, ихтиёри... Шундай бўлса ҳам танцага жуда уста... Уятчанлигига парво қилманг... Французча гапирганини эшитсангиз, оғзингиз очилиб қолади.

Ҳурматли меҳмонлар ёшлар суҳбатига қизиқиб дамбадам шу томонга кўз ташлашар ва ичларида: «Эҳ, боласи тушмагурлар!»— деб хўрсиниб қўйишарди. Митрофан Шорин Бровкиндан сўради:

— Ўғлингни қаерда ўқитдинг?

— Муаллим ёлладим, уйга келиб ўқитади, Митрофан Ильич. Ўқитмасанг бўлмайди, чунки эл кўзига яқинмиз: зотимизни ҳурмат қилишмаса, отимизни ҳурмат қилишар...

— Тўғри, тўғри... Қачонгача ковакда биқиниб ётиш мумкин? Юзага чиқиш ҳам керак...

— Подшо ҳам хафа бўляпти: қоп-қоп пул топасану, биратўла юзага чиқиш ўрнига писмиқлик қиласан, дейди.

— Тўғри айтади: бу йўлда қанча сарф қилсанг зое кетмайди.

— Ёлғиз мана шу Санькага қанчаям пулим кетди. Қетмай илож йўқ: ҳамманинг кўзи шунда...

— Ажойиб хотин, хотин эмас — олов! Ҳар ҳолда ҳушёр бўлганинг маъқул, Иван Артемич, йўқса...

Бровкин бир дам ўйланиб қолди-да, хомушлик билан:

— Албатта, уни қамчи билан савалаб юқори хонага қамаш, қўлига урчуқ бериб, қимирламай ўтқазиб қўйиш мумкин. Лекин бундан нима фойда? Ёки эрининг кўнгли тинчийдими? Бе... Ўзим ҳам тушунаман: бу юришида гуноҳга ботиши мумкин. Тавба дейиш керак, тавба... Кўзи ёмон, ҳамма бало кўзида. Замона ўзгарди, Митрофан Ильич, қадимги замон эмас... Эшитдингми, Англияда нима гап? Мальбрукнинг хотини бутун Европага бошчилик қиляпти. Демак, қамчи билан иш битмайди, қайтага аҳмоқдан аҳмоққа олиб шармандангни чиқаради...

Қошлари қалин, қовоғи солиқ Алексей Свешников,— венгерча кенг кафтан кийган, жингалак сочларига оқ оралаган бу норғул савдогар,— қўлини орқасига олиб, бошмалдоқларини айлантириб, президент билан Бровкиннинг бачкана суҳбати тамом бўлишини сабрсизлик билан кутар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Митрофан Ильич,— деди у ғўнғиллаб,— яна ўша гапни такрорлашга мажбурман: қандай бўлмасин, анави масалани тезроқ ҳал қилиб олишимиз лозим. Эшитишимча, бошқалар биздан олдинроқ қўл чўзиб ҳаракат қилаётган эмиш. Анграйиб қолавермайлик тағин.

Президентнинг яхшилаб ювилган қирра бурунли айёрона юзи ширин табассумдан жилмайди.

— Бу масала хусусида олийҳиммат Иван Артемичнинг фикрини билиш керак, Алексей Иванович: у нима деса, шу-да...

Бровкин ҳам бармоқларини тез-тез айлантира бошлади, калта оёқларини кериб икки бургутни — Шорин ва Свешниковни оёғидан то бошигача қараб чиқди... Бир гап борлигини дарҳол фаҳмлади: шошиляпти лаънатилар, демак, аллақандай муҳим янгиликни билиб олишган. (Кеча у кун бўйи ғалла омборида бўлгани учун каттаконлардан биронтаси кўрмаганди.) Иван Артемич гўё ҳамма гапдан хабардор одамдек жўрттага ўзини сиполикка олиб ўйлай бошлади: нима гап бўлсайкин? Сўнгра қўлини орқадан олиб бурнини қашлади.

— Ҳа, шундай гап бор,— деди,— энди сурпнинг нархи ошади... Маслаҳатлашиб кўришимиз мумкин.

Свешников лўлиники сингари кўзларини ўйнатиб сўради:

— Демак, сен ҳам, Иван Артемич, кечаги гапни эшитибсан-да, а?

— Ҳа, унча-мунча эшитдик... Бизнинг вазифамиз — эшитишу ичимизга ютиб кетавериш...— Иван Артемич бутун дастпанжаси билан юзининг ярмини чангаллаганича ўйланиб қолди: «Оббо шайтонлар-ей! Нимани эшитишган экан?»

Бошқа меҳмонларга ер остидан қарана-қарана, печь ёнига борди, Свешников билан Шорин унга эргашди. Учови зич туриб олишди-да, дилларидагини очмасдан асосий мақсад атрофида гап айлантиришди:

— Иван Артемич, бутун Москвада ҳозир шу гап.

— Ҳа, шунақа...

— Ким билан? Наҳоткн Шведлар билан, а?

— Бу подшонинг иши...

— Ҳар ҳолда... Қачон бошланаркин? (Свешников патак соқоли орасига беш панжасини тиқди.) Заводни қуриб олсак, чакки бўлмасди-да: ҳозир айни пайти. Биз чиқарган мовутнинг подшо учун энг қадрли томони Гам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бург мовутидан арзонлигида эмас, ўз юртимизда ўз кучимиз билан тайёрлаб беришимизда. Чегара ёпилиб чет элдан мовут келмай қолиши мумкин, ўшанда ўз мовутимиз асқотади... Бу шунақа иш, олтиннинг кони... Одамлар питирлашиб қолгани бежиз эмас, анави Мартисен бўлса...

«Э-э-э, гап бу ёқда экан».— Ниҳоят Иван Артемич тушунди-да, мийиғида кулиб қўйди.

У куни шу ажнабий киши — Мартисен, Шафиров деган таржимон билан Бровкинникига келиб, мовут заводи қуриб беришни таклиф қилган эди. Бунга кетадиган пулнинг бир қисмини подшо, бир қисмини Бровкин бериши кераклиги, ўзи эса, умумий фойданинг учдан бирини олиш шарти билан Англиядан тўқув станоклари, энг яхши мастерлар обкелиб бу ишга шерик бўлиши ва заводни ўзи бошқариши ҳақида гапирганди. Свешников билан Шорин ҳам кўпдан бери Бровкинга: мовут заводини бирга қурайлик, бизни ҳам шерик қилинг, деб ялинишарди. Лекин ҳозирча фақат гап сўқишар, гаплари сира тугамасди. Кеча қандайдир бир иш бўлган, афтидан, Мартисен подшо ҳузурига борган — бу аниқ.

— Шундай улкан ишни ажнабийлар қўлига топшириб, индамай юраверамизми?— деди Свешников кўзини чақнатиб.

Президент Шорин хўрсиниб қўйди, кўзларини қисиб деди:

— Йўқ, ҳар ҳолда биз, нима десанг — тайёрмиз, бор пулимизни берамиз...

— Эртага эрталаб гаплашамиз,— деди-да, Иван Артемич эшик томон югурди. Меҳмонхонага паканагина бир одам тўғри кириб келди, уни ҳеч ким кутиб олмади ҳам: эгнида қаро мовут камзул, ботинкаси чангга беланган, соқол-мўйлови қирилган, юзи қип-қизил, қирғий бурун, қаншари ниҳоятда кенг. У саросималанган ҳолда қоп-қора кўзларини меҳмонлар юзига югуртириб чиқди. Ниҳоят, Иван Артемични кўрди, калтабақай қўлларини ғалати тарзда узатиб тиржайди-да:

— Муҳтарам Иоанн Артемьеч!— деди ҳар бир ҳарфни чўзиб, ҳар бир сўзни оҳангга солиб ва тўсатдан соҳиби хонани қучоқлаб, у бетидан ҳам, бу бетидан ҳам уч мартадан,— гўё пасха байрамида ўпишгандек,— ўпиб-ўпиб олди тентак... Сўнгра чўғдек қип-қизил паригини ёнга силтаб оҳиста шивирлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳозирча Мартисенни кўндиролмадим. Александр Данилович ҳозир етиб келади.

— Келганингдан хурсандман, Пётр Павлович, хурсандман, марҳамат қилсинлар...

Бу одам яҳудий, Элчилар маҳкамасининг таржимони — Шафиров эди. Илгари подшо билан чет элга борган, лекин шу йил кузга довур панада қолиб кетган, ҳеч ким уни назарига илмасди. Ҳозир эса Швеция элчихонасида ишлар ва ҳар кун Пётр билан кўришиб турарди, шунинг учун ҳам энди ҳамманинг кўзи ўшанда эди.

— Эртага сиз, Иоанн Артемьевич, Кремль саройига марҳамат қилғайсиз... Подшо, Бурмистрлар палатасидан ўн киши келсин, деб буюрди. Шведлардан ишонч ёрлиғи қабул қилинмоқчи...

— Бир қарорга келишдими?

— Йўқ, Иоанн Артемьеч, подшо шведлар қиролига ваъда бермоқчи ҳам эмас, инжил ўпиб онт ичмоқчи ҳам эмас...

Бровкин гапга қулоқ соларкан, эркин нафас олдида, киндигини нари-бери чўқинтириб қўйди.

— Демак, миш-мишлар рост чиқди, шундайми, Пётр Павлович?

— Шошилмасак — кўрамиз ҳали, Иоанн Артемьевич, шундай улуғ ишлар, шундай улуғ ишлар бўладики...— деб туриб, бирдан бурилдию Буйносовнинг қизларини қўлидан ўпа кетди: учовининг бармоқлари ҳам, тирноқлари ҳам ажнабийча парвариш қилинган.

Князь Роман Борисович, қовоғидан қор ёғиб, девор тагидаги стулда ўтирар ва дам-бадам қизларига ер остидан қараб қўяр, бунақа уйларга сира қадам босмаслик керак, деб ичида пушаймон ерди. «Қақилдоқлар, эси паст тентаклар! Ким оларкин буларни? Бу қандай даҳшатли замон, парвардигор, кети нима бўлади? Ҳаммасига пул керак, пул! Шамол совургандай совурилавериб ҳамёнда ҳемири қолмади... Эрталабдан турволиб: қайси йўл билан учини учига тўғрилаш, қандай қилиб яшаш ҳақида ўйлайверасан-ўйлайверасан, бошинг оғриб, миянг ғовлаб кетади. Қишлоқлардан келадиган даромад келиб бўлди: кўзга илинган нарса борки, ҳаммаси шипириб олинди. Шундай бўлсаям етмайди-я! Сабаби нима? Илгари етарди-ку... Ҳа, илгари дераза тагида ўтирардинг яйраб, истасанг — олма ердинг маза қилиб, истасанг — қўнғироқ садоларига қулоқ солардинг... Ана роҳат,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ана ҳузур-ҳаловат!. Энди-чи? Ҳозир одамларга бир бало бўлди: инига ўт кетган чумолилар сингари зир югуришади, холос. Дарди — пул. Аллақандай заводлар, ширкатлар хусусида гапиришади. Тушуниб бўлмайди...»

Князь Буйносовнинг ёнида ўтирган мўйсафид киши — савдо растасидаги бадавлат дўкондорлардан бири ҳисобланган Евстрат Момонов минғирлаб гапирар, ҳасратидан чанг чиқарди:

— Ундай эмас, князь Роман Борисович, биз масалан, кўпасчасига бундай фикр юритамиз: сиқиб қўйишди, яшашнинг иложи қолмади, ажнабийлар бизни истаган кўйига соляпти, деймиз... Ажнабийлар анойи эмас, ўла қолсаям молингни дарҳол ола қолмайди, олдин почта орқали хат жўнатади, хаги ўн саккиз кунда Гамбургга боради, ўн саккиз кундан кейин: биржада фалон молнинг нархи мунча, деган жавоб келади... Бизнинг аҳмоқлар эса, бир нархни маҳкам ушлайди-ю, бир йилдан сўнг ҳам, икки йилдан сўнг ҳам оёғини тираб «йўқ», деб турволади, билмайдики, бу нарх аллақачон оёқдан қолган. Ажнабийлар аллақачоқ бизнинг томондан эшик очиб олишди, биз бўлсак — ўрада биқиниб ётганимиз-ётган. Йўқ, отахон, уруш бўлиши турган гап, лоақал биронта шаҳарчани, масалан, отамерос мулкимиз — қадимги Нарвани қайтариб олиш керак...

Роман Борисович уни жеркиб ташлади:

— Пулларинг кўплигидан шишиб кетяпсизу, тўйдим демайсиз, сиз савдогарлар учун қанча бўлсаям оз, кўзларинг оч. Урушмиш! Бе! Уруш бўладими, йўқми, бу — давлатнинг иши. Сиз, зоти паст баққоллар, орага суқулмасангиз ҳам ўзлик-ўзи ҳал қилади...

— Ҳақ гапни айтдингиз, отахон, ҳақ гап,— деб дарҳол рози бўла қолди Момонов,— ақлимиз калталигидан шундай деймиз, отахон...

Роман Борисович сарғиш томир босиб кетган кўзининг оқини ғилайлатиб, чолга ўқрайиб тикилди: оббо муғомбир-ей: эгнингда оддий кийим, афт-башаранг ҳам содда-мулойим, ертўлага кўмган кўза-кўза тилаларинг бор-ку,— аҳволингни қара...

— Нечта ўғлинг бор?

— Олтита, князь Роман Борисович, олтита, отахон.

— Уйлантирганинг йўқми?

— Уйланган, отахон, ҳаммаси уйланган.

Дераза ортида, ёғоч ғўла ётқизилган кўчадан шалдир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

раб-қалдираб келиб, карета тўхтади. Иван Артемич зинғиллаганича зинадан тушиб кетди, баъзи меҳмонлар дераза томон югурди. Гаплар тўхтади. Чўян пиллапояда шпоралар жингирлагани аниқ эшитилди. Хўжайиндан олдин Псков губернатори, генерал-майор Александр Меньшиков кўринди: эгнидаги кафтаннинг қайтарма енги шу қадар қип-қизилки, гўё тирсагигача қонга бўялгандек. Остонадан туриб меҳмонларга кўкимтир-совуқ кўзлари билан, давлат арбобига хос жиддият билан назар ташлади-да, шляпасини бошидан олиб, қўлларини қулочкашига ёйиб, княззода қизларга таъзим қилди. Сўнгра, чиройли чап қошини кўтаринқираб, билинар-билинмас кулимсираб Санъканинг ёнига борди-да, пешонасидан ўпди, жажжи бармоқларини оҳиста силкиди ва ниҳоят орқага ўгирилиб меҳмонларга таъзим ўрнига бошини қимирлатиб қўя қолди.

Емакхона эшиги ланг очилди. Александр Даниловнч Бровкиннинг кифтига қоқиб қулоғига пичирлади:

— Свешников билан Шоринни аралаштирма, йўқса ҳамма иш расво бўлади... Мартисенга ҳеч нарса бермаймиз. Ўзимиз, ўзимиз ҳамма ишни қўлга оламиз... Шафиров билан гаплашиб кўр.

4

Икки жуфтдан от қўшилган ўн тўрт каретада Швеция элчиси ҳамда вакиллари Элчилар меҳмонхонасидан Кремлга жўнади. Ильинка анҳори бўйлаб майдондан то Кремль деворигача полклар саф тортганди, учбурчак шляпа, калта кафтан, оқ пайпоқ кийган солдатлар милтиқ ушлаб, қатор-қатор тизилишиб, қимирламай туришар эди. Октябрь шамоли байроқларни, найзалар учидаги байроқчаларни ҳилпиратарди. Шведлар ҳайрон бўлиб, карета деразаларидан мўралаб, бу янги аскарларга қаттиқ тикилишарди.

Спас дарвозасидан ўтгач, уйиб қўйилган замбарак ўқларини, оғзи осмонга қараган мис тўпларни кўрдилар: ҳар бир тўп олдида — бўйи бир саржин келадиган мўйловсиз тўпчилар тўртта-тўртта бўлиб, тутаган пилик билан узун чўтка ушлаб шайланиб турарди. Қизил пешайвон олдида эса Дон зотли, олов рангли жийрон арғумоқ устида — кекса генерал Гордон. Эгнидаги қизил плашни шамол ҳилпиратар, шлёми ва совутини бурчоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

тараклатарди. Карегалар тўхташи билан генерал қўлини кўтарди, ўша он барча тўплар баравар ўқ узди, ҳамма ёқни тутун қоплаб маҳкама деразаларидан тортиб то черков гумбазлари-ю, минораларгача кўринмай қолди.

Пешайвонда шведлар дастурхон оғаларининг талабига биноан қиличларини топширишди. Семеновский полкининг солдатларидан юзтаси, қирол юборган эсдалик ва совғаларни — кумуш жомлар, қадаҳлар ва кўзаларни ушлаб пешайвон ва йўлакларга тизилиб, ёш қирол Карл Ўн иккинчининг жимжимадор ромга ўрнатилган каттакон суратини баланд кўтариб турдилар. Шведлар салобат билан битта-битта қадам қўйиб, таомлар палатасига кирдилар, эшик ёнида шляпаларини бошдан олдилар.

Тўрт девор бўйлаб қўйилган скамейкаларда боярлар, москвалик дворянлар, меҳмонлар ҳамда энг яхши савдогарлар ўтиришарди. Баъзиси оддий мовут кийимда, кўпчилиги ажнабийча либосда. Палатанинг тўрт томонида, — гумбазсимон шифтига ва деворларига паҳлавонлар, турли ҳайвону паррандалар сурати солинган тахтинишинда, балиқ тишлари билан безатилган кумуш тахтда — Пётр шляпасиз ва париксиз, кўзларини бақрайтириб, ҳайкалдай қотиб ўтирибди. Эгнида — кул ранг мовут қопланган барс мўйнали кафтан; чап ёнида — олтин жом ушлаб Лаврентий Свиньин, ўнг ёнида — икки қўллаб сочиқ узатиб Василий Волков турибди.

Шведлар яқинроқ боришди-да, тахтга чиқиладиган пиллапоя рўпарасида, гилам устида тиз чўкиб таъзим қилишди. Свиньин дарҳол жомни подшога яқин оборди. Пётр жомга қарамасдан бармоқларини сувга теккизиб қўя қолди, Волков сочиқ билан артди, шведлар бирин-кетин подшонинг ғадир-будур қўлини ўпдилар. Шундан кейин Пётр тахтдан турди — боши шоҳона чодирга етди — томоғини шириб, қадимдан қолган расмга амалан:

— Қирол Каролус Свейский соғ-саломатми? — деб мурожаат қилди рус тилида.

Элчи унга жавобан қўлини кўксига қўйиб, шох сингари диккайган паригини бир томонга қийшайтириб туриб, тангри марҳамати-ла қиролнинг соғ-саломатлигини ҳамда бутун Улуғ ва Қичик ва оқ Русиянинг Улуғ подшоҳининг соғлиғини сўраганини айтди. Ҳамма шведлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

сингари калта плаш, почаси бурмали шим кийган Шафиров баланд овоз билан элчининг жавобини таржима қилди. Боярлар оғизларини сал-пал очиб, ҳар бир сўз ва ҳар бир ҳарфдан гумонсираётгандек қошларини чимириб, ҳушёрлик билан тинглашарди. Пётр: «Раҳмат, соғман», деган маънода бош иргади. Элчи секретарь қўлидаги духоба ёстиқ устига қўйилган ўроғлиқ қоғозни — ишонч ёрлиғини олди-да, тиз букиб подшога тутди. Пётр ёрлиқни қабул қилди ва унга қарамасдан биринчи министр Лев Криллович Наришкинни ёрлиқ билан тургиб қўлига берди. Бошқаларга нисбатан у ниҳоятда ясаниб, дур-гавҳарларга безанган эди: оппоқ атлас либоси, дур-гавҳарлари кўзни оларди. Лев Криллович ёрлиқни очиб кўрмасдан қабул маросими тамом бўлганини эълон қилди.

Шведлар таъзим билан орқага тисарила-тисарила, эшикдан чиқдилар.

Шведлар афтидан, шу қабул маросимида асосий масала қўзғалади, деб умид қилган бўлсалар керак: асосий масала шуки,— Пётр илгари Швеция билан тузилган сулҳ шартномасига содиқлигини инжил ўпиб тасдиқлаши лозим эди. Шведлар олти ойдан бери Москвада шуни кутиб ўтиришган эди. Уларни қабул қилишди, орадан бир ҳафта ҳам ўтди, аммо Москва министрлари бу хусусда гаплашиш учун Хорижий ишлар маҳкамасига таклиф ҳам қилишмади... Шведлар бунинг сабабини сўрагач, мирзабоши Прокофий Возницин: «Шведлар билан тузилган эски шартномага содиқлигини Пётр сидқидил билан ишонтиради, аммо иккинчи марта инжил ўпмайди, негаки, илгари шу қиролнинг отасига бир марта онт ичиб инжил ўпган. Аммо ёш қирол инжилни ўпиши шарт, чунки у Пётрга онт ичгани йўқ. Подшонинг амри шу ва ўзгармай шундайлигича қолади!» — деб жавоб қилди.

Шведлар қизишиб кўп тортишдилар, лекин уларнинг сўзлари, тошга ёғган ёмғирдек, димоғи шишган москвалик амалдорларга кор қилмади. Шведлар, қиролдан рухсатсиз бундай шартга кўнолмаймиз, Стокгольмга мактуб жўнатамиз, деб кўришди.

Бунга жавобан Прокофий Возницин кўзлари билан кулиб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Стекольгача[1] йўл қанақалиги ўзларингга маълум,— деди,— тўрт ойгача жавоб келмаса, биздан ўпкаламанглар: овқатларингни ўзларинг топиб, Москвада тўрт ой бекор ўтиришга тўғри келади.

Масалани иккинчи марта, учинчи марта қўзғаб кўришди ҳамки, жавоб ўша-ўша натижа чиқмади. Маҳкама ҳатто ем-хашак беришни ҳам тўхтатиб қўйди. Шведлар оч қолмаслик учун парик, тугма, пайпоқ каби баъзи бир буюмларини сотишга тушдилар. Ниҳоят руслар шартига рози бўлдилар. Кремль саройида Пётр ўша барс мўйнали чакмонда, ўша ҳолатда тахтда ўтириб, ёрлиқни ўпмасдан озиб-тўзиб кетган элчига қайтариб берди.

Туманли ноябрь. Тонг пайти. Чарм қопланган, ҳамма ёғига лой илашган аллақандай карета Преображенский қасрининг орқа томонидаги зинапоя олдида тўхтади. Рутубатли ғира-шира қоронғида қасрнинг антиқа томлари элас-элас кўзга чалинарди. Александр Данилович сабрсизлик билан зинапояда этикларини тапиллатиб турар эди. Шу пайт бошига чакмон ёпиниб аллақайга кетаётган хизматкор қизни бирдан кўриб қолди: «Йўқол бу ердан, манжалақи!» деб бақирди. Қиз капалаги учганидан бўйнини қисиб, яланг оёқ ҳолда ҳўл хазонлар устидан чопқиллаганича кетди.

Каретадан польшалик генерал Карлович билан Лифляндия рицари Паткуль тушди.

— Худога шукур-е, келдингизми?— деди Меньшиков улар билан қўл бериб кўришиб.

Учови кимсасиз йўлакдан ўтиб, зинама-зина кўтарилиб юқорига чиқишди. Александр Данилович пастак эшикни оҳиста тақиллатди.

Эшикни Пётр очди. Жилмаймасдан, индамасдан бош эгиб салом қилди-да, меҳмонларни тутун босиб кетган ёлғиз деразали, слюда кўзларидан тузукроқ ёруғ тушмайдиган ним қоронғу ётоқхонага бошлади.

— Яхши, хурсандман,— деди Пётр дераза томон бораётиб: Дераза токчасида варақ-варақ қоғозлар, китоблар, патқаламлар сочилиб ётарди.— Данилич!..

Пётр сиёҳга беланган бармоғини сўрди.

— Данилич, ана шу мирзани ёмон ураман, оғзи-бур-

[1] Стокгольмгача демоқчи. *(Автор изоҳи.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

нини лабдала қиламан, шундай дегин унга. Қиладиган иши фақат қалам учлашу, шуни ҳам эплолмайди, кун бўйи ухлайди, хумпар... Эҳ, одамлар, одамлар! (Паткуль билан Карловичнинг ҳамон қаққайиб турганини бирдан кўриб қолди.) Данилич, меҳмонларга курси қўй, шляпаларини қўлларидан ол,—деб буюрди. Қинғир-қийшиқ ёзиб-чизиб ташланган қоғозларни бармоғи билан ниқтаб кўрсатди: — Мана аҳвол: аз, буки, ведидан[1] бошлашга тўғри келади... Москва уйларида бўйи бир саржин келадиган шунақа саводсиз нодонлар жуда кўп. Таёқ билан ҳайдамасанг, илмга бўйини ёр бермайди... Эҳ одамлар, одамлар!.. Айтгандай, жаноби Паткуль, икки инглиз олими — Фергарсон билан Гренс — жудаям машҳурми?

— Лондонга борганимда эшитган эдим,— деди Паткуль,— унчалик машҳур деб бўлмайди, иккови ҳам файласуф эмас, лекин амалиёт соҳасида, дунёвий фанларда кўпгина иш кўрсатган кишилар...

— Бизга худди шуниси керак. Нуқул илоҳиёт билан шуғулланавериб битлаб кетганимиз ҳам етар... Бизга навигация, математика, медицина керак... Қон қидириш, чўян эритиш илмини ўрганишимиз керак. Мана шулар керак бизга... (Қоғозларни олиб, яна столга ташлади.) Шунинг учун шошиляпмиз, натижада ҳамма иш чалачулпа бажариляпти, шуниси чатоқ...

Пётр оёқларини чалиштириб ўтирди. Столга тирсакларини тираб, тамаки чекди.

Тани соғ, юзлари қип-қизил генерал Карлович пишиллаб кипригини пирпиратиб подшодан кўз узмасди. Паткуль хомушлик билан оёғи тагига тикилиб олиб, бош кўтармасди. Александр Данилович секингина томоқ қириб қўйди. Пётрнинг трубка ушлаган қўли қалтирай бошлади.

— Хўш, ёзиб-тайёрлаб обкелдингизми?

— Ҳа, махфий аҳднома лойиҳасини тайёрлаб обкелдик,— деди дадил овоз билан Паткуль ердан бошини кўтариб.— Буюринг, жаноби Карлович ўқиб берсин.

— Ўқинг.

Меньшиков оёқ учида биратўла яқин келиб олди. Карлович ёнидан бир варақ ҳаво ранг қоғозни олди-да, кўзидан узоқроқ тутиб, қизариб-бўзариб ўқий бошлади:

«Қадимдан Русиянинг отамерос мулки бўлган ва ле-

[1] Алифбедан. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

кин Швеция ноҳақ босиб олган ерлар ўз эгасига қайтмоғи учун Россия подшоҳига ёрдам бермоқ ниятида ва инчунин Болтиқ бўйларида унинг ҳукмронлиги мустаҳкам қарор топмоғи учун подшоҳга мададкор ўлмоқ мақсадида — Польша қироли Швеция қиролига қарши уруш очади ва қўл остидаги саксониялик қўшинлар билан Лифляндия ва Эстландияга бостириб киради, инчунин Речи Посполитани Швеция билан алоқа узишга кўндиради. Подшо Туркия билан сулҳ тузгандан сўнг, аммо 1700 йил апрелидан кечиктирмай, Ингрия ва Карелияда жанг бошлаб юборади, мабодо шу орада бирор кор-ҳол рўй бериб зарурат сезилса, Польша қиролига ёлланган аскар ниқоби остида қўшин юбориб мадад бергай. Иттифоқдошлар душман билан зинҳор алоҳида музокара юргизмаслик ва бир-бирига хиёнат қилмаслик ҳақида қатъий сўз берурлар. Мазкур аҳднома ғоят эҳтиётқорлик билан маҳфий сақланмоғи лозим».

Пётр қақраган лабларини ялаб сўради:

— Тамом бўлдими?

— Тамом, аъло ҳазратлари.

— Сизнинг ризолигингизни олганимдан кейин,— деди Паткуль,— эртагаёқ Варшавага жўнайман ва декабрь ўрталарида қирол Августнинг шахсан имзоси билан Москвага қайтиб келиш умидидаман.

Паткулнинг сарғиш, тикандай ўткир кўзларига подшо ғалатироқ қараб шу қадар қаттиқ тикилдики, кўзлари ёшланди. Юзи қийшайинқираб ғалати тарзда илжайди.

— Жуда улуғ иш,— деди подшо.— Ҳа, майли... Жўнашинг мумкин, Иоганн Паткуль...

5

Жоме минорасида ўн икки марта даранглаб занг урилди. Ўз қадрини билган одамлар тушки овқат ҳаракатига тушдилар. Сенаторлар ўтирган курсиларидан турдилар. Баққоллар дўкон эшикларини қияроқ ёпиб қўйишди. Цех мастери қўлидаги асбобни бир четга қўйиб, шогирдларига деди: «Қўлларингни ювинглар, болаларим, ибодат қиламиз, овқатланамиз... Кекса аристократ кўзойнагини олиб ғамнок кўзларини арта-арта, ўтмишдаги тантанали зиёфатлар тутунидан қорайиб, ис босиб кетган ошхона залига улуғворона қадам қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Солдат ва матрослар тўда-тўда бўлишиб, хушчақчақлик билан чуғурлашиб, ошхоналар томон юришди, чунки у ерда ҳиди ажойиб, иштаҳани очадиган боғлам-боғлам колбасалар, бутунича дудланган сур гўштлар бор.

Аммо бу табиий қоидага шаҳарда фақат биргина одам — қирол Карл Ўн иккинчи бўйсунмасди. Унинг каравоти ёнидаги столча устида, тилла ранг рейн виноли шишалар ёнига қўйилган чашкадаги какао аллақачон совиб қолган эди. Баланд деразаларнинг ҳақиқдай қипқизил пардалари очиб қўйилганди. Боғда қор ёғар, ҳали ҳам сарғаймаган ям-яшил декоратив ўсимликни — пирамида, қурра, чорбурчак шаклида чиройли қилиб теп-текис қирқилган буталарни секин-аста қопламоқда эди. Ёғаётган қор ва иккита шамдон камин ойнасида акс этар, шамлар ёниб тугаёзган, мўмлари эса сариқ сумалак сингари шамдонда осилиб турарди. Қарағай ўтинниинг чирсиллаб ёнгани эшитиларди. Қироллнинг шими каравотнинг оёқ томонида — заррин ҳайкалчанинг калласига илиб қўйилган, стулчалар устида шойи юбка, заифона кўйлак ва ички кийимлар сочилиб ётарди.

Қирол тирсагини ёстиққа тираб олиб, Расиннинг «Адрохама» номли асарини ўқимоқда эди, ора-сира қадаҳга қўл чўзиб, хушбўй рейн виносидан ҳўплаб қўярди.

Қироллнинг ёнгинасида — қора соч аёл то оғизбурнигача кўрпага ўралиб мудрамоқда эди: жингалак кокиллари ёстиқда ёйилиб ётарди, пардоз бўёқлари ўчиб, ранг-рўйи сарғайиб, қадаҳдаги вино рангига ўхшаб қолганди.

Бу жувон ажойиб саргузаштлари ила дунёда ном чиқарган Аталия эди. Графиня Аталия Десмонт кўршапалак сингари ўзини ҳар ёққа уриб, кирмаган тешиги қолмаганди. У шоҳона кўйлакни ҳам, актриса костюмини ҳам, гвардиячи офицер формасини ҳам нозик дид-фаросат билан кияр, ҳаммаси унга ниҳоятда ярашарди. Бу жувон император ёки қироллар полициясининг кўзини шамғалат қилиб, тунда деразадан арғимчоқ нарвонда тушишга уста эди. Илгари Вена опера театрида ариялар куйлаган, бироқ аллақандай сирли ҳодиса натижасида овозидан айрилганди. Мольер раҳбарлигида саҳнага қўйилган афсонавий сюжетли пьесада рақс тушган, ўшанда унинг рақсини қирол Людовик Ўн тўрттинчи томоша қилган. Фландрия шаҳарлари қамал қилинганда бу хотин мушкетёр формасини кийиб олиб, маршал

www.ziyouz.com kutubxonasi

Люксамбургнинг ёнида бемалол юраверган, сўнгра Намюр шаҳри олингандан кейин — одамларнинг гапига қараганда — сумкаси дур-гавҳарга тўлиб-тошган. Ана ундан кейин, Франция сарой арбобларининг топшириғи билан бўлса керак,— Лондонга боради. Инглизлар унинг шоҳона либосию қимматбаҳо тақинчоқларини, чавандозлар сингари от чоптиришини кўриб қойил қоладилар. Унинг ҳусн-жамоли Англиянинг бир неча пэрларини[1] ва ниҳоят, гўзалликда тенгсиз, довюрак герцоги Мальборони ошиқи шайдо қилади. Бу гап овоза бўлар-бўлмас, графинянинг қулоғига шипшитиб, герцогиня Мальборо биринчи пороход билан Лондондан жўнашингизни маслаҳат беряпти, деб огоҳлантиришади. Шундай қилиб, саргузаштлар шамоли уни Стокгольмга — Швеция қироли қўйнига келтириб ташлайди.

— Муҳаббат, муҳаббат,— деди ғижиниб Карл, шишага қўл чўзиб,— нуқул муҳаббат... Ҳадеб такрорланавергандан кейин жонга тегаркан. Расин бирам эзмаки... Мирмидон подшоси Пир аслида зўр қиличбоз бўлса керак,— пьесада эса — беш парда давомида нуқул бемаъни нарсалар устида гап сотади... Мен Плутархнинг таржимаи ҳолларидан кўра Цезарнинг изоҳларини кўпроқ ёқтираман. Вино ичасанми?

Графиня кўзини очмасдан:

— Ҳадеб жонимга тегаверманг, ҳазрати олийлари,— деди зарда билан.— Бошим тарс ёрилай деяпти, бу аҳволда ўлиб қолмасам гўргайди.

Карл жилмайиб қўйди-да, қадаҳ кўтарди. Шу пайт эшикни биров чертди. Қирол китобдан бошини кўтармай эринчоқлик билан:

— Киринг,— деди.

Қирол ҳазрат олийларининг камер-юнкери[2] барон Беркенгельм шойи либосини шилдиратиб, тиржайиб эшикдан кирди. Лаби кичкина сўгали билан бирга кўтарилиб, учиб турганига қараганда бу одам, топиб келган энг сўнгги янгиликларини қиролга тезроқ айтгиси келиб шошилаётгандек кўринарди.

Барон Беркенгельм қиролнинг шимига қараб таъзим қилди-да, саройда рўй берган баъзи бир аҳамиятсиз во-

---

[1] Феодализм даврида олий табақа феодали унвони; ҳозирги Англияда — лордлар. *(Тарж.)*

[2] Саройда энг паст унвонли мулозимлардан бири. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

қеалар тўғрисида сўзлай бошлади. У ҳамма нарсадан хабардор эди: унинг синчков ақли ва ўткир кўзидан ҳеч нарса ва ҳеч ким яширина олмасди, ҳатто бугун тунда сарой хоними Анна Бештремнинг ётоғида шитирлаган шубҳали товушни ҳам пайқаган эди.

Аталия у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб ингради:

— Худоё тавба, тавба... Шуниям гапириб юрипти-я...

Аммо барон заррача хижолат чекмади, афтидан, муҳимроқ янгилик топиб келганга ўхшарди:

— Бугун эрталаб соат тўққизда баққоллар граждан кодексини қайтадан кўриб чиқиш тўғрисида сенатга яна ариза беришди. (Қирол пиқирлаб кулди.) Бу лаънати бюргерлар[1] шу қадар очкўзки, ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайди. Ҳозир кўчада Франция элчисини кўрдим: инглиз зотли ажойиб тозилар билан биринчи қорда қуён овига кетаётган экан. Остидаги арғумоқ осмонга сапчийди денг. Уни Реншельддан картада ютиб олган... Аҳвол шунақа деб ҳасрат қилсам, элчи кифтини қисди: Ҳаммасига гугенотлар[2] сабаб, иғво тарқатаётгани аниқ,— ўз оғзи билан шундай деди,— қочган-нетган баққолу ҳунармандлар бутун Европага тарқалиб кетди. Улар Франциядан олтмиш миллион ливр олиб қочишди... Бу мунофиқлар қаерда имконият бўлса ўша ерда фитна қўзғатади, ҳокими мутлақ принципига раҳна солмоқчи бўлади. Қаерга борса, дарҳол махфий алоқа ўрнатади: Швейцарияда ҳам, Англияда ҳам, Голландияда ҳам, бизда ҳам шу аҳвол... Улар бюргерларда дворянларга ва қиролга қарши нафрат уйғотиш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланади»,— деди.

— Яна нима гап топиб келдинг?— хўмрайиб сўради қирол.

— Масалан, сенатда бўлдим... Бугунги ариза — фақат бир баҳона. Баъзи бировларни йўлакда гапга солиб кўрдим. Улар қиролнинг уруш эълон қилиш ҳуқуқини чеклаб қўйиш хусусида қонун тайёрлашяпти.

Қирол қўлидаги китобни ғазаб билан тарс эткизиб ёпди-ю, улоқтириб юборди. Гавдасини кўтариб ўтириб олди-да:

— Сендан сўраётибман, бугун нима гап эшитдинг, бугун?— деб кўрпани устма-уст ниқтаб қўйди. (Беркен-

[1] Шаҳарлик савдогарлар, мешчан, обиватель. *(Тарж.)*
[2] Протестант мазҳабига амал қилувчи кишилар. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

гельм кўзи билан имлаб, тескари қараб ётган графинянинг жингалак сочли энсасини кўрсатди.) Қўрқма! Бу ерда бегона қулоқ йўқ, гапиравер...

— Кеча савдо кемасида Ригадан бир дворянин келди... Ҳозирча уни кўра олганим йўқ. Лекин унинг гапига қараганда — бу гап ростми-йўқми — Москвада тўсатдан Паткуль пайдо бўлганмиш...

Графинянинг боши ёстиқдан кўтарилди. Карл лаб пўстини тишлади;

— Граф Пиперга айт, ҳузуримга келсин,— деб буюрди.

Беркенгельм худди қанот қоққан қушдек дастпанжаларини бир силкиди-ю, зинғиллаганча чиқиб кетди. Карл дераза ортида ёғаётган қорга тикилиб қолди. Унинг ранг-рўйи ўчган: чўзинчоқ юзи, кенг манглайи, юпқа лаблари, қирра бурни билан қиш тусига кириб бўзарган эди. У энди Аталиянинг истеҳзо билан соч толалари орасидан қараб ётганини ҳам сезмасди. Гупиллаб ёғаётган қор парчаларига тикиларкан, дилда уйғониб ич-ичини тирнаётган янги ҳиссиётга: томоғидан ғиппа бўғиб олган ўта ғазаб билан эҳтиётқорлик садосига қулоқ солмоқда эди. Қирол эшик орқасидан оғир қадам товуши келгач, ёнидаги ёстиқни олиб графинянинг бошига ташлади:

— Бошингизни беркитинг, мен ёлғиз бўлишим керак...

Карл кўйлагини тузатди, какаоси совиб қолган чашкани қўлга олиб:

— Киринг,— деди.

Новча, оёқлари йўғон, яхши кийинган, юзи салқиган, тажрибали чиновникбашара одам кирди. Бу — махфий маслаҳатчи Карл Пипер эди, яқинда қирол унга граф унвони берганди.

Қирол унга хунук назар ташлаб:

— Мана аҳвол: келиб-келиб янги хабарни саройда гап ташувчилардан эшитишга мажбурман,— деди.

— Давлатпаноҳ қиролим, улар мендан эшитишади. (Пипер ҳеч қачон кулмас, ҳеч вақт ўзини йўқотмас, унинг йўғон оёқлари ҳар қандай зарбага бардош беришга қодир эди.) Саройда лоф уриб гап сотишлари учун нимани лозим топсам, мен уларга фақат шунигина айтаман, холос.

— Паткуль Москвадами? (Пипер жавоб бермади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Карлнинг овози баландлашди.) Агар қирол индамай қўйиб берса, яккаланиб қолди, деб ўйлашипти-да... Ҳа, яккаман: осмон наздида ҳам, ер юзи учун ҳам яккаю ягона қиролман, билмаса — билиб қўйсин...

— Ҳа, давлатпаноҳ қиролим, Паткуль Москвада, машҳур авантюрист генерал Карлович ҳам ёнида.

— У ерда нима қилишяпти?

— Нима қилишаётганини чамалаб билиш мумкин, лекин ҳозирча менда аниқ маълумот йўқ.

— Ахир, Москвада элчимиз бор-ку!

— Элчини сенат жўнатган. Жаноби сенаторлар, қандай бўлмасин, Москва билан сулҳ тузишмоқчи, майли, қўлларидан келганча ўзлик-ўзи ҳаракат қилишаверсин. Биз бунинг учун хазинамиздан бир фартинг ҳам сарф қилганимиз йўқ.

— Кошкийди хазинамда ана шу фартинг топилса, ўзигаям жуда зарур эди-да,— деди Карл.— Граф, янги ариза тушганини эшитдингизми? Сенаторлар менга яна нималар тайёрлаётганидан хабарингиз борми? (Пипер елкасини қисди. Карл қўлидаги чашкани стол устига қўйди.) Биласизми, мен энди итоатгўй эшак ролини ўйнамоқчи эмасман, ҳа! Раҳматлик отам ана шу қовоғи солиқ зиқналарнинг райига қараб дворянларни хонавайрон қилди. Энди бўлса, бу «гугенотлар» мени тилсиз қўғирчоққа айлантиришмоқчи... Бе, анойи эмасман!.. (Пиперга қараб чўзиқ юзини қийшайтириб қўйди.) Ҳа, ҳа, анойи эмасман. Гапирмасангиз ҳам ичингизда нима деётганингизни билиб турибман, граф Пипер. Тўғри, каллам жойидамас: феълим жиннироқ, ҳамёним қоқ, шаънимга доғ тушган, мен шунақа хилиданман... Цезарь Трансальпдаги Галлияда ғалаба қозонганидан сўнг Римни забт этган. Цезарь ҳам мен каби хотинларни, винони, тўс-тўполонни ва ҳар хил номаъқулчиликни яхши кўрарди... Қўрқманг, тинчланинг, мен мутлақо суворилар билан ҳужум қилиб сенатни забт этмоқчи эмасман. Шуҳрат қозонмоқ учун Европада жанг майдони топилади... (Лабини тишлади.) Агар Карлович Москвада бўлса, масала равшан. Демак, биз қирол Август билан беллашамиз энди.

— Менимча, у ёлғиз бўлмаса керак.

— Яна ким?

— Агар янглишмасам, бизга қарши коалиция тузилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яна ҳам яхши... Қимлардан иборат?

— Шу хусусда маълумот тўплаяпман.

— Жуда соз. Майли, сенат ўз йўлига ўйлайверсин, биз ҳам ўз билганимиздан қолмай иш битираверамиз... Менга айтадиган бошқа гапингиз йўқми? Ундай бўлса, раҳмат, сизга ижозат...

Пипер бесўнақай таъзим қилиб, эсанкираган ҳолда уйдан чиқди: бу қирол кутилмаган қалтис фикрлар билан ҳар қандай валломатни довдиратиб қўярди. Пипер ғоят эҳтиёткорлик билан сенатга қарши кураш тайёрламоқда эди, чунки, ҳарбий харажатдан оғиз очилса, сенаторларнинг жони чиқарди. Бир-икки йил тинчгина ўтар-ўтмас, яна уруш ҳиди келиб қолди. Рейндан то Болтиқ бўйигача ягона ҳукмрон бўлиш учун бирдан-бир йўл — уруш эди. Карл буни яхши тушунар, аммо қизиққонлик қилиб, ноқулай пайтда жангга интиларди: ёлғиз ғайрат-шижоат билангина иш битмаслигини ўйлагиси келмасди.

Граф Пипер қирол олдидан чиққан ҳамоно ётоқ эшиги олдида Беркенгельмни учратди, тирсагидан ушлаб унга тайинлади:

— Қандай бўлмасин, бирор хурсандчилик билан қиролни чалғитишга ҳаракат этинг. Масалан, дабдабали ов уюштириб, уч-тўрт кунга уни Стокгольмдан опчиқиб кетинг... Қанча пул керак бўлса, ўзим топиб бераман...

Карл ҳамон каравотда ўтирарди, хаёл опқочиб кўз қорачиқлари кенгайиб, бўлажак воқеалар гўё шу онда кўз олдидан ўтаётгандек, номаълум нуқтага тикилиб олганди. Аталия боши бурканган ёстиқни жаҳл билан олиб ташлади-да, ич кўйлагини ёқасидан тишлаб туриб соч-ларини тузата бошлади. Унинг қўллари оппоқ, жуда чиройли, кифтлари эса — қорамтирроқ рангда товланарди. Ниҳоят қирол мушк ҳидидан ўзига келиб, унга қаради.

— Сиз қирол Августни кўрганмисиз?— сўради Аталиядан. Бироқ графиня қоп-қора кўзларини йириб, унга қаттиқ тикилганича анграйиб қолди.— Уни одамлар, Европада энг чиройли кавалер, тақдирнинг эркатойи, омади келган, дейишади. Ҳар бир маскарад ва сайилга тўрт юз минг тилладан сарф қилармиш. Бир куни Август мени масхара қилиб: Карл дадасининг этигини киймоқчи бўлиб ичига тушиб кетди, қулоғидан тортиб олиб. яхшилаб савалаш керак, деган эмиш. Буни менга Пипер гапириб берди онт ичиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аталия ич кўйлагини қўйворди-да, хандон ташлаб кулди. Қиролнинг қовоғи уча бошлади.

— Шунга қарамай мен уни мақтайман: Август гапга уста, ниҳоятда келишган, ақли ўткир дейман... Шахсан ўзининг ўн минг саксониялик пиёда аскари ва улкан ниятлари бор. Швеция-чи? Дадасининг этигидан чиқолмаган мендақа қироли билан Швеция нимаям қила оларди: ётаверади бўри талаган ҳимоясиз қўйдек... Йўқ, мен бари бир бу анекдотни эсига соламан: менинг драгунларим ахийри бу Августни, қўлини орқасига боғлаб, тирсагидан танғиб, чодиримга ҳайдаб келишади, ана ўшанда хумордан чиқмасам — юрган эканман...

— Қойилман, ўғлон, қойилман!— деди Аталия.— Яхши ташаббуснинг муваффақияти учун!— деб қадаҳни кўтарди ва бир ҳўплашда бўшатди, лабларини чойшаб кружевасига артди.

Карл кўрпа тагидан ирғиб турди-ю, товонигача тушган тунги кўйлакда оёқ яланг ҳолда югурганича секретарь олдига бориб, унинг махфий тортмасидан кичкина қутича олди, қутичада олмос диадема ялтираб ётарди... Қирол каравот четига ўтирди-да, бу бебаҳо тақинчоқни графинянинг қоп-қора жингалак сочига тутиб сўради:

— Аталия, менга вафодор бўласанми?

— Балким бўларман, ҳазрат олийлари, ёшим сиздан икки баравар катта, шунинг учун сизга нисбатан баъзан қалбимда оналик ҳисси уйғонганини сезаман,— деди-да, Карлнинг бурнидан ўпди, (чунки бурни лабига рўпара келиб қолди) диадемани айлантириб томоша қилди.

— Аталия, мен истардимки, сен Варшавага борсанг... Бир неча кундан кейин «Олаф» жўнайди, жуда ажойиб кема. Ригада кемадан тушасан. От, арава, одам, пул — нимаики керак бўлса, ҳаммаси тахт қилинади. Ҳар почта билан менга ёзиб турасан...

Аталия ёшлик ғурури барқ уриб турган бу ўйноқи кўзларга синчковлик билан қаттиқ тикилди: кўзлари тиниқ, ўткир, бироқ шимол сувига ўхшаш бунақа кул ранг кўзни тушуниб бўлмасди — унинг қаърида тентакона қатъият яширинган эди. Ҳар ҳолда бу бола умид бағишларди. Аталия маршал Люксамбург билан походда юрган кезларида одатланган қилиғини қилиб, оҳиста ҳуштак чалиб юборди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳазрат олийлари, бундан чиқди, сиз қирол Августнинг қўйнига киришимни истар экансиз-да, а?

Карл дарҳол камин ёнига бориб, қўлларини биқинига тираб олди, гўё кўзлари чарчагандек, чала юмилди:

— Қандайин хиёнат қилманг, мен сизни кечираман... Аммо шу иш бўлса, муқаддас инжил билан онт ичаманки, етти қават ер тагига кирсангиз ҳам топаман, ўлдирмай қўймайман...

6

Китай-городда икки одам тўпланса, дарҳол Бровкинлар тўғрисида гап очилар, ҳамманинг оғзида фақат шу гап эди. Пётр Алексеевич ҳар сафаргидай бу гал ҳам тўсатдан ҳовлиқиб, зоти рюриковичларга тақалган князь Буйносовнинг кенжа қизи княгина Натальяни келиб-келиб Артамошка Бровкинга олиб бериш ҳаракатига тушиб қолганди. Ҳамма ишларини ташлаб қўйган, иш билан саройга келган министрларга ва боярларга: «Подшо йўқ, қаердалигини билмаймиз»,— деб жавоб қилишарди.

Бир кун кечқурун, кўчаларга ғов тўсилаётган маҳалда, Бровкиннинг уйи олдида подшо каретадан тушди. Иван Артемич эса пастда, ошхонада мужиклар билан карта ўйнаб ўтирганди. Бирдан пастак эшик очилиб учбурчак шляпа кийган калла энгашиб кириб келди. Олдинига ҳеч ким парво қилмади: складда соқчилик қилувчи бирорта солдат бўлса керак, исингани келгандир, деб ўйлашди. Таниганларидан сўнг данг қотиб қолишди. Пётр Алексеевич Бровкинга қараб кулиб қўйди: қуён мўйнали эскирган калта пўстинда, қўрққанидан бўйни қисилиб, калласи ичига тортиб, тавияга ўхшаб қолганди Иван Артемич.

Пётр Алексеевич квас сўради. Скамейкага ўтирдида, мужиклар ва гумашталар олдида шундай деди:

— Иван, илгари бир марта уйингга совчилик қилиб келган эдим. Энди иккинчи марта совчи бўлмоқчиман. Таъзим қил.

Иван Артемич ёғдай эриб йилтираб кетди, гапни чўзмасдан подшонинг оёғига йиқилди.

— Иван, ўғлингни чақир,— деди.

Артамошка шу ерда, печь орқасида эди. Пётр Алек-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сеевич уни икки тиззаси орасига олиб, бошидан-оёқ синчиклаб қаради.

— Бу қанақаси, Иван, шундай азаматни нега менч дан яшириб юрибсан,а? Мен у ёқда одам тополмай қийналиб юрсаму, булар бу ёқда биқиниб ётса... Ўқиш-ёзишни биласанми?— деб сўради йигитчадан.

Артамон бир оз ранги оқарган ҳолда, лекин француз тилида тутилмасдан, шариллатиб жавоб қилди:

— Француз ва немис тилларини биламан, ўқиш-ёзишга устаман... (Пётр Алексеевичнинг оғзи очилиб қолди: «Оббо хумпар-ей! Немисчасини ол-чи!»)— Артамошка шу жумлани немис тилида такрорлади. Сўнгра шамга тикилиб, голландчасига — бироқ тутила бошлади.

Пётр Алексеевич уни ўпиб-ўпиб олди, кифтига қоқиб, гоҳ туртиб, гоҳ ўзига тортиб силкита бошлади.

— Уни қаранглар-а! Оббо, йигит-эй! Ана азамату мана азамат! Иван, сенга раҳмат. Лекин бола билан хайрлашавер энди, оғайни, у менга керак. Сабр қилсанг, кейин хурсанд бўласан: ақл-идрокли, илмли одамларга яқинда графлик унвони бера бошлайман..

Подшо дастурхон ёзишни буюрди. Иван Артемич эса юқорига — меҳмонхонага чиқишни илтимос қилди: бу ер тўғри келмайди, деб кўп ялинди. Печка орқасига ўтиб, нари-бери паригини, камзулини кийди. Санькани чақириб келиш учун яширинча одам юборди. Дастасига кумуш соққа ўрнатилган ҳассали мажордом эшик олдига келиб турди. Пётр эса нуқул хахолаб кулар, меҳмонхонага чиқишга унамасди:

— Йўқ, дедим, йўқ. Шу ер яхши, иссиққина экан. Ҳой ошпаз хола, тезроқ қимирла, борига барака...

Артамошкани ёнига ўтқазиб, у билан немисча гаплашди. Қизиқчилик қилиб ҳазиллашди. Приказчи-ю мужикларни вино билан сийлади, қўшиқ айтқизди. Ёши қайтган кап-катта мужиклар эшик олдига тизилишиб, айиқ ўкиргандай хунук товуш билан куйлай бошлашди. Тўсатдан ошхонага Санька кириб келди, эгнида шойи либос, ёқаси кўксигача очиқ. Пётр уни дарҳол қўлидан ушлаб, бу ёнига ўтқазди. Санька ҳам бўш келмасдан майин овоз билан мужикларга жўр бўлиб куйлар, шамдонни юзига яқинроқ суриб, дам-бадам Пётрга айёрона кўз қисиб қўярди... Шундай қилиб тун яримдан оғгунча ўйнаб-кулиб роса яйрашди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эрталаб Пётр Алексеевич куёв жўралар билан бирга, Натальяга совчи бўлиб князь Буйносовникига борди. Бир ҳафтагача элликтача одамни эргаштириб дам Буйносовникига, дам Бровкинникига шу хилда бориб-келиб юришди. Сеп масаласида талашиб-тортишиб кўришди; қизлар мажлисида, куёв жўралар базмида бўлишди; ниҳоят сентябрь охирларида зўр тантана билан никоҳ тўйини ҳам ўтказишди. Бу тўй Иван Артемичга жуда қимматга тушди.

Икки ҳафтадан кейин Санька эри билан Парижга жўнаб кетди.

Вязьмагача йўлга чиққан аравалар билан бирга боришди. Аравалар имиллаб юрар, ҳар бир бекатда тўхтарди: отларни суғориш учун узоқ туриб қолишарди. Анчагина қор ёққан, лекин ҳаво очиқ, йўл оғир эмас эди.

Вязьмада Александра Ивановна эри билан айтишиб қолди. Василий шу ерда бирор кун дам олиш, ҳаммомга тушишни ва эртага тушки ибодатни ўтагандан сўнг узоқ қариндоши бўлмиш ҳокимникига бориб овқатланишни таклиф этди; бундан ташқари, отларни тақалатиш ва баъзи бир ишларни қилиш ҳам зарур эди.

— Йўқ, тезроқ жўнашим керак. Йўлда юрагим сиқилиб, жоним ҳалқумимга келди. Ригада дам оламиз,— деди Александра Ивановна.

— Сашенька! Айтди-ку, сенга ахир: Вязьманинг нарёғида қароқчи кўп, ўша ер хатарли, тўрт-беш юз арава тўпланиб аранг ўтиб олишяпти, дейди одамлар...

— Барибир жўнайман, гап шу...

Эру хотин юқорида, шамчироқ шуъласи ёритган озода ҳужрада ўтиришарди. Василийнинг эгнида калта пўстин, тугмалар ечилган; Александра Ивановна эса — енглари узун духоба кўйлакда, бошида тивит рўмол, новвот ранг сочлари чамбарак қилиб турмаклангаи. У овқат емас, фақат нон ушоқларини оғзига соларди. Юзи салқиган, кўз таглари кўкаринқираган,— ҳаммаси бетоқатлигидан. Худоё тавба, бу қанақа одам ўзи!..

Василий Волков тузланган ветчинани имиллаб ковшаркан, хуноб бўлиб сўради:

— Менга айт-чи, сен ўзинг қанақа одамсан? Мениям қийнайсан, ўзингни ҳам. Ана кўргилик! На тинчлик бор, на ҳаловат,— овқат емаса, уйқу кўрмаса, одамга ўхшаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

гаплашмаса,— бу нимаси ахир? Ё қироллар билан минуветга рақс тушгинг келяптими? Тушасан-а, сен билан рақс тушишга кўзлари учиб тургандир...

— Сайрайвер, бу ер карвонсарой бўлгани учун нонложликдан гапларингни эшитиб ўтирибман...

Василий қўлидаги вилкани гўшти билан бирга жойига қўйиб, хотинининг хаёлпарастлик ва интизорлик натижасида буришиқираган кенг пешанасига, хаёлан аллақаерларни кўраётган олазарак, кўм-кўк кўзларига узоқ тикилди.

— Индамаганимга ҳаддингдан ошма, Александра, агар жаҳлим чиқса...

— Бақирсанг бақиравер, менга барибир...

Василий ўпкалагансимон бош чайқарди, холос. Ўйласа хижолат чекарди: бу хотиннинг нимасини яхши кўрганини билолмай ҳайрон бўларди. Мабодо гап қайтаргудек бўлса — кўнгил оғритадиган сўзлар билан шундай заҳрини сочардики, бечора эр довдираб қоларди. Ҳозир ҳам шундай: икки киши учун йўлга чиқиш жуда хатарли эканини тушуниб турса ҳам, барибир хўп деб, жўнашга рози бўлишини аниқ биларди, ваҳоланки, ёнида ишончли ҳамроҳлари бўлмаса Вязьма билан Смоленск орасидаги ўрмонзордан юришга ҳеч кимнинг юраги бетламас, фақат тентакларгина шундай қилиши мумкин эди. Одамлар бу ўрмонзор тўғрисида бир-биридан ваҳимали воқеаларни ҳикоя қилишарди: атаман Есмень Сокол дастидан бironта йўловчи қутулиб бўпти. Масалан, куппакундуз келяпсан дейлик: қарасанг — йўл бўйида новча одам турипти: бошида қалпоқ, оёғида чипта кавуш, белбоғига пичоқ қистирилган. Ўзи ўрадай, тишлари каттакатта. Бир ҳуштак чалса — остингдаги от чўккалаб қолади. У ёғи маълум,— калимангни ўгиравер...

— Қароқчидан қўрқсам — Москвада қимирламай ўтирардим,— деди Александра Ивановна.— Отларимиз учқур, қочиб қутуламиз. Бир ҳисобда қароқчи қувлаганиям тузук: Парижда гапириб берсам ҳамма ҳайрон қолади. Йўқса бекатларда хуррак отганингни гапириб бераманми одамларга...

У тарелкани нари сурди-да, оқсоч қалмоқ қизни чақириб, дафтарни келтиришни ва тўшак солишни буюрди. Укаси Артамошка, Самуил Пуффендорфнинг тарих китобидан галлар[1] ҳақидаги бобни таржима қилиб шу даф-

[1] Қадимги кельтлар ҳозирги Франция ва Бельгия территориясида яшаган халқ. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарга ёзганди,— уни тиззасига қўйиб, энгашиб олиб ўқий бошлади. Василий кафтанини жағига тираб, Саньканинг чиройли бошини, сочлари жингалак-жингалак бўлиб тушиб турган бўйнини томоша қилди. Чиндан ҳам маликан охир замон. Яқиндагина пичан уриб, гўнг ташиб юрган эди. Мана энди қўрқмасдан Парижга ҳам боради, гап сотавериб қиролни ҳам ҳайратда қолдиради... Эҳ, Саня, Саня, осмонга сапчимасдан ҳамма хотинлар сингари ҳомиладор бўла қолсанг-ку, иккимиз тинчгина уйда яшардик роҳат қилиб...

Санька лабини қимирлатиб Пуффендорфни ўқимоқда:

«...Ундан ташқари, французлар умуман хушчақчақ, енгилтабиат, хушмуомала ва ширинсухан бўлади, ҳар бир ишга тезкорлик билан киришади, айниқса сиртқи қиёфаси ва юриш-туришида уларнинг табиий гўзаллиги акс этади. Кўпинча эркаклари ишқий саргузаштлари билан мақтанишни, жононлар оғушида қозонган муваффақиятларини лоф уриб ҳикоя қилишни яхши кўрадилар. Баъзи халқлар уларга ҳавас қилиб тақлид этмоқчи бўлади, аммо бу билан ўзини-ўзи шарманда қилаётганини, бошқалар олдида кулги бўлаётганини сезмайди...»

Санька китобдан бошини кўтариб:

— Сен бу хилда бекор ўтиргунча, қиличбозликни машқ қилсанг-чи,— деди.

Энди эснамоқчи бўлиб оғиз очган Василий чўчиб тушди:

— Бу нимага керак тағин?

— Парижга борганингда биласан...

— Топган гапингни қара-ю, бор-ей!— Василий аччиқланиб стол ёнидан турди-да, шапкасини кийиб, отлардан хабар олгани ҳовлига чиқиб кетди. Бўзарган ой баланд осмонда, қор босган карвонсарой томлари устида муаллақ туриб қолганди. Кўкда бironта ҳам юлдуз кўринмас, фақат йилт-йилт қилиб игнасимон қиров ёғар эди. Муздай тоза ҳаво бурунни ачиштирарди. Бостирма остида отлар кусирлатиб кавшанар, черков ёнида қоровул шақилдоқ чаларди.

Василийнинг ёнига бир ит келиб, пиймасини искади-да, думшуғини кўтариб, гўё ниманидир кутгандек, ҳайратомуз тикилди. Василийнинг тўсатдан юраги орзиқиб, шундай осойишта юртини ташлаб Парижга боргиси келмай қолди... Пиймаларини ғарчиллатиб орқага ўгирилди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да, маъюслик билан юқорига қаради: юқори қаватдаги хонанинг слюда кўзли деразасидан майин шуъла тушиб турибди. Санька ҳамон Пуффендорфни ўқимоқда... Жўнашга мажбурсан, бошқа илож йўқ.

Лола ранг шафақ шуъласи дарахтлар учида ялт-юлт этиб даҳшат соларди. Елдай учиб кетаётган извош ёнидан дарахт таналари, илдиз томони липиллаб ўтар, шохлари соябонга урилиб, дувиллаб қор тўкиларди. Василий олдига тўсилган чарм кўрпачадан то белигача кўтарилиб, жиловни маҳкам ушлаганича жон-жаҳди билан чинқириб отларни ҳайдарди, кучер эса ўриндиқдан ағдарилиб тушганича орқада, анча нарида қолиб кетганди... Турналқатор қилиб қўшилган учқур отлар пишқириб учиб борарди: олдинда — асов кўк бия — етакчи, унинг кетида — жийрон арғумоқ, шотида — юнгини қиров босган қоратўриқ. Ўнқир-чўнқирларда извош ирғиб-ирғиб тушар, қароқчилар орқадан қувлаб қийқиришарди. Бутун ўрмонни бақирган, бўкирган товушлар босиб кетганди.

Бундан беш минут олдин; катта йўлни қишлоқ йўли кесиб ўтган жойда, бултурги пичан ғарами ортидан ўнтача новча-новча мужик чиқди: қўлларида болта ва сўйил. Кучер қўрқиб кетди, аҳмоқлик қилиб жиловни тортди... Тўрт қароқчи отлар томон югуриб: «Тўхта, тўхта!»— деб бақирди, қолганлари извош томон лапанглаб кела бошлади. Кучер жиловни қўйвориб, қароқчиларга қўл силкитди, бироқ сўйил билан бошига солиб қолишди.

Бир лаҳзада шу ҳодиса рўй бериб, эру хотин ўзларини йўқотиб қўйишди. Аммо асов бия жонга ора кирди: бирданига осмонга сапчиб, жиловидан ушлаган икки қароқчини кўтариб, тепина бошлади. Санька кўрпачани шартта очиб: «Жиловни ушла!»— деб бақирди-да, эрининг қўйнидан тўппончасини олиб, соқолдор башарага қарата ўқ узди. Қароқчилар ўқ ёлқинидан шартта чекиндилар, айниқса аёл кишининг шижоатидан ҳайратда қолдилар... Отлар юлқиниб олиб қочди. Волков жиловни қўлга олди. Санька тўппонча қўндоғи билан нуқул эрининг елкасига туртиб: «Ҳайда, ҳайда»,— деб бақирар эди.

Ниҳоят таъқибдан қутулдилар. Отлардан буғ кўтари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларди. Йироқда кетаётган аравалар кўринди. Василий отларни чопишдан тўхтатиб секин юргизди. Извошга аланглаб қараб шапкасини қидира бошлади, бироқ кўзи Саньканинг ўқрайган кўзи билан жийирилган бурнига тушди.

— Қалай, хурсандмисан энди? Есмень лочин бор, деса ишонмадинг. Эҳ, эси паст ўжар. Қаллаварам... Кучерсиз нима қиламиз энди? Бечорага ачинаман, яхши одам эди...

Санька эса, ширин хаёлга берилганидан эрининг койиганини ҳам сезмасди: «Мана буни ҳаёт деса арзийди. Диққинафасликдан юрак сиқилиб, мудроқ ичида имиллаб ўтган турмушнинг бети қурсин...»

7

Ҳар куни заставалардан қатор-қатор аравалар Москвага жўнатилар ва уларда мунтазам қўшин учун солдатликка олинган одамлар келарди; баъзиларининг оёқ-қўлини боғлаб мажбуран жўнатишар, баъзилари эса турмуш ночорлигидан ўз ихтиёри билан солдатликка ёзилишарди. Мунтазам қўшин учун кўнгилли аскар қабул қилиш ҳақидаги фармон тунукага ёзилиб, Москва майдонларидаги столбаларга қоқиб қўйилган. Ҳар бир солдатга йилига ўн бир сўм маош, овқат, уст-бош ҳамда вино ваъда қилинган. Боярларнинг қўраларида чалақурсоқ кун кечирган қароллар, малайлар ва хизматкорлар бошқарувчилар билан сўкишиб, ҳатто бояриннинг оёғи тагига шапкасини улоқтиришиб, тўғри Преображенскийга йўл солишарди. Бу ерга ҳар куни камида минг киши тўпланарди.

Одамлар баъзан эртадан-кечгача, токи офицер зинага чиқиб рўйхат бўйича номма-ном ўқиб бақиргунча, аёзда кутишарди. Номи чиққанларни сарой ертўласидаги ҳужраларга олиб киришарди. Мўйлови шопдай преображенлик солдатлар қовоғу димоғ билан уларга қип-яланғоч бўлиб ечинишни буюришарди. Мужик ваҳимага тушиб, пайтавасини чуватар, ечиниб қип-яланғоч бўларди-да, кафти билан авратини тўсиб, катта уйга кирарди. Шамлар ёқиғлик стол ортида ўтирган барра шапкали, сочлари узун офицерлар эшикдан кирган одамга бургутдай тикилиб олишарди: «Отинг нима? Лақабинг?? Неча ёшдасан?» Аммо кимлигини суриштириш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мас, қочоқмисан ё ўғри-қароқчимисан, деб сўрашмасди. Ўйини ўлчашар, оғзини очиб кўришар, авратини кўрсатишга мажбур қилишарди. «Ярайди. Фалон полкка».

Солдатлар учун янги қурилган уйлар сарой ҳовлисининг орқа томонидан то қорли далагача чўзилиб кетганди. Яроқлиларни тўда-тўдаси билан шу уйларга жойлаштиришарди. Одам тўлиб кетганидан уйлар торлик қиларди. Ҳар бир уйга — алоҳида унтер-офицер бошлиқ эди. У янги келган одамга таёқчасини ўйнатиб: «Гапимга яхшилаб қулоқ сол, икки марта такрорламайман, терингни шилиб оламан. Худойинг ҳам, подшойинг ҳам, отанг ҳам мен бўламан, шуни билиб қўй»,— дерди. Овқат бемалол етарли, аммо эркинлик йўқ, қадимги ўқчи полкларидаги эркинликдан асар ҳам йўқ эди. Солдатча қаттиқ интизом!.. Барабан чалиб уйғотишарди. Босилавериб теп-текис бўлиб кетган далага оч-наҳор ҳайдаб оборишарди-да, тўрттадан сафга турғизишарди. Аввало, ўнг қўли қайсию чап қўли қайси — шуни ўрганишарди. Баъзи мужик қайсиси ўнг, қайсиси чаплигини умрида ўйлаган ҳам эмас. Бундайларнинг миясига таёқ билан қуйиб таълим беришарди. Машқ вақтида офицер пайдо бўларди: аксарияти рус эмас, кўпинча ширакайф ҳолда келарди. Саф олдида туриб олиб, чакмону калта пўстин, чипта ковуш, пийма, қўй тери шапка кийган мужикларга шира босган кўзларини йириб ўқраярди. Лунжларини шириб, ажнабийчасига бақира бошларди. Таёқчасини ўқталиб талаб этар, тушунмаганига қўймасди. Бошга тушгандан кейин секин-секин тушунмай илож йўқ: «Марширен»— юр. «Хальт» — тўхта. «Швейна» ёки «русиш швейна» — сўкяпти демак... Нонуштадан сўнг — яна дала. Тушликдан кейин — учинчи марта таёқ ёки милтиқ кўтариб юришни машқ қилишарди. Принц Савойский қўшинидаги каби, бу ерда ҳам сидирға саф тортишни, бир текис қадам ташлашни, баравар ўқ узишни, найзабозликни ўргатишарди. Хато қилган кишини ўша ондаёқ, саф олдида иштонини тушириб, қорга ётқизиб, аямай савалашарди.

Ҳарбий уставда белгиланган машғулот ва машқ қондалари ниҳоятда оғир эди: «Милтиқ отишга тайёрлансин!» Буни бажариш учун қуйидаги тартибни ёд билиш керак: «Тортмани оч. Тортмага порох сол. Тортмани ёп. Патрон ол. Патронни тишлаб кўр. Тиғ озғига қўй. Шон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

полни ол. Шонпол билан жойла. Тепкини оч. Милтиқни ўқтал...» Сафма-сафига баравар ўқ узишар: яъни бир саф аскар якка тиззада милтиқ ўқлар, иккинчи саф отар эди; нидерфал тартибда ўқ отишни машқ қилишар: яъни бир саф қолиб, бошқа ҳамма сафлар навбатма-навбат муккасига ётиб оларди.

Австриялик бригадир Адам Иванович Вейде ҳарбий машқлар устидан назорат ва раҳбарлик қиларди. Унга ҳамда генерал Артамон Михайлович Головин билан князь Аникита Иванович Репинга, ҳар бири тўққиз полкдан уч дивизия тузиш вазифаси топширилган эди.

Поручик Алексей Бровкин Шимолдан беш юзта аскарликка ярайдиган одамларни йиғиб олди-да, Москвага жўнатиш учун йўл-йўлакай уларни ҳокимларга ёки шаҳар бошлиқларига топширди. Энди у Повенецнинг нарёғидаги пастқам ўрмонзорлар томон йўл олди. Ўша ёқдаги эски монастирларда кўпгина қочоқлар ва дайдилар яшириниб ётибди, деб эшитган эди. Лекин тажрибали кишилар:

— Монастирларда ҳозир дув-дув гап, раскольниклар хавотирланиб қолишди. Улар жуда кўп, сизда эса учта чанада ўнтача одам бор, холос. Бекорга нобуд бўласиз,— деб бу йўлдан уни қайтаришган эди.

Бу ўлканинг халқи одамови, қўрс бўлиб, ўрмонда овчилик қилиб кун кечирарди. Асл қарағайдан қурилган каттакон уйларда яшашар ва бу уйлар бостирмаю молхонаси билан бирга битта умумий том остида бўларди. Қишлоқларини қабристон деб аташарди. Қишлоқлар орасн камида бир кунлик оғир йўл. Алексей хатарли ишга отланганини ўзи яхши тушунарди. Аммо хавф-хатарсиз яшаб бўладими... Москвага қайтганингда Пётр Алексеевичга: Шимолгача бордим, лекин у ёғига оёғим тортмади, қўрқдим,— дейсанми? Ғазабнок кўзларини ўқрайтириб, турна қараш билан тепадан пастга қараб, кифтини силкиб, тескари ўгирилиб олар: бу эса ҳар қандай хавф-хатардан ҳам даҳшатлироқ,— бахт сендан юз ўгиргани шу, оёғига бош уриб минг ялинганинг билан фойдаси йўқ... Алексей ёш, қизиққон, ўжар эди. Бир вақтлар Москвага қай аҳволда келганини, офицерлик оқ шарфини тиш-тирноғи билан тақдирдан юлиб олганини ўнгида тугул, ҳатто тушида ҳам сира эсидан чиқармасди.

Повенец бозорида Алексей Яким Кировопалов деган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир овчини учратди-да, уни дарҳол йўл бошловчи қилиб олди. Яким йигирма йилдан бери савдогар Ревякинларга хизмат қилар: қорабурул тулки, қундуз, олмахон отиб бериб ҳақини оларди; илгари сувсар ҳам отарди, ҳозир эса бу ерда сувсар қирилиб кетган эди. Яким мўйналарни Повенецда Ревякиннинг гумаштасига топширарди-да, то бўйнидаги крестигача ичиб тамомлагунча айш қилиб юраверарди. Гумашта яна унга ўқ-дори, уст-бош бериб овга жўнатарди. Ўша йили кузда овнинг баракаси бўлмади, хўжайиндан олинган нарсаларни ҳисоблаб кўрилгач, бўйнига шунча қарз тушдики, овчи икки йилда ҳам бунча қарзни узолмаслиги аниқ эди. Яким яна ичкиликка берилди, ниҳоят қовоқхона олдида қор устида қип-яланғоч, аъзойи бадани дабдала бўлиб ётган жойидан Алексей турғазиб, ёнига олволди. Лекин олганига ўкинмади: Яким асл одам чиқди, фақат шуниси борки, чанада унинг учун доим бир шиша ароқ узилмаслиги шарт.

Яким калта чанғида чана олдида йўл кўрсатиб борарди. Бу ердаги ўрмонлар ҳайратомуз гўзал ва лекин қўрқинчли эди. Дарахтлар орасидан устини ўт-ўлан босиб кетган баҳайбат харсанглар кўринарди. Юриб-юриб, кимсасиз кўл бўйига чиқдилар; оппоқ қор босган тептекис кўл сатҳи кўзни қамаштириб ачиштирарди. Баъзан шариллаб тушаётган шалола товуши эшитиларди. Яким чана четига ўтириб олиб, ҳикоя қилишга тушиб кетарди:

— Бу ерда қанча одам борлигини ҳеч ким санаб кўрган эмас. Шундай овлоқ, пастқам жойлар борки, йўлини фақат мен биламан. Бироқ халқи ёмон, бағри тош одамлар: уларни қўлга олиш осон эмас.

Қоронғи тушгач, чаналарни бирон қўрага буришар ёки дарё бўйидаги ёғоч кесувчилар кулбаси олдида тўхташарди, кўкламда оқизиш учун шу ерга тайёрлаб қўйилган ёғочларни қор босиб ётарди. Қийшайган кулба ёнида отларни чанадан чиқаришарди. Солдатлар арча шохларини кесишар ва уйга ташиб, полсиз хона ўртасида ўт ёқишарди. Тутун буриқсиб, бўғот остларидан секин-аста дарахтлар учига чиқар ва ўшанақаси кул ранг осмонга кўтариларди. Яким токи ўз шивағасини, бир қадаҳ ароқни олмагунча типирчилаб тек туролмасди. Ичиб олгандан сўнг дарҳол тинчиб, шохлар устига, оловга яқинроқ жойлашиб оларди: курак соқоли, қалин лаб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари, бесўнақай бурни ва бутун важоҳати билан ўрмон ажинасини эслатарди.

— Биласанми, мен кўрмаган жой қолгани йўқ,— деб бошларди саргузаштини.— Вигани бошдан-оёқ кезиб чиқдим, Вига монастирида ҳафталаб яшадим, шундай жойларни биламанки, у ерга фақат биргина ёлғизоёқ йўл билан борилади, лекин у ҳам хатарли: ҳушёр бўлмасанг — ишинг чатоқ. Аммо шунча суриштирсам ҳам дарвеш Нектарийнинг қаердалигини билолмадим. Қайси бир раскольникка Нектарийдан оғиз очсанг, чурқ этмай тураверади, қийнамоқ тугул сўйворсанг ҳам айтмайди. Сенинг ишингга шу дарвеш ёрдам бериши мумкин, уни албатта кўришинг керак: худодан бўлиб, икки юзтача йигитни сенга берворса ҳам ажаб эмас... Ҳа, обрўйи зўр, ҳеч ким унинг гапидан чиқмайди...

— Ўзи ким, раскольниклар орасида патриархдай улкан одамми?— сўради Алексей.

— Дарвеш. Уни протопоп Аввакум Пустозерскда қатл олдидан чўқинтирган... Бундан ўн икки йил муқаддам Палеостров монастирида икки ярим минг раскольникни ўтда ҳалок қилди. Қоронғи тунда уларни муздан олиб ўтиб, монастирь дарвозасини буздирган, монахларни ва мутасаддини ертўлага қамаб, омборларни очиб, ҳаммасини едириб-ичириб тўйғизган. Хазинани босиб олишган. Барча иконаларни табаррук сув билан ювиб, шамларни ёқиб, эскичасига икки бармоқ билан чўқиниб ибодат қилганлар. Унинг ёнида эркаклар унча кўп эмас, аммо хотинлар билан болаларнинг сон-саноғи йўқ!.. Повенецдан ҳоким ўқчилар билан муздан ўтиб келади: «Таслим бўлинглар!»— дейди. Улар уч кунгача қаршилик кўрсатади, бироқ ўқчиларда тўп бор... Раскольниклар черков ичига похол, қорамой, селитра ташиб тўплашади-да, худди рождество кечаси ўзларини ўтда қурбон қилишади. Лекин Нектарий бир неча мужиклар билан бирга қочиб қутулади. Уч йилдан кейин Пудожа монастирида яна бир ярим минг кишини ўтда куйдиради. Яқиндагина Вол-озеро ёнидаги ўрмонда яна аланга, тутун кўтарилади. Одамларнинг гапига қараганда, бу ҳам Нектарийнинг иши. Шу кунларда уруш бўлармиш, солдатликка одам олишармиш, деган гап тарқалди, демак, яна ўзини куйдиришлар бошланади... Ишонасизми, одамлар унинг олдига подадай ёпирилиб келяпти, кети узилмайди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алексей билан солдатлар бу гапни эшитиб: «Ўзини ўзи ўтда куйдириш! Бундай одамлар қаёқдан пайдо бўларкин?»— деб ҳайрон қолишарди.

— Қаёқдан бўларди,— дерди Яким.— Қароллар, малайлар, қарзга ботганлар уйидан, бор-будидан кечиб унинг ёнига югуришади, Новгород ва Твердан, Москва ва Вологдадан қочиб келишади. Бу ердаги ўрмонлар одамзод устухонига тўлиб кетган, худоё тавба дейсан... Минг-минг одам бир жойга тўпланиб олгандан кейин нима билан кун кўради? Бу ерда ғалла битмайди. Одамлар нолишга тушади, нияти бузила бошлайди. Бекорга гуноҳга ботмасин учун Нектарий уларни тўғри жаннатга равона қилади.

— Ёлғонгаям уста экансан.

— Алексей Иванович, умримда ёлғон гапирган эмасман. Тириклайин тобутга ётиб олишади, шунақалари ҳам бор... Ўша ёқда, Оқ денгиз томонда бир чол майиз билан оқ фотиҳа беради, кимнинг оғзига майиз солса, демак, тириклайин тобутга ётишга фотиҳа бергани...

— Бас қил-е! Кечаси тушимга кириб, алаҳсиб чиқмайин тағин...— Алексей пўстинга ўралиб, шохлар устига чўзилди. Бирпасдан сўнг:— Яким, ўша дарвеш Нектарийни топишимиз керак,— деди.

Икки одам чанғида қоронғи ўрмондан ойдин сайхонликка чиқди. Кулбадан тутун кўтариларди. Устига чипта қоп ёпинган отлар чаналар ёнида жунжикиб турарди; соқчи солдат пўстин енглари билан милтиғини ушлаб, чанага ёнбошлаганича ухлаб қолган эди.

Икки одам жуда эҳтиётқорлик билан чанғида кулбани айланиб чиқди. Иккови найзаларини ерга тираб бирпас қулоқ солиб турди. Тўлин ойнинг ранги ўчган, ўрмонни қиров босган, ҳамма ёқ жимжит эди. Кулба ичида аллакимнинг уйқу аралаш ғулдирагани эшитилди. Чана ёнидаги от бутун вужуди билан оғир нафас олди. Соқчи солдат мўйловдор юзини ойга бериб, ўликдай қотиб қолган эди.

Чанғичилардан бири:

— Данг қотиб қопти. Маҳкам боғласакмикин, а? Кейин дуосини ўқиб ўтга ташлардик,— деди.

— Боғласак, додлаб бақиради. Ичкарида ўнтаси ётипти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бўлмаса нима қилиш керак?

— Найза билан санчсанг,— тамом. Дарҳол эшикни сиртдан тамбалаб қўямиз.

— Эҳ, Петруша, Петруша,— деб бош чайқади биринчиси.— Нима деганингни ўзинг тушуняпсанми? Ахир одам-ку, ҳайвон эмас, одамзод қонини тўкиш гуноҳи азим... Ўтда куйса — имони ҳамроҳ бўлади, дейилган... Сен бўлсанг — найза билан дейсан-а! Гуноҳга ботасан...

— Майли, гуноҳи бўйнимга...

— Йўқ, бу гапни хаёлинггаям келтирма. Исо ҳақи, мени аврама...

— Бирпасда осонгина ими-жимида жойлардик-қўярдик...

— Бунақа хаёлга борганинг учун Нектарий ҳазрат адабингни берар ҳали...

— Шундай қилсак яхши бўлармикин девдим-да...

Жим бўлишди. Нима қилишини билмай ўйланиб қолишди. Қалин қор устидан бойўғли сояси сузиб ўтди: лаънати қуш қон ҳидини сезиб айланиб қолди. Тўсатдан кулба эшиги ғижирлаб очилиб, Якимнинг сочлари ҳурпайган боши кўринди,— йўловчи ёзилгани чиқди шекилли... Икки кишини кўриб, воҳ деганича изига қайтиб ҳаммани оёққа турғизди. Икки чанғичи лип этиб қорли шохлар орқасига ўтди-да, қочиб қолди, кетларидан ўқ узилганини эшитишди, қарсиллаган ўқ товуши ўрмон сукунатини бузди.

Иккови издан чалғитиш учун жўртага айланма йўл солиб анчагача юрди. Ниҳоят, сийрак арчазор орасидан ўтиб дарё бўйига чиқишди. Ой баландда, тонг ёришай деб қолган эди. Шу яқин орада салмоқлаб чалинган чўян парчанинг мунгли садоси эшитилди...

Андрюшка Голиков эрталабки ибодатга жом чалмоқда эди. Эгнида — аврасиз эски тулки пўстин, оёқ яланг. Қорда ачишиб кўкариб кетган товонларини галма-гал кўтариб, протопоп Аввакумнинг ҳикматли сўзини қироат билан такрорлар: «Азият чекиб жафокашлар даражасига етгил, саҳобалар қавми бирла бўлғил, авлиёларга сиғишиб камол топғил»,— деб монастирь дарвозаси рўпарасига қўнғироқ ўрнига осиб қўйилган чўянни болға билан урарди. Шўрлик Андрюшка рўза куни нафсини

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиёлмай квас ичиб қўйгани учун дарвеш уни шу жазога мустаҳиқ қилган эди.

Жом товушини эшитган раскольниклар ҳужраларидан чиқиб, эркаклар алоҳида, хотинлар алоҳида тўпланa бошладилар. Монастирь унчалик катта эмас, атрофи четан девор эди. Кўпчилик атрофдаги чашма бўйларида, ботқоқзор орол четларида яшарди. Ўша ерлардан сўқмоқ йўл билан келишарди. Олисда турадиганлар, ибодатга кечикмаслик учун шошилишар, чунки дарвеш ниҳоятда баджаҳл эди.

Монастирь ҳовлисида похол ғарамлари ўртасида ёғочдан қурилган пастак ибодатхона бор эди; унинг томи тўрт поғона қиялаб тушган, ўртаси саккиз бурчакли минорага ўхшатиб кўтарилганди.

Раскольниклар дарвозадан киришлари биланоқ бошларини энгаштириб, қўлларини қовуштириб, қўрқа-писа оҳиста қадам қўйишарди: эркакларнинг кўпчилиги ўрта яшар, ҳали қаримаган, аёллар пўстин устидан бўз мурсак кийиб, рўмолларини юзларига тушириб олишган. Ғира-шира ой шуъласида чўян парчаси гўё диққинафас ҳаётдан нолигандек даранглар, чипта кавушлар остида қор ғирчиллагани эшитиларди.

Ибодатхона эшиги олдида икки бармоқ билан чўқинишиб, итоаткорона сукут сақлаб ичкари киришарди. Қадимги усталар чизган иконалар олдига арзон баҳо шамлар ёқиб қўйилганди. Пастқам ўрмонзорда шам топилгани таажжуб эди. Ҳамма тиз чўкар: эркаклар — ўнг томонда, хотинлар — чап томонда, орага латта-путтадан қилинган қуроқ парда тўсилган эди.

Бояги икки одам чанғида тез учиб дарвозадан кирди-да, Андрейга:

— Чалишни бас қил, иш чатоқ,— деди ҳаллослаб.

— Дарров кириб дарвешга айт, бу ёққа чиқсин...

Андрей доим рўза тутгани, уйқусиз тонг оттиргани, уззукун ваҳм ичида яшагани учун аъзойи бадани жунжикиб, асаблари тордай таранглашган эди. Ваҳм босиб, болғани қўлидан тушириб юборди, қалтираб-титраб, нафас ололмай қолди. Лекин Нектарий жин-ажинани қандай даф этишни унга ўргатган (жинлар эса сон-саноқсиз: қанча чалкаш фикр бўлса — ўшанча жин-ажина), шунинг учун Андрей: «Лаънати ажина, менга яқин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашма», деб шоша-пиша такрорларди... Болғани ердан олди, чўянни даранглатиб урди-да, нари тур, менга халақит берма, дегандай бош чайқади...

— Андрей, тўхтасанг-чи, ахир! Анови офицерни кўрдик: солдатлари билан беш чақирим жойда турипти,— деди бир чанғичи.

— Жилла бўлмаса, секинроқ чал, эшитиб қолишади... Яким ҳам ўшалар билан бирга: буни эшитса, тўғри шу ерга бошлаб келади,— деди иккинчиси.

Андрей азбаройи қалтираганидан тишларини такиллатиб:

— Дарвеш ўз ҳужрасида, олдига тўғри киравернг,— деди.

Улар чанғиларини ечиб, ҳужра томон кетишди. Иккови ҳам, бири — Стёпка Бармин, иккинчиси—Петрушка Кожевников. Повенец ёнидаги посаддан бўлиб, овчилик орқасида кун кечиришарди. Лекин икки бармоқ билан чўқинганн учун Повенец ҳокими уларни бир неча марта калтаклаган, молларини тортиб олиб, роса жонларига текканди. Икки йилдан бери улар бола-чақаларини Вигов монастирига яшириб, ўзлари овлоқ ва пастқам жойларда овчилик қилишарди. Раскольниклар орасида, монастирь томонга офицер билан солдатлар келяпти, деган гап тарқалгач, дарвеш Нектарий Стёпка билан Петрушкага бу дажжол малайларини — соч-соқоли қирилган, заҳарли гиёҳ тутатувчи, гўсхўр лаънатиларни кузатиб юриш, йўлдан чалғитиб адаштириш, иложи бўлса — қон тўкмасдан гумдон қилиш тўғрисида буйруқ берди.

Нектарийнинг олдига тўғри кириб боришга рухсат этилмасди. Шунинг учун чанғичилар муздай даҳлизда кутиб туришди. Уларнинг олдига дарвешнинг дастёри— сил башара, кўзлари шилпиқ, чўлоқ ўсмир бола — Порфирий чиқди. (Андрей ҳам дастёрлик қиларди.) Унга воқеани шивирлаб гапириб беришди. Порфирий бошини бир ёққа қийшайтириб: «Киринглар»,— деди. Хабарчилар даҳлиздан ҳужрага қадам қўяркан, шапкаларини бошдан олиб, мумкин қадар бежиримроқ бўлишга ҳаракат қилиб қимтинишар, чунки иккиси ҳам ҳаддан зиёда норғил, семиз ва бесўнақай эди, дарвеш эса соғлом ва бақувват кишиларни ёқтирмасди.

Минбар ёнида турган паканагина, букчайган одам— Нектарий, эгнида — хонаки матодан қадимий бичиқда тикилган қора жубба. У Стёпка билан Петрушкага хўм-

www.ziyouz.com kutubxonasi

райиб қўйди: ингичка соқоли деярли тиззаси устида осилиб турар, кўмирдай қоп-қора кўзлари қора қошлари остидан хунук тикиларди. Куя тушиб ишдан чиққан муқовага ўрнатилган шам чарсиллаб ёнар — қаттиқ совуқ бўлишидан дарак берарди... Кўл бўйидаги қўйтошлардан яшланган печь ниҳоятда қизиган, ёғоч деворлар яхшилаб қирилиб тозаланган эди. Қуритилган ҳар хил гиёҳлар даста-даста қилиб шифтга осиб қўйилганди.

Стёпка билан Петрушканинг мўйловларидаги яхлар эриб туша бошлади, лекин иккови ҳам мўйловини артиб олиш учун қўлини кўтаришга журъат этолмай, токи дарвеш ўқишни тугатгунча қимирламай кутиб турди. Нектарий даҳшатли овоз билан қироат қиларди. Қоронғи бурчакда ёнбошлаб ётган телбанамо мужик дарвешга тикиларди: у кишанга солиниб, девордаги темир қозиққа боғлаб қўйилган эди. Печь ёнида, устига эски чопон ёпилган тоғорада хамир ошиб кўтарилмоқда эди.

Ниҳоят, дарвеш Нектарий ўгирилиб қаради:

— Хўш, нима гап?— деб сўради-да, оппоқ соқолини селкиллатиб уларнинг устига бостириб келаверди. Айиқдан қўрқмайдиган, лосни тириклай ушлайдиган икки мужик дарвеш олдида довдираб қолди. Стёпка тутилиб-тутилиб воқеани сўзлай бошлади, Петрушка ҳам ҳа-ҳалаб гапга аралашди.

— Демак, сен Петруша,— деди Нектарий майин товуш билан,— ўша солдатни найза билан ўлдирмоқчи бўлдинг, лекин сен, Стёпа, гуноҳга ботишдан қўрқдинг, шундайми?

Степан қизишиб жавоб қилди:

— Отахон, биз икки ҳафтадан бери уларнинг кетидан юрибмиз. Лаънати Яким бу томонларни яхши билади, тўғри шу ерга бошлаб келяпти. Унақасигаям, бунақасигаям ўйлаб кўрдик... Улар жуда ҳушёр, йўқса, эшигини сиртдан тамбалаб, ўт қўйворсак, осонгина гумдон бўларди-қўярди. Дуосини ўқиб чўқинтириб қўя қолардик... Уларга ҳам яхши бўларди, бизга ҳам... Афсуски, иложини тополмадик... Босқинчилик йўли билан одам ўлдириш — йўқ, худо сақласин... Сал бўлса, шайтон йўлдан оздираёзувди...

— Мен сизларга, ўт қўйгин, деб фатво бердимми?— сўради дарвеш. (Иккови ҳам анграйиб унга қаради. Лекин индамади.)— Демак, дуо ўқишга уста экансан-да,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Стёпа, шундайми ҳали? Ўн кишини ўтда чўқинтирмоқчи бўлдингми? Ҳа, ҳа! Ким сенга бундай ҳуқуқ берди? Уни қара, Петрушани шайтон чалғитипти, сен бўлсанг, шайтонни ҳам енгибсан. Ана авлиёлик! Ана каромат!

Степаннинг қовоғи осилиб кетди, Петрушка эса ҳеч нарсага тушунолмай кўзларини мўлтиратиб, дарвешга қаради.

— Порфирша,— деб чақирди дарвеш,— бухурдонга чўғ солиб, дуойи тиловат билан пуфлаб тутатгин.

Чўлоқ дастёр бола ёғоч қозиқдан бухурдонни олиб, диконглаганича печь ёнига борди, кедр елимига чўғ қуйиб пуфлаб тутатди-да, қўлини ўпиб дарвешга берди. Нектарий бухурдонни шарақлатиб, узун қўлида ерга тегар-тегмас судраб мужиклар юзига тутата бошлади, ёнидан ва орқа томонидан айланиб пичирлаб дам солди. Бухурдонни Порфирийга бериб, камарига қистирилган ўрма қамчинни олди-да, Стёпканинг юзига аямай солиб қолди, сўнгра Петрушканинг юзига тортиб юборди. Иккала мужик дарҳол тиз чўкди. Дарвеш кўкарган лаблари билан пичирлаб: «Такаббурлик, такаббурлик, лаънати такаббурлик»,—дея уларни савалайверди. Телбанамо мужик тўсатдан хахолаб кула бошлади, занжирдан юлқиниб, ит сингари ирғишлаб:

— Савала, чол, аямай савала, жинини қоқ,—деб бақирди.

Дарвеш чарчади, бир четга чиқиб оғир-оғир нафас олиб:

— Нимага урганимни кейин тушунасиз,— деди энтикиб:— Боринглар, Исога топширдим.

Икки мужик ҳужрадан оҳиста чиқди. Ой нури хиралашиб, ибодатхона ортида қорайган ўрмонзорнинг нарёғида осмон ёришмоқда эди. Аёз турганди. Мужиклар қўлларини ёйиб ҳайрон бўлишар: айблари нималигини, нега урганини, энди нима қилиш кераклигини билолмай бошлари қотарди.

— Узоқ йўл босдик, овқат ҳам емадик,— деди Петрушка минғирлаб.

— Энди қайси юз билан овқат сўраймиз?

— Балки, нон-пон берар...

— Яхшиси, кўзига кўринмаганимиз маъқул. Қани кетдик, анавиларни пойлаймиз. Олмахон отиб, пиширибермиз, оч қолмасмиз ахир...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Андрей Голиков дағ-дағ титраб, печь устига чиқиб чўзилди. (Дарвеш ибодатхонага кетаётганда чалишни тўхтаттириб ибодат қилиш ўрнига: ҳужрага кириб нон ёпгин, деб буюрганди.) Совуқ олган оёқлари печнинг қизиган тошларига теккан сари зирқираб оғрир, очликдан боши айланарди. Оғриғи зўрлигидан мукка тушиб, тагидаги шолчани тишлаб олганди. Чинқириб юбормаслик учун Аввакумнинг ҳикматли сўзларини ичида такрорларди: «Одамзод — мараз ва нажасдур... Мен итлар ва чўчқалар билан яшаганим маъқул, негаки, улар ҳам худди менинг руҳим сингари бадбўй, сассиқ ҳид тарқатади. Мен гуноҳим кўплигидан ўлган ит каби сасиб кетдим...»

Телбанамо мужик бурчакда занжирни шалдиратиб деди:

— Бугун кечаси чол яна асал еди...

Андрей ҳар сафаргидай унга: «Бекор айтибсан!»— деб бақирмади, чунки шолчани қаттиқроқ тишлаб ўзини тийди. Аммо кўнглига шубҳа солган шайтонни енгишга ортиқ кучи етмади. Андрейнинг кўнглида бундай шубҳа туғилишига арзимас бир нарса сабаб бўлди. Нектарий билан дастёрлар — уч киши қирқ кунлик рўза тутишга ният қилиб, бир қултум сувдан бўлак ҳеч нарсани оғизларига олмадилар. Дарвеш Андрей билан Парфирийга, қироат вақтида томоқлари қақрамасин ва дармон бўлсин учун, квас билан оғизларини ҳўллашга ва кўкракларини ишқалашга ижозат этганди. «Менга бунинг кераги йўқ, фаришта жаннатда оби зам-зам билан оғзимни ҳўллаб туради»,— дерди. Қизиғи шуки, Андрей билан Порфирий кундан-кунга дармонлари қуриб, овозлари зўрға чиқар, адойи тамом бўлиб фақат кўзларигина қолганди, холос, чол эса — балодай тетик эди.

Бир куни тунда Андрей, дарвешнинг печь устидан оҳиста тушганини, кўзадан бир қошиқ асал олиб, просфорага — табаррук кулчага суриб еганини кўриб қолди. Андрюшканинг аъзойи бадани музлаб кетди: бундай мунофиқликни кўргандан кўра, одамни бўғизлаганини кўрса қайтага яхшироқ бўлармиди балки... Бу ҳодисани сир сақлашни ҳам, бировга айтишни ҳам билмай роса боши қотди. Эрталаб йиғлаб туриб ўзига айтди. Нектарий ҳатто энтикиб, нафаси бўғилди:

— Итвачча, аҳмоқ! Ахир у мен эмас, шайтон-ку! Сен бўлсанг суюниб юрибсан. Мана шуни айтади-да, балойи

www.ziyouz.com kutubxonasi

нафс деб! Сенга қолса, бир қошиқ асал учун имонингни сотасан!

Дарвеш Андрейни оташкурак билан уриб-уриб, ҳужрадан ҳайдади, ёлғиз ички кўйлакда муздай ҳовлига чиқариб қўйди. Шундан кейин Андрей анча тинчиб, кўнгли жойига тушди. Бироқ ҳужрада ҳеч ким йўқлигида, кўздан бери иссиқ жойда маза қилаётган тентакнамо мужик яна шу гапни қўзғади:

— Андрюшка, қошиқни олиб кўр — асал юқи бор, ваҳоланки, кеча тозалаб ювилган эди. Ялаб олгин.

Андрей уни қойиб берди. Янаги кечаси дарвеш тағин асал еди: худди қуён сингари лабини секин-секин чапиллатиб роса тамшанди. Тонготар маҳалида ҳамма ухлаб ётганда Андрей қошиқни олиб кўрди — яна асал юқи! Бир кунда сочлари оқариб кетди...

Шубҳаси зўрайиб кўнглини вайрон қилди. Ким ёлғончи, ким алдаяпти? Кўзим алдаяпти деса,— қошиқда асал юқи бор, оппоқ мўй илашган, бу нима? Шайтоннинг мўйи эмас-ку! Борди-ю, дарвеш алдаган бўлса-чи? Кимга ишониш керак?.. Андрейнинг мияси ғовлаб, дили вайрон бўлиб, ақлдан озишига сал қолди. Нектарий доим бир гапни такрорларди: «Дажжол пайдо бўлди, унинг малайлари ер юзини босиб кетди. Бизнинг юртимизда ҳам каттакон шайтон пайдо бўлди, унинг жазоси — дўзах»,— деб лоф урарди. Агар шу гап рост бўлса, Нектарийга қандай ишониш мумкин: ўша дажжол, ўша шайтон худди ўзи бўлса-чи? Оташкурак билан елкангга туширгиш шайтоннинг ҳам қўлидан келади... Хуллас, ҳаммаси ноаниқ ва чалкаш фикрлар, худди устига хас ташлаб қўйилган ботқоқ жой сингари омонат ва хатарли... Фақат биргина йўл қолди, у ҳам бўлса,—ҳеч нарсани ўйламаслик керак, калтакланавериб шалоғи чиққан ит сингари бўйнини қисиб, бошини осилтириб юбориш ва нима деса — ишониш керак, ақл билан эмас—қорни билан ишониш керак. Ишонгинг келмаса-чи? Ақл бовар қилмаса-чи? Ҳа, фикрни сўндириш мумкин эмас, у яшин каби чақнагани чақнаган. Демак, фикр юритиш дажжолнинг найранги? Бундан чиқди, фикрлар ҳам дажжол чақнатган учқунлар экан-да? Бирданига Андрейни муздай тер босиб, юраги орқасига тортиб кетди: «Менга нима бало бўлди? Қаёққа оғиб кетяпман? Ғарибу нотавон, гадойдан хароб, чивиндан ожиз кимсаман-ку ахир... Ундан кўра дарвешни оёғига бош уриб, мени қутқар, менга

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўл кўрсат, деб ялинишим керак...» Ичида шундай дерди-ю, бироқ асалга илашган мўй эсига тушиб, дарвешга ялингиси, ҳатто афтини кўргиси келмасди... Андрей бу ерга тинчлик, беғалва турмуш излаб келганди, бироқ кўнгил ғашлигидан, шубҳадан бошқа ҳеч нарса тополмади...

Ниҳоят, очлик ва заифлик натижасида Андрей бутунлай ҳолдан кетди, фикрлари хиралашиб, мўмин-қобил бўлди-қолди. Ҳар куни калтак еяверіб, калтак ўтмайдиган бўлди. Дарвеш кундан-кунга ғазабга миниб Андрейни қаттиқ азоблар, чўлоқни «Порфиша, қўзичоғим»,— деб эркалатса, буни итдан баттар калтаклар эди. Қочиш керак... Лекин қаёққа? Айтмоқчи, ўша қишда Вигов монастирига чаналарда ғалла келтиришганда Денисов унга: «Бизда қолгин, ибодатхонани безайсан. Муз кўчгандан сўнг сени товар билан Москвага жўнатаман. Мен ишонаман сенга»,—деган эди. Бироқ Андрей унамади, кўнгли чопмади: хотиржамгина, тинчгина яшашни, тоат-ибодатни орзу қилганди... Ўшанда хаёлан ўрмондаги ҳужрача ҳамда тақия кийган кекса дарвеш кўз ўнгида намоён бўлгандек эди, назарида дарё бўйидаги харсанг устида ўтириб у дунё тўғрисида ўз дастёрига ҳикоя қилаётгандек, жамики ҳайвонлар ўрмондан чиқиб, паррандалар дарахт шохларига қўниб бу ҳикояни тинглаётгандек, шимол қуёши ҳам буни эшитмоқ учун атайлаб бу хилват жойдаги сокин дарё устига ҳарорат нурини сочаётгандек туюлган эди... Ана сенга тинчлик, ана хотиржамлик! Ҳаттоки, ўша бўронли тунларда, Хитой-город девори тагида совуқдан қалтираб, ғиншиб ётганида ҳам, дорга осилганича музлаб қолган ўқчилар мурдаларининг бир-бирига урилиб қисирлаганини эшитганида ҳам бунчалик даҳшатга тушмаган, фикрлари бу қадар туғён урмаган эди.

Телбанамо мужик печь устида мукка тушиб ётган Андрейга қараб гап сўҳа бошлади:

— Сен бу ерда узоқ яшаёлмайсан, негаки, жудаям заифсан. Чол сени гўрга тиқмагунча қўймайди, чунки сен томоғига тиқилган устухонсан, олиб ташламаса тинчимайди. Бу чол жудаям такаббур, ҳукмронликни яхши кўради. Бутун фикр-зикри авлиё бўлиш. Ҳар хил исм-аъзамларни ўқийвериб, феъли ғалатироқ бўлиб қолди... Агар қаҳратон қиш бўлмаганда, ўн йил сурункасига қарағайда истиқомат қиларди. Одамларни куйдиришига

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам ҳукмронликни яхши кўргани сабаб! Ўрмон подшоси... Мен, биродар, уни авра-астаригача биламан, ичида нимани ўйлагани менга аён, худо урсин, ундан ақллироқман... Мен ҳаммангдан ҳам ақллиман. Ҳақиқатан ҳам ичимда учта шайтон бор. Биттаси — тутқаноқ, бу жудаям зўр шайтон... Иккинчиси — ялқовлик... Агар ялқов бўлмаганимда занжирга боғланиб бу ерда ўтирмасдим... Учинчиси — ақл, мен ҳаддан зиёда ақллиман, ҳа! Бир кун олдин аъзойи баданим зирқираб оғрий бошлайди, биламанки, тутқаноқ хуруж қиляпти, ҳаммасига ақлим етади. Ғазабим қайнайди, кўзимга ҳамма нарса балодай кўринади... Ҳар бир одамнинг ким ва қаерданлигини, дарди нималигини, эси қанақалигини бир қарашдаёқ айтиб бераверaман. Лекин кулдириш учун жўрттага аҳмоқона гап қиламан... Занжирни ғажийман, ерга думалайман,— қизиқ, одамлар ишонади... Ҳаттоки чол ҳам оғзини очиб кўзларини йириб томоша қилади. Чол ҳам, бошқалар ҳам — ҳаммаси мендан қўрқади. Баҳорда яна қочаман... Сени бу чол, Ондрюшка, оташкурак билан ураверib, ўпкангни туширади, адойи тамом бўласан. Тўғрисини айтсам, биринчи алангадаёқ аввало сени ўтга тиқади...

— Овозингни ўчир, худо хайр берсин, бас қил...

Андрей печдан тушди, қўлини ювиб, енгларини шимарди-да, хамир тоғоранинг қопқоғини очди. Бошқа ҳужраларда бир ҳисса унга икки ҳисса пўстлоқ талқони қўшиб хамир қилишарди, лекин бу хамир тоза ундан қилинганлиги учун оппоқ бўлиб кўпчиган эди. Телбанамо мужик хамирни кўрмоқчи бўлиб чўзилди. Занжирини бир тортиб қозиқ-позиғи билан суғуриб олди. Андрей қўрқиб кетди.

— Қўрқма,— деди мужик енгини шимариб,—мен доим шундай қиламан. Дарвеш қайтса, дарров қозиқни жойига тиқиб қўяману жим ўтираман...

У ҳам қўлини ювди-да, Андрейнинг ёнига бориб просфора ясашга ёрдамлашди. Зувалалар тайёр бўлгач, печга қўйишди.

— Эҳ, Ондрюшка, жудаям зерикиб кетдим... Битта хотин бўлганда-ку...

— Овозингни ўчир... Туф-э! (Андрей бундай куфрона сўзлардан ўзини ҳимоя қилиб чўқинмоқчи бўлди-ю, бироқ қўли хамирлиги учун чўқинолмади.) Худо урсин, дарвешга айтаман...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Айтишни кўрсатиб қўярман сенга... Аҳмоқ бўлмасанг ўйлаб кўр-чи: монастирдаги хотинлар нега иккиқат бўляпти, хўш? Масалан, Вигов монастирида ўттизтача хотин бўғоз сигирдан баттар қорин солиб зўрға юрипти... У ерда тартиб-интизом жудаям қаттиқ, шунга қарамай...

— Ҳамма гапинг ёлғон...

— Қараб турсам, бунинг мазасини ҳали тотимабсан, шундайми, Ондрюшка?..

— Токи тирикман — ўзимни булғамасман...

— Силлиққина жононни чақириб, унга пол ювдирилсами... У энгашиб ювса, сен скамейкада ўтириб томоша қилсанг, аъзойи баданинг жимирлашиб кетар... Э, биродар, бу — ароқдан ҳам ўткир нарса...

Андрей бармоқларини шоша-пиша хамирдан тозалади. Аёзда бирпас тургиси келиб ҳужрадан чиқди... Субҳидам пайти, шафақ яллиғланиб ўрмон ортига кенг ёйилган, офтоб ҳам чиқишга маътал эди. Қордаги излар қорайиб кўринар, уйлар ёнидаги қор уюмлари худди каттакон каллақандга ўхшар, баҳайбат арчаларнинг учлари яшил рангда товланар эди. Ибодатхонанинг қия очиқ эшигидан чиққан мингли хониш садоси чалинарди қулоққа. Стёпка билан Петрушка Андрейнинг ёнидан яна чанғида ўтаётиб:

— Дарвозани беркит! Анавилар шу ёққа келишяпти,— деб бақирди.

Алексей Бровкин Якимни раскольниклар билан гаплашиш учун жўнатди: қандай одамлар, қанча, нима учун подшо офицерига дарвозани очишмайди?— шуни билиб кел, деб тайинлади. Отларни ўрмонда, йўл бўйида қолдириб, ўзи солдатларни эргаштириб, милтиқларини ўқлашга буюриб, монастир ёнига борди. Баланд тахта девор ортидан томларда уйилиб ётган қор кўринар, ибодатхонанинг қоқ тепасида саккиз қиррали крест кўкимтир тусда йилтирарди, ибодат вақти аллақачон тугаган бўлса-да, ҳали ҳам ичкаридан хониш садоси келарди.

Яким дарвозани анчагача тақиллатди. Ниҳоят, тахта деворга чиқиб: ит-пит йўқми, деб у ёқ-бу ёққа кўз ташлади-да, сакраб ҳовлига тушди. Алексей вазминроқ кўриниш учун учбурчак шляпани кийди-да, барра пўстин устидан шарф боғлаб, қилич тақиб олди: агар даҳ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шат солиб қаттиқ турилса, бу ердан анчагина одам топиладиган кўринарди, чунки бу атроф ниҳоятда пастқам, икки бармоқ билан чўқинувчилардан солиқ йиғувчи мирза ёки Бурмистрлар палатасининг комиссари бу ерга қадам босмаган бўлса керак... Вақт имиллаб ўтар, эрталабдан бери туз татимаган солдатлар уфқдан салгина кўтарилиб тўхтаб қолган қуёшга дам-бадам қараб қўйишарди. Алексей қўлқопини оғзига тўсиб, калта-калта йўталар эди.

Ниҳоят Яким девордан ошиб, қайтиб келди:

— Алексей Иванович, иш ўнгидан келди: Нектарий шу ерда экан.

— Шу ерда бўлса, нега дарвозани очмайди шайтондан тарқаган чол! Бу аҳволда солдатлар совқотиб қолади-ку!

— Алексей Иванович, ҳамма одам ибодатхонага қамалиб олипти. Шу ерда бир танишимни учратдим, новгородлик мужик, уни занжирга боғлаб қўйишипти... Ўша айтди: қавми икки юзтача одам, солдатликка яраиганлари ҳам бор, бироқ уларни қўлга олиш қийин деди: дарвеш уларни куйдирмоқчи эмиш...

Алексей шубҳали назар билан Якимга тикилди:

— Ие, куйдириш нимаси? Ким рухсат этди унга? Бунга йўл қўймаймиз. Одамлар уники эмас— подшоники...

— Ҳамма гап шунда: ўрмонда шу дарвеш подшо...

— Ёлғонни бас қил! (Алексей солдатларни чақирди, улар аҳвол ниҳоятда жиддийлигини фаҳмлаб, бўйнидан боғлагандай, секин-секин келишди.) Гапни чўзиб ўтиришга вақтимиз йўқ. Йигитлар, дарвозани бузинг...

— Алексей Иванович, орқа-олдига қараб иш қилиш керак. Ибодатхона атрофига зич қилиб тапии қаланган, ичкарисида эса похол, қорамой, бир бочка порох тайёрлаб қўйишган... Яхшиси шуки, мен бир амаллаб дарвешни чақириб чиқаман. Ўзиям балодай тушунса керак: ахир, икки юз кишини ўтда куйишга кўндириш осон эмас... Сиз уни, Алексей Иванович, иззат-икром билан кутиб оласиз, чунки, бу чол ниҳоятда шуҳратпараст, дўстона суҳбатлашиб келишасиз-қўясиз.

Алексей сергап Якимни итариб ташлади. Дарвоза олдига бориб, нақадар мустаҳкамлигини билмоқчи бўлиб итариб кўрди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йигитлар, хода опкелинглар...

Яким четга чиқди. У киприкларини пирпиратиб, бу ёғи нима бўларкин, деб томоша қиларди. Солдатлар ходани тебратиб туриб, дарвоза тўсинига гурсиллатиб урардилар. Учинчи зарбдан кейин хониш қилаётган раскольникларнинг овози ўчди.

— Ибодатхонага бор...

— Бормайман, дедим, бормайман, қўй мени ўз ҳолимга,— деб минғирлади телбанамо мужик.

Нектарий ҳозиргина эшикдан ҳовлиқиб-энтикиб кириб келди; соқолига мўм ёпишиб, сариқ сумалак сингари осилиб қолган, кўзлари оқариб, қорачиқлари игна тешигидай торайиб кетганди: дарвеш мужикни қўрқитмоқчими ёки ҳовлиққанидан ўзини йўқотиб қўйганми— билиб бўлмасди. Овози бўғилиб бақирарди нуқул:

— Евдоким, ҳой Евдоким, охир замон яқинлашди... Имонингни қутқар! Бир соат қолди қиёмат қойимга... Ана даҳшат! Атрофингда жин-ажиналар рақс тушмоқда! Кеч бу дунёдан, йўқса абадий азобга маҳкум бўласан!

— Оғзингдан чиқиб ёқангга ёпишсин, йўқол!— деб бақирди Евдоким бош чайқаб.— Жин-ажинанг нимаси? Умрим бино бўлиб, менга ажина илашган эмас. Борибўша аҳмоқларни лақиллатавер, менга овора бўлма...

Нектарий тасбеҳини баланд кўтарди. Бироқ Евдоким энгашиб, ер тагидан шундай хўмрайиб тикилдики, дарвеш бўшашиб, скамейкага ўтириб қолди. Иккиси ҳам жим бўлди...

— Ондрюшка қани?— сўради ниҳоят чол.

— Ким билсин, қайси гўрда юрипти Ондрюшканг...

— Ҳой, лаънати, сенга нажот йўқ...

— Йўқ бўлса — йўқ, кўп вайсайверма...

Дарвеш ўрнидан сапчиб турди-да, дастёрни қидириб, балки қўрққанидан бехинганмикин, деб печь орқасини қарамоқчи бўлди... Шу пайт ҳовли томондан гурсиллаган, қасирлаган товуш эшитилди.

— Дарвозани бузишяпти,— деди Евдоким ишшайиб.

Нектарий печь ёнига бормасданоқ қоқиниб тушди, дағ-дағ қалтирай бошлади. Шартта эшикни очиб ҳовлига югурганда этаклари елкан сингари ёйилиб кетди. Эшик ланг очилганича қолаверди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ондрюшка!— чақирди Евдоким.— Эшикни ёпиб қўй, уй совиб кетди.

Ҳеч ким жавоб бермагач, қозиқни девордан суғирди-да, сўкина-сўкина, эшикни ўзи бориб ёпди.

— Бу ердан яхшилик кутма, эсинг борида жўнаб қолиш керак.

Евдоким печь орқасига кўз ташлади: девор билан печь орасидаги камгакда Андрей Голиков биқиниб турарди, азбаройи қўрққанидан эси оғиб, ранги оқариб кетган, ҳиқичоқ тутиб, эшитилар-эшитилмас ҳиқиллар эди. Евдоким унинг қўлидан тортди:

— Нима, ўлишга тобинг йўқми? Йўқ бўлса—ўлиш керак эмас, бемалол яшайвер... Дарров калитни топ. Чол уни қаерга яширдийкин? Қишанни ечишим керак. Ондрюшка! Кўзингни очсанг-чи, ахир...

Ҳамма тиз чўкиб олганди. Хотинлар болаларини бағирларига босиб унсиз йиғлашарди. Эркаклар эса— баъзиси бошини қуйи солиб, ғадир-будур кафти билан юзини тўсиб олган, баъзиси — шамлар шуъласига аграйиб тикилганича қотиб қолган эди. Нектарий тез қайтиб келаман, деб ибодатхонадан чиқиб кетди. Бир неча соатдан бери роса қийналган одамлар эркин нафас олдилар. Боядан бери дарвеш, одамлар ёш боладай итоаткорлик билан жим турсалар-да, бу ҳам камлик қилгандек овози борича ўшқириб бақирган: «Илиқ бўлса — қуским келиб қочаман! Ловиллаб ёнса — жуда роҳат қиламан! Мен ўтлаб юрган қўйларни эмас, ўтда ёнган жамоатни жаннатга етаклайман!»— деб безор қилган эди...

Унинг талабини бажариш,— ўз ихтиёри билан ўтда ёниш,— жуда-жуда қийин... Лекин бу ерга қишлоқнинг оғир ҳаётидан безган дилхаста одамлар тўпланганди: уларни қип-яланғоч қилиб, то сўнгги тўнигача тўнаб слиб, ўз юртини ташлаб қочишга мажбур қилишган эди. Улар тинчлик, хотиржамлик излаб бу ерга келгандилар. Заҳкаш ботқоқ жойда шишсалар ҳам, пўстлоғ талқон қўшилган нон есалар ҳам қаноат қилиб, ҳар ҳолда ўрмонда ўзимиз хўжайин, эркин юрибмиз-ку, деб чидаган эдилар... Бироқ маълум бўлдики, тинчлик текинга берилмас экан. Нектарий ўз қавмини бағритошлик билан қаттиқ тергарди. Уззукун қулоғига қуйиб, одамларда дажжолга қарши зўр нафрат уйғотишга ҳаракат қилар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва бу йўлда сира чарчамасди. Қимики дилини нафрат билан суғоришда ялқовлик қилса, қаттиқ жазолар ёки монастирдан бутунлай ҳайдар эди. Мужик азалдан буйруққа итоат этиб ўрганган, дарвеш буюрдими — демак, бажариш шарт... Ўз ихтиёринг билан ўтда ён дедими— илож йўқ, ёниш керак.

Дарвеш бугун ҳаммани атайлаб қаттиқ қийнамоқда эди, афтидан, ўзи ҳам ҳолдан тойган кўринарди... Порфирий супада туриб ингичка овоз билан минғирлаб қироат қиларди. Одамларнинг нафаси буғланиб, гумбазсимон шифтгача кўтарилар ва у ердан томчилаб яна пастга тушар эди...

Тўсатдан дарвеш қайтди-да, эшикдан кирар-кирмас бақира бошлади:

— Эшитяпсизми?! Дажжол малайлари келди, эшитяпсизми?

Оғир зарблардан дарвоза гурсиллаганини ҳамма эшитди. Дарвеш қуюндай ёпирилиб, ҳилпираган этак учларини одамлар бошига теккизиб, тез-тез юриб меҳроб томонга ўтди. Соқолини селкиллатиб, қора рангли иконаларга уч карра таъзим қилди-да, кетига ўгирилиб қавмга шу қадар даҳшат билан тикилдики, болалар қўрққанидан чинқириб, йиғлаб юборди. Унинг қўлида болға билан бир қанча мих бор эди.

— Эй руҳим, муқаддас руҳим, уйғон энди, нега ухлайсан?— деб фарёд қилди.— Вақт-соатинг келди, охир замон бўлди... Биз учун ер юзида шу тўрт девордан бўлак жой қолмади. Қани, болаларим, ўт-аланга ичида осмонга учайлик... Ибодатхонанинг қоқ тепасида, осмонда каттакон туйнук очилганини ҳозир кўрдим, худо урсин, рост... Малоикалар жаннатдан чиқиб, шод-хуррамлик билан бизга пешвоз келяпти, қўзичоқларим...

Аёллар бошларини кўтарди, кўзлари жиққа ёшга тўлди. Баъзи эркаклар ҳам ўпкалари тўлиб хўрсина бошлади...

— Бундай қулай пайт яна келиб бўпти! Бизни жаннат чорлаяпти... Ака-укалар, опа-сингиллар! Эшитяпсизми, дарвозани бузишяпти! Шу дамгача бизларга асраб келган муқаддас оролни дажжол лашкари ўраб олди... Ибодатхона деворлари ортида — оламни зимзиё зулмат, қўланса ҳид босиб келмоқда. Нажот йўқ...

Болға билан михларни олиб эшик ёнига борди, у ерда учта тахта тайёрлаб қўйилганди. Мужикларга буюр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди: улар тахталарни ушлаб туришди, дарвеш эшикка кўндаланг тўсиб ўз қўли билан михлаб қоқди. У пишиллаб нафас оларди. Ибодат қилаётган раскольниклар ваҳм ичида кўзлари қинидан чиқаёзиб, унга тикилишарди. Оқ мурсак кийган бир жувон ибодатхонани бошига кўтариб чинқирди:

— Нима қиляпсизлар? Бу қандай кўргилик? Керак эмас, барака топкурлар...

— Керак!— ўшқирди дарвеш ва яна меҳроб ёнига борди.— Ўтдан қўрққан одам қандайига христиан бўлиши мумкин? Ўтда ёнамиз, аммо абадий тирик қоламиз. (Ҳали жувоннинг юзига тарсаки тортиб юборди). Аҳмоқ! Ҳа, хўп, эринг бор, уйинг бор, сандиқда лашлушинг бор... Кейин нима бўлади? Охири тобутми? Мен шу дамгача сиз нодонларга ачиниб келдим. Энди мумкин эмас... Душман эшик орқасида турипти. Бу имонсиз шундай золимки, қўлида коса — ичи тўла нажас, сизларни шу билан чўқинтирмоқчи. Чўқинаверасизми? Ана даҳшат!

Жувон ўзини ерга таппа ташлаб, юзини тиззалари орасига олиб, қалт-қалт титраб, тобора қаттиқ овоз билан ўкира бошлади. Бошқалар қулоқларини беркитишар, унга қўшилиб додлагиси келса-да, оғизларини тўсиб, томоқларига қадалиб турган фарёдни ичларига ютишарди...

— Қани, бора қол, чиқа қол эшикка... (Яна гурсиллаган, қарсиллаган товуш эшитилди.) Эшитяпсизми? Подшо Пётр дажжолнинг ўзгинаси... Унинг лашкари жонимизни олгани келди... Ана дўзах! Биласанми дўзах қанақа? Бўм-бўш коинотда бир жар яратилган... Шу қадар чуқурки, таги кўринмайди, қоп-қоронғи зулмат, тубсиз жаҳаннам. Жамики сайёралар уни четлаб узоқдан айланиб ўтади. Дўзах шу қадар совуққки, одамзод чидаёлмайди... Бир ёқда ловуллаган аланга... Ичи тўла илону чаён! Қорамой ёнади, тутуни бурқсаб туради... Дажжолнинг макони ўша! Дўзахни хоҳлайсанми?..

Дарвеш қутидан даста-даста шам олди-да, у ёқдан-бу ёққа югуриб, иконалар ёнига — тўғри келган жойга ўрнатиб ёқа бошлади. Сарғиш шуълалардан ибодатхона ичи ярқираб кетди...

— Биродарлар! Ҳозир учамиз... Парвардигор даргоҳига борамиз... Болаларни яқинроқ опкелинглар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

яқинроқ, бу ерда тутундан тезроқ уйқуга кетади... Ака-укалар, опа-сингиллар, шод-хуррамлик билан куйланглар!— деди-да, тирсаклари билан жубба барларини ҳилпиратиб, ўзи бошлаб берди: «Азиз-авлиёлар қатори бизни ҳам ёрлақагайсен, руҳимизни саломат айлагайсен!..»

Эркаклар унга жўр бўлиб, соқолларини диккайтириб куйлай бошладилар, тиззалаб силжий-силжий, минбарга яқинроқ бордилар, хотинлар ҳам болаларининг бошини рўмоллари билан тўсиб, минбар томон қўзғалдилар...

Бирданига ибодатхона деворлари ларзага келди: тахта қоқиб михланган ва ичкаридан тамбаланган эшик аллақандай нарса билан сиртдан қаттиқ урилди. Дарвеш скамейкага чиқиб, эшик тепасидаги туйнукдан қаради:

— Яқинлашманг... Тириклайин таслим бўлмаймиз,— деди...

— Сен дарвеш Нектариймисан?— сўради Алексей Бровкин.

Улар дарвозани бузиб, энди ибодатхона эшигини очиш ҳаракатида эди. Туйнукдан кексабашара оппоқ юз мўралаб қарарди.

— Бу қандай аҳмоқчилик? Жинни бўлдинглармп?— деди Алексей жаҳл билан.

Дарвеш қўлини туйнукдан аранг чиқариб, подшо офицерини икки бармоқ билан чўқинтирди. Ибодатхона ичида юзларча овоз: «Исо тирилгай»,— деб хитоб қилди. Алексейнинг баттар жаҳли чиқди:

— Бармоғингни кўп пеш қилаверма, мен сен айтган шайтон эмасман, сен ҳам менинг отам эмассан. Яхшиликча бу ёққа чиқинглар, йўқса эшикни бузамиз.

— Ўзларинг ким бўласизлар?— истеҳзо билан ғалати тарзда сўради дарвеш.— Бундай пастқам жойларда нима қилиб юрибсизлар?

— Биз подшонинг одамлари бўламиз, подшо ёрлиғи билан юрибмиз. Агар итоат этмасангиз, оёқ-қўлларингни боғлаб, ҳаммангни Повенецга жўнатаман.

Дарвешнинг боши ғойиб бўлди. Нима қилиш керак?.. Яким куйиб-пишиб: «Алексей Иванович, ҳозир ўт ёқишди, худо урсин, ҳаммаси куйиб ўлади»,— деб пичирлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. Ичкарида яна «Азиз-авлиёлар қатори ёрлақагайсен» бошланди. Алексей эшик олдида типирчилар аламига чидолмай нуқул бурнини тортар эди. Энди нима қилиш керак? Қўл силтаб кетаверай деса, подшо офицерини ҳайдаб юбордик, деб ҳамма монастирларга овоза қилишади. Қўлқопини ечди, бир сакраб туйнук четига тармашиб олди, сўнгра оҳиста кўтарилиб, ичкарига мўралади: сон-саноқсиз шамлар ёруғида унга бурилиб қараган серсоқол башараларни кўрди, икки бармоқ билан чўқиниб: «Тавба, тавба, тавба»,— деб вашиллаган овозларни эшитди.

Алексей қайтиб тушди:

— Қани, яна бир марта ур эшикни...

Солдатлар хода билан гурс этказиб уришди-да, кутиб туришди. Шу пайт чердакдаги деразадан уч киши томга чиқди: (Яким Стёпка Бармин билан Петрушка Кожевниковни дарҳол таниди) қўлларида — камон, белларида—тиғлар, учинчи кишининг қўлида пилта милтиқ. Учови ҳам солдатларга тикилиб олди. Милтиқлик киши:

— Эшикка яқинлашманглар, йўқса отамиз, биз кўпчиликмиз,— деб дўқ қилди.

Бунчалик жасоратни кутмаган Алексей Бровкин ўзини йўқотиб қўйди. Агар бу раскольниклар ўрнида посадлик лавашанглар бўлганда-ку, гапни калта қилардиқўярди... Аммо булар асл қишлоқи мужиклар эди, ўлимдан ҳам қайтмаслигини Алексей яхши биларди. Анави милтиқ ўхталган, белбоғини думбаси устида боғлаган патак соқол, айиқ кўз, оёғи йўғон мужик эса — марҳум отахонига жудаям ўхшар, айнан ўзгинаси эди... Шундай истараси иссиқ одамга ўқ узиб бўладими? Алексей бармоғи билан пўписа қилиб қўя қолди.

Яким орага суқилди:

— Отинг нима, яхши йигит?

— Отим Осип,— истар-истамас жавоб қилди милтиқли мужик.

— Эҳ, Осип, кўриб турибсан-ку, жаноби офицер ҳам буйруққа бўйсунадиган эрксиз бир одам. У билан тузукина гаплашиб кўрсангиз чакки бўлмасди.

— Унга нима керак?— сўради Осип.

— Аскарликка ўн-ўн бешта одам беришингиз керак, исинниб олиш учун солдатларимизга жой беришингиз керак. Кечаси кетамиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Петрушка билан Степан том четида чўнқайиб олиб гапга қулоқ солишди. Осип узоқ ўйланиб қолди ва ниҳоят:

— Йўқ, бермаймиз,— деди.

— Нега?

— Сизлар бизни яна қул қилиб эски қишлоқларга жўнатасиз. Йўқ, тириклайин таслим бўлмаймиз. Қадимги динимиз йўлида икки бармоқ билан ибодат қилиш учун қурбон бўлмоқчимиз. Гап тамом, вассалом...

У милтиғини кўтарди, тортмасига пуфлаб порох солди-да, чорпаҳил гавдасини ростлаб, эшикнинг қоқ тепасида қаққайиб туриб олди. Алексей нима қилишини билмай бошн қотди. Яким эса, Нектарийнинг ўжарлигини, ўла қолсаям таслим бўлмаслигини айтди, қўл силтаб кетаверишни маслаҳат берди.

— Йўқ,— деди Алексей,— у ўжар бўлса, мен ҳам ўжарман. Одам олмасдан кетмайман. Ибодатхонани ўраб ётаверамиз, ноилож таслим бўлишади.

Икки солдатни отларни чанадан чиқариб хашаклатишга жўнатди. Тўрттасини исиниш учун ҳужрага юборди. Қолганларига эса, ибодатхонага овқат, сув киргизмаслик учун қаттиқ назорат қилишни топширди. Кун ҳам тугай деб қолди. Аёз кучайди. Раскольниклар ҳамон мотам куйини куйлаб нола қилишарди. Петрушка билан Степка томда ўтираверіб зерикишдими ёки бу майнабозлик ҳали-бери тугамаслигини тушунишди шекилли, пичирлашиб олишди-да:

— Биз ёзилмоқчимиз, томда — гуноҳи азим, рухсат этинг, пастга тушайлик,— деб илтимос қилишди.

— Тушаверинглар, тегмаймиз,— деди Алексей.

Лекин Осип бирдан соқолини селкиллатиб, ғазаб билан бош чайқаб уларни қайтарди. Петрушка билан Степан талмовсираб турди-турди-да, секингина гумбаз орқасига ўтиб, похол устига сакраб тушишди.

Афтидан, дарвеш Нектарий ҳам қамалда қолганини тушунди. Икки марта туйнукдан кўз қисиб қаради, қош қорая бошлаганини кўрди. Алексей гаплашмоқчи бўлди, бироқ жирканиб тупуринди. Шундан кейин ибодатхона ичида яна унинг хирилдоқ овози янграб, куй садосини ҳам, болалар йиғисини ҳам, нолаю фиғонларни ҳам босиб кетди. У ерда қандайдир мудҳиш ҳодиса рўй бераётгандек эди.

Ниҳоят кун ботиб уфқ қорайгач, туйнукдан ўнтача

www.ziyouz.com kutubxonasi

шапкасиз одам томга чиқди-да, жон-жаҳди билан қўлларини силкитиб бақира бошлади:

— Яқинлашманглар, нари туринглар!..

Сўнгра шоша-пиша уст-бошларини, калта пўстин, пийма, кўйлак-иштонларини ечишди...

— Мана, олинглар,— деб кийимларини солдатларга ота бошладилар.— Олинглар, таъқибчи золимлар! Тақдирга тан бермаган номард. Яланғоч туғилганмиз, олам-дан яланғоч ўтамиз...

Қип-яланғоч, аъзойи бадани кўкариб кетган мужиклар томга мукка тушиб, юзларини қорга ишқалаб, ҳўнграб йиғлашар, фарёд чекишар, ирғиб туриб қўлларини силкитишарди ва яна бошқатдан такрорлашарди. Ниҳоят соқоллари қорга беланган ҳолда яна туйнукка кириб кетишди. Томда ёлғиз Осип қолди: милтиқ ўқталиб солдатларни эшикка йўлатмасди... Алексей қип-яланғоч мужикларни кўриб, қўрқиб кетганди. Яков туйнукка қараб йиғлоқи овоз билан ялинар эди:

— Биродарлар! Жилла бўлмаса болаларга ачининглар. Хотин-халажга раҳм қилинглар!

Ибодатхонада қий-чув бошланди, у қадар кучли бўлмаса-да, қулоқни шанғиллатиб юборди. Солдатлар яқинроқ кела бошлашди: ҳаммасининг юзида жиддийлик акс этарди.

— Жаноби поручик, иш расво бўладиганга ўхшайди, Осип дўқ қилса қилар, эшикни бузамиз...

— Бузинглар!— деб бақирди Алексей ғижиниб.

Солдатлар дарҳол милтиқларини қўйиб, яна ходага ёпишдилар. Кечки шафақда ғира-шира кўринган минора бирданига учидаги крест билан бирга лопиллаб кетди. Гумбирлаган портлашдан ер ларзага келди, кучли ҳаво тўлқини кўкракларга урилди. Бўғот тагларида тутун кўринди, тутун тобора кучайиб, бирданига ёришиб кетди... Аланга тилларини биланглатиб, тўсин ораларини ялай бошлади... Хода зарбидан эшик қулаши биланоқ ичкаридан ловиллаб ёнаётган, соч-соқоли жизғинак бўлган бир одам қочиб чиқди-да, ўзини қорга ташлаб жон талвасасида думалайверди. Ибодатхона ичида эса тутун аралаш аланга рақс тушарди, уст-бошлари ёна бошлаган одамлар у ёқдан-бу ёққа зир югуришарди. Олов пол тагидан гупиллаб урарди. Таппилар ва похоллар буруқсаб, тутуни димоғни ёрарди.

Ҳарорат шу қадар кучайган эдики, солдатлар иссиқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қа чидолмай орқага тисарилишарди. Бирорта одамни қутқариш мумкин эмасди: учбурчак шляпаларини бошдан олиб чўқинишарди, холос, баъзиларининг кўзларидан дувиллаб ёш оқар эди. Алексей бу мудҳиш манзарани кўрмаслик, дод-войларни эшитмаслик учун бузилган дарвозадан чиқиб, нари кетди. Тиззалари қалтирар, кўнгли айниб қайт қилгиси келарди. Дарахтга суяниб ўтирди. Шапкасини бошдан олиб, муздай ҳавода миясига дам берди, қор еди. Қорли ўрмон ёнғин алангасидан ёришган эди. Ўтда куйган одамзод гўштининг қўланса ҳидидан қутулиб бўлмасди.

Нариоқда, қип-қизил чўғдай йилтиллаган қорга ботиб ҳаллослаб келаётган уч одам кўринди. Биттаси ортда қолиб кетди ва гўё керишмоқчи бўлгандай қўлларини ёйиб, монастирдан кўтарилган тутун орасида биланглаган аланга тилларига, осмонга сачраган учқунларга қараганича қотиб қолди... Иккинчиси — тентакнамо мужик, жубба устидан нимча пўстин кийган жиккакина чолни суяб, яқинроқ келаверди.

— Қочди, қочиб қолди, итвачча дарвеш,— деди тентакнамо мужик, подшо офицери ёнига чолни суяб опкелгач.— Этини бир бурдадан қилиш керак... Пол тагидаги яширин тешикдан чиқиб қочди... Мен билан Ондрюшкани ҳам ўтда ёндирмоқчи эди-я, лаънати шайтон!..

9

Подшо фармонида шундай дейилганди: «Барча христиан халқларга ўхшаб ва алардин ўрнак олиб — йил ҳисоби дунё яратилишидин бошлаб эмас, балки Исо туғилган куннинг келаси ҳафтасидин, яъни 1700 йил биринчи ғинвардин ҳисобласин. Ва бу хосиятли кунни ҳамда янги асрни нишонламоқ учун одамлар шод-хўррамлик ила бир-бирларини табрикласинлар. Катта кўчалардаги ҳамда йўл бўйларидаги дарвозалар ва уйлар, худди савдо растасидаги дорихона каби, арча ва қарағай шохлари ва навдалари ила безатинсин. Камбағал кишилар жилла бўлмаса, битта арча шохини ёки навдасини — дарвозалари тепасига қоқиб қўйсинлар. Маҳкамалар ҳовлисида, савдогарлар қўрасида ва ҳарбий казармаларда кичкина тўплардан ёки милтиқлардан ўқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

узилсин, баҳоли қудрат мушак отилсин ва машъала ёқилсин. Қичкина ҳовли эгалари эса — беш-олти хонадон жам бўлиб, қорамой бочкасига похол ёки хашак тўлдириб гулхан ёқсин. Бурмистрлар маҳкамасининг рўпарасида тўпбозлик ва мушакбозлик ташкил этмоқни аларнинг зиммасига юклансин...»

Қўнғироқлар бундай даранг-дуринг қилганини Москва кўпдан бери эшитмаганди. Одамлар оғзида: патриарх Адриан подшонинг гапини қайтаролмай — амрига бўйсуниб, қўнғироқчиларга минг сўм пул ва эллик бочка пиво беришга мажбур бўлибди, деган миш-мишлар юрарди. Жамики черковларнинг жомхоналаридан қўнғироқчилар басма-басга чалишар, бири олиб — бири қўйиб, каттаю кичик қўнғироқларни сайратишарди. Москва осмони тутун булути билан, одамлардан ва отлардан кўтарилган буғ билан қопланган эди. Аёз кучайганидан қор ғарчиллаб нола қиларди. Қировнинг қалинлигидан дарахт шохлари эгилиб қолганди. Қовоқхоналар кечаю кундуз очиқ, тутуну ис босиб кетган эди. Уфқни қоплаган тутун орасидан қизариб офтоб чиқарди, шуъласи гулхан ёнидаги соқчиларнинг ойболталарида акс этиб йилтирарди.

Қўнғироқлар даранг-дурингн орасидан пақиллаган ўқ товушлари, гумбирлаган тўпу замбарак овозлари эшитиларди. Ясаниб-тусанган, афтига қоракуя суриб, пўстинини тескари кийиб олган маст-аласт одамлар ўнларча чаналарда кўча тўзитиб ўтишарди. Оёқларини кўтариб, қадаҳ ушлаган қўлларини чўзиб қийқиришар, тўс-тўполон, жиннилик қилишарди, сирғанчиқ жойларда чанадан ағдарилиб тушишар, бусиз ҳам тутуну қўнғироқдан мияси гангиган оддий халойиқнинг ўтакасини ёришарди.

Бир ҳафта сурункасига то бутювар кунгача Москвада даранг-дурунг, вағир-вуғур, қий-чув босилмади. Кўп жойларда ёнғин чиқди. Яхшиямки, шамол йўқ эди... Шаҳар теварак-атрофдаги ўрмонлардан келган қароқчилар билан тўлганди. Бирор уйга ўт кетса, масхарабозлар сингари чўққи қалпоқ кийган, афтини қўй калласига ўхшатиб ниқоблаган нияти бузуқ одамлар дарҳол чаналарда етиб келишарди, дарвозани синдириб, ёнаётган уйга бостириб киришарди-да, ҳеч нарса қолдирмай талаб кетишарди. Баъзиларини тутиб қамоққа олишар, баъзиларини халойиқ тошбўрон қилиб ўлдирарди. Москвада

www.ziyouz.com kutubxonasi

Есмень Лочин пайдо бўлибди, деган овоза тарқалган эди.

Подшо яқин одамлари билан ҳамда архидьякон каби жубба кийиб орқа этагига мушук думини тақиб олган «масхарабозлар архиепископи» лақабли эски пияниста князь-папа Никита Зотов билан атоқли кишиларникига борарди. Маст-аласт ҳолда чигирткадай ёпирилиб уйга бостириб киришарди, қоринлари тўқ, ҳеч нарса егилари келмаса-да, тўқликка шўхлик қилиб дастурхонга қўйилган овқатни тўкиб-сочишар, бақириб қўшиқ айтишар, стол тагига сийишар эди. Уй эгаларини зўрлаб ичириб, ғирт маст қилишарди-да, бошқа одамникига жўнашарди. Эртасига бир-бирларини қидириб юрмаслик учун бирор кишиникида ёппасига аралаш-қуралаш бўлиб ётиб қолаверишарди. Москвани у бошдан бу бошигача шод-хуррамлик, тўс-тўполон билан айланиб, ҳаммани янги йил ва янги аср бошланиши билан табриклашарди.

Мўмин-қобил ва художўй посадлик ҳунармандлар ўша кунлари юраклари безиллаб, кўчага чиқмай уйларига қамалиб олишган эди. Бу қадар ваҳшиёна тўс-тўполон кимга ва нимага кераклигини тушунолмай бош қотиришарди. Ёки шайтон подшони йўлдан оздириб, халқни безовта қилгин, эски турмушнинг негизи ҳисобланган қадимий урф-одатни таг-томири билан қуритгин, деб ўргатдимикин балки... Қийналиб яшаса ҳам ҳалол, покиза яшаб, ҳар бир тийинни эҳтиёт қилиб, исрофгарчиликка йўл қўйилмасди, нима тўғрию нима нотўғрилигини ҳамма биларди. У эса эндиликда ҳаммасини нотўғрига, ҳаммасини ёмонга чиқарди-қўйди...

Қийшиқ крестни тан олмаган ва уч бармоқ билан чўқинишни хоҳламаган одамлар ертўлаларга тўпланиб туни билан эскича ибодат қилиб тонг оттиришарди. Халқ орасида яна пичир-пичирлар бошланди: «Масленица байрамига эсон-омон етиб олсак бўлгани,— шанбадан якшанбага ўтар кечаси Исрофил сур тортади, қиёмат қойим бошланади...» Бронная слободасида бир девона пайдо бўлганди: одамларни ҳаммомга тўплаб, чарх уриб айланар, ўзини ўзи шапатилаб жон-жаҳди билан: «Мен худойи таоло бўламан»,— деб бақирар ва қўл-оёқлари қалтираб, оғзидан кўпик сачратиб ерга йиқилар эди. Аллақандай номаълум — сочлари тўзиган, яланғоч, даҳшатли одам қўлида учта косов билан хало-

www.ziyouz.com kutubxonasi

йиқ олдига чиқиб, бошларингга фалокат ёғилади, деб ваҳима соларди.

Хитой-город ва Оқ-шаҳар дарвозаларига яна битта фармон ёпиштирилди: «Боярлар, сарой мулозимлари ва амалдорлар, савдогарлар ва гумашталар ушбу кундин эътиборан доимо венгёрча либос, баҳорда эса, совуқ пасайгандан сўнг — саксонияликлар формасида калта кафтан киймоқлари лозим»,— дейилганди унда ва шу кийимлар билан шляпалар намуна учун илгакларга осиб қўйилган эди.

Бу намуналарни қўриқлаб турган соқчи солдатлар: ҳадемай кўрасиз, буйруқ чиқади, савдогарларнинг ва ўқчиларнинг хотинларини ҳам, посадлик аёлларни ҳам, поп ва дьяконларнинг жуфти ҳалолларини ҳам бош яланг юришга, немисча калта юбка кийишга, биқинларини дўппайтириш учун кўйлак остидан кит қовурғасидан қилинган ясама белбоғ боғлашга мажбур қилишади, дер эдилар. Дарвоза олдига тўпланган одамлар ҳаяжонланиб, ваҳимага тушиб қулоқ солишарди. Гўё ўша учта косов кўтарган номаълум одам илгакларга осиб қўйилган шунақа кийимга ганда отган эмиш ва «Ҳадемай русча сўзлашишниям тақиқлашади, мана кўрасиз! Москвани католик ва лютеран поплари босиб кетади ва бутун халқни бошқатдан чўқинтиради. Посадлик ҳунармандларни немисларга абадий қуллиққа топширишади. Москвага эса Шайтон-шаҳар, деб янги ном қўйишади. Қадимги китобларда: подшо Пётр аслида яҳудий — Донний қабиласидан экан»,— деб бир-бирларининг қулоғига пичирлашарди.

Бундай миш-мишларга ишонмаслик мумкинми? Бут— ювиш байрами арафасида савдогар Ревякиннинг гумашталари бирданига раста бўйлаб дўкондан дўконга югуриб, Виг кўли ёнида икки бармоқ билан чўқинувчи бир неча юз киши дажжолдан қутулиш ва ўз гуноҳини ювиш учун ўзини ўтга ташлаб қурбон бўлганини гапиргандан кейин албатта ишонади-да! Ўшанда ловиллаган ёнғин тепасида осмон қоқ ёрилиб, ойнавор тахт кўринибди: уни тўртта ҳайвон кўтариб турганмиш, тахт устида парвардигор ўтирганмиш, ўнг ва сўл тарафида ўн иккитадан дарвешлар, атрофида малоикалар — икки қанотла учиб, икки кўзларини юмиб, икки оёқларини йиғиб таъзим қилармиш. Бирданига тахтдан кабутар учиб чиқиб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди ва ўша ондаёқ аланга сўниб, ёнғин ўрнида муаттар ҳид тарқалибди...

Ўрта бўйли, эл қатори кийинган аллақандай одам Бекатлар маҳкамасидан чиқиб кетаётиб, секингина ерга бир қоғоз ташлаб қўяди. Унинг кетидан ҳайҳайлаб: «Ҳой, нега ташладинг буни?» деб чақиришади, бироқ у кетига қарамай қочиб, кўздан ғойиб бўлади. Хатни олиб қарашса, конверт устига: «Очмасдан улуғ подшонинг қўлига топширилсин»,— дейилган. Мирзабоши Павел Васильевич Суслов ҳовлиққанидан қўллари қалтираб, аранг енгларини топиб кийинади-да, чанага ўтириб, йўл-йўлакай кучерга — ҳайда тезроқ, йўқса теринги шиламан, деб дўқ қила-қила, Преображенский қасрига жўнайди.

Соққилар устидан назорат қилувчи офицер даҳлизда мирзабощининг тепакал бошидан то сахтиён этик кийган оёқларига нафрат билан қараб чиқди-да: «Подшо ҳузурига кириш мумкин эмас»,— деди. Павел Васильевич кўнгли нотинчлигидан бўшашиб кетди, скамейкага ўтирди. Даҳлиз одамга тўла эди: кеккайган сурбет ҳарбийлар, бир-биридан новча, ҳар кифтига бир одам жойлашадиган, ҳўкиздай бақувват ва соғлом руслар; бўйи паканароқ, лекин чеҳраси иссиққина ажнабийлар (сўнгги вақтда бу бечораларнинг аллақанчаси аҳмоқлиги ва майпарастлиги учун хизматдан бўшатилган эди), Владимирдан, Ярославдан, Орёлдан арз билан келган уддабурро вакиллар, саноатчилар ва савдогарлар; иккита туппа-тузук, насл-насаби улуғ боярлар ёнма-ён ўтиришар, бирининг боши боғланган, иккинчисининг кўз таги ғурра бўлиб кўкарган: мастликда муштлашиб, энди бирбирининг устидан шикоят қилгани келганди; калта жигар ранг камзул, арзонбаҳо парик кийган, чеҳраси мулойим, юзи озғин, кўзойнакли бир одам қўлини орқасига қилиб, ҳеч кимга қарамасдан даҳлизда у ёқдан-бу ёққа бориб келарди; бу — математик, химик, ажойиб ихтирочи эди: доим ишлаб турадиган сув паррагини ҳамда шашка ўйнайдиган ва томошабинлар талабига кўра оғзидан вино ёки пиво қуйиладиган мис автомат-одамни кашф этганди. Математик подшога юздан ортиқ ҳар хил патент таклиф қилганди, агар улар амалга оширилса Рус давлати бойиб кетиши мумкин эди.

Никита Зотов маст ҳолда, ҳаддан ташқари семиз одамни етаклаб ҳовлидан даҳлизга кириб келди Князь-

www.ziyouz.com kutubxonasi

папа бақалоқни подшо харами томон судраб: «Қўрқма, подшо сендақа бадбурушларни яхши кўради, сенга хазинадан бир қоп тилла инъом қилади»,— деб аврар эди. Павел Васильевич ўз бурчини тезроқ адо этиш иштиёқида қизишиб кетди-да, офицер ёнига бориб, юзига дадил тикилиб паст овоз билан: «Сўз ва Иш!»— деди. Даҳлиз бирданига сув қуйгандай жимжит бўлди-қолди. Офицер дарҳол оёқ жуфтлаб, қаддини тик тутиб, шартта қилич суғуриб честь берди-да: «Қани, юринг»,— деди...

Пётрнинг боши оғриётганди, шунинг учун у сабрсизланиб, хўмрайиб қўйди-да, мирзабоши Павел Васильевич Суслов келтирган хатни ўз қўли билан очди: хатга Пётр Петрович Шереметьевнинг хизматкори Алёшка Курбатов имзо чеккан эди. Пётр хатни ўқиб бўлгач: «Ҳм!» деб қўйди-да, бошини чалқанча ташлаб яна бир карра ўқиб чиқиб: «Ҳа!» — деди-ю, Сусловни ҳам унутиб шиддат билан тез-тез юриб емакхона томон кетди, у ерда давлат арбоблари тушки овқатни кутиб ўтиришган эди.

— Жаноби министрлар!— Пётрнинг кўзлари йилтиллади.— Тўйгунча овқат ейсиз, истаганча ичасиз, хўш, шунга яраша фойда келтиряпсизми?.. Мана! (Қўлидаги хатни силкиди.) Ҳеч ким назарига илмаган анчайин бир хизматкор — биласизми, нимани ўйлаб топибди? Хазинани бойитишни... Фёдор Юрьевич... (Пишиллаб ўтирган князь Ромодановскийга мурожаат этди.) Буюргин, ҳозироқ Курбатовни топиб, шу ерга олиб келишсин. У келгунча овқатланиш йўқ... Мана шундай бўлиши керак, жаноби министрлар, бургут тамғали қоғоз сотиш керак: барча қалъаларга, ариза битувчиларга давлат гербли қоғозни бир тийиндан то ўн сўмгача сотиш керак. Тушундингизми? Уруш учун пул йўқ, дейсизми? Мана пулнинг кони!

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧИНЧИ БОБ

1

Ҳали тонг ёришмасдан эшиклар тарақ-туруқ қилиб очилиб ёпилар, зина тахталари ғижирлар, қизлар қутиларни, ҳар хил тугун, сандиқларни уйдан ҳовлига чиқаришарди. Князь Роман Борисович Буйносов шошилинчда бир амаллаб тайёрланган овқатдан шам ёруғида тамадди қилмоқда,— карам шўрвани ҳўпламоқда эди.

Князь ғижиниб чақира бошлади:

— Авдотья, қаердасан?.. Антонида... Ольга!.. Худоё тавба!..

Қорнини кўтаринқираб, қадаҳга қўл чўзди. Мажордом қайси гўрга йўқолди экан. Ана холос, аллаким зинани тарақлатиб, боши билан юмалаб тушди...

— Кўзингга қарасанг-чи, шайтон!.. Бу қандай кўргилик, худойим-эй...

Ҳовлиқиб Антонида кирди: сочлари тўзиган, эгнида — онасининг эски пўстини.

— Антонида, ўтир, қизим, овқатланиб ол...

— Э-ҳа, дадажон...

Тивит рўмолини олди-ю, чопқиллаганича даҳлизга чиқиб кетди. Роман Борисович, яна нима есам экан дегандай, дастурхонга кўз югуртирди. Тепасидаги меҳмонхонада хизматкорлар қандайдир бир оғир буюмни судраб келаётиб, ағдариб юборишди шекилли, тахта шифт ёриқларидан чангу тупроқ ёғилди. Худоё тавба, бу нимаси ахир? Уй бузиляптими, нима гап ўзи?.. Князь бош чайқаб, осетринадан олди. Эшикдан князь ойим Авдотья кирди ҳовлиқиб: эгнида — пўстин, бошида — жун рўмол, девор тагида турган венецианча курсига ўзини таппа ташлади. Умрида Москвадан четга чиқмагани, Троица ва Янги Ерусалимдан бошқа ҳеч ерга бормагани учун қўрққанидан юзи чўзилиб серрайиб қолган эди. Тўсатдан — узоқ йўлга отлан, деб шошилтиришса, тағинам қўрқмасинми...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега ҳалитдан рўмол ўраб олдинг, онаси? Ечиб ташла, пича овқат еб олгин. Йўлда овқат қаёқда — нуқул азоб...

— Роман Борисович, борадиган жойимиз олисми?

— Ҳа, Воронежга борамиз, онаси.

— Вой, шўрим қурси-и-ин...

Ўпкаси тўлиб, йиғламсираган бўлди. Юқори қаватдан Ольга чийиллаб сўради: «Ойижон, парикларни қаёққа тиқдингиз?» Князь ойим худди шамол учирган баргдек, курсидан лип этиб турди-ю, кўздан ғойиб бўлди.

Ҳозир угина эмас, бутун Москва шу хилда тараддудга тушиб қолганини Роман Борисович яхши билар, шунинг учун ҳам кўнгли бир оз таскин топгандай бўларди. Пойтахтнинг хўжайини ҳисобланган даҳшатли князь-кесарь Ромодановский ўтган куни подшо фармонини эълон қилди: «Сарой мулозимлари хотин, бола-чақалари билан, атоқли савдогарлар, немислар слободасининг машҳур кишилари, чет элда мисли кўрилмаган ва ниҳоятда каттакон «Предестинация» номли кемани сувга тушириш тантанасида қатнашмоқ учун Воронежда ҳозир бўлсинлар. Эрувгарчилик бошланмасдан, чана йўли борлигида ҳаракат қилиб, тезроқ етиб келсинлар»,— дейилган эди.

Роман Борисович қийналиб бўлса-да, сиёсат нималигини ҳар ҳолда тушуна бошлаганди. Тўс-тўполонли янги йил байрами тугагандан кейин, январь ойининг ўрталарида Қустантиниядаги улуғ элчи Емельян Украинцевдан қуйидаги мазмунда мактуб келганди: турклар абадий сулҳ тузишга батамом рози бўлиб, фақат баъзи аламзада қалбларни тинчлантириш учун айрим масалада бир оз ён беришимизни илтимос қилишган; Емельян Украинцев ҳаттоки уларни, биз Карловици конгрессида қабул қилинган баёнотга биноан: «Ким қаерни олди, ўша ерда қолди», деган фикрга энди унатиб турганимизда, тўсатдан аллақандай душман орага суқилиб музокаранинг белига тепган; шундан кейин турклар биратўла ўчакишиб, димоғлари шишиб, оёқларини тираб олишган; Азовни ҳамда Қозикерманни Днепр бўйидаги шаҳарчалар билан бирга қайтиб берилсин. Москва подшоси Қрим хонига қадимгидай хирож тўласин, деб талаб қилишган. Исо қабри тўғрисида оғиз очишга ҳам қўйишмаган...

Пётр бундай маълумотни олгач, дарҳол Воронежга жўнади. Александр Меньшиков эса, байрамдан қолган

www.ziyouz.com kutubxonasi

лоҳасликни ҳаммомда қайин супурги билан супуриб ташлади-да, серҳашам каретага тушиб, отоқли савдогарларга бирма-бир учрашди. Астойдил куйиб-пишиб, ҳар бирининг мнясига қуйди: «Бошга иш тушганда ёрдамлашиш керак. Агар баҳоргача улуғ флотни тахт қилиб, турклар юрагига ғулғула сблмасак — уруш бўлиши муқаррар. Бошлаган ишларимизнинг ҳаммаси барбод бўлади».

Лев Криллович ҳам ўз навбатида Кремлдаги олий мартабали давлат арбобларига йиғлаб гапирди: «Йўқ, шарманда бўлишга қандай чидашимиз мумкин? Қадимгидай Қрим хонига хирож тўлаб, ҳар йил баҳорда энг яхши ерларимизни татар босқинчиларига талатиб ўтираверамизми? Қачонгача Исо қабрини турклар ва католиклар оёқ ости қилишига йўл қўямиз? Ота-боболаримиз Минин ва Пожарский даврида қандай қилган бўлса, биз ҳам шундай қилишимиз — улуғ Воронеж флотини барпо этмоқ учун сўнгги кўйлагимизгача беришимиз лозим»,— деди.

Кема қурувчи ширкатлар яна ҳамён ковлаб қолдилар. Москвада ҳамманинг оғзида: яқинда уруш бошланармиш, бутун дунё халқлари қурол кўтариб, бир-бирига қарши жангга тайёрланаётган эмиш, деган мудҳиш гап... Сичқон сингари Москвага бу ёқдан келиб, у ёқдан жўнаб турган бесаранжом ажнабийлар: ҳозир Москва тамоман ўзгарган, ҳамма ёқда ғуж-ғуж солдат, тўп, замбарак, ёш подшо ҳаддан зиёда такаббур, маслаҳатгўйлари жудаям қўрс... Москва бир балони бошламоқчи... Илгари ҳақиқий христианлик даргоҳи ҳисобланган тинчгина Москвадан асар ҳам қолган йўқ, деб бутун Европага гап тарқатишарди.

Боя Кремлда Роман Борисович Буйносов қизишиб кетиб, «Предестинация» кемаси учун бир йиллик озиқ-овқатни ўзим таъминлайман, деб ваъда берди. Азбаройи ғазаби қўзиганидан қизариб-бўзариб, Лев Криллович-нинг рўпарасида кўкрак кериб: «Ўзим отга миниб чиқаман, аммо подшоҳим номига доғ туширишга йўл қўймайман»,— деди. Ҳаттоки, кечаси шам билан махфий ертўлага тушиб, бурчакка кўмилган кўзани очиб, ширкатга юз эллик сўм қўшмоқ учун липиллаган ғира-шира шам ёруғида ҳар бир тийинни тимирскилаб санаётганида ҳам хасислик қилгани ёки бирор ярамас фикрга боргани йўқ. Князь Буйносов ҳозир бутунлай ўзгарган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

чунки у ёғини кесиб, бу ёғини йўниб, уни тўғрилаб қўйишган эди...

Роман Борисович ярамас фикрларни енгиб, уч тўқиз қулфлар билан бир йўла қулфлаб ташлади. Худди шунақа фикрлар касофатидан князь Ликов жазосини тортиб ўз қишлоғидан чиқолмай ўтирибди, ақли калта князь Степан Белосельский эса, князь-кесарь Ромодановскийнинг зиёфатида маст бўлволиб: «Мунча тирғиласан, тушимдаям ўзимча ўйлашга қўймайсанми? Соқолимни тап-тақир қиришди, французча иштон кийгизишди, аммо дилимга тақилсанг — мана...» деб уч бармоғини кўрсатган. Князь-кесарь хунук илжайиб қўйган. Эртасига фармон чиқди; князь Степан Пустозерскга ҳоким қилиб жўнатилди...

Роман Борисовичнинг ақли етарли эди. Бироқ подшо Пётрнинг ғалати қилиқларини, телва-тескари ишларини тушуниш учун барибир етмасди. Бу нимаси, одамларни безовта қилмаса кўнгли жойига тушмасмикин? Бутун Москвани Воронежга тўплашнинг нима кераги бор?.. На тўйиб егудай овқат топилар, на тузукроқ жой: тор уйда тиқилишиб, скамейкада юмалашиб ётамизми? Матрослар билан ароқ ҳам ичармиз? Хотин-халажни у ёққа судрашдан нима фойда? Худоё тавба, тавба...

Роман Борисович мияда ўралашган чалкаш фикрларни сўндириш учун яна бир қадаҳ ичиб олди. Тонг ёриша бошлади. Дераза ортидаги барги тўкилган ялангоч дарахтга бир неча зағча қўнди. Подшо у ердан туриб осойишта ҳаётни қанчалик емирмасин, мовий субҳидам чоғи боболар замонида қандай бўлса ўшандайлигича, гумбазлар ортидаги булутлар ҳам қадимги рангини йўқотмай, пуштилигича қолаверди... Князь Роман оғзини чирт юмиб, ич-ичидан чиқариб ингради. Ҳовлида қўнғироқчалар жиринглади, чана қўшаётган кучерларнинг отларга ўшқиргани эшитилди...

Кўпгина чаналар қаторида князь Буйносов ҳам хотини ва қизлари билан икки чанада йўлга чиқди. (Яна учта чанага кийим-кечак, қақир-қуқир, ҳар хил овқат ва парранда юкланган эди.) Қўнғироқчалар йўлга мос товуш билан хиргойи қилиб жингирларди. Коломна йўлига из тушган бўлса ҳам, ўнқир-чўнқир эди. Масофани белгилаш учун ҳар чақирим жойга қизилга бўялган ғўла ўрнатилган ва оралиғига қайин дарахтлари экилганди. Антонида билан Ольга юраклари сиқилганидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўл бўйидаги ғўла билан қайинларни санашарди (чунки йўлда шундан бўлак эрмак йўқ эди, фақат март қуёши тафтида эриб, усти музлаб қолган бепоён қору олисдаги жигар ранг ўрмон кўзга чалинарди, холос). Қизлар йўл бўйидаги дарахтга қўнган қарғаларга қараб, кимни учратиш ва кимни севишлари тўғрисида фол очишарди. Иккинчи чанада — Роман Борисович, князь ойимга ястаниб, нуқул пишиллар, ўнқир-чўнқир жойларда лабини чапиллатиб қўярди.

Москвадан эллик чақирим нарида, Ульянино қишлоғида тўхташ ва отларни хашаклатиш лозим эди. Пастликдаги қишлоқ уйларининг похол томлари кўринар-кўринмас, Буйносовнинг чаналари ёнидан олтита тўриқ от қўшилган, икки кучерли, чарм қопланган карета қуюндай учиб ўтди. Каретанинг ойнаванд деразачасидан қора сувсар мўйнага ўралиб олган хумор кўзли соҳиб-жамол қизларга бепарво қараб қўйди.

— Бу Монсиха, ўлай агар, Монсиха,— ҳовлиқиб қолди Антонида пўстиндан бўйнини чўзиб.— Ольга, ана қара, ёнида кавалери ҳам бор... (Ҳақиқатан карета бурчагида ўтирган кишининг тап-тақир қирилган юзи билан шляпасининг заррин уқаси кўринди.)

— Кенигсек, ўлай агар — ўша...

— Йўғ-е,— деди Антонида қўлқопларини бир-бирига уриб.— Эсинг жойидами? Оғзингга қараб гапир, уятсиз!

— Эсингдан чиқибди... Бу ахир ўша немис ойимча-ку, байталнинг ўзгинаси... Бутун Москва Кенигсек билан қандай алоқадалигини билади, фақат подшо билмайди, холос...

— Майдонга опчиқиб роса калтаклаш керак уни...

— Охири шундай бўлади албатта...

Қишлоқдаги ҳар бир қўрада деярли чаналар турар, очиқ дарвозалардан боярлар кареталари кўринарди. Қишлоқи аёллар гўнг тепалар атрофида югуришиб товуқ тутишарди.

Роман Борисович зарда билан Авдотьяга заҳрини соча бошлади:

— Мана, оқибат, эси йўқ аҳмоқлар! Уни олай, буни йиғиштирай, деб роса ивирсидиларинг... Тонг ёришмасдан жўнаш керак эди... Жой қолдими энди... Ана, қидириб кўр...

Чаналарни подшо қўнадиган ҳовли томон ҳайдашди

www.ziyouz.com kutubxonasi

буюрди. Бу йил Москвадан то Воронежгача ҳар бир бекатга подшо учун тўрт деразалик, беш зинапоялик пешайвон билан махсус уйлар қурилган эди. Унда доим озиқ-овқат ҳамда сув запас турсин ва зинҳор-зинҳор суварак тарқалишига йўл қўйилмасин, деб комендантларга қаттиқ тайинланганди, чунки подшо бунақа махлуқлардан қўрқарди.

Комендант бошида парик, белида қилич билан пешайвонга югуриб чиқди-да: «Жой йўқ, одам тиқилиб ётибди, жой йўқ»,— деб қўл силкита бошлади. Роман Борисович қовоғу димоғ билан уни итариб юборди-да, даҳлизга кирди, унинг кетидан хотини билан қизлари ҳам киришди. Комендант ўшқирганича ортда қолди. Дарҳақиқат, даҳлизнинг ўнг ва сўл томонидаги иккала хонага ҳам одам тўлган, оёқ қўярга жой йўқ эди. Пўстинлар, пиймаю шляпалар, қиличлар полда устма-уст уюлиб ётарди, карам шўрва ҳиди келар, оқсоч қизлар тараддудланиб, елиб-югуришарди.

— Дадажон, сарой арбоблари шу ерда экан,—деб пичирлади Ольга князнинг қулоғига.

Роман Борисович бу ердан аста чиқиб кетиш лозимлигини ўзи ҳам кўриб турувди. Тўсатдан ўнг томондаги меҳмонхонадан — парик кийган бир неча кавалер хахолаб кулаётган уйдан немисча талаффуз билан аллаким русчалаб чақирди:

— Княшна Ольга, княшна Антонида, бу ёққа марҳамат қилинг, бизга улфат бўлинг.

Париклар қўзғалди, безатилган стол тўрида Анна Монс кўринди: эгнида — қирмизи кўйлак, бошида — йўлда кийиладиган чепчик, бир қадаҳ винони баланд кўтариб жилмаяр, имлаб чақирар эди. Кавалерларнинг бири—Саксония элчиси Кенигсек, иккинчиси—Москвадаги Швеция резиденти Книперкроннинг жияни Карл Книперкрон, яна аллақандай нотаниш француз,— учови ирғиб туриб, пўстинларини ечиш учун княжналарга ёрдамлашмоқчи бўлишди. Бироқ қизлар: «Овора бўлманг, қўйинг, ўзимиз...»— дея оналарининг эски пўстинларини шоша-пиша ечиб, бир тўда пўстинлар орасига тиқиб ташлашди. («Ҳали қараб тур, ойи, бундай шармандалик учун биздан осон қутулиб бўпсан!»— деб қўйишди ичларида.) Сўнгра юракларини ҳовучлаб, таъзим билан, кавалерлар қўлтиқлаган ҳолда уйга киришди...

Ойналари терлаган деразага орқасини ўгириб, соч-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари қоп-қора, кўзлари катта-катта, ўн яшар чамасидаги бир бола ўзини юмиб скамейкада ўтирарди. Бошини бир томонга қийшайтириб олган, юзлари қип-қизил бола новча йигитларга ҳорғинлик билан тикилар, уларнинг вағир-вуғири ва хахолаб кулишларидан гангиб қолган кўринарди. Боланинг эгнида оч-яшил преображенча кафтан, белида — кичкина қилич, оппоқ пийма кийган оёқлари полга етмасди.

Роман Борисович остонаданоқ хўрсиниб, кўзларига ёш олиб, ихлос билан боланинг ёнига борди-да, тахта полга бош уриб сажда қилгач, улуғ подшонинг валиаҳди шаҳзода Алексей Петровичдан муборак қўлини ўпишга ижозат сўради бурнини торта-торта.

Юзлари қип-қизил малика Наталья Алексеевна хушнудлик билан ҳар сўзни чўзиб:

— Алёшенька, қўлингни бер унга, майли, ўпа қолсин,— деди. (Подшо ойим Евдокия Суздаль монастирига жўнатилгандан бери туғишган аммаси Наталья болага оналик қиларди).

Алёшенька аммасига аста қаради-да, итоаткорлик билан князь Романга нафис тўр билан безатилган қайтарма енг ичидан қўлини чиқариб, бармоғини тутди. Князь қалин лаблари билан ёпишиб олди. Шаҳзода қўлини тортиб олмоқчи бўлиб уринди, шу он Ольга билан Антонида унинг рўпарасида таъзим бажо келтириб, юбка этакларини ёйиб юборишди, шундан кейин буйдор кавалерлар ҳам Буйносовлардан ибрат олиб, паркларини ҳилпиратиб, оёқларини тапиллатиб таъзим қилишди. Шаҳзоданинг қоп-қора кўзлари ёшга тўлди.

— Бу ёққа кел, Алёшенька, кела қол... Улар сени ўраб олишди, кела қол,— деб чақирди Наталья — кўкси етилган, сочи новвот ранг, укаси Пётр сингари кулчаюз, энгагида жажжи чуқурча... Бола келгач, тивит рўмолининг учи билан тўсиб уни пана қилди.

— Зарари йўқ, ҳали ёш, катта бўлгач, ўзи одамларни шундай қўрқитсинки... Шундайми, Алёшенька?— Малика чаккасидан ўпди-да, тарелкадан антиқа пряник олиб, чиройли тишлари билан четини тишлаб шаҳзодага берди.— Нега турибқолдингиз, княжналар? Ўтиринг, овқатдан олинг... Сен, князь Роман, кавалерлар билан бирпас туратур, сизлар бизлардан кейин овқатланасиз...

Дастурхон атрофида малика Наталья ва Анна Ивановна Монсдан бошқа яна бир новча, афтига қараганда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ақлли қиз ўтирганди: юзи сарғишроқ, қошу киприклари ҳам юзига мос тушган, сочлари баланд кўтарилиб маҳкам турмакланган эди. У овқатланиб бўлгани учун бўшаган тарелкани, виноси ичилмай қолган рюмкани нари суриб жилмайди-да, ранг-баранг жун калавадан илгак билан нимадир тез-тез тўқий бошлади. Бу ўзи подшонинг яқин таниши, Швеция резидентининг қизи — Амалия Книперкрон эди.

— Алексей Петрович, мумкин бўлса муборак юзингизни яқинроқдан кўрсам,— деди Амалия ғоят мулойимлик билан русчалаб. Сўнгра тўқиётган ишини боланинг бўйнига боғлаб томоша қилди...—О... бу шарфни албатта сиз ўрайсиз.

Шаҳзода илжаймади ҳам, юзини унинг қўлига теккизиб қўйди. .Қаддини тутиб, одоб сақлаб ўтирган Анна Монс, лабининг чети билан чиройли қилиб жилмайди:

— Йўлда карета чайқалавериб кўнглини беҳузур қилган кўринади,— деди у ҳам русчалаб,—лекин биз аминмизки, шаҳзода довюрак зольдат... Қилич тақишини кўринг, ана азамат!..

Шаҳзода аммасининг тирсаги остидан, тивит рўмол орқасидан оқ юзли немис хотинга хунук қараб қўйди. Орқада турган кавалерлар эса мақташга тушиб, шаҳзода ҳалитдан ботирлик намуналарини кўрсатяпти, деб ишонтирмоқчи бўлишди.

— Сен бизнинг отахонимиз, подшоҳимиз бўласан,— деб тўсатдан князь Роман йиғлай бошлади, думбасини дўппайтириб, тиззасини букиб, боланинг тумшуғи остидан юзига тикилди.— Арғумоққа минib, ўткир қилични қўлга олиб, сон-саноқсиз душман лашкарини қириб ташлагин... православ Русни, дунёда яккаю ягона юртимизни ҳимоя қилгин, отахон...

Шаҳзоданинг бошидан ўпмоқчи бўлди-ю, лекин журъат этолмади, фақат кифтига лаб теккизиб, ғоят мамнун бўлиб қаддини ростлади-да, белини уқалай бошлади... Малика Наталья Алексеевна негадир унга чўчинқираб тикилар эди. Анна Монс елкасини қисиб, мурувват юзасидан кулимсираб сўради:

— Бу қадар куйиб-пишиб кимдан ғазабланяпсиз, князь Роман? Турклардан бошқа душманимиз бўлмаса керак, улар билан сулҳ тузмоқчимиз... Уруш бўлишига ақл бовар қилмайди... (Амалия Книперкронга устомонлик билан ер остидан қараб қўйди.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ундай эмас, Анна Ивановна, ундай эмас... Йўллар қурисин, ўшанда кўрасиз, улуғ походга отланамиз... Бекорга шунча қўшин тўплаётганимиз йўқ, ҳаммаси Льеж миллтиғи билан қуролланган.. Сайр-томоша учун эмас...

Амалия Книперкрон ишини тўхтатди, кўзлари ҳайратдан катта очилиб, оғзи кичрайиб, юзи чўзилиб қолди. Кавалерлар бир-бирига қарашиб, Буйносовнинг гапини тинглашар, у эса оғиз кўпиртириб, ҳарбий тайёргарлик қандай бораётганини мақтанчоқлик билан ҳикоя қилар эди. Саксония элчиси Кенигсек гапни бошқа ёққа бурмоқ учун камзул чўнтагидан тамаки қутисини олди-да, ранги ўзгарган ҳолда Роман Борисовичга узатиб тиқилинч қилаверди. Бироқ князь: «Тамакинг бошингда қолсин, гапни эшит»,— дегандай силтаб ташлади.

— Йўқ, йўқ, Анна Ивановна, бутун Москва шу хусусда гапирмоқда. Тайёрланяпмиз, ҳа... Ливониядаги қадимий ота мерос ерларимизни кўксимиз билан ҳимоя қиламиз...

Кенигсек князь Романнинг оёғини босиб қўйди. Малика Наталья азбаройи жаҳли чиққанидан чўғдай қизариб жеркиб ташлади:

— Бўлди, бекордан-бекорга вайсайверма ҳадеб... Нима, тушингга уруш кирдими? Кеча кўпроқ ичиб қўйганга ўхшайсан, мастлигинг ҳалиям тарқамабди...

Малика Алёшенькани етаклаб, олачипор парда орқасига ўтиб кетди:—у ёқдан тараша ўтиннинг печда чирсиллаб ёнгани эшитиларди. Маликанинг кетидан Анна Ивановна ҳамда Ольга билан Антонида қўзғалишди, бирпасдан сўнг Амалия ҳам кетди. (Бу қиз боя тааж-жубланганда афти қандай ўзгарган бўлса, ўшандайлигича қолган эди.) Кавалерлар стол атрофига ўтирди. Гўё бу ерда Роман Борисович йўқдай бирортаси қарамади ҳам унга... Князь гапи ёқмаганлигини билди.. Хўш, нима учун ёқмайди? Бундан чиқди, православ Русь учун жон куйдириб гапириш ҳам мумкин эмас экан-да? Ажнабийлар олдида рус кишиси оғиз очолмас экан-да?.. Князь тумшайиб олиб, столга тикиларди, холос. Хизматкорлар дастурхонга таом қўйишарди. Столнинг охирида — пойгада бир стул бўш эди. Аҳмоқона хаёл билан боядан бери, овқатга таклиф қилишармикин, деб қаққайиб тургани учун шу қадар уялдики, ер ёрилмади-ю кириб кетса... Роман Борисович, башараларинг қурсин,

www.ziyouz.com kutubxonasi

дегандай қўл силтаб, шартта бурилди-да, даҳлизга чиқди. Даҳлизда пўстинлар ёнидаги кичкина стулчада ўтирган Авдотьяни кўрди.

— Бу ерда нимани кутиб ўтирибсан зоти паст хотинлар сингари шумшайиб?

— Ичкарига таклиф қилишмади, отахон.

— Таклиф қилишмади!.. Эҳ, лақмасан, лақма... Княззодалигингни унутибсан... Юр, бошқа жой топамиз...

Роман Борисович қорни тўйгунча еб-ичиб олгач, кўнгли тинчиб хаёл сура бошлади: «Балки, шаҳзода билан малика ҳузурида оғзим бўшлик қилиб, ортиқча бирор гап чиқиб кетдимикин... Олимақом кишилар нозик табиат, сиркаси сув кўтармайдиган бўлади, айниқса ажнабийлар олдида жиззаки бўлиб олишади. Майли, зарари йўқ, ҳар ҳолда чолни айбситишмас...»

Тушдан кейин Роман Борисович бир оз оғирлашиб, мудроқ босиб эснай бошлади, чанадаги пичанни думбаси билан эзғилай-эзғилай текислади-да, таппа ташлаб, оромбахш март шабадасида бемалол, беташвиш уйқуга кетди... Агар у ичиқора, нияти бузуқ одам бўлганда— бошқа гап эди, йўқ, князь оқ кўнгил, виждони пок одам, шунинг учун кўнглидагини беғараз гапирганди, холос. Аммо шу бекатда, подшо қўрасида айтилган анчайин гап кейинчалик бошига қандай кулфатлар келтиришини қайдан билсин чол...

Қанчалик шошилмасин, кун илиб қор эрий бошлади, то Воронежга етгунча одамлар роса қийналди. Яхшиямки, қор аралаш совуқ шамол туриб, ҳамма ёқ яна музлади, йўқса, бирор кечувда дарёга чўкишарди. Энди улар тезроқ етиб олиш учун ўз чаналарини қолдириб, почта араваларда кетишди. Донга яқинлашган сари йўл бўйидаги қишлоқларда тобора тумтайган, гап уқмас ўжар мужиклар учрарди, одамга бўридай ўқрайиб ёмон тикилишар, бақириб дўқ қилмасанг, шапкасини олмасдан тураверарди. Роман Борисович от алмаштириш учун ҳар бир қўрага ўзи кирар ва мужикларнинг ёқасидан бўғиб сўкарди: «Биласанми, қаршингда ким турибди, итвачча?.. От топ, йўқса хонавайрон қиламан»,— деб бақираверіб овози бўғилганди.

Мужик эса, ғазаби қайнаса ҳам тишини тишига қўйиб, бош чайқарди, холос, болалари кўзларини йилтиллатиб печь устидан сичқондай мўралашарди, суяги йўғон

www.ziyouz.com kutubxonasi

баҳайбат хотини эса оташкурак ёки косовни олволиб ёмон ўқраяр: «Хонавайрон қиламан деб дўқ қилаверма, боярин, аллақачон хонавайрон бўлиб бўлганмиз, от йўқ бизда, яхшиликча жўнаб қол»,— деб ўшқирарди.

Дарё бўйидаги тепаликка жойлашган ўнтача уйдан иборат бир қишлоқчада, ҳаво айниганлиги сабабли Буйносовлар ноилож бир сутка туриб қолишди. Қишлоқда фақат хотинлар қолган: на биронта эркак, на от бор. Ўчоққа ўт ёқиб иситиладиган печкасиз уйда тунашди. (Одам тик турса, боши тутун ичида кўринмасди.) Князода қизлар жуфтланган скамейкаларда пўстинга бурканиб ётишарди. Тутун кўзларни ачиштирар, дайди шамол увиллаб безор қиларди.

Роман Борисович уйғонди-ю, кўчада гаплашаётган овозларни эшитди, назарида, кимдир отда келгандай туюлди. Инқиллай-синқиллай, эринчоғлик билан иссиқ қина пўстин тагидан туриб ҳовлига чиқди. Ҳовли сутдай ойдин, сузиб ўтаётган булутлар орасидан чарақлаган юлдузлар кўринарди. Князь ёзилиб олгач, дарвоза томон юрди. Дарвоза орқасида бўғиқ овозлар эшитилди:

— Жуковолик мужиклар баҳор келиши биланоқ қочиб қолишади, Иван Васильевич...

— Шу дамгача, худога шукур, бемалол яшаб, тинчгина юрувдик... Ўша лаънати дажжол —ҳаҳ, оти нимайди — Азмус келди-ю, лойга беланиш бошланди... Ботқоқдан лой олиш учун бирталай черпак қилдик. Лойдан гишт қуйиб, бостирмалар тагида қуритяпмиз... Мужикларимиз эрталабдан қоронғи тушгунча лой ташигани ташиган, бостирмаларимиз тўлиб кетди... Отларни ишдан чиқардик. Энди ёр ҳайдаш, экин экишни орзу қилмасак ҳам бўлади...

— У куни подшо келди... Бу камлик қилади, деди... Ботқоқ тагидан лой сидириб оладиган черпакли тегирмон қуришни буюрди... Бостирма тагидаги лойдан олиб ёқиб кўришди[1]. Йўқ, бундай мажбурий меҳнатга чидаб бўлмиз... Бу ердан қочиш керак...

— Жарларга бекиниб жон сақлаяпмиз, Иван Васильевич. Нон-пон олгани қишлоққа тундагина келамиз. Шу ҳам турмуш бўлдими?..

— Атаман, қўзғолон қачон бошланади?

Роман Борисович бошига ёпинган пўстинча остидан

[1] Бу лой эмас — торф белса керак. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

шамол урганини ҳам сезмай дарвоза тирқишидан мўралади. Гира-шира юлдузлар шуъласида, чана ёнида бошларини қуйи солиб турган бир неча мужикка кўзи тушди; кетига гилам қопланган чанада, казакча шапка, чопон кийган, соқоли эса гўё оҳак сачрагандай чавкар, норғул бир одам тизгинни ушлаб ўтирар эди. «Ие, ие, бу қароқчини аллақаерда кўрганман»,— ваҳима босиб эслай бошлади князь.

Мужиклардан бири чанага энгашиб сўради:

— Донда нима гап, атаман?

Чавкар соқолли киши тизгинни тўғрилаб, жиддий оҳангда:

— Ёзгача кутинглар,— деди.

Мужиклар чанага яқинроқ келишди:

— Нима, уруш бошлашмоқчими тағин?

— Қошкийди, уруш бошланса...

— Тезроқ бир ёқли бўлса, азобдан қутулармидик балки...

— Қутуламиз, қутуламиз,— деди дўқ аралаш чавкар соқолли киши.— Тишимиз бутун ҳали,— деди-да, кескин бурилиб сўради:— Йигитлар, отни кимникига қолдирсам бўларкин?

— Иван Васильевич, меники қулай-ку... бироқ кеча тўсатдан бир боярин хотин қизлари билан келиб, бошга бало бўлди... Жудаям жонга тегишди... Похолу пичанларни оёқ ости қилиб солиб ташлашди, судини яшириб қўювдим, топиб олишди лаънатилар, ишонасанми, отларига бир челакдан сули беришяпти-я!.. Қошки пулини тўласа, бир тийин бериб бўпти...

Чавкар соқолли киши оғзини очиб кулди:

— Ҳа-ҳа-ҳа... Ана, ўриндиқ тагидаги қопга пичоқ солиб қўйибман... Ҳаққингни талаб қилиб ол... Ҳей, тутқин мужиклар, шундай қилиш керак... (Тизгинни тўғрилади.) Хўш, кимникига ҳайдай?

Бир мужик чана олдига ўтди:

— Бу ёққа, Иван Васильевич, меникида жой бемалол,— деди.

Роман Борисовичнинг аъзойи бадани бирданига жунжикиб, музлаб кетди. Князь тишларини такиллатиб, тез-тез юриб қоронғи уйга кирди.

— Авдотья...— ҳовлиқиб хотинини силкита бошлади.— Тўппончани қаерга яширгансан? Ольга, Антонида, туринглар... Ўт ёқинглар... Чақмоқтош қаерда, пилиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

қани?.. Мишка, Ванька, туринглар, тезроқ отларни қўшинглар...

Ёғочдан янги қурилган подшо саройи дарёнинг нарёғида, эски ва янги ўзан оралиғидаги ярим оролда қад кўтариб турарди. Пётр саройда камдан-кам бўлар, ойда бир марта тунаса тунар, бўлмаса — йўқ, ишлаб юриб қаерда қоронғи тушса, ўша ерда тунаб қолаверарди. Малика Наталья Алексеевна шаҳзода Алексей билан ҳамда бева қолган подшо ойим Прасковья[1] ва қизлари — Анна, Екатерина ва Прасковья билан шу саройга тушдилар. Тантанали сайилга келган боярзода хотинларни қизлари билан шу ерга аралаш-қуралаш жойлаштирдилар. Саройдан чиқиб бирор жойга боришнинг иложи йўқ; ҳамма ёқ чашма, ботқоқдан иборат эди. Деразалардан фақат складларнинг тахта томлари, эски Воронеж дарёси соҳилидаги стапелда турган кемаларнинг қовурғалари, жардаги ифлос қорлару тўнка босиб кетган тепалар кўринарди, холос.

Буйносовнинг қизлари бал ва мушакбозлик бошланишини кутавериб юраклари сиқилганидан дераза олдида ўтиришарди:

«Бундан бошқа тузукроқ жой қуриб кетган экан-да! Айланиб келай десанг на ўрмон бор, ўтириб томоша қилишга — на тузукроқ соҳил, ҳамма ёқни балчиқ, ахлат, пайраҳа босиб кетган»,— деб диққат бўлишарди. Қирғоқ томондан кемалардаги тарақ-туруқ, мужикларнинг қийқириқлари эшитилар, ўша ерга тўда-тўда суворилар келиб турарди. Қизлар эса, қад-қоматлари келишган отлиқ аскарларни узоқдангина кўришар, ичлари куйиб, оҳ-воҳ қилишарди. Сайил қачон бошланишини ҳеч ким билмасди. Яқиндан бери кемалар ёнига ёқилган гулхан ёруғида кечаси ҳам ишлаб тонг оттиришарди. Қизлар, гулхан шуъласи уйқуга халақит бермасин, деб парда йўқлигидан ётоқхона деразаларини юбкалари билан тўсиб ухлашарди...

Ёғоч девор билан ўралган ҳовли бир оз қуригач, Ольга билан Антонида пешайвонга чиқиб, офтобда ўтиришар, лекин барибир зерикишарди. Албатта, бошқа пешайвонларда ўтирган қизлар билан гаплашиб кўнгил

[1] Марҳум подшо Иваннинг хотини. *(Авт.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзиш мумкин эди: масалан, князь Ликовнинг бўрсиқдай семирган, семизлигидан ҳатто кўзлари юмилиб кетган қизи билан, ёки князь Долгоруковнинг лўлидай қоп-қора, ўлгудай димоғдор қизи билан (минг яширса ҳам оёғини жун босган — бутун Москва билади) ёки князь Шаховнинг бир эмас — саккизта қизи билан («Онаси туғиб ташлайверибди-да, эртадан-кечгача пичирлашиб ғийбат қилишади, холос...») Ольга билан Антонида умуман хотин-қизларни ёмон кўришар эди.

Бир куни эрталаб ҳовлига аллақанча мужикни ҳайдаб келишди-да, тушга қолмай арғимчоқ ясашди, ёғоч отлар ва қайиқчалар осиб қўйилган от-ўйин қуриб беришди. Лекин унинг яқинига бориш амри маҳол эди: гоҳ шаҳзода инжиқлик қилиб, белимдан ушлама, ўзим учаман, деб энагаларини итариб ташлар, гоҳ кичкина-кичкина малика Иоанновналар учмоқчи бўлиб, эгаллаб олишарди. Маликаларни бу ерга немис мураббий — Иоганн Остерман бошлаб келарди: бир чўнтагига—бурун артиш учун шойи дастрўмол, иккинчи чўнтагига — савалаш учун — бир боғлам майда-майда чивиқ солиб юрарди, ўзига жиддий тус бергиси келиб, кўзойнак тақиб, қовоғини солиб олгани учун баркашдай юзи аҳмоқона тусга кирганди. Остерман маликаларни қайиқчаларга ўтқазиб, ўзи гул солиб бўялган ёғоч отга минарди-да: «Нашинай, абер лангзам, лангзам»[1],— деб кўзларини юмарди-ю, оёқларини судраб, бесўнақай товонлари билан ер сидириб, то боши айлангунча учаверарди.

Баъзан катта пешайвон зинасидан думалашиб, кафтанини тескари кийиб олган бир гала ола-була масхарабозлар: аёллар кўйлагида икки чол, кўмирдай қоп-қора митти ҳабашлар, думбаси тоғорадай хотинлар тўс-тўполон билан қизиқчилик қилишарди; қора духоба кўйлакда савлат тўкиб келаётган пошшо ойим Прасковьяни тирсагидан суяшиб, зинапоядан оҳиста туширишарди. Дарҳол курси билан ёстиқ келтиришар, пошшо ойим ўтирарди-да, кўк кўзларини ва қизил ранг сурилган бақалоқ юзини қуёшдан опқочиб, тескари қараб оларди. У парик киймас, қоп-қора сочлари париксиз ҳам чиройли эди. Миттилар, масхарабозлар лунжларини шишириб, унинг оёғи ёнига ўтириб олишарди. Оқсоч хотинлар маҳлиё бўлиб, курси орқасида жим туришарди.

---

[1] Лангзам — немисча сўз — секинроқ. *(Авт.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пешайвонларда ўтирган қизларнинг ўринларидан туриб ҳадеб таъзим қилганларини кўриб:

— Ўтиринглар, қимирламай ўтиравернинглар,—дерди пошшо ойим зериккансимон оҳангда. Арғимчоққа, отўйинга қараб, бошини қийшайтириб секин-секин нирай бошларди.

Хотинлар хавотир олиб, энгашиб сўрашарди.

— Нима қилди, онахон, қаерингиз оғрияпти, ўргилай?

— Ҳеч ерим оғриётгани йўқ... Нари туринглар... (Пошшо ойим бўшангроқ эди, ҳар доим бирор ери тўсатдан оғриб қоларди.)—Ҳой, Иоганн. Бас қил учишни, ахир маликаларнинг боши айланади... Худоё ўзинг кечир, тилим ёзиқ, жудаям аҳмоқ экан бу немис... бўйи теракдай, кўзида кўзойнак, ёш болага ўхшаб учгани учган, уялмайди ҳам...

Шундан кейин Иоганн Остерман қизларни етаклаб онаси ёнига опкеларди. Тўғричи, саккиз яшар малика Екатерина чўтир, кўзлари ғилайроқ эди, шунинг учун пошшо ойим унга кўпроқ меҳрибон эди. Бақалоққина, хушчақчақ ва шўх кенжатой Прасковьяни яхши кўрарди, жингалак сочларини силар, тиззалари орасига олиб, пешанасидан ўпарди. Ўртанчаси — Анна Ивановна[1] эса, қорачадан келган, лаблари гезарган, тумтайган қизча эди, ҳамиша онаси ёнига опа-сингилдан кейин чўчинқираб келарди.

— Нега кўзингни ердан олмайсан? Онанг сени еб қўймайди,— деди пошшо ойим. Масхарабоз чол келтирган тарелкадан ширинлик олиб севимли Пашенькани, эркатой Катенькани сийлаб бўлгач: «Ма, пряник!»—деб Аннага узатди. Сўнгра хўрсиниб, мураббийни бошдан-оёқ кўздан кечира бошлади: силлиқ таралган паригидан то жигар ранг мовут пайпоғигача қараб чиқди.— Қизларни ҳалитдан бунга топширмай тура турсам бўлар экан, ҳозирча энагалари билан яйраб юргани маъқулга ўхшайди, ҳали ёш...

Курси ортида турган хотинлар баравар такрорлашди:

— Ҳали ёш, онахон, илм ўрганишга ҳали ёшлик қилишади, айланай...

— Бўлди-е, қулоғим тагида чуғурлайверманглар!..—

[1] Анна кейинчалик подшо бўлади. *(Авт.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пошшо ойим юзини буришгирди. Остерманни ёнига чақириб суришгира бошлади:— Хўш, бугун маликаларга нимани ўқиб бердинг? Немисча гаплашишни ўргатдингми? Рақамларни-чи?

Иоганн Остерман бир оёғини олдинроқ қўйиб, кўзойнагини тўғрилади-да, саволга алоқаси йўқ гаплар билан узундан-узоқ қилиб ҳисобот бера бошлади. Пошшо ойим секин бошини қимирлатарди-ю, бироқ мураббий нима деётганини тушунмас эди. Фақат бир нарсага, энди эскича урф-одат билан яшаб бўлмаслигига ақли етарди холос. Оғир бўлса ҳам, ҳозирги тартибга бўйсуниш, замона билан баравар қадам ташлаш кераклигини тушунарди. Тўқсон саккизинчи йил асло эсидан чиқмасди: ўшанда қадимий урф-одатларни ёқловчи не-не одамлар Кремль саройидан қувилганди, малика Софья билан сингиллари оз бўлса калтак остида қолишганди, пошшо ойим Евдокия эса эри ўлмасдан монастирга жўнашга мажбур бўлганди, алҳолгача роҳибаликда кўз ёши тўкиб, Суздалда умри хазон бўлмоқда...

Прасковья Фёдоровна, Салтиковлар наслидан бўлгани учунми, бўшанглигига қарамай ниҳоятда ақлли, шунингдек, туғишган укаси Василий ҳам ақлли эди. Василий унинг доимий маслаҳатгўйи бўлиб, ҳам бошқарувчилик, ҳам ишбошилик қиларди. Пётр Алексеевичга Москвада чиройли бир жой — шоҳона ҳовли жудаям кераклигини, бусиз иши битмаслигини опа-ука яхши тушунарди, чунки, ажнабий элчилар, чет элдан келадиган атоқли кишилар кўпинча нозиктабиат бўлади, баъзиларини Кукуйга — Монсиханикага обориш ноқулайроқ... Шуни билиб, Прасковья Фёдоровна ўз уйида замонавий тартиб ва европача мулозамат қоидаси жорий этиб, элчилар ва сайёҳларни, чет элдан келган машҳур савдогарларни шу ерда қабул қиларди. Жонажон эски тартиб, қадимий буюмлар эса ичкарида, кўздан нарироқда сақланарди. Шунинг учун ҳам Пётр Алексеевич уни яхши кўрар ва қадрлар эди.

Прасковья Фёдоровна офтобшувоқда ўтириб зеркачи, қизлари ва хизматкорлари билан уйга кирарди. Навбат Буйносовнинг қизларига келарди: опа-сингиллар қайиқчага тушиб, мужикларга иложи борича тезроқ айлантиришни буюришарди. Ора-сира оҳиста қийқириб ҳам қўйишарди. Йироқда отилган тўп овозлари, бирорта кеманинг мачтасини тиклаётган мужикларнинг ва-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғир-вуғири эшитиларди. Ҳадемай тушки овқат бошланар, ундан кейин — смола ҳиди келган иссиқ ётоққа кириб мудрашарди.

Роман Борисович учун тоза кўйлак-иштон олиб кетгани шаҳарга икки марта одам келди: бечора князь Апраксиннинг қўрасида, тўрт киши кичкина ҳужрага тиқилишиб роса қийналяпти, Воронежда қанча турилади, кутиш қачон тугайди — ҳеч ким билмайди, деди ўша одам...

Бир куни туш пайти Пётр ҳовлига отда кириб келди: жуда озиб кетган, соқол-мўйлови қирилган, юзи офтобда қорайган. От-ўйинни кўриб хурсанд бўлди, деразаларга кўз ташлади: афтидан, уйқуси ўчмаган аёллар подшо келганини эшитиб, тараддудланиб қолган эди. Пётр отдан тушди, тор кафтан устидан боғлаган шарфини тўғрилаб, югурганича юқорига — Прасковья Фёдоровна ёнига чиқиб кетди.

Орадан бир минут ўтар-ўтмас, эртага эрталаб кема сувга туширилишини ва сайил бошланишини қўрада эшитмаган одам қолмади...

Элликта тўп ўрнатилган икки палубали баҳайбат «Предестинация» ясси қирғоқдаги стапелда тирговучлар билан суялиб турарди. Устма-уст уч қаватига чорбурчак деразалар ўрнатилган, дум томони жимжимадор нақш солиниб эмандан ишланган ва ниҳоятда баланд эди. Қоп-қора бортларидаги тўп люклари очиб қўйилгани учун гўё икки қатор оппоқ чизиқ тортилганга ўхшаб кўринарди. Дағал сурпдан қилинган елканлари ўралиб, мачтанинг кўндаланг ёғочларига боғлаб қўйилганди. Дум томонига нисбатан анча пастроқ ва тўмтоқроқ бўлган тумшуқ томонидаги яланғоч сув париси йўғон ва бақувват қўллари билан олдинги мачтани суяб турарди. Бу узун мачтанинг вазифаси илгариги кемалардагига қараганда тамоман бошқа бўлгани учун унга фақат кўндаланг елканлар осилган эди. Кема Пётрнинг лойиҳаси асосида ва шахсан ўзининг ҳамда Федосей Скляев билан Аладушкиннинг назорати остида қурилган эди.

Ям-яшил тепалар орқасидан, Воронеж миноралари ортидан қуёш кўтарилди. Ҳаво булутсиз, осмон кўм-кўк ва тип-тиниқ эди. Майин шабада сув сатҳини оҳиста жимирлатар ва гўё елканларни тезроқ кўтар, деб қистаёт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гандек, дарё кенг ёйилиб оқмоқ учун интилаётган бепоён даштлар сари — баҳор сари чорлаётгандек эди...

Кема ёнидаги баланд сўрига столлар қўйилиб, турли ноз-неъмат ва ичимлик билан безатилганди. Шамол қизил мовут дастурхонлар четини ҳилпиратар, шляпаларга қадалган патларни, парик кокилларини, офицерлар бўйнидаги шарфларнинг попукларини тўзитиб ўйнашарди. Столлар ёнида: пошшо ойим Прасковья Фёдоровна, малика Наталья Алексеевна ва болалар, улардан ташқари — элчилар ва чет эл вакиллари, голландиялик ва англиялик савдогарлар, поляклар ва немислар, Париждан келган айёр монах, Амалия Книперкрон, саксониялик ҳарбий инженер Галларт ва ниҳоят, ҳозиргина қирол Августдан мактуб олиб келган империя герцоги Карл Евгений фон Круи. Қолган меҳмонлар эса, номи улуғ бўлса-да, ҳозирги шароитда у қадар аҳамиятга эга бўлмагани учун, стол орқасида тик туришар, матрослар ёғоч челакларда ароқ келтириб, уларга қуйиб берарди.

Герцог фон Круи пошшо ойим билан малика ўртасида, бепарволик билан столга тирсагини тираб, сарғиш мўйловини бураб ўтирар ва одамлар оша қаёққадир тикиларди. Унинг бурни узун ва қийшиқроқ, юзи шалпайган, кўз тагларида халтачалар пайдо бўлган, ясси париги то қошларигача босиб тушган эди. Бинафша ранг кафтан остида — орден лентаси, бўйнида — олтин занжир, кўксида — олмос юлдузлар. Унинг олдида ҳаттоки пошшо ойим билан малика ҳам қўрқиб-қимтиниб ўтиришарди: ахир у муқаддас Рим империяси герцоги, ўн бешта улкан жанглар қатнашчиси, енгилмас ботир бўлгач, ҳаммаям қўрқади-да... Лекин, афтидан, герцог пулдан қисилган, ҳамёнида ҳемири йўқ эди (москваликлар буни дарҳол пайқасалар ҳам сир бой бермасди), акс ҳолда, шундай узоқ жойдан Воронежга келмасди ҳам... Унинг стули орқасида Пётр Павлович Шафиров таржима қилиб турарди.

Герцог жияги қизаринқираган кўзларини сузиб гапирмоқда эди;

— Россия ажойиб мамлакат, руслар меҳнатсевар, художўй халқ, рус аёллари — мисли сиз гўзал. Русларнинг бизга тақлид қилиб, бизнинг одатимизни, бизнинг кийимимизни қабул қилишга астойдил интилгани Европадагиларни таажжублантирмоқда. Россия Европага эмас, Осиёга назар ташлаши лозимлигини худованд каним

www.ziyouz.com kutubxonasi

азалдан белгилаб қўйган. Сон-саноқсиз Осиё халқларини подшо тахти олдида зир-зир титратиш, бутун христиан олами учун Эронга ва Хитойга кенг йўл очиш — мана энг олижаноб, энг улуғ вазифа...

Герцог ўз мулоҳазасини тугата олмади: меҳмонлар чуғурлашиб, оёқларини тапиллатиб қолишди. Кема томонидан келаётган Пётр кўринди: эгнида — парусин кўйлак ва почаси калта, голландча духоба шим, енглари шимарилган, бошида — клеёнкадан тикилган тўгарак шляпа. Пётр сўри олдида тўхтади-да, бесўнақай парик кийиб, бир стакан венгер виносини ушлаб ўтирган бақалоқ адмирал Головнинга ҳурматан шляпасини бошдан олди...

— Жаноби адмирал, соғ бўлғайсан...

— Саломат бўлғайсан, мастер Пётр Алексеевич,— димоғдорлик билан жавоб қилди Головин.

— Жаноби адмирал, кема сувга тушишга тайёр. Буюр, тирговучларни уриб туширайлик.

— Тангри ёр бўлсин, бошланглар.

Герцог мўйловини бурашни бас қилиб, ҳайратланиб подшога тикилиб қолди: у эса, оддий дурадгор каби гўё подшо эмас — зоти паст одамдек, адмиралга таъзим қилиб, шляпасини кийди-да, пайраҳалар устидан тез-тез қадам ташлаб узоқлашди. «Тайёрлан!..» деб бақирди. Тоғдай кема тагидаги қиялама нишаб жойда турган ишчилар дарҳол ҳаракатга келди. Подшо йўл-йўлакай чўён болғани олволиб команда берди: «Тирговучлар ёнида қатор бўл... Баравар... Ур...» Бирданига ёғочга урилган болталар тарақ-туриғи эшитилди, баҳайбат кемани олд томондан тираб турган ходалар қулай бошлади. Сурнайлар садоси янгради. Меҳмонлар стаканларини баланд кўтариб, ўринларидан туришди. Болға билан тирговуч қулатаётган Пётрнинг кураклари кўйлак остида қандай тебрангани бемалол кўринарди. Мачталар лопиллади, кема эса остидаги изларни эзиб, сал-пал чўкинқиради. Сўнгра бир лаҳза қимирламай турди-да, ёғ суртилган сип-силлиқ ва нишаб стапелдан жилди. «Қўзғалди, қўзғалди!..»— чуғурлаб бақира бошлади сўридаги меҳмонлар.

Кема тобора тезроқ сирғалиб тумшуғи дарёга яқинлашмоқда эди. Излар устида ёғ тутай бошлади. Тумшуғи сувга тегди. Зарҳалланган сув париси то белигача ғарқ бўлди. Кема олдида пайдо бўлган тўлқинни ёриб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва икки ёққа сачратиб, шиддат билан олға интилиб бутунлай сувга тушди-да, шартта бурилиб, чайқала бошлади. Ипга тортилган байроқчалар йўрғалаганича мачталар учигача кўтарилди. Кема бортларидан ёлқинланиб ўт-аланга чиқди, тўплар садоси янгради...

. . . . . .

Меньшиковникида — шаҳар томонда кўприк ёнидаги ҳовлисида икки кундан бери зиёфат давом этмоқда эди. Меҳмонлардан бир қисми ҳеч ухлагани йўқ, бир қисми столлар тагида, пичан устида чўзилиб ётарди (полга тўшалган пичан бир неча марта алмаштирилиб янгиланди). Хонимлар бирпас дам олиб кўзлари юмилар-юмилмас кийимларини алмаштириб, пардоз-андоз қилиб яна шалдироқ кареталарда шу ерга қайтиб келишарди. Кеча мушакбозлик бўлди, бугун жуда катта базм бўлмоқчи.

Ажнабийлар сайилдан ниҳоятда мамнун эди. Пётр Павлович Шафиров жонини жабборга бериб, уларни энг яхши венгер виноси ва нуқул асл ароқ билан сийларди (ўзимизникиларга анчайин ичимлик бериларди). Шундай қилиб, бу айёр яҳудий мақсадига эришди, баъзи элчилар бу ерда кўрганларини Стамбулдаги дўстларига: «Руслар «Предестинация» кетидан, бир ҳафта ўтар-ўтмас яна бешта улкан кема ва ўн тўртта галерани сувга туширишди, қолганларини яқин орада битиришади, то Чижовкага қаторлашиб стапелларда турибди, бу ердан бемалол кўринади»,— деб ёзишди. Шунча кемалар устига Азов флоти ҳам қўшилса борми, Қора денгизни кўз қорачиғидай, бокира қизни эҳтиёт қилгандай қўриқлаётган Султон энди сулҳ музокарасида унчалик димоғ-фироғ билан оёқ тирамаса керак.

Тахтадан нари-бери қурилиб икки хил бўёққа бўялган кенг залда опа-сингил овқатланиб ўтирар: Антониданинг эгнида — лола ранг нафис кўйлак, Ольга эса — оч барикарам куйдирмажон кўйлакда эди. Юз элликтача меҳмон ташқарида —«П» шаклида қўйилган столлар атрофига жойлашганди; ичкарида масхарабозлар қизиқчилик қилишар: бир-бирининг устидан ўмбалоқ ошишар, ичига нўхат солинган пуффаклар билан дўппослашишар, ит каби вовиллашиб, мушук сингари миёвлашиб шундай тўполон кўтаришардики, ердаги пичан тўзиб лаганлар ва париклар устига тушарди. Уларга энди ҳеч

www.ziyouz.com kutubxonasi

ким қарамай қўйган эди. Тунука қалпоқ кийган князь-папа эса — шоҳона соябон тагида — ҳар гал кема шарафига қадаҳ кўтарилгандан кейин тўпчиларга дастрўмол силкитавериб роса чарчаганди шўрлик чол. Тўплар залпидан деворлар ларзага келарди. Боя фахрий масхарабоз Яков Тургенев бошида салла, эгнида татарча чопону оёғида туфли билан ифлос ва букри чўчқага миниб тўсатдан залга кириб келди-да, қалбаки соқол боғлаган сўлғин юзини буриштириб кулдираверіб ҳамманинг ичагини узди.

— Келиб қол,— деб бақирар эди,— келиб қол, султон ҳазратларини товонидан ўпиб қол!..

Ҳозир у итдай маст бўлиб, стол тагида ағаниб ётибди.

Қўшиқчи матрослар овоздан ажраган, мугиз сурнай чалувчи созандалар бири боғдан келса, бири тоғдан келар эди. Ҳамма рақс бошланишини қутарди. Ольганинг ёнида Преображенский полкининг прапоршиги Леопольдус Мирбах, Антониданинг ёнида — мол этидай қип-қизил денгизчи поручик Варфоломей Брам ўтирарди, у устма-уст ичар ва қизга кўз қисиб қошини учирарди. Шундай ажойиб дамда гап сотиш кимга керак?— ҳаммаси қуруқ гап!..— Оҳ, қани энди бармоқ учини кавалерга тутқизсангу юбка этагини сал-пал кўтариб скрипка садосига монанд бурала-бурала, мумланган силлиқ пол узра қуш каби гоҳ учиб, гоҳ сузиб юраверсанг... Қизлар момақалдироқ пайтида тўлқинланган ўрмондаги кўл сингари ҳаяжонланган эдилар.

Роман Борисович билан Авдотья столнинг нариги томонида ўтиришарди. Подшодан узоқроқ ўтиргани князга алам қиларди. Пётрни ажнабийлар ўраб олишганди: бу ёнида — герцог фон Крун, шу қадар маст эдики, худди пашша талаган отдек нуқул бошини силкитарди, холос, у ёнида — Амалия Книперкрон. Сўнгги дақиқагача Пётр жуда хурсанд, ҳазиллашиб кулиб-яйраб ўтирган эди... Аммо қандайдир бир ҳодиса рўй бердими (меҳмонлар Меньшиков унинг ёнига бориб қулоғига шивирлаганинигина кўрдилар, холос, шундан бўлак ҳеч гап бўлгани йўқ)— тўсатдан кулишдан тўхтади. Лекин, афтидан, ўзини босди. Лаганлар олиниб янги тўққиз тортилгач, қўллари шу қадар қалтирай бошладики, қўлидаги вилка дам тарелкани тополмай дастурхонга санчилар, дам оғзи қолиб юзига тегарди. Амалия Книпер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

крон унга тасалли бермоқчи бўлиб, мулойимлик билан қўлини қайтарма енгига қўйиб:

— Герр Питер, ўзингизни босинг,— деди.

Подшо пичоғу вилкани ташлади, юзини буриштириб кулиб юборди:

— Қўлларим — менинг душманим... (Қўлини стол тагига тиқди). Хўш, нега тикиласан, доно қиз? Бугун шундай рақсга тушамизки, пошналар майишиб кетгунча ўйнаймиз...

Амалиянинг пешанаси тиришди, гина қилган бўлиб секингина деди:

— Герр Питер, наҳотки мен ишончингизга муносиб бўлмасам, наҳотки мени илтифотингиздан маҳрум этсангиз?

Пётрнинг кўз қорачиқлари чақнади, бурун катаклари керилди.

— Йўқ, йўқ!

— Герр Питер, кўнглим ниманидир сезяпти.

— Нима, кампирга ловия билан фол очирдингми?— деди-да, тескари қараб олди.

Амалиянинг лаблари титраб кетди:

— Отам ҳам ваҳимада... Бугун ундан мактуб олдим...

— Мактуб?— Пётр кўзларини чақчайтириб, қизнинг ҳаяжонли юзига қарчиғайдек тикилди.— Нималар ёзибди Книперкрон?

— Герр Питер, бу нарсани ортиқ кўргимиз ҳам, сезгимиз ҳам келмади-ю, бироқ ҳеч иложи бўлмаяпти... Ҳатто эшитгимиз ҳам келмайди. Аммо бу тўғрида ҳамма рўйирост гапиряпти... (Амалия қўрққанидан қандайдир бир сўзни айтишга тили бормай, бурни қизара бошлади). Бу мутлақо ақлга тўғри келмайди... Ахир бу шаккоклик бўлади-ку... (Қаттиқ ҳаяжонланганидан кўзлари ёшга тўлди). Фақат бир сўзингиз кифоя, герр Питер.

Амалия чуқур нафас олмоқчи бўлгандек оғзини катта очганича қимирламай қолди. Василий Волков пайдо бўлиб, Пётрнинг курсиси орқасида таққа тўхтади. Юзи шамолда пўст ташлаган, соқоли олинмаган, мовут кафтани ғижимланганди, енг қайтармасига қистирилган хатнинг бир чети кўриниб турарди. (Бу хат сумкадан ҳозиргина олинган бўлса керак.) Амалиянинг ранги оқариб кетди, кўз қорачиқлари саросималаниб дам подшога, дам Волковга қарай бошлади. Василийнинг хотини

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан чет элдалигини Амалия биларди... Бу ерга ёмон хабар олиб келганини ҳам кўнгли сезиб турарди...

Пётр ёнидаги стулни кўрсатиб унга: «Ўтир»,— деб буюрди. Серҳашам парик кийган Меньшиков мийиғида кулиб яқинроқ келди. Пётр қўл чўзди, Волков дарҳол мактубни берди.

— Қирол Августдан,— деди Пётр Амалияга боқмасдан.— Ёмон хабар... Ливония нотинч... (Подшо мактубни қўлида айлантириб турди-турди-да, шартта қўйнига солиб қўйди). Зарари йўқ... Ливония узоқда, хурсандчилкни давом эттириш учун бизга халақит бермайди... Мазмунини гапириб бера қол,— деди Волковга.

Волков ўрнидан турмоқчи эди, бироқ Меньшиков елкасидан босиб ўтиргизиб қўйди, ўзи стулга суяниб орқада турди.

— Қирол Августнинг саксониялик қўшини уруш эълон қилмасдан Лифляндияга бостириб кирди,— деди тутила-тутила Волков.— Қўшин Рига шаҳригача босиб келди-ю, фақат Кобершанц номли кичкина қалъани эгаллади, холос. Шведлар тўхтовсиз ўқ ёғдириб турганн учун шаҳарга ҳужум қилишга журъат этолмадилар... Шундан кейин генерал Карлович денгиз орқали ҳужум қилиб, Динамюнде қалъасини ишғол этди, аммо ҳужум охирида милтиқдан ўқ еб тил тортмай ўлди.

— Аттанг, эсиз Карлович,— деди Пётр.— Хўш, келтирган хабаринг ҳаммаси шуми?— Подшо муздай қўлини Амалиянинг қўлига қўйди. Қиз тез-тез нафас оларди. Пётр унинг қўлини қаттиқ қисди. Волков гангиб қолди. Александр Данилович узук тақилган бармоқлари билан парик толаларини тараб бепарволик билан:

— Мен суриштириб кўрдим, шундан бўлак ҳеч нарса билмайди,— деди.— Рига ёнидаги жанг тўғрисида хабар олинганда Василий Варшавада экан. Қирол Август ўша куниёқ уни бу ёққа жўнатибди. Саксонияликлар Ригани ололмаган, бундан кейин ҳам ололмайди, чунки шведлар тиш-тирноғигача қуролланган... Бекорга оворагарчилик...

Амалия қўлини тортиб олмади, лекин титраган юзини қуйи қаратди:

— Бу уруш, урушдан бошқа нарса эмас, герр Питер,— деди пичирлаб.— Мендан яширманг... Мен йўлда келаётибоқ ҳаммасини тушунган эдим... О, ана бахтсизлик...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пётр бир дақиқа жимиб қолди-да, бирдан:

— Нимани тушунгандинг? Бирортаси бир нима дедими?— деб сўради хириллаган товуш билан.

Амалия тутила-тутила, бекатдаги қўрада князь Романнинг гапларини эшитиб ҳайратда қолганини сўзлаб берди.

— Сенга Буйносов валдирадими?— ғазаб билан сўради Пётр.— Қайси бири? Анави масхарабозми? (Кўзлари жиққа ёшга тўлган Амалия бош иргади.) Ҳали сен шу аҳмоқнинг гапига ишондингми? Балли, ҳаммамиз сени ақлли деб юрибмиз-а... Дастрўмолингни олиб кўзларингни арт... (Амалия беихтиёр унга итоат этиб, тинчланди). Отангга шундай деб ёзгин: ҳеч қачон ноҳақ уруш бошлашга рози эмасман, Карл билан тузилган абадий сулҳ шартномасини бузмайман. Борди-ю, Польша қироли Ригани олган тақдирда ҳам — унга бу шаҳарни бериб қўймайман — чангалидан юлиб оламан... Бунинг учун худо номи билан онт ичаман.

Пётр кўзларини осмонга тикиб сидқидилдан тасдиқлаган бўлди. Александр Меньшиков ҳам бошини қуйи қилиб тасдиқ аломати изҳор этди, лекин шундай нозик пайтда кулиб-нетиб қўймаслик учун оғзини кафти билан тўсди.

Амалия дастрўмоли билан юз-кўзларини артиб, уялгансимон кулимсирарди. Хуллас, қиз подшодан узр сўради. Пётр хурсанд бўлиб чарм курсининг суянчиғига бемалол суяниб олди.

— Князь Роман, бери кел,— деб чақирди подшо.

Бир лаган минога[1] устида жанжал-тўполон қилаётган масхарабозларнинг қий-чуви орасидан Роман Борисович подшонинг овозини бошда эшитмади. Чунки уларнинг ўмбалоқ ошиб думалашганини, бир-бирининг оғзидан миногани тортиб олганини кўриб, ҳиқичоқ тутгандан баттар ҳиқиллаб кулаётганди. (Антонида билан Ольга кўзларини ола-кула қилиб, подшо чақиряпти, деган маънода имлашса ҳам, князь фаҳмламади). Ниҳоят, князь ойим эрини туртиб: «Тезроқ бор, сенга марҳамат айламоқчи, отахон»,— деди.

Роман Борисович йўрғалаганича подшо ёнига борди, қиличи билан кафтан этагини дўппайтириб, устма-уст таъзим қилди: «Мана, жону тани билан сендан

[1] Илон балиқ. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

умидвор қулинг — мен келдим». Пётр ҳаттоки князга қиё боқмади, Амалияга қараб деди:

— Ушбу азамат ўткир сиёсатчи ва ғоят шижоатли одам. Ҳайронман; уни генералиссимус қилай десам — қўрқаман — кўп қон тўкади. Ёки уй ишида фойдаланса маъқул бўлармикин...— деб туриб, тўсатдан Роман Борисович томон шартта бурилди, князнинг кўз ўнгини қизғиш туман қоплади.

— Эшитдим, урушга отланяпганмишсан. Ливониядаги ота мерос ерларимизни қайтариб олмоқчимишсан. Шундайми ҳали?

Роман Борисовичнинг кўзлари пирпираб, кўнгли лоҳас бўлиб, қорнидан то тиззасигача санчиқ турди...

— Бизга ботир генераллар керак. Довюраклигинг учун сени жамики масхарабозлар лашкари устидан генералиссимус қилиб тайинладим.

Пётр ирғиб турди-да, Роман Борисовични қўлидан судраб, сўрига олиб чиқди: сўри устида князь-папа қўлларини осилтириб, шишинқираган юзини буриштириб, гўё жон таслим қилаётган одамдай, уйқу аралаш бўкириб ётарди. Пётр уни уйғотмоқчи бўлиб силкита бошлади... «Йўқол, арвоҳ ургур»,— деб минғирлади князь-папа. Меҳмонлар янгича қизиқ томоша бўлишини сезиб, сўри атрофига тўпланишди. Масхарабозлар оёқлар орасидан эмаклаб ўтиб, зинапояларга ўтириб олишди. Иккита тамаки трубкасини кўндалангига боғлаб крест ясадилар ва князь-папанинг бир қўлига тутқиздилар, иккинчи қўлига хом тухум қўйдилар. Роман Борисовични тиз чўктирдилар. Аранг уйғонган князь-папа сўлагини артиб сўради:

— Сийлайинми?.. Ҳозир сийлайман, арвоҳ урсин уни...— деди-ю, тухумни Роман Борисовичнинг бошига уриб чақди,— сариғи парики узра оқиб тушди, сўнгра трубкалардан қилинган крестни унинг тумшуғига тутиб чўқинтирган бўлди-да, тепиб юборди. Масхарабозлар хўрозчасига қичқиришди. Князь Буйносовни стулга ўтқазишиб, тозаланган устухонни қўлига тутқизишди-да, ўртага судраб чиқишди. Роман Борисович устухонни маҳкам сиқимлаганича, оғзи очилган ҳолда тошдай қотиб қолди. Меҳмонлар қўлларини бигиз қилиб уни туртқилашар, қотиб-қотиб кулишар эди. Амалия Книперкрон ҳам хандон ташлаб кула бошлади: боядан бери юраги-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни тимдалаган қайғу-алам, бутун ваҳм шу қизиқчиликдан кейин тамоман тарқалиб кетди.

Антонида билан Ольга қандай фалокат юз берганини ёнларига қарагандан кейингина англадилар: ёнларида ўтирган Леопольдус Мирбах билан Варфоломей Брам аллақачон туриб кетганди: икки кавалер ҳозир танца залининг эшиги олдида ширакайф ҳолда князь Шаховскийнинг ичиқора қизларига бел букиб таъзим қилмоқда эди. Саккиз нафар княззода қизлар эса, яланғоч қўлларини доира шаклида жуфтлаб, пудра сепилган парикларини ҳилпиратиб устма-уст ўтиринқираб таъзим бажо келтиришар ва Буйносовнинг қизларига масхараомуз қараб-қараб қўйишарди.

2

Ўша йили қишда Волков хотини билан қанчалик ҳаракат қилса ҳам Ригага етиб ололмади. Смоленскдан Орша орқали Крейцбургга борадиган кенг йўл қишда чўзилиб ётарди. Польша чегарасидан нариги ёқдаги ерлар Москва томондагига мутлақо ўхшамасди: у ёқда қишлоқдан қишлоққача — кимсасиз ўрмонлар орасидан бир кунлик йўл, бу ёққа эса, қишлоқлар бир-бирига жуда яқин, ҳар бир қишлоқда тепа устида монастирь ёки костель, помешчик уйи, баъзи жойларда — деворлари тошдан, атрофи хандақ билан ўралган қаср учрарди. Биздаги қўрғонларда фақат майда мулк эгалари ёки подшонинг ғазабига учраган бironта боярин баланд тахта девор ортида бўрсиқ каби биқиниб кун кечирарди. Аммо Польша панлари кайф-сафо, хурсандчилик билан яшар эдилар.

Александра Ивановнанинг юраги орзиқиб азим арғувон дарахтлари ортидан кўринган томлари чўққи, графит билан ёпилган, деразалари катта-катта ана шу қасрлардан бирига киргиси келиб ўлиб борарди. Василий Волков эса: «Тушунсанг-чи, ахир биз давлат кишисимиз, давлат иши билан кетяпмиз, бировларникига ялиниб кириш бизга уят»,— деб аччиғланарди.

Ялинмасданоқ Саньканинг кўнглидаги иш бўлди. Бир куни кечқурун алламаҳалда каттакон бир қишлоқда тунашга тўғри келди. Қишлоқ — қабристон каби жимжит, ҳатто итлар ҳам ҳурмасди. Карета карвон сарой ёнида тўхтади. Сарой эгаси — тулки телпак кийган

www.ziyouz.com kutubxonasi

новча, букчайган яҳудий дарвозани имиллаб очгунча, Александра Ивановна каретадан тушди-да, қор устида оёқларининг чигилини ёзди, бўзариб турган яримта ойга қаради: унинг хира шуъласи юлдузларни сўндиролмасди, нимагадир, Саньканинг кўнгли ғаш эди... Оҳиста юриб кўчадан бораверди... Ўртамиёна уйлар, ҳаммаси деярли қийшайиб қулаёзган, аксариятининг томи йўқ, фақат тўсинлари ойдинда қорайиб кўринарди. Санька қиров босган мажнунтолга довур борди,— тол тагида кичкина черковча: эшиги берк. Эшик олдида оқ чакмон кийган бир аёл мукка тушиб, юзини кафтларига қўйиб ётар эди. Қор ғарчилласа ҳам аёл бурилиб қарамади. Санька бирпас кутиб турди-да, у ердан узоқлашди. Назарида аллақандай, жуда-жуда узоқда музика чалинаётгандек эди...

Эри чақирди. Карвон саройга қайтди, ҳар хил бочкалар қўйилган узун йўлкадан ўтиб ичкарига кирди. Хўжайин патак соқолини тиккайтириб, шам билан йўлни ёритиб борарди; юзи кичкина, кўзлари хира ва хунук эди.

— Қандала йўқ, маза қилиб ухлайсиз,— деди у белорус тилида.— Ишқилиб, пан Малаховский бу ерга бостириб келмаса бўлгани. Худо асрасин-ей...

Иссиқ хона ичини шўртанг ҳид босиб кетганди. Йиртиқ парда ортида беланчакда бола йиғларди. Санька пўстинини ечиб, каретадан келтирилган ёстиқларга ёнбошлади,— унинг ҳам йиғлагиси келарди. Кўзини юмиши биланоқ,— юраги сиқилиб, кўнгли безовталанганини сезди, ичини бир нима тимдалаётгандек туюлди... Кимгадир ачинганини, ёинки севгиси жўш урганини англай олмасди ўзи...

Эшик тўхтовсиз очилиб-ёпилар, хўжайин ҳамда аллақандай кишилар дам уйга кириб, дам ташқарига чиқиб туришарди. Бола йиғисини қўймасди... «Бу кеча уйқу йўқ»... Василий чақирди: «Саня, овқат ейсанми ахир ё йўқми?» Ўзини ухлаганга солиб индамади. Кўз ўнгида яримта ой пайдо бўлади, черковча эшиги тагида ётган оқ чакмонли хотинни хира шуъласи билан ёритади... Санька сесканиб ўзига келмоқчи бўлади, бироқ хаёл опқочиб, ёшлик чоғи кўз олдида гавдаланади: ўлим тўшагида ётган онанинг даҳшатли кўзлари... Чўпчироқ милтиллайди, кўйлакларини ҳўл қилган кичкина укалари печь устидан бошларини осилтириб онанинг инграшига қулоқ солишади, тахта деворга тушган урчуқ соясини

www.ziyouz.com kutubxonasi

томоша қилишади,— соя худди бўйни ингичка, эчки соқол чолга ўхшайди... «Саня, Саня,— сўнгги нафаси билан чақиради она,— Саня, укаларингга ачинаман, холос».

Волков шошмасдан угра ошни ҳўплар эди. Бирданига эшик гурсиллаб очилди, кимдир кирди, оҳиста хўрсинди. Санька кўз ёшларини ичига ютар: «Бу аҳволда бахт ёнидан ўтиб кетганимни сезмай қолишим мумкин»,— деб куюнарди. Эри яна чақирди: «Саня, жилла бўлмаса — пича сут ичиб олгин ахир».

Эшик томондан аёл кишининг овози келди: «Марҳаматли пан, илоё сени Биби Марям ўз паноҳида асрасин,— уч кундан бери туз тотганимиз йўқ, нонингдан бир бурдасини садақа қил, пан». Санька гўё юрагига ханжар санчилгандек сапчиб скамейкага ўтирди. Эшик олдида бир хотин тиз чўкиб турар, оқ чакмон барига ўралган гўдакнинг жажжи юзи кўринар эди. Санька ғоз эти солинган лаганни шартта олиб: «Ма!»— деб аёлга берди-да, беихтиёр ўзи ҳам хотинчасига бош ирғаб: «Кет, кет тезроқ»,— деб ялинди.

Аёл чиқиб кетди. Санька стол ёнига ўтирди, юраги шу қадар гупиллаб ура бошладики, ҳатто сутни ҳам ичолмай ҳансираб қолди.

Волков яҳудий саройбондан сўради:

— Сизларга нима бўлди, экинларинг битмай ҳосил ололмадингларми?

— Йўқ, худо у кунни бошимизга солганча йўқ. Ҳосил яхши бўлди, бироқ ҳаммасини пан Малаховский босиб олиб, Кенигсбергга жўнатди...

— Уни қара-я,— Волков ҳайрон бўлиб, қошиқни столга қўйди.— Кенигсбергда сотар экан-да. Нархи баланд бўлса керак, а?

— Ҳей, нарх, нарх!— саройбон патак соқолини бураб инқиллай бошлади, шамдонни скамейкага қўйди, лекин ўтиришга журъат этмади.— Ҳозир буғдойни Кенигсбергдан бўлак ҳеч жойга оборолмаслигини у ерлик савдогарлар яхши билишади. Ригага обориб бўлмайди, шведларга бож тўлашга кимнинг тоби бор? Ноилож Кенигсбергга оборасан. Пудига бир гульден беришади, холос...

— Бир гульден! Бир пуд буғдойга-я?— Волков ишонмасдан кўк кўзларини катта очди.— Балки, ёлғон айтаётгандирсан, а?

— Йўқ, худо урсин — рост, нега энди олижаноб пан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га ёлғон гапирарканман? Ёшлик чоғимда буғдойни Ригага обориб, пудини бир ярим, икки гульдендан сотардик. Ўтирсам жаноблари хафа бўлмайдиларми? Э худойимей... Ҳамма балони пан Малаховский бошлади... пан Бадовскийнинг қишлоғида Альтер деган бир яҳудийни қилич билан чопиб ўлдирди. Аммо пан Бадовский шундай баттол панки, анчайин товуқ учун бутун овчи йигитларини оёққа турғизишдан тоймайди, Альтер эса унинг гумаштаси эди. Бир куни пан Бадовский ўз йигитлари билан пан Малаховскийникига бостириб келди. Тўппончалардан ўқ узиб роса отишишди. Э худойим-ей... Шундан кейин пан Малаховский ҳам ўз йигитлари билан пан Бадовскийникига бостириб борди. Икки орада қанча ўқ-дорн бекор кетди — ҳамма ғалва — битта яҳудийнинг ўлими устида... Кейин икки пан ярашди, яраш ошига эллик бочка пиво ичишди. Тўсатдан пан Малаховскийнинг йигитлари саройга кириб келди-да, мени ва яна бешта яҳудийни ушлаб аравага босишди, устимиздан хода қўйиб, пичан ортгандек, маҳкам боғлашди-да, пан Бадовскийнинг ҳовлисига юборишди. Пан Малаховский эса қорнини ушлаб: «Мана сенга, пан Бадовский, битта жуҳут ўрнига — олтитасини ола қол»,— дея қотиб-қотиб кулди. Йўл-йўлакай аравада Янкель Коганнинг қовурғаси синди, Моисей Левидни буйраги майиб бўлди, ўшандан бери оёқларим ишдан чиқиб қурий бошлади.

— Гапинг рост бўлса, бордир,— деди Волков сопол тарелкага сут қуяётиб,— хўш, нима сабабдан қишлоғингиз бунчалик хароб, одамлар камбағал?

— Мужик қандай қилиб бойиши мумкин?

— Бойишни айтаётганим йўқ, бойиш нимага керак? Мужикка мол-мулк орттириш учун бемалол йўл қўйиб бериш мумкин эмас... Лекин, ҳар қалай, уйларнинг томини ёпиб олишларинг керак ахир. Уйларингни кўрдим: шу ҳам турмуш бўлдими? Ҳайвон ҳам сизлардан яхшироқ яшайди... Афтидан, бу ерда ўлпон тўловчилар ҳам бўлмаса керак, шундайми?

— Бизда ҳамма мужик мажбурий ишда.

— Ҳафтада неча кун ишлайди?

— Ҳафтада олти кун панга ишлайди.

Волков яна ҳайрон қолди... «Бизда пошшолик томонидан бунга йўл қўймасди, бунчалик оч-яланғоч мужикдан бир тийин ундириб бўпсан...»

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ундай бўлса, ким хазинага солиқ тўлайди? Панлар тўлайдими?

— Йўқ, панлар солиқ тўламайди. Биз панларга тўлаймиз...

— Ана холос! Шунақа мамлакат ҳам бор экану.— Волков илжайиб бош чайқади.— Саня, бу ерда панларга маза экан...

Бироқ Санька унинг гапига қулоқ солмади. Кўзлари очиқ, қорачиқлари қотиб қолган. Дераза томон бурилди-да, терлаган ойнага ёпишиб кўчага қаради. Йироқдан музика, доира садолари ва овозлар эшитилмоқда, тобора авжига чиқиб янграмоқда эди. Саройбон безовталаниб, шамдонни кўтариб, букчайган ҳолда оёқларини судраб эшик томон юрди.

— Мана, айтганим келди, пан Малаховский сизларни энди ухлатиб бўпти...

Қарвон сарой ёнида ўнтача чана тўхтади. Бир неча яҳудий созанда скрипкаларни чийиллатиб чалишар, овози бузуқ кларнетларни зўр бериб пуфлашарди. Чанага тўшалган гиламлар устида шляхтичлар[1] ағнашиб, оёқларини кўтариб хахолашар, созандаларни гиж-гижлаб қийқиришарди. Қалта пўстин кийган мўйлови шоп-дай биттаси топталган қор устида рақс тушарди: гоҳ гердайиб мўйловини бураб ўртага чиқар, гоҳ пилдироқдай чарх уриб айланар, қиличи эса кетида учиб юрарди.

Машъала кўтарган бир гала сувори етиб келди-да, отдан тушди. Қоронғилиқ орасидан тўрт арғумоқ баравар учиб чиқди: тўрттовининг бошида товус патлари, кетида — усти очиқ чана, чанада — хонимлар, Санька дераза ойнасига биратўла ёпишиб, ажнабий аёлларга тикилганича қотиб қолди: ҳаммаси мўйна ёқали, духоба аврали пўстин кийган, жажжи телпакчалари чаккаларига қўндирилган. Хонимлар машъала шуъласида товланиб, хандон отиб кулишар эди. Чана кетидаги пилла-поядан норғул пан тушди-да, гандираклай-гандираклай, сарой томон кетаётиб, хира ойна ортидан мўралаб турган Саньканинг юзини кўриб қолди. «Юринглар!»— деди пан қўли билан одамларга имлаб. Пан шляхтич-

[1] Майда дворянлар, бойваччалар. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларни эргаштириб (баъзиси оддий пўстинда, баъзисининг уст-боши бутунлай йиртиқ-ямоқ, аммо ҳаммасининг белида қилич ва тўппонча) ичкарига бостириб кирди. Мис қозондай қизариб кетган пан оёқларини кериб, мўйловини тутамлаб силади, лекин мўйлови узунлигидан кафтларига сиғмади. Қоратўриқ тулки мўйнали чакмони қорга беланган, афтидан, у йўл-йўлакай бир неча марта чана пиллапоясидан ағдарилиб тушган бўлса керак. Пан қиличини шалдиратиб чақнатиб Санькага тикилди-да, ичкиликдан бўғилган овозига зўр бериб, тумтароқли сўзлар билан мурожаат этди:

— Муҳтарама пани княгиням менинг, бу лаънати саройбон сизнинг келганингизни менга кеч хабар қилди. Ахир, шундай соҳибжамол, асилзода пани ифлос жойда тунаши мумкинми? Йўқ, бунга йўл қўймаймиз. Шляхта, дарҳол оёқларига йиқил, пани княгиняни қасрга таклиф қил...

Шляхтичлар, уларнинг орасида сочлари оқарган, юзида қилич изи — қиялама тиртиқ бўлиб қолган кишилар ҳам бор эди — хонани бадбўй ароқ ҳидига тўлдириб, Санькининг рўпарасида якка тиззалаб чўкишди, шапкаларини бошдан олиб, қўлларини кўкракларига уриб ялина бошлашди.

— Муҳтарама пани княгиня, муборак оёқларингиз тагида ўлсам ўламанки, аммо пан Малаховнинг қасрига марҳамат айламасангиз — ўрнимдан асло турмайман.

Александра Ивановна ҳали стол ёнидан ирғиб турганда шол рўмоли елкасидан қандай сидирилиб тушган бўлса — ўшандайлигича, тиз чўккан шляхтичлар қаршисида турарди, ранги оқарган, қошлари кўтарилган, фақат бурун катаклари билинар-билинмас пириллаб учарди. Саройбон шамни баланд кўтариб ёритиб турарди. Пан Малаховский бу қадар гўзал аёлга маҳлиё бўлиб, бир шляхтични туртиб, иккинчисини нари итариб олдинга ўтди-да, гурс этиб тиз чўкди:

— Илтимос қиламан...

Лекин Санька ўзини йўқотмади, эрига қараб иш қилиш лозимлигига ҳар ҳолда ақли етди. Василий қўрқиб кетганди; қалтираган қўллари билан ёқа тугмаларини ечиб, халтача билан ёрлиқларни қўйнидан олмоқда; бу — дахлсиз шахслигини тасдиқловчи гувоҳнома эди.

Санька бир оз иккиланиб, лекин оҳангдор овоз билан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Танишганим учун хурсандман,— деди.

. . . . . .

Пан Малаховский иккинчи ҳафтадирки, сурункасига зиёфат бериб, базм қуриб, бутун Орша вилоятини бошига кўтармоқда эди. Унинг хотини пани Августа ўйин-кулгини ва рақсни шу қадар яхши кўрардики, танца тушишда ҳар қандай кавалерни довдиратиб қўярди. Баъзи кавалерлар мадори қуриганидан қочиш пайига тушиб, бирон ҳужрага кириб яширинар ва ўша ерда ухлаб қоларди, аммо уни уйғотиб, чил устунли залга судраб келишарди: хор турадиган жойда эса — камзуллари қирқ ямоқ, озғин, тинкаси қуриган созандалар сўнгги кучини тўплаб музика чалишарди; ранг-баранг бўёқлар билан безатилган шифтда венецианча қандил, ундаги шамлар эриб, терлаган париклар устига, ҳилпираган юбкаларга томчиларди, ёнбошдаги хоналарда овчи йигитлар тобора қизишиб ичкиликка ёпишар ва жон-жаҳд билан бақиришар эди.

Икки бетида кулдиргичи бор, жингалак сочли, пакана бўйли пани Августа ярим кечада бирон янги қизиқчилик ўйлаб топарди-да, тўсатдан чапак чалиб: «Қани кетдик»,— деб қоларди. Дарҳол чанага ёпирилишиб, машъалалар билан қўшни паннинг қасрига жўнашарди. У ерда яна зиёфат: бочкаларда венгер виноси, бутунича қовурилган қўйларни юқори мартабали меҳмонлар олдига қўйишар, шляхтичлар учун — тоғораларда каллапоча келтиришарди. Гўзал хонимлар соғлиғи учун, Речи Посполитанинг улуғворона эркн учун қадаҳ кўтаришарди.

Ё эса пани Августа бошқача қизиқчилик кўрсатмоқчи бўлиб, баъзи меҳмонларни турк, баъзисини грек ёнки ҳиндига ўхшатиб кийинтирар, оддий шляхтичларнинг юзига қоракуя суртишарди. Туни билан ўйин-кулги қилишар, тонг ёришгач, дарахтзор ортидан ёқимли қўнғироғи билан чорлаётган тепалик устидаги қўшни монастирга боришарди. У ерда узоқ туриб ибодат қилишар, сўнгра, ўчоғида тараша ўтин ловиллаб ёнаётган иссиққина ва оппоққина емакхонага кириб, юз йиллик болдан ичишар, ўзига зеб берган олифта монахлар билан ундан-бундан суҳбатлашишар, гап отиб ҳазиллашишарди.

Санька бутун юрак ҳарорати, жону дили билан хурсандчиликка берилиб кетди. Кўйлагини, тердан ҳўл бўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган ички кийимини наридан бери алмаштирарди-ю, яна минуэтга тушиб мағрурона таъзим қилаверар, полька рақсида қуюндай чарх уриб айланаверарди. У анча озиб, бўйи чўзилиб қолган, бутун вужудига музика сингиб кетган эди.

Василий бошда ўзини дадил тутди, лекин унга икки мечкайни ҳамроҳ қилиб қўйишди. Овқат ейишда ва ичкилик ичишда бутун Польшада ном чиқарган икки паҳлавон, бири — пан Ходковский, иккинчиси — пан Доморацкий. Иккиси ҳам шундай юхо эдики, бир кўтаришда тўрт кварта[1] пивони симиришар, бир ўтиришда бутун бир ғозни олхўри қайласи билан паққос тушириб, яна бир лаган суэма чучварани ҳам еб, устидан беш шиша венгер виноси ичишарди. Шўрлик Василий кечаю кундуз шулар билан ўпишгани ўпишган эди. Баъзан кайфи тарқаб ўзига келганда, хотинини соғиниб, излаб топарди-да: «Санечка, кабутарим, йўлга тайёрланиш керак, етар шунча ўйнаганинг»,— дерди. Хотини эса, унга қайрилиб ҳам қарамасди. Пан Ходковский Санькани кифтларидан қучоқлаб базм-томошани яна давом эттириш учун олиб кетарди...

Василий ёстиққа бошини тиқиб олиб, нуқул инграр эди; кимдир унинг елкасида туриб силкитади. (Волков кийими билан ётганди, фақат кафтани билан қиличи ечилганди, холос). Зилдай бошини кўтаришга мадори келмади. Кимдир тирноғини ботириб жон-жаҳди билан силкитаверди... «Оббо, яна нима карак?»

— Юр, мен билан танца тушасан... Юрсанг-чи, юр деяпман сенга,— Саньканинг шошилиб такрорланган ғалати овози кирди қулоғига: шу қадар ғалати овозки, Василий ҳайрон бўлиб тирсагига тиранниб бошини кўтарди. Каравот ёнида турган Санька боши билан унга имо қилар эди... Кўзларида шу қадар ваҳима акс этардики, ё уйга ўт тушган ёки бирор фалокат юз берган, деб ўйлаш мумкин...

— Мен билан танца тушишни истамайсанми?

— Миянг айнибди, онахон... Тонг отди, ахир...

Саньканинг салқиган юзи, яланғоч кифтлари каттакон кўкимтир дераза ортида яллиғланган шафақ шуъласида ҳаво ранг бўлиб кўринарди... «Ранг-рўйи бир ҳолатда, заррача қон қолмабди юзида».

---

[1] Тўрт кварта тахминан беш метрга яқин. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яхшиси, ётиб ухлагин, Саня.

— Демак, истамайсан, хоҳламайсан... Эҳ, Василий...

Санька ўзини баланд стулга таппа ташлади, ялангоч қўллари шалвираб осилиб қолди. Ундан французча атирнинг чучмал ҳиди, яна аллақандай бегона ҳид гупиллаб димоққа уриларди. Санька киприк қоқмасдан эрига тикилар, томоғига бир нарса тиқилиб, қийналақийнала ютинарди.

— Вася, мени яхши кўрасанми?

Агар бу саволни мулойимлик билан оддий равишда берганида — бошқа гап эди, Санька худди дўқ қилгандай сўради. Василий аламига чидолмай, ёстиқни муштлади:

— Мени ўз ҳолимга қўй, тинчгина яшай ахир...

Санька яна қийналиб ютинди:

— Айт-чи, мени қанчалик яхши кўрасан?

Бунга нима дейиш мумкин? Мана бемаъни савол? Эҳ, хотин, хотин! Бошқа бу қадар қақшаб оғримаганда, Василий албатта сўкинар эди. Лекин бунинг учун унда на куч бор ва на ҳафсала,— таънаомуз жилмайганича хотинига тикилди-ю, бироқ чурқ этмади.

Санька қарс урди:

— Мени эҳтиёт қилолмасанг... гуноҳим бўйнингда...— деди-ю, шартта ўрнидан турди, кўйлагининг судралган узун этагини оёғи билан қайтариб ташлади-да, чиқиб кетди.

— Эшикни ёпиб қўй, Саня...

Василий ухламоқчи бўлса-да, барибир кўзига уйқу келмади: уҳ тортиб, у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилар, олисдан — пастдаги залдан келаётган музика садоси қулоғига кириб безовталанар эди. Ўйлагиси келмаса ҳам ўйларди: «Яхши эмас, ёмон». Бошини чангаллаб олиб, тўшакда ўтирарди... «Бу хилда яшаш мумкин эмас...» Қийинди, орқа эшикдан қўрага чиқди — каретани текшириб кўрмоқчи бўлди. Карета ёнида турган кучерини кўриб суюнди. (Ўз кучери Вязьма ёнида бедарак кетганидан кейин Антипни Смоленск ҳокимидан олтмиш сўмга сотиб олганди).

— Хўш, Антип, эртага жўнаймиз...

— Жуда соз, Василий Васильевич, бу ер шундай жонга тегдики...

— Кечқурун от масаласида саройбонга учрашгин.

Василий секин-секин юриб боғ ичи билан уйга қайт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқда эди. Шамол тоза қорни ер бағирлатиб учирмоқда, дарахтлар заҳча инлари билан бирга чайқалиб гувиллаб моқда эди. Ҳовуз бўйида аллақанча эркагу аёллар қор тозалаб, байроқча ўрнатилган узун-узун таёқларни ерга қадашаётганди, байроқчалар шамолда ҳилпирар, афтидан, яна аллақандай томоша кўрсатмоқ учун қишлоқда ҳеч кимни қолдирмай ҳайдаб келишган эди. Василий гўё биров елкасидан ушлагандай таққа тўхтаб ижирганди, юзи буришиб кетди. Юраги дукиллаб тез-тез ура бошлади. Энди фаҳмлади: ўша! Уни неча марта кўрган бўлса ҳам кайф орасида англамаганди, фақат ҳозир англади — ўша: апельсин рангли духоба кафтан кийган, новча ва чиройли пан Владислав Тиклинский, Александра уззукун ўша билан: минуэтга ҳам, контрдансга ҳам, мазуркага ҳам фақат ўша пан билан тушади...

Василий оёги тагига тикилиб қолди. Унинг юзига қор ёпишар, бўйнига кирар эди. Шу мудҳиш гумон тўсатдан кўнглида туғилди-ю, миясн карахтлигидан ҳамма нарса туманлашиб яна эсидан чиқди. Ҳеч қандай қарорга келолмади. Улфатлар уни қидириб нонушта қилишга чақириб қолишди. (Бу ернинг одати қизиқ: тунги базмдан сўнг эрталаб барвақт нонушта қилишади-ю, кейин тушгача ухлашади.) Мақтанчоқлиги ва ёлғончилиги билан жонга теккан икки бақалоқ — Ходковский билан Доморацкий унинг икки қўлтиғига кириб, хаҳолаб судрашди: «Пан Василий, нонуштага шундай ажойиб таом тортилдики...» Дастурхон тепасида Александра кўринмади, анави ҳам йўқ... Василий ўткир ароқдан устмауст ичди, лекин заррача кайф қилмади...

Стол ёнидан туриб кетди, тўғри танца залига борди,— у ерда ҳам йўқ. Хор учун қилинган махсус саҳнада озғин ва новча яҳудий барабанга суяниб ухлар эди. Василий ойнавор галереянинг икки тавақали эшигини секингина қия очди: ранг-баранг қоғозлар сочилиб ётган паркет полда деразалар бўйлаб сайр қилиб юрган Владислав билан Александрани кўрди. Пан апельсин рангли кафтанининг этагини қиличи билан безбетларча дўмпайтириб, нуқул унга гап сотар, хиралик қилиб дам-бадам паригини силкитар эди. Александра эса бошини қуйи солиб, гапни тингларди. Унинг энкайган бўйни қизларга хос бир нарсани, ҳимоясиз қолганини ифода этарди: тажрибасиз аёлни чет элга опкелиб ўз ҳолига

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташлаб қўйилганидан кейин нима қилсин шўрлик, биров ранжитса — кўз ёшини ютишдан бошқа иложи йўқ...

Василий қандай бўлмасин ғазаб отига миниши, бу мағрур полякни дуэлга чақириши керак эди, лекин ундай қилмади, фақат эшик тирқишидан мўралаб, юраги ўртанса-да, қимирламай тураверди... «Эҳ, Василий, балли сендай ҳимоячига». Шу орада пан Владислав чиройли қўл ҳаракати ила ёнбошдаги эшикни кўрсатди. Санька чўчигансимон кифтларини кўтарди, билинар-билинмас бош чайқади. Иккиси қишки боғчага кириб кетди. Василий беихтиёр олға интилиб, енг шимарди... Афсуски, енг эмас — фақат кружевалар. Аксига қиличи ҳам юқорида қолганди... Бўлганча бўлди!..

Эшикнинг бир тавақасини тарақлатиб очиши биланоқ икки семиз — Ходковский билан Доморацкий орқадан келиб уни ушлаб олишди.

— Пан Василий, юр тезроқ, иссиқ сомсани қаймоқ билан еб кўрмабсан, оламга келмабсан...

Яна дастурхон, яна овқат, ичкилик — ўтирибди хомуш... Бир ёқдан номус, бир ёқдан ғазаб — ичини ит тирнайди. Улар тил бириктирган, бу аниқ. Мечкайлар атайлаб ичириб уни маст қилишяпти... Югуриб бориб қиличини олиб келса-ю, ўша олифтанинг жазосини берса — қалай бўларкин? Лекин подшонинг одами қовоқхонада муштлашган анчайин мужикка ўхшаб, хотин учун қилич солишибди, деган исноди ёмон-да... Майли, ёмон бўлса — бўлар!

Василий унга узатилган стаканни итариб ташлади-да, тез-тез юриб емакхонадан чиқди. Юқорига чиққач, алами зўрлигидан тишини тишига қўйиб, қиличини қидира бошлади... Саньканинг бир тўда юбкалари остидан қилични топди... Белини шарф билан маҳкам боғлаб, тош зинадан чопқиллаганча пастга тушди. Қасрда ҳамма аллақачон ётган эди, Қишки боғни айланиб чиқди,— ҳеч ким йўқ... Оқсоч қизга дуч келди, қиз тиз букиб таъзим қилди-да, чийиллаб бижирлаб кетди:

— Пани княгиня билан пани Малаховская ҳамда пан Тиклинский каретага тушиб сайр қилгани кетишди, кечгача бизни кутмасин, дейишди...

Василий — изига қайтиб юқорига чиқди ва кечгача дераза ёнида йўлга тикилиб ўтирди. Ўйлаб-ўйлаб, Пётр Алексеевичга мактуб ёзиб кечирим сўрашга қарор қил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, ҳаттоки мактубнинг мазмуни ҳам мияда тайёр бўлди. Лекин на қоғоз топилди ва на сиёҳ...

Кейин билсаки, Санька аллақачон қайтиб, пани Августинанинг ётоғида дам олаётган экан... Кечки овқатдан кейин ҳовуз бўйида карнавал ва мушакбозлик сайли учун тайёргарлик кўрилмоқда эди. Василий карета қўйилган бостирма тагига бориб Антипга отларни тайёрлашни ва ҳеч кимга сездирмасдан баъзи бўхчаю қутиларни каретага опчиқиб қўйишни буюрди-да, хомуш ҳолда изига қайтди. Бўғотларга ўрнатилган мойчироқлар ёқилмоқда, шамол чироқ ёлқинини липиллатиб ўйнамоқда эди. Қор булути аллақачон тўзиб кетган, тун мовий тусга кирган, бир чети кемтик ой мўралаб турарди.

Василий боғдаги шийпон олдида, қор босган тош одамлар ёнида энтикиб ҳарсиллаган, хириллаган товушларни, қиличлар жаранг-журунгини эшитди. Эшитса ҳам бунга қизиқмасдан ўтиб кетаётиб, бирдан муюлишда (ўқ ёй ушлаган муҳаббат худоси ҳайкали тагида) турган хотинни кўриб қолди; у оппоқ парикда, елкасига ташлаган пўстинини ёқасидан чангаллаб олганди. Василий узоқдан тикилиб қаради: бу — Александра эди. У дарҳол югурди. Худди шу ерда, муюлишдаги ойдин жойда пан Владислав билан пан Малаховский қилич солишмоқда эди. Гоҳ ер тепиниб ирғишлашар, гоҳ оёқларини кериб, қутурган итдек хириллаб нафас олишар, бир-бирларига ҳамла қилганда қиличлари ҳавода жаранглаб чақнаб кетарди.

Санька югуриб келиб эрининг бўйнидан қучоқлаб, маҳкам ёпишиб олди, бошини чалқанча ташлаб, кўзларини юмиб, тиш орасидан пичирлаб ялинди:

— Тезроқ олиб кет мени, тезроқ жўнаш керак бу лаънати жойдан...

Мўйловдор Малаховский Василийни кўриши биланоқ бақириб юборди. Пан Владислав Василийга ўдағайлаб: «Обкетиб бўпсан, йўл қўймаймиз»,— деб орага суқилди. Боғ ичидан қиличларини яланғочлаб, панларни ажратиш учун ҳар томондан югуриб келаётган шляхтичлар кўринди.

Фақат пан Малаховскийнинг қасридан эллик чақиримча узоқлашгандан кейингина Василий тинчланди. Ўтган гаплардан бирортасини Саньканинг эсига солмади, унга ҳеч қандай савол ҳам бермади,— у ниҳоятда

www.ziyouz.com kutubxonasi

жидлий эди. Санька эса кўзларини юмиб олиб жимгина ўтирарди. Энди карета бойларнинг қўрғонини четлаб ўтарди.

Бир куни карета тепага кўтарилганда, совқотган бармоқларини енгига тиқиб кучер ёнида ўтирган йўл бошловчи, йўл бўйидаги черепица томли черковчани узоқдан кўрсатиб типирчилай бошлади. Антип бошини каретага суқиб:

— Василий Васильевич, бу ердан ўтиб бўпмиз, албатта тўхтатишади,— деди.

Бу черковчани авлиё Ян Непомука шарафига машҳур пан Борейко қурган экан, унинг семизлиги, мечкайлиги ва лекин меҳмондўстлиги тўғрисида ғалати латифалар тўқилган. Паннинг уйи йўлдан анча четда, қорайган дарахтзор орқасида экан. Лекин пан ўткинчиларни осонгина майхўрликка таклиф этиш учун атайлаб черковчани йўл бўйига қурдирган ва унга туташ қилиб икки уй солдирган экан: бири — ошхона билан ертўла, иккинчиси — меҳмонхона. Семиз ва хушчақчақ монах доимо шу ерда яшар экан, ибодат вақтида поплик қилар, бўш қолса — пан билан карта ўйнар, хуллас, иккиси йўловчи пойлаб ўтирар экан.

Йўлдан ким ўтмасин — бадавлат панми, ёки сўнгги шапкасини сотиб ичган беғам шляхтичми, ёинки қишлоқи мешчанин — савдогарми, барибир, паннинг малайлари дарҳол арқон тортиб йўлни тўсаркан, пан Борейко семизлигидан нафаси хириллаб, лапанглаб келиб, йўловчига бир қадаҳ вино тутаркан. Малайлар кўз очиб-юмгунча аравадан отларни чиқариб, эсанкириб қолган йўловчини черковчага судрашаркан: монах дуойи фотиҳа қилгач, зиёфат бошланаркан. Пан Борейко ҳеч кимга ёмонлик қилмас экан, аммо ҳеч кимни ҳушёр жўнатмас экан: учиб қолган одамни аравасига опчиқиб қўяр, баъзилар ҳушига келиб, минғирлаган монахнинг дуоси остида жон таслим қилар экан...

— Энди нима қиламиз, Василий Васильевич?— деб сўради Антип.

— Отларни йўлдан бур, дала бўйлаб ҳайда жонинг борича!

Афтидан, панларнинг ақл-ҳуши фақат хурсандчилик билан банд эди; гўё бутун Речи Посполита беғамлик билан кайф-сафо қилаётгандек туюларди. Қишлоқларда ҳамда шаҳарларда қайси уйга қарасанг — дарвозаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланг очиқ, зина олдида вағиллаган бир гала маст-аласт шляхтич. Аммо шаҳар кўчалари топ-тоза, яхши дўконлар ва савдо расталари кўп эди. Дўконлар ва сартарошхоналарнинг, ҳунармандчилик корхоналарининг эшиклари рўпарасига йўлкага кўндаланг қилиб ранг-баранг вивескалар осилган эди: баъзисида — белбурма камзул кийган хонимнинг расми, баъзиларида — отлиқ кавалер, сартарошхона устида — мис жом сурати. Эшик олдида лабига чинни трубка қистириб кулиб турган немисни кўрасан, ёки яхши пўстин кийган яҳудийни учратасан, у бир сарқадам дўконига кириб, молини кўриб чиқишга мулойимлик билан таклиф қилади. Москвада эса тамоман аксинча: баққоллар харидорни қўярда-қўймай этагига ёпишиб мажбуран ифлос дўкончага судраб киришади, кошки унда тузукроқ мол бўлса — ҳаммаси ириган-чирнган, нархи ҳам уч баравар қиммат; бу ерда қайси дўконга кирсанг — хилма-хил молларни кўриб ҳайрон қоласан. Пулинг бўлмаса — насияга беришади.

Лифляндия чегарасига яқинлашган сайин шаҳарчалар камроқ учрайдиган бўлди. Онда-сонда тепа устида қанотлари айланиб турган шамол тегирмон кўринарди, холос. Қишлоқларда далага гўнг чиқара бошлашган эди. Булутли ҳавода баҳор ҳиди кезарди. Яна Саньканинг кўзлари чақнай бошлади. Ниҳоят Крейцбургга етдилар. Бу шаҳарда кутилмаган ҳодисага дуч келдилар.

Чет элдан Москвага қайтиб келаётган Пётр Андреевич Толстой карвонсаройда, тахта девор орқасида дам олаётган эди. Русча сўзлашган овозларни эшитгач, пўстинини елкага ташлаб, тепакал бошини шойи рўмол билан танғиб чиқди-да:

— Чолни кечиргайлар,— деб Александра Ивановнага одоб билан таъзим қилди.— Сиз билан учрашиш шарафига муяссар бўлганимдан ғоят мамнунман...

Пётр Андреевич қундуз думидай қалин, қоп-қора қошлари остидан кўз сузиб, ечинаётган Санькага қаттиқ тикилди. Ёши элликка яқинлашган, озғин ва пакана бўлса ҳам чайир, аъзойи бадани пайдан иборат эди. Москвада Толстойни ёмон кўришарди, подшо эса, ўтмишдаги айби учун — Хованский билан иккиси Софьянинг тарафини олиб ўқчиларни қўзғатгани учун уни кечиролмасди. Лекин Толстой сабр қилиш илмини биларди. Энг қийин топшириқлар билан чет элга жўнар ва уларни аъло даражада бажариб қайтар эди. Кўп тиллар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни, шунингдек, адабиёт ва санъатни яхши билар, чиройли расмларни (Меньшиков саройи учун), фойдали китобларни арзон баҳода сотиб олишга, қўлидан иш келадиган одамларни хизматга ёллашга уста эди. Бошқалар сингари тўрга интилмасди. Кўпгина одам ундан ҳайиқарди.

— Рига томон бормоқчимисизлар дейман?— сўради у Александра Ивановнадан. Қалмоқ қиз Саньканинг пиймасини тортиб ечмоқда эди.

— Парижга шошиляпмиз,— деди зерикқансимон оҳангда Александра Ивановна.

Толстой чўнтагини ковлаб, мугиздан қилинган тамаки қутини олди-да, ўрта қўли билан уни черта-черта, каттакон бурнини тамакига тиқди.

— Ғалвага қоласизлар, яхшиси Варшава орқали жўнанглар. (Волков шамолда қовжираган юзини ишқалаб сўради: «Нега энди?») Лифляндияда уруш кетяпти, Василий Васильевич, Рига қамал қилинган.

Санька юзини чангаллади. Волков чўчиб тушди, кўзлари пирпираб кетди:

— Бошланибди-да... Бу қанақаси? Август ёлғиз ўзи, бу ахир...

Бирдан дами ичига тушиб кетди,— Пётр Андреевичнинг кўзлари огоҳлантирувчи совуқ назар билан унга ёмон тикилганди. Чол тамакига беланган бурнини қутидан олиб, шу қадар қаттиқ акса урдики, шойи рўмолнинг учлари қанот сингари кўтарилиб тушди.

— Сизга маслаҳатим шуки, муҳтарам Василий Васильевич, ҳозир тўғри Митавага жўнанг. Қирол Август ўша ерда. Агар сизни, алалхусус, рафиқангизни кўрса, бағоят хурсанд бўлғай, жуда ҳам ёқимли, антиқа одам...

. . . . . .

Толстой бошланган урушнинг баъзи бир тафсилотини сўзлаб берди. Унинг гапига қараганда, қирол Августнинг саксониялик батальонлари эрта кузданоқ Лифляндия чегараси яқинига — Янишек ва Митава атрофига тўпланиб бошлаган. Рига губернатори Дальберг ҳеч нарсани кўрмаган ва кўришни истамаган, ёинки — бу тайёргарликни кўриб турса ҳам писанд қилмаган. (Бундан уч йил муқаддам бу одам, Улуғ Москва элчиларини Пётр Алексеевич билан қўшиб беҳурмат қилганди.) Ўша кузданёқ Ригани бир ҳамла билан забт этиш мумкин эди. Бироқ Августнинг одамлари кайф-сафо ва айш-иш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ратга берилиб, энг қулай пайтни ўтказиб юборишган; саксониялик лашкарбоши — ёш генерал Флеминг эса пан Сапеганинг жиянини яхши кўриб қолиб, қиш бўйи унинг қасрида базму зиёфатдан бўшамаган. Ундан ибрат олиб солдатлар ҳам ичкиликка берилиб кетган, Курландия қишлоқларини талаган, мужиклар Лифляндияга қоча бошлаган, ана шундан кейингина Ригадагиларнинг кўзлари очилган. Губернатор шаҳарни мустаҳкамлаган.

— Худога шукурким, генерал Карловичнинг қўшини етиб келиши биланоқ ҳарбий ҳаракатлар бошланиб кетди,— деди Пётр Андреевич лабларини буриштириб, ҳар бир сўзни чертиб.— Бошланишга бошлади-ю, бироқ Венус билан Бахуснинг[1] ўқ товушига тоби йўқ: генерал Флеминг жўшқин қалб учун жанг қилишга уста. Шведлар устига ҳужум қилиш ўрнига — соҳибжамол поляк қизнинг қалъасига мардонавор ҳужум қилди, аллақачон уни забт этиб, Дрезденга олиб кетди. Яқинда ўша ерда тўй бўлади...

Ҳикоянинг мазмунидан Василий Волков шуни аниқ билдики, қирол Августнинг иши чатоқ, аҳволи танг. Бу аҳволда Рига томон юриб бўлмаслигини, йўқса — бирор фалокатга йўлиқиб, Пётр Алексеевич олдида жавоб беришга тўғри келишини тушунди-да, каретани Митава томон буришга қарор берди...

. . . . . .

— Хўш, менга ваъда қилган рицарларингиз қани, тақсир? Қани ўша ўн минг совут кийган сувори аскар? Қасамларингиз қайда қолди, тақсир? Сиз мени — қиролни алдадингиз...

Август қўлидаги чилчироқ шамдонни ойна олдига, бир тўда пардоз буюмлари — упа қутичалар, атир шишалари ва қўлқоплар орасига тақ этказиб қўйди, битта шам ағдарилиб тушиб ўчиб қолди. Ётоқхонага тўшалган кумушдай йилтироқ гилам узра у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Ғазаби қўзиганидан таранг болдирлари пайпоқ остида дирилларди. Иоганн Паткуль шляпасини ғижимлаб, ранги оқарган, маъюс ҳолда қирол қаршисида турарди.

У қўлидан нимаики келса — ҳаммасини қилди: бутун қиш ҳаяжонга келтирувчи даъватномалар ёзди, уларни махфий йўл билан Лифляндиядаги рицарлар қўрғон-

[1] Муҳаббат ва май худолари. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларига ва Ригага жўнатди. Швеция қонуни бўйича қаттиқ жазога тортилишини била туриб, савдогар сингари кийиниб, қўрқмасдан чегарадан ўтди, фон Бенкендорфнинг, фон Сиверснинг, фон Паленнинг қасрларида бўлди. Рицарлар у ёзган даъватномаларни ўқиб, рицарлик жамиятининг қадимги шон-шуҳратини эслаб йиғлашган, ғалла солиғидан нолиб ҳасрат қилишган эди, редукцияга биноан қисман ердан айрилган рицарлар эса, жонимизни аямаймиз, шведларга қарши жанг қиламиз, деб онт ичган эдилар. Ниҳоят, Саксония қўшини шведлар ҳукмронлигига барҳам бериш учун Августнинг манифести билан Лифляндияга бостириб кирди, киришга кирди-ю, аммо рицарлардан бирон таси от миниб чиқишга журъат этмади, бундан ҳам ёмони шуки, улар бюргерларга қўшилиб, Ригани мустаҳкамлашга ва қирол қўшинидан мудофаа қилишга ёрдамлашдилар, ваҳоланки, ёлланган солдатлар тезроқ шаҳарни олиб, талаш ниятида астойдил ҳужумга интилмоқда эди.

Бугун Паткуль Митавага ана шу нохуш хабарлар билан келганди. Қирол тушки овқатни дарҳол йиғиштириб, шамдонни шартта столдан олиб Паткулни қўлидан судраганча ётоғига опкирган эди...

—Сиз мени авраб шу урушни бошлатдингиз, тақсир! Сиз!.. Қасамёд этиб берган ваъдангизга ишониб, мен қилич яланғочладим. Энди келиб менга, ливер колбасадан семирган ўша пиянисталарни важ қиласиз, Лифляндия рицарлари иккиланишяпти дейишга журъат этасиз.

Ҳарбийча оқ кафтан кийган, қад-қомати келишган, баҳайбат гавдали Август қўлларини мушт қилиб, енгидаги кружеваларни жон-жаҳди билан силкитиб, Паткуль устига бостириб келди-да, ғазабига чидолмай бақириб, бирмунча ортиқча сўзлар айтиб юборди.

— Қани ўша Даниядан келадиган ёрдамчи қўшин? Сиз ахир менга ваъда қилгандингиз-ку! Подшо Пётрнинг эллик полк солдатлари қани? Қани сиз айтган икки юз минг червонс? Ахир, поляклар шу пулни кутяпти. Поляклар пайт пойлаб турибди: агар мен ҳозир ғалаба қозонсам, қилич кўтариб менга эргашади, муваффақиятсизликка учрасам — ўзаро мисли кўрилмаган хунрезлик бошлашади...

Августнинг қатъият акс этган қалин лабларидан тупук сачрар, сип-силлиқ бетлари титрарди... Паткуль

www.ziyouz.com kutubxonasi

азбаройи тутақиб кетганидан жони ҳалқумига келганига қарамай, бир амаллаб ўзини босди-да, кўзини четга олиб оҳиста жавоб берди:

— Давлатпаноҳ, рицарлар хавотир олишяпти: шведларни енгиб, ҳукмронлигидан қутулсак, москвалик ёвойилар устимизга бостириб келади, деган хаёлда шубҳаланишяпти ва бунга йўл қўймаслик учун олдиндан гарантия берилишини кутишяпти. Менимча, уларнинг иккиланишига сабаб шу бўлса керак...

— Қуруқ шубҳа! Бекорга хавотир олишади... Подшо Пётр Ямбургдан нари ўтмасликка крест ўпиб онт ичган... Русларга фақат Нигерия билан Корелия керак. Улар ҳатто Нарвага ҳам кўз тикмайди.

— Давлатпаноҳ, мен хиёнат юз беришидан қўрқаман, холос. Менга шу нарса маълумки, Нарвага ва Ревелга гўё мол сотиб олиш учун савдогар сифатида Москвадан айғоқчилар жўнатилган, аслида уларга шу қалъаларнинг планини чизиб олиш топширилган.

Август тисарилди. Тирноқлари бўялган каттакон дастпанжаси қилич дастасини ушлади, юмалоқ энгаги такаббурона юқори кўтарилди.

— Жаноби фон Паткуль, сизга қирол сифатида сўз бераман: руслар на Нарвани, на Ревелни, алалхусус Ригани кўриб бўпти. Қандай ҳодиса юз бермасин, мен бу шаҳарларни подшо Пётр чангалидан юлиб оламан...

. . . . . .

Қирол Август Митавада, герцог саройида юраги сиқилиб зерикмоқда эди. Қўшин яқинида турган бўлса-да, бари бир ҳамма иш боягидай сусткашлик билан давом этарди. Фақат Кобершанц қалъаси забт этилди, холос. Икки марта Ригани бомбардимон қилинди; бироқ натижа бермади. Лифляндия рицарлари, отлансакмикин ёки тура турсакмикин, деган мулоҳазада ҳали ҳам иккиланишарди. Поляк магнатлари эса эҳтиёткорлик қилиб пайт пойлашарди, афтидан, навбатдаги сейм мажлисида қиролга: қандай мақсад билан Польшани бу хатарли урушга тортилди, деб савол беришга тайёрланмоқда эдилар.

Митавада ҳаво айниганди... Пул етишмасди. Курляндия помешчиклари ўлгудай қўпол, хотинлари эса эркакни ўзига жалб эта билмас, худди бўғоз сигирга ўхшарди. Курляндия герцоги Фридрих-Вильгельм бўлса, пияниста ва кеккайган йигит эди, қовоғу димоғ билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

қиролни баттар зериктирарди. Агар янги дўсти Аталия Десмонт ҳамдардлик қилмаганда, Август диққатпазликдан умидсизликка тушиб қолармиди балки: у қирол билан бирга Варшавага келганди.

Аталия Десмонт қиролни зериктирмаслик учун базм-зиёфат, ов уюштирар, Варшавадан италиялик артистларни чақиртириб келарди, ҳаддан ташқари сахийлик қилиб бекордан-бекорга пул совураверар, ҳаттоки Август баъзан сарой министрига графиня учун мунча олтин топ, деб буйруқ бераркан, бурнини тортиб пишиллар эди. Иқлим совуқлигидан италиялик актёрлар шамоллаб йўталишарди. Музика ва санъатдан йироқ маҳаллий дворянлар эса, нафис дид билан ташкил этилган бу антиқа балларни роҳатланиб томоша қилиш ўрнига, буларнинг ҳаммаси қанчага тушдийкин, деб қанча пул кетганини миядa ҳисоблаб чамалашарди.

Бир куни қирол овқатланмоқда эди. У ҳар доим камин ёнида орқасини оловга товлаб, мўъжаз стол ёнида бир ўзи овқатланарди. Хонимлар унинг рўпарасида, заррин курсичаларда ярим доира шаклида тизилиб ўтиришарди. Қиролнинг бошида — чиройли парик, эгнида — гулдор, енгил кафтан, кружевалар билан безатилган батист кўйлагининг этаги белидан пастга тушиб турарди. Мўйлови бўялган, юзи сип-силлиқ, кекса соқий илитилган винони қадаҳга қуймоқда эди. Юзлари лавлагидек қип-қизил олтита маҳаллий баронесса бугун қабулга келганди, хонимларнинг упа сепилган париклари орқасида олтита норғул барон таёқдай қотиб турарди. Иккита курсича бўш эди.

Август ичига қийма солиб пиширилган қуённи кавшар ва хиралашган кўзлари билан хонимларга қарабқараб қўярди. Қаминда тараша чарсилларди. Баронессалар ҳам, баронлар ҳам қимирлашга журъат этолмас, бехосдан пишиллаган товуш чиқариб қиролни безовта қилишдан қўрқишар эди. Сукут сақлаш ҳаддан ортиқ чўзилиб кетди. Август тирсакларини тираб лабини артди-да, сочиқни столга ташлади.

— Хонимлар ва жаноблар, мен ажойиб шаҳрингизнинг меҳмони сифатида нақадар кўнглим яйраб мамнун бўлганлигимни қанчалик такрорласам ҳам озлик қилади. (Буни майин қўл ҳаракати билан тасдиқлади.) Курляндия дворянларининг юксак ахлоқий фазилати бошқаларга намуна бўлишга арзийди: олижаноб кишиларга

www.ziyouz.com kutubxonasi

хос донолик билан соғлом омилкорлик фазилатлари узвий равишда бирлашган...

Баронлар от ёлидан ясалган парикларини ҳурмат билан энгаштирдилар, баронессалар бир оз кечикиб бўлса-да, (чунки улар французчани яхши тушунмасди) — тоғорадай думбаларини курсидан сал кўтариб яна ўтирдилар.

— Хонимлар ва жаноблар, тажриба ва омилкорлик ҳукм сурган асримизда ҳаттоки қироллар ҳам, ўз фуқароларининг юксак манфаатини кўзлаб иш қилишга,уларнинг ғамини ейиш учун баъзан ерга тушишга мажбур бўлади. Афсуским, бу оддий ҳақиқатни кўп одамлар тушунмайди (хўрсинди, кўзлари сузилиб ғалати тарзда айланди). Бир ўйлаб кўринг: қирол оддий солдат каби қилич яланғочлаб душман қалъасига ҳужум қилаётган бўлса-ю, шундай пайтда унинг қўл остидаги баъзи панлар манманликдан димоғи шишиб, қанчадан-қанча олтинни базм билан овга, ишёқмас пиянисталарни боқишга совурса,— бундай калтабинлик ва енгилтакликка, бу қадар исрофгарчиликка қандай чидаш мумкин ахир?!

Август винодан ҳўплади. Баронлар миқ этмай қулоқ солишди.

— Қироллларга савол бериши расм эмас. Аммо қироллар ўз фуқароларининг дилидаги гапни кўзларидан билиб олади. Жаноблар, мен бу урушни ўн минг гвардиячи аскарим билан бир ўзим бошладим. Жаноблар, мен бу урушни улуғ принцип учун бошладим. Польша ўзаро хунрезлик касофатидан тилка-пора бўлмоқда. Бранденбург курфюрсти — бу шундай қонхўр бўрики, бўғзимизга чанг солмоқда. Шведлар — Болтиқ денгизида танҳо хўжайин. Қирол Карл эндиликда ёш бола эмас, учига чиққан баттол. Агар мен бугун Лифляндияга бостириб кирмаганимда, шведлар эртага бу ерда бўларди. Лифляндия ғалласидан беш ҳисса ортиқ бож олиб, сизларнинг ерларингизга ҳам редукция қонуни жорий қиларди.

Унинг тиниқ кўзлари катталашди. Баронлар пишиллашга тушдилар, хонимларнинг бўйинлари қисилиб, бошлари кифтлари орасига кириб кетди.

— Парвардигор менинг зиммамга шундай муқаддас вазифани юклабдирким, бу вазифа — Эльбадан то Днепргача, Помераниядан то Фин кўрфази бўйларигача бўлган ўлкаларни бирлаштириб, улуғ давлат тузиш ва бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

ерларда тинчлик, хотиржамлик ўрнатишдан иборатдир. Овқат тайёр, кимдир уни ейиши керак. Шведлар, бранденбурглик ва амстердамлик савдогарлар қошиқ солмоқчи бўлишяпти. Мен дворянинман, жаноблар. Мен истардимки, бу овқатни хотиржамлик билан сиз есангиз... (Қирол гўё шифтдан ерга тушмоқ учун орадаги масофани ўлчаб билмоқчи бўлгандек, кўзини шифтга тикди). Кеча мен ем-хашак тайёрловчи икки кишини осишга буюрдим, улар барон Икскулга қарашли бир неча фермада босқинчилик қилишибди... Лекин, жаноблар... Менинг солдатларим қон тўкиб жанг қиляпти, уларга шон-шуҳратдан бўлак ҳеч нарса керак эмас... Лекин отларга сули ва пичан керак ахир, арвоҳ урсин... Биз ким учун қон тўкаётган бўлсак, шуларни инсофга чақиришга мажбурман...

Қирол нимага шама қилаётганлигини баронлар энди фаҳмлаб қизариб кетдилар. Август уларнинг чурқ этмай турганидан баттар хуноб бўлди, гапни қизитиш учун солдатлар ишлатадиган ибораларни жўрттага аралаштириб сўзлай бошлади. Шу пайт Аталия Десмонт кирди: киприклари юмилинқираб, кўзлари сузилганлиги учун оқиштоб-бугдой ранг юзи завқ-шавқ акс этаётгандек гул-гул яшнар эди. Ўзини эркин тутиб назокат билан қиролнинг рўпарасида ўтиринқираб салом бажо келтирди-да, садаф елпиғич билан оҳиста елпиниб (баронессалар ҳайрон қолиб, Парижда ясалган бу антиқа буюмга кўз олайтириб қарадилар), қиролга таъзим қилди:

— Давлатпаноҳ, агар рухсат этсангиз, сизга Москва Юлдузини тақдим этиш шарафига муяссар бўлардим...

Сўнгра, узун шарф учини ерда судраб, эшик ёнига борди-да, Александра Ивановнани етаклаб уйга олиб кирди: дарҳақиқат, шу дамгача Аталия уюштирган жамики сайр-томошалар, ўйин-кулгилар бу ҳайратомуз гўзал олдида ҳеч нарса эмасди. Аталия Десмонт шаҳарга Волковлар келганини ҳаммадан олдин эшитиб, улар тушган қўшхонага борди ва Александрани кўриши биланоқ ундаги фазилатларга юксак баҳо бериб, ўз қасрига олиб келди, унинг кийим-кечакларини текширib кўрди-да, Москвада тиктирган кўйлаклардан биронтасини кийишни қатъиян ман этди. «Азиз дўстим, бу ахир самоедлар кийими-ку! (Ҳар биттасига юз червонсдан тўланган энг яхши кўйлакларни-я!) Париклар нимаси? Уларни ўтган

www.ziyouz.com kutubxonasi

асрда кийишарди. Версалда табиат худолари шарафига ўтказилган байрамдан сўнг ҳеч ким парик киймай қўйди, қоқиндиқ». Хизматкор қизга буюриб, ҳамма парикни каминга ташлатди. Санька шу қадар довдираб қолдики, фақат кўзларини жавдиратиб, тез-тез очиб-юмар, у нима деса рози бўларди. Аталия ўз сандиғини очди-да, нафис либослари ила Александрани паризоддек ясантириб кийинтирди.

Август ҳайрат ичида Москва Юлдузига тикилганча қотиб қолди: сал-пал энгашган бошидан то белигача тушган бир жуфт новвот ранг кокил, очиқ кўкси узра ўрмалаган жингалак соч толаларида ва юнон нусхасида тикилган бурмасиз кўйлакда бир неча гул, елкасида — зарварақ плаш, этаги гилам узра судралмоқда.

Қирол унинг бармоқларидан ушлади, бошини эгиб ўпди. (Александра баронессаларнинг юзлари қизарганини кўз қирида кўриб қолди.) Мана, кутилган ўша соат... Қирол худди картадаги қироллар суратига ўхшар, афсоналардаги қироллар сингари безанган, паҳлавонсифат, назокатли, лаблари қип-қизил, қалам қош эди. Санька маҳлиё бўлиб унинг дадил тикилган кўзларига боқаркан: «Шўрим қуриди»,— деб қўйди ичида.

. . . . . .

Қарийб бир ҳафтадан бери Василий хотинини кутиб қўшхонада ўтирар эди. Санькани олиб кетишган, уни бутунлай унутиб юборишганди. Хабар олгани герцог саройига борар, лекин қиролнинг адъютанти ҳар гал уни: эртага қирол сизни албатта қабул қилади, деб ишонтирарди. Зерикиб хуноб бўлганидан Василий шаҳар кезар, эгри-бугри кўчаларда санқиб юрар эди. Томлари ғалати, эшиклари темирдан, тор ва бефайз уйлар қабристон каби ҳувиллаб қолганди, онда-сонда баланд дераза ортидан ойнага ёпишиб мўралаган хунук башара — тақияли бош кўринарди, холос. Бозордаги майдонларида ҳамма дўконлар деярли берк эди. Баъзан — сой тоши ётқизилган катта кўчадан икки жуфт ориқ отлар тўпни шалдиратиб судраб ўтарди. Қовоғи солиқ суворилар изғиринидан юзларини жун чакмон барлари билан тўсишарди. Шаҳарда фақат гадойлар, юзлари йиғидан шишган эркагу аёллар, увадага ўралган болалар тўдатўда бўлиб дайдиб юришар, шапкаларини бошдан олиб деразаларга тикилишарди.

Қош қорайгач, Василий кечки овқатни ерди-да, қўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларини жағига тираб, шам ёруғида хаёл суриб ўтирарди. Хотинини, Москвани, серташвиш хизматини ўйларди. Оталар ва боболар: ювош бўлгин, худодан қўрққин, катталарни ҳурмат қилгин,— деб таълим беришган, ҳозир бу билан узоққа бориб бўпсан. Кимики тили бурро, тиши ўткир бўлса — ўша кўтариляпти. Масалан, Александр Меньшиков, яқиндагина деншик эди, безбетлиги ва олғирлиги туфайли кавалер, губернатор бўлиб олди, мана энди ҳаммадан баландроқ кўтарилиш учун қулай пайт пойлаб юрибди. Алешка Бровкин бўлса, солдатликка одам йиғиб келгани учун гвардия капитани унвонига эришди: қўрқмасдан ҳар қандай ҳокимнинг паригига чанг солади. Яшка Бровкин — баджаҳл, талпонгоёқ, ўлгудай қўпол мужик бўлса ҳамки, кемага командирлик қилмоқда... Санька...Эҳ, Санька, э худо, вой-худойим-эй!.. Бошқа эр бўлганда қамчи билан савалайвериб, елкасини мўматалоқ қиларди...

«Демак, яна ниманидир тушуниш керак экан. Ҳозир мўмин-қобил, ювош кишиларни сарой ёқтирмайди. Хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам —олға интилиш керак... (Василий маъюс ҳолда кўз қорачиқларини йириб шамга тикиларди... Кўнгли тинчликни қўмсар, ўз қўрғонида, томларини қор босган ўз уйида, увиллаган бўрон товуши остида роҳатланиб ором олгиси келарди... Қани энди ҳозир чигиртка чириллаб турса-ю, печь ёнида ўтириб бамайлихотир ширин хаёлга чўмса.) Ёки Пуффендорфияни олиб ўқисамикин? Борди-ю, Александр Меньшиков ёки Шафиров сингари савдогарчилик билан шуғулланса-чи? Йўқ, бунга ўрганиш қийин. Тезроқ уруш бўла қолсайди... Волковлар — ювош, ҳа, ювош, аммо отга минганидан кейин кўрамиз ким олдинги сафда бўлади — Яшка билан Алёшка Бровкинми ё бошқами?»

Бир куни кечқурун Волков шу хилда хаёл суриб ўтирган пайтда қўшхонага қирол адъютанти кириб келди-да, самимий илтифот билан узр сўраб, дарҳол саройга боришни илтимос қилди. Василий ҳаяжонланиб, наридан-бери кийинди. Каретага тушиб саройга борди. Август уни ўз ётоғида қабул қилди. Қўлини чўзиб унга пешвоз чиқди, тиз букиб таъзим этишга йўл қўймай, қучоқлаб кўришди-да, ёнига ўтқазди.

— Ҳеч нарсадан хабарим йўқ, азиз дўстим,— деди.— Саройимдаги тартибсизлик учун сиздан узр сўрашдан бошқа чорам йўқ... Сизнинг бу ердалигингизни ҳозирги-

www.ziyouz.com kutubxonasi

на, дастурхон устида эшитдим. Графиня Аталия,— дунёда ундай калтафаҳм аёл бўлмаса керак,— рафиқангизга мафтун бўлиб, уни сиздан тортиб олиб, бир ҳафтадан бери ҳеч кимга кўрсатмай ёлғиз ўзи у билан гашт қилиб юрган эмиш...

Волков унга жавобан бир гап айтишга улгурмасди, таъзим қилмоқчи бўлиб жойидан қўзғалса, Август дарҳол кифтидан босиб қимирлашга қўймасди. Шанғиллаб, кулиб гапирар эди. Аммо бирпасдан сўнг кулишни йиғиштирди.

— Сиз Парижга кетяпсиз, биламан. Сизга бир таклифим бор, дўстим, махфий мактубни биродарим Пётрга элтиб берсангиз. Александра Ивановна учун ташвишланманг, графиня Аталиянинг ҳимоясида сизни кутиб туради. Сўнгги воқеалардан хабарингиз борми?

Қиролнинг юзидаги табассумдан заррача асар қолмади, лабининг четларидаги хунук чизиқлар буришиб кетди...

— Рига остонасида ишлар чатоқ — Лифляндия рицарлари менга хиёнат қилди. Генералларим орасида энг ўткир ҳисобланган Карлович бундан уч кун муқаддам жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди...

Қирол юзини кафти билан тўсди; бир дақиқа сукут сақлаб, марҳум Карлович хотираси олдида ўз бурчини адо этди.

— Эртага Варшавага жўнайман, сейм мажлисида бўлишим, ҳар хил ваҳимали фикрларнинг олдини олишим керак... Варшавада мен сизга ўша мактубни ва керакли қоғозларни бераман... Аминманки, сиз кучингизни аямай, астойдил ҳаракат қилиб, рус армияси дарҳол йўлга чиқиши лозимлигини исботлаб бера оласиз...

. . . . . .

Кечаси тўсатдан Аталия хизматкор қизни уйғотиб қоларди, шундан кейин хизматкорлар шамларни ёқишар, каминга ўтин қалашар, турли меваю қийма-жигар, ҳар хил паррандаю винолар терилган столчаларни кўтариб киришарди. Аталия билан Санька кенг тўшакдан чиқиб, ёлғиз ички кўйлакда ва кружевали чепчикда овқатланишарди. Санька уйқу ғалаба қилиб мудрар эди, холос. (Кун бўйи бир дақиқа дам олмасдан, оддийча гаплашиш ўрнига ғайри табиий сўзлар ахтариб доим ҳаяжонланавергандан кейин тағинам уйқу босмайдими.) Шунга қарамай, шишинқираган кўзларини ишқа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб, ўзини мардонавор тутиб, совун кўпиги каби товланган рюмкада вино ичарди, лабларининг четлари билан жилмаяр эди. Ахир, чет элга мудраш учун эмас, «рафине»[1] қоидаларини ўрганиш учун келган. Аталиянинг гапига қараганда, баъзи саройларда рафинени тушунишмас, унга амал қилишмас экан: ҳаттоки Версал саройида ҳам қўполлик ва ярамас қилиқлар ҳаддан зиёда экан...

— Мундоғ тасаввур қилиб кўр, жонгинам, рутубатли кечаларда деразани очиб бўлмайди, натижада сарой атрофи сасиб-бижиб кетади, дарахтлардан, ҳатто балконлардан ҳам бадбўй ҳид тарқалади... Сарой аҳли тиқилишиб, тўғри келган жойда юмалаб-сумалаб ухлашади, кир кўйлаклар ҳидини йўқотиш учун устларига атир сепишади. Ана аҳвол... Биласанми, сен билан мен Италияга жўнашимиз керак... Оҳ Италия!.. Бу энг ажойиб тушга ўхшайди... Италия — рафиненнинг ватани... Шеърият, музика, эҳтирос ўйини, мияга ором бағишловчи энг нозик нарсалар — ҳаммаси ўша ерда, ҳаммаси сенинг хизматингда...

Аталия кумуш пичоқ билан олма арчирди, оёғини чалиштириб, туфлисини қимирлатар, кўзларини юминқираб вино ҳўпларди.

— Рафине қоидаларига амал қилувчи кишилар — ҳаётнинг ҳақиқий қироллари... Мана эшит, нима дейилган: «Яхши деҳқон плуг кетидан изма-из юради, асл косиб дастгоҳ ёнидан қимирламайди, довюрак савдогар хавф-хатарни писанд қилмай, таваккалига ўз кемасида елканларни кўтаради... Одамлар нима учун меҳнат қиладилар? Ахир, худолар ўлган-ку!.. Йўқ, пушти ранг булутлар орасидан Олимп тоғида ўтирган баъзи худоларни кўриб турибман».

Санька гўё илон авраган қуёндек, миқ этмай қулоқ соларди. Аталиянинг ажинлари пешанасига тўпланарди. Стаканни чўзиб: «Қуй»,— ишора қилларди-да, яна гапга тушиб кетарди Аталия:

— Дўстим, нима сабабдан Августнинг муҳаббатини рад этасиз, нимадан қўрқасиз,— мутлақо тушунолмадим,— ахир у азоб чекяпти... Бунчалик тақводор бўлиш яхши эмас, тақводорлик — ақли калталик белгиси. Испания қироличаси бурушган кўксини ёқаси ёпиқ кўйлак

[1] Ўта назокатли муомала. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан яширгандек, хотинлар ҳам маънавий нуқсонини тақводорлик ниқоби билан яширишади... Аммо сиз ақллисиз, сиз — соҳибжамолсиз... Сиз эрингизга ошиқсиз. Жўшқин ҳиссиётингизни унга изҳор этаверинг, ҳеч ким сизга халақит бермайди, лекин ошиқлигингизни ҳаммага кўз-кўз қилманг. Йўқса, кулги бўласиз, дўстим. Соддадил шаҳарлик якшанба куни ўз рафиқаси билан сайр қилгани кўчага чиқади, лекин бирон киши бу гавҳарни ундан тортиб оладигандай, белидан маҳкам ушлаб юради... Аммо биз — рафине аёлларимиз, вазият мажбур қилади...

Чепчик кружевалари тўсиб турганлиги учун Саньканинг ерга қараган юзи кўринмасди. Бундай шароитда нима ҳам қила олсин шўрлик? Кеча-кундуз сурункасига дам олмай танца тушиши, истаган юнон худосининг қиёфасига кириши мумкин, бир кечада катта китобни ўқиб чиқиши, узун шеърни ёд олиши мумкин... Аммо кўнглини безовта қилган баъзи бир мулоҳазадан устун туришга қурби келмасди: агар Аталиянинг гапига кириб, қиролга ачинадиган бўлса — кейин пушаймон ейишини, номусга чидолмай виждон азобида қийналишини биларди... («У айтган нарса бўлади, бу аниқ, албатта бўлади, лекин ҳозир эмас».) Бироқ буни қандай тушунтириш мумкин? Парнас[1] тоғида туғилмаганига, сигир боқиб катта бўлганига иқрор бўлиш жуда қийин: тақводорликдан воз кечишга тайёрлигини, бироқ ниманидир кўнглидан чиқариб ташлашга ожизлик қилаётгани ва назарида доим онанинг даҳшатли кўзлари қандайдир азиз нарсани қўриқлагандек тикилиб турганини айтиш осон эмас ахир...

Аталия унчалик қистамасди. Саньканинг юзидан чимчилаб оларди-да, гапни бошқа ёққа бурарди:

— Менинг орзуим — подшо Пётрни кўриш. Ҳам қилич, ҳам болға ушлашни билган қўлини иззат-эҳтиром билан ўпардим... Подшо Пётр ўн икки марта қаҳрамонлик кўрсатган Геркулес паҳлавонини эслатади: у аждарҳо билан жанг қилади, Авгий подшонинг отхонасини тозалайди, ер куррасини даст кўтариб елкасига олади. Айтгин-чи, дўстим, подшо Пётр бир неча йил ичида енгилмас армия ва қудратли флот вужудга келтирса, бу ахир афсонавий иш эмасми? Мен барча маршаллар ва генералларнинг номларини билмоқчиман. Сизнинг под-

[1] Олимпия худоларининг макони. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

шоҳингиз қирол Карлга бас келадиган энг муносиб рақиб. Европа, қачон Москва бургути Швеция шерига чанг солиб гирибонидан оларкин, деб кутмоқда. Шунақа нарсаларни билгим келади, сиз мени қаноатлантиришингиз керак..

Ҳар гал Аталия гапни Москвадаги ишларга бурибюборарди. Санька билганича жавоб берар, лекин дугонасининг овози шубҳали ва ғалатилиги нимагадир унга ёқмай кўнгли ғаш бўларди... Кейин, ўрнига ётгач, кўрпани оғиз-бурнигача тортиб бурканиб оларди, лекин тунги суҳбатлар таъсиридан қаттиқ ҳаяжонланганидан анчагача ухлаёлмасди. Хуллас, бу «рафине»ни ҳазм қилиш осон эмасди.

3

«...Тўғрисини айтганда, бу иттифоқ — анчайин бир варақ қоғозгина, холос, у юрагида ўти бор сиздек жасур зотни эмас, фақат ҳурматли сенаторларни чўчитиши мумкин... Дания сулҳ шартномасини бузишга журъат этолмайди,— гапимга ишонаверинг, аёллар юраги сезгир бўлади. Подшо Пётр ҳозир сулҳ музокаралари билангина овора — туркларни кўндиргунча оёқ-қўли банд. Лекин турклар кўниб бўпти. Элчи Украинцев бисотидаги сувсар пўстинларни вазирларга улашиб тамом қилди,— айтадиган бошқа гапи қолмади. Подшо Пётр Воронеж флотини рўкач қилиб, туркларни қўрқитмоқчи бўлди, бироқ туркларни қўрқитиш ўрнига — инглизлар билан голландларни ҳушёр қилиб, шубҳалантириб қўйди. Константинополда уларнинг элчилари Қора денгиздаги рус кемалари ҳақида гап очишса, ҳатто эшитишни ҳам истамайдилар. Айниқса Польша элчиси: Августнинг ашаддий душмани бўлган Лешинский ўтакетган муросасиз одам. У Речи Посполита номидан султонга ялиниб, Украинани Киев ва Полтава билан бирга босиб олиш учун поляклларга ёрдам беришини илтимос қилди.

Сўнгги янгиликлар ёки миш-мишлар — қайси бири сизга кўпроқ ёқишини билмайман, шулардан иборат, Варшавада ҳамманинг оғзида шу гап. Биз Август билан базму томошаларга кўп пул сарф қилаётибмиз, шунга қарамай унинг шуҳрати кундан-кунга сўнмоқда. У ҳаддан ташқари асабийлашган, бир рус жувони кетидан эргашаверибв, ўзини кулгили аҳволга солиб қўйди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай қилиб, тарих шамоли кемангиз елканларини тўлдирмоқда, мачта арқонларида ҳуштак чалиб, ғалаба ва шон-шуҳрат яқинлигидан дарак бермоқда. Ҳозир ёки ҳеч қачон. Сизга вафодор Аталия».

Карл бу мактубни Кунгсёр ўрмонида олди. Дарахтга суяниб ўқий бошлади. Қарағайлар шовиллар, март осмонида булутлар пастлаб учарди. Пастда, туман босган дара ичида тозилар акиллашар, итларнинг тўхтовсиз вовиллашига қараганда — каттакон ҳайвонни қувиб кетаётгани аниқ эди. Кекса овчи харсанглар орасидаги қорни топтаб, бир неча қадам пастроқ тушди-да, орқасига бурилиб қаради. Қирол мактубни қайта-қайта ўқиб кўрар эди. Уни келтирган чопар, отининг жиловидан ушлаб бир четда турар, от эса бинафша ранг кўзларини ғилайлатиб итлар овозига қулоқ соларди.

Дара ичида кийик кўринди: иргишлаб сакраб қияликдан кўтарилмоқда эди. Карл лоақал милтиғини қўлга олмади. Кийик сербутоқ шохларини ўйнатиб зинғиллаганича дарахтлар орасидан ўтиб кетди. Элликқадамча нарида — Франция элчиси пусиб турган жойдан ўқ овози янгради. Карл бунга ҳам парво қилмади: қизариб кетган қўлидаги мактубни шамол ҳилпиратарди. Овчи қимтиниб, серажин бағбақасини чарм курткасининг ёқасига яшириб, эски жойига қайтди-да, анави калласи кичкина, юзи кафтдай, таёқдай қотиб-озиб кетган тери камзулли йигитнинг орқасига келиб турди.

— Сизга бу мактубни ким берди?— сўради Карл.

Офицер жиловни қўйиб юбормасдан бир қадам яқинроқ келди:

— Граф Пипер берди, шунингдек, ҳали сенатга маълум бўлмаган жуда муҳим бир хабарни сиз қирол ҳазрат олийларига оғзаки айтишни буюрди.

Бу юзи қалин, ёноқлари қип-қизил офицернинг кул ранг кўзлари савол назари билан хунук тикиларди. Карл тескари ўгирилиб олди. Бу жаноби дворянларнинг ҳаммаси — бутун гвардия бир гала оч тозидек унга худди шу хилда, пайт пойлаб тургандай тикилади.

— Буйруққа биноан, менга қандай хабарни оғзаки маълум қилишингиз керак эди?

— Дания қўшинлари — ўн беш ёки йигирма батальон аскар — Голштин чегарасидан ўтган.

Карл Аталиянинг мактубини ғижимлади. Тозиларнинг акиллаган товуши тобора яқинлашмоқда эди. Сер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дарахт жар орасидан бўкирган айиқ товуши эшитилди. Карл дарахтга суяб қўйилган милтиқни қўлга олди-да, кифтига ташлаб қараб офицерга буюрди:

— Отингизни алмаштириб, Стокгольмга қайтинг. Граф Пиперга шундай денг: биз бу ерда шундай хурсандчилик қиляпмизки, бунақа томоша ҳеч қачон бўлган эмас. Учта баҳайбат айиқни қуршовга олдик. Мен граф Пиперни, генерал Рёншельд, генерал Левенгаупт ҳамда генерал Шлиппенбахни айиқ овига таклиф қиламан. Сизга жавоб, бўлинг, тезроқ ҳайданг.

Қиролнинг ҳамиша бўзарган юзида қизил доғлар пайдо бўлди. Қалтираган бармоғи билан милтиқ тепкисини очиб қўйди. Шартта бурилди-да, яхлаган этик қўнжларини бир-бирига ишқаб, дадил қадамлари билан жар томон кетди. Офицер мийиғида кулиб, ёш боланинг елкаси каби букчайган елкасига, манманликдан тиришган энсасига қараб турди-турди-да, отга минди-ю, қалин қордан ҳайдаганича ўрмон орасида кўздан ғойиб бўлди.

. . . . . .

Отиб ўлдирилган ва тўр билан ушланган айиқлар сони ўн тўрттага етди. Карл тўрга тушган айиқчаларнинг жон-жаҳди билан бўкирганига ёш боладай қувониб қийқирар эди, бу айиқчаларни Стокгольмга жўнатиш учун хом теридан қилинган қайишлар билан маҳкам боғламоқда эдилар. Шу куни эрта тонгда етиб келган Пипер, Рёншельд, Левенгаупт ва Шлиппенбах (тўрттови ҳам чарм кафтан, пат қадалган шляпада)—ҳар қайсиси биттадан айиқни айри найза билан қулатди. Франция элчиси Гискар эса бўйи бир саржин келадиган девдай айиқни бир ўқ билан саранжом қилди.

Ҳориган овчилар ёғочдан ишланган антиқа қасрга қайтдилар; бу қаср дара ичига, музлар орасидан шовиллаб қуйилаётган шалола устига қурилганди. Қарағай шохчаларининг алангаси емакхонани яхши иситган эди. Деворларга осиб қўйилган кийик ва буғи каллаларининг шиша кўзлари йилтирарди. Қизил винодай қип-қизариб кетган пакана Гискар мўйловини бураб, калта қўлларини ўйнатиб ҳикоя қилар, айиқ қорларни қуюндай тўзитиб инидан қандай сапчиб чиққанини ва уни еб-ютиб юбормоққа шайланганини ҳаяжонланиб гапирар эди: «Мен унинг сассиқ нафаси юзимга урганини сезиб қолдим. Чаққонлик билан лип этиб бир қадам чекиндиму, дарҳол мўлжалга олиб отдим. Аксига, пистон чақилма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

са бўладими!.. Ҳаёт лип этиб бир лаҳзада кўз ўнгимдан ўтиб кетди... Шоша-пиша иккинчи милтиқни олдим...»

Шведлар чурқ этмасдан гапга қулоқ солишар, пиво ичишар ва илжайиб кулишарди. Карл кечки овқат давомида бир қултум ҳам пиво ичмади. Ниҳоят, Франция элчисини бир амаллаб ётоққа судраб кетишгандан сўнг, Карл эшикка соқчи қўйишни буюрди-да, гулхан ёнига ўтирди. Пипер билан генераллар қиролга яқинроқ ўтириб олишди.

— Мен сизнинг фикрингизни билмоқчиман, жаноблар,— деди қатъий оҳангда лабини маҳкам қисиб. Шамол ялаган жажжи бурни гулхан шуъласида йилт-йилт қиларди.

Генераллар ерга қараб, ўйланиб қолдилар. Ҳар қандай ишда, айниқса бундай муҳим масалада ҳар томонлама ўйлаб кўриш лозим эди. Пипер чорбурчак энгагини оҳиста ишқалади.

— Сенат қўрқади, урушга тоби йўқ,— деди граф.— Жўнашимиздан бир кун олдин сенатда фавқулодда мажлис бўлди. Польша қироли Ливонияга бостириб киргани ва хусусан данияликлар бизга қарши ҳаракат бошлагани тўғрисидаги овоза бутун Стокгольмни ҳаяжонга солди. Кема эгалари, ўрмон саноатчилари ҳамда ғалла олиб-сотарлар сенатга ўз вакилларини юборишди. Сенатдагилар уларнинг арзини астойдил тинглашди, аммо бironта сенатор урушни ёқлаб чиқмади. Хуллас, Варшавага ва Копенгагенга вакиллар юборишга ва қандай бўлмасин, бу можарони тинчлик йўли билан бартараф этишга қарор қилишди.

— Бу хусусда ўз қиролининг фикрини билишлари керакмиди ё йўқми?— сўради Карл.

— Афтидан, сенаторлар қирол ҳазрат олийларининг иззат-нафси айиқ овида бутунлай қаноатланди, деб ўйлаган бўлса керак-да...

— Ундай бўлса жуда соз!— Карл барсга ўхшаб, юзини тезда буриб Рёншельдга қаради. Генерал Рёншельд бурун катакларини йирғиб, чуқур нафас билан ҳаво ютинди-да:

— Мен ўйлайманки,— деди тип-тиниқ кўзлари ила мардонавор боқиб,—менимча: армияда шундай ёш дворянлар борки, уларга Швеция торлик қилмоқда... Қилич билан шуҳрат қозонишга ишқибозлар топилади. Агар қирол бошласа — дунёнинг нариги чеккасига боришдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам қайтмаймиз. Шведлар бир эмас — бир неча марта буни исбот этган...

Унинг чиройли оғзию лаблари самимий табассум билан кулимсиради. Генераллар ҳам бош иргаб: «Жонажон юртимиздан, қояли қирғоқлардан биринчи марта бегона ўлкаларга олтин ва шуҳрат излаб жўнаётганимиз йўқ»,— дегандай унинг гапини тасдиқлашди.

— Сенат уруш учун бир фортинг ҳам пул бермайди,— деди Пипер.— Хазина қоқланган. Олдин бу масалани ҳал қилиш керак.

Генераллар чурқ этмас, Карл лабини тишларди. Ўчоқ панжарасига тиралган этик пошналари тутай бошлаган эди.

— Пул фақат дастлабки кунларда, қўшинни кемаларга жойлаш ва Данияга етказиб олиш учун керак,— деди қирол.— Бу пулни менга Франция элчиси беради. Акс ҳолда мен инглизлардан оламан, шунинг учун ҳам у пул беришга мажбур бўлади... Кейинчалик, ҳарбий операцияларимиз учун керакли маблағни Дания қироли тўлайди. Тўламай кўрсин-чи.

Генераллар қирол ўтирган курсини зич ўраб олишдида: «Шундай, шундай»,— деб маъқуллашди. Пипер эса бу боланинг ақл-идрокига таажжубланганидан пешанасини тириштириб ишқалар эди.

— Биз урушмасликка қарор қилган тақдирда ҳам, улуғ давлатлар бизни барибир мажбур қилади,— деди Карл.— Яхшиси: биз олдин ҳужум бошлаганимиз маъқул... ўзига бино қўйган Август улуғ империя тузишни орзу қилади. Менга ўхшаб, унда ҳам пул йўқ: подшо Пётрдан тиланиб олган червонларини қизлар билан ичиб тамомламоқда. Августдан туппа-тузук балаган[1] артисти чиқиши мумкин. Москва подшоҳи мени заррача ҳам қўрқитмайди: мужиклардан тузилган полкларини то милтиқ отишга ўргатиб олгунча иттифоқдошларидан айрилади, бу аниқ... Жаноблар, мен бир планни муҳокамага қўймоқчиман...

Ўша оқшом уч генерал Карлнинг тиззасига ёйиб қўйилган харита устида жанг планларини тузди: Нарва губернатори Веллинг Эстляндия ва Лифляндиядаги швед аскарларига қўмондон бўлади ва Ригага ёрдам бериш учун йўлга чиқади; Левенгаупт билан Шлиппенбах ҳар-

[1] Қўчма цирк. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

бий машқ ўтказиш ниқоби остида бутун гвардия ва армияни Зунд бўғозидаги ҳарбий порт Ландскронга тўплайди; Пипер эса — бу тайёргарликни ҳеч кимга билдирмай сенатни алаҳситиб туриш учун Стокгольмда нима лозим бўлса — ҳаммасини қилади.

Ўчоққа қарағай илдизпоялари ташланди, эшикдаги соқчига жавоб берилди. Дастурхон тузалиб кечки овқат қўйилди. Маза қилиб мизғиб олган мосье Гескар қўлларини ишқалаб емакхонага кирди. Карл унга гулхан ёнидан жой кўрсатди ва гўё томоғига бир нима тиқилгандек, йўтала-йўтала мурожаат этди:

— Азиз дўстим, сизга шуни айтмоқчиманки, мен учун оға ва сиз учун ҳукмрон бўлган қирол Людовик ҳазратларини оташин муҳаббат билан сидқидилдан яхши кўраман, бунга бемалол ишонишингиз мумкин... (Гискар ҳушёр тортиб, кафтини кафтига ишқалай бошлади.) Швеция Шимолий денгизларда Франция манфаатларини қўриқлайдиган вафодор соқчи бўлиб қолаверади. Испания тахти учун бораётган курашда мен ўз қиличимни Людовикка тақдим этаман. (Гискар калта қўлларини ёйиб, икки букилиб таъзим қилди.) Лекин шуниси ҳам борки, инглизлар Швецияни ўз томонига оғдирмоқ учун қўлидан келган ҳаракатни қилишяпти, мен буни сиздан яширмоқчи эмасман... Швецияда қиролдан ташқари сенат ҳам бор, лекин сенаторлар фикрини билишга асло тобим йўқ. Афсуски, ҳозирги дунё зиддиятларга тўла... Бугун инглиз флоти Зундда пайдо бўлганини эшитдим... Машъум ҳодисаларга йўл қўймаслик, хатонинг олдини олиш учун чин дўстлигингизни тасдиқловчи амалий далиллар керак менга, мосье Гискар...

. . . . . .

Тинмай бўкирган айиқ болаларини Стокгольм кўчаларидан аравада олиб ўтишмоқда. Арава кетида бир тўда отлиқлар: Карл, овчилар ва бошқалар. Мис сурнайлар овози янграр, бир гала тозилар акилларди. Соддадил одамлар деразалардан мўралашар: «Қирол хурсандчилик қилиш учун қулайроқ вақт тополмабди-да»,— деб бош чайқашарди.

Кўп йиллардан бери тинчликка ўрганиб қолган шаҳар аҳлини бир-биридан ваҳимали овозалар безовта қилар, ҳаяжонлантирарди. Зунд сувларида инглиз ва голланд флотлари пайдо бўлишига сабаб нима? Борди-ю, улар данияликлар билан бирлашмоқчи ва шимолий ден-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гизларда Швеция ҳукмронлигига барҳам бермоқчи бўлса-чи? Бепоён Польша дўқ қилмоқда: Швеция гарнизонларини Болтиқ бўйидан супуриб ташламоқчи. Шарқда эса, Москва давлатининг минг миля келадиган чегараси деярли ҳимоясиз: Нева қуйиладиган жойдаги Ниеншанц билан Ладога кўли яқинидаги Нотебург қалъачаларидан бўлак ҳеч нарса йўқ.

Йигирма минг солдатдан иборат кичкина армия ва телба табиат қирол билан бутун Шарқий Европага қарши жанг тўғрисида ўйлаш даҳшатли, мутлақо ақлдан эмасди. Сулҳ ва албатта сулҳ керак эди: озроқ нарсанинг баҳридан ўтилса, кўпроқ нарсани — энг муҳимини асраб қолиш мумкин бўларди.

Карл ҳатто шикор кийимини ҳам ечмасдан сенатга тўғри кириб келди: донолик ва яхшилик тўғрисида, шу соатда худо Швеция устига нур сочиб турганлиги тўғрисида айтилган оталарча насиҳатларни паришон ҳолда бепарволик билан тинглади. Ниҳоят, ханжарининг дандон сопини ўйнаб сенаторларга жавобан: Кунгсёр қасрида баҳор карнавали ташкил этиш билан ҳозирча бандман, фақат байрамдан кейин хорижий сиёсат ҳақида ўз фикримни баён қилишим мумкин, деди. Сенаторлар орасида энг кексаси ўрнидан туриб таъзим бажо келтирди-да чиройли иборалар билан қиролга вақтичоғлик, соғ-саломатлик тилади.

Қирол кифтини қисди-ю, чиқиб кетди. Бир неча кундан сўнг у чиндан ҳам Кунгсёрга борди. У ерда отларни алмаштириб, ўнтача гвардиячи офицер ва генерал Рёншельд билан тўғри Ландскронга ҳайдади. Йўлда одамлар чарчаб, отлар терга пишилиб кетса ҳамки, бирор жойда дам олиш тўғрисида ўйламади. Гўё ичига бошқа одам кириб қолгандек, бутун куч-ғайратини, ақл-иродасини қандайдир бир фикр тамоман банд этгандек эди.

Мусаффо баҳор тонгида Швеция кемалари ўн беш минг сара қўшин билан Зунд бўғозига кирди. Тушга яқин йироқда, қуёш шуъласи жимирлашган жойда гўё денгиз сатҳи билан осмон орасида муаллақ тургандай, аллақанча кема ва галералар қораси кўринди. Юзларча байроқчалар ҳилпирарди. Бу Англия билан Голландияга қарашли елкансиз оҳиста сузиб юрган флот эди.

Шведлар кемаларининг етакчиси бош фрегатда қирол байроғи мачтага кўтарилгач, йироқдаги кемаларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

бортларидан доира шаклида парча-парча тутун булути отилиб чиқа бошлади, гумбурлаган тўп овозлари эшитилди, тутун ёйилиб жануб томонга сузиб кетди. Англия ва Голландия адмираллари зардўзи мундирларини йилтиратиб, икки қайиқда бош фрегат томон сузиб кела бошлади.

Карл кўприкчада уларни кутиб турарди: эгнида — яшилтоб кул ранг мовут кафтан, то ёқасигача тугмаланган, бўйнида қора галстук, оёғида эса — ҳар қандай шароитда ҳам асқатадиган қўнжи кенг мойлама этик. Икки чети букилган кичкина шляпа остидаги париги ўрилиб, чарм халтачага солиб қўйилган. Бир қўли узун қиличга, худди ҳассага таянгандай, таяниб олган. Қирол Карл Европани забт этмоқ учун мана шу қиёфада узоқ сафарга чиққан эди.

Бу ўйинқароқ, бузилган бола тўғрисида кўпгина нарса эшитган адмираллар унинг фавқулодда жасурлиги ва вазминлигини кўриб ҳайрон қолишди. Карл ҳасрат қилишга тушиб, Польша ва Дания қироллари уни чидаб бўлмайдиган даражада хўрлаганлари тўғрисида гапирди, хоинона иш қилган данияликларнинг адабини бериш ниятида бирлашган инглиз-голланд флотининг ёрдамини қабул қилишга сидқидилдан розилик билдирди.

Бирлашган уч флот ўша куниёқ денгизни бошдан-оёқ елканларга тўлдириб, тўғри Копенгагенга йўл олди.

4

Ёмғир тинди, булутлар тарқалди. Илиққина оқшом пайти эди, димоққа ўт-ўлан, тутун ҳиди урарди. Йироқдан, немислар слободасидан черков қўнғироғининг данғиллагани эшитиларди.

Пётр роми кўтариб қўйилган очиқ дераза ёнида аризаларни ўқиб ўтирар, шамлар ҳали ёқилмаган эди. Хонанинг пойга томонида, эшик ёнида тепакалини йилтиратиб бир одам қимирламай ўтирарди, бу — тулалик темирчи Никита Демидов эди.

«...Чиндан ҳам, подшоҳим, одамлар бўшашиб ўз бурчини адо этишда сусткашлик қилмоқда,— ҳамма нарса изига қайтиб қадимги замон бўлади,— деб ўйласалар керак... (бу хатни яширилган даромад ва маблағларни қидириб топувчи Алексей Курбатов ёзган эди). Савдо растасида энг бой, кўпас Матвей Шустов мол-мулки, дў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кони ва лаш-лушларининг рўйхатини топширди: ҳаммаси бўлиб дастмоям икки минг сўмга зўрға етади, батамом хонавайрон бўлдим, деб ёзибди. Аммо менга маълумки, Матвейнинг Зарядье кўчасидаги ҳовлисида, ҳожатхона полининг тагига — у ерга киришга одам ҳазар қилади — бувасидан қолган қирқ минг олтин червонсин кўмиб қўйибди. Лекин у, яъни Матвей, бетайин одам, шунча маблағни кўпайтириш ўрнига ичкиликка сарф қилиб баракасини учирмоқда, агар олди олинмаса — совуриб тамом қилади. Улуғ подшоҳим, буюргин, Зарядье кўчасидаги шу уйга йигирмата солдат билан мирзани юборишсин, Матвей ўша тилла пулни дарҳол олиб беради...»

Пётр бошини силкиди, аризани дераза токчасига қўйди-да, чап томонига: «Бажариш учун»,— деб ёзиб қўйди. Иккинчи ариза судья Мишка Беклемишевдан эди; қалтироқ қўли билан ёзилгани учун фақат қуйидаги сўзларни ажрата олди: «...Отангга ҳамда акангга хизмат қилганман, кўпгина вазифаларда бўлганман, сўнгра менга, суд маҳкамасида судьялик қиласан, дейишди. Шу кунгача ҳалол судьялик қилиб келяпман. Ҳалоллигим натижасида қарзга ботдим, озиб-тўзиб кетдим. Улуғ подшоҳим, шунча йил ҳалол хизмат этганим учун раҳм айлаб, мени бирор ерга ҳоким қилиб жўнатгин, Полтавага бўлса ҳам майли...»

Пётр эснади-да, бу аризани ўнг томонга — бир тўда қоғозлар орасига ташлади. Бундан ташқари, Белгороддан ва Севскдан келган маълумотлар ҳам бор эди: полкларда, миршабхоналарда ва турли вазифаларда хизмат қилаётган кишилар, шунингдек крепостнойлар ва деҳқонлар давлат ишида хизмат қилишдан бош тортаётгани ҳақида, кема қурилишида ва ўрмонда ишлашдан қочиб Донга — казаклар юртига жўнаётгани тўғрисида ёзилганди. Пётр қоғоз четига: «Белгород ва Севск ҳокимларини чақириб, қаттиқ тергов қилинсин»,— деб ёзиб қўйди.

Давлатга қарашли деҳқонлар томонидан кўз ёши тўкиб ёзилган битта ариза бор эди. Деҳқонлар Кунгур ҳокими Сухотин устидан шикоят қилиб ёзганди: «Бу золим бошқа солиқлар устига ўз нафси учун ҳар бир хонадондан танга миридан ола бошлади, уйларимизни ва ҳаммомларимизни печатлатиб қўйди,— кўпчилик ҳомиладор хотинлар қиш-қировда оғилхонада туғишяп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ти, чақалоқлар бевақт нобуд бўляпти, баъзи хотинларни ҳоким маҳкамага обориб эмчагига чанг солади, эзғилаб қонатади ва кўнглига келган номаъқулчиликка йўл қўйиб майиб қилади...»

Пётр энсасини қашлай бошлади. Ҳамма ерда додфарёд авжига чиққан эди: бу ҳокимни бўшатиб бошқасини қўйса — буниси ундан баттар безорилик қиларди. Яхши одамни қаердан топиш мумкин? Бу ёққа қарасанг — ўғри, у ёққа қарасанг — ўғри... Ғоз патини қимирлатиб, сиёҳ сачратиб ёза бошлади: «Кунгурга ҳоким қилиб...»

— Никита,— бурилиб чақирди,— сени ҳокимликка тайинласам, ўғирлик қилармидинг?

Никита Демидов оҳиста хўрсинди-да, эшик олдидан қўзғалмасдан деди:

— Эл қатори, Пётр Алексеевич, ўзи шунақа амал.

— Одам йўқ. Нима қилиш керак?

Никита — бир ҳисобда тўғри, одам йўқ — деган маънода кифтини қисди.

— Палахга тотсанг ҳам, маошини оширсанг ҳам, барибир, ўғирлик қилишади... (Қоронғи тушганига қарамай, патқаламни сиёҳга ботирар, ёзишни қўймасди.) Виждон деган нарса йўқ. Ор-номус йўқ... Масхарабозликдан бошқа гап йўқ. Нега бундай? (Яна бурилиб қаради.)

— Тўқ одам кўпроқ ўғирлайди, Пётр Алексеевич, дадилроқ...

— Оғзингга қараб гапир, жудаям дадил экансан...

— Йиғлагим келяпти, Пётр Алексеевич... Мана, одам йўқлигидан қайғуриб ўтирибсан... Шундай долзарб пайтда энг яхши чилангарларимдан ўн иккитасини солдатликка олишди...

— Ким олди?

— Сенинг одаминг, боярин Чемоданов, бир неча мирза билан Тулага келди, рўйхат қилиш учун... (Никита Пётрга тикилиб қолди, лекин юзини аниқ кўролмади: подшо деразадан бутунлай ўгирилиб олганди.) Сендан нимасини яширай,— Тулада шунақа бўлдики! Ким пул топса — пора бериб қутулади... Менинг заводимга ҳам мирзасини юборибди... Ўшанда ўзим Тулада бўлганимда-ку... беш юз сўм тўлаб ажратиб олардим, унақа мастерлар учун қанча пул кетса ҳам алам қилмайди... Ҳар қалай, ўзинг мурувват айламасанг — иш чатоқ... Ҳам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маси қуролсоз йигитлар, инглиз мастерларидан қолишмайди...

— Ариза бер,— деди Пётр тишлари орасидан чиқариб.

— Хўп бўлади... Хафа бўлманг, Пётр Алексеевич, одам топилади, албатта...

— Майли... Ишдан гапир...

Никита оҳиста яқинроқ келди. Бу жуда улкан иш эди. Шу йил қишда ўғли Акинфийни ёнига олиб, йўл биладиган учта раскольник билан Уролга борганди. Учови ҳам Данилов даштидан, кон қидириш билан шуғулланган мужиклар эди. Урол тоғларини Невьянсдан то Чусовогача роса кезишди. Темир, мис, кумуш, тош лён топишди. Шунча бойлик эгасиз, бекор ётарди. Теварак-атроф эса саҳро каби кимсасиз. Пётрнинг фармони билан икки йил муқаддам Нева дарёси бўйига қурилган яккаю-ягона завод атиги эллик пуд чўян эритарди, холос, шуни ҳам бирон жойга ташиб етказиш жуда-жуда қийин, чунки йўл йўқ. Завод бошлиғи, боярзода Дашков, азбаройи зерикканидан ичкиликка берилиб, тамом бўлган, Невьянск ҳокими Протосьев ҳам ундан қолишмасди. Бақувват, соғлом ишчилар қочиб кетган, фақат касал, нимжон кишилар қолган эди. Иншоотлари қулаб, конлар ёпилиш даражасига келганди. Атрофда эса — асрий ўрмонзор, чексиз хазина: кўл ва сой тагидаги қумни чўмич билан олиб, пўстин устидами — ишқилиб, ювиб тозаланса — шундоққина олтин... Урол тоғлари шу қадар маъданга бойки, қанийди Никита Демидовнинг Туладаги заводи шу ерда бўлса... У ёқдаги руданинг сифати паст, у ерда ўрмон ҳам оз. (Бултурдан бери эман, шумтол ва заранг дарахтларини ўтинга кесиш таъқиқлаб қўйилган. Кессанг — исковичсан — мирза қидириб топиб ёқангдан олади.) Бу ерлар бепоён, ҳамма нарса бор. Лекин қўлга киритиш қийин: жуда кўп пул керак. Урол кимсасиз.

— Пётр Алексеевич, бизнинг одамлардан ҳеч иш чиқмайди... Мен Свешников билан, Бровкин ва бошқалар билан гаплашиб кўрдим. Нуқул ланжлик қилишади: бундай оғир ишга шерик бўлишга тоблари йўқ... Одамга алам қилади-да, мен нима — уларни мажбур дастёриманми?.. Жуда кўп меҳнат сарф қилмоқ керак,— Уролни кўтариш осон эмас...

Пётр бирдан бошмоғини тапиллатди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сенга нима керак? Пул? Одам? Ўтир... (Никита дарҳол стул четига ўтириб, киртайган кўзлари ила Пётрга тикилиб олди.) Шу йил ёзда менга юз минг пуд чўян тўп ўқи, эллик минг пуд темир керак. Аммо унақасига ўйлаб, мунақасига ўйлаб чўзадиган бўлсанг — кутишга вақтим йўқ... Невьянскдаги завод керакми — ол, бутун Уролни ол... Буюраман!.. (Никита циганча соқолини пеш қилгандай олға чўзилди, Пётр ҳам унга яқинроқ борди.) Менда пул йўқ, аммо бу ишга топиб бераман... Завод рўйхатига бир неча волостни тиркаб қўяман. Буюраман, қанча одам керак бўлса — боярлар мулкидан сотиб олавер... Аммо кўзингни оч... (Пётр кўрсаткич бармоғини кўтариб, икки марта пўписа қилди.) Бир пуд темир учун шведларга бир сўм тўлаяпман, сенга ўттиз тийиндан бераман...

— Сув текинга-я,— деди Никита шошиб-пишиб.— Тўғри келмайди. Ярим сўлкавой...

Кўк кўзларини чақчайтириб қараб тураверди, Пётр ҳам ғазаб билан бир зум унга тикилиб турди-да:

— Майли. Кейин кўрамиз. Бу ёғини эшит: сен ўғрини яхши биламан.. Берган пулимни уч йилдан кейин чўян ва темир билан қайтарасан... Ўлай агар, дадил экансан... Лекин эсингда бўлсин, муттаҳамлик қилсанг — ўлай агар — ғилдиракка боғлаб дабдалангни чиқараман...

Никита томоғини оҳиста қириб, ҳуштак аралаш товуш билан:

— Мен бу пулни уч йилда эмас — олдинроқ қайтараман, ўлай агар,— деди.

. . . . . .

Кечқурун шундай бир ғалати ҳолат рўй бердики, Пётр юраги сиқилиб, ўзини қаерга қўйишни билмай қолди... Ўқилмаган қоғозларга кўз ташлади, деншикни чақириб шам ёқтирмоқчи бўлди, дераза токчасига кўксини бериб даразадан энгашди.

Қоронғи тушган, лекин ҳаво янада исигандек туюларди. Кўкатлар узра енгил туман сузарди. Пётр бурун катакларини йириб, шифобахш ҳаводан нафас олар, шишган куртакларнинг ўткир ҳиди димоққа уриларди. Дарахт баргларидан ёмғир суви томчиларди... Бир томчиси энсасига тушиб, бадани жимирлашиб кетди. Ҳўл бўлган бўйнини кафти билан ишқалаб артди.

Баҳор сукунати қўйнида тамомий жондор сергак уй-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қуда эди. Бирон жойда милт этган чироқ кўринмас, узоқдан — солдатлар слободаси томондан соқчининг чўзиқ товуши: «Ҳушёр бў-ўўл» деб бақиргани эшитиларди. Гўё қаттиқ чарчагандек, аъзойи бадани шалайим, мияси карахт эди. Дераза токчасига тиралиб қолган юраги гупиллаб урганини бемалол эшитарди. Фақат тишини тишига қўйиб сабр қилишдан ўзга чора йўқ эди.

Сабр қилиш, кутиш... Худди тунги жимжитликда қулоғига тапиллаган товуш эшитилгандай туюлиб иссиқ ёстиқдан бошини кўтарган хотин сингари кутиш... Кун бўйи қўли ишга қовушмади, нима ушласа — тушиб кетаверди. Меньшиков кечки овқатга чақирди,— унга ҳам бормади... Ҳозир уникида зиёфат авжида! Ҳеч қачон Пётр бу қадар қийналган эмасди: ҳозир бутун куч — сабр қилиш, сабр қила билишда, энг муҳими шу... Қирол Август қизиққонлик қилиб бевақт уруш бошлади, натижада Рига остонасида ботқоққа ботгандан баттар аҳволга тушди... Дания қироли Христиан ҳам шошқалоқлик қилди — ўзи айбдор...

— Ўзи айбдор, ўзи айбдор,— дея тўнғилларди Пётр, ёмғирда эгилиб қолган сиренлар қорасига кўз йириб тикиларкан. У ерда кимдир қимирлар, деншик билан бирорта қиз бўлса керак... Бугун қирол Август ёнидан полковник Ланген келди,— ваҳимали хабарлар: Швеция шербаччаси тўсатдан тишларини кўрсатибди. Копенгаген истеҳкомлари рўпарасида улкан флот билан пайдо бўлиб, шаҳарни топширишни талаб этибди... Қапалаги учган Христиан, жанг қилишга журъат этмасдан музокара бошлабди. Карл вақтдан фойдаланиб, Голштин қалъасини қуршаб олган Дания армиясининг орқа томонига ўн беш минг пиёда аскар туширибди. Шундай қилиб шведлар Данияга қуюндай бостириб кирган. Аммо нозик табиат ва тўполончи ўспиридан бунчалик ақл чиқади, қисқа муддат ичида ҳақиқий лашкарбошилар каби зўр жасорат кўрсатади, деб на шведлар ва на бошқалар ўйлаган эмасди.

Ланген булардан ташқари, Август ундан пул сўраганини ҳам айтди: агар бош руҳонийга ва тождор гетманга йигирма минг червонс берилса (панларга улашиш учун) — бутун Польшани оёққа турғизиш мумкин, деди. Туркия билан сулҳ тузилгунча кутиб ўтирмасдан тезроқ қўшин тортишни Пётрдан илтимос қилди, ҳатто кўз ёши тўкиб ялинди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай гаплардан кейин бадани гўё чумоли талагандек, қичишиб кетди. Бироқ — мумкин эмас! Қрим хони думингга осилиб турган пайтда урушга аралашиш ақлдан эмас, токи уни бир ёқлик қилмагунча — бу мумкин эмас. Сабр қилиш, вақт-соатини кутиш керак... Боя Иван Бровкин келиб, Бурмистрлар палатасида шовқин-сурон кўтарилганини гапириб берди: Свешников билан Шорин яширин равишда дон-дун сотиб олиб, Новгород ва Псковга тўплай бошлагани учун буғдой нархи ошиб, пудига уч тийиндан қимматлашибди. Ревякин улардан ғазабланиб: «Нега ҳалитдан ҳовлиқасиз?— Ингрия ҳали бизники эмас, қачон бизники бўлиши номаълум. Бекорга бутун ғаллани Новгород ва Псковда чиритиб юборасиз, бу аҳмоқлик»,— деб бақирибди. Улар ҳам бўш келмасдан: «Ингрия кузда бизники бўлади, йўл тушиши биланоқ бутун ғаллани Нарвага обориб сотамиз»,— дейишибди...

Ҳўл сирень буталари бирдан чайқалди, дув этиб ёмғир суви тўкилди. Қорайган икки гавда типирчилаб қолди... «Йўғ-е, жонгинам, керак эмас, қўйинг-е...» Пакана-роғи кетига тисарилди-да, яланг оёқларини шипиллатиб чопганича кетди... Новчаси (деншик Мишка) этигини шалпиллатиб унинг кетидан югурди. Арғувон тагида иккиси тўхтади: «Йўғ-е, жонгинам, керак эмас, қўйинг-е» деган овоз яна эшитилди...

Пётр гавдасини то белигача деразадан чиқариб қаради. Пичанзор этагидаги асрий толлар ортидан, ҳарир туман пардасига бурканган каттакон баркашдай ой секин кўтарилмоқда эди. Теп-текис ялангликда пичан ғарамлари, дарахт учлари, илон изи бўлиб йилтираган сой кўринарди. Гўё жамики нарсани ваҳм босиб асрлар бўйи қимирламай, ўзгармай қотиб қолгандек туюларди... Арғувон тагидаги икки ошиқ ҳамон пичирлашар, ҳамон ўша гап такрорланар эди...

— Шўхлик қилма! — ўшқирди Пётр.— Ҳой Мишка! Худди терингни шиламан!

Қиз арғувон орқасига бекинди. Деншик эса, бир минут ўтмасдан ғижирлаган тахта зинадан чопиб чиқди-ю, эшикни очиб уйга кирди.

— Шам ёқ,— деди Пётр.— Трубкани бер.

Подшо тамаки тутатиб, уйда айланиб юрди. Стол устидан қоғоз олди, шамга яқин обориб қаради — ташлади. Тун эндигина бошланган, вақт эрта эди. Эрта ётиб ухлашни хаёлига ҳам келтирмасди... Тамаки тутуни де-

www.ziyouz.com kutubxonasi

раза томон сузиб бориб, ром тагида бурала-бурала, муздай тунги ҳавода тарқалиб кетарди...

— Мишка! (Деншик яна лип этиб эшикдан кирди: бетлари қалин, бурни пучуқ, кўзлари бежо.) Сен қизлар билан кўп ўйнашаверма! Бу қанақаси, а? (Пётр унга яқинроқ борди: Мишканинг эси чиқиб кетган, истасанг ур, калтакла, лекин барибир ўзига келмасди.) Югур, бориб айт, менга икки ғилдиракли аравани келтиришсин. Мен билан жўнайсан.

Ой яланглик узра кўтарилди, кўкатлардаги томчилар йилтирай бошлади. Арғумоқ пишқирар, кўзларини ғилайлатиб қорайган буталарга қаранарди; Пётр тизгин билан сағрисига урди. Ғилдираклардан лой сачрар, ойнадай йилтираган излар лойқаланарди. Ниҳоят, арава қушдай учиб, уйқуга кетган Кукуй кўчасига кирди. Бу ерда ҳамма нарса кўп йил муқаддам кўрган-кечирганларини эслатар эди, уйлар олдидаги гулзорларга экилган тамаки гулнинг муаттар ҳиди димоғини қитиқлаб, эски дардини қўзғатар эди. Шохлаб кетган чирой-ли тераклар ортида Анна Монснинг деразалари: қопқоқлари ёпиқ, лекин қопқоқнинг ҳар икки палласидаги юракка ўхшатиб ўйилган тешикчалардан ёруғ тушиб турарди.

Анна Ивановна, пастор Штрумпф, Кенигсек ва герцок фон Круи шам ёруғида карта ўйнашарди. Пастор Штрумпф аҳён-аҳёнда бурнини тўлдириб бурнаки жойларди-да, ёнидан катак дастрўмолини олиб, роҳатланиб чучкурарди, сўнгра, ёшланган кўзлари билан кулиб, ул-фатларига бирма-бир қараб чиқарди. Герцог фон Круи эса, картага тикилиб олиб, киприксиз кўзларини пирпи-ратаверар, машҳур жанглардан ўн бештасида қатнашган осма мўйлови ўзидан-ўзи диккайиб, бурнининг тагига бориб қоларди. Анна Ивановна ҳаво ранг хонаки кўйлакда, билаклари тўлишган, тирсагигача очиқ, қулоқларида — олмос кўзли исирға, бўйнидаги туморчага ҳам олмос қадалган, пешанасини тириштириб картага тикилар, нимани юриш тўғрисида бош қотирарди. Пардоз-андоз билан ясаниб кийинган, ичхам ва келишган Кенигсек бўлса, гоҳ Аннага мулойим назар ташлар, гоҳ лабларини оҳиста қимирлатиб пичирлаб, унга ёрдам беришга ҳаракат қилар эди.

Шубҳасизки, бу уй барча бўрон-тўфонлардан четда

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди, хушбуй ванил ва ҳил иси гуркираган дивану курсилар парусий жилд билан қопланган бу осойишта хонада девордаги соат бир меъёрда чиқиллаб турар эди.

— Биз камтарлик билан — чиллик юрамиз,— деб хўрсинди пастор Штрумпф кўзларини шифтга тикиб.

Герцог фон Круи, худди занглаган қиличини ярмигача қинидан суғургандай қилиб:

— Қарға,— деди.

Кенигсек эса Анна Ивановнанинг картасига орқадан кўз ташламоқчи бўлиб, ўрнидан турди-да:

— Яна таппон,— деди ширинсуханлик билан.

Пётр ҳовли томондаги орқа йўлдан келди-да, шартта эшикни очди. Анна Ивановнанинг карталари қўлидан тушиб кетди. Эркаклар шоша-пиша оёққа турдилар. Анна Ивановна ўзини дадил тутишга ҳаракат қилиб шодиёна чинқирди, гулгун табассум билан қоидан таъзимни бажо келтирди, Пётрнинг қўлини ўпиб, рўмол учи қитдай тўсиб турган кўксига босди, лекин қанчалик навозиш қилмасин, Пётр унинг тип-тиниқ мовий кўзларида ваҳм белгиси акс этганини пайқагандек бўлди.

— Ўйнайверинглар, мен четда тамаки чекиб ўтираман,— деб бурилди-да, букчайган ҳолда диван томон юрди.

Лекин Анна Ивановна ингичка пошналарда йўрғалаб стол ёнига борди-да, карталарни аралаштириб юборди:

— Зерикканимиздан эрмак қилиб ўйнаётувдик... Оҳ, Питер, келганингиз жуда яхши бўлди, қадамингиз ҳамиша бу уйга шодлик ва хурсандчилик бағишлайди. (Ёш боладай чапак чалди суюниб.) Ҳозир овқатланамиз...

— Овқат егим йўқ,— деди Пётр тўнғиллаб, трубка найини ғажий бошлади. Нимагадир, ғазаби қайнаб нафаси тиқилар, сабабини тушунолмасди. Кўз қирида курси жилдларига, йигирилган юнг калава билан қўлҳунар гардишига қараб-қараб қўярди... Анхеннинг силлиқ пешанасида йўғон чизиқ пайдо бўлди (илгари бундай чизиқни сезмаганди).

— О, Питер, ундай бўлса, кўнгил ёзнладиган қизиқроқ ўйин ўйлаб топамиз ҳозир,— деди Анхен (кўзлари яна жовдираб аянчли тикилди).

Пётр чурқ этмасди. Пастор Штурмпф девор соатга кўз ташлади, сўнгра чўнтак соатини олиб қаради: «Ана холос, соат иккидан ошибди-ку»,— деди-да, дераза ток-

www.ziyouz.com kutubxonasi

часига қўйган дуо китобини олди. Герцог фон Круи билан Кенигсек ҳам шляпаларига қўл чўздилар. Анхен эса, одоб юзасидан росмана мулозамат билан кузатиб қўя қолиш ўрнига, ранжиган товуш билан чинқириб, бармоқларини қисирлатиб:

— Э, бу қанақаси? Кетманглар,— деб астойдил ялина бошлади.

Пётр пишиллаб тамаки тортар, трубкадан учқунлар сачрарди. Оёқлари йиғила бошлади. Сапчиб ўрнидан турди. Шиддат билан тез юриб эшикни тарақлатиб чиқиб кетди. Анхеннинг нафас олиши тобора тезлашиб, юзини дастрўмоли билан тўсиб олди. Кенигсек оёқ учида йўрғалаб сувга югурди. Пастор Штрумпф оҳиста бош чайқади. Герцог фон Круи стол ёнига бориб карталарни йиғиштира бошлади.

. . . . . .

Ёғоч томлардан, қурий бошлаган кўчалардан буғ кўтарилар, ҳалқоб сувларда тубсиз мовий осмон акс этарди. Черков қўнғироқлари даранглар — якшанба куни эди — Красная Горкада сомсапазлар ва шарбатфуришлар харидор чақириб бақиришарди. Бекорчи одамлар санқиб юришар, кўпчилиги маст эди. Яп-янги кўйлак кийиб ясанган болалар шаҳар девори устида, нураган кунгиралар орасида, учига латта боғланган узун ёғочларни тебратиб каптар учиришарди. Оппоқ паррандалар кўкда пириллаб учишар, ўмбалоқ ошиб ўйин тушишар ва бирданига осмон-фалакдан ерга томон шунғишар эди. Баланд деворлар ортида, тунги ёмғирда ювилган арғувон ва кул ранг толлар тагида — умуман ҳамма ерда арғимчоқ учишарди: гоҳ сочлари ёйилган қизлар шохлар орасидан учиб ўтар, гоҳ тепакал чол тахта арғимчоқни қаттиқ тебратиб, нариги учида ўтирган семиз хотинни жўрттага қўрқитиб чийиллатарди.

Пётр отни секин юргизиб, кўча бўйлаб бормоқда эди. Кўзлари киртайган, қовоғи солиқ эди. Офтоб елкасини куйдириб жазиллатарди. Тун бўйи уни аравада кутиб тонг оттирган деншик Мишка, пинакка кетмаслик учун дам-бадам бошини силкитарди. Халойиқ от тумшуғи тагидан ўзини четга оларди, фақат айрим кишиларгина подшони таниб, шапкасини бошидан олиб, кетидан таъзим қиларди.

Ўша кечаси Пётр Анна Монсникидан тўғри Меньшиковникига жўнади. Лекин каттакон деразаларига парда

www.ziyouz.com kutubxonasi

тутилганини кўрди, ичкарида янграган музика садосини, мастлар қийқириғини эшитди. «Жин урсин буларни»,— деди-ю, отни тизгин билан савалаб қўрадан чиқди-да, Москва томон буриб ўқчилар слободасига жўнаб қолди. Олдинига елдириб, кейин аямай ҳайдаб, шаталоқ оттириб кетишди.

Слободада оддий бир ҳовли олдида тўхташди: дарвоза устидаги ёғочга бир тутам пичан боғлаб қўйилган эди. Пётр тизгинни Мишкага бериб аравадан тушди-да, кўча эшикни тақиллатди. Ивиган гўнгни шалоплатиб, сабрсизлик билан оёқдан-оёққа босиб кутди. Тоқати тоқ бўлиб, эшикни муштлай бошлади. Ниҳоят бир аёл очди. (Мишка бир қарашдаёқ кўриб олди: бўйдор, кулча юзли, қора сарафан кийган жувон эди.) Жувон «воҳ» деб юзини ушлади. Пётр энгашиб ичкари кирди-да, эшикни тарақлатиб ёпди.

Мишка аравада турган жойидан ҳовлига қаради: дарвоза ортидаги ёғоч уйнинг икки деразаси чироқдан ёришганини кўрди. Бир лаҳзадан сўнг жувон зина олдига чиқиб кимнидир чақирди:

— Лука, ҳой Лука...

Аллақандай чолнинг овози эшитилди:

— Лаббай...

— Лука, ҳеч кимни уйга киргизма, эшитдингми?

— Киргизмаганимга қўймаса-чи?

— Сен нима, эркакмисан ё?..

— Бўпти, сўйил билан соламан.

«Ҳаммаси равшан»,— деб қўйди Мишка ичида.

Салгина вақт ўтар-ўтмас, ўқчи қалпоғи кийган уч киши тор кўчадан чиқди; кимсасиз ойдин кўчага аланглаб қарашди-да, тўғри дарвоза томон келаверишди. Мишка уларни жиддий равишда огоҳлантирди:

— Тезроқ ўтинглар... ё...

Ўқчилар аравага яқинлашди:

— Ўзинг кимсан? Бемаҳалда слободада нима қилиб юрибсан?

Мишка овозини секинлатиб пўписа қилди:

— Йигитлар, яхшиликча бу ердан тезроқ кетинглар...

— Нима-нима?— деб бақирди, бошқалардан кўра мастроқ биттаси. — Нега дўқ урасан? Биламиз кимлигингни... (Шериклари уни кифтидан ушлаб, шивирлашга тушди.) Сенинг калланг ҳам зўрға илиниб турибди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шошманглар, шошманглар ҳали... (Ўртоқлари уни итариб ташлади, енг шимаргани қўймадилар.) Ҳаммамизни осиб тугатганларинг йўқ... Тишларимиз бутун ҳали... Ишқилиб, бир кунмас бир кун ўшани ҳам қозиққа ўтқазишмаса гўргайди... (Ўртоқлари унинг гарданига муштлаб, шапкасини учириб юборишди ва судраганча торкўчага олиб кетишди.)

Деразаларда чироқ шуъласи ўчди. Лекин Пётр уйдан чиқмади. Дарвоза орқасида Лука аҳён-аҳёнда шақилдоқ чалиб қўярди. Бир оздан сўнг шундай оғир жимлик чўкдики, ҳатто от ҳам тинкаси қуриганидан бошини осилтириб олди. Мишка мудроқ аралаш хўрозлар қичқирганини эшитиб уйғонди. Ой нури хиралашди. Кўчанинг этак томонида уфқ сарғиш тусга кириб, пушти ранг шафақ яллиғлана бошлади. Мишканинг қулоғига пичирлашган овозлар киргандай бўлиб, иккинчи марта уйғонди: арава атрофини ўғил болалар ўраб олган, баъзилари иштонсиз эди. Деншик кўзини очиши биланоқ ура қочишди; қўлларини силкитиб, қорайган товонларини кўрсатиб тум-тарақай жўнаб қолишди. Қуёш баланд кўтарилган эди.

Пётр шляпасини қош-кўзигача бостириб, кўча эшикдан чиқди. Томоқ қириб йўталиб қўйди-да, тизгинни қўлига олиб йўғон овоз билан: «Мана, кўнгил жойига тушди-қўйди», деб отни елдириб ҳайдади.

Москва ортда қолиб, ям-яшил далага чиққач, йироқда немислар слободасининг чўққайган томлари ва ундан ҳам нарида уфқда ёйилиб юрган оппоқ барра булутлар кўрингач, Пётр ҳазиллашиб:

— Сиз деншикларни шундай жазолаш керак... Агар кечалари яна шўхлик қилсанг, ҳужрага қамаб қўяман,— деди-да, бирдан кулиб юборди, шляпасини энсаси томон сириб қўйди.

Бичими қўпол, қўнғир мовут кафтан кийган ярим рота солдатни ҳайдаб келишмоқда эди: ҳаммасининг оёғига бир тутамдан пичан ва похол боғланган,— ҳаммаси подадай тўзиб, найзалари бир-бирига тегиб, туртиниб келаётганди... Сержант подшони кўриб жон-жаҳди билан команда берди. «Смирно!» Пётр аравадан тушди-да, олдин бир солдатни, сўнгра иккинчи солдатни кифтидан ушлаб, айлантириб қаради, кафтанини кўздан кечирди, дағал мовутни текшириб кўрди.

— Расво!— деб бақирди ва кўзларини олайтириб

www.ziyouz.com kutubxonasi

сепкилдор сержантдан сўради:— Ким тайёрлаган бу кафтанларни?

— Жаноби бомбардир, кафтанлар Сухаревкадаги тикувчилик устахонасидан олинган,— деди сержант.

— Ечин,— Пётр учинчи солдатни — қирра бурун, озғин йигитни ушлади. Бироқ у, тепадан тикилиб турган бомбардирнинг қора мўйловли юмалоқ юзига тикилганича, азбаройи қўрққанидан дами ичига тушиб, нафаси чиқмай қолди. Ёнида турган ўртоқлари дарҳол қўлидан милтиғини тортиб олишди, тасмаларини бўшатиб, кафтанини ечишди. Пётр кафтанни олиб аравага ташлади, индамасдан чиқиб ўтирди-да, шу ҳайдаганча тўғри Меньшиковнинг қасрига жўнади.

Кафтансиз қолган солдат дағ-дағ титраб, кўкаламзор йўлда тобора узоқлашаётган икки ғилдиракли аравага маҳлиё бўлиб тикилганича қотиб қолган эди. Сержант уни таёқча билан туртди.

— Голиков, сафдан чиқ, орқада борасан... Смир-рна! (У овози борича бақириб бутун далани бошига кўтарди.) Чап оёқ — пичан, ўнг оёқ — похол. Буни эсингдан чиқарма... Марш! Пичан — похол, пичан — похол...

. . . . . .

Неглинная дарёси бўйига, Кузнецк кўприги ёнига қурилган Иван Артемичнинг янги заводи Сухаревкадаги тикувчилик устахонасини мовут билан таъминларди. Бу ишга Меньшиков билан Шафиров шерик бўлиб қўшилган эдилар. Преображенский маҳкамаси кафтанлик мовут учун олдиндан юз минг сўм тўлаб қўйганди. Меньшиков Пётрга, бизнинг мовут Гамбургда ишланган мовутдан ёмон бўлмайди, деб мақтанган эди. Натижада эса — ярми жун, ярми ипдан тўқилган дағал матони топширишди. Александр Меньшиков туғилганидан ўғри эди, ўғрилик билан катта бўлди ва ўғрилигича қолди. «Ҳали шошмай тур!» деб қўйди ичида Пётр сабрсизлик билан тизгинни силтаб.

Александр Данилович каравотда ўтириб, шўрттанг сувдан ичарди, кечаги зиёфатдан кейин (эрталабки соат еттигача роса яйраб ўйнадилар) — мияси ғовлаб, кўк кўзлари хиралашиб, қовоқлари шишиб кетганди. Уйда ибодатни бошқарувчи дьякон унинг рўпарасида бир чашка бодрнинг сувини ушлаб турарди. Кўзлари ваҳшёна, ўзи ҳам ваҳший ҳайвонга ўхшаган бу дьяконнинг исми Педрила эди, бўйи — салкам бир саржин, белига

www.ziyouz.com kutubxonasi

қулоч етмас — бочкадай эди. Меньшиковга раҳми келиб, чашкага қўлини тиқиб, бодрингдан олиб узатарди:

— Ма, буни егин, ола қол...

— Йўқол, жин урсин сени...

Серҳашам каравот ёнида Пётр Павлович Шафиров бурнаки қутичанинг қопқоғини очиб, ҳидлашга тайёрланиб ўтирар, мулойим-хунук илжайган чалпак нусха юзида раҳмдиллик ва донолик акс этарди. Шафиров ярим стакан қон олишни ёки гарданига беш-ўнта зулук солишни маслаҳат берди...

— Эҳ, азизим, Александр Данилович, ичкиликни ҳаддан зиёда истеъмол қилиб ўзингизни нобуд этяпсиз...

— Йўқол, сени ҳам жин урсин...

Дьякон деразадан қараб ҳаммадан олдин Пётрни кўрди: «Афтидан, ғазабга минган кўринади», деган гапни кўнглидан ўтказди. Ҳаш-паш дегунча Пётр кириб келди, сўрашмасдан тўғри Александр Данилович ёнига борди-да, бояги кафтан билан унинг тумшуғига туртди.

— Гамбург мовутидан яхши деганинг шуми? Гапирма, ўғри, гапирма, ўзингни оқлаб бўпсан!

Пётр ғазаб билан унинг кружевали кўйлаги ёқасига чанг солиб, девор тагига судраб борди, лекин Александр Данилович оғзини очиб, оёқ тираб олгач, ўнг-сўлига қарамай ураверди. Меньшиковнинг калласи дам у ёғига, дам бу ёғига оғиб, ликилларди, холос. Подшо жаҳл устида камин ёнида турган таёқни олиб, савалай бошлади, таёқни ҳам синдирди. Таёқни улоқтириб, Шафиров томон бурилди: у курси ёнида тиз чўкиб, қимирламай турганди. Пётр унинг тепасида ҳарсиллаб нафас оларди.

— Тур ўрнингдан. (Шафиров ирғиб турди.) Бу ярамас мовутни Польшага обориб қирол Августга сотгин: мен қанчадан тўлаган бўлсам — ўша баҳода сот... Бир ҳафта муҳлат бераман. Сотмасанг — қип-яланғоч қилиб, қамчи билан савалатаман. Тушундингми?

— Албатта сотаман, бир ҳафтада эмас,— олдинроқ сотаман, подшо аъло ҳазратлари...

— Бунинг ўрнига, Ванька Бровкин билан биргаликда менга энг яхши мовут тайёрлаб берасиз.

— Мин херц...— Алексашка сўлагини ва юзидаги қонни артиб нолий бошлади:— Худоё тавба, қачон биз сени алдагандик?... Ўлай агар, бу мовутга бир бало бўлди шекилли...

— Ҳа, яхши... буюр — нонушта тайёрлашсин...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎРТИНЧИ БОБ

1

Жазирама иссиқ. Қилт этган шамол йўқ. Константинополнинг черепицали томлари офтобда оқариб кетган. Шаҳар устида, қизиган ҳаво сароб сингари яллиғланади. Ҳаттоки султон саройи ортидаги чанг босган богда ҳам бир парча соя йўқ. Қалъа деворлари тагида, ойнадай тип-тиниқ сув бўйидаги харсанглар устида ухлаб ётган жулдур кийимли одамлар кўринади. Шаҳар сукутда. Фақат баланд мезаналарда азон айтаётган муаззинларнинг чўзиқ овози жимликни бузади, қандайдир қўйғули нарсани эслатади. Кечалари эса, итлар катта юлдузларга қараб ҳуригани-ҳуриган.

Улуғ элчи Емельян Украинцев билан мирзабоши Чередеевнинг Перудаги меҳмонхонада кутиб ўтирганига роппа-расо бир йил бўлди. Бу орада йигирма уч марта конференция чақирилиб музокара юргизилди, аммо на биз ён беришга унадик, на турклар: иккала томон ҳам оёғини тираб қаттиқ туриб олди. Яқинда чопар, тезроқ сулҳ тузиш тўғрисида Пётрдан буйруқ келтирди: туркларга Азовдан бошқа нимани бериш мумкин бўлса — беришга рози бўлишсин, католикларнинг жиғига тегмаслик учун Исо қабри тўғрисида мутлақо оғиз очилмасин ва бундан ортиқ ён беришга унамасдан бу сафар қаттиқ турилсин, дейилганди.

Йигирма учинчи конференцияда Украинцев шундай деди: «Бизнинг сўнгги сўзимиз шу... Цареградда яна икки ҳафта турамиз, холос... Сулҳ тузилмаса — ўзингиздан ўпкаланг: ҳозир улуғ подшоҳимнинг флоти бултурги флотдан тамомила бошқа... Эшитган бўлсангиз керак...» Турклар юрагига ғулғула солиш ниятида улуғ элчилар Перудан ўз кемаларига кўчиб ўтишди. «Крепость» узоқ туриб қолгани учун бортларини пўпанак босиб кетган, каюталарда суварак пайдо бўлган, капи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тан Памбург эса бекорчиликдан зерикиб, бутунлай бўшашиб қолган эди.

Украинцев билан Чередеев тонг отмасдан уйғониб олиб, димиққан каютада қашланишар ва инқиллашарди. Сўнгра ёлғиз кўйлак-иштон устидан татарча чопон кийиб палубага чиқишарди.. Юрак сиқиларди, қорайган Босфор ва қақраган тепалар узра, булутсиз уфққа шафақ нури ёйилиб, кун қизишидан дарак берарди. Тамадди қилгани ўтиришарди. Қани энди квас билан тузлаган қўзиқорин бўлса... Топилиб бўпти! Сасиган балиқ ейишар, сувга сирка қўшиб ичишарди,— ҳаммаси бемаза... Капитан Памбург оч қоринга бир қадаҳ арақ ичиб олардида, ёлғиз кўйлак-иштонда қовжираган палубада айланиб юрарди. Сап-сариқ қуёш найза бўйи кўтарилларди. Бирпасдан сўнг кўз очиб бўлмасди: жимирлаган сувга, ёки қирғоқ ёнида лопиллаб турган — қовун ва тарвуз ортилган қайиқларга, ёки мачитларнинг оппоқ гумбазлари билан кўкда ярқираб турган ярим ойларига, ишқилиб, қаёққа қаралса — кўз тинарди. Ғовур-ғувур овозлар, шовқин-сурон қийқириқлар, Галатанинг тор кўчаларида баққоллар қўнғироқ чалиб харидор чақириши— ҳаммаси қўшилиб қулоқни батанг қиларди.

— Емельян Игнатьевич, айт-чи, мени ушлаб туришдан сенга нима фойда?— деб нолир эди Чередеев. — Менга рухсат эт... Пиёда бўлса ҳам — кетаман бу ердан...

— Яқин қолди, сабр қил, яқинда уйга қайтамиз, Иван Иванович,— дерди Украинцев ва бу жонга теккан шаҳарни кўрмаслик учун кўзларини юмарди.

— Емельян Игнатьевич, қани энди ҳозир ўз чорбоғимда, шўра орасида, муздай салқинда бирпасгина чўзилиб ётсам... (Чередеевнинг чўққи соқоли, чўзиқ юзи иссиқдан ва диққинафасликдан баттар чўзилиб, бутунлай озиб кетган, кўзлари киртайиб қолганди.) Суздалда шинамгина уйим бор... Чорбоғимда икки туп каттакон қайин, ҳар кеча тушумга киради.. Эрталаб турасану моллардан хабар олгани қўрага ўтасан, қарасанг — аллақачон молларни далага ҳайдаб кетишган... Асалари яшиклари турган боғга ўтасан, бел бўйи ўт... Мужиклар сой бўйлаб тўр судрашиб балиқ тутишади.. Аёллар тўқмоқлаб кир ювишади. Қўнглинг бирам яйрайдики...

— Ҳа, ҳа, яйрайди,— деб тасдиқларди улуғ элчи ажин босган юзи билан ишора қилиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тушки овқатга — лаққа гўшти солган балиш...

Украинцев кўзини очмасдан бош чайқаб, эътироз билдирарди:

— Лаққа — шундоққина ёғ, ёзда оғирлик қилади, Иван Иванович... Ёзда сабзавот маъқул... Ялпиз солинган квасга нима етсин...

— Майда балиқдан қайнатма шўрва ҳам яхши, Емельян Игнатьевич...

— Майда балиқни тозалаб бўлмайди, олдин уни шундайлигича қайнатиш керак. Пишгандан сўнг олиб ташлаб, қозонга стерлядь солинади...

— Худоё тавба, шу ҳам мамлакат бўлди-ю! Хўш, бу ердагилар ким, Емельян Игнатьевич? Ҳаммаси мусулмон. Ҳа, жудаям ғалати... Бу ерда грек хотин-қизлар кўп экан, фаҳш ва қабоҳат манбаи шулар...

— Сен ана шу нарсадан ўзингни сақлашинг керак, Иван Иванович.

Чередеевнинг каттакон бурни устида тариқдай майда-майда тер пайдо бўлди. Кўзлари ичига кириб кетди. Шу пайт қирғоқдан кема томон олти эшкакли, гилам тўшалган қайиқ сузиб келаверди. Капитан Памбург тўсатдан бақирди:

— Боцман, команда юқорига тўплансин, трап тайёрлансин!

Қайиқ кема ёнида тўхтади, трапдан тез юриб, туфлисини шипиллатиб Сулаймон чиқди. (Ёноғи туртиб чиққан, бурни япалоқ, ақли ўткир, қўл-оёғи чаққон бу одам улуғ вазирнинг мирзаларидан бири эди.) Бир лаҳзада кемага бошдан-оёқ кўз ташлаб олди, чаққонлик билан қўлини пешанасига, лабига теккизиб, кўксига қўйди-да, рус тилида мурожаат қилди:

— Улуғ вазир сенинг соғлигингни билиб келишни илтимос қилди. Емельян Игнатьевич... Кемада қийналаётган бўлса керак, деб хавотир олмоқда. Нима учун биздан хафа бўлдинг?

— Салом, Сулаймон,— деди Украинцев мумкин қадар шошилмасликка ҳаракат қилиб,— сен ҳам улуғ вазирнинг соғлигини сўраб қўйгин... Хўш, у ерда ҳамма иш жойидами? (Шу сўз билан бирга кўзини очди.) Биз учун шу ер яхши. Уйимизни соғиндик. Бу ерда уйимиз эса — мана шу кема...

— Емельян Игнатьевич, мумкинми бир четга чиқиб гаплашсак?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега мумкин бўлмасин, мумкин албатта,— деб йўталди-да, Чередеев билан Памбургга:— Бизни холи қўйинглар,—деди. Ўзи ҳам чекиниб, елкан панасига ўтди.

Сулаймон илжайиб ғадир-будир милкини кўрсатди:

— Емельян Игнатьевич, мен сизнинг чин дўстингизман, душманларингизни беш қўлимдай биламан... (Украинцевнинг тумшуғи остида узукларини ярқиратди. Бироқ элчи: «Шундай, шундай»,— деб тураверди.) Уларнинг найрангларини кўриб, кулгим қистайди... Агар мен бўлмаганимда, Девон сиз билан гаплашишни аллақачон йиғиштириб қўярди... Бир амаллаб ишни тўғриладим: улуғ вазир ҳатто эртагаёқ сулҳ шартномасига имзо чекишга тайёр... Фақат баъзи бировларга пора бериш лозим...

— Ҳали шундайми?— деб қўйди Украинцев. Энди масала равшан, бари тушунарли эди. Кеча унинг хизматини қилувчи бир грек Франция элчиси Париждан қайтиб келгани, Девон мажлиси ўтказилгани ва султон министрларига катта-катта совғалар берилгани ҳақида маълумот келтирди. Емельян туни билан иссиқдан қийналиб, сувараклар безор қилиб ухлаёлмади: «Бунинг тагида бир гап бор. Французлар яна туркларни Австрия цезарига қарши гижгижлаётганга ўхшайди. Шу сабабдан туркlар тезроқ қўл бўшасин учун, Москва билан битимга келиш ҳаракатига тушиб қолган бўлса керак»— деган хаёллар билан ўйланиб чиқди.

— Бўпти, пора бериш қийин эмас... Лекин сен улуғ вазирга шуни айтиб қўй: биз фақат йўлчи шамол туришини кутяпмиз. Сулҳ бўлса — яхши, бўлмаса — биз учун яна ҳам яхши... Сулҳ шарти қуйидагича... (Барра қошлари остидан Сулаймонга дадил тикилди.) Биз ваъдалашганимизга биноан, Днепр бўйидаги қалъаларни бузамиз... Аммо бунинг эвазига Азов атрофидаги ерлар — отлиқ юрганда ўн кунлик масофа — русларники бўлади... Қатъий гап шу...

Сулаймон мўмай пул қўлдан кетиши мумкинлигини ўйлаб, хавотирланиб қолди: русларнинг ҳамма нарсадан хабардорлигини фаҳмлади-ю, дарҳол улуғ элчини енгидан ушлаб баҳслаша бошлади. Иккиси каютага кирди. Памбург эса, ҳозир қирғоқда кўпгина кўзлар дурбин билан «Крепость»га тикилиб турганини сезиб, одамлар назарида кема елканларини кўтариб жўнашга тайёрланаётгандек туюлсин учун жўрттага

www.ziyouz.com kutubxonasi

матросларини мачтага чиқарди. Шу пайт Емельян Игнатьевич каюта эшигидан қараб:

— Иван Иванович, дарҳол кийин, шаҳарга жўнаймиз,— деди.

Ҳадемай ўзи ҳам парик кийиб, қилич тақиниб каютадан чиқди. Трапдан то қайиққа етгунча Сулаймон унинг тирсагидан суяб тушди.

Анча кунлардан буён ялт этиб қимирламаган кемадаги энсиз байроқча бугун тушдан кейин оҳиста ҳилпирарди. Йироқдаги тепалар бўзарган тусга кириб тобора хиралашди. Гўё кўм-кўк осмонга чанг-тўзон кўтарилгандек шаҳарни булут қоплаб олди. Чўлдан гармсел турди.

Эртасига сулҳ шартномаси имзоланди.

2

Савдо расталик йигирма тўрт азамат йигит Улуғ Иван жомесидаги қўнғироқнинг зилдай мис тилини баравар тебратар, даранглаган овоз бутун Москвани бошига кўтарарди: золим душманлар устидан рус қуролига омад ва ғалаба тилаб ибодат ўталмоқда эди. Бугун тушки ибодатдан сўнг, Дума мирзабошиси Прокофий Возницин қадимий расм-русм бўйинча ясаниб, русча пўстин, мўйна телпак, сахтиён этик кийиб, қаровсизликдан отқулоқ ва қичитқи ўт босиб кетган пешайвонга чиқди-да, Швеция шаҳарлари сари жанг-жадал билан юриш бошлаш тўғрисида подшо фармонини тўпланган халойиққа дона-дона қилиб ўқиб берди. Бу фармонда: ҳарбий таълим рўйхатида номлари ёзилган барча дастурхончилар ва ошпазлар, москвалик дворянлар ва оддий фуқаролар ҳамда барча амалдорлар отлансин, дейилган эди.

Бу ҳодисани одамлар кўпдан бери кутишарди, лекин шунга қарамай, бутун Москва ларзага келганди. Эрта саҳардан кўчаларни чангитиб полклар ва обозлар ўта бошлади. Солдат хотинлари аламзадалик билан қўлларини саланглатиб, эрларининг ёнида югуриб-елишарди. Посадлик ҳунармандлар, ғўла ётқизилган кўчада шалдираб ўтаётган тўплардан ўзини опқочиб, девор тагига тисарилишарди. Черковларнинг ланг очиқ эшикларидан дьяконларнинг: «Ғалаба-аа!» деб бўкирганн

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшитиларди. Боярлар дарвозалари бирданига очилиб, суворилар чиқади — баъзилари калта чопон устидан совут кийган, тўсатдан оломон устига от қўйиб, қамчилай бошларди. Аравалар бир-бирига тўқнашиб, ўқлари қарсиллаб, отлар ҳуркиб, кишнаб юборди.

Успения жомесида бедармон патриарх Адриан юзларча шамлар ёруғида, бухўр тутуни орасидан қўлларини кўтариб, худога нола қилиб йиғламоқда эди. Олдинда боярлар, уларнинг кетида машҳур савдогарлар ва дўкондорлар орасида обрўли кишилар — ҳаммаси тиз чўкиб турарди. Шифтга қараган Адриан ҳазратнинг юзкўзларидаги ёшни кўриб, улар ҳам йиғлар эдилар. Архидьякон эса оғзини катта очиб, чакка томирларини бўрттириб, «ғалаба» сўзини шу қадар бўкириб айтардики, гўё қиёмат куни Исрофил сур тортгандек, овози черков хорини босиб кетарди. Патриархнинг эгнидаги жуббаси ҳам, заррин жилддаги авлиёлар суратининг афти ҳам қоп-қора эди, жомеда эса — саловат садолари янграр, олтин ярқирарди.

Боярлар истеҳкоми саналган Успения жомесига бунчалик кўп савдогарларга биринчи марта киришга йўл қўйилган эди. Шу муносабат билан Бурмистрлар палатаси беш пуд шам инъом қилди, бундан ташқари кўпгина бойлар алоҳида шам ёқишди — баъзиси ярим пудлик, баъзиси бир пудлик шамлар... Дьяконларга ялиниб, бухўрни аямай тутатинглар, деб илтимос қилишди.

Иван Артемич Бровкин, ўпкаси тўлиб кўзлари ёшланганидан нуқул бурнини тортар ва дам-бадам: «Саловат, саловат»,— деб такрорларди. Унинг ўнг томонида турган президент Митрофан Шорин чин юракдан чиққан мунгли овоз билан хорга жўр бўлиб куйлар, чап томонидаги Алексей Свешников бўлса, тўрдаги заррин иконаларга, олтин тожу зарварақ ридоларга лўлиникига ўхшаш ғалати кўзлари ила шу қадар суқланиб тикилардики, гўё бу бебаҳо буюмлар ўзиникидек... Бошдан-оёқ ясаниб-тусанган архидьякон ҳар сафар: «Ғалаба!» деб бўкирганда, гумбазсимон шифт ларзага келар, ридосига тепчилган қип-қизил атиргул сурати эса бухўр тутуни ичида кўринмай кетарди.

Ниҳоят, ибодат аҳли крест томон қўзғалди. Аввало — гавдаси йўғон, мўйсафид князь-кесарь Федор Юрьевич энгашиб крестни ўпганда ўпкаси тўлганидан бедармон елкалари титраб кетди. Ундан кейин бир-биридан

www.ziyouz.com kutubxonasi

кексароқ князлар ва боярлар ўпа бошладилар (ёшлар — хизматда ёки урушга кетган). Сўнг аҳли тижорат жон-жаҳди билан олға интилди: жоме мутасаддиси қалтироқ қўллари ила ушлаб турган патнисга жаранглатиб червонслар, узуклар, шода-шода гавҳар ташладилар.

Бошларини баланд кўтариб жомедан чиқишар ва эшик тепасидаги иконага қараб яна бир карра чўқинишарди-да, сочларини силкита-силкита шапка ёки шляпаларини кийиб, ўт босиб кетган майдонда пошналарини дўқиллатиб, тўғри Бурмистрлар палатаси томон юришар, хўжайинча назар билан гоҳ оддий халойиққа, гоҳ маҳкама деразаларига қараб-қараб қўйишарди.

Жоменинг эшиги олдида Иван Артемични ўнларча қоп-қора ва ғадир-будир қўллар бахмал этагидан ушлаб: «Князь, бир тийин бер, князь»,— деб чуғирлашди: сочлари тўзғиган, тишлари тушган, яланғоч, йиринглаб кетган тиланчилар эмаклаб чўзилишар, увадаларини силкитиб ялинишарди: «Князь, садағанг кетай, князь!..» Иван Артемич капалаги учганидан аланглаб қаранарди. «Нима деяпсиз, эси паст гадойлар, мен князь эмасманку!..» Иккала чўнтагини ағдариб, бир тийинлик чақаларни уларга ташлар эди. Сочлари тўкилган кал девона оташкуракни шарақлатиб ваҳшиёна товуш билан: «Чўғни қумсаб қолдим, чўғни»,— деб чинқирарди.

Шу ерда, бит кўзлари билан кулиб, соқолини чимдиб Васька Ревякин турган эди. Иван Артемич бир амаллаб этагини тортиб олди-да, ундан сўради: Булар сенинг лашкаринг эмасми, кўпас?.. Шундай улуғ кунда бунақа майнавозликни йиғиштириб, астойдил чўқинсанг қайтага яхши бўларди...

Ревякин қўл қовуштириб таъзим қилди-да:

— Биз халақит бераётганимиз йўқ, Иван Артемич,— деди. — Биз тарки дунё қилганмиз. Бу дунё тор экан, худо бизга мададкор экан...

— Туф-е! Итвачча, маддоҳ!.. Итдан тарқаган!..— Иван Артемич шартта бурилиб нари кетди; кал девона унинг кетидан эчки сингари маъраб калака қилди.

3

Солдатлар ёпирилиб лойга ботган арава ва тўпларни аранг чиқаришарди. Жанубдан турган шамол неча

www.ziyouz.com kutubxonasi

кундан бери тўхтамасди, генерал Вейде билан Артамон Головиннинг қўшинлари ўша томонга йўл олган эди. Репниннинг дивизияси эса ҳали ҳам йўлга чиқолмай Москвада турарди. Бу ёққа — эллик минг пиёда ва отлиқ аскар, ўнг минг арава жанубга томон йўл олган эди.

Ўрмонзор устида совуқ туман сузар, ёмғир тоғтерак ва қайинларнинг сўнгги баргларини ювиб туширарди. Йўллар дабдала бўлганди, тизза бўйи кўкимтир балчиқда гилдираклар гупчагигача ботиб, отлар оёғини синдирарди. Бутун йўл бўйлаб, қорни шишиб кетган, оёқлари кўтарилиб қолган отлар жасади учрарди. Одамлар индамасдан ариқ бўйига ўтириб олишар, урсанг ҳам, ўлдирсанг ҳам қўзғалишмасди. Айниқса ажнабий офицерларнинг жони ширин экан: аллақачон отдан тушиб, чинта соябонли араваларга чиқиб олишган:— плашлари ҳўл, париклари ҳўл,— қақир-қуқир орасида дийдираб ўтиришарди.

Қўшин Москвадан ясаниб — пат қадалган шляпа, яшил кафтан, яшил пайпоқ кийиб чиққан эди, аммо Швеция чегарасига яланг оёқ, то бўйнигача лойга беланган, сафлар бузилган ҳолда етиб келди. Ильмен кўлини айланиб ўтилаётганда бирданига сув кўтарилиб, пичанзор соҳилга тошиб чиқди-да, аллақанча аравани чўктириб юборди.

Мислсиз тартибсизлик оқибатида аравалар етиб келолмай, йўлда адашиб қоларди. Тўхталган жойларда гулхан ёқиб бўлмас, чунки тепадан ёмғир қуяр, таги эса — домига тортадиган билқилдоқ ер... Дворянлар ва помешчиклар тузган отлиқ лашкар эса золим душмандан ҳам баттар эди, чигирткадай ёпирилиб теварак-атрофдаги қишлоқларни талашар, дон-дун, озиқ-овқатни шипириб кетишарди. Пиёда аскарлар ёнидан ўтаётиб: «Йўлни бўшат, исқирт!»— деб бақиришарди. Алексей Бровкин (ҳозир у фон Шведеннинг илғор полкида капитан эди) — бир неча марта бу ҳаддидан ошган отлиқ помешчиклар билан сўкишиб олди, ҳатто таёқ ҳам ишлатди. Хуллас, меҳнат ва машаққат кўп, тартиб ва роҳат йўқ эди.

Олдинги қўшин қисмлари фақат чегара яқинидаги Луга дарёсига етгандагина лой-балчиқдан қутулди ва шу ерда тўхтаб, ортда қолган араваларни кута бошлади. Чодирлар қуришди ва бир амаллаб уст-бошларини қуритиб олишди. Солдатлар Азов походларини эслашарди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

баъзилари ҳатто Василий Голицыннинг Қрим сафарларини унутмаган эдилар. Уни ҳозирги поход билан таққослаб бўлармиди! Эркин даштлардан иссиқ жануб томонга юрилган эди... Йўл-йўлакай қўшиқ айтиб борганларини хотирлашарди. Шу ҳам еру шу ҳам ўлка бўлдими? Бўзарган ботқоқдан, булуту шамолдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Бу ҳосилсиз ерларни урушиб қўлга киритгунча ҳали кўп машаққат чекишга, кўз ёши тўкишга тўғри келади...

Чодирлар ёнида гулханлар бурқсиб тутар эди. Солдатлар кийимларини ямашар, сирғанчиқ жардан дарё бўйига тушиб кирларини ювишарди. Оёқларидаги ҳарбий бошмоқлари йиртилиб дабдала бўлган эди. Омади келганлар — чипта чориқ билан пайтава топиб олишди, қолганлари — оёқларига латта ўраб юраверишди. Бу аҳволда урушсизоқ ноябргача одамларнинг ярми қирилиши турган гап. Баъзан суворилар маълумот олиш учун чухонецни ушлаб келишарди. Уни дарҳол ўраб олишарди-да: бу ерда ким яшайди?— деб русчалаб, татарчалаб савол беришарди. Чухонецлар ниҳоятда қолоқ, нодон халқ эди — ўсиқ киприкларини пирпиратиб индамай туришаверарди. Сўроқ қилиш учун уни чодирга — Алексей Бровкин ҳузурига олиб киришарди. Бундай тилчиларни камдан-кам қўйиб юборишар, кўпинча оёқ-қўлини боғлаб обозга жўнатишарди; уларни қўшин таъминотчиларига етмиш беш тийиндан, бақувватларини ундан ҳам қимматроқ сотишарди, ўз навбатида улар ҳам Новгородга обориб, ҳарбий таъминот бошқармасининг гумашталарига боплаб пуллашарди.

Алексей Бровкин ротанинг хўжалик ишларини қатиқ қўллик билан оборарди: унинг солдатлари доим тўқ эди, уларни бекорга урмас-сўкмас, солдатлар билан бир қозондан овқатланарди, аммо тартибни бузган, била туриб хатога йўл қўйган солдатни сира кечирмасди: ҳар кун чодир ёнида бирор солдат мукка тушиб, иштонсиз додлаб ётарди... Алексей кечаси уйғониб кетарди-да, соқчиларни ўзи текшириб келарди. Бир кун қоронғи тунда оҳиста юриб, ўрмон ёқасига борди-да, қулоқ солди: назарида ё дарахт танаси ғижирлаётгандек ёки бирон жонивор ғингшиётгандек туюлди. Секингина соқчини чақирди. Тўнка устида ўтирган соқчининг қораси элас-элас кўринар: солдат милтиқ тиғини қучоқлаганича букчайиб қолган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Соқчиликда турган ким?— сўради Алексей.
Солдат ирғиб турди:
— Бу мен,— деди эшитилар-эшитилмас овозда.
— Соқчиликда турган ким?— деб ўшқирди Алексей.
— Голиков Андрюшка.
— Сен инградингми?
Солдат ғалати назар билан унга қаради:
— Билмадим...
— Билмадим дейди-я! Эҳ, мазҳабпараст...

Уни яхшилаб калтаклаш керак эди-ю, бироқ Алексей ўйланиб қолди, кўз ўнгида ўша фожиа: ёнғинда қулаб тушган черковдан ловуллаб осмонга кўтарилган аланга, тириклайин куйиб ўлган одамлар, ёнғин шуъласидан ёришган қор устида талпиниб ўтирган бу йигит намоён бўлди... Ўшанда Алексей тентакнамо мужик билан дарвеш Нектарийни қўлга тушириб, учовини олиб жўнаганди. Бироқ йўлда — дам олиш учун қарағайзорда тўхташганда — кечаси Нектарий қочганди, қандай қочиб қутулганига ақл бовар қилмасди: Андрюшка Голиков чанада ётарди, овқат емас, гапирмас — ҳушсиз эди. Повенецга етгач, маҳаллий маҳкамага опкириб, қамчи ўқталиб сўроқ қилинганда, у бирданига тутоқиб: «Нега мени қийнайсиз? Мени шундай қийнашганки... дунёда бундан ортиқ қийноқ, азоб бўлмаса керак»,— деб бошдан кечирганларини сўзлаб берганди (унинг айтганларини ёзиб ўтирган мирза пат қаламини сиёҳга ботиришга улгурмасди) — сўнгра шартта жуббасини ечиб, калтакдан мўматалоқ бўлган баданини кўрсатганди. Ўшандаёқ Алексей бу йигитнинг чакана одам эмаслигини фаҳмлаб, саводхонлигини кўриб, сочларини кестирган ва ҳаммомда чўмилтириб, солдатликка олган эди...

— Жангчи деган ингрaмайди, мумкин эмас... Тобинг йўқми?

Голиков жавоб бермади, смирно вазиятда ҳайкалдай қотиб турди. Алексей таёқча ўқталиб қуруқ пўписа қилди-да, изига қайтди. Голиков тўсатдан чақириб қолди:

— Жаноби капитан...

Қоронғиликдан чиққан бу овоздан Алексей чўчиб тушди, чунки ўзи ҳам бир вақтлар шунақа эди-да. Таққа тўхтаб жаҳл билан сўради:

— Хўш? Яна нима демоқчисан?

— Ваҳм босяпти, жаноби капитан: кимсасиз қоронғи тундан қўрқаман... Юрагим шундай сиқиладики,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўлимимга розиман... Бу ерга бизни нима учун ҳайдаб келишди?

Алексей ҳайрон бўлиб, яна Голиковнинг олдига келди:

— Қандай қилиб сен бу хилда фикр юритишга журъат этдинг, дайди? Бунақа гаплар учун нима қилинади, биласанми ўзинг?

— Ўлдиринг мени, ҳозироқ ўлдиринг, Алексей Иванович... Ўзим — кўзимга душмандан баттар ёмон кўриниб қолдим... Жонимдан тўйдим... Бундай турмушга ҳаттоки ҳайвон ҳам бардош беролмай аллақачон ҳаром ўларди... Дунёда менга тинч жой йўқ экан... Мен бормаган ер, синамаган иш қолмади — ҳаммасини кўрдим, аксига ажал ҳам тезроқ кела қолмади... Яшашдан маъно йўқ... Милтиғимни олингу найза билан санчинг...

Алексей лабларини маҳкам қимтиб, шапалоқ билан унинг қулоғи тагига шундай туширдики, шапкасини учириб юборди, шунда ҳам Андрюшка ғиқ этмади...

— Шапкангни ол,— деди Алексей.— Қий. Сен билан сўнгги марта яхшиликча гаплашяпман, попдан қочган тентак... Бунақа қилиқни дарвешлардан ўргандингми?.. Роса миянгга қуйишибди... Сен — солдатсан. Юр деса — юришинг, ўл деса — ўлишинг керак. Сабаб? Сабаби шуки, шундай қилиш керак — вассалом. Тонг отгунча шу ерда қимирламай турасан... Яна инграганингни эшитсам — ўзингдан кўр...

Алексей орқасига қарамасдан кетди. Чодирга кириб, пичан устига ёнбошлади. Тонг отишга ҳали анча бор эди. Ҳамма ёқ захлаб кетган, лекин на ёмғирдан дарак бор эди, на шамолдан, от ёпиғини бошига тортиб, бурканди. Чуқур нафас олди. «Ҳаммаси ҳам шунақа индамайди-ю, лекин ҳамма нарсага ақли етади... Эҳ, одамлар, одамлар...»

. . . . . .

Федька Ювин лақабли букчайган солдат хўмрайиб олиб, ёғлоғи билан Алексейнинг қўлига сув қуймоқда эди, у эса — муздай сувдан ҳув-ҳувлаб пишқирар, бутун вужуди билан сесканарди. Эрталабки пайт, ҳаво совуқ, ер ястанган кўкатлар устида кўкимтир қиров, ёпишқоқ лой бети яхлаганидан этик пошнаси тагида қисирлаб синар эди. Чодирлар орасидаги гулханлар тутуни осмонга кўтариларди. Уйқуга қонмаган прапоршик леопольдус Мирбах (зар уқали кафтан ус-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тидан елкасига барра пўстин ташланган) — икки солдатга бир нима деб бақирарди; улар эса қўрққанидан бошларини чалқанча ташлаб таёқдай қотиб қолган эди.

— Савалаш керак, савалаш!— деб такрорлади Мирбах хириллаган товуш билан. — Пфуй! Чушка!— Бир солдатнинг икки бетини чангаллаб эзғилади-да, қорнига тепди. Елка тасмаларини йўл-йўлакай тўғрилаб, Алексейнинг чодирига кирди. Кўпдан бери устара кўрмаган юзи хўмрайган, қовоғи осилган, кўзлари шишган. — Қайнак сув йўқ... Авкат — йўқ .. Бу — уруш эмас... Якши уруш — офицер хурсанд... Мен хурсанд йўқ... Сизнинг зольдатлар ифлос...

Алексей унга жавобан лоақал оғзини ҳам очмади, зардаси қайнаганидан юзини сочиқ билан қаттиқ ишқалай бошлади. Инқиллаб-синқиллаб, кир кўйлакли елкасини Федькага тутиб энгашди-да: «Бошла,— деди, деншик орқасини ишқалаб шапатилашга тушди. —Қаттиқроқ...»

Шу пайт парусин соябонли оғир карета ўрмондан чиқиб тўғри келаверди. Турли тусдаги уч жуфт отдан буғ кўтариларди. Карета орқасида,— плашларига лой сачраган ўнтача отлиқ. Карета ўнг-сўлига оғиб, топталган буғдойпоядан ўтди-да, юришини секинлатиб лагерга яқинлашди. Алексей дарҳол кафтанига ёпишди,— шошганидан қўли енгини тополмай қолди,— қиличини олиб, чодирлар томон югурди.

— Барабанчилар, тревога!

Карета тўхтади. Пётр тушди, бошида — қулоқчинли мўйна телпак. Ундан кейин сувсар мўйнали малина ранг плаш кийган Меньшиков тушди, тушаётганида юлдузнусха шпоралари бир-бирига илиниб қолди. Суворилар ҳам отдан тушдилар. Пётр пешанасини тириштириб, қошини чимириб, лагерни кўздан кечирди, қип-қизил қўлларини калта пўстин чўнтакларига тиқди. Шаффоф ҳавода труба садоси янгради, барабанлар тараклади. Солдатлар аравалардан туша бошлади, чодирлардан югуриб чиққанлари кийимларини тугмалаб, қайишларини елкадан ўтказиб олишди. Чорбурчак шаклида саф тортилди. Прапоршиклар саф бўйлаб югуришар, солдатлар кўксига таёқча ниқтаб, немисчасига сўкишарди. Алексей Бровкин,— чап қўли қилич дастасида, ўнг қўлида шляпа, Пётрнинг рўпарасида тўхтади. (Шошилинчда паригини тополмаганди.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пётр унинг жингалак сочли бошига тепадан энгашиб қаради:

— Шляпангни кий. Походда бошдан шляпа олинмайди, тентак. Порох ортилган араваларингиз қаерда?

— Ильмен кўли ёнида қолди, ҳамма порох ивиган, жаноби бомбардир.

Пётр Меньшиковга кўзларини олайтириб қаради, у эса ҳафсаласи келмагандай мийиғида кулиб, соқоли қирилган силлиқ юзини қийшайтирди-да, у ҳам Алёшкага тепадан қараб сўради:— Марҳамат қилиб жавоб беринг, полкнинг бошқа роталари қаерда қолди? Полковник фон Шведен қаерда?

— Бошқа роталар дарё бўйлаб пастроқда турибди, тарқоқ ҳолда, жаноб генерал...

Меньшиков ҳамон мийиғида кулишини қўймай, бош чайқади, Пётр фақат қошини чимирди.

Икки новча,— бўйдан худо берган: камида бир саржин келар,— тикандай буғдойпоя орасидан юриб, саф тортган солдатлар ёнига борди. Пётр қўлларини чўнтагидан олмасдан, солдатларнинг бўзариб кетган озғин юзларига паришонлик билан тикилди, сифати пастлиги учун ёғингарчиликда бужмайиб қолган шляпаларини, титиғи чиққан кафтанларни, оёқларидаги латталар, дабдала бўлган чориқларни кўздан кечирди. Фақат ажнабий прапоршикларгина мардонавор қиёфада таёқдай қотиб турарди. Пётр хомуш бўлиб, саф олдида узоқ туриб қолди, бирдан бошини баланд кўтарди:

— Салом, йигитлар!..

Прапоршиклар шартта сафга томон бурилди. Сафлар узра нотекис овозлар янгради:

— Саломат бўлинг, жаноби бомбардир.

— Кимда шикоят бор?— Пётр сафга яқинроқ борди.

Солдатлар чурқ этмасди. Прапоршиклар (ўнг қўлда — таёқча, чап оёқ — олдинда) кўзларини подшога қадаб олишди. Пётр саволни кескин такрорлади:

— Кимда шикоят бор? Қўрқмасдан чиқиб айтавер, бемалол.

Тўсатдан аллаким хўрсиниб оғир нафас олди — Алексей Голиковга разм солиб қаради: қўлидаги милтиғи қалтирарди, лекин у ўзини босиб, индамай қўя қолди.

— Эртага Нарвага йўл оламиз. Бу йўлда машаққат кўп бўлади, йигитлар. Швеция қироли Каролус ўзи бизга қарши келяпти. Уни енгиш керак. Она юртимиз ер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларини душманга топширишимиз асло мумкин эмас. Бу ерлар — Ям-город, Иван-город, Нарва то денгиз бўйига-ча кетган ерлар — ҳаммаси илгари бизники, бизнинг она юртимиз эди. Душманни тезроқ енгсак, тезроқ қишки казармага қайтиб дам оламиз. Тушунарлими, йигитлар?

Пётр кўзларини чақчайтирди. Солдатлар чурқ этмай унга тикилишарди. Масала равшан, ҳаммаси тушунарли... Сафлар ичидан хириллаган бир овоз чиқди: «Енгамиз, бунинг учун одамлар етарли»,— Меньшиков дарҳол бир қадам олға ўтади, бу гапни ким айтганини билмоқ учун кўз югуртириб солдатларга қаради. (Алексейнинг юраги орқасига тортиб кетди: бу гапни энг ишончсиз бетайин солдат Федька Ювин айтган эди.)

— Жаноби капитан,— чақирди Меньшиков. (Алексей югуриб келди.) — Ротада тартиб жойида, бунинг учун сенга ташаккур. Бошқа камчиликлар учун сен айбдор эмас... Марҳамат қилиб солдатларга уч қадаҳдан арақ бердиринг.

Пётр бошини қуйи солиб, карета ёнига кетди. Меньшиков Алексейга кўз қисди (бу сафар эски дўстини таниганлигини эътироф этишга мажбур бўлди) — мўйнали плашидан оппоқ қўлини чиқариб, Алёшканинг кифтига қоқди ва энгашиб, қулоғига шивирлади:

— Пётр Алексеевич мамнун бўлди. Сенинг ротанг, бошқаларникидан тузук, ҳар ҳолда... Нарва остонасида иш кўрсатишга ҳаракат қил, подполковник даражасига кўтариласан... Новгородда Иван Артемични кўрдим, сенга салом айтди...

— Раҳмат сизга, Александр Данилович...

— Саломат бўл!— Меньшиков плаш этагини кўтариб, югурганича Пётрга етиб олди. Иккиси каретага ўтириб, сувида муздай осмон акс этган дарё ёқалаб тиккасига — дарё қарағайзор ўрмон ортида бурилган жойга томон кетишди.

. . . . . .

Нарвадан икки чақиримча этакроқда — Нарова дарёси иккига бўлиниб, билқилдоқ ва чўзиқ Кампергольм оролини айланиб ўтган жойда — қайиқлар устига кўприк қурилган эди. Шереметьевнинг сувори полклари шу кўприкдан ўтиб, душманга зарба бериш учун Ревель йўлига тушдилар. Кетма-кет Трубецкой дивизияси ҳам чап қирғоққа ўтди-да, Нарвадан бир чақирим берироқда, унинг харсанг истеҳкомлари қаршисида аравалардан

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўсиқ қилиб, тўсиқ орқасига жойлашиб олди. Нарва гарнизони дарёдан ўтишда ҳеч қаршилик қилмади, шаҳарда аскар кам бўлгани учун очиқ далага чиқишга қўрқишди шекилли...

Йигирма учинчи сентябрда, олдинги қўшин ёппасига Ям-город йўлидан четга бурилиб паст-баланд даштга чиқди-да, қадимда Иван Грознийнинг мустаҳкам қўрғони бўлмиш Иван-городнинг ўт босиб кетган пастак башнялари рўпарасида ва дарё ортидаги Нарванинг тепаси найзасимон ҳаво ранг черковлари билан черепицали томлари кўриниб турган жойда, тезоқар лойқа дарё устидаги лопиллаган кўприклардан Кампергольм оролига ўта бошлади.

Ҳаво очиқ, шамол йўқ эди. Қуёш хира нур сочар, иссиғи ҳам унчалик эмасди. Нарва билан Иван-городнинг гиштин черковларида сигнал қўнғироқлари даранглар эди.

Арава изи босиб кетган кенг қумлоқ йўлдан тартибсиз ҳолда кетаётган солдатлар, қалпоқларига тулки мўйнаси тепчилган ўқчилар[1], устига бочка, чипта қоп, яшик, моғорлаган нон ортилган аравалар — ҳаммаси кўприкларга ёпирилар, олға интилар эди. Йўлда усти бошлари бутунлай дабдала бўлган аравакаш мужиклар ориқ отларни савалашар, отлар эса — мочалкадан қилинган бўйинчалар торлик қилиб зўрға қимирлашарди; ёғочга ўрнатилган байроқ ёки найза учига боғланган бир парча белги ҳавода ҳилпираб ўтарди; ўз қисмини йўқотган тўпчининг елкасидаги узун дастали чўтка кўриниб қоларди; плашини елкасига ташлаган отлиқ офицер солдатлар бошига таёқча билан тўқиллата-тўқиллата орани ёриб ўтарди; пўстин устидан бувасининг совутини кийиб олган боярвачча от чоптириб, қийқириб ўтарди, одамлари эса — кигиз кафтан кийган, татарча камону садақ[2] тақинган бир гала йигит — қирчанғи отларда лўкиллаб изма-из келарди...

Ҳамма одам шу ердан ўтаётиб, яйдоқ тепага бурилиб қарарди: йўлдан четроқда, тепа устида подшо дурбиндан кўзини олмасди, остида — бўз от, эгнида — темир совут. Қўлларини биқинига тираб олган Меньшиков қора арғумоқда у билан узанги уриштириб ёнма-ён ту-

[1] Пётр бунақа қалпоқни жон-жаҳди билан ёмон кўрарди.
[2] Елкага осиладиган ўқдон. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

рар, мамнунлик билан атрофга қаранар, заррин шлемидаги патларни шамол ўйнаб ҳилпиратар эди.

Қўшинлар қалъа рўпарасида — тўп ўқи етадиган масофада — ярим доира шаклида ўрнашиб олди, ўнг ва сўл қанотлари Нарова дарёсига тақалди; Вейде дивизиясининг қисмлари шаҳардан юқорироқда дарё бўйлаб жойлашди; марказда эса, Германсберг номли дарахтзор тепа этагида — Артамон Головнининг дивизияси, унинг чап қанотида, Кампергольм оролига ўтиладиган кўприк ёнида — семеновлик ва преображенлик солдатлар ҳамда Трубецкойнинг ўқчи полклари. Олий маслаҳатчи сифатида қўшин билан бирга келган герцог фон Круининг чодири шу ерга тикилганди. Пётр билан Меньшиков оролдаги бир балиқчининг уйига тушган эдилар.

Қўшин ўрнашган чизиқнинг бу бошидан у бошигача чуқур хандақ қазишга тушилди, шведлар Ревель йўлидан келиши мумкинлигини кўзда тутиб, ҳар эҳтимолга қарши, хандақлардан сиртга томон ёриб чиққан бурчаклар, қўрғончалар қилинди. Нарва бастионларига бетмабет қилиб қалъабузар замбараклар учун атрофи ўралган кўтарма саркублар тайёрланди. Қамал ишлари устидан инженер Галларт раҳбарлик қилар эди. Қалъа устидан бурқираб тутун кўтарилар, тутун кетидан тўп овози кузги нам ҳавода ғазабнок гумбурларди-да, тутаган ўқлар ёй шаклида баландлаб келиб аравалар, чодирлар олдига ва хандақлар устига тушиб портларди, солдатлар қочиб чиқишарди. Боғлар орасидаги бир неча дача, тўп ўқи тушиб ёниб кетди. Ёнғиндан ва сон-саноқсиз гулханлардан кўтарилган тутун худди қора булут сингари шаҳар томонга сузиб кетар, у ёқда эса, устма-уст отиб турган тўпларнинг ўтли тили яланар эди.

Нарванинг коменданти кўпни кўрган жангчи, довюрак полковник Горн эди.

Пётр инженер Галларт билан отда боғлар ва ҳовуратлар панасидан юриб — Фома, Глория, Криставель, Триумф номли бастионларни кўздан кечирарди. Баъзан шу қадар яқин бориб қолишардики, швед тўпчиларининг хўмрайган башаралари шинаклардан бемалол кўринарди. Улар ҳовлиқмасдан, лекин чаққонлик билан тўпни ғилдиратиб, мўлжалга тўғрилаб, ҳушёр туришарди. Ут оч! Ўқ ҳавони шиддат билан ёриб вашиллаганича бошлари устидан учиб ўтарди. Пётрнинг кўзлари катталашиб, икки лунжи дўппайиб кетар, аммо ўқдан қўрқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мас, энгашмасди. Инженер Галларт (кўпни кўрган, ишчан, вазмин, камгап) — дарҳол отига шпор ниқтаб, вақтида ўзини четга оларди. Серҳашам Меньшиков — шведлар ҳар гал уни нишонга олиб ўқ отишарди,— фақат шлём патларини силкитар ва мақтанчоқлик билан тўпчиларга: «Отишни яхшироқ ўрганмабсиз, комрадлар!»— деб бақирарди-да, ўйноқилаган отини бўйнига қоқиб қўярди. Элликтача новча, мўйловдор драгун, бу қора копток кимни қулатаркин дегандек, қимирламай, кутиб турар эди.

Қалъа деворлари жуда баланд эди. Ярми девордан сиртга чиққан бастионлар қўйтошдан ишланган ва шу қадар мустаҳкам эдики, ҳатто чўян ўқлар ҳам кор қилмай сачраб кетарди. Башня ва шинаклардан оғир тўпларнинг оғзи чиқиб турарди: қалъада — камида уч юз тўп, гарнизонда — икки мингга яқин пиёда ва отлиқ аскар ҳамда қуролланган аҳоли бор эди. Разведкачиларнинг,— Нарвани бир ҳамлада олиш мумкин,— деган гапи қип-қизил ёлғон чиқди.

Пётр отдан тушарди-да, барабанга ўтириб бир варақ қоғозни тиззасига қўярди. Мишка-деншик дарҳол сиёҳдон тутарди. Галларт чўнқайиб олиб, кўзи билан чамалаб қалъагача масофани кўрарди. Пётрнинг пат қалам ушлаган зилдай қўли билинар-билинмас қалтираб, қоғозга оҳиста чизиқ тортарди. Меньшиков ярим доира шаклида саф тортиб турган драгунлар олдида айланиб юрарди.

— Ҳар бир бастион учун — ўн бештадан оғир тўп керак,— деди Галларт бир хилда ширасиз овоз билан,— ёриб ўтиш учун ҳаммаси бўлиб олтмишта қирқ саккиз фунатли мис тўп, камида юз йигирма минг ўқ керак бўлади...

— Ана холос!— деди Пётр.

— Ҳужум олдидан шаҳарни ёндириб ваҳима солиш учун камида қирқта мортира керак ва ҳар биттасига мингтадан ўқ...

— Европада мана шунақа фикр юритилади,— деди Пётр рақамларни ёзаётиб.

— Тўпларни совутиш учун ўн бочка сирка керак... Фақат барча тўплардан ўт очиб, дўзах алангаси ёндирилгандагина қамал қилинган қалъа емирилади, деган маршал Люксамбург... Ўн беш минг қўл граната керак. Мингта ўн икки газлик нарвон,— шундай енгил бўлсинки,

www.ziyouz.com kutubxonasi

битта нарвонни икки киши бемалол кўтара олсин. Беш минг қоп тўла жуни билан...

— Жун нима учун керак?

— Солдатларни милтиқ ўқидан ҳимоя қилиш учун. Дюнкирхен қамал қилинганда маршал Вобан шундай ҳунар ишлатган: тумонат ўқ ёғилиб турса-да, аскарлари жун солинган қоплар панасида биқиниб қалъа дарвозасига етиб олишган, чунки ўқ жун орасида ўралиб қолаверган...

Пётр ишонқирамагандек:

— Майли,— деб қоғозга ёзиб қўйди,— Данилич, беш минг қоп жун керак!..

Меньшиков тиззасига тираниб, шамол юлқиётган қоғозга энгашиб қаради-да, лабини буриштириб:

— Майнавозлик, мин херц. Жун топилмайди,— деди ва Галлартга қаради:— Азовда фақат қилич билан қалъа деворига чиққанмиз, шаҳарни ҳам олганмиз...

Шу пайт орқа томонда драгунлар сафида от типирчилаб қолди, кимдир бўғиқ товуш билан оҳиста чинқирди. Учови бурилиб қаради. Бир драгуннинг кўк оти оёқларини йиғиб, кўзи юмилган ҳолда бошини лиқиллатар, тумшуғининг устроғидан қоп-қора қон отилиб чиқар эди. Мўйловдор драгунлар бутазор томонга чўчинқираб тикилишарди,— ўша ёқда, юз қадамча нарида нимадир пишиллаб тутамоқда эди. Пётр қалам ушлаган қўлини қандай кўтарган бўлса, ўшандайлигича ўтирган жойида қотиб қолди.

Швед ўқчиларидан тузилган махсус отряд, тўплар гумбурлаши авжига чиққанидан фойдаланиб сездирмасдан, эҳтиётқорлик билан қалъа дарвозасидан чиқди (Глория бастиони тўсиб турган учун дарвоза бу ердан кўринмасди) — полизларнинг четан деворларидан ошиб чопганича кетди. Отряд кетидан — темир совут кийган, каскаси қошига тушган, жийрон от минган элликтача рейтар[1] дарвозадан қуюндай учиб чиқди-да, бутазор бўйлаб ёйилди ва қиличларини яланғочлаб, чап қанотни айланиб ёпирилиб кела бошлади.

Александр Данилович кўзларини йириб, бир лаҳза душманнинг ҳаракатига қараб турди-да, шартта бурилиб қора арғумоқ ёнига борди, плашини ечиб ташлади, сакраб отга минди: «Қиличларни қиндан чиқар!»— деб

[1] Суворн аскар. (*Тарж.*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

бақирди чўғдай қизариб. Ўзи ҳам қилич яланғочлаб, юлдузнухса шпоралар билан от биқинига ниқтаб, ёли устига энгашиб ётиб олди; арғумоқ осмонга сакраб, жонжаҳди билан олға интилди. «Драгунлар, ҳайда!»— деган команда янгради, Меньшиков драгунларни эргаштириб, барабан ёнида турган Пётрни четлаб ўтди-да, изига қайта бошлаган райтарлар йўлини тўсиш учун от чоптириб кетди.

Галларт ташвишланган ҳолда юпқа лабини қимтиб, қора ёлли асов кўк бияни Пётр ёнига етаклаб келди:

— Илтимос қиламан, аъло ҳазратлари, ўқ ёғилиб турган бу ердан четга чиқинг,— деди.

Пётр бир оёғини узангига қўйиб, бир оёғида ҳакалак отиб узоққа қаради,— драгунлар билан рейтарларнинг бир-бирига яқинлашаётганини кўрди. Драгунлар зич ҳолда қуюндай учиб боришар, олдинда Алексашка Меньшиковнинг ярқироқ шлемига қадалган патлар ҳавода сапчиб-сапчиб тушарди; шведлар дара бўйлаб кенг ёйилганди, икки қанотдагилари отларини шартта буриб, шпоралар билан ниқтаб, қилич билан уриб қочиш пайига тушган эдилар. Лекин улгуролмадилар. Алексашканинг қора арғумоғи кўкси билан жийрон отни урганини, устидаги рейтар от ёлига тармашиб ағдарилганини Пётр кўрди... Меньшиковнинг шлемидаги қизил патлар темир каскалар қуршовида липиллаб қолди. Аммо шу пайт драгунлар қуюндай ёпирилиб келди-да, қилич ўйнатиб, рейтарлар орасини ёриб, тўхтамасдан от солиб бораверди. Улар ўтган жойда ерда думалаб ётган аллақанча одам кўринди: биттаси энкайган ҳолда бошини чайқаб ўрнидан туришга ҳаракат қилар, иккинчиси мажақланган тиззасини ликиллатар эди; эгасиз қолган бир неча от далада ҳуркиб у ёқдан-бу ёққа чопиб юрарди.

Галларт ҳадеб жиловдан тортар: «Аъло ҳазратлари, бу ер хавфли», деб подшога ялинарди. Кўк бия нуқул оёқларини букиб кетига тисарилади. Пётр пошналари билан унинг биқинига тепди; нарироқ бориб олгач, кетига бурилиб қаради. Рейтарлар русларнинг олдига тушиб тумтарақай қочмоқда эди: лекин ўнг томондан, сарғайган ангишзор орасидан бир неча юз суворн қилич яланглаб ёпирилиб чиқди-да, душман йўлини тўсиб, шаҳарга киргизмай қўйди. Булар турли тусда от минган дворянлар полкининг номунтазам суворилари эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қалъа девори устидаги тахта айвончадан уларни ўққа тута бошладилар.

Қайинзор орасига етгач, Пётр бутун кўкси билан нафас олди-да, бияни секин юргизди. Боядан бери миясини банд этган саволга жавобан: «Ҳа, роса қийналишга тўғри келади»,— деб қўйди ўзича.

— Сизни табриклашим мумкин, аъло ҳазратлари,— деди Галларт,— суворияларингиз ниҳоятда чапдаст экан.

— Фақат чапдастлик билан иш битмайди... Ғазабга миниш, от чоптириш, қилич солиш — кифоя эмас... Ёлғиз шу йўл билан қалъани забт этиб бўлмайди...

Пётр дўнг устига чиқиб жиловни тортди-да, пешанасини тиришитириб, етти чақирим жойгача турнақатор бўлиб чўзилиб кетган қўшин ва обозларга узоқ тикилиб қолди. Узунасига кетган хандақлардан белкураклар билан ишиллаб тупроқ отилаётгани кўринарди. Қийқирган ва сўкинган овозлар эшитиларди. Гулханлар атрофида, отлари чиқарилган аравалар ёнида аллақандай одамлар бекордан-бекорга санқиб юрарди. Тушовланган озғин отлар, буталарга ёйиб қўйилган латта-путталар... Гўё бу улкан қўшин ёппасига лавашанглик, бутунлай ҳафсаласизлик билан ишиллаб ҳаракат қилаётганга ўхшар эди.

— Ноябрдан олдин қалъани олиб бўпмиз,— деди Пётр.— То аёз туриб ер музламагунча, қалъабузар тўпларни етказиб келолмаймиз. Қоғоздаги гап, амалда тўғри келмайди...

Пётр бияни секин-аста юргизди, Галлартга савол бериб, маршал Люксамбургнинг походлари ва қамал тажрибалари ҳақида сўраб-суриштира бошлади. Францияда қандай қурол-яроғ ва тўп заводлари борлигини суриштирди. Полотно галстук билан сириб боғланган нигичка бўйнини дам-бадам силтаб:

— Албатта, уларга осон,— дерди подшо.— Уларда ҳамма иш яхши, пухта, тартибли, нима керак бўлса — ҳаммаси тайёр... Улардаги йўллар билан бизнинг йўллар орасида ер билан осмонча фарқ бор...

Чўғдай қизариб кетган, севинчидан кўзлари ўйнаб, тишларини ғижайган Меньшиков хандақлар узра от сакратиб етиб келди-да, ҳарсиллаб оғир нафас олаётган арғумоқни шартта тўхтатди.

— Жаноби бомбардир... Душман ҳужуми даф этилди,— рейтарларнинг ярми аранг қочиб қутулди... (Қи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зишганидан бир оз лоф урди.) Биздан икки киши ўлди, олтитаси ярадор бўлди...

Азбарони завқ билан Алексашкага қаттиқ тикилганидан Пётрнинг бурни жийирилиб, ажин босди.

— Баракалла, азамат,— деди подшо.

. . . . . .

Кечқурун герцог фон Круининг чодирида генераллар тўпланди: қовоғидан қор ёғиб турган дабдабали саркарда Артамон Головин (ёш болалардан иборат кичик қўшинни биринчи марта шу одам тузган эди), ўқчи полкларнинг севимли командири князь Трубецкой, бадавлат боярин, гвардия командири Бутурлин, овози момақалдироқдай даҳшатли, мушти гурзидай оғир, барра пўстинда қалтираб ўтирган касалманд ва тепакал Вейде. Пётр билан Меньшиков ва Галларт келгач, герцог ҳаммани овқатга таклиф этди. Поход шароитига мувофиқ ёзилган дастурхонга ҳеч ким кўрмаган ноёб таомлар қўйилди (герцогнинг одами буларни Ревелдан топиб келганди), Франция ва Рейн винолари қуйилди.

Герцог ўзини ниҳоятда эркин ҳис этарди. Кўпроқ шам ёқишни буюрар, қоқшол қўлларини ликиллатиб гапга тушиб кетарди: машҳур жанглардан бирида, қонли жанг майдони устидаги тепада, вайрон бўлган тўпга оёғини қўйиб туриб кирасирларга — сафни ёриб ўтиш ҳақида, егерларга — қанотларни емириш ҳақида буйруқ берганини ҳикоя қилар эди. Бутун бошлиқ дивизияларни дарёга ғарқ қилгани, шаҳарларнинг кулини кўкка совургани ҳақида сўзлар эди...

Руслар бошларини кўтармасдан, хўмрайиб олиб, Страсбургда тайёрланган қийма жигар билан нуқул сарсабил ер эдилар. Пётр эса, герцогнинг сумакдай бурни-ю, чўзинчоқ юзига қараб қўярди. Гоҳ столни чертар, гоҳ елкаси қичиётгандек, куракларини қимирлатар эди. (Походга чиққандан кейин Пётр Алексеевичда шу хилда паришон боқиш пайдо бўлганини одамлар сезганди.)

— Нарва!— хитоб қилди герцог бўш қадаҳни деншикка узатиб.— Нарва! Бир кун яхшилаб уни бомбардимон қилинса ва жанубий бастионларни штурмга олинса — бас. Кумуш лаганда шаҳар калитини қўлингизга келтириб беришади, подшоҳим. Сўнгра шаҳарда бир гарнизон аскар қолдириб, бутун қўшин билан, икки қанотда суворилар билан қирол Карл устига ёпирилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳужум қилмоқ керак. Байрам арафасида Ревелда бўламиз, ҳақ гап...

Пётр стол ёнидан турди, бошини чодирга теккизмаслик учун эгилинқираб юра бошлади, ердан чўп олди-да, герцогнинг каравотига ёнбошлади (бу каравот шу атрофдаги дачадан келтирилганди.) Чўп билан тишини тозалай бошлади.

— Галларт менга бир рўйхат берди,— деди Пётр, ҳамма одам дарҳол овқат ейишни тўхтатиб унга қаради.— Рўйхатдаги нарсаларнинг ҳаммаси тайёр бўлса,— Нарвани оламиз, албатта. Олтмишта қалъабузар тўп керак... (Гавдасини кўтариб ўтирди-да, қўйнидан бир варақ ғижимланган қоғоз олиб стол устига — Головинга ташлади.) Ўқи... Ҳозирча бизда бироита тузукроқ тўп йўқ. Репнин қамалда ишлатиладиган замбараклар билан Тверь ёнида лой-ботқоқда жони ҳалак... Бугун билсам,— мортирлар Валдайда қолиб кетибди... Порох ортган аравалар шу дамгача Ильмень кўлидан ўтолгани йўқ... Хўш, бу ҳақда нима дейсиз, жаноби генераллар?..

Генераллар шамларни яқинроқ суриб, бошларини энгаштириб рўйхатга тикилиб олишди. Ёлғиз Меньшиков — олдида вино тўлдирилган қадаҳ — ғазабнок илжайиб, бир чеккада ўтирар эди.

— Бу лагерь эмас — лўлилар табори,— деди-ю, жим бўлди Пётр, яна зарда билан давом этди:— Икки йил тайёрландик... Лекин ҳеч нарса тайёр эмас... Азов ёнида ҳам аҳвол бунчалик ёмон бўлган эмасди. Василий Голицинникидан ҳам баттарроқ... (Алексашка шпорасини жиринглатди, аламига чидолмаганидан тишларини ғижирлатиб, қулоғигача қизариб кетди.) Шу ҳам лагерми? Солдатлар обозма-обоз санқиб юрибди... Обозларни чухонлик хотинлар босиб кетди... Тартибсизлик... Ит эгасини танимайди... Иш ўрнига ялқовлик қилишади, имиллаб ишлашади, қилаётган ишларига тупургинг келади... Нон моғорлаган... Баъзи полкларда фақат икки кунга етарли тузланган гўшт бор, холос... Шунча гўшт қаерда қолди? Новгороддами? Нима учун бу ерда эмас? Ҳадемай ёғингарчилик бошланади — солдатларга ертўла керак, қани ертўлалар?

Чодир ичи жимжит, фақат шамлар чирсилларди. Герцог гап нима тўғрида кетаётганини унчалик тушунмагани учун қизиқсиниб дам Пётрга, дам генералларга аланглаб қарар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Москвадан чиққанимизга икки ой бўлди, лекин ҳалиям етолмаймиз! Поход! Хабарингиз борми,— қирол Карл Дания қироли Христианни шармандаларча сулҳ тузишга, олтин билан икки юз эллик минг дублон товон тўлашга мажбур қилган. Ҳозир Карл бутун қўшинини Перновда кемалардан тушириб, Рига томон жадаллик билан келмоқда... Агар шу юришда Рига остонасида қирол Августнинг қўшинларини тор-мор этса,— унда ноябрь ойида бу ерга етиб келади... Хўш, уни қандай кутиб оламиз?

Унвони бошқалардан юқори бўлган Артамон Головин ўрнидан туриб таъзим қилди-да, қош-қовоғини осилтириб деди:

— Пётр Алексеевич, худо мададкор бўлса...

Пётр шартта унинг сўзини бўлиб:

— Тўп, замбарак керак!— деди, пешана томирлари бўртиб чиқди.— Бомбалар керак! Юз йигирма минг қалъатешар тўп ўқи! Тузланган гўшт керак, қари тентак...

. . . . . .

Икки ҳафта сурункасига яна ёмғир қуйди, денгиздан туман кўтарилиб дилсиёҳлик бошланди. Солдатларнинг ертўлалари шилта бўлган, чодирлардан чакка ўтиб кетганди, захдан ва тунги совуқдан жон сақлашга жой топилмасди. Бутун лагерь тизза бўйи лойга ботган эди. Солдатлар орасида ичкетар, безгак касали авж олди, ҳар кеча ўнлаб аравада далага ўлик ташиларди.

Қалъадаги тўпу милтиқлардан руслар устига тўхтовсиз ўқ ёғиларди. Кўпинча тонг маҳалида шведлар қалъадан бикиниб чиқишарди-да, соқчиларни гумдон қилишар, ертўлалар ёнига эмаклаб келиб, ухлаб ётган солдатлар устига қўл гранаталари ташлашарди. Пётр ҳар кун отда истеҳком ва окопларни айланиб чиқар эди. Эгнидаги плаши жиққа ҳўл бўлган, шляпасининг четлари осилиб тушганди, қовоғини осилтириб, индамасдан ёмғир пардаси орасидан кўк бияда чиқиб келарди, отни тўхтатиб, шишадай қотиб қолган кўзлари билан тикиларди-да, ковлаб ташланган дала бўйлаб узоқлаша-узоқлаша, туман орасида ғойиб бўларди.

Обозлар судралиб вақтида етиб келмасди. Йўлдан «Ҳамма иллат арава, от-улов топилмаслигида» деган хабарлар кетма-кет келиб турарди: мужиклардан оли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нашгани олиб бўлинган, энди помешчиклардан ва монастирлардан олишга тўғри келарди. Отлар ориқ, оёғини аранг судраб босар, ем-хашак расво бўлган, тинимсиз ёққан ёмғир натижасида йўллар дабдала бўлиб, аҳвол кундан-кунга оғирлашмоқда эди. «Пётр ўз қўшхонасида — оролдаги балиқчи уйида, таъминот генералини уравериб дабдала қилибди, унинг ёрдамчисини осишга буюришибди», деган гап тарқалди. Овқат масаласи бир қадар йўлга қўйилгандек эди. Лагерда тартиб ҳам ўрнатилди. Аммо командирлар ёмон эди: руслар — сусткаш, эскича яшашга одатланган, серғап, анқовроқ эди. Ажнабийлар эса — захдан жунжикиб ароқ ичишни-ю буйруқни бажарса ҳам, бажармаса ҳам солдатнинг жағига солишни яхши кўришарди.

Ниҳоят аниқ маълумот олинди: қирол Карл Перновда қўшинини кемалардан тушириб, Рига томон юриш бошлаган, у пайдо бўлган жойларда Ливония рицарлари дарҳол итоатгўйлик изҳор қилиб, дамлари ичларига тушиб кетган; қирол Августнинг қўшинини Курляндияга суриб чиқарган. Август эса, ўзаро жанжалдан боши чиқмаган серғалва панлар орасида — Варшавада эди, ўша ердан Пётрга кетма-кет чопар жўнатиб пул юборишни, казаклар, тўплар, пиёда аскар билан ёрдам беришни илтимос қилар эди... Нарва ёнига тўпланган руслар, ер музлаши биланоқ шведлар етиб келишини бемалол тушунишарди.

Шереметьев душманни безовта қилиш ниятида жўнатилган помунтазам тўрт сувори полк билан бирга Везенбергга етди, лекин шведларнинг тўсиқ отрядини бемалол тор-мор қилиш пайти келганда, Нарвадан қирқ чақиримча нарироқда, денгиз бўйидаги Пигаиоки деган дарага тўсатдан чекиниб, ўша ердан Пётрга хат жўнатди:

«...Мен қўрққанимдан чекинганим йўқ, балки аскарларимни сақлаб қолиш учун шундай қилдим... Визенберг атрофи нуқул ботқоқлик ва қалин ўрмонзордан иборат. Бу ерда ва яқин-атрофда ем-хашак жуда оз, бори ҳам нобуд қилиниб йўққа чиқарилган. Айниқса мен, шведлар бизни четлаб Нарвага ўтиб олишидан хавотир олдим... Қишлоқларга ўт қўйди, чухонларни қирди, деб мендан ғазабланибсан, лекин хотиржам бўл, подшоҳим: душманга бошпана бўладиган жой қолдирмаслик учун баъзи қишлоқларга ўт қўйилди, холос. Бугун буйруқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

бердим: алоҳида фармон бўлмаса, ўт қўйилмасин, ўлкани вайрон қилинмасин, деб тайинланди... Мен турган Пигаиокининг яқин-атрофидан душман сездирмай ўта олмайди, яқинлашса — дарҳол маълум бўлади, шу ердан нари чекинмайман, шу ерда жонимизни аямаймиз, бу тўғрида асло шубҳа қилма...»

Ниҳоят, охири баҳайр бўлсин,— шимолдан шамол турди. Бир кунга қолмай туман тарқалиб кетди, балчиққа беланган лагерни бефайз қуёш хасислик билан ёритди, шаҳардаги черков минорасига ўрнатилган олтин хўроз ялтиллади. Ер бети музлади. Ўқ-дори ортилган аравалар кела бошлади. Ўн жуфтдан ҳўкиз қўшилган «Лев» ва «Медведь» номли замбараклар етиб келди; ҳар бири юз йигирма пуддан келадиган бу замбаракларни бундан юз йил муқаддам Новгородда Андрей Чохов билан Семён Дубинка қўйган эди. Сербар ва паст ғилдиракли гаубицалар, уч пудли бомба отувчи калтабақай мортиралар худди тошбақа сингари судралиб келар эди. Бутун қўшин милтиқ кўтариб саф тортди, суворилар отланди, шведларнинг ногаҳон хуружидан эҳтиёт учун қиличлар яланғочланди.

Икки юз киши «Лев» ва «Медведь» номли замбаракларни арқонлар билан судраб ўртадаги саркубга чиқариб, қалъанинг жанубий истеҳкомлари қаршисига қўйди. Тўпчилар тун бўйи ишлаб гаубица ва мортираларни ўрнатишди. Қалъадагилар ҳам штурмга қарши тайёргарлик кўриб туни билан ухламадилар: қалъа деворлари устида фонуслар шуъласи йўрғалар, соқчилар бирбирини чақириб огоҳлантирар эди.

Бешинчи ноябрь куни тонг маҳалида Пётр отланиб, герцог ва генераллар билан Германсберг тепалигига чиқди. Аччиқ шамол юзни таталаб ачиштирарди. Лагерь ҳали ёришмаган, лекин қизғиш офтоб шуъласи шаҳарнинг типпа-тик томларида, башня кунгираларида йилтирар эди. Бирданига пастда ўтли тиллар яллиғлади, теварак-атрофни ларзага келтириб тўплар гумбурлади, қарсиллади,— бомбалар учқун сочиб, ёй шаклида учиб шаҳар томон ёғилди. Лагерь ҳам, қалъа деворлари ҳам тутун ичида кўздан ғойиб бўлди. Пётр дурбинини кўздан олди-да, бурун катакларини шишириб, Галлартни имлаб чақирди.

У дарҳол подшо ёнига келди, лаби лабига тегмай бидирлаб деди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Иш чатоқ. Бомбалар ярим йўлда қоляпти. Порох ярамайди, сифати паст...

— Нима қилиш керак? Вақт ўтмасин...

— Порохдан кўпроқ солиш керак... Ишқилиб, тўплар чидасин-да...

Пётр тепадан от солдириб тушди-да, кўтарма кўприкдан ва эман ходаларидан қилинган дарвозадан ўтиб, узун-узун қозиқлардан қилинган ёғоч девору тўсиқ-ғовлар ортида кўринмай кетди. Ўртадаги батареяда тўпчилар «Лев» билан «Медвед»нинг тиғларига сирка аралаш сув қуйиб совутмоқда эдилар. Батарея командири энгак остидан соқол қўйган, пакана бўйли, кекса денгизчи голландиялик Яков Винтершиверк Пётр ёнига келиб совуққонлик билан шундай деди:

— Бу порох ҳеч нарсага ярамайди. Бу билан фақат чумчуқ отиш мумкин, нуқул тутуну ис, ҳеч нафи йўқ...

Пётр плашини ва кафтанини ечиб ташлади, енгини шимариб, узун дастали чўткани олди-да, қурум босган тўп оғзини яхшилаб тозалади...

— Зарядни бер.

Батарея ертўласига тахланган кўк қоғоздаги пачка-пачка порохни қўлма-қўл узата бошладилар. Пётр бир пачкани йиртиб очди, порохдан пичасини кафтига солиб қаради, ғазаб билан мушук сингари пишқирди, лекин индамади. Олти пачка порохни тўп оғзига солди...

— Бу жуда хавфли,— деди Яков Винтершиверк.

— Гапирма, жим... Ўқни бер...

Бир пуд келадиган снарядни салмоқлаб кўрди-да, тўп оғзига қўйиб, узун дастали чўтка билан яхшилаб жойлади. Сўнгра нишонга оладиган асбоб ёнига ўтириб олиб винтни бурай бошлади...

— Пиликни бер... Тўп ёнидан четга чиқ ҳамманг...

«Медведь» қулоқларни шанғиллатиб ўт-аланга сочди-да, чўян ғилдираклари билан оғир силкиниб кетига тисарилди ва тумшуғи билан ер тишлаб тўхтади. Ўқ коптокдай кичрайиб бориб, Глория бастионига тушди, башнянинг кунгираси қулаб, тошу ғиштлар ёғилди...

— Ҳо, чакки эмас бу,— деди Яков Винтершиверк.

— Шундай отиш керак...

Пётр кафтанини елкасига ташлаб, гаубицалар ёнига жўнади. Ҳамма тўпчиларга, порохни бир ярим ҳисса кўпроқ солиб отиш тўғрисида буйруқ берилди. Бир юз

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўттиз тўп-замбаракнинг гумбурлашидан ер ўк ўк яна ларзага келди. Чўнқайиб турган мортирлар оғзидан даҳшатли аланга отилиб чиқарди. Тутун булути тарқагач, шаҳарда икки уй ловиллаб ёнаётганини кўрдилар. Айниқса иккинчи залп муваффақиятли чиқди. Бироқ кўп ўтмай, гарбий батареяда икки гаубица ёрилиб ишдан чиққани маълум бўлди; булар яқиндагина Лек Крилловичнинг Туладаги заводида қуйилган, бир неча тўпларнинг тегарчик ўқлари дарз кетган эди. «Кейин текширамиз... Айбдорларни топамиз... Қандай тайинлаган бўлсам, шундай отилсин»,— деб буюрди Пётр.

Нарвани бомбардимон қилиш шу хилда бошланиб то ўн бешинчи ноябргача узлуксиз давом этди.

. . . . . .

Подшонинг ошпази Фельтон ўзича минғирлаб, қозиқ устига ўрнатилган чўпчироқлар алангасида тухум қовурмоқда. Ўн дона тухум не машаққатлар билан аранг топилди,— ошхона хизматкори от чоптириб то Ямбурггача бориб келди, бироқ келтирган тухумлари бари палагда чиқди...

— Нима деб минғирлаяпсан? Қалампирдан кўпроқ сол, Фельтон, қалампир...

— Эшитдим, аъло ҳазратлари.. Қалампир!

Пётр печь олдида исиниб ўтирарди. Фақат шу ер иссиққина эди (подшо билан Алексашка тунаган ҳужранинг тахта деворлари орасидан муздай шамол кирарди). Ҳозир ҳам оролда ярим кечада қутурган шамолнинг гувиллагани, йўл ёқасидаги шамол тегирмон парраклари-нинг ғижирлагани эшитиларди. Қайин тарашалари ёқимли товуш билан чирсиллаб ёнарди. Паканагина, баджаҳл Фельтон масаллиғни тахта токчага териб, ҳаммасини искаб кўрар, гўштдор бурни устида олов шуъласи акс этиб ғазабнок йилтирарди.

— Агар сени шведлар асир қилса, у ёғи нима бўлади, биласанми, Фельтон?

— Қулоғим сизда, аъло ҳазратлари...

— Эҳе, бу подшонинг ошпази-ку, дейишади. Дарров оёғингни осмонга қилиб дорга осишади...

— Осиб бўпти, мен ўз бурчимни биламан...

Ошпаз лиқиллаб турган омонат стол устига тоза сочиқни ёзди. Сопол кўзачада қалампир солинган арақ қуйди, қотиб қолган қора нонни юпқа-юпқа қилиб кесди. Пётр трубкасини оҳиста тутатиб, оёғида пийма, эгни-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да пахталик куртка, белига фартук боғлаб олган Фельтонни кўз қирида кузатар: нақадар қўли чаққон, оёғи илдам, ҳаракатлари бежиримлигини томоша қиларди.

— Шведлар тўғрисида сенга ҳазиллашиб гапирганим йўқ... Ҳушёр бўл, ҳар ҳолда бор-будингни йиғиштириб қўйсанг чакки бўлмасди.

Фельтон ер остидан қаради: билдики, подшо ҳазиллашаётгани йўқ. Товадаги қуймоқни унинг олдига қўйди, қалайи стаканга арақ қуйди.

— Аъло ҳазратлари, столга марҳамат этгайлар...

Шамол зарбидан уй ларзага келди. Шам лопиллаб кетди. Эшикни тарақлатиб Меньшиков кирди.

— Ҳаво ҳам расво бўлди...

Алексашка юзини бужмайтириб, бўйнидаги шарфини ечди. Қўлини чўпчироқларга тутиб исита бошлади.

— Ҳозир келишади,— деди.

— Ҳушёрми?— сўради Пётр.

— Ухлаб ётган экан. Каравотдан судраб турғаздим...

Меньшиков Пётрнинг рўпарасига ўтирди. Столни қимирлатиб кўрди, мустаҳкамлигига ишонч ҳосил қилгач, арақдан қуйди, ичди, бошини силкиди. Бир неча дақиқа давомида индамасдан овқатландилар. Ниҳоят Пётр:

— Фурсат қўлдан кетди... Энди тузатиб бўлмайди,— деди секингина.

Алексашка оғзидаги луқмани аранг ютиб:

— Агар юз чақирим жойга келиб қолгани рост бўлса-ю Шереметьев уни тўхтатолмаса,— индинга шу ерда бўлади, бу аниқ... Кенг дала, очиқ майдонда жанг қилсак,— наҳотки, суворилар билан енголмаймиз? (Ёқа тугмаларини ечди, Фельтон томон бурилди.) Шўрвангдан қолдими? (Иккинчи марта қадаҳни тўлдирди.) Ундан ҳаммаси бўлиб фақат ўн минг аскар бор холос: асирлар ниҳил устида онт ичиб буни тасдиқлашди... Наҳотки биз шу қадар ношуд, лавашанг бўлсак?.. Одамга алам қилади...

— Алам қилади,— такрорлади Пётр.— Икки кунда одамларга эс киргизиб бўпсан... Нарва остонасида омадимиз келмаса,— Псковда ва Новгород ёнида тўхтатамиз уни...

— Мин херц, бундай хаёлга бориш гуноҳи азим...

— Бўлди, гапирма..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккиси жим бўлди. Фельтон ўтириб олиб чўғни пуфлар: мис котелокда пиво илитмоқда эди.

Нарва ёнида аҳвол чатоқ эди. Икки ҳафта узлуксиз бомбардимон қилинди, миналар портлатилди, қалъага мурчин орқали яқинлашиб кўрилди, бироқ на қалъа деворини бузолдилар ва на шаҳарда ёнғин чиқардилар. Генераллар штурм бошлашга журъат этмадилар. Бир юз ўттиз тўпнинг ярмиси ёрилди ва ишдан чиқди. Кеча ҳисоблаб кўришди: ертўлаларда бир кунга етарли порохў бомбалар қолгани аниқланди; порох ортган аравалар эса, ҳамон Новгород атрофида, аллақаерларда судралиб, етиб келолмасди.

Швед армияси поход тартибида жадаллик билан Ревель йўлидан яқинлашиб келмоқда эди ва шу топда Пигаиоки дарасида Шереметьев билан жанг қилаётган бўлса ҳам ажаб эмасди. Руслар учун исканжада қолиш хавфи тугилганди: рўпарада — қалъа тўплари, ортда — бостириб келаётган Карл қўшини...

Пётр жаҳл билан қошиқни столга ташлади:

— Ҳазилакам шовқин-сурон солмадик... Бунақага устамиз. Аммо жанг қилишни ҳали ўрганганимиз йўқ. Тескарисига иш бошладик... Бу ишдан ҳеч қандай натижа чиқмайди. Бу ерда тўп отиш учун уни Москвада ўқлаш керак... Тушундингми?

— Бу ерга келаётиб,— деди Алексашка,— гулхан ёнида гаплашиб ўтирган биринчи рота солдатларини кўрдим. Шведларни кутишяпти, бутун лагерь ҳаяжонда, ғовур-ғувур гап. Генералларни шундай сўкишяптики, асти қўявер... Қулоқ солсам, биттаси: «Биринчи ўқни прапоршикка жойлайман»,— дейди...

— Генераллар! (Пётрнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.) Улар туғ-ялов кўтариб чиқишга ярайди, холос! Лашкарбошилар эмиш... Шалоғи чиққан эски арава...

Алексашка кўзини ғилайлатиб оҳиста гап қотди:

— Пётр Алексеевич... Шу уч кунга қўшинни менга бер... Улай агар, ҳазили йўқ. Майлими?

Пётр гўё унинг гапини эшитмагандек, имиллаб чўнтагини ковлашга тушди, тамаки халтасини олди. Пишиллай-пишиллай, бармоқлари билан тамакини эзғилади:

— Эртадан бошлаб қўшинда бош саркарда герцог фон Круи бўлади. Ўзи ҳийла аҳмоқ бўлса ҳам, европаликларга хос фазилатга эга: ишнинг кўзини билади, жанговар... Бизнинг ажнабий командирларимиз унинг ёнида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзини дадилроқ сеза бошлайди... Сен тонг ёришгунча йиғиштириниб йўлга тайёрлан, жўнаймиз...

Пётр нуқул пишиллар эди. Шамни яқинроқ суриб тамакисини тутата бошлади. Алексашка секин сўради:

— Пётр Алексеевич, қаёққа жўнаймиз?

— Новгородга.

Ниҳоят Пётр ағрайиб қолган Алексашканинг тип-тиниқ кўк кўзларига тикилди. Бирданига чўғдай қизариб кетди, терлаган пешанасида йўғон томир кўндалангига бўртиб чиқди, лекин ғазаби қайнаса ҳам ўзини босди:

— Анови тирмизак[1] тайёрига эга бўлган, шунинг учун унга барибир, аммо менга барибир эмас: ахир не машаққат билан тиклаган нарсамни бой беришим мумкин... Сен ҳали, урушнинг аввали ва охири Нарва остонасида, деб ўйловдингми? Уруш энди бошланяпти... Енгишимиз лозим... Аммо бу қўшин билан енголмаймиз... Энди тушундингми? Ишни мамлакатнинг ичкарисидан, от-улов, аравалардан бошлаш керак... Отга минволиб қилич ўйнатиш ҳар кимнинг қўлидан келади... Сен ҳали Карлдан ҳам ботирроқ бўлмоқчимисан, тентак? Кўзингни ерга қарат! (Юзида қаҳр-ғазаб учқунланди.) Менга унақа тикилма!

Алексашка итоат этмади, кўзларини ерга қаратмади, номус кучидан хўрлиги келиб кўзлари жиққа ёшга тўлди, бир қатраси таранг ёноғидан оқиб тушди. Пётр торайган қорачиқлари билан унга қаттиқ тикилди. Иккиси ҳам нафас олмай, бир-бирига тикилганича қотиб қолди. Пётр бирдан илжайди, қўлларини чўнтакларига тиқиб, деворга суянди-да, овозини Алексашканинг овозига ўхшатиб:

— «Мин херц»,— деди мазах қилиб.— Қадрдон дўстим... Мен учун уялиб кетдингми? Шошмай тур, ҳали нималар бўлмайди: ҳаммаси тескари қараб олади: «Карлдан қўрқди... Қўшинни ташлаб кетди... Илгари Троица монастирига қочиб қутулган эди, бу сафар Новгородга қочди»,— дейишади... Ҳа, майли... Кўз ёшингни арт. Жаноб генераллар келди, чиқиб кутиб ол...

. . . . . .

Соқчилар овози янграйди. Отлар туёғи остида музлаган ернинг дупирлагани эшитилади. Дераза ортида машъалалар шуъласи... Шпораларини жиринглатиб герцог билан генераллар кирди: юзлари шамолдан қизариб

[1] Қирол Карл демоқчи. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

кетган, ҳаммаси ҳаяжонланган: ярим кечада қандай ҳодиса рўй бердийкин?.. Пётр генералларга бош иргади, герцог билан қучоқлашиб кўришди. Шамни ол, деган маънода Меньшиковга имлади-да, тахта девор орқасидаги ҳужрага кирди.

Меньшиков шамни ҳар хил қоғозлар уйилиб, тамаки сочилиб ётган столчага қўйди. Ҳамма одам турган жойида қолди. Пётр ўтириб бир варақ қоғоз олиб, устига кул сепилган, кўп жойлари ўчирилган сатрларни лабини қимирлатиб қовоғу димоғ билан ичида ўқиб чиқди. Сўнгра томоғини қириб олди-да, ҳеч кимга қарамасдан хунук овоз билан қатъий оҳангда:

«Ин готснам, ул парвардигор номи билан,— деб ўқий бошлади.— Бизким подшо ҳазратлари энг зарур ишлар талабига кўра, қўшиндан кетаётганлигимиз сабабли, қуйидаги моддаларни қайд этиш билан бирга, қўшинни шавкатли князь герцог жаноби олийлари фон Крунга топширамиз. (Стол ёнида турган герцогнинг сони қалтираб кетди. Пётр унинг ингичка сонига сўнгра қиличининг олтин дастасини чангаллаб олган қоқшол қўлига назар солди.) Биринчи модда: шавкатли князь герцог жаноби олийлари фон Круи қўшинга асосий бошлиқ — саркарда қилиб тайинланади... Иккинчи: барча генераллар, офицерлар, ҳатто солдатлар ҳам унинг қўмондонлиги остида бўлмоғи ва подшо ҳазратларига қандай итоат этса, унга ҳам шундай итоат этмоғи шарт... Учинчи... (Овози кўтарилади.) Нарвани ҳамда Иван-городни қандай йўл билан бўлса-да, тезроқ забт этилсин... Тўртинчи... Итоат этмаган генералларни, офицер ва солдатлар қаттиқ жазолансин ҳаттоки, лозим бўлса, қатл этилсин...»

Герцогдан бўлак ҳамма генералга савол назарида бир бошдан тикилди: Вейде аломати ризо билдириб бош иргади, князь Трубецкийнинг юзидан тер қуйиб кўпчиб кетди, Бутурлиннинг калта қилиб олинган оппоқ сочлари ясси пешанаси устида ғивирлай бошлади, Артамон Головин эса, гўё бутун фалокат ва шармисорлик ҳалитдан унинг зиммасига тушгандек, бошини биратўла қуйи солиб олди.

«Шунингдек шавкатли герцог жаноби олийлари шведларнинг резерви қанчалигини тезлик билан аниқламоғи лозим. Қирол Карлоуснинг яқинлашгани ҳақида аниқ маълумот олинганидан сўнг, ҳақиқатан кучи кўплиги аниқланса,— туну кун пайига тушиб Нарва шаҳри-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га кириб олишига асло йўл қўйилмасин, худога таваккал қилиб, у билан тўқнашиш йўлини изланг... Аммо иложи бўлса токи мадад кучларимиз етиб келгунча кутиб турган маъқул...» (Қоғозни кўзидан узоқлатиб, герцогга қаради.) Репнинг ҳамда гетман казаклари билан, ўқ-дори ортган аравалари билан уч-тўрт кунда етиб келади... Ўтир,— деди Головинга,— буни бошқатдан кўчириб ёз...

Даҳлизда кимдир эшикни тақиллатди. Меньшиков хавотир олиб, сурила-сурила, ошхонага чиқди. Эшик очилиб, кимдир кирди, очиқ эшикдан гувиллаган шамол аралаш йироқдаги одамларнинг қий-чуви эшитилди. Пётр кимнидир итариб ташлаб, ошхонага чиқди:

— Нима гап?— бақирди даҳшат солиб.

Рўпарада ёшгина бир йигит турарди: икки бети қиз боланинг юзидай қип-қизил, лекин салқиган, танқайбурун, кўзлари ўткир, қулоғидан юқорироқда бир тутам сочи қонга беланиб қотиб қолган.

— Бу Павел Ягужинский, Борис Петрович Шереметьевнинг поручиги,— деди Меньшиков бидирлаб.

— Хўш?

Йигитнинг юзи қалтирай бошлади. Тумшуғини кўтариб Пётрга қаради, ўзини ўнглаб олди:

— Мени Борис Петрович юборди, подшоҳим,— полк қаерга жойлашади?— шуни билиб келгин, деди.

Пётр чурқ этмасди. Генераллар капалаги учиб, ҳужра эшигига тиқилишарди.

Меньшиков калта пўстинини шоша-пиша кияётиб:

— Пигаиокидан шармандаларча қочишибди,— деди ғазаб билан.— Шапкаларигача ташлаб қочишибди... Тағин булар дворян эмиш...

. . . . . .

Дворянлар лашкаридан тузилган номунтазам полклар ўн еттинчи ноябрь куни эрталаб, шведларнинг олдинги қисми денгиз бўйидаги дара ёнидан тунда бемалол ўтиб олди, деган хабарни посбонлардан эшитиши биланоқ ваҳимага тушиб, асосий қўшиндан ажралиб қолишдан қўрқиб, Борис Петрович Шереметьевга итоат этмасдан, тартибсиз ҳолда Пигаиокидан чекина бошлади. Шереметьев эса, сафлари бузилган юзлар олдига от чоптириб келиб, отларнинг жиловидан тортиб қайтармоқчи бўлди, бақираверіб овози бўғилди, отлар ва одам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларни қамчи билан савалади, бироқ орқадагилар ёпирилиб олға интилавергач, унинг оти чекинаётганлар орасида ўралиб қолди. Шереметьев орқа томонни муҳофаза қилиш ва ҳарбий обознинг ярим-ёртисини бўлса ҳамки шведлардан асраб қолиш учун бир неча юз суворини тўплагунича она сути оғзига келди: темир совут, қиррадор каска кийган шведлар эрталаб кун чиқар-чиқмас, қояли тепалар устида пайдо бўлган эди. Лекин шведлар таъқиб этмади. Дворян полклари от чоптириб жуфтак уришди. Кечаси улар Нарва остонасига, лагерь атрофини ўраган четанлар ёнига етиб келишди. Бироқ посбонлар қоронғида уларни душман фаҳмлаб, ўт очишди. Суворилар жон-жаҳди билан: «Отманглар, биз русмиз»,— деб бақиришга тушишди... Ҳамма уйғонди, лагерни говур-ғувир босиб кетди.

Шундан кейин поручик Павел Ягужинский четанлардан ошиб, подшо ҳузурига жўнаганди. Муздай шамол қутуриб, ҳамма ёқни алғов-далғов қиларди. Шоввозлар хандақнинг нариги томонида, кўтарилиб қўйилган кўприк ёнида отдан тушиб кутишар эди. Четанлар ортидан бақирган овозлар эшитилар: «Ҳой помешчиклар, нега қочиб келдинглар?.. Бу ерда қамалда иш кўрсатмоқчимисиз, шоввозлар?— деб масхара қилишарди...

Лагерда барабанлар садоси янгради, чироқлар шуъласи суза бошлади, фонус кўтарган суворилар у ёқдан-бу ёққа югуришиб қолди. Полклар ва юзлар байроқ тагига тўпланди, шон-шуҳрат қозонган ва енгилмайдиган империя герцоги фон Круига қўшин топширилганлиги ҳақида подшо фармонини ўқиб эшиттирилди. Аскарлар азбаройи ҳайратда қолгани ва ваҳимага тушганидан чурқ этмасди. Ҳадемай, подшо лагердан жўнаб кетибди, шведлар бутун қўшини ва яроғ-аслаҳаси билан беш чақирим жойда турибди, деган гап оғиздан-оғизга тарқалди...

Лагерда ҳеч ким ухламас эди. Ўт ёқиб гулхан қалашар, лекин шамол тўзитиб юборарди. Тонг отар маҳалида Шереметьевнинг суворилариии ўнг қанотга қўйишди. Улар четандан сиртда, Нарова дарёси ороллар орасидаги бўсағалардан ҳайқириб ўтган жойда, шаҳардан юқорироқда қирғоқ бўйлаб ўрнашдилар. Тонг отди, лекин шведлар кўринмади. Разведкага юборилган одамлар, бу яқин атрофда душман йўқ деб қайтишди, ваҳоланки, Шереметьевнинг аскарлари, шведлар бизни Пи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганокидан то шу ергача изма-из қувиб келишди, деб онт ичишганди.

Серҳашам плаш кийиб, маршаллик ҳассачасини биқинига тираб олган герцог фон Круи олдинда, ундан от бўйи кейинда генераллар: Головин, Трубецкой, Бутурлин, Имеретиния шаҳзодаси ва Яков Долгорукий — хириллаган сурнайлар садоси остида лагерни айланиб кўздан кечиришарди. Герцог қўлқоп қирраси билан мўйлов учларини диккайтириб, солдатларга қараб: «Салом, азаматлар! Подшоҳ учун ўлимдан қайтмаймиз!» деб қичқирар эди. Барча полкларда барабан садолари остида қуйидаги буйруқ ўқиб эшиттирилганди:

«... Кечаси қўшиндаги аскарларнинг ярми милтиқ билан тайёр турсин. Тонготар пайти ҳар бир солдатга йигирма тўрттадан патрон билан ўқ берилсин. Кун чиқар маҳалида уч тўпдан ўқ узиб сигнал бериши билан бутун армия саф тортсин, музика чалинсин, барабанлар янграсин, барча байроқлар ретраншементларга[1] ўрнатилсин. Душман билан оралиқ ўттиз қадам қолгандагина ўқ узилсин...»

Кечаси шамол йўлни тескари буриб, денгиздан жанубдан томон эса бошлади. Ҳаво илиди. Швеция генерал-майори Рибинг икки рейтарни ёнига олиб, от туёқларини кигиз билан боғлатди-да, қоронғи тунда ҳеч кимга сездирмасдан четанлар тагига етди; дарҳол хандақнинг чуқурлигини ва кўтарманинг баландлигини ўлчаб, изига қайтди.

. . . . . .

Алексей Бровкин қорни очиб силласи қуриганига, кийимларидан шамол ўтиб аъзойи баданини жунжиктирганига қарамай кўтарма устида рота белгиси ёнида уч қадам олға босиб, уч қадам кетига қайтиб, мокидай у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Кўтарма етти чақирим жойгача чўзилган бўлиб, соқчиликда турган солдатлар ораси бир-биридан анча узоқ эди. Сурнайлар чалинди, барабанлар тараклади. Тўплар, милтиқлар ўқланди, пиликлар тутай бошлади. Ретраншементдаги байроқларни шамол ҳилпиратарди. Эрталаб соат ўн бир эди...

Алексей белбоғини маҳкам тортиб, қорнини сиқиб боғлади. Янги тайинланган бош саркарда ҳамма нарсанинг ғамини еган, фақат солдатларнинг қорнини тўйғи-

[1] Байрок тикиладиган жой *(Тарж.)*.

www.ziyouz.com kutubxonasi

зишни унутган эди. Неча кундан бери солдатлар, сафдаги офицерлар ҳам,— фақат моғорлаган қоқи нон ейишар, сумкаларини қоқиб, нон ушоғини оғизларига солишарди. Бу кеча лоақал қоқ нон ҳам берилмади. Солдатлар худди чумчуқ ҳуркитадиган қўриқчига ўхшаб, кўтарма устида қаққайиб туришарди (Бровкиннинг ротасида фақат саксонта соғ одам қолган эди). Илгари Алексей жанг қилишга шу қадар ишқивоз эдики, ўйласа — қўли қичиб, юраги орзиқиб кетарди, ўша кезлари тўпвозлик тутуни ичида ротани жангга бошлагиси, душман байрогига чанг солиб, байроқдор қўлидан даста-пастаси билан юлиб олгиси келарди... («Раҳмат, Алексей, сенга полковник унвонини инъом этдим»— деган сўзни эшитмоқчи бўларди.) Бугун эса, фақат бир нарсани орзу қиларди: сасиб-бижиб кетган илиққина ертўлага тушса-ю, суюқ бўтқани котелокдан ҳўплаб-ҳўплаб ичса, томоғи куйса ҳам майли...

Шамолдан кўзларини қисиб, яқинида турган Голиковга бақирди:

— Нега анграясан? Ўзингни дадил тут.

Бироқ у эшитмади, увадаси чиққан кифтларини диккайтириб, гўё ажалга кўзи тушгандек, қирра бурунли тумшугини чўзганича аллақаёққа тикилиб тураверди... Бошқа солдатлар ҳам худди жуни ҳурпайган итга ўхшаб Германсберг тепалиги томон тикилиб олишган эди. Тепа устидан қуюндай учиб ўтаётган булутлар энди кўтарила бошлаган офтобни тобора ўраб олмоқда эди. Шамолда чайқалган баргсиз қайинлар ва тўнкалар орасида оғир нарса кўтарган одамлар кўринди: тобора кўпайиб, тўда-тўда бўлиб, ўрмондан чиқа бошлади. Улар ўрмондан чиқа солиб елкаларидаги қоп ва юкларини ерга қўйишар ва югурганча олға ўтиб саф тортишар, зич колонналар ташкил қилишарди. Сўнгра олтитадан от қўшилган тўплар чиқа бошлади, булардан баъзиси пастга тушиб, тўғри ўртадаги саркубга йўл олди, баъзиси — жилғадан от чоптириб ўтди-да, Вейденинг мустаҳкам истеҳкомлари томон жўнади, қолганлари эса ўнгга бурилиб, сайҳонликка чиқиб олгач, қуюндай учиб кетди. Олти колонна пиёда аскар Германсберг тепалигида саф тортди. Икки қатор бўлиб тизилган темир совутли суворилар кетма-кет ўрмондан чиқа бошлади.

Алексей ғайри табиий овоз билан бақириб команда берди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Барабанчилар, жанговар тревога!

Мўйловдор унтер-офицерлар кўтарма устига чопиб чиқишар, учбурчак шляпаларини шамолдан эҳтиёт қилиб қошларигача бостириб кийишарди. Барабанлар тараклади... Леспольдус Мирбах нимагадир хурсанд бўлиб, кўрсаткич бармоғи билан суворилар томон ишора қилиб Алексейга бақирар эди: «У ёққа қаранг, анови отлиқни кўряпсизми,— қирол Карл ўша». Шведлар колонна тартибида, ўз сафларининг тўғрилиги ва зичлиги билан даҳшат солиб тепадан тушмоқда эди, қорайиб кўринган қатор-қатор сафларда одам эмас — аллақандай ҳиссиз, жонсиз нарса ўрмалаётгандек туюларди... Тепа устида, энг баланд жойда беш-олтита суворн турарди, шулардан биттаси — олдинги отдаги хипчадан келган йигит — ҳадеб қўлини силкитар эди, унинг ёнига дам-бадам отлиқлар келиб тўхтар ва дарҳол кетига бурилиб пастга — колонналар томонга елдай учиб кетарди.

Шамол байроқ ёғочларини ва кўтармага ўрнатилган белгиларнинг дасталарини букиб эгилтирар, барабанлар тараклайвериб жонга тегарди. Қўрғошин тусли қор булути денгиз томондан кўтарилиб, тобора осмонни қоплаб олмоқда эди. От қўшилган тўртта тўп қуюндай тез келди-да, хандақдан икки юз қадамча нарида — Бровкиннинг ротаси қаршисида шартта кетига бурилиб тўхтади; дарҳол отлар тегарчикдан чиқарилиб четга олинди, кетма-кет тўп ўқи солинган кўк яшиклар билан аравалар келди, улар ҳам бурилиб тўхтади. Тўқ кўк мундир кийган бақувват йигитлар аравалардан сакраб тушиб, тўплар ёнида қатор туришди. Бир колонна пиёда аскар югуриб, лекин сафни бузмасдан етиб келди,— колонна олдида бир неча киши, ҳаммасининг енгу ёқалари оппоқ... Қиличлар қиндан суғурилиб ҳавода ярқираши билан шведлар икки қатор бўлиб саф тортишди-да, тўплардан ўнг ва сўл томонга кенг ёйилиб, букчайиб олишди,— тупроқлар отила бошлади...

Алексей қўлини карнай қилиб, шамол билан басма-басга овозн борича бақириб команда берарди: «Жаноб прапоршиклар... Унтер-офицерларга айтинг... Солдатларга тайинланг... Кимики буйруқсиз ўқ узса — отиб ташланади...» Кўтарма устида чопиб кетаётган Леопольдус Мирбах кўринди: оёғида қўнжи узун этик, таёқчаси билан дўқ уриб, нуқул немис тилида бақириб-чақирар эди... Федька Ювин (соқоли ўсиб, кирлаб кетган, худди

www.ziyouz.com kutubxonasi

полиздаги тасқарага ўхшаб қолганди) — ғазаб билан тишини иржайтирди, Мирбах унинг бошига солиб қолди... Шамол кафтан этакларини юлқиларди; аллакимнинг шляпаси осмонга улоқтирилди...

Алексей дам-бадам бизнинг тўплар турган томонга бурилиб қарарди: «Қани, бўла қол... Отсанг-чи тезроқ». Ниҳоят гумбурлаган товуш қулоқни шанғиллатиб юборди... «Жин ургурлар, тўп отишниям билмайди-я!..» Бунга жавобан шведларнинг тўрттала тўпи баравар кетига тисарилиб аланга пуфлади... Ярим чақиримча нарироқда турган «Лев» билан «Медведь» салобатли товуш билан ғалатироқ гумбурлади. «Афсус, бизникилар ўлгидай ялқов». Тўплардан чиқарилган отларни яна чоптириб келишди-да, тегарчикларга тиркашиб, тўпларни судратиб кўтармага яқинроқ оборишиб қўйишди. Тўпчилар чопиб етиб келди, дарҳол тўпларни тозалашди, ўқлашди; икки тўпчи ўзини четга олиб ғилдираклар ёнига ўтди, учинчиси ўтириб олди,— тутаган пилик унинг қўлида эди... Оппоқ қайтарма ёқали киши қиличини кўтарди... Тўрттала тўп баравар ўт очди... Тўрт ўқ четану ғовларга, йўғон-йўғон қарағай ҳодаларга келиб тушди, бирғиллаган овоз билан портлади, ёғочларни майда-майда қилиб учириб юборди. Алексей кетига тисарилди, йиқилди. Ўрнидан турди... Мундоқ қаради-ю, бир лаҳзада жуда аниқ кўриб олди (шу қадар аниқ ва равшанки, умрбод эсида қолди): нотекис дала бўйлаб хандақнинг ёнгинасидан кўк от минган, чиллакдай ингичка йигитча от чоптириб ўтмоқда, бошида — учбурчак кичкина шляпа, соч-лари жойланган чарм ғилофча шляпадан чиқиб энсаси остида сапчиб-сапчиб тушмоқда, оёғини то пошнасигача узангига тиқиб, олга томон биратўла чўзиб юборган (русларда ундаи эмас), чўзинчоқ юзи масхараомуз илжайиб, четан ортидан ўқ узаётган руслар томонга ўгирилган, қоқ суяк ориқ отларда йигирматача сувори жуфтма-жуфт қатор бўлиб, унинг кетидан учиб бормоқда... Шу пайт Алексей Голиковнинг: «Худоё, ўзинг асрагайсен!» деб жон-жаҳди билан бақирганини эшитди.

Пастлаб учган қора булут осмонни бутунлай қоплаётган, кун тез қораймоқда эди. Қалин қор бутун лагерни, от солиб келаётган суворилар сафини, швед колонналарини ҳарир парда сингари тўса бошлаган эди. Гувиллаган шамол билан басма-басга тўпу замбараклар қалдираб гумбурлар, ловиллаган аланга ёлқини атрофни бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаҳза ёритар эди. Бош устидан вашиллаб тўп ўқлари учиб ўтарди. Четану ғовлар қасира-қусир қилиб, майда-майда бўларди. Бўрон қутуриб қорни тўзитар, қиялаб қуяётган муздай қор тикан сингари қадалиб юзни ачиштирар, кўзга ёпишиб безор қиларди. На хандақнинг нарёғида шведлар нима қилаётганини кўриб бўлар ва на шу чорак соат ичида лагерда қандай ҳодиса рўй берганини билиб бўларди.

Қочиб келаётган бир солдат (бошқа ротадан бўлса керак) — ўзини Алексейга уриб олди... Алексей унинг баридан ушлаб тўхтатди... Солдат жон-жаҳди билан бақирди: «Бизни сотишди!»— дея юлқиниб қўлдан чиқди-ю, қор пардаси ичида ғойиб бўлди... Ана шундан кейингина Алексей, хандаққа сакраб-сакраб тушаётган шведларни қор бўрони орасидан кўриб қолди: улар худди тепадан ташланаётган боғ-боғ хашакка ўхшарди. Алексей юзига ёпишган қорни сидириб ташлаб, овози борича бақирди.

— Ўт оч! Ўт оч!..

Хандақ ичида аллақанча одам чаққонлик билан ишга тушганди...

(...Шведлар шох кўтариб хандақ лабига чопиб келиб ичига ташлашар ва бу шохлар орқали кўтарма устига нарвонсиз чиқишарди...)

...Алексей ўқ узган Голиковни ҳам кўрди: у милтиқ найзаси билан ўзини ҳимоя қилар ва кетига тисарилар-ди... Уст-боши қор бўлган баҳайбат киши оёқларини ғовдан оширибб, унинг найзасига ёпишиб олганди: Голиков милтиқни бу ёққа тортар, у эса — у ёққа... Алексей чинқириб туриб, қилич билан уни санча бошлади. Яна биттаси ғовдан ошиб ўтди, яна ва яна аллақанчаси, гўё уларни бўрон ҳайдагандек, кетма-кет ошиб ўтаверди... Алексейнинг қиличи гоҳ юмшоқ баданга санчилар, гоҳ хато кетарди... Бирданига кўзларидан ўт чақнаб кетди, қақшатқич зарбдан бош суяги ва юзи мажақланди...

...Голиков хандақдан қандай чиққанини эслаёлмасди... Ўлим ваҳмида жонини ҳовучлаб эмакламоқда эди... Аллаким қўлларини силтай-силтай унинг ёнидан чопиб ўтди, изма-из найза ўқталиб келаётган икки швед кўринди: иккиси ҳам даҳшатли, чорпаҳилдан келган. Голиков ерга ётиб олди... «Эҳ одамлар, эсиз одамлар!..» Бошини кўтариб қаради, оғзи қорга тўлган... Ўрнидан ирғиб турди, турдию икки кишига дуч келди. Федька

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ювин Леопольдус Мирбахни босиб устига ётволган ва томоғидан буғмоқчи бўлиб, ҳаракат қилаётганди... Мирбах нуқул Федьканинг соқолидан тортар эди... Федька эса: «Қутулиб бўпсан, иблис»,— деб хириллар ва уни кифтлари билан янада босиб-янчарди... Андрей Голиков кетига қарамай чопганича кетди... «Эҳ одамлар, эсиз одамлар!..»

. . . . . .

Шведларнинг ўртадаги колоннасига терилган тўрт минг гренадер[1] бутун қурол-яроғи билан Артамон Головнинг двизиясига ёпирилиб ҳужум қилди... Жанг чорак соатгача давом этди. Очликдан тинкаси қуриган, бўронда кўзлари кўрмай қолган рус солдатлари командирларига ортиқ ишонмай, қутурган қору бўронда дўзах азобида аллакимлар учун жон бергилари келмай, кўтармани ташлаб чекинишди... «Йигитлар, бизни сотишди, хиёнат қилишди... Ур офицерларни!»— деб тартибсиз ҳолда лагерь бўйлаб қоча бошлади, қорга тўлган хандақларда ва тўплар олдига уйилган тупроқ устида бир-бирини босиб минди-минди бўлишди... Трубецкой полкини ҳам босиб-янчиб, ўзлари билан бирга олиб қочишди... Тумонат одам тезроқ дарёдан ўтволишни кўзлаб, кўприк томон қоча бошлади...

Шведлар уларни узоқ таъқиб этишмади, негаки қорли бўронда бу қадар улкан лагерда адашиб қолишдан қўрқишди. Трубаларнинг хириллаган товуши уларни қайтишга — кўтарма устига тўпланишга чақирди... Лекин гренадерлардан бир қисми ғовларга дуч келиб қолишди: обозлар ғовлар ортида эди... Гренадерлар: «Мит готс хильф, худога таваккал»,— деб наъра тортишди-да, бир ҳамлада обозларни эгаллашди. Устини қор босган чипталар остида бочка-бочка тузланган эт, бочкаларда ароқ — ҳаммаси уларга қолди. Мингтадан кўп гренадер жанг охиригача шу бочкачалар ёнидан кетмади... Аравалар орасида изғиб юрган руслардан бир қисмини найза санчиб ўлдиришди, қолганларини бу ердан қувиб юборишди.

Пиёдалар кетидан лагерга бузилган дарвозадан суворилар ёпирилиб кирди-да, тўғри асосий саркубга ҳужум қилишди. «Лев» ва «Медведь» номли замбараклар устига от солиб, тўпчиларни қириб ташлашди, бошидан

[1] Сараланган аскар. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

жароҳатланган командир Яков Винтершиверк қиличини топшириб таслим бўлди. Шведлар замбарақларни кетига — шарққа томон буриб, Вейденинг истеҳкомига қарата ўт очишди. Бу ерда улар қаттиқ қаршиликка дуч келишди: Вейде бутун дивизияни ғовлар ортида тўрт қатор қилиб жанг қилмоқда, четандан ошаётган шведларни ўзи найза билан санчиб қулатмоқда эди. Орқадаги солдатлар милтиқларни ўқлаб беришар, олдиндагилар — нишонга олмасдан отаверишарди... Бутун хандақ ўликка ва ярадорларга тўлган эди. Асосий саркубдагилар гумбурлаган «Лев» билан «Медведь»ни овозидан танишгач, Вейде кўтарма устида от чоптириб: «Йигитлар, маҳкам туринглар»,— деб далда бера бошлади. Шу пайт от туёқлари тагида бомба портлади: от икки оёқда ғоз турганини ва бирдан ағдарилиб тушганини тутун орасидан ҳамма кўрди...

. . . . . .

Шереметьевнинг сувори полкларини шведлар ўрмон билан Вейденинг истеҳкоми орасига суриб, дарёга тақаб қўйишганди. Олдинда — қор қуюни юзга урар, орқада — Нарова дарёси ҳайқирар эди. Ўрмон эса, даҳшатли овоз билан гувилларди. Суворилар нима бўлаётганини кўрмай, ҳеч нарса тушунмай қаққайиб туришарди. Олдин қулоқларига олисдаги тўпларнинг тобора тез-тез ўт очаётгани чалинди... Кейин жуда яқин жойда, четану ғовлар ёнида отишма бошланганини, жон талвасада чинқирган овозларни эшитиб шу қадар қўрқиб кетишдики, боярваччаларнинг сочлари телпаклари остида тикка бўлди...

Борис Петрович Шереметьев тепа устида ўз аскарлари орасида эди. Остидаги отнинг қулоғи аранг кўрингандан сўнг дурбин керак бўлмай қолди, шунинг учун уни чўнтагига солиб қўйди. Бизнинг лагерда нима бўлаётгани, аҳвол қандайлиги маълум. Қўмондоннинг буйругини кутиш фойдасиз эди. Қўмондон Шереметьевни ё бутунлай унутган, ёинки дворянлар суворисини қидириб тополмаганлар ё эса — бирон фалокат рўй берган бўлиши мумкин эди...

Чап қанотдан, худди ўрмон ичидан бўлса керак, ўқ товушлари эшитилди. Борис Петрович узангига оёқ тираб, гавдасини кўтариб қулоқ солди. Сўнгра ёш князь Ростовскийни ёнига чақириб буюрди:

— Тўрт юз сувори билан ўрмонга от сол, душ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ман у ердан ҳайдаб чиқарилиши керак... Тангри мададкор...

Темир совут ва темир дубулғада ўлгидай совқотган князь пўнғиллаб алланима деди-да, суворилари эргаштириб тепадан туша бошлади.. Шу пайт ўрмонда тўп овози янгради. Аллаким жон талвасада инграб нола қилишга тушди. Бирданига ўнгу сўл ёқдан ва олд томондан ўқлар ёғилиб, ҳамма ёқни қасир-қусир босиб кетди. Борис Петрович дарҳол буйруқ бермоқ: «Таваккал худога, қиличлар суғирилсин, олға»,— деб даъват этмоқ учун у ён-бу ёнга аланглаб қаради. Бироқ атрофида ҳеч ким йўқ: отлар кети билан тисарилиб тепага қайтмоқда эди... «Тамом бўлдик, ҳадемай қириламиз, чекининглар, тезроқ дарёдан ўтиб олиш керак!»— деб мингларча овоз баравар чинқирарди. Чекинаётганлар босиб-янчиб кетмасин учун Борис Петрович отини буриб ўзи четга чиқишга мажбур бўлди; аламига чидолмай кўзини чирт юмиб, ёш боладай хўнграб йиғлаб юборди.

Бўкирган, жон-жаҳди билан чинқириб чучулаган товушлар эшитиларди. Гала-гала отларнинг қаққайган бошлари, ҳурпайган ёллари, қор ёпишган сағринлари тўлқин сингари лопиллаб, дарё бўйига яқинлашмоқда эди. Қирғоқ тик бўлгани учун отлар кети билан сирғаниб тушар, баъзилари оёғини тираб кетга тисарилиб йиқилар, ортдагилар эса ўқдай учиб келиб, улар устидан от сакратиб ўтишарди... Бўронда чарх урган қор пардаси орасидан, сап-сариқ сув бетида ликиллаган от бошлари, оғзига сув кириб нафаси қайтган одамларнинг юзлари, гирдоб ичидан чиқиб жон ҳалпида ҳавога тармашган қўллари кўринарди... Бир юз кетидан иккинчи юз сувори ўзини Наровага ташлаб жон-жаҳди билан сузар, кўплари тезоқар жойдан чиқолмай ғарқ бўларди...

Борис Петровичнинг остидаги арғумоқ дарё ўртасидаги кичкина оролга сузиб ўтди, нафасини ростлаб олгунча бирпас турди-да, яна оҳиста сувга тушди, тумшуғини баланд кўтариб, нариги қирғоқ томон сузиб кетди...

. . . . . .

Жанг майдонида чарх урган қорли бўрон руслардан кўра шведларга хавфлироқ эди. Чунки ҳужумга ўтган колонналар орасида алоқа узилиб қолган, чопарлар қиролни ва генералларни қидириб тополмай, қор қуюнида бекорга у ёқдан-бу ёққа зир югуришарди. Таваккал қи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ тузилган план, яъни шиддатли ҳужум билан русларнинг икки қанотини янчиб ташлаш, уларни қуршовга олиб қалъага тақаб қўйиш ва бастионлардан ўт очиб қириш плани амалга ошмади: рус қўшинининг маркази ёриб ўтилди, Артамон Головиннинг дивизияси тартибсиз ҳолда чекиниб қор қуюни ичида дом-дараксиз кетди, аммо икки қанотдагилар кутилмаганда жон-жаҳдлари билан мудофаада туриб қаттиқ жанг қилишди, айниқса ўнг қанот мисли кўрилмаган даражада қаршилик кўрсатди: энг яхши қисмлар — Семёновский ва Преображенский номли полклар шу қанотда эди.

Орадан тўрт соатча вақт ўтган бўлса ҳам, отишма тўхтамасди. Қор гупиллаб, ҳавода чарх урарди. Қоронғи тушгунча қандай бўлмасин жангни ғалаба билан тугатиш шведлар учун ниҳоятда зарур эди, йўқса лагерь марказига ўтиб олган батальон жуда чарчаган, агар руслар иҳота ғовлари ортидан чиқиб ҳужум бошлашга журъат этса, уларни қуршовга олиб қириб ташлаши мумкин эди, тахминий ҳисоб бўйинча уларнинг икки қанотида ҳали жангга кирмаган ўн беш мингга яқин аскари бор эди.

Жангнинг дастлабки пайтида қирол Карл, марказда ва ўнг қанотда ҳужум қандай кетаётганини бир йўла кузатиб туриш учун уч эскадрон оғир сувори билан Штенбек ва Мейделнинг колонналари ўртасида турган эди. Шу пайт бирданига қору бўрон бошланиб, ҳужумга ўтган колонналар қор пардаси ортида кўздан ғойиб бўлди, ҳаттоки тўпларнинг ўт-алангаси ҳам кўринмай қолди. Карл лабларини маҳкам юмиб, тумшуғини кўтариб, лаззатбахш жанг садоларига қулоқ соларди. Шу пайт генерал Рёншельднинг адъютанти от чоптириб келди-да, гренадерлар марказни ёриб ўтгани ва русларни лагерь ичкарисига қувиб кетаётгани ҳақида рапорт берди. Карл адъютантни кифтидан маҳкам ушлаб, қулоғига бақириб тайинлади:

— Генералга айтинг — қирол буюрди денг, таъқиб этишни тўхтатсин, марказий саркубни ишғол этгач, дарҳол мудофаага тайёрлансин ва мендан буйруқ бўлгунча қимирламай турсин...

Карл ўнг қанотга — Вейденинг истеҳкомларига ҳужум қилиб беҳуда уринаётган генерал Шлиппенбахга кетма-кет чопар юбориб тайинлар эди: «Генералга айтинг — қирол ҳайрон бўляпти денг». Қирол унга мадад

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун резервдан икки рота аскар юборишни буюрди, бироқ уларни қидириб тополмадилар, шундай қилиб мадад куч юборилмади. Шведлар жон-жаҳди билан ёпирилиб, ярми қулаган иҳотага ҳужум қилишарди, генерал Вейде бомба парчаси тегиб жароҳатланганди, руслар қўлга илинган нарса билан қарши чиқиб душманни қайтаришарди...

Минут сайин шведлар учун хавф кучаймоқда эди. Кеча ҳарбий кенгашда ҳамма генераллар Нарва ёнида ҳужум бошлашга қарши гапиришди: очликдан тинкамадори қуриган, қоп орқалаган (ҳужум бошлашга шошилишгани учун обозлар йўлда қолиб кетганди) ўн минг солдат билан русларга қарши — мустаҳкам истеҳкомлар ортига жойлашиб олган эллик минг аскар устига ташланиш ақлдан эмасди... Оқибати чатоқ бўлиши мумкин эди. Лекин Карл: «Ҳужум қилган томон албатта ютади, хавф эса кучга куч қўшади, эртага подшо Пётрни менинг чодиримга ҳайдаб келасиз»,— деб гапни бўлган ва ўзи тузган диспозицияни генералларга сўзлаб берганди; бу диспозицияда бўрондан бўлак ҳамма нарса кўзда тутилган ва бирма-бир баён қилинган эди...

Карл — уст-боши бутунлай қор — тумшуғини кўтариб, эгарда ғоз туриб, жанг садоларига қулоқ соларди. Хавф уни сархуш қиларди. Хавф билан бу хилда ўйнашиш ҳатто Кунгсёр ўрмонидаги айиқ овидан ҳам кўнгиллироқ эди. Кучли шамол чап қанотда отилган ўқ товушларини барала олиб келарди: ўша ёқда генерал Левенгауптнинг икки батальон гренадерлари семеновчилар ва преображенликлар позициясига штурм қилмоқда эди. Қирол безовталанарди: «Наҳотки ўша ёқда — энг асосий, ҳал қилувчи жойда ҳали ҳам ғалаба қозонилмаган бўлса?»

Қирол шартта кетига бурилди-да, аллакимнинг отини юганидан ушлади (қор қуюни орасида от ҳам, эгаси ҳам кўринмасди) — Левенгауптга резервдан тўрт рота аскар ёрдамга юборилсин, деб бақирди. От тумшуғи осмонга сапчиди-ю кўздан ғойиб бўлди. (Бу роталар ҳам топилмагани учун ёрдамга юборилмади.) Чап томонда отишма овози тобора авжига чиқмоқда эди. Қор қуюни ичидан бир сувори офицер учиб чиқди-да:

— Қирол... Генерал Левенгаупт ёрдам сўраяпти,— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Унга тўрт рота аскар юбордим-ку... Таажжуб...

— Қирол... Иҳоталар вайрон қилинди, хандақлар шох ва ўликлар билан тўлди... Лекин руслар ёғоч деворлар ортига ўтиб, маҳкам ўрнашиб олишди... Қон ҳиди ва ўлим ваҳми уларни қутуртириб юборди... Уят сўзлар билан бақириб сўкишяпти, найзабозлик қилиб, олға ташланишяпти... Генерал Левенгаупт бир неча еридан жароҳатланди, шунга қарамай солдатлар олдига тушиб, пиёда жанг қилмоқда...

— Менга йўлни кўрсат!— деди қирол.

Карл шундай деди-ю пошнаси билан от биқинига ниқтаб, шамолу қордан юзини пана қилиш учун энгашганича ўша офицер билан ёнма-ён от чоптириб, ўқ товуши келган чап қанот томонга кетди. Шамол аъзойи баданни тешиб ўтаётгандек, гўё юракда рақс тушиб куйлаётгандек туюларди... Карл шамол билан қорнинг шу хилда базмидан, ўқлар қасира-қусиридан лаззатланар, қўли ҳалитдан қичиб, қиличи иссиқ баданга ботганда қандай таъсир этишини билишга шошиларди... Офицер қўли билан олд томонни кўрсатиб, алланима деб бақирди. Рўпарада қор усти сарғиш доғ сингари кенг ёйилганди... Бу — қорга тўлган жилға ўзани эди. Карл шпораларини от биқинига санчди, жонивор оёқларини жуфтлаб туриб сарғиш доғдан сакраб ўтди, лекин тўрт оёғи билқилдоқ ерга кириб қолди, талпинавергач, то сағрисигача ботди, тумшуғини кўтариб пишқира бошлади. Карл отдан сакраб тушди, бироқ чап оёғи то чотигача ёпишқоқ балчиққа ботиб кетди... Юлқина-юлқина оёғини суғуриб олди-да, шляпаси билан қиличини йўқотиб, эмаклай-эмаклай, бир амаллаб нариги қирғоққа етди,— аллақачон ўтиб олган офицер қўл чўзиб, уни кутиб турган эди...

Шундай қилиб, қирол Карл бир пой этиксиз, бош яланг ҳолда, юнглари яхлаб, совуқдан қалтираб турган ориқ отга минди-ю шпора билан ниқтаб ҳайдаганича, ваҳшиёна қий-чув садолари ва ўқ товушлари келаётган тарафга кетди. От дўппайган оппоқ дўнглардан сакраб ўтарди, лекин бу дўнг эмас — қор тагида ётган ўликлар ва ярадорлар эди... Олдинда ноаниқ соялар кўринарди. Бирданига тўп ўт сочиб гумбурлади... Шу пайт қирол рўпарасида тартибсиз тўпланиб турган бир гала гренадерларини кўрди: ҳаммаси милтиғини ерга тираб, қошқовоғини осилтириб, узун қозиқлардан ишланган девор

www.ziyouz.com kutubxonasi

томонга тикилиб олган, девор атрофидаги қорлар тапталган ва қонга бўялган эди, муккасига ер тишлаб қолган ўликлардан нарида — қозиқ учлари худди найзага ўхшаб кўринарди. Руслар қозиқлар ортида жонли девор ҳосил қилиб, тўлқиндек тебранишарди. Улар мушт кўрсатиб, милтиқ ўқталиб пўписа қилишар, алланима деб чинқиришар эди. Афтидан, ҳозиргина ҳужумни қайтарган бўлсалар керак...

Карл гренадерлар устига бостириб борди-да, ғазаб билан: «Қилич бер!»— деб бақирди... Гренадерлар бурилиб қаради, ҳамма уни таниди... У эса эгардан энгашиб, қўлини чўзиб, дастпанжасини кериб яна бақирди:

— Қилични бер! (Кимдир унинг қўлига қилич дастасини тутқазди.) Солдатлар! Қиролингиз фақат шу ерда, ана шу найзасимон қозиқлар ёнида шон-шуҳрат қозониши мумкин... Қандай бўлмасин бу тўсиқни енгиш шарт... Бу ифлос ваҳшийларни Наровага улоқтиришингиз керак. (Қиличини баланд кўтарди, ўша заҳоти труба чалинди, унинг кетидан иккинчи труба янгради, қорли бўрон орасидан яна биттаси такрорлади, лекин ўзи кўринмади.) Солдатлар... Сизларга тангри ёр, қиролингиз мададкор бўлғай!.. Мен олдинга тушиб сизларни ўзим жангга бошлайман... Кетимдан қолма!..

Шундай деди-ю қонга бўялган қор устидан от чоптириб олға ташланди. Қовоғи солиқ гренадерлар пўнғиллаган овоз билан: «Худога таваккал!» деб унга эргашди. Қозиқлар ортидан бирданига олатасир ўқ узилди. Карл паҳлавонсифат бир русни дарҳол кўз тагига олди, у эса — қозиқ деворнинг тўп ўқи тегиб ўпирилган жойида бошини қуйи солиб турар эди. Карл мийиғида кулиб, отни кетинги оёғида ғоз турғизган ҳамоно ҳалиги рус афтини ваҳшиёна хўмрайтириб, отнинг нақ кўкрагига милтиқ найзасини санчди... Карл от устида қорни билан чўзилиб қолди, лекин сирғалиб кетаётганига қарамай, бутун кучини қўлига тўплади-да, қиличини паҳлавонсифат солдат кўксига шартта жойлади...

Ниҳоят қирол сакраб ерга тушди-ю гандираклаб кетди... (Атрофида очилган оғизлар кўринди, қулоғига бақирган овозлар, темир шарақ-шуриғи, зарблар тарс-турси эшитилди.) Уни итариб юборишган эди — йиқилди. Оғир бир этик елкасидан босиб қорга кўмиб ташлади... Уша заҳоти қиролни суяб оёққа турғизишди, кўтариб олиб кетишди... Фикрлари чалкашди, боши айланиб ҳу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шидан кетди... Карл тўп тегарчиги устида, сассиқ шинель тагида кўзини очди. Трубалар отбой чалмоқда эди... Карл шинелни улоқтириб ташлаб, ўтириб олди:

— Бирон тасининг этигини опкелинг, тезроқ, кўряпсиз-ку, оёқ ялангман... Этик билан от...

. . . . . .

Головин билан Трубецкойнинг полклари аралаш-қуралаш бўлиб кетди, солдатлар ваҳима ичида шведлар чекинадиган йўлни кесиб қўяди, деган хаёлда қоч-қочга тушиб, дарё бўйига етиб олдилар. Тумонат одам кўприкка ёпирилиб тиқилишиб кетганидан понтонлар чўкинқиради, ғарбдан эсган шамолда дам бўлиб кўтарилган Нарованинг сап-сариқ суви кўприк панжараларидан ошиб туша бошлади. Пастда, кўпирган лойқа сувда ўлган отлар, мурдалар қалқиб юрарди. (Булар Шереметьевнинг суворилари,— беш чақирим юқорида дарёдан ўтаётганда ғарқ бўлган одамлар мурдаси эди...) Ўлган отлар оқиб келаверіб, кўприк ёнида уйилиб кетганди. Қирғоқдан одамлар ёпирилиб, бир-бирини итариб бақиришарди. Лиқилдоқ кўприк ўнг томонга оғиб кетди, кўприк тахталарини сув босди, панжаралари қисирлади, арқонлар узила бошлади, ўртадаги понтонлар бутунлай сувга ботиб, кўприк икки ёққа ажраб кетди, устидаги одамлар эса, отлар ўлиги мурдалар билан тўлган Наровага ағдарилиб тушди. Қий-чув, фарёд кўтарилди, лекин орқадагилар яна олға интилиб, бир-бирини итариб бостириб келаверди, солдатлар тўда-тўдаси билан дарёга ағдарила бошлади, икки ёққа ажраган кўприкнинг бериги томони ботқоқлик соҳилга тақалиб тўхтагунга қадар шу аҳвол давом этди.

Герцог фон Круининг чодири ўша томонда, соҳилга яқин жойда, Семёновский ва Преображенский полкларининг орқасида. Уч соатдан бери лагернинг жануб ва ғарб тарафида, қозиқ девор ёнида қирғин жанг давом этмоқда. Қор аралаш бўрон ҳамма ёқни алғов-далғов қилганидан на жангга раҳбарлик қилиш мумкин ва на бирор буйруқ бериш... Чодир ичида Преображенский полкининг командири — бақалоқ Блюмберг стол ёнида бошини чангаллаб, пишиллаб ўтирибди. Унинг рўпарасида Галларт: жуда хомуш, шамга тикилиб олиб, киприкларини пирпиратади,— швед офицерига таъзим билан қилич топшириб таслим бўлиш дақиқасини кутмоқда...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Совут устидан кийик терисидан пўстин кийиб олган герцог фон Круи чодирга кирди: уст-боши қор, дубулға ниқоби тепага кўтариб қўйилган, мўйлови яхлаб шалвираб қолган, лаблари қалтирар эди...

— Менга деса энди бу рус чўчқаларга иблис қўмондонлик қилсин!— деб чинқирди герцог.— Майор Кунингам билан майор Гастни ертўлада бўғиб ўлдиришибди... Капитан Вальбрехт чодирдан ўн икки қадамча нарида чўзилиб ётибди, томоғидан бўғизланган... Подшо уста экан, шунақа армияни менга топшириб жўнаб қолди. Армия эмиш! Армия эмас, нуқул қаланғи-қасанғи аблаҳлар!..

Галларт ирғиб турди-да, гиламни қайириб ташлади, шамол билан бирга чодирга қор ёпирилиб кирди. Тумонат одамнинг ҳайқириғи орасида ўқ товушлари эшитилмай қолди. Герцог шартта бурилди-ю, чодирдан чиқиб кетди. Пастда, соҳилга яқинлашиб қалқиб келаётган яримта кўприкнинг қораси кўринар, устидаги одамлар чинқириб бақиришарди. Ўнг томонда, лагернинг қозиқ девори дарёга тақалган жойда эса сон-саноқсиз одам тўпланиб, телбаларча дод-вой қилар эди...

— Шведлар марказни ёриб ўтди,— деди Галларт,— булар Головиннинг одамлари...

Солдатлар қозиқ девордан ошиб тушмоқда, баъзилари тўда-тўда бўлиб чодир томон чопиб келмоқда эди...

— Хаҳ, дардисар!— деб қичқирди герцог.— Жаноблар, отга мининг!— Пўстинини ечишга тутинди, бироқ совути халақит берди:— Қарашиб юборсангиз-чи, ахир!

Герцог, Галларт ва Блюмберг отлиқ пастга тушдилар ва билқилдоқ соҳил бўйлаб жануб томонга — шведлар рўпарадан ўқ отаётган томонга — таслим бўлиш учун ва шу йўл билан ғазабнок солдатлардан қочиб, жон сақлаб қолиш учун отларини елдириб кетдилар.

. . . . . .

Қош қорайди. Шамол пасайиб, майин қор ёға бошлади. Аҳён-аҳёнда ёлғиз ўқ пақиллагани эшитиларди. Руслар лагерида қабристон сукунати ҳукм сурар, биронта чироқ кўринмасди... Фақат марказда, қўлдан кетган обозлар атрофида швед гренадерлари маст-аласт ҳолда хирилдоқ овоз билан бўкириб қўшиқ айтишарди. Ёнаётган бочкалар алангаси, чўзилиб ётган мастлар ва ўликлар устига ёпилган қор пардасини ёритар эди.

Артамон Головин, Трубецкой, Бутурлин, Имеретинля

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳзодаси, Яков Долгорукий ҳамда ўнта полковник (булар орасида — шонли генерал Гордоннинг ўғли ва Франц Лефортнинг ўғли ҳам бор) — ертўлада кенгашмоқда эди. Подполковниклар, майорлар, капитанлар, поручиклар — жами бўлиб саксонта пиёда ва отлиқ командир — шу ертўла олдига тўпланганди. Яқингинада қирол Карл ҳузурига князь Козловский билан майор Пиль элчи қилиб юборилган эди, бироқ улар ўз солдатларига дуч келиб қолган, солдатлар таниб икковини ҳам ўлдиришган...

Ертўлада чўпчироқ ёруғида Артамон Головин сўзламоқда эди:

— Истеҳкомлар вайрон бўлди, бош қўмондон қочди, кўприклар ишдан чиқди, порох ортилган обозларни шведлар эгаллади.... Эртага жангни давом эттиролмаймиз... Аҳволимиз танглигини, ҳалокат ёқасида турганимизни шведлар қоронғида ҳозирча кўргани йўқ, шунинг учун қиролдан илтимос қилиб, қурол-яроқ ва аскарларни сақлаб қолишга муваффақ бўлишимиз мумкин... Сен, Иван Иванович (Бутурлинга таъзим билан мурожаат қилди), қирол ҳузурига боргин, отахон, унга айтгинки, христианлар қонини тўккимиз келмагани сабабли тарқалмоқчимиз: бизлар ўз юртимизга қайтамиз, сизлар ҳам ўз юртингизга қайтинг, дегин...

— Тўплар нима бўлади? Топширамизми?— деб хириллади Бутурлин.

Унинг саволига ҳеч ким жавоб бермади, генераллар индамай ерга қараб тураверишди. Головин йиғламоқдан бери бўлиб, мағрурона юзи бужмайиб кетди. Лабларн қалин, афт-башараси қоп-қора Яков Долгорукий эса қошини чимириб:

— Бекорга гап сотишдан нима фойда?— деди.— Шармандаликни бўйнимизга олдикми, энди охиригача чидашимиз керак... Раҳм-шафқат тилаб таслим бўляпмиз...

Бутурлин икки тўппонча тепкисини оҳиста тушириб, иккovини ҳам белига қистирди, шляпасини пешанасига бостириб кийди-да, ертўладан чиқди:

— Трубачини чақир!

Бир неча офицер дарҳол унинг ёнига борди:

— Иван Иванович, қандай қарорга келинди? Таслим бўламизми?

— Бизлар жангда ўлишга тайёрмиз, Иван Ивано-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вич... Аммо ўз одамларимиз қўлида ўлишдан худо асрасин...

Руслар лагеридан бир чақиримча наридаги дачада қирол Карл билан унинг генераллари Бутурлинни қабул қилишди. Шведлар ҳам руслар каби эртаги кундан жуда қўрқишар эди... Олдинига баланддан келиб иззатталаблик қилишди, кейин — рус қўшинини тўпсиз ва обозсиз, фақат қўлидаги қурол-яроғи ва байроқлари билан Нарованинг нариги соҳилига ўтказиб юборишга рози бўлишди. Лекин барча рус генераллари ва офицерларини гаров сифатида дачага етказиб келишни талаб этиб, қўшинга оқ йўл — уйга қайтаверсин, дейишди... Бутурлин бунга эътироз билдирмоқчи бўлганди, Карл истеҳзоли кулиб шундай деди:

— Мен оғамга, подшо Пётрга бўлган меҳр-муҳаббатим туфайли унинг шонли генералларини солдатлар қаҳр-ғазабидан тирик сақлаб қолмоқчиман. Қўшин билан кетгандан кўра Нарва шаҳрида бўлиш сизлар учун бехавотирроқ, қорнингиз ҳам тўқроқ бўлади...

Ҳамма шартга рози бўлмай илож йўқ эди... Бир взвод оғир сувори рус генералларини гаров тариқасида олиб келиш учун жўнади. Швед сапёрлари, русларни мумкин қадар тезроқ нариги соҳилга ўтказиб, қутулиш учун дарё бўйига гулханлар ёқиб, шоша-пиша кўприк қуришга тушдилар. Энг олддан Семёновский ва Преображенский полкининг солдатлари байроғу қуроллари билан лагердан чиқдилар ва барабанлар садоси остида кўприкдан ўтдилар: ҳаммаси бир хилда новча, мўйлови узун, қовғи солиқ. Ярадорларни опичлаб олишган. Вейденинг дивизияси кўприкдан ўтаётганда швед суворилари уларга дағдаға қилиб, қуролларни топширишни талаб этишди. Солдатлар сўкина-сўкина милтиқларини ташлашди. Сўнгги полкларни шведлар подадай ҳайдаб, кетидан ўқ узиб кузатишди...

Қирқ беш минглик рус армиясидан тирик қолган оёқяланг, оч солдатлар — командирларини қолдириб, тарқоқ ҳолда, тонг маҳалида қўзғалиб уйлари томон йўл олишди. Иван-городнинг қалъа-истеҳкомлари улар кетидан бир неча бомба ёғдириб кузатиб қўйди...

4

Нарва остонасида қўшин тор-мор бўлгани тўғрисидаги хабар, Пётр Новгород шаҳрига — ҳокимнинг ҳов-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лисига кириши биланоқ, кетма-кет етиб келди. Подшо каретаси кирган очиқ дарвозага поручик Павел Ягужинский тинкаси қуриган отини чоптириб изма-из кириб келди-да, зина олдида отдан тушиб, жавдираган кўзлари ила подшога тикилди.

— Қаердан?— хўмрайиб сўради подшо.

— Ўша ердан, жаноби бомбардир.

— Нима гап?

— Шармандалик, жаноби бомбардир.

Пётр бошини қуйи солиб, ерга қараганича туриб қолди. Меньшиков увишган оёқларини силтаб-силтаб яқинроқ келди, келди-ю подшо нимани сўраганини, у нима деб жавоб берганини дарҳол англади. Зинанинг пастки пиллапоясида турган одам — кўзлари чақчайган мўйсафид ҳоким Ладиженский, турган жойида ағрайиб оғзи очилиб қолди: муздай шамол унинг сийрак сочини диккайтирарди.

— Қани, юр... Гапириб бер.— Пётр оёғини зинага қўйди-да, тўсатдан шартта бурилиб ҳокимга шу қадар ғалати назар ташладики, гўё Новгород ҳокимини биринчи марта кўраётгандек, жуда-жуда таажжубланган дек бошдан-оёқ қараб чиқди.

— Шаҳарда ҳамма нарса мудофаага тайёрми?

— Улуғ подшоҳим... Кечалари ухламай тонг оттираман: қандай қилсам сенга маъқул бўларкин, деб ўйлайман, холос.— Ладиженский тиз чўкди-да, кучук кўзига ўхшаш кўзларини жавдиратиб, тескарисига ағдарилган киприк қовоқларини пирпиратиб ялинишга тушди.— Ахир, қандай мудофаа қилиш мумкин? Шаҳар ночор аҳволда: хандақлар ўпирилган, Волхов дарёсининг кўприги бутунлай чириган... Энг ёмони шуки, мужикларни қишлоқлардан опкелиш қийин: ҳайдасанг ҳам келмайди, бунинг устига от йўқ — ҳаммасини кирага опкетишган... Ўзинг раҳм айла, подшоҳим...

Ҳоким одамга ўхшаб гапирмас, ит сингари улиб фарёд қилар, подшонинг оёғига тармашар эди. Пётр уни оёғи билан итариб юборди-да, даҳлизга югуриб чиқди. Даҳлизда ўтирган монахлар, роҳибалар, поплар, тақия кийган дарвешлар шоша-пиша ўринларидан турдилар. Биттаси, яланғоч баданига боғлаган занжирини шалдиратиб ўрмалагапича скамейка тагига кириб олди...

— Булар қанақа одамлар?

Поплар ва қора мурсакка ўралиб олган монахлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

устма-уст таъзим қилишди, семиз иеромонах[1] кўзларини ғилайлатиб шифтга қараб олди-да, сўзлай бошлади:

— Монастирлар ва ибодатхоналарнинг ҳувиллаб қолишига асло йўл қўймағил, улуғ подшоҳим. Сенинг фармонингда ҳар бир монастирдан ем-хашак билан ўнтадан арава ҳамда темир белкураги ва етарли озиқ-овқати билан одамлар олинсин, дейилган... Шунингдек, ҳар бир черков қавмидан арава ҳамда одамлар... Ростини айтсам,— бу одамзод қўлидан келадиган иш эмас, улуғ подшоҳим... Ҳозир биз фақат Исо йўлига қилинган садақа билан кун кўраётибмиз...

Пётр эшик ҳалқасини ушлаб унинг гапини тинглар, таъзим қилувчиларга кўзини ўқрайтириб тикилар эди.

— Ҳамма монастирдан шикоятчилар келдими?

— Ҳаммасидан,— баравар жавоб беришди монахлар,— ҳаммасидан, ҳаммасидан, меҳрибон отахонимиз,— мунгли овоз билан баравар хиргойи қилишди роҳибалар...

— Данилич, ҳеч кимни чиқарма, эшикка қоровул қўй!..

Пётр емакхонага кириб Ягужинскийнинг ёнига борди-да, Нарва ёнидаги шармандавозлик ҳақида гапириб беришни буюрди. Курсига ўтирмасдан, пастак ва иссиқ уйда у ёқдан-бу ёққа юриб диққат билан тинглар, стол устидан тузланган бодринг олар ва карсиллатиб чайнар, ора-сира савол бериб баъзи нарсаларни аниқларди. Павел Ягужинский барча тўп-замбарак қўлдан кетганини, Шереметьевнинг мингдан ортиқ суворилари Нарова дарёсида ғарқ бўлганини, кўприк икки ёққа ажраб беш минг солдат ҳалок бўлганини, жангда эса — ундан ҳам кўпроқ одам қирилганини, етмишта генерал ва офицернинг таслим бўлиб асир тушганини (ярадор Вейде ҳам шулар орасида) ва ниҳоят, от-аравасиз, командирсиз қолган оч-яланғоч қўшин қандай азоблар ичида чекинганини сўзлаб берди (фақат кичик офицерлар ва унтер-офицерлар қолганди, улар ҳам асосан гвардия полкларида)...

— Герцог биринчи таслим бўлдими? Австралиялик қаҳрамон-а, итвачча! Блюмберг ҳам у билан кетавердими? Алексашка, буни қандай тушунса бўлади? Оғамдай бўлиб қолган. Блюмберг шведларга қочиб ўтса-я... Мут-

[1] Монастирь попи. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

таҳам ўғри! (Пётрнинг оғзидан бодринг уруғлари отилиб чиқди.) Етмиш тўққизта хоин! Головин, Долгорукий, Ванька Бутурлин, ўзим ҳам билардим аҳмоқлигини... лекин — муттаҳам! Трубецкой семирган тўнғиз! Улар қай хилда таслим бўлишди?

— Капитан Врангель оғир суворилар билан ертўла ёнига келди, генералларимиз унга қиличларини топширишди...

— Ҳаммаси-я, лоақал бирортаси индамадими?

— Баъзилари йиғлашди...

— Йиғлашибди... Ботирлар!.. Шундай шармандаликдан кейин улар мени ялинишга ва сулҳ тузишга рози бўлади, деб умидворми?

— Ҳозир сулҳ тузишга рози бўлиш — ўлимга рози бўлиш демак,— деди паст овоз билан Алексашка...

Пётр слюда кўзли дераза олдида тўхтади: гумбазсимон пастак шифтли хонанинг тўрида оёқларини кериб, қўлини орқасига қилиб, бармоқларини дам маҳкам қисиб, дам очиб қисирлатар эди.

— Бу шармандалик — ибратли дарс... Биз шуҳрат ахтармаймиз... Яна ўн марта енгилишимиз мумкин, аммо кейин биз енгамиз, Данилич... Шаҳарни сенга топшираман. Шу бугуноқ ишга киришасан: хандақлар қаздирасан, қозиқ деворлар қурдирасан, ўлсак ҳам, қирилсак ҳам шведларни Новгороддан нари ўтказиш мумкин эмас... Одам юбор, Бровкин билан Свешниковни топиб, дарҳол бу ерга олиб келсин, Новгород савдогарларидан энг яхшиларини ҳам чақириб келсин... Ладиженскийни ҳокимликдан бўшатилсин,— деди ва жойидан қўзғалган Алексашкага тайинлади:— Буюргин, уни ҳайдаб юборишсин. (Меньшиков шошилиб чиқиб кетди. Пётр Ягужинский томон бурилди.) Сен дарҳол бориб уч юзтача арава топгин, ҳаммасига нон ортгин, кечга яқин йўлга чиқиб тезроқ қўшинга етказишинг керак. Тушундингми нима учун тезроқлигини?

— Тушундим, бажарилади, жаноби бомбардир...

— Монахларни чақир...

Пётр эшик рўпарасида скамейкага ўтирди: қовоғи солиқ, важоҳати хунук, худди дажжолнинг ўзгинаси... Руҳонийлар кириб келди. Хона ўзи дим эди, улар киргандан сўнг бутунлай ҳавоси бузилиб, нафас олиб бўлмай қолди.

— Гап бундай, муҳтарам художўйлар,— деди Пётр,—

www.ziyouz.com kutubxonasi

монастирларга ва черковларга бориб дарҳол хабар қилинглар: шу бугундан, ҳозирдан бошлаб ҳамма одам ишга — хандақ қазишга чиқсин. (Иеромонах қалин қошларини қимирлатиб безовталанди, афтидан, гап қотмоқчи бўлди, Пётр унга ўқрайиб ёмон тикилди.) Шошмай тур, отахон... Ҳамма одам темир белкураги ва от-улови билан чиқсин, лекин фақат дастёрларни ишга жўнатиб бошқалар уйда қолмасин: олий даражали монахлардан тортиб барча монахлар, шунингдек, поплар ва дьяконлар хотинлари билан бирга ишга чиқишлари лозим... Худо йўлида астойдил меҳнат қилинглар... Жим тур, иеромонах, гапим тамом бўлгани йўқ... Ҳаммаларинг учун энди мен ибодат қиламан, бу хусусда Константинополь патриархи менга фатво берган... Поручикни монастирларга ва черковларга жўнатаман — бориб текширади: ишсиз юрган бирорта одам топилса — майдонда столбага боғланади — жазоси эллик дарра... Бу гуноҳни ҳам ўз зиммамга оламан. Хандақлар қазилиб, қозиқ деворлар ўрнатилиб тайёр бўлгунча, София жомесидан бўлак черковларда ибодат ўташ тўхтатилади... Боринглар..

Пётр скамейканинг икки четидан ушлаб, бўйнини чўзди: юмалоқ юзини тикандай соқол босган, мўйлови диккайган. Ана даҳшат! Руҳонийлар кети билан сурилаверила, бир амаллаб эшикдан чиқишди...

— Даҳлизда ким бор?— деб бақирди Пётр.— Коровулга ижозат!..

Қадаҳга ароқ қуйди-да, яна у ёқдан бу ёққа юра бошлади... Орадан кўп вақт ўтмай, сиртқи эшик гурсиллаб очилди. Даҳлизда аллакимнинг пичирлагани эшитилди: «Ўзи қани? Жаҳли чиққанми? Шунақа ишлар, беташвиш иш йўқ...»

Бровкин билан Свешников ҳамда новгородлик беш савдогар кирди, улар шапкаларини эзғилаб, чўчигансимон кўзларини очиб юмишарди. Пётр қўлини ўпишга рухсат этмади, хурсандлик билан ҳар бирининг кифтидан ушлаб пешанасидан ўпди, Бровкиннинг оғзидан ўпди.

— Салом, Иван Артемич, салом Алексей Иванович! (Новгородликларга.) Саломатмисиз, муҳтарам савдогарлар... Ўтиринглар... Кўрдингми, вино, тамадди — стол устида, лекин уй эгаси йўқ, ҳокимни ҳайдадим... Бу лаънати ҳокимдан жудаям хафа бўлдим: бу ерда ҳамма

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарса тахт, чуқур хандақлар, мустаҳкам ва баланд қозиқ деворлар тайёр, деб ўйласам, ҳали ҳеч иш қилинмабди... Лоақал белкуракни қўлга олишмабди...

Ҳаммага ароқ қуйди. Новгородликлар қадаҳни олиб дарҳол ўринларидан туришди. Энг аввал подшо ичди, эркин томоқ қирди-да, бўшаган қадаҳ билан столни тиқиллатди.

— Демак, иш ўнгидан келиши учун ичдик. Бу хамир учидан патир... (Пётр кулиб юборди.) Ҳар ҳолда эшитгандирсиз-а? Шведлар қироли бизни пича калтаклади... Ҳозирча омад боқмади — зарари йўқ... Қалтак еган одам қайтага пишиқ бўлади: битта пишиқ иккита хомнинг ишини қилади, шундай эмасми?

Савдогарлар чурқ этмасди; Иван Артемич лабини қимтиб стол тагига тикилар, Свешников бўлса, қалин қошларини чимириб кўзини опқочар эди. Новгородлик савдогарлар секин-аста хўрсиниб қўйишарди...

— Шведлар бир ҳафтага қолмай бу ерга етиб келади. Новгородни берсак, Москвани ҳам берсак — унда ҳаммамиз тамом бўламиз.

— Тавба, тавба...— оғир хўрсинди Бровкин. Қора соқол Свешниковнинг ранги ўзгариб, сап-сариқ бўлиб кетди.

— Шведларни Новгород остонасида тўхтатамиз, ёзгача аскар тўплаймиз, машқ қилдириб яхшироқ ўргатамиз ва илгаригидан кучли қўшин яратамиз... Икки марта кўпроқ тўп қуямиз... Нарва ёнидаги тўплар бир пулга қиммат! Тўп эмас — тўнка... Ким олса — олаверсин, садқайи сар... Энди биз унақа тўп қуймаймиз... Генераллар асир тушди, қайтага хурсанд бўлдим... Бу чоллар — оёғимда тушов, елкамда тоғдай юк эди. Бизга ёш ва навқирон генераллар керак. Ўшанда биз бутун мамлакатни оёққа турғизамиз... Бир марта шарманда бўлдикми — бас! Урушни энди бошлаймиз... Ҳозир бир сўм берсанг, Иван Артемич, Алексей Иванович, икки йилдан сўнг ўн сўлкавой қилиб қайтараман...

Кетига тисарилиб столни муштлади:

— Шундайми, савдогарлар?

— Пётр Алексеевич,— деди Свешников,— сен айтган ўша бир сўмни қаердан оламиз? Сандиғимизда пул қолди дейсанми? Пул қаёқда — сичқонлар...

— Ҳақ гапни айтди, ҳақ гап...— ҳа-ҳалашиб нолишга тушди новгородлик савдогарлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пётр ўқрайиб уларга кўз ташлади. Ҳаммаси жимиб, қимтиниб олди. Зилдай дастпанжасини калтабақай Иван Артемичнинг елкасига қўйиб сўради:

— Хўш, сен нима дейсан?

— Тангрим иккимизни бир ип билан боғлаган экан, Пётр Алексеевич, сен нима десанг, қайга бошласанг — мен тайёр...

Бровкиннинг лўппи юзи равшан, чеҳрасида ҳалоллик акс этарди. Свешников тошдай қотиб қолди: «Ахир ҳозиргина иккимиз гапни пишитиб, пул йўқ деб тураверишга қарор қилган эдик-ку, энди бўлса бу айёр Ванька тўсатдан ўзи отилиб чиқди. Қизиқ...»

Пётр Бровкиннинг кифтларидан қучоқлади, терлаган юзини мис тугмаларига тақаб, кўксига босди-да:

— Сендан худди шу жавобни кутган эдим, Иван Артемич,— деди.— Ақллисан, мардсан, бунинг ажрини кейин кўрасан... Муҳтарам савдогарлар, дарҳол пул топиш керак. Бир ҳафта ичида Новгородни мустаҳкам қалъага айлантиришимиз, Аникита Репниннинг дивизиясини қамал ҳолатига шай қилиб жойлаштиришимиз лозим...

. . . . . .

«...Хандақлар қазишди, черковларни бузишди. Шаҳар атрофини қозиқ деворлар билан ўраб, ораларига шинаклар қилишди, деворнинг икки томонини чим билан кўтаришди...

Бул ишда драгунлар ва солдатлар, турли мансабдаги кишилар, поплар, ҳар хил даражали черков ходимлари — эркагу аёллар ишладилар...

Башняларнинг тупроқдан ясалгани учун яна тупроқ билан кўтариб устидан чим босдилар. Башняларнинг тепаси ва деворларнинг усти ёғочдан эди,— ҳаммасини синдириб ташладилар... ўшал кунларда Жоме ибодатхонасидан ўзга барча черковлар ёпилиб, ибодат қилиш тўхтатилди...

Печора монастирида подполковник Шеншин ишга чиқиши лозим эди. Подшо монастирга келиб суриштирди, аммо Шеншинни топмади, уни қамчи билан аямай савалаш ва оддий солдат қилиб полкка жўнатишни буюрди...

Шунингдек, ишбоши Алексей Поскочин арава эгаларидан беш сўмдан пора олиб, аравани ишга чиқишдан озод қилгани учун Новгородда дорга осилди...»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Преображенский қасрининг зинасида турган соқчи офицер ҳаммага бир хилда:

— Ҳеч ким киргизилмасин дейилган, кетинглар,— деб жавоб қилар эди.

Аллақанча чана ва карета ҳовлига тўпланган эди. Декабрь шамоли изғиб, қорайган чана изларини қорга тўлдирарди. Пўсти яхлаган дарахтлар шовиллар, қасрнинг путури кетган, томида шамол паррак ғичилларди. Подшони кўришга келган министрлар ҳамда бэярлар эрталабдан то кечгача чана ва кареталарда кун бўйи кутиб ўтиришарди. Уч жуфт от қўшилган заррин каретада Меньшиков келди,— ҳаттоки уни ҳам изига қайтишга мажбур қилишди...

Қечқурун соат ўндан ошганда Ромодановский келди. Князни кўриши билан соқчи офицерни титроқ босди: Фёдор Юрьевич айиқ мўйнали пўстинда лапанглаб, ғиштлари ейилган зинапоядан чиқа бошлади. Офицер довдираб қолди: киргизса — подшонинг буйруғини бузади, киргизмаса — князь-кесарь подшодан сўрамасданоқ ўзи буйруқ бериб, қамчи билан савалатади...

Ромодановский қасрга кирди,— ҳар бир эшик ёнида турган соқчи унинг эилдай қадам товушини эшитиши билан дарҳол бекиниб оларди. Князь-кесарь то подшо ҳарамига етгунича йўлда уч марта ўтириб дам олди. Ниҳоят, тирноғи билан эшикни чертиб ҳарамга кирди-да, қадимий қоида бўйича таъзим қилди.

— Нега бу ерга келдинг, амаки?— трубка тутатиб у ёқдан-бу ёққа юриб турган Пётр норози тарзда бурилиб қаради, лекин таъзимга жавоб қилмади.— Ахир, ҳеч кимни киргизма, деб тайинлаган эдим-ку...

— Ҳалиям ҳеч кимни киргизаётгани йўқ, Пётр Алексеевич. Лекин мени ҳатто отанг ҳам тўғридан-тўғри қабул қиларди. (Пётр кифтини қисиб қўйди-да, трубка найини ғажиб, хонада кезишни давом эттирди.) Пётр Алексеевич, кечаю кундуз ўйлайсан, холос, менга айт-чи, нима хусусда ўйлайсан? Раҳматлик отанг билан раҳматлик онанг, амакингнинг маслаҳатига қулоқ сол, деб тайинлашган эди-ку. Кел, биргаликда ўйлаб кўрайлик... Биргаликда ўйласак — илложини топармиз балки...

— Қуруқ гап сотишни қўйсанг-чи, амаки... Ўзинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

биласан-ку, нима хусусда ўйлаганимни. Ёки билмайсанми?..

Фёдор Юрьевич дарҳол жавоб бермади,— ўтирди, пўстин барларини очди (бундай иссиқда нафас олиш кекса киши учун оғир эди), гулдор дастрўмол билан юзини артди.

— Агар мен, қуруқ гап сотиш учун келмаган бўлсам-чи... Билиш қийин, осон эмас...

Пётр бехосдан, овози янграб кетганини ўзи эшитмасдан, шу қадар қаттиқ бақирдики, девор ортида тахтнишин залида турган соқчи капалаги учганидан қўлидаги милтиқни тушириб юборди.

— Бурмистрлар палатасидаги анави ҳамёни катта зиқналарнинг тили чиқиб қопти: шведлар билан урушолмаслигимизни Нарва ёнида исботлаганмишмиз... Ярашиш керак эмиш... Мендан кўзларини опқочишади... Мен улар билан мана бундай гаплашдим... (Фёдор Юрьевични кўксидан, кафтан ёқасидан ушлаб қаттиқ силтади.) Йиғлашади, холос: «Дорга оссанг ҳам, палахга тортсанг ҳам майли, улуғ подшоҳ, пулимиз йўқ, қашшоқлашиб тамом бўлганмиз»,— деб туриб олишди... Нимани ўйлардим!.. Менга пул керак, пул! Кечаю кундуз шуни ўйлайман — қаердан топиш мумкин? (Князздан қўлини олди.) Энди билдингми? Эҳ, амакижон...

— Қулоғим сенда, гапиравер, Пётр Алексеевич, мен ўз фикримни кейин айтаман.

Пётр кўзини қисиб: «Ҳм!»— деб қўйди. Князь-кесарга ер остидан қараб хонада кезаркан, энди майинроқ овоз билан давом этди:

— Мис керак... Қўнғироқларнинг ортиқча даранг-дурунгидан ҳеч қандай наф йўқ, усиз ҳам ибодат қилиш мумкин; черков қўнғироқларини оламиз, эритиб тўп қуямиз... Уролдан Акинфий Демидов хат ёзибди: кўкламгача эллик минг пуд чўян ғўла тайёр бўлади, дебди... Аммо пул масаласи чатоқ! Яна посадлик мужикларга солиқ соламизми? Нимасини оласан? Солиқсиз ҳам улар тамом бўлган, барибир кўкламгача ундириб тўплаёлмайсан. Олтин ҳам бор, кумуш ҳам, лекин ҳаммаси бекор ётибди... (Пётр гапини тугатмасдан Фёдор Юрьевичнинг кўзлари қурбақа кўзига ўхшаб чақчая бошлади.) Биламан, нима демоқчисан, амаки. Шунинг учун сени чақиртирмадим... Лекин бу пулни мен топаман...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳозир монастирь хазинасига қўл теккизиш мумкин эмас, Пётр Алексеевич...

— Нима учун?

— Вақт-соати келгани йўқ ҳали... Ҳозир — хавфли... Ҳар куни менинг олдимга қандай одамларни ҳайдаб келишаётганини гапирмасам ҳам бўлади... (Фёдор Юрьевичнинг тиззаси устига қўйилган йўғон бармоқлари қимирлай бошлади.) Ҳозир сенга энг вафодор одамлар — Москва савдогарлари... Нарва воқеасидан кейин юрак олдириб қўйишган, бу табиий... Ҳар қандай одам юрак олдириши мумкин... Парво қилма, гапириб-гапириб ҳаммаси жим бўлади, бу турган гап, чунки савдогарлар урушдан манфаатдор... Улар пул беради, албатта, фақат сен қизишмаслигинг керак... Ҳозир монастирларга тега кўрма, монастирь уларнинг суянган тоғи... Йўқса девоналар барча майдонларда жар солиб, у куни Гришка Талицкий[1] бозорда томга чиқиб айтган гапни бақириб такрорлашади. Билдингми? Ҳа, ҳушёр бўл... Монастирь хазинасини шов-шувсиз, ими-жимида қўлга олиш керак...

— Муғамбирлик қилма, амаки...

— Муғамбирлик қилишга қариб қолдим...

— Пул дарҳол керак, босқинчилик йўли билан бўлсаям топиш керак...

— Сенга қанча пул керак?— деб сўради Фёдор Юрьевич ва мийиғида кулиб қўйди.

Пётр яна: «Ҳм!»— деди-да, ётоқни бир айланиб чиқди, трубкасини шамдан тутатиб, бир-икки сўриб, тутун бурқситиб, қатъий равишда:

— Икки миллион,— деди.

— Камроқ бўлса-чи?

Пётр дарҳол унинг рўпарасига ўтириб, князни тиззасидан ушлаб силкита бошлади:

— Бўлди-да, амаки, шунча қийнаганинг етар... Ундай бўлса — ҳозирча мен монастирларга тегмайман... Хўпми? Демак, пул бор? Кўпми?

— Эртага кўрамиз...

— Йўқ, ҳозир... Ҳозир жўнаймиз...

---

[1] Григорий Талицкий — раскольник, раскольникларнинг «қаламкаши», «дафтарлар» муаллифи. Пётр биринчини «дажжол» деб атаган. 1700 йилда қатл қилинган. *(Автор изоҳи.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фёдор Юрьевич шапкасини олиб, инқиллаб аранг ўрнидан турди:

— Тангри раҳнамо бўлсин сенга... Агар жудаям қисталанг бўлса — майли, нимаям дердим... (Чол айиқ сингари лапанглаб эшик томон юрди.) Локин ҳеч кимни ёнингга олма, фақат иккимиз борамиз...

. . . . . .

Спас башнясида жом чалинди — соат бир. Князь-кесарь Ромодановскийнинг чарм қопланган каретаси Кремль дарвозасидан кирди-да, маҳкамалар жойлашган кўҳна уйлар орасидаги қоронғи тор кўчалардан айлана-айлана, пастак ғиштин иморат олдида тўхтади. Зинапоя устида ёқинлик фонус турар, темир эшикка суяниб уйқуга кетган пўстинли киши бемалол хуррак отарди. Князь-кесарь каретадан Пётрдан кейин тушдида, фонусни қўлга олди (ичидаги шам тутамоқда эди), пўстин тагидан чиқиб турган чипта чориқни тепди. Пўстинли киши уйқу аралаш «ҳа-ҳалаб» чўчиб тушди, гавдасини кўтариб, пўстин ёқасини очиб қаради, князни таниди-ю, ўрнидан сапчиб турди.

Фёдор Юрьевич уни туртиб четга чиқарди, эшикка солинган қулфни ўз калити билан очиб, Пётрга йўл берди, унинг кетидан ўзи ҳам кирди-да, эшикни ичкаридан қулфлади. Фонусни баланд кўтариб муздай совуқ йўлаклардан ва иссиққина даҳлизлардан ўтиб, шифти гумбазсимон, деворлари нураган пастаккина палатага кирди: бу — Махфий ишлар маҳкамаси бўлиб, уни марҳум подшо Алексей Михайлович тузган эди. Бу ердан чанг, моғор, сичқон ҳиди келарди. Панжара тўсилган икки деразачани бутунлай ўргимчак уяси босиб кетганди. Эшик қия очилиб, капалаги учган мўйсафиднинг — ишончли ички қоровулнинг боши кўринди:

— Кимсиз, нима қилиб юрибсиз бу ерда?— деб сўради.

— Митрич, шам келтир,— буюрди князь-кесарь унга.

Тўрдаги девор тагида — эмандан ишланган ва оғир қулфлар солинган учта шкаф турарди. (Бу шкафларга қўл теккизиш у ёқда турсин, ичида нима борлигини шунчаки суриштириш ҳам қатъиян ман этилган, акс ҳолда қатл этиларди.) Қоровул темир шамдонда шам келтирди. Князь-кесарь ўртадаги шкафни кўрсатиб:

— Девордан четроқ суриб қўй,— деди. (Қоровул

www.ziyouz.com kutubxonasi

бош чайқаб унамади.) — Буюраман... Мен жавобгарман...

Қоровул шамдонни ерга қўйди. Қоқшол елкаси билан итариб кўрди — шкаф жойидан қўзғалмади... Пётр шапкасини, калта пўстинини наридан-бери ечиб ташлади-да, шкафга ёпишди,— бўйни қизариб кетди,— суриб қўйди. Шкаф тагидан сичқон қочиб чиқди. Шкаф турган жойда — чанг аралаш ис босган, ўргимчак уяси танда-танда бўлиб осилиб ётган деворда темир эшик кўринди. Князь-кесарь чўнтагидан оғирлиги икки қадоқ келадиган калит олди ва пишиллаб: «Митрич, шамни яқинроқ ушлаб тур, қоронғилик қиляпти»,— деди-да, қўполлик қилиб калитни аранг жойлади-ю, бурамоқчи бўлди. Ўттиз йил мобайнида занглаб кетган қулф очилмади. «Лом билан очиш керак, Митрич, тез топиб кел».

Пётр шам ёруғида эшикни кўздан кечираркан, сўради:

— Бу ҳужрада нима бор?

— Очганда кўрасан, болам... Сарой дафтаридаги рўйхатга кўра унда махфий ишлар сақланади. Князь Голицин Қрим походига жўнаганда, опанг Софья бир марта тунда шу ерга келган эди... Бир кун мен ҳам келиб уриниб кўрдим, лекин очолмадим... (Князь-кесарь татарча мўйлови остидан кулимсираб қўйди.) Ўшанда Софья туриб-туриб, қайтиб кетган эди...

Қоровул лом билан болта опкелди. Пётр урина-урина болта дастасини синдирди, бармоғи шилинди. Зилдай лом билан эшикни гурсиллатиб ура бошлади. Ҳар бир зарба ҳувиллаган уйда акс садо бериб такрорланарди. Князь-кесарь хавотирланиб, дераза олдига борди. Ниҳоят Пётр лом учини бир амаллаб эшик тирқишига жойлади-да, бутун гавдаси билан босиб, қулфни зулфини билан узиб ташлади — темир эшик ғижирлаб очилди. Дарҳол шамни олди-ю, шифти гумбазсимон, деразасиз ҳужрага кирди.

Ҳужра пўпанак ҳиди, ўргимчак уяси билан тўлган... Девор бўйлаб кетган токчаларда — Иван Грозний ва Борис Годунов давридан қолган жимжимадор ўйма нақшли кўзалар; итальянча нафис қадаҳлар; тантанали маросимларда подшо қўлини ювиши учун тутиб турриладиган дастшўлар; ёллари кумуш ва олтиндан, тишлари фил суягидан ишланган иккита шер; даста-даста олтин тарелка; синиб ишдан чиққан кумуш қандил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар; олтиндан қуйилган зумрад кўзли каттакон товус; бу — бир замонлар Византия императорлари тахтининг ўнг ва сўл томонида турган икки товуснинг бири бўлиб, механикаси синган эди. Пастки токчалар чарм қоплар билан банд, баъзиларининг чириб, сўтилган чоклари орасидан Голландия ақчаси тўкилиб тушганди. Сувсар мўйналари, тўп-тўп шойи ҳамда духоба ва бошқа юмшоқ буюмлар скамейкалар тагида сочилиб ётарди — ҳаммасини куя еган, чириб тамом бўлган эди.

Пётр идишларни қўлга оларди-да, бармоғини ҳўллаб, ишқалаб кўрарди: «Асл тилла!.. Бу кумуш!..» Голландия ақчаси солинган қопларни санаб чиқди: ё қирқ беш қоп, ё ундан ҳам кўп... Сувсар мўйналарни, тулки думларини силкитиб қоқди.

— Амаки, ҳаммаси чириб кетибди-ку...

— Чириса ҳам бинойидай, ҳали иш беради, болам...

— Нима учун менга олдин айтмадинг?

— Сўз берган эдим... Раҳматлик отанг Алексей Михайлович кўпинча походга кетаётиб, ортиқча пул ва қимматбаҳо буюмларни яшириб қўйгин, деб тилхат билан менга топширарди. Умрининг охирида отанг мени ёнига чақириб: бу бойликни меросхўрлардан бирортасига зинҳор бера кўрма, борди-ю уруш вақтида давлат бошига оғир кун келиб, зарурат туғилган тақдирдагина берасан, деб васият қилган эди...

Пётр суюнганидан сонига шапатилади:

— Қутқардинг мени, амакижон, ҳожатимни чиқардинг... Булар менга етади... Монахлар сенга раҳмат дейди энди... Товус!.. Бу товус билан бир полк аскарни кийинтириш, қуроллантириш ва Карлнинг биқинига боплаб тушириш мумкин... Лекин, амаки, қўнғироқ масаласида кўп оёқ тирама,— черков қўнғироқларини барибир оламан,— бунинг учун мендан ўпкалама.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕШИНЧИ БОБ

1

Европа корчалонлари кулиб масхара қилишди ва Болтиқ бўйи халқларининг ўтакасини ёра ёзган ваҳшийлар подшосини тез кунда унутишди, битлиқи қўшини ҳам туман каби тўзиб кетди,— деб суюнишди. Энди ҳамманинг оғзида Карл, ваҳшийларни Нарвадан қувиб ёввойи Москва дашти биёбонига ким улоқтириб ташлади ва ўша ёқда гумдон бўлиб абадий хор-зорликда, азалий нодонликда яшашга ким маҳкум этди — Карл... (Ахир, машҳур сайёҳларнинг гапидан маълумки, русларнинг табиати орсизликни ва пасткашликни тақозо этади...) Шундай қилиб, қирол Карл, бирмунча вақтгача, Европа пойтахтларининг қаҳрамони бўлиб олди. Голландия пойтахти Амстердамда ратуша[1] ва биржа бинолари Нарва ғалабаси шарафига байроқлар билан безатилди; Париж саҳҳоблари дўкон витриналарида иккита бронза медални намойиш қилиб осиб қўйишди, биттасида — шуҳрат париси тасвирланган: «Ниҳоят ҳаққоний иш тантана қилди», деган сўзлардан ясалган гултожни ёш қирolнинг боши устида ушлаб турибди; иккинчисида — қалмоқи телпагини йўқотиб қочиб кетаётган подшо Пётр тасвирланган; Австриянинг Москвадаги собиқ элчиси Игнатий Гвариент, ўз котиби Иоганн Георг Корбнинг хотира дафтарини Венада нашр этиб тарқатди: унда Москва давлатидаги маданиятсизлик ва нодонлик, кулгили тартиблар жуда эпчиллик билан тасвирланган, шунингдек, 1698 йилдаги қонли фожиа — ўқчилар қатли баён қилинган эди. Вена саройида одамлар Псков ёнида руслар яна енгилгани, Пётр эса бир тўда киши билан қочиб қутулгани ҳақида, Москвада халқ қўзғолон кўтариб Софьяни монастирдан озод этгани, малика Софья ҳокимиятни яна ўз қўлига олгани ҳақида очиқ-ойдин гапиришарди.

---

[1] Шаҳар бошлигининг идораси. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо бундай майда-чуйда воқеалар тўғрисидаги ҳамма гаплар,— ниҳоят бирданига бошланиб кетган урушнинг момақалдироқдай даҳшатли садоси ичида дарҳол ўз аҳамиятини йўқотди-қўйди. Испания қироли вафот этди, Франция билан Австрия унинг меросига қўл чўзиб, юриш бошлади. Орага Англия билан Голландия тушди. Серсавлат маршаллар: Жон Черчилль, граф Мальборо, шаҳзода Евгений Савойский, герцог Вандом — бир қанча мамлакатларни вайрон қила бошладилар, шаҳарларга ўт қўйдилар. Италияда, Баварияда ва гўзал Фландрияда ҳамма йўлларни қуролланган дайдилар босиб кетди; улар зўравонлик қилиб тинч аҳолини қийнашар, уйма-уй кириб озиқ-овқат, вино запасларини талаб кетишарди. Венгрияда ва Савеннада қўзғолон кўтарилди. Улуғ давлатлар тақдири, яъни океанларда қайси давлат, кимнинг флоти ҳукмрон бўлиши масаласи ҳал қилинмоқда эди. Шунинг учун Шарқдаги ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйишга тўғри келди.

Нарвадаги воқеадан сўнг Карл қизиқ устида Пётрнинг кетидан қувмоқчи ва Москва томон от солмоқчи ҳам бўлди, аммо генераллар ялиниб-ёлворib, тақдир билан иккинчи марта ўйнашмасликни маслаҳат беришди. Тинка-мадори қуриб, шалоғи чиққан қўшинни Дерпт яқинидаги Лаисада қишлик қўшхонага жойлаштиришди. Қирол Карл ўша ердан сенатга такаббурона хат ёзиб, пул ва қўшинни тўлдириш учун аскар юборишни талаб қилди. Урушни хоҳламаган сенаторларнинг дами ичига тушиб кетди. Сенат янги солиқ солиш тўғрисида қарор чиқарди, кўклам арафасида Лаисага йигирма минг пиёда аскар ва суворилар жўнатди. Лотин тилида —«Москва подшоси билан Швециянинг урушиш сабаблари ҳақинда» деган китоб нашр қилинди. Бу китобни Европа саройларида мамнуният билан ўқиб чиқишди.

Энди Европадаги энг кучли армиялардан бири Карлнинг армияси эди. Олдин қайси томонга зарба бериш тўғрисида бир қарорга келиш лозим бўлди: шарққа — шаҳарлари қашшоқ, бир-биридан йироқ, ўлжаси ва шуҳрати оз бўлса ҳам дашт-биёбон Москва томонгами ёинки ғарб-жанубга — Европанинг юраги ҳисобланган Польшанинг ички томонига, Саксониягами? У томонда улуғ маршалларнинг тўплари аллақачон ишг

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошлаб юборган эди. Карл ғарбда Цезардек шуҳрат қозонишини олдиндан кўнгли сезгандай юраги орзиқиб, ҳовлиқа бошлади. Денгиз қароқчиларидан тарқаган унинг гвардиячилари ҳалитдан Флоренциянинг антиқа шойиларини, Эскуриал[1] ертўлаларидаги олтинларни, Фламандриянинг сумбул сочли жононларини хаёлан кўз олдига келтиришар, Бавария йўлларидаги қовоқхоналарда кайф-сафо қилаётгандек бўлишарди...

Ёз бошланиб йўллар қуригач, Карл саккиз минг кишидан иборат бир корпус аскарни Шлиппенбахга топшириб, руслар мамлакати чегарасига йўл олишни буюрди, ўзи бутун армияни олиб жадаллик билан Лифляндияни босиб ўтди-да, Ригадан икки чақирим юқорироқда, душманнинг кўз ўнгида қайиқларга тушиб Двина дарёсидан ўтди ва қирол Августнинг қўшинини бутунлай тор-мор қилди. Бу жангда, саккизинчи июнда, Иоганн Рейнгольд Паткуль жароҳатланди, лекин бир амаллаб отга миндию қочиб қолди, шундай қилиб, бу сафар асир тушиб қатл этилишдан аранг қутулди.

Энди Рига ёнида аллақандай «битлиқи руслар» эмас, балки Европага донғи кетган саксонлик солдатлар тор-мор бўлган эди. Карлнинг назарида, гўё икки кифтида қанот пайдо бўлгандек туюлар, бу эса шуҳрат парисининг қанотлари эди... Генерал Стенбок Стокгольмга ёзган хатида уни шундай таърифлаганди: «Қирол Карл урушдан бошқа ҳеч нарса тўғрисида ўйламайди... Фойдали маслаҳатларга мутлақо қулоқ солмай қўйди... Гаплари шу қадар баландпарвозки, гўё таңгри бевосита унга раҳнамолик қилмоқда, келгуси ишлари хусусида башорат бермоқда, деб ўйлаш мумкин... У ҳаддан зиёда манманликка ва аҳмоқона тавакалчиликкa берилиб кетди... Менимча, борди-ю, мингта аскар билан қолса, ўшанда ҳам бутун бошли армия устига ташланишдан қайтмаса керак... Ҳаттоки, ўз солдатларининг оч-тўқлиги билан ҳам иши йўқ. Ўз одамларимиздан бирортаси ҳалок бўлганини эшитса, қайғуриш у ёқда турсин, лоақал парво қилмайди...»

Карл Ригадан тўғри от солиб, Августнинг кетидан қувишга тушди. Польшада панлар орасида ўзаро қонли уруш бошланди: ярми шведларга қарши чиқиб, Ав-

[1] Эскуриал — Испания қироллари яшаган сарой. Мадрид ёнида. *(Автор.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғуст тарафини олар, ярми эса, фақат шведлар тартиб ўрнатиши ва Днепрнинг ўнг томонидаги Украина ерларини Киев билан бирга қайтариб олишга ёрдам бериши мумкин, Польша учун янги қирол (Станислав Лешинский) керак, деб бақирар эди. Август Варшавани ташлаб қочди. Карл Польша пойтахтига жангсиз кириб келаверди. Август Краковга бориб, шошилинч равишда янгидан қўшин тўплашга киришди...

Шундан сўнг бир қирол иккинчи қирол кетига тушиб, ҳаётда камдан-кам учрайдиган ғалати ов, қув-қув бошланди. Европа саройларида ёш қирол шарафига қарсаклар яна авжига чиқди, унинг номи шаҳзода Евгений ва граф Мальборо қатори улуғланди. Одамлар унинг тўғрисида, Карл бироита хотинни ёнига йўлатмайди, ҳатто этигини ечмасдан ухлайди, жанг олдидан отда, шляпасиз, ёқасигача тугмаланган ўша кўк-яшил кафтанида қўшин олдида пайдо бўлади-ю, тангри номини тилга олиб, қўшинни эргаштириб аввало ўзи душманга ташланади, деб гапиришарди... Бефайз шарқда подшо Пётрнинг таъзирини бериш вазифаси генерал Шлиппенбахга юкланганди...

Қиш бўйи Пётр дам Москва билан Новгород орасида, дам Воронежда бўлди. Бу ерда бутун кучни ишга солиб Қора денгиз флоти қурилмоқда эди. Москвага тўқсон минг пуд мис қўнғироқ ташиб келинган. Янги тўплар қуйиш устидан — дегрезлик ишига кўзи ўткир, дума мирзабошиси, кекса Виниус бошлиқ қилиб тайинланганди. Виниус Москвадаги дегрезлик заводи қошида мактаб очганди, у ерда икки юз элликта боярзода ва посадлик болаларга ҳамда зоти паст, лекин истеъдодли болаларга дегрезлик ва математикадан, тарих ва истеҳком қуриш илмидан таълим бериларди. Қўнғироқ мисига қўшиб ишлатиш учун қизил мис етишмасди. Пётр маъдан излаб топиш учун Виниусни Сибирга жўнатди. Андрей Артамонович Матвеев (Қизил пешайвонда ўқчилар ўлдирган боярин Матвеевнинг ўғли) — Льежда ишланган милтиқнинг сўнгги нусхасидан ўн беш минг дона, тезотар тўплар, ҳарбий дурбинлар, офицерча шляпалар учун туяқуш пати сотиб олди. Москвада мовут ва сурп тўқийдиган бешта корхона ишларди, — мастерлар катта пул тўлаш шарти билан бутун Европадан ёллаб олинган эди. Эрта тонгдан то қоронғи тушгунча солдатлар билан машқ ўтказиларди. Айниқса

www.ziyouz.com kutubxonasi

офицерлар орасида камчилик кўп эди: ҳам солдатларни ўргатиши, ҳам ўзи ўрганиши лозим эди, лекин баъзи бировлар амал тегди — худо берди дегандек, ҳаддидан ошиб кетар, ёинки ичкиликка берилиб расвоси чиқарди...

Пётр Нарвадаги муваффақиятсизликдан икки ҳафтача кейинроқ Борис Петрович Шереметьевга қуйидаги мактубни юборган эди (ўша кезлари Шереметьев дабдаласи чиққан сувори полклардан қолдиғини — баъзиси отсиз, баъзиси қурол-яроқ, уст-бошсиз қолган-қутган одамларини Новгородга тўпламоқда эди):

«...Бахтсизлик бошга тушганда ҳамма нарсани йўқотишдан ёмони йўқ... Шу сабабдан сенга буюраманким, зиммангга олган ва бошлаган ишингда, яъни суворилларга бош бўлгин ва улар билан биргаликда яқин ерларимизни вақт-соати келгунга қадар мудофаа қилиб, сўнгра душманга яхшироқ зарба бериш учун олға интилгин. Бажармаслик учун ҳеч қандай важ йўқ, чунки, одамлар етарли, дарёлар ва ботқоқликлар музлаган... Эсингда бўлсин: касалликдан бошқа ҳеч қандай баҳона кетмайди... Қочоқлар орасида кўплари ўзини касалликка солган, бунақа касалларни майор Лобанов дорга осди...»

Бироқ номунтазам дворян суворилари ишончли эмасди, шунинг учун унинг ўрнига турли табақадаги кишиларни — деҳқонлар ва қаролларни йилига ўн бир сўм маош ва текин овқат бериш шарти билан эркин ёллаб, ўнта драгун полки тузишга киришилди. Қаролликдан асоратидан ва эрксиз мужиклик ҳаётидан безган талабгорлар шу қадар кўпайиб кетдики, суворилар сафига фақат энг соғлом ва бақувват кишиларни танлаб олишга тўғри келди. Ҳарбий таълимдан ўтган драгун юзлари Новгородга жўнатиларди, у ерда генерал Аникита Репнин уларни тартибга солар, шунингдек, Нарва ёнида бўлган дивизияларни машқ қилдириб чиниқтирар эди.

Янги йилгача Новгород, Псков ва Печора монастири мустаҳкамланди. Шимолда Холмогори билан Архангельскни ҳам мустаҳкамлашди; ундан ўн беш чақирим нарироқда, Березовск ёнида шошилинч равишда харсангдан Ново-Двинка номли қалъа қура бошладилар. Ёзда Архангельскка, июнь ойидаги ярмаркага Англия ва Голландиядан аллақанча савдо кемалари

www.ziyouz.com kutubxonasi

келди. (Уша йили ажнабийлар билан савдо-сотиқ ишини ғазна ўз қўлига олиб, илгаригига қараганда кўпгина янги хил моллар: денгиз ҳайвони, балиқ елими, қорамой, ишқор, мўм тайёрлаб қўйган эди. Подшо одамлари қандай мол бўлмасин, ҳаммасини сотиб олиб ғазнага тўплашган, фақат чармдан қилинган моллар ҳамда суякдан ишланган нафис буюмлар хусусий савдогарга қолдирилган эди.) Йигирманчи июнда Швеция ҳарбий флоти Шимолий Двина дарёси денгизга қуйиладиган жойдан бостириб кирди. Бироқ янги қурилган қалъани кўриб, Архангельск томонга ўтишга журъат этмай, барча тўплардан ўт очиб Ново-Двинкани ўққа тутди. Аммо шведларнинг тўрт кемасидан биттаси қумлоқ жойда ўтириб қолди, унинг кетидан яхта ҳам қумлаб тўхтади. Руслар дарҳол қайиқларга тушиб жанг қилишди ва кемани ҳам, яхтани ҳам босиб олишди; қолган учта кема шармандаларча жуфтак уриб Оқ денгизга чекинди.

Бутун ёз бўйи Шереметьев билан Шлиппенбахнинг разведка отрядлари тез-тез тўқнашиб турдилар. Шведлар Печора монастири ёнигача бостириб келишди, унинг атрофидаги қишлоқларга ўт қўйишди, лекин монастирни ололмадилар. Шлиппенбах ваҳимага тушиб Карлга устма-уст мактуб жўнатар: руслар кундан-кунга ҳаддидан ошиб жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатмоқда, назаримда, улар Нарвадаги ҳалокатдан кейин саросимага тушиш ўрнига — тезда ўнгланиб олишган, ҳаттоки ҳарбий тайёргарлик ва қурол-яроғ соҳасида кўпгина ишлар қилишган. Ҳозир фақат икки бригада билан русларга бас келиш осон эмас, шунинг учун яна саккиз минг аскар юборишингизни илтимос қиламан, деб ялинар эди... Уша кунлари Карл Краков шаҳрини ишғол этиб, Августнинг кетидан Саксонияга қувиб бормоқда эди, ҳеч қандай гап, оқилона маслаҳат қулоғига кирмасди.

Хуллас, то минг етти юз биринчи йил декабригача ишлар шу хилда давом этаверди.

Қиш чилласида Борис Петрович Шереметьев қўлга тушган тилчидан, генерал Шлиппенбах ўз аскарлари билан қишки қўшхонада — Дерпт ёнидаги Эрестфер номли дачада тўхтаганини билди. Билди-ю миясига келган дадил фикрдан ўзи қўрқиб кетди: ахир, душман мамлакатининг ичкарисига тўсатдан кириб бориб, дам

www.ziyouz.com kutubxonasi

олаётган душманни гафлатда қолдириб тор-мор қилиш осонми?.. Камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Албатта, илгариги вақт бўлганда Борис Петрович бу хилда тавакқал қилиб бахтини синашга журъат этмасди, аммо ўша йили Пётр Алексеевич жудаям қаттиқ қўл бўлиб олганди: ҳеч кимга тинчлик бермас, ҳаттоки дам олгани қўймасди, бажарган ишинг у ёқда турсин, бажаришинг мумкин бўлган, лекин бажарилмаган ишлар учун ҳам айбдор қилиб қойир эди...

Борис Петрович бахтини синаб кўришга мажбур бўлди. Калта пўстин ва пийма кийган, яқинда хизматга олиниб янгича таълимда чиниққан ўн минг аскар ўн бешта енгил тўпни чаналарга ортиб, жуда тез, лекин фавқулодда ҳушёрлик билан йўл босиб, эҳтиёт шарт учун черкес, қалмоқ ва татарлардан иборат енгил суворн полкларни олдинроқ жўнатиб, уч кунда Эрестферга етиб келди. Шведлар Ая дарёсининг қор босган баланд қирғоғида пайдо бўлган одамларни — камону найза билан қуролланган қулоқчинли суворилари кеч пайқадилар. Подполковник Ливен икки рота аскар ва битта тўп билан дарё бўйига чиқди. Қийиқ кўз ваҳшийлар нариги қирғоқдан туриб камонларини қўлга олишди-да, ёппасига ўқ узишди, унинг кетидан гўё бир гала бўри баравар увлагандек, қийқириқ кўтарилиб тобора даҳшатлироқ янгради: қор тўзитиб, типпатик қирғоқдан тўғри дарёга от солган суворилар — эгри қиличини ўйнатган олачопон татарлар, найза ўқталган кўк чакмонли черкеслар ўнгу сўл ёқдан бало-қазодай ёпирилишди, қалмоқлар қий-чув кўтарилиб, рўпарадан тиккасига от солиб ҳужум қилишди. Подполковник Ливеннинг ўзини ҳам, эстляндиялик уч юз ўқчини ҳам қилич билан чопиб, найза билан санчиб ўлдиришди, то кўйлакиштонларигача ечиб олишди.

Шведлар лагери батамом ҳаяжонга тушди. Олтита тўп билан янги отряд чиқиб отлиқ разведкачиларни дарё бўйидан суриб ташлади. Шлиппенбах трубачиларни ишга солиб, лагерь бўйлаб от чоптирарди, шведлар кийиниб олишга ҳам улгуролмай, уйлардан ва ертўлалардан чопиб чиқишар, қалин қор кечиб ўз қисмлари томон югуришарди. Бутун қўшин дача олдида саф тортиб, ҳужум бошлаган рус армиясига қарши барча тўплардан ўт очди. Уч хил рангли йўл-йўл шарф боғлаб, фақат мовут кафтан кийган, совутсиз Борис Петрович,

www.ziyouz.com kutubxonasi

чорбурчак шаклида тизилган сафлар ўртасида от чоптириб келмоқда эди.

Биринчи марта жангга кирган олдинги саф драгунларни шведлар ўт очиб, довдиратиб қўйди, сўнгра олға ташланиб, қарши ҳужумга ўтди. Аммо чаналар қуюндай елиб келиб ўн беш тўпдан шундай ўққа тутдики, шведлар ҳайрон қолди, ваҳима босиб, сафлари тўзиб кетди. Кропотов, Зибин ва Гулицанинг ўзини ўнглаб олган драгун полклари икки ёнбошдан шведлар устига от солди. «Йигитлар!— сафлар орасидан бақирарди Шереметьев.— Азаматлар! Боплаб уринг шведларни!..» Рус солдатлари милтиқ найзаларини ўқталиб ёппасига олға томон қўзғалди. Бир зумда қош қорайди, қоронғилиқ орасидан ўқлар ёлқини ялт-юлт чақнай бошлади. Шлиппенбах дачадаги иморатлар панасига чекиниш тўғрисида буйруқ берди. Лекин трубалар мунгли товуш билан чекиниш куйини чалиши биланоқ драгунлар, татарлар, черкес ва қалмоқлар янада ғазабга миниб, найзаларини чорбурчак шаклида қалқон қилиб кетига тисарилаётган шведлар устига жон-жаҳди билан отилдилар ва бирпасда сафларини ёриб, янчиб ташладилар. Бошланди қирғин... Генерал Шлиппенбах қоронғида аранг жон сақлаб, Ревелга отлиқ қочиб қолди.

Биринчи ғалаба муносабати билан Москвада мушаклар отилди, ранг-баранг транспарантлар осилди. Қизил майдонга бочкаларда ароқ ва пиво қўйилганди, қўйларни бутунича гулханда пиширишар, халқни кулча нон билан сийлашарди. Ўлжа тушган швед байроқлари Спас минорасида шалпайиб осилиб турарди. Меньшиков эса, олмослар билан безатилган подшо суратини Борис Петровичга топшириш ҳамда унга генерал-фельдмаршал унвони (шу дамгача бундай унвон йўқ эди) берилганини маълум қилиш учун Новгородга жўнади. Бу ғолибона жангда қатнашган ҳамма солдатларга бир сўлкавойдан кумуш пул берилди (илгариги ақчалар ўрнига Москвадаги зарбхонада қуйилган биринчи кумуш пуллар).

Борис Петрович, кўз ёшлари билан миннатдорлик изҳор этди ва Меньшиков орқали Пётрга ғоят зарур иш юзасидан Москвага бориш учун ижозат сўраб мактуб йўллади: «Хотиним шу кунгача бировларникида яшаб келмоқда. Шунинг учун унга бошпана бўладиган бирорта уй топиб беришим лозим...» Пётр унга шундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

жавоб қайтарди: «Москвада бўлишингиз, жаноби генерал-фельдмаршал, шарт эмас... Лекин бу масалани ўзингизга ҳавола қиламан... Мабодо келадиган бўлсангиз, унда байрам арафасида қолиб, байрам кунлари изингизга қайтишингиз лозим...»

Орадан бир ой ўтгач, Борис Петрович Шереметьев Гумельсгоф ёнида яна генерал Шлиппенбах билан учрашди. Бу қирғин жангда шведларнинг етти минг аскаридан беш ярим мингги ҳалок бўлди. Ливонияни мудофаа қиладиган куч тугади — денгиз бўйидаги шаҳарларга кенг йўл очилди. Шереметьев бемалол олға томон бораверди, Ливония ўлкаси шаҳар ва қишлоқлари, рицарларнинг қадимий саройлари хонавайрон қилинди... Кузга яқин Пётрга нома йўллади:

«...Қодир эгам ва биби Марям сенинг орзуларингни рўёбга чиқарди: душман ерлари талон-торож қилиниб вайронага айлантирилди, ортиқ вайрон қилинадиган жой қолмади, фақат Мариенбург, Нарва, Ревель ва Рига шаҳарлари бутун қолди, холос. Лекин ташвиш устига яна бир ташвиш қўшилди: бу асирларни нима қилмоқ керак? Лагерлар ва турмалар чухонлар билан тўлиб кетди, ҳаттоки бошлиқлар кетидан эргашиб юришибди... Шуниси хавфлики, булар жудаям баджаҳл экан... Амр қилгил: чухонлар орасидан энг яхши дурадгорларни ва рассомларни танлаб олиб, ишлатиш учун Воронежга ёки Азовга жўнатилсин...»

2

Йигирма кун давомида қадимий Мариенбург қалъасига муттасил бомба ёғдирилди. Пойп кўлидаги кичкина оролга қурилган бу қалъага ҳеч қаёқдан яқинлашиб бўлмас, харсанг деворлари сувдан тикка кўтарилган, қулф ва занжир билан мустаҳкамланган дарвоза рўпарасидаги узунлиги юз саржин келадиган кўприкни шведлар атайи бузиб ташлаган эди.

Қалъада жуда кўп жавдар сақланар эди. Вайронага айланган Лифляндияда оч қолган рус солдатлари учун бу буғдой ниҳоятда зарур эди. Борис Петрович талабгорларни чақиртириб тўплади-да, уларнинг олдига чиқиб: «Қалъада вино кўп, хотинлар кўп,— астойдил ғайрат қилсангиз, бир кечаю бир кундуз айш-ишратга

www.ziyouz.com kutubxonasi

рухсат этаман»,— деди. Солдатлар дарё бўйидаги ёғоч уйларни наридан-бери бузиб бир неча сол ясашди, мингга яқин талабгор солларга тушиб, узун-узун таёқлар билан сурила-сурила, қалъа девори томон сузиб кетишди. Шведлар отган бомбалар соллар орасида портлай бошлади.

Борис Петрович пешайвонга чиқиб, дурбин билан тикилиб ўзича фикр юритарди: «Шведлар аламзада, ғазаби қўзиган,— наҳотки ҳужумга бардош бериб даф қилишаркин? Қамал йўли билан қалъани забт этишга — сираям кўнгил чопмайди, бунинг учун то қишгача оворaю сарсон бўлиб, она сути оғзингга келар...» Шу пайт бирданига Борис Петрович, дарвоза ёнидаги ердан аланга отилиб чиққанини кўрди: башня устидаги ёғоч бостирма лопиллаб кетди, девордан бир қисми ўпирилиб тушди. Соллар ўпирилган жойга яқинлашмоқда эди. Шундан сўнг қалъа деразасида оқ байроқ кўринди. Борис Петрович бир неча бўғинли дурбинни йиғиштирди, шляпасини бошдан олиб чўқинди...

. . . . . .

Қалъа аҳолиси бузилган кўприкнинг сепоя ва яккачўпларидан бир амаллаб қирғоққа ўта бошлади. Болаларини етаклаб, бўхчаю қутиларини кўтариб олган эди. Аёллар йиғлашар, ташлаб кетган уйларидан кўз узолмай қайрилиб қарашар, ўлжа кўзлаб турган русларга қўрқа-писа ер остидан тикилишарди. Лекин қалъадан қочиб чиқаётган одамларнинг кети тугаши билан оқ маккор дарвоза қарсиллаб ёпилди, тор шинакларидан қиттай-қиттай тутун отилиб чиқди,— рус байроғини қалъага тикмоқ учун қайиқда келаётган поручик биринчи ўқдан ҳалок бўлди. Бунга жавобан руслар қирғоқдаги мортиралардан ўт очди. Кўприкдаги одамлар ваҳм ичида қўлларидаги буюмларини сувга тушириб, типирчилаб қолишди. Тўсатдан даҳшатли аланга кўтарилиб, аллақандай қасрнинг томини учириб юборди, гортлаш садосидан кўл ларзага келди, одамлар устига тошу ғишт парчалари ёғилди. Қалъа ва омборхоналар ёнғин ичида қолди. Қандай ҳодиса рўй бергани кейин аниқланди: пропоршик Вульф билан артиллерия юнкери Готшлих аламига чидолмай, порох сақланган ертўлага югуриб киришган ва пиликни ёндириб юборишган. Вульф қочишга улгуролмай портлашдан ҳалок бўлди. Юнкер эса — ҳамма ёғи куйган, қонга бўялган ҳолда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

девор ўпирилган жойда бир кўринди-ю, сувга қулаб тушди, қайиқдагилар уни сувдан чиқариб олишди.

. . . . . .

Тушлик овқат учун дастурхон ёзилган стол ёнида орқасини деразага ўгириб, керилиб ўтирган генерал-фельдмаршал Шереметьев ҳузурига қалъа коменданти бир неча офицер билан кириб келди-да, одоб билан таъзим қилиб қиличини топширди. Офицерлар ҳам таъзим билан қиличларини узатишди. Борис Петрович қиличларни скамейкага улоқтириб юборди-да, ғазаб билан шведларга: «Нима учун илгарироқ таслим бўла қолмадинглар, нега маккорлик қилиб қалъани портлатдинглар? Қаттиқ зулм, ваҳшиёна ҳаракатингиз билан қанчадан-қанча одамнинг қирилишига сабаб бўлдинглар»,— деб бақирди... Уйда ҳозир бўлган рус командирлари: соқоллари ўсиб кетган, юзлари қорайган довюрак полковниклар уларга кўз ўқрайтириб тикилишарди. Шунга қарамай комендант генерал-фельдмаршалга мардонавор жавоб қилди:

— Одамларимиз орасида хотинлар ва болалар кўп, шунингдек, бош руҳониймиз муҳтарам пастор Эрнст Глюк ҳам бор, хотини ва қизлари билан... Илтимос қиламан, шуларни солдатлар қўлига топширмасдан, бемалол ўтиб кетишга рухсат этилса... Аёлларни ва болаларни ушлаб қолиш сенга ярашмайди...

— Ҳеч қандай гап кетмайди!— бақириб юборди Борис Петрович... Соқоли тақир қирилган, уятчанлик акс этган мулойим юзи ғазабдан терлаб кетди. Қорнини ичига тортиб, стол ёнидан аранг чиқди.— Жаноби комендант ҳамда офицерларни қамоққа олинсин!— уч рангли йўл-йўл шарфини тузатди, малина ранг мовут плашини зарда билан елкасига ташлади-да, полковникларни эргаштириб қўшин олдига чиқди.

Қалъадан қоп-қора тутун кўтарилиб, тобора қуёш юзини тўсиб олмоқда эди. Уч юзга яқин асир шведлар кўл бўйида бошини қуйи солиб, қимирламай турарди. Рус солдатлари ҳозирча нима қилишини билмай, асирлар тўғрисида қандай буйруқ бўлишини кутиб, баджаҳл ливонияликлар олдида у ёқдан-бу ёққа бориб келишарди; бундан икки ҳафтача бурун булар бостириб келаётган руслардан қочиб, Мариенбургда жон сақлаган қочоқлар эди, улар қайғудан бошларини кўтармай бўхчалари устида шумшайиб ўтирган аёлларни гапга

www.ziyouz.com kutubxonasi

солишарди. Труба овози янгради. Генерал-фельдмаршал юлдузнусха шпораларини жингирлатиб, салобат билан қадам ташлар эди.

Отдан тушиб турган бир тўда драгунлар орқасидан мўралаган аллакимнинг кўзлари, худди бир жуфт чироқ каби ялт этиб, юракни ўртади... Уруш пайтида хотин кишининг кўзи — баъзан юракка найзадан ўткирроқ санчилади... Борис Петрович улуғворона томоқ қириб: «Ҳм!»— деб қўйди-да, бурилиб қаради... Чангга беланган солдатча кафтанлар орасида ҳаво ранг юбка кўринди... Қошини чимириб, тумшуғини чўзиб қарадию яна ўша кўзларни кўрди: қоп-қора кўзлар навқиронлиги билан, жиққа ёши билан йилтираб-мўлтираб ялинарди... Ўн етти яшар чамасидаги қиз оёқ учида солдатлар елкасидан бўй чўзиб, фельдмаршалга тикилар эди. Мўйловдор драгун ғижимланган солдатча плашини қизга кўйлак устидан ёпинтирди (август ойи бўлса ҳам кун совуқ эди), лекин уни кифти билан туртиб, фельдмаршал кўзидан яширишга уринарди. Аммо қиз индамас, ҳадеб бўйнини чўзарди, қўрқувдан оқариб кетган сўлим юзини жилмайтиришга ҳаракат қилар, бироқ лаблари буришарди. Борис Петрович учинчи марта «Ҳм»,— деб қўйди-да, асирлар ёнидан ўтиб кетди...

. . . . . .

Овқатдан кейин Борис Петрович ғира-шира қоронғида, скамейкада ўтириб уҳ тортмоқда эди... Уйда, унинг ёнида Ягужинскийдан бошқа ҳеч ким йўқ эди, поручик столнинг бир бурчагида перо билан қоғозни қитирлатиб ўтирарди.

— Қоғозга кўп тиқилаверма, кўзингдан айриласан,— деди секингина Борис Петрович.

— Ҳозир тамомлайман, жаноби фельдмаршал.

— Тамомласанг — тезроқ тамомла... (Эшитилар-эшитилмас қилиб ўзича минғирлай бошлади.) Эркак зоти ўзи шунақа, қўндоқда теккан... Оббо жин ургурей... Тангрим ўзи кечирсин-да...

Борис Петрович бутун дастпанжаси билан столни оҳиста дукиллатиб, хиралашган деразага тикиларди. Кўл томонда — қалъадаги ёнғин ҳали ҳам босилмаган эди... Поручик Ягужинский ер остидан жаноби фельдмаршалга масхараомуз қараб-қараб қўяр ва мийиғида ғуларди: чол тушмагурнинг бўйин томири шишиб, оғзининг таноби қочиб, юзи биратўла ялпайиб кетибди-ку...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Буйруқни полковникка обориб бер,— деди Борис Петрович,— сўнгра иккинчи драгун полкига киргин... Анави урядникни... хаҳ, оти қурғур, Оська Дёминни қидириб топгин. Ёнида бир жувон бор... Шунга ачинаман, — драгунлар расво қилиши мумкин... Сен уни бу ерга олиб кел... Шошма... Оськага мана бу бир сўмни бер, сенга инъом қилди, дегин...

— Ҳаммаси бажарилади, жаноби фельдмаршал...

Борис Петрович — уйда бир ўзи — нуқул инқиллар, бошини чайқарди. Нима қилсин ахир: гуноҳ ишдан қанчалик ўзини тийса ҳам — илож йўқ, бусиз яшаб бўлмас экан... Тўқсон еттинчи йилда Неаполга борганида ҳам шу аҳвол... Кўзлари қоп-қора жононга ошиқи беқарор бўлганди... Уни унутиш учун Везувий вулқонига чиқиб дўзах оловини томоша қилган, Капри оролидаги даҳшатли қояларга чиққан, қадимий бутхонада римлик мажусийларнинг худоларини кўрган, католик монастирларини томоша қилган, ҳаттоки Исо қўл-оёғини юваётганда тагига қўйиб ўтирган тахтани ҳам, муқаддас оқшом нонининг бир бурдасини ҳам, ёғоч крестни ҳам ушлаб кўрган,— бу крестга Исонинг киндигидан ва хатнасидан пичаси ёпишиб қолган, Исонинг бир пой эски кавушини ҳам, Иоганн Предтечининг отаси — Зикриё пайғамбарнинг калласини ва шунингдек, кўпгина ажойиб ва ғаройиб нарсаларни томоша қилиб овунмоқчи бўлганди... Лекин, барибир, ўртанган юрак таскин топмади, шаҳло кўз Жулька ҳаммасини тўсиб, кўзига ундан бўлак ҳеч нарса кўринмади. У доира билан ўйинга тушар, қўшиқ айтар эди... Борис Петрович уни Москвага олиб кетмоқчи бўлиб илтимос қилган, оёғига йиқилиб ялинган эди... Оббо жин ургурей... Тангрим ўзи кечирсин-да...

Ягужинский, ҳар вақтдагидай, бирпасда бориб келди, ҳаво ранг кўйлакли бояги қизни оҳиста кифтидан туртиб уйга киргизди: оёғида оппоқ, чиройли пайпоқ, кўкси рўмолининг икки учи билан устма-уст чалиштириб боғланган, қоп-қора жингалак сочларига хас илашган (аftидан, обоздагилар уни арава тагига судрамоқчи бўлишган)... Қиз остона ёнида кўзларини жавдиратиб тиз чўкди-да, бошини қуйи солиб, итоатгўйлик изҳор қилди...

Ягужинский барала томоқ қириб, уйдан чиқиб кетди. Борис Петрович қизга бошдан-оёқ разм солиб, узоқ тикилди: ҳамма ёғи жойида, кўринишидан—чаққон, бўй-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ва қўллари — нозик, ипакдай майин, сутдек оппоқ... Қиз эмас — офатижон... Уни немис тилида гапга солди:

— Отинг нима?

Қиз қисқа, эркин нафас олди:

— Элене Экатерина...

— Катерина... Яхши... Отанг ким?

— Етимман... Пастор Эрнст Глюкникида хизматкор эдим...

— Хизматкор... Жуда соз... Кир ювишни биласанми?

— Биламан... Яна кўп нарсани биламан... Бола боқишни ҳам...

— Жуда соз... Мен бўлсам, кўйлак-иштонимни кимга ювдиришимни билмайман... Хўш, сўраганни айби йўқ — қизмисан?

Катерина хўрсинди ва бошини кўтармасдан ерга қараб:

— Йўқ,— деди...— Яқинда эрга тегувдим...

— Ҳа-а-а... Кимга?

— Қирол кирасири Иоганн Рабега...

Борис Петрович қовоғини осилтириб, зарда билан эрини суриштира бошлади:

— Ҳозир қаерда у? Асирлар орасида эмасми? Балки ҳалок бўлгандир?

— Йўқ, уни кўрдим, тирик: Иоганн ўзини кўлга ташлаб сузганича кетди, ёнида иккита солдат ҳам бор... Шундан кейин кўрмадим...

— Йиғлаш керак эмас, Катерина... Ҳали ёшсан... Бошқасини топиб оласан... Қорнинг очми?

— Жудаям,— деди ингичка овоз билан Катерина ва очликдан сўлишган юзини кўтариб, итоатгўйлик ва ихлосмандлик билан яна жилмайди. Борис Петрович унинг ёнига борди, кифтларидан ушлаб кўтарди-да, майин ва илиққина сочларини ўпди. Кифтлари ҳам илиққина, юмшоққина эди...

— Стол ёнига ўтир. Қорнингни тўйғизамиз. Хафа қилмаймиз. Вино ичасанми?

— Билмадим...

— Демак, ичасан...

Борис Петрович деншикни чақириб, жиддий оҳангда (Худо кўрсатмасин, солдат ҳар хил хаёлга бориб ичида кулса-я!) кечки овқат учун дастурхон ёзишни буюрди. Катеринага тикилиш билан банд бўлиб, овқатдан тузукроқ емади ҳам: оббо сен-ей, жудаям ютоқиб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сан-ку,— дерди ичида, Катерина овқатни тўкиб-сочмасдан, одоб сақлаб, эпчиллик билан олиб ерди, ёшланган кўзлари ила ора-сира Борис Петровичга қараб қўяр, миннатдорлик юзасидан оппоқ тишларини кўрсатиб жилмаярди. Овқат билан вино таъсир қилиб, икки бети лоладай қизарди...

— Кўйлакларинг ҳам куйиб тамом бўлганми дейман?..

— Ҳаммаси тамом бўлди,— деди бепарволик билан...

— Зарари йўқ, топамиз... Шу ҳафта ичи Новгородга жўнаймиз, у ерда қийналмайсан. Бугун — ҳарбийчасига — печь устида ёта қоламиз...

Катерина киприк остидан кўз сузиб унга қаради-ю, қизариб кетди, юзини тескари ўгириб, қўли билан пана қилди...

— Оббо, сени қара-ю... Катерина жонон...— Бу хизматкор жувонга Борис Петрович чиндан ошиқи беқарор бўлган эди... Столдан оша қўлини чўзиб, унинг нозик билагидан ушлади. Катерина кафти билан ҳамон юзини тўсар, лекин бармоқлари орасидан кўзлари ғалати бир тарзда йилтирарди.— Тортинма, кел, кела қол, сени крепостнойликка бермаймиз, қўрқма... Меникида яшайсан... Рўзғор ишларига қарайдиган сендақа хотинни кўпдан бери қидириб юрувдим...

3

Нарва ёнида тор-мор бўлган қўшин Новгородга қайтаётганда, кўпгина солдатлар қочиб, баъзилари шимолга — раскольниклар монастирига, баъзилари — катта дарёларни кўзлаб: Донга, Волга ортига, Днепр этагига кетган эдилар. Жамики азобни кўрган, қовоғи солиқ мужик Федька Ювин ҳам қочган эди... (Агар қочмаса, поручик Мирбахни ўлдиргани учун калласидан ажрарди.) Андрюшка Голиковни авраб бирга қочишга кўндирди — бир вақтлар иккови Шекснада бирга баржа судраган, бир қозондан овқат еган, ҳар ҳолда икки киши бўлса яхши, ёлғизлик қурсин... Нарва фожиасидан сўнг Андрюшка учун қайга борса — барибир энди, ишқилиб яна милтиқ кўтармаса бўлгани...

Кечаси бекатда полк биясини ўғирлашди, монастирга обориб эллик тийинга сотишди, пулини бўлиб олиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, латтага ўраб яшириб қўйишди. Қатта йўлни четлаб қишлоқма-қишлоқ айланиб юришди, гоҳида тиланчилик қилишди, гоҳида ўғирлик: бир попнинг товуғини ўғирлашди, Осташков шаҳрида бурмистрнинг ҳовлисига кириб, бежама югани билан эгарини ўмаришди, икковини қовоқхоначига пуллашди. Икки марта черков кружкасини[1] жойидан кўчириб олишди: биттаси — бўш, иккинчисида — бир тийин бор эди, холос...

Қишни Валдайда, қалин қор босган эски кулбада, тутун қамалиб ис теккан болалар билан, бўридай увиллаган тунги шамолга жўр бўлиб беланчакда чинқирган чақалоқлар билан бир амаллаб ўтказишди... Кўпинча Андрюшка Голиков кечаси уйғониб кетарди-да, товонини ушлаганича ўтирар эди. Шундоққина ёнгинасидаги бурчакда, сасиб-бижиб кетган похол устида бузоқ ковшанарди. Скамейкада мужик хуррак отарди. Полда — чўпчироқ турган токча тагида хотини оёқларини буклаб ётарди. Ис теккан болалар печь устида уйқусираб алаҳларди. Беланчакда чақалоқни сувараклар талар, бетини ва бармоқ учларини тишлаб оғритарди. Чақалоқ тинмай йиғларди... Инга-а-а, инг-а-а... Нега туғилдийкин бу чақалоқ, нега тишлайди уни суварак?— билиб бўлмасди...

— Нега ухламайсан, Андрей?— сўради Федька. (Ўзи ҳам ухлаёлмай, ўйлаб ётганди.)

— Федя, кетамиз бу ердан...

— Қаёққа борамиз, тентак? Кечаси бўронда-я...

— Юрагим сиқилиб кетди, Федя...

— Уй шу қадар сасиб-бижғиб кетганки, нафас олиб бўлмайди. Ҳайвондан баттар яшайдилар. Анави мужикнинг хуррак отишини қара. Туни билан хуррак отади, эрталаб бир чўмич сув ичади-да, яна кун бўйи ҳўкиздай ишлагани ишлаган... Боя суриштириб билдим — бутун қишлоқ помешчик ерида ишлашга мажбур экан. Помешчикнинг ўғли ҳарбий хизматга кетибди, ўзи шу қишлоқда яшар экан, жарнинг нарёгида яхши ҳовлиси бормиш. Чол ўлгудай хасис, золим эмиш. Мужикларда нимаики бўлса, ҳаммасини тортиб олиб, уларга шўрани қолдирар экан. Қўл остидаги мужиклар — ҳаммаси аҳмоқ... Ақллироқ ва дадилроқларни дарҳол аравага босиб, Валдай бозорига обориб, аравадан

---

[1] Черковга аталган пул шу идишга солинади. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

туширмай, чол ўзи сотар экан. Шундай қилиб, ақллилардан қутулибди,— ўз тинчлигини кўзлаган муғамбир чол...

Андрюшка муздай товонини ушлаганича, беланчак сингари тебраниб ўтирибди. Тўрт йил мобайнида Андрей чеккан азоб-уқубатлар ўнта азамат йигитга бемалол етиб ортса керак эди. Лекин жони қаттиқ экан... Жони қаттиқлигига сабаб, калтакдан пишган заиф бадани эмас, зулматдан қутулиш орзуси, букилмас иродаси... Гўё Андрей, йўлида чакалакзор, қўрқинчли ерлар учраса ҳам нуқул интилган одамдек, оч-яланғочлигига қарамай, йилни йилга улаб, чақиримга чақирим қўшиб, жон-жаҳди билан олға интилиб йўл босар ва бир кунмас-бир кун ёруғлиққа чиқишга, ёркин ўлкани топиб, ниҳоят мурод-мақсадига етишига қатъий ишонар эди. Лекин ўша ўлка қаерда, ўзи қанақа?..

Мана ҳозир ҳам Андрей похол устида ёнма-ён ётган Федьканинг сўзига тузукроқ қулоқ солмасдан, кўзини йириб қоронғиликка тикилиб олди... Ниманидир эслаяпти, хаёлан кўз олдига келтиряпти: ям-яшил тепа, бир туп қайин,— барча шохлари, жамики барглари билан толпинади, ёқимли шабада билан ўйнашади... Қандай бахтиёр... Лекин бахт йўқ... Умрида кўрмаган, нотаниш чеҳра пайдо бўлади, оҳиста сузиб жуда яқин келади, кўзини очиб Андрюшкага тикилади, худди тирикдай аниқ кўринди... Агар ёнида бўёқ, мўйқалам, тахта бўлганда — дарҳол нусхасини чизарди... Кулимсираб қўйди-да, секин-секин узоқлашиб ғойиб бўлди... Сўнгра, кўкимтир туман орасидан ғалати шаҳар кўрингандек бўлди... Бирам гўзал, бирам антиқа шаҳарки, оғиз очилиб қолади! Бу шаҳар қаерда бўлиши мумкин? Барглари билан талпинган қайинни, кулимсираган ажойиб чеҳрани қаердан излаб топиш мумкин?

— Эрталаб турамизу тўғри боярин қўрғонига борамиз, ёлғон-яшиқ гаплар билан хурсанд қиламиз, бизни қаролхонага обкириб овқат беради, қарабсанки, қорнимиз тўқ,— деди Федька хириллаган товуш билан. Бадавлат кишилар ҳовлисига кирганда у ҳар доим ҳикояни Нарва фожиасидан бошлаб, бўлган воқеага қаёқдаги йўқ нарсаларни қўшиб гапираверарди. Баъзан помешчик ҳам азбаройи зерикканидан қаролхонага кириб, қўлини жағига тираб, ғамгинлик билан ҳикояни тингларди. Ҳикояни жуда боплар эди Федька, айниқса, қирол Карл

www.ziyouz.com kutubxonasi

неча минг-минг христиан лашкарини қиргандан сўнг жанг майдони бўйлаб отда ўтаётган пайтини тасвирлаганда — тингловчиларнинг кўзлари ёшланиб, ўпкаси тўлиб кетарди...

«...Юзи нуроний, чап қўлида—ҳукмронлик нишони, ўнг қўлида — ўткир қилич, усти боши — олтину кумушдан, остида — кўк арғумоқ, жудаям асов, то қорнигача одамзод қонига беланган, иккита мардона генерал жиловдор юганидан ушлаб бормоқда... Бирданига қирол устимга бостириб келиб қолди денг... Мен бўлсам, ётибман сулайиб — кўксимдан ўқ еганман... Ёнимда шведлар — ҳаммаси ўлган, ётибди чўзилишиб. Қирол тепамга келиб тўхтади: «Бу ётган қанақа одам?» — деб сўради генераллардан. Генераллар дарҳол жавоб қайтариб: «Бу одам рус солдати, довюрак экан: православ дини учун жанг қилиб, бир ўзи ўн иккита гренадеримизни ўлдирди»,— дейишди. «Қаҳрамонларча ҳалок бўпти»,— деди қирол. «Йўқ, у тирик, кўксидан ўқ еган»,— деб тушунтирди генераллар... Шундан сўнг улар мени кўтариб турғизишди, мен дарҳол милтиғимни ердан олдиму, қирол ҳурматини бажо келтириб «смирно» вазиятида қимирламай қотиб турдим. «Баракалла, азамат,— деди-да, чўнтагидан олтин червонс олиб: — Ма, сенга инъом қиламан, довюрак рус солдати, энди бемалол ўз Ватанингга қайтишинг мумкин, лекин русларга айтиб қўй: худо билан ўйнашмасин, бой билан беллашмасин, швед билан урушмасин»,— деб тайинлади...»

Шундай ҳикояни эшитишгандан сўнг одамлар Федькага ва Андрейга овқат, тунашга қаролхонадан жой беришарди. Лекин бадавлат кишилар қўрасига кириш осон эмасди. Одамлар шубҳаланадиган бўлиб қолди. Ҳарбий хизматга олинишдан, ҳарбий ва маҳаллий мажбуриятлардан қочганлар сони йилдан-йилга кўпая бошлади. қочоқлар ўрмонларга бекинишар, якка ҳолда ўғирлик ёки шайка тузиб қароқчилик қилишарди... Баъзи шаҳарларда фақат чолу кампирлар ва ёш болалар қолган, холос, кимни сўрасанг:— у драгунликка олинди, анави хандақ қазияпти, ёки Уролга жўнатилди,— деган жавобни эшитасан; яқиндагина бозорда баққолчилик билан шуғулланган бообрў, художўй, туппа-тузук савдогар эса ҳозир хотин, бола-чақасини ташлаб, жарда ҳуштак чалиб, чўқмор билан йўлтўсарлик қилиб юрган эмиш...

Федьканинг миясига бир неча марта: яхшиси қароқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиларга қўшилиб қўя қолсакмикин?— деган фикр келиб, ўйланиб қолди. Сирасини айтганда, бу аҳволда қайгаям бориш, нимаям қилиш мумкин? Умр бўйи қўрама-қўра санқиб юриш ахири жонга тегади-да... Кошки Андрей гапга кира қолса: кетамиз дедим — кетамиз, ернинг охиригача борсак, иссиққина ўлкага етамиз,— деб оёқ тираб сира унамади... Федька унга жавобан: «Хўп, ўша ўлкага бордик, дейлик, ахир у ерда ҳам одамлар яшайди, текинга овқат бериб бўпти,— деди.— Қазакларникида батраклик қилишга ёки помешчикка қарол бўлиб қулдай ишлашга, устига-устак, итдай калтак ейишга тўғри келади... Қароқчиларга қўшилсак, маза қилиб ўйнаб юрардик, ҳадемай юз сўлкавойдан пул орттириб, шапка ичига тикиб, яширинб қўярдик. Бунақа пул билан сал кунда савдогар бўлиб олиш мумкин. Ундан кейин сенга ҳеч ким хўжайинлик қилмайди: на драгун, на мирза ва на помешчик — ўзинг хўжайинсан...»

Ёзги оқшомлардан бирида, айни кунботар маҳалида икки дўст далада ўтирар эди. Гулханга қаланган қуруқ тезакдан бурқсиб тутун кўтарилар, шамол кўкатлар бандини букиб оҳиста ҳуштак чаларди. Андрюшка сўнаётган шафақдан кўзини узмас,— унинг шуъласидан фақат уфқ бўйлаб узунасига кетган хира чизиқ қолганди, холос...

— Федя, сенга бир ғалати нарсани айтмоқчиман... Биласанми, юрагимда қандайдир бир куч қайнайди,— дилим шу қадар сезгирки, одам боласи бунчалик сезолмаса керак... Мана, қулоқ сол — шамол кўкат бандларини эгиб ҳуштак чаляпти, сен буни тушунмайсан, лекин мен тушунаман — нола қиляпти, шу қадар тушунаманки, юрак-бағрим эзилиб, дод дегим келади... Уфқда шафақ сўняпти, қоронғилик босиб келяпти, завол пайти — мен ҳаммасини тушунаман, кўнглим шу қадар ғамгин ва айни замонда шу қадар шод-хуррамки, ўша шафақ билан бирга осмонга ёйилиб кетгим келади...

Гулхан чўғини чўп билан титиб ўтирган Федька:

— Қишлоғимизда мужикларнинг ғозларини боқувчи бир тентак бор эди. У ҳам сенга ўхшаб баъзан шунақа гап сўқишга тушиб кетарди, кошки нима деганини биров тушунса... Лекин най чалишга уста эди, бутун қишлоқ тўпланиб эшитарди... Раҳматлик Франц Лефорт учун (ўша кезлари тирик эди) созанда қидириб юрган одамлар шундай найчини қўярмиди, олиб кетишди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Федя, Нарва ёнида Борис Петровичнинг крепостной солдати менга итальянлар мамлакатини таърифлаб ҳикоя қилди... У ерда рассом кўп экан... Уларнинг турмуши қанақалиги, қандай ажойиб расмлар чизиши ҳақида гапириб берди... Шунақа рассомнинг оддий қули, малайи бўлишга розиман, ишқилиб бўёқ қорисам бўлгани — йўқса, асло тинчиёлмайман... Федя, бу иш қўлимдан келади... Силлиқ эман тахтани олиб, мой билан яхшилаб артилади, устидан грунт бериб пардозланади... Иннайкейин, бўёқни олиб сопол ликобчада роса ишқаланади, бир хил бўёқ мойга қорилади, бир хили — тухумга... бўёқ тайёр, мўйқаламни оласану, чизаверасан... (Андрей шу қадар секин гапирардики, ҳатто шамолнинг ҳуштак товушидан ҳам секинроқ эшитиларди.) Федя, кун офтоб чиқса ёришади, ботса — зулматга айланади. Аммо мен тахтага чизган кун ҳамиша ярқираб тураверади... Бир туп дарахт, масалан, қайин ёки қарағай турибди, хўш, унда нима маъно бор? Аммо менинг тахтамга, мен чизган дарахтга қарасанг, барча сир-асрорни тушунасан, юрагинг эзилиб йиғлаб юборасан...

— Ўша сен айтган мамлакат қаерда ўзи?

— Билмадим, Федя... Сўраб-сўраб, топармиз ахир...

— Топсак — топармиз... Менга барибир...

4

Бир минг етти юз иккинчи йилнинг баҳор пайти тўғон қурувчи ўнта мутахассис кемада Архангельскка келди. Уларни Андрей Артамонович Матвеев катта маош тўлаш шарти билан (ҳар бирига ўн етти сўм йигирма тийиндан ойлик ҳамда текин овқат) Голландияда ишга ёллаган эди. Ярмини Тула ёнига, Иванова кўлига — Дон билан Ока орасидаги Упа ва Шатга ўттиз битта тош-тўғон қуриш учун жўнатишди. Ярми — Тверица билан Мета орасига тўғон қуриш учун Вишний Волочекка жўнади. Вишний Волочекдаги тўғон орқали Ладога кўлидан Каспий денгизигача, Ивановадаги тўғонлар орқали эса — Ладога кўлидан Волга бўйига ва ўшанақаси Қора денгизга кемалар учун йўл очиш керак эди.

Пётр Архангельскда эди, у ерда — Двина дарёси денгизга қуйиладиган жой мустаҳкамланмоқда ва Оқ денгиз флоти қурилмоқда эди. Бу ерлик саноатчилар

www.ziyouz.com kutubxonasi

унга, қадим замонларда Вига билан Онега кўли ва Свирь дарёси орқали Оқ денгиздан то Ладога кўлигача сув йўли бўлганини гапириб беришганди. Лекин бу йўл машаққатли бўлиб, саёз жойлар, сув остида қоялар кўп учрарди, агар дарё ўзанлари қазилса ва Онега кўлигача тўғонлар қуриб сув кўтарилса — Оқ денгиз бўйидаги саноатчилар жамики молларини сол билан тўғри Ладога кўлига опкелиши мумкин эди.

Волга, Дон ва Свирь дарёлари орқали уч денгизга чиқиш мумкин бўлган учта катта йўл Ладога кўлига тақалганди. Болтиқ денгизига бориладиган тўртинчи йўл билан Ладога кўлининг орасини Нева дарёсининг кичкина тармоғи ажратиб турар ва унда Нотебург ҳамда Ниеншанц қалъалари жойлашган эди. Голландиялик инженер Исаак Абрахам Пётрга харитани кўрсатиб деди: «Бу ерларда каналлар қаздириб, тўғонлар қурдирсангиз,— сиз бекор ётган денгизларни ва юзларча дарёларни жонлантирасиз, мамлакатингиздаги барча дарёлар суви тўғри Невага қуйилади, қудратли кемаларингизни очиқ океанга олиб чиқади».

Шунинг учун ҳам минг етти юз иккинчи йилда бутун куч, ҳаракат Невани эгаллашга қаратилган эди. Адмиралнинг ўғли Апраксин ёз бўйи Ингрияни хонавайрон қила-қила, Ижорагача борди: денгиз бўйидаги бефайз яланглиқда илон изи йўл солган бу тезоқар дарё соҳилида швед генерали Кронгиортни тор-мор қилиб, Дудергоф тепалари томон улоқтириб ташлади, шармандаси чиққан генерал у ердан Нева ортига — Охтадаги Ниеншанц қалъасига қочди.

Ёш Апраксин Ладога томонга қўшин тортиб, Назия дарёси бўйида тўхтади. Борис Петрович Шереметьев ҳам аллақанча тўп-замбарак ва обозлар билан Новгороддан тўғри ўша томонга жўнаган эди. Пётр эса семёновлик ва преображенлик беш батальон билан Архангельскдан Онега қўлтиғига сузиб келиб Нюхча номли балиқчилар қишлоғи ёнида ясси соҳилга аскар туширди. Подшо Алексей Бровкинни (Отаси Иван Артемич ёзда Нарвага бориб, асир тушган швед подполковникка ўғлини алишиб, устига уч юз сўм бериб, ажратиб келганди) тўғри Сорокага — Вига дарёси бўйидаги раскольниклар монастирларига жўнатди. Алексей Вигани қайиқда бошидан-охиригача текширib чиқиши, дарёга тўғон қуриш мумкинми, йўқми — шуни аниқлаши лозим эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўшин Нюхчадан тўғри Пул кўли ва Вожмосальма монастири орқали ўрмон сўқмоқларидан юриб, устига тахта ташланган ботқоқлардан, кўприклардан ўтиб Повенец томон бораверди. Бу йўлни сержант Шепотев уч ойда қуриб битирган: деҳқонларни, Кемь ва Сум посадидаги монастирларнинг хизматкорларини, шимолий монастирларга қочган раскольникларни ҳайдаб келиб ишлатган эди. Ярог-аслаҳа билан қуролланган иккита яхтани аскарлар — тагига из ясаб қуруқликдан судрашарди. Чириган дарахт ва ғинғиллаган чивин тўла ботқоқлардан, пўстин сингари юмшоққина бахмал ўт босган қўйтошлар орасидан юришарди. Ниҳоят, Виг кўли ва ундаги сердарахт ороллар кўринди: улар гўё сувдан бошини чиқариб, жунини ҳурпайтириб турган даҳшатли махлуққа ўхшарди. Бўзарган осмонда лоақал бир парча булут кўринмас, кўл ҳам, қирғоқлари ҳам қабристон каби ҳувиллаб ётарди, гўё жамики тирик жон чакалакзор орасига биқиниб олгандек эди.

. . . . . .

Ҳарбий йўлдан ўн чақиримча четроқда, Вигорецдаги Данилов монастирида худди рўзанинг сўнгги ҳафтасидагидек куну тун тўхтовсиз ибодат ўталмоқда эди. Кафанга ўхшаш мурсак кийиб олган эркаклар ва хотинқизлар тиз чўкиб, астойдил ибодат қилишар, шамлар ёниб тамом бўлмасдан яна бошқасини ёқишарди. Монастирнинг тўрт дарвозаси ҳам маҳкам ёпилган, дарвоза олдидаги қоровулхонага ва ибодатхона ёнига похол билан смола тайёрлаб қўйилган эди. Дарвеш Нектарий одамларни ўтда ҳалок қилиб қочгандан кейин сира иши юришмай, шу монастирга келиб туриб қолганди. Бироқ Андрей Денисов уни сийламади, халойиқ олдида ваъз қилишга ижозат бермади. Нектарий аламига чидолмай, жаҳл устида чуқурга тушиб индамас бўлиб олди-да, икки йилгача чурқ этмай ўтираверди. Устига ёғоч терилиб чим босилган чуқур ёнига ким келса—дарвеш унга ганда отар эди... Бугун ўзбошимчалик қилиб, шартта чуқурдан чиқди-ю, халойиқ олдига борди: соқоли ўсиб тиззасига тушган, ридосини қурт еб илма-тешик қилган, тешиклар орасидан сап-сариқ қовурғалари кўриниб турарди. Нектарий қоқшол қўлларини осмонга кўтариб чинқира бошлади: «Халойиқ, Андрюшка Денисов қўзиқорин солинган балишга учиб, Исони сотди, худодан қайтди... Анқайиб тураверасизми? Ахир, дажжол икки

www.ziyouz.com kutubxonasi

кема билан ўзи етиб келди бу ерга... Энди ҳаммангизни, чўчқани қамагандай, кемаларга қамаб жаҳаннам сари олиб кетади... Азоб-уқубатлардан тезроқ қутулинглар... Андрюшка Денисовнинг гапига қулоқ солманглар... Ана қаранг: деразадан мўралаяпти, лунжи шишиб, юзидан заҳар томяпти... Подшо Пётр унга қўзиқорин солинган балиш юборган...»

Андрей Денисов иш чатоққа айланиши мумкинлигини, бу аҳволда баъзи бировлар ўтда куйиб ўлишдан ҳам қайтмаслигини сезди-да, деразадан туриб, дарвешга дашном бериб бақира бошлади: «Чуқурда ётавериб миянг айниб қопти, Нектарий, одамларни ўтда куйдирмасанг, кўнглинг ҳеч тинчимас экан, сенга қолса — бутун дунёга ўт қўярсан... Подшо бизни безовта қилмайди, Енимиздан ўтса нима бўпти — ўтаверсин, паноҳи худо, биз учун зарари йўқ... Лекин балиш масаласида менга пичинг қилма, чунки сен ўзинг мендан кўра кўпроқ балишни чайнамай ютгансан. Биламиз, кечалари сенга ким товуқ гўшти ташиганини яхши биламиз, монастирдаги ҳамма товуқни еб тамом қилдинг, чуқур ичи суякка тўлиб кетди, ҳа...»

Бу гапдан сўнг бир неча киши чопқиллаганча чуқурга тушиб у ёқ-бу ёққа қарашди: бурчакда тупроққа кўмилган товуқ суяклари топилди. Халойиқ орасида вағир-вуғир гап бошланди... Андрей Денисов ҳеч кимга сездирмай лип этиб монастирдан чиқди-ю яхши отга миниб дарёнинг нариги томонига — рус қўшини турган жойга жўнади: гулханлар шуъласи кўринган, отларнинг кишнаши ва мис трубалар товуши келган томонга юриб, тезда у ерга етди.

Пётр Андрей Денисовни сурп чодирда қабул қилди: офицерлар билан поход столи ёнида тамаки чекиб ўтирган эди,— чибинни ҳайдаш учун ҳаммаси баравар трубкаларини тутатишарди. У монастирча либос ва тақия кийган бақувват кишини кўриб масхараомуз илжайди:

— Салом, Андрей Денисов, қандай яхши гап билан келдинг? Ҳалиям мендан ҳазар қилиб икки бармоқ билан чўқиняпсизларми?

Денисов стол ёнига, унга кўрсатилган жойга ўтирди-да, юзини буриштирмасдан, бурнини жийирмасдан, фақат тумшуғи тагида ўралашган тутунни қўли билан ҳайдаб, софдиллик ва очиқ чеҳра билан унинг кўзига тикилди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Валинеъмат подшоҳим, Пётр Алексеевич... Кимсасиз ёввойи даштда бир амаллаб иш бошлаган эдик. Бу ерга авом халқ, ҳар хил одамлар аста-секин тўпланди. Баъзиларни ширин гап билан, баъзиларини уриб-сўкиб бўйсунишга ўргатдик. Баъзан, сенинг номингдан фойдаланиб, пўписа қилишга тўғри келди, бунинг учун кечирасан... Катта ишни бошлаганда хато қилмай илож йўқ. Ҳаммасини бошдан кечирдик, баъзан шундай ҳодисалар рўй бердики, энди эслаган билан тузатиб бўлмайди...

— Ҳозир нима қилиняпти, аҳвол қалай?— сўради Пётр.

— Ҳозир, валинеъмат подшоҳим, хўжалигимиз мустаҳкам. Беш юз десятинадан кўпроқ қўриқ ерни тозалаб экинзор қилганмиз, яна ўшанча пичанзоримиз бор. Юз йигирма бош сигиримиз бор. Балиқ овлаш, дудлаб қоқлаш, тери пиширш, кигиз босиш — қўлимиздан келади. Бизда рудани ишлаш биноийдек йўлга қўйилган. Шундай ажойиб кон қидирувчиларимиз ва темирчиларимиз борки, унақа усталар ҳатто Тулада ҳам топилмайди...

Пётр ортиқ илжаймай, жиддий тарзда устма-уст савол берар, берган саволини яна такрорлаб, қаерда қандай руда борлигини қайта-қайта сўрар эди. Сўнгра, Онега кўли бўйларида ва ҳатто Повенецнинг ёнгинасида темир рудаси борлигини, бир пуд рудани эритилса ярим пуд соф темир чиқишини аниқ билгач, трубкасидан тутун бурқситиб сўради:

— Хўш, мендан нима истайсиз, попдан қочган художўйлар?

Денисов бир лаҳза ўйланиб турнб, жавоб қилди:

— Валинеъмат подшоҳим, қўшин учун темир керакми? Керак. Бизга қулайроқ жой кўрсат, биз ўша ерга руда эритадиган печлар, темирчилик устахоналари қурамиз. Бизнинг темиримиз Туланикидан яхши, ҳам арзонроқ бўлади... Уралда Акинфий Демидов пудини эллик тийиндан сотади...

— Бекор айтибсан, ўттиз беш тийиндан...

— Майли, биз ҳам ўттиз беш тийиндан ҳисоблаймиз. Аммо шуниси борки, Урол узоқ, биз — яқинроқ... Бу ерда мис ҳам бор. Повенец ёнида, Айиқ тоғидаги ўрмонларда мачтабоп қарағайлар бор, узунлиги камида қирқ газ келади, қарағаймисан — қарағай... Невани олганингдан сўнг, Голландияга қатор-қатор солларни ҳайдаймиз... Фақат поплар билан мирзалардан қўрқамиз, хо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лос... Бизга уларнинг сира кераги йўқ... Кечирасан, гапга нўноқроқман, билганимча гапиряпман... Бизни ўз ҳолимизга қўйиб бер, ўз уставимиз билан яшайверайлик... Одамларга бир бало бўлди!.. Монастирда уч кундан бери ишни бутунлай йиғиштириб қўйишди, ҳаммаси кафанга ўралиб, дуойи муножот ўқияпти. Моллар суғорилмай, ем-хашак берилмай, оғилхонада қолиб кетди,— маърагани маъраган... Агар бизга уч бармоқ билан чўқинтирадиган поп юборсанг — ҳаммаси қочади, боши оғган томонга жўнаб қолади... Уларни ушлаб бўпсан... Ҳаммаси қийноқ азобини кўрган, неча чиғириқдан ўтган одамлар... Яна пастқам жойларга қочиб қорасини кўрсатмайди, оқибати шуки, бошлаган ишимиз барбод бўлади...

— Қизиқ,— деб қўйди Пётр.— Монастирда одам кўпми?

— Ишлаб турган эркагу аёллар — беш мингта, қолгани ишга яроқсиз чолу кампирлар ва гўдаклар...

— Шулар ҳаммаси эркин одамларми?

— Эрксизликдан қочган одамлар...

— Сизларни нима қилсам экан?.. Майли бўлмаса, кафанни ечинглар... Икки бармоқ билан чўқинасизми, бир бармоқ биланми — менга барибир, билганингизни қилинг. Аммо жамики хўжалик ҳисобидан икки баравар солиқ тўлайсиз...

— Розимиз, бажону дил...

— Қайиқ қиладиган энг яхши усталарни Повенецга юборасиз. Менга кўп эшкакли қайиқлар, икки мачтали кемачалар, умуман, беш юзта кема керак...

— Бажону дил, юборамиз...

— Энди менинг соғлиғим учун ичасан, Андрей Денисов.— Пётр тунука қадаҳга тўлғазиб ароқ қуйди-да, бошини эгинқираб унга тутди. Денисовнинг ранги оқариб кетди. Тиниқ кўзлари ёшланди. Лекин — сиполик билан ўрнидан турди. Сўнгра икки бармоғини маҳкам жуфтлаб, қўлини кенг ёйиб шошмасдан чўқиниб олди-да, қадаҳни қабул қилди. (Пётр тешиб юборгудай бўлиб, унга қаттиқ тикилиб қолган эди.) Бир томчи қолдирмай ичди. Тақиясини олиб қизарган лабларини артди-да:

— Сийлаганинг учун кўпдан-кўп раҳмат,— деди.

— Тамаддисига тутун яхши.

Пётр сўлаги юққан трубкасини унга узатди. Бу гал Денисов кўзи билан масхараомуз кулиб қўйди-да, пи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нагини бузмасдан, трубкани олмоқчи бўлиб қўл чўзди. Бироқ Пётр дарҳол қўлини четлатди.

— Ўша жойларни,— деди Пётр гўё орада ҳеч гап ўтмагандек,—яъни руда топилган жойларни ва атрофдаги ерларни ўлчаб чиқинглар, теварагига столбалар ўрнатиб белгилаб қўйинглар. Бу ҳақда Москвага — Виниусга ёзиб маълум қилгин. Мен унга, топилган конлардан ва руда эритадиган печлардан ўн йилгача солиқ пули олинмасин, деб тайинлайман. (Денисовнинг қошлари чимирилди.) Нима, ўн йил камми? Майли ўн беш йилгача солиқдан озодсиз. Темирнинг нархи хусусида кейин келишамиз. Имилламасдан дарҳол ишга киришинглар. Одам керак бўлса ёки бирор зарурат пайдо бўлса — Виниусга хат ёзиб маълум қилгин... Аммо пул сўраманглар... Қани, яна битта қадаҳ кўтар, художўй авлиё...

. . . . . .

Сентябрь охирларида, ҳаво айниган кунлардан бирида, Назиа дарёси бўйида уч қўшин бирлашиб, Нотебург томон йўл олди. Бу қадимий қалъа, Нева дарёси худди Ладога кўлидан оқиб чиқадиган жойдаги оролга жойлашган эди. Кемалар Невага фақат унинг икки тармоғидан сузиб ўтиши мумкин эди, аммо қалъа рўпарасидан юришга, тўп оғизлари кўринib турган бастионлар ёнгинасидан ўтишга мажбур — шундан бўлак йўл йўқ эди.

Қўшинлар Нотебург рўпарасидаги бурунга чиқиб олди. Пастлаб учган ёмғир булути орасидан қалъанинг харсанг башнялари ва қўрғошин листлари қопланган томи устидаги шамолпарраклар кўринарди. Қалъа деворлари шу қадар мустаҳкам ва баланд эдики, бурунда окоп ҳамда тўплар учун саркуб қазиётган рус солдатлари уҳ тортиб хўрсинишарди. Бу қалъани қурган новгородликлар унга «Тошёнғоқ» деб ном қўйгани бежиз эмас: чақмоқчи бўлган кимсанинг тиши синади... Қалъа деворлари устида қимирлаган жон кўринмас,— афтидан, шведлар бир қарорга келолмай узоқ ўйланиб қолганга ўхшарди. Қоп-қора булут қўрғошин листлари билан қопланган томларни ўраб олмоқда эди. Ниҳоят, тўгарак башня устидаги мачтада шер тамғали қирол байроғи пайдо бўлиб шамолда ҳилпирай бошлади. Оғир тўпдан ванғиллатиб ўт очилди, тўп ўқи вашиллаб келиб бурундаги окоплар олдига — лойга тушди. Шведлар жангга шайланишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қалъанинг орқа томонида Неванинг ўнг қирғоғи жуда мустаҳкамланганди, атрофи ботқоқликдан иборат, у ерга ўтиб олиш осон эмасди. Шунинг учун олдиндан барча қўшин етиб келгунча руслар Ладога кўлидан бурун орқали то Нева бўйигача йўл очишган эди. Ҳозир бир неча минг солдат кемаларни арқон билан тортиб қуруқликка чиқарар ва шу йўлдан Нева бўйигача судраб келиб, қалъадан пастроқда сувга туширарди. Элликтача одам арқон учидан ушлаб кемани олға судрар, яна аллақанчаси бортлардан суяб, ғўлалар устидан жилдириб итаришар эди. «Яна, ҳа! Яна, ҳа! Баравар тармаш!» деб бақирарди Пётр. У кафтанини ечиб ташлаган, кўйлаги жиққа ҳўл бўлганди, ўрма галстук билан боғланган узун бўйнининг томирлари шишиб, оёғи ғўлалар орасига тиқилавериб тўпиғи шилиниб кетганди... Кўзлари косасидан чиқаёзиб, арқон учидан тортиб бақирар эди: «Баравар торт! Бўшашма!» Солдатлар кечадан бери туз тотмаган, кафтлари шилиниб қонаб кетганди. Аммо бу шайтон чарчашни билмас, нуқул бақирар, сўкинар, мушт ишлатар, жон-жаҳди билан кемани судрарди... Қоронғи тушгунича элликта кемани (ҳаммасининг тумшуқ ва дум томонига ўқчилар учун махсус супа ишланган) Невага туширишга муваффақ бўлишди. Одамлар иштаҳасини йўқотиб дуч келган жойда: ким бахмал ўт устида, ким пушта устида ухлаб қолаверди...

Тонг ёришмасдан барабанлар тараклади. Прапоршиклар солдатларни турткилаб, судраб оёққа турғизишарди. Солдатларга милтиқларни ўқлаш ва (ёмғирдан эҳтиёт қилиш учун) икки донадан патронни қўйинга яшириш, икки донадан ўқни лунжида сақлаш тўғрисида буйруқ берилганди. Солдатлар милтиқ замокларини барлари билан пана қилиб, лопиллаб турган кемаларга ва ундаги супаларга чиқишар эди. Тўлқин ёпирилиб бортларга урилларди. Қоронғида тезоқар дарёдан ўнг қирғоқ томон сузиб эшкакка зўр беришарди. У ёқда ўрмон шовилларди. Солдатлар қамишзор соҳилга сакраб-сакраб туша бошладилар. Офицерлар уларни роталарга тўплаш ҳаракатида шивирлаб сўкишар эди.

Узоқ кутишди. Ниҳоят, ҳарир туман орасидан малина ранг шафақ кўриниб тонг ёриша бошлади. Қўрғошин тусли дарё узра кўп эшкакли улкан қайиқ сузиб келиб тўхтади. Қайиқдан Пётр, Меньшиков ва Кенигсек тушди. (Саксония элчиси илтимос қилиб кўнгилли сифатида по-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ходга қўшилган ва ҳозир подшо ҳузурида хизмат қилар эди.) «Тайёр бў-ў-ўл!»— деган команда овозлари янгради. Подшо буталарга тармаша-тармаша, тик жар тепасига чиқиб олди-да, узун сояга ўхшаб, тез-тез юриб кетди, солдатлар унинг кетидан йўрғалади. Пётрнинг калта кафтан этакларини шамол юлқиларди. Унинг чап томонида — Кенигсек. Учови бирдан тўхтади. Орқада келаётган солдатларнинг биринчи сафи уларга етиб олға ўтиб кетди. Пётр команда берди: «Милтиқни мўлжалга тўғрила... Тепкилар кўтарилсин... Сафлар навбатма-навбат ўқ узсин...» Чақмоқтошлар ишга тушиб, ҳамма ёқни чарс-чурс босиб кетди... Иккинчи саф ҳам Пётрнинг ёнидан ўтди. «Олдинга қара! — ваҳшиёна товуш билан бақирди подшо,— биринчи саф, ўт оч!» Ўқлар яллиғи шамолда тебраниб турган яккам-дуккам қарағай ниҳолларини ва тўнкалар ортидаги ялангликни ёритди,— у ердаги пастаккина саркуб кўринди. Ўша ердан шведлар ҳам ўт очишар, лекин иккилангансимон ўқ узишар эди. «Иккинчи саф... Ўт оч!» Иккинчи қатордаги солдатлар ҳам биринчилар сингари баравар ўқ узиб, дарҳол тиз чўкишди... «Учинчи... Учинчи саф!— бақирди Пётр овози бўғилганига қарамай жон-жаҳди билан.— Найза жангига тайёрлан... Олға!..»

Пётр нотекис дала бўйлаб югуриб кетди. Солдатлар сафларни бузиб тобора қаттиқроқ ва ғазабнок ҳайқира бошлади, тумонат аскар милтиқ ўқталиб, қуюндай ёпирилиб саркуб устига ташланди. Шведлар хандақдан қўлларини кўтариб таслим бўлишди. Бир қисми ўрмонга қочиб қолди.

Ўнг қирғоқдаги саркублар батамом ишғол қилинди. Кун бутунлай ёришгач, мортираларни дарёдан ўтказдилар ва ўша куниёқ икки қирғоқдан баравар ўт очиб Нотебургни тўпга тутдилар.

. . . . . .

Икки ҳафтадан бери шафқатсиз бомбардимон қилинган қалъада зўр ёнғин бошланди, тўп ўқи сақланган ертўлалар портлади, бунинг натижасида қалъанинг шарқ томондаги деворидан бир парчаси қулаб тушди. Шундан кейин, дум томонига оқ байроқ қадалган қайиқ пайдо бўлди-да, тез-тез сузиб бурун томон яқинлашиб келаверди. Рус батареялари отишни тўхтатди. Қизиб кетган мортираларга сув қуйиб совитишар, буғ кўтарилар эди. Қайиқдан баланд бўйли, ранги оқариб кетган

www.ziyouz.com kutubxonasi

офицер тушди,— боши рўмол билан боғланган, рўмол қонга белангандн. У ҳадиксираган тарзда атрофга аланглар эди. Алексей Бровкин саркубдан ирғиб ўтдида, унинг олдидан тўсиб, сурбетлик билан тикилиб сўради:

— Қандай иш билан қадам ранжида қилдинг?

Офицер қалъадан кўтарилган тутунни кўрсатиб, швед тилида бидирлаб гапира бошлади.

— Русча гапир, таслим бўласизми ё йўқ? — Жаҳл билан унинг сўзини бўлди Алексей.

Башанг кийинган Кенигсек илжайиб ёрдамга етиб келди: одоб билан шляпасини бошдан олиб офицерга таъзим қилди-да, гапини такрорлатиб таржима қилди: комендантнинг хотини ва бошқа офицерларнинг хотинлари тутуну оловдан ниҳоятда қийналиб кетишибди, шунинг учун қалъадан чиқиб кетишга ижозат сўрашибди...

Алексей офицердан Борис Петрович Шереметьев номига ёзилган мактубни олди. Бирпас қўлида айлантириб турди. Бирданига юзини хунук буриштириб, мактубни ғараз билан офицернинг оёғи тагига — лойга ташлади:

— Фельдмаршалга буни етказмайман... Бу қанақаси тағин? Хотинларни қалъадан чиқариб юборгач, яна икки ҳафтагача одамларимиз штурмда қирилар экан-да... Вақтни чўзмасдан ҳозироқ таслим бўласиз,— гап тамом, вассалом!..

Кенигсек хушмуомала эди: дарҳол хатни ердан олиб, кафтанига артди-да, офицерга қайтариб берди, илтимосдан наф йўқлигини айтди. Офицер кифтини қисиб, жаҳл билан ғулдираб қайиққа тушди, қайиқ соҳилдан жўнаши биланоқ Гошка, Гинтер ва Пётр Алексеевич бошлиқ қирқ икки мортира бараварига ўт очди.

Туни билан ёнғин баттар авж олди. Башняларнинг қўрғошин томлари эриб, стропилалари куйиб қуламоқда, аланга яллиғланиб осмонга сапчимоқда эди. Аланга шуъласи дарёни, русларнинг иккала лагерини, пастроқда қирғоқ бўйлаб тайёр турган юзларча қайиқ ва кемаларни бемалол ёритарди; кема супаларида талабгор йигитлар узун-узун нарвонларни бортга кўндаланг қўйиб, штурмга шайланиб туришарди. Тун ярмидан ошганда тўплар садоси тинди,— фақат қутурган ёнғиннинг гувуллагани эшитиларди, холос...

Тонготар маҳалда икки соат олдинроқ подшо командирлигидаги батарея тўп отиб сигнал берди. Барабан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар қулоқни қоматга келтириб тараклади. Кемаю қайиқлар эшкакка зўр бериб олға томон қўзғалди, аланга ёлқинида қалъа тобора равшанроқ кўрина бошлади. Кемаларни ёш офицерлардан Михайла Голицин билан Карпов ҳамда Александр Меньшиков бошлаб бормоқда эди. (Кеча Алексашка йиғламсираб Пётрга ялинган: «Мин херц, Шереметьев фельдмаршал бўлиб олди... Одамлар мени масхара қилиб кулишади: оғизда генерал-майор, Псков губернатори, амалда эса — деншик эди, деншиклигича қолди, дейишади... Ижозат бер, мен ҳам жангда қойил қилиб юксак ҳарбий унвонга эришай»,— деган эди.)

Пётр фельдмаршал ҳамда полковниклар билан бирга бурунда, батарея ёнида эди. Ҳаммаси дурбинга тикилиб олганди. Кемалар шарқ томондан, девор қулаган томондан қалъага тез яқинлашмоқда, рўпарадан тўп ўқлари ёғилмоқда эди. Биринчи қайиқ қирғоққа урилиб тўхтади, талабгор йигитлар дарҳол нарвонларни судраб, қалъа деворига қўйдилар. Бироқ нарвонлар калталик қилиб ҳатто ўпирилган жойгача ҳам етмади. Йигитлар бирбирининг елкасига чиқиб, девор қиррасига оёқ тираб кўтарила бошлади. Юқоридан улар устига тошлар ёғилар, эриган қўрғошин қуйиларди. Ярадорлар уч саржин келадиган баландликдан думалаб тушарди. Тўп ўқидан ловиллаб ёнган бир неча қайиқ оқим билан бирга оқиб кетди.

Пётр дурбиндан кўз олмасди. Порох тутуни булутдай ўралиб жанг майдонини кўрсатмай қўйган дақиқаларда у дарҳол дурбинни қўлтиққа урарди-да, кафтан тугмаларини бурашга тушарди (бир нечаси аллақачон узилган эди). Юзи тупроқдай бўзариб, лаблари қорайиб, кўзлари ичига кириб кетган эди...

— Хўш, бу нима ахир, бу билан иш битмайди-ку!— дам-бадам такрорларди Пётр ва бўйнини силтаб Шереметьев томон бурилларди. Борис Петрович эса, уҳ тортиб индамасди, чунки у шу икки йил ичида бундан даҳшатлироқ қирғинларни кўраверіб эти ўлиб қолганди.

— Яна тўп ўқини аяшди... Қуруқ қўл билан қалъани олиб кўр-чи! Шундай ҳам бўладими ахир!..

Борис Петрович кўзини юминқираб жавоб қилди:

— Тангри мададкор, шундай ҳам оламиз қалъани...

Пётр оёқларини кериб, яна дурбинни чап кўзига яқин оборди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўлган ва ярадор бўлганлар қалъа девори тагида чўзилиб ётарди. Қуёш баланд кўтарилган, лекин булут ичида эди. Қалъа башняларидан кўтарилган тутун булут томон сузар, афтидан, ёнғин пасая бошлаганга ўхшарди. Талабгорлардан яна бир тўдаси жануб томондан қайиқда етиб келди-да, нарвонларга тармашди. Ҳаммаси тутаб турган пиликни тишлаб олган: қоплардан граната олишар ва пилик билан ёндириб улоқтиришарди. Баъзилар ўпирилган жойга бир амаллаб миниб олди,— бироқ у ердан бошини кўтариб бўлмасди. Шведлар жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатмоқда эди. У ёқдаги тўплар овози, гранаталар портлаши, қичқирган товушлар дарёнинг бу томонида элас-элас эшитилар, дам бутунлай ўчиб, дам яна авж оларди. Орадан бир соат ўтди, икки соат ҳам, лекин аҳвол ўзгармади...

Бутун умид, не-не машаққатлар билан бошланган улуғ ишнинг тақдири — узоқдан кичкина бўлиб кўринган ана шу йигитчаларнинг шижоатига боғлиқдек туюларди, улар эса: нарвонлардан зинғиллаб чиқишар, бўғотлар тагида бирпас тўхтаб нафас ростлашар, яна ўқ узишар, уйилган тошлар орқасига биқиниб шведларнинг ўқларидан жон сақлашарди... Уларга ёрдам беришнинг иложи йўқ, рус тўплари ўт очиш имконидан маҳрум эди. Қани энди, запасда турган қайиқлар бўлса-ю, икки минг солдат дарҳол ёрдамга етиб борса... Бироқ қайиқ йўқ, нарвон ҳам йўқ, граната ҳам етишмас эди...

— Отахон, чодирга кира қолсанг бўларди... Овқат егин, пича дам олволгин... Бу ерда бекорга юрагинг эзилади,— деди Борис Петрович хотинча уҳ тортиб.

Пётр эса, дурбинни кўзидан олмай, бетоқатлик билан тишини иржайтирди. У ёқда, қалъа девори устида, темир совут ва қадимий каска кийган новча мўйсафид пайдо бўлди. У қўли билан пастдаги русларни кўрсатиб, оғзини катта очарди,— афтидан бир нима деб бақираётган бўлса керак. Уни ўраб олган шведлар ҳам бақиришар,— эътироз билдиришаётганга ўхшарди. Мўйсафид биттасини итариб юборди, иккинчисини тўппонча билан урди, оғир қадамлар билан тош қирраларидан юриб, пастга — ўпирилган жойга тушди. Элликтача одам унга эргашиб, кетма-кет тушиб кетди. Девор ўпирилган тор жойда шведлар билан руслар минди-минди бўлиб урйиқит бошланди. Одамзод гавдаси худди юқоридан улоқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирилган қопга ўхшаб пастга учиб тушар эди. Пётр аламига чидолмай инграб юборди.

— Бу чол — қалъа коменданти Ерик Шлиппенбах,— деди Борис Петрович.—Мендан енгилиб қочган генерал Шлиппенбахнинг акаси бўлади...

Шведлар бирпасда ўпирилган жойни эгаллаб олишди ва ўша ердан туриб милтиқлардан ўққа тутишди. Нарвонлардан зинғиллаб пастга тушишар, қилич ўхталиб руслар устига ташланишарди. Совут кийган новча чол ўпирилган жойда ер тепиниб бақирар, худди хўрознинг қанот қоқишига ўхшатиб қўлларини баравар силкитар эди... (Борис Петрович: «Шведнинг жаҳли чиқмасин, жаҳли чиққандан кейин ўлимдан ҳам қўрқмайди»— деди.) Тирик қолган руслар дарё бўйига, қайиқлар ёнига чекина бошлади. Юзини латта билан боғлаб олган аллақандай бир киши қайиқлар орасида зир югуриб, солдатларни яқин йўлатмас, тушмоқчи бўлганлар билан муштлашиб ирғишлар эди. Бир қайиқни тумшуғидан итариб бўш ҳолда қирғоқдан узоқлаштирди. Югуриб бориб иккинчисига ёпишди,— уни ҳам итариб юборди... («Бу Мишка Голицин,— деди Борис Петрович,— бу ҳам қизиққон».) Қайиқлар ёнида ур-йиқит, қўл жанги бошланди...

Ўн иккита каттакон қайиқда талабгор йигитлар эшкакка зўр бериб, оқимга қарши сузиб, қалъа томон тез яқинлашмоқда. Бу Меньшиковнинг отряди, сўнгги резерв эди. Алексашка шляпасиз, кафтансиз — пушти ранг шойи кўйлакда, қўлида қилич ва тўппонча,— ҳаммадан олдин қирғоққа сакраб тушди... («Мақтанчоқ, мақтанчоқ»,— пўнғиллаб қўйди Пётр.) Янги куч мададга келганини кўриб шведлар девор томон қочди, лекин фақат бир қисмигина тепага чиқиб олишга улгурди, қолганларини руслар қириб ташлади. Яна девор устидан тошлар, ходалар ёғилди, тўп ванғиллаб питра ўқ сочди. Руслар яна нарвонларга тармашиб чиқа бошладилар. Пётр дурбинга қадалиб, пушти кўйлакдан кўз узмасди. Алексашка юксак унвонга ва шуҳрат қозонишга муносиб довюраклик билан жанг қилмоқда эди... Ўпирилган жойга чиқиши биланоқ кекса Шлиппенбах тўппончадан ўқ узди, Алексашка эпчиллик қилиб чап берди, иккаласи қилич солишиб олиша бошлади, бироқ шведлар чолни тепага судрашиб, аранг қутқариб қолишди... Бу янги ҳужум натижасида шведларнинг қаршилиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

анча бўшашди... («Оббо шайтон-ей!»— қичқириб юборди Пётр суюнганидан ер тепиниб.) Пушти ранг кўйлак энди энг юқорида липиллар, девор кунгуралари орасидан элас-элас кўринар эди.

У ерда нима бўлаётгани дурбинда яхши кўринмасди. Шимолий шафақнинг чўғдай қизарган кучли яллиғи қалъа узра кенг ёйилиб кўзни оларди.

— Пётр Алексеевич,— мурожаат қилди фельдмаршал,— менимча улар оқ байроқ кўтаришди, ҳув ана. Ахир, ўн уч соатдан бери тўхтовсиз ҳужум қиляпмиз, таслим бўлиши ҳам керак...

. . . . . .

Кечаси Нева соҳилида катта гулханлар ёқилди. Лагерда ҳеч ким ухламади. Мис қозонларда шўрва қайнатишар, бутун-бутун қўйларни таёққа ўткизиб чўғда пиширишарди. Арра билан ярмидан иккига ажратилган бочкалар тепасида турган мўйловдор ефрейторлар ҳаммага ароқ улашар, ким қанча ичгиси келса, қуйиб беришар эди.

Ун уч соат давом этган жангда қизишиб ҳалиям ҳовуридан тушмаган талабгор азаматлар (деярли ҳаммасининг боши ёки қўли қонли латта билан боғланган)— тўнкалар устида, гулханлар ёнига тўшалган арча шохчалари устида ўтириб, жангда рўй берган хунук воқеаларни: қандай олишгани ва жароҳатлангани, ўртоғи қандай ҳалок бўлганини ҳикоя қиларди. Жангда қатнашмаган солдатлар эса, ҳикоя қилувчиларни орқадан ўраб, оғизлари очилиб қулоқ солишарди. Ҳикояни тинглаб туриб дам-бадам дарё томонга — ёнғинда куйиб, қорайиб кўринган башняларга кўз ташлаб қўйишарди. У ёқда, ҳувиллаб қолган қалъа деворлари тагида, азамат йигитларнинг жасади ётарди...

Беш юздан кўпроқ талабгор ҳалок бўлганди; аравараларда, чодирларда инграб ётган ярадорларнинг сони минга яқин эди. Солдатлар хўрсиниб такрорлашар: «Мана сенга Тошёнғоқ, чақса бўлар экан-ку!»— деб кулишарди.

. . . . . .

Сой ортидаги тепага қурилган подшо чодири чароғон эди, у ердан қийқирган овозлар, мугиз сурнайлар садоси келарди. Лекин ғалаба шарафига қадаҳ кўтарилганда ўқ узишлар ҳар ҳолда йўқ эди, нега деганда — кун бўйи ўқ отавериб кўнгиллари тинчиганди. Аҳён-

www.ziyouz.com kutubxonasi

аҳёнда чодирдан маст-аласт офицерлар ёзилгани чиқишарди. Бир полковник маст ҳолда сой бўйига келдида, нариги соҳилдаги солдатлар гулханига узоқ тикилиб:

— Баракалла, азаматлар, қойил қилдинглар,— деб қичқирди.

Солдатлардан биттаси калласини кўтариб, зарда билан унга тўнғиллади:

— Нега бақирасан? Бор, арағингни ич, Руслан-паҳлавон...

Пётр ҳам чодирдан чиқди. Гандираклай-гандираклай ёзилиб бўлди. Лагердаги гулханлар шуъласи кўз олдида липиллаб сузиб юрарди: у камдан-кам маст бўлар, лекин бугун кайфи ошиб қолганди. Подшони қидириб Меньшиков билан Кенигсек чодирдан чиқди.

— Мин херц, шам келтирайми, нега бунчалик узоқ юрдинг?— ширакайф овоз билан сўради Алексашка.

Кенигсек хандон отиб кулди: думи юлинган товуқдек, орқа этагини қайириб: «Аҳ-ҳа, аҳ-ҳа!»— деб йўрғалай бошлади рақс тушиб.

— Кенигсек...— деди Пётр.

— Шу ердаман, аъло ҳазратлари...

— Ҳали дастурхон устида сен нима деб мақтандинг?..

— Мақтанганим йўқ, аъло ҳазратлари...

— Тонма, ҳаммасини эшитдим... Шереметьевнинг қулоғига: «Бу нарса мен учун жонимдан ҳам азиз...» дединг-ку! У қанақа нарса?

— Шереметьев бир чўрини мақтаб гапирди, аъло ҳазратлари, лифляндиялик қиз тўғрисида. Мен ҳеч нарса деганим йўқ, ўлай агар...

Кенигсек гўё бирдан кайфи тарқагандек, кўзи мошдай очилиб жим бўлди-қолди. Пётр жирканган симон илжайди, лайлак қараш қилиб тепадан пастга — қўрқувдан оқариб кетган олифтанинг юзига тикилди...

— Вой эсим қурсин, аъло ҳазратлари. Мен тамаки қутича тўғрисида гапирган бўлсам керак, жудаям антиқа қутича, француз усталари ясаган, буюмларим орасига яшириб қўйганман, обозда... Ҳозир опкеламан...

Кенигсек гоҳ гандираклаб, гоҳ йўрғалаб сой бўйига тушиб кетди. Йўл-йўлакай ваҳимага тушиб камзулининг кўкрак тугмаларини ечар: «Ё худо, ё худо, қандай билибди-а? Дарҳол яшириш керак, сувга ташлаш керак...»— деб пичирларди. Қўллари қалтираб, бармоқлари кружевага ўралиб қолди, ниҳоят медальонни топ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, ипини узмоқчи бўлиб тортди, бироқ шойидан эшилган ип бўйнини қийиб, ботиб кетди... (Пётр тепада қаққайиб унинг кетидан қараб турарди.) Кенигсек уни тинчитиш учун,— ҳозир опкеламан,— деган маънода бош қимирлатди... Гранит харсанглар орасидан шалдираб оққан чуқур сой устига кўприк ўрнида хода ташлаб қўйилганди. Кенигсек лойга беланган бошмоқлари сирғанса ҳам хода устидан юрди. Шундай жойда ҳам медальон ипини узишга ҳаракат қилаверди. Бирданига оёғи тойиб, жон ҳалпида қўлларини қимирлатганича сойга чалпакдай бўлиб тушди.

— Ана аҳмоқ пияниста,— деди Пётр.

Бирпас кутиб туришди. Алексашка қовоғини осилтириб, ташвишланган ҳолда тепадан пастга тушди.

— Пётр Алексеевич, фалокат рўй берганга ўхшайди... Одамларни чақиришга тўғри келади...

Сойнинг чуқурлиги атиги икки газ бўлса-да, Кенигсекни топгунча анча вақт кетди. Афтидан, мияси билан тошга урилиб, ўша заҳотиёқ сув тагига тушиб кетган бўлса керак. Солдатлар уни кўтариб келишди-да, чодир рўпарасидаги гулхан ёнига ётқизишди. Пётр унинг гавдасини эгиб, қўлларини кериб, оғзига пуфлаб кўрди,— бўлмади... Шундай қилиб, элчи Кенигсек бекорга ўлиб кетди... Пётр унинг кийимини ечаётиб, кўйлаги остидан чақалоқнинг кафтича келадиган медальон топди. Чўнтакларидан бир даста хат чиқди. Ўша заҳотиёқ Алексашка билан чодирга кетди.

— Жаноби офицерлар,— деди баланд овоз билан Меньшиков,— кайф-сафо тўхтатилсин, подшо уйқуга кетмоқчилар...

Меҳмонлар шошилинч равишда чодирни бўшатишди, баъзи бировларни кўтар-кўтар қилиб, шпораларини ерга судратиб олиб чиқишга тўғри келди. Пётр ивиган хатларни шу ердаёқ — таомлар сочилиб ётган ва шамлар тугаёзган стол устига ёйди. Медальон қопқоғини тирноғи билан аранг очди, ойна остида — Анна Монснинг антиқа ишланган сурати кўринди: Анхен садафдек тишларини кўрсатиб, иффатли кўзлари билан жилмайиб боқарди. Бир толим новвот ранг соч сурат атрофини ҳошия каби ўраб олган,— бу сочни Пётр Алексеевич кўп ўпган эди... Қопқоқнинг ички томонига игна билан тирнаб немис тилида: «Муҳаббат ва вафо» деган сўзлар ёзилган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пётр ойнани ҳам тирноғи билан кўчириб, сочни ушлаб кўрди-да, медальонни вино тўкилавериб шалаббо бўлган дастурхонга ташлади. Хатларни ўқишга киришди. Ҳаммаси Анхен қўли билан Кенигсекка ёзилган, бари бемаъни, бачкана хатлар,— кўнгли қурғур ийиб кетган-да...

— Қизиқ...— деди Пётр. Қўлларини жағига тираганича шамга тикилиб қолди...—Қани, айт-чи менга... Қани, айт-чи менга... (Мийиғида кулиб бош чайқади.) Уни мендан ортиқ кўрибди-да... Тушунмайман... Мени алдаган экан, Алексашка, айёрлик қилган... Наҳотки биринчи кундан бошлаб бутун умр алдаган бўлса?.. Тушунмайман... «Муҳаббат ва вафо!»

— Аблаҳ экан, зоти қовоқхоначи-да... Сенга кўпдан бери айтмоқчи эдим, мин херц...

— Гапирма, оғзингни очиб кўр-чи... Йўқол кўзимдан...

Пётр трубкага тамаки солди. Яна қўлларини жағига тираб тутата бошлади. Тўкилган винога беланиб ётган кичкина суратга тикилиб ўйланарди:—«Неча марталар номингни дилимда такрорладим... девордан ошиб ёнингга бордим... чин кўнгилдан ишониб, қайноқ кўксингга бош қўйиб уйқуга кетдим... Ҳей, ақлинг калталик қилди... Товуқ боқишга ярайсан холос... Ҳа, майли... Энди тамом...» Пётр қўл силтади, ўрнидан турди, трубкани отиб юборди. Ғижирлаган койкага чўзилди-да, барра пўстинни ёпиб олди.

5

Нотебург қалъасига Шлиссельбург, яъни «Калит-шаҳар» деган ном қўйишди. Ўпирилган деворни тузатишди, башняларнинг куйган томларини тахта билан ёпишди. Шаҳарга бир гарнизон қўйишди. Қўшин қишлик казармаларга жўнади. Пётр Москвага қайтди.

Баланд мартабали савдогарлар ҳамда савдо расталаридаги дўкондорлар Мясницкий дарвозаси олдида туғ ва яловлар билан подшони кутиб олишди. Мясницкий кўчасига юз саржин жойгача қизил мовут тўшалганди. Савдогарлар шапкаларини осмонга итқитиб ажнабийчасига: «Виват!»— деб қичқиришарди. Пётр усти очиқ заррин каретада тик туриб олган, карета кетидан солдатлар Швеция байроқларини ерга судраб, бошлари қуйи солинган асирларни ҳайдаб келмоқда эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баланд аравада ёғоч шер, князь-папа Никита Зотов унга миниб олган: бошида темир қалпоқ, эгнида қизил алвондан ридо, бир қўлида — қилич, бир қўлида — ароқ тўла қадаҳ.

Ғалаба муносабати билан Москвада икки ҳафта сурункасига базм-зиёфат давом этди. Натижада кўпгина мўътабар кишилар дардга чалинди, баъзилари жон таслим қилди. Қизил майдонда балиш — нон ёпилиб посадликларга ва шаҳар аҳолисига улашилди. Подшо халққа ширин кулча ва рўмолча улашиш тўғрисида бўйруқ берибди, лекин боярлар муттаҳамлик қилиб халқни алдади, деган овоза тарқалди: бу кулча билан рўмолча илинжида узоқ қишлоқлардан одамлар келарди. Ҳар кеча Кремль башняларидан мушаклар осмонга отилиб чиқар, деворларига ўрнатилган ўтли ғилдираклар чарх уриб учқун сочарди. Базм-зиёфат ва сайил покров байрамига уланиб кетди, кети катта ёнғин билан тугади. Ёнғин Кремлда бошланиб Хитой-городга ўтди. Кучли шамол чалаларни Москва дарёсининг у томонига учириб борарди. Аланга тўлқин сингари бу кўчадан нариги кўчага ёпирилиб ўтиб, тобора авж олаверди. Халқ заставалар томон қоча бошлади. Пётр тутун ва олов учида, ўт ўчирадиган голландча аравада дам у ерда, дам бу ерда пайдо бўларди. Лекин ёнғиндан бирор нарсани сақлаб қолишнинг иложи йўқ эди. Кремлдаги Житний ҳовлиси ва Кокошин ҳарамидан бошқа жамики иморат, тамомий нарса — эски сарой ҳам (малика Наталья билан шаҳзода Алексейни аранг қутқариб қолишди.) — барча маҳкамалар, монастирлар, ярог-аслаҳалар ва ўқ-дори омборлари — ҳаммаси ёниб тамом бўлди; Улуғ Иван жомесининг қўнғироқлари бандидан узилиб тушаверди, саккиз минг пуд келадиган энг катта қўнғироқ ерга тушиб ёрилиб кетди.

Қейинчалик култепалар устида одамлар тўпланиб ўзаро пичирлашарди: «Подшолик қил, яна подшолик қил, бундан баттарини кўрасан ҳали...»

. . . . . .

Иван Артемичнинг ўғли Гаврила Бровкин Голландиядан уйга қайтганлиги муносабати билан бутун оила аъзолари: яқинда подполковник унвони олган Алексей; қовоғи солиқ, овози йўғон, бутун вужудини тамаки ҳиди босиб кетган, воронежлик штурман Яков; Элчилар маҳкамасида, Шафиров ҳузурида таржимонлик қилувчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

Артамоша хотини Наталья билан — ҳаммаси тушки ибодатдан сўнг дастурхон атрофига тўпланишди. Наталья учинчи марта ҳомиладор эди, ҳуснига ҳусн, энига эн қўшилиб, эринчоқ бўлиб қолганди — Иван Артёмич келинига тикилиб тўймасди; князь Роман Борисович ҳам қизлари билан меҳмонга келган эди. Антонидани шу йил кузда поручик Белкинга бир амаллаб узатганди, куёви зоти пастроқлардан бўлса-да, подшонинг ишончини қозонган, ҳозир Ингрияда эди. Ольга ҳали ҳам бахт кутарди.

Роман Борисович сўнгги йиллар ичида анча қариб қолган, бунинг асосий сабаби — кўп ичганлигида эди. Лоақал базмдан кейин бемалол ухлаб олгани ҳам қўйишмасди: эрталаб уйга солдат кириб келар, қўлида буйруқ — бугун фалон жойда тайёр бўл... Роман Борисович ёғоч қиличини ва чипта мўйловини олволиб (буни ўзи ўйлаб топган) подшо хизматига жўнар эди.

Шунақа қизиқчилар олтита эди, ҳаммаси зоти улуғ боярлардан: баъзиси аҳмоқлиги учун, баъзиси чақимчилар гапи билан сарой масхарабози бўлиб қолган эди. Ҳаммаси князь Шаховскийнинг измида эди; бу одам бировга яхшилик қилишни билмайдиган, ичиқора, чақимчи, пияниста, қотма чол эди. Масхарабозлик хизмати унчалик оғир эмасди: ҳар доим бешинчи тўққиз тортилиб, ҳамма ширакайф бўлиб олгандан кейин, Пётр Алексеевич қўлини столга қўйиб, бўйнини чўзарди-да: «Қараб турсам, Ивашко Хмельницкий[1] ҳаммамизни биратўла енгиб қўяди чоғи, бу аҳволда бирор кор-ҳол рўй бермаса гўргайди»,— дерди. Шунда Роман Борисович дарҳол стол ёнидан турарди-да, мочалка мўйловни боғлаб, кичкина ёғоч отга минарди. Унга бир қадаҳ вино беришарди, чол қиличини баланд кўтариб, винони батамом ичиши ва «Ўлсак — ўламиз, аммо таслим бўлмаймиз»— дейиши лозим эди. Шундан кейин қий-чув кўтариб миттилар, қизиқчилар, букрилар пайдо бўларди-да, уни оти билан бирга судраб, стол атрофида айлантиришарди, агар тўсатдан подшонинг миясига яна бирор янги нарса келмаса — масхарабозлик хизмати шу билан тугарди.

Бугун Иван Артемичнинг таъби равшан, вақти чоғ эди: бутун оила жам, ишлар жойида, бундан ортиқ бў-

[1] Ичкилик демоқчи Пётр. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиши мумкин эмас, ҳаттоки ёнғин ҳам Бровкинларга қарашли уйларни четлаб ўтган эди. Даврада фақат арзанда қизи — Александра йўқ эди. Амстердамда навигация мактабини битириб келган басавлат йигит Гаврила Бровкин опаси Александранинг турмушини таърифламоқда эди.

Александра ҳозир эри билан Гаагада, Россия элчиси Андрей Артамонович Матвеев ҳузурида эди, лекин эру хотин элчихона ҳовлисида турмай, бир уйни ижарага олиб алоҳида яшарди. Саньканинг наслдор отлари, ўз каретаси ва ҳатто икки мачталик яхтаси ҳам бор эди. (Иван Артемич яхта билан отлар учун аллақанча пулни Пётр Алексеевичдан яшириб ўзи юборган бўлса ҳам, ёлғондан таажжубланган бўлиб: «Бай, бай, бай»,— дерди нуқул.) Эру хотин Волковлар бундан бир йил муқаддам, худди қирол Август шведлардан енгилиб қочганда, Варшавадан жўнаб кетишганди. Берлинда бўлишди, лекин узоқ туришмади, чунки қирол саройи Александрага ёқмади: қирол хасис, немислар зиқна, тийинни санаб сарф қилишар, овқатни тежаб ейишар, турмушлари кўнгилсиз эди...

— Гаагадаги уйи доим меҳмонга тўла,— деди Гаврила,— албатта, меҳмонлар орасида мўътабар кишилар кам, кўпчилиги бачкана одамлар: авантюристлар, рассомлар, созандалар, сеҳргар ҳиндилар... Санька шулар билан бирга яхтада канал бўйлаб сайр қилади, курсида ўтириб арфа чалади...

— Чалишниям ўрганибди-да, а?— ҳовлиқиб қарс урди Иван Артемич ва ёнидагиларга қараб-қараб қўйди...

— Кўчага чиқса, ҳамма унга таъзим қилади, у эса, бошини қимирлатиб қўя қолади... Эрини кўпинча меҳмонлар ёнига киргизмайди, киргизмагани учун Василий қайтага хурсанд: ҳозир бутунлай камгап, ўйчан бўлиб қолган, доим қўлида китоб, лотинчани бемалол ўқийди, кўпинча кемасозлик верфларига, музейларга ва биржага боради,— ҳамма нарсага сарасоп солиб юради...

Гаврила жўнаётганда Санька унга Голландия ҳам жонга тегди, голландлар фақат пул ва савдо-сотиқ тўғрисида гаплашишади, аёлларга нисбатан ҳақиқий мулозамат қоидаси йўқ, танца тушганда нуқул оёқни босиб олишади... Парижга жўнагим келяпти, деган экан...

— Франция қироли билан минувет тушмаса, кўнгли

www.ziyouz.com kutubxonasi

тинчимайди-да!.. Хаҳ, қизи тушмагур-ей!— ёлғондакам уҳ тортди Иван Артемич, кўзлари эса қувончдан сузилиб кетди.— Уйга қачон қайтмоқчи? Мана шуни гапир...

— Баъзан, авантюристлар ҳам жонига тегади шекилли, менга ҳасрат қила бошлайди: «Гашка, биласанми, томорқамиздаги қорағат борку — ўшани жудаям соғиндим... Қани энди, ўз боғимизда, Москва дарёси бўйида арғимчоқ учиб ўтирсам»,— дейди.

Демак, ўз уйи — ўлан тўшаги...

Иван Артемич, агар эртадан-кечгача қизи Александра тўғрисида гапирилса, миқ этмай эшитишга тайёр эди...

Тушлик овқат тугамасдан Пётр билан Меньшиков кириб келишди. (Пётр кўпинча йўл-йўлакай бу уйга кириб ўтарди.) Бош иргаб саломлашди, довдираб қолган Роман Борисовичга: «Бемалол ўтиравер, бугун хизматдан озодсан»;— деди-да, дераза ёнига борнб, ёнғинга узоқ тикилиб қолди. Яқиндагина серқатнов обод кўчалар ўрнида — харобалар орасида қаққайиб турган печь трубаларию куйиб тамом бўлган гумбазсиз черковлар кўринарди, холос. Қутурган шамол кулни тўзитиб, булут сингари учиб юрарди.

— Бехосият жой,— деди аниқ қилиб. — Чет элда шаҳарлар минг йил туради, бу эса, йилига ёнади, ўт кетмаган йил йўқ... Москва!

Ғамгин ҳолда стол ёнига ўтирди, индамасдан овқатни хўб туширди. Сўнгра Гаврилани ёнига чақириб, Голландияда нимани ўргангани, қандай китоблар ўқиганини жиддий туриб суриштира бошлади. Қоғоз-қалам опкелтириб, кема қисмлари ва елканлар расмини, денгиз иншоотларининг планини чиздирди. Бир масала устида баҳслашиб қолди, аммо Гаврила ўз фикрида қаттиқ туриб бўш келмади. Пётр унинг кифтига қоқиб: «Отанг юборган пуллар зое кетмабди, кўриб турибман, умидини оқладинг, балли»,— деди. (Иван Артемич бу гапдан таъсирланиб кўзи ёшланди, бурнини тортиб қўйди.) Пётр трубкасини тутатиб яна дераза олдига борди.

— Артемич,— деди оҳиста,— янги шаҳар қуришимиз керак...

— Қурамиз, Пётр Алексеевич, бир йилда ҳамма ёқ яна боягидай обод бўлиб кетади...

— Лекин бу ерга эмас...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хўш, бўлмаса қаерга, Пётр Алексеевич? Бу ер униб-ўсган, ўрганган жойимиз, ота-боболаримиздан қолган қадимий Москва... (Паканагина, калтабақай Иван Артемич бошини баланд кўтариб, кўзларини пирпиратиб подшога қаради.) Мен аллақачон, Пётр Алексеевич, бу ишнинг ҳаракатига тушганман... Ўрмонда ёғоч кесиш учун беш минг мужик билан гаплашиб қўйдим.. Қанча уй керак бўлса, ҳаммасини жойида — Шексна ва Шелонда тайёрлаб, сол билан тўғри Москвага опкеламиз: битта уй дарвозаси, пешайвони билан беш сўлкавой... Оласану ҳовлига ўрнатасан... Бундай роҳат қайда!.. Александр Данилич менга шерик бўлмоқчи...

— Бу ерга қурмаймиз,— такрорлади Пётр деразадан кўз узмай.— Ладога яқинига, Нева бўйига қуриш керак... Ёғоч кесадиган мужикларни ўша ерга оборишинг керак...

Иван Артемичнинг калтабақай қўллари ўз-ўзидан беихтиёр орқасига яширинib, бошмалдоқларини айлантира бошлади...

— Хўп бўлади...— деди чол секингина.

. . . . . .

— Мин херц, онаси Монсиха яна уйимга келди,— деди оҳиста Меньшиков. — Яна йиғлади: ҳеч бўлмаса, қизим билан менга киркага[1] бориб ибодат қилишга рухсат беришсин, деб илтимос қилди...

Подшо билан Меньшиков кечқурун Бровкинникидан жўнаб, ўт кетган жойлар ёнидан кетаётганди. Шамол кулни тўзитиб каретанинг чарм қопланган ёнбошларига сочарди. Пётр гўё Алексашканинг гапини эшитмагандек, нари сурилиб, биратўла тўрга ўтиб олди...

Шлиссельбургдан қайтгандан бери Анна Монсни бир мартагина эслади: ўшанда ҳам Алексашкани уникига юбориб, гир айланасига олмос қадалган, бўйинга тақиладиган суратини ундан олишни буюрганди. «Қиммат-баҳо буюмларни, шунингдек, пулларни ўзига қолдир, турган уйида яшайверсин (истаса — қишлоққа жўнасин) — аммо шу кундан эътиборан уйдан ҳеч қаёққа чиқмасин, ҳеч ерда қорасини кўрсатмасин»,— деб тайинлаган эди.

Пётр бу хотинни қалбидан, худди шумғияни томири билан юлиб ташлагандек, қон билан бирга суғуриб таш-

[1] Протестантлар черкови. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

лади. Уни бутунлай унутди. Ҳозир ҳам каретада борарканман, юзида бироита томири сесканмади.

Анна Ивановна унга устма-уст хат ёзди,— жавоб бўлмади. Онасини совға-саломлар билан Меньшиков ҳузурига юбориб,— подшо аъло ҳазратларининг оёғига йиқилиш, умр бўйи унигина севганлигини изҳор этиш учун рухсат берилишини илтимос қилди... Медальонни мен берганим йўқ, Кенигсек ўзи ўғирлаб олибди, деди... (Кенигсекнинг чўнтагидан бир даста хат топилганидан хабари йўқ эди.)

Меньшиков аниқ билардики, мин херц аёл кишининг ширин гапига, эркалашига муҳтож... Ҳарамда нима гап бўлса, дарҳол Меньшиковга етказувчи деншиклар (подшо деншиклари ундан маош оларди) — кечалари Пётр ухлаёлмай оҳ-воҳ қилганини, тиззаси билан деворни дукиллатганини айтишган эди. Шунинг учун унга анчайин бир хотин эмас, балки меҳрибон аёл, жонкуяр дўст керак эди. Ҳозир Алексашка фақат синамоқлик учунгина Анна Монсдан гап очди. Бироқ Пётр чурқ этмади. Карета ғўла ётқизилган катта кўчадан юмшоқ йўлга чиққач, Алексашка бирданига бош чайқаб, ўзидан-ўзи кула бошлади.

Пётр зарда билан:

— Ҳайронман,— деди.— Аллақачон баҳрингдан ўтиш керак эди-ю, нима учун сенга чидаб юрганимга ҳайронман...

— Менга нима қипти? Улай агар, мен...

— Сен ҳар бир ишга суқулмасанг, бир нима ўармасанг туролмайсан... Лекин ҳозир мугамбирлик қилиб жилпанглаяпсан,— кўриб турибман...

Алексашка бурнини тортиб қўйди. Анчагача индамай боришаверди. Алексашка яна илжайиб гапга тушиб кетди:

— Борис Петрович Шереметьев билан уришиб қолдим... Сенга арз қилади ҳали, мин херц... Экономкасини[1] менга мақтайди, холос... Драгундан бир сўмга сотиб олган экан... «Ҳатто минг сўмга ҳам бермайман. Шундай чаққон, шундай хушчақчақки, олов дейсан, олов... Ҳамма иш келади қўлидан...»— дейди нуқул жиғимга тегиб. У куни уйига бордим... Қитдай-қитдай отиб олдик: қани, кўрсат дедим... Қифтини қисади, холос, уйда йўқ, қаёқ-

[1] Уй-рўзгор ишини бошқарувчи аёл. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадир кетибди, дейди ёлғондан... Кўрсат, деб тиқилинч қилавердим мен... Чол у деб кўрди, бу деб кўрди, ахийри чақиришга мажбур бўлди... Келди... Бир кўришдаёқ менга шундай ёқиб қолдики, ҳар қандай соҳибжамол унинг олдидан ўтаверсин... Жудаям гўзал, овози қўнғироқдай, кўзлари ўйноқи, сочлари жингалак-жингалак... Қадимги одатга биноан меҳмонга қадаҳ тутиши, тамаддисига — ўптириши керак, дедим... Борис Петровичнинг ранги оқармоқ тугул бўзариб кетди, қиз эса ҳадеб кулади. Қадаҳни тўлдириб таъзим билан менга тутди. Оппоқ кўтардиму лабидан ўпдим... Лаблари лабимни куйдириб юборди, мин херц, юрагим ҳаприқиб кетди, бошим айланиб, эсим оғиб қолди... «Борис Петрович, бу қизни менга бергин, дедим, қасримни ол, сўнгги кўйлагимгача ечиб бериб сени рози қилишга тайёрман, дедим... Ўйлаб кўр, сен буни қандай эплайсан? Унга йигит керак, ёшгина экан, эркалангиси келади... Сенинг қўлингдан фақат бекорга уни безовта қилиш келади, холос... Қайтага гуноҳга ботасан, хотининг, қизларинг бор ахир... Агар хотинбозлигингни Пётр Алексеевич сезиб қолса, кети ёмон бўлади...»— дедим. Хуллас, чолни эканкиратиб қўйдим... Пишиллайди холос... «Александр Данилич, сўнгги овунчоғимни тортиб оляпсан...» деди-ю қўл силтаб, йиғлаб юборди... Худо урсун, рост... Ётоққа кириб кетганича қайтиб чиқмади... Мен дарҳол экономка билан гапни пиширибб, каретага одам юбордим, сўнгра уни бўхча-тугунлари билан бирга каретада қўрғонимга обордим, эртаси куни Москвага опкелдим... Бир ҳафтагача йиғи-сиғи қилди, лекин муғамбирлик қилган бўлса керак, менимча шундай... Ҳозир, худди қафасдан чиққан қушчадай, менинг қасримда яйраб юрибди...

Пётр тинглаяптими, йўқми — билиб бўлмасди... Ҳикоянинг охирида йўталиб қўйди. Алексашка подшонинг неча хил йўталишларини ва қайси маънода йўталганини ёддан биларди. Дарҳол тушунди, демак, Пётр Алексеевич диққат билан тинглаяпти...

6

Иван Артемич Бровкин, Свешников, савдо растасидан Затрапезний, давлат пудратчиларидан — Дубровский, Шеголин, Евреинов Москва дарёси ҳамда Яуза бўйларига мовут, полотно ва шойи заводлари, қоғоз ишлаб чиқарадиган, арқон эшадиган корхоналар қурмоқда эди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар. Кўпгина қишлоқлар Амлок маҳкамаси томонидан заводлар рўйхатига тиркалиб, аҳолисини крепостной сифатида ишлатиш учун абадий бериб қўйилганди. Урушда саваланган ёки подшо назаридан қолган помешчикларнинг мулки шу маҳкама ихтиёрига ўтар эди.

Савдогарлар мудрашни бас қилган эди. Ёнғиндан кейин сал кунда қуриб олинган Бурмистрлар палатасининг каттакон пешайвонига ҳар кун тўпланишарди-да, нуқул яқинда забт этилган Ингрия тўғрисида, денгиз бўйига мустаҳкам ўрнашиб олиш учун шу йил ёзданоқ иш бошлаш лозимлиги тўғрисида гаплашишарди. Бувалари замонида кўмиб қўйилган кўзалардаги червонсларини ва голланд ақчаларини очиб олишар, гумашталарини бозорларга ва қовоқхонага юбориб, қулдай ишлатиш учун одам ёллашарди.

Иван Артемич шу йил қиш ичи кенг кўламда иш бошлаб юборди. Меньшиковни ишга солиб, Ромодановскийнинг турмаларида кишанда ётган маҳбусларни тилхат билан олиш ҳуқуқига эга бўлди: баъзиларини занжирга солиб, баъзиларини озод қўйиб, Яуза бўйидаги сув билан юрадиган мовут ва полотно заводларида ишлата бошлади. Жиноий ишлар маҳкамасидан машҳур темирчи Жемовни етти юз сўмга сотиб олди ва уч от қўшилган чанада уни Воронеждан Москвага олиб келди. Ҳозир у Иван Артемичнинг Сокольникидаги тахта тиладиган заводига, шу вақтгача ҳеч ким кўрмаган, буғ билан юрадиган антиқа машина ўрнатмоқда эди.

Ишчи кучи етишмасди. Заводга тиркаб қўйилган қишлоқлардан келган одамлар бу ердаги оғир меҳнатдан, эрксизликдан безор бўлиб узоқ жойларга қочишарди. Қишлоқда ишлаш, мажбурий меҳнатга чидаш жудажуда оғир, бунга одам тугул от ҳам чидай олмасди. Аммо бу заводларда ҳукм сурган эрксизлик шу қадар даҳшатли эдики, бунга занжирбандлар ҳам, ёлланиб ишловчилар ҳам тоқат қилолмас, ҳаттоки турма шаронти ҳам бунга қараганда ҳолва эди. Завод атрофи — баланд девор, дарвоза олдида — қоровуллар; итдан баттар талайди. Қоронги ертўлага ўхшаш хоналарда, тинимсиз тақир-туқир қилган дастгоҳлар ёнида икки букилиб ишлаганинг ишлаган, лоақал қўшиқ айтиб кўр-чи,—дарҳол ажнабий мастер таёқ билан солиб қолади, чуқурга ташлайман, деб дўқ уради. Қишлоқда мужик, ҳеч бўлмаса қиш кезлари печь устига чиқиб бемалол ухлайди-ку...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ерда эса, на қишда тиним бор ва на ёзда,— кечаю кундуз мокини йўрғалатганинг йўрғалатган... Маош ҳам, усти бош ҳам — ҳаммаси аллақачон тугаган, ичкиликка кетган. Турмуш эмас — сиртмоқ... Аммо Акинфий Демидовнинг Уролдаги заводлари ва конлари тўғрисида тарқалган овоза бундан ҳам даҳшатлироқ эди. Қарам қилиб берилган уездлар аҳолиси бунинг дарагини эшитиши билан ваҳимага тушиб, тумтарақай қочар эди.

Акинфий Демидовнинг одам ёлловчи гумашталари бозорма-бозор, қовоқхонама-қовоқхона кезиб, дуч келганларни яхшилаб меҳмон қилишар, Уролда турмуш кечириш нақадар осонлигини ширинсуханлик билан таърифлашарди. У ёқлар — бепоён ўлка, одам оёғи етмаган жойлар кўп, бир йилгина ишлайсану пулни шапканг ичига тиқиб жўнайверасан, панойи худо; биз асло қаршилик қилмаймиз... Хоҳласанг — ҳаракат қилиб олтин қидирасан, у ерда олтин, бамисоли гўнг сингари, оёқнинг тагида сочилиб ётади,— деб аврашарди.

Бундай гумашта мўлжалдаги одамни топиб маст қиларди-да, қуруқ ваъдалар билан алдаб-сулдаб, қовоқхоначининг гувоҳлигида дарҳол шартнома тузиб тузоққа илинтирар: «Энди мана бу ерга сиёҳ билан крест сурати чизсанг — бўлди, оппоқ йигит...»— деб ишини битирар эди. Шундай қилиб, шўрлик «оппоқ йигит» расмана қулга айланарди. Уни аравага босишар, агар тўполон қилса, оёқ-қўлини занжир билан боғлаб, минг чақирим жойга, Волга ортига, бурганзор даштлар ва ўрмонзор, баланд тоғлар орқасидаги Невьян заводига, конларга жўнатишарди.

Лекин камдан-кам одам у ёқдан соғ қайтар эди. У ерда одамларни занжир билан оёғидан боғлаб, бир учини сандонга ёки чўян эритадиган печга қоқиб ташлашарди. Ўжарлик қилганларни чивиқ билан савалаб дабдала қилишарди.

Ҳеч ёққа қочиб қутулишнинг иложи йўқ эди: отлиқ казаклар барча йўлларни, ўрмон сўқмоқларини қўриқлаб, айланиб юришар, қочган билан чилвир ташлаб яна қўлга туширишарди. Кимики исён кўтаришга ҳаракат қилса, энг чуқур конга ташлашар ёки ҳовузга чўктириб ўлдиришарди.

Рождество байрамидан сўнг яна ҳарбий ишлар учун одам олиш бошланди. Подшо амалдорлари барча ша-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳарларни айланиб, дурадгорларни, ғишт терувчи ва ер қазувчиларни териб олишга тушди. Москвадан то Новгородгача жамики шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ёппасига мажбурий хизмат рўйхатига тиркалди.

7

— Нега энди Катеринани кўрсатмай яшириб қўйдинг?

— Қўрқяпти, мин херц... Уни яхши кўриб қолдим, у ҳам менга шундай ўрганиб қолдики, мендан бўлак ҳеч кимга қарагисиям келмайди, назаригаям илмайди... Бу аҳволда, унга уйланишга тўғри келадими дейман...

— Ундай бўлса, нега уйлана қолмайсан?

— Э, лекин, ҳар ҳолда...

Меньшиков камин ёнига бориб, мўм билан йилтиллатилган полга ўтирди-да, юзини тескари ўгириб, ёнаётган тарашаларни тита бошлади. Мўрида шамол увиллар, тунука томни тарақлатар эди. Қорни тўзитиб баланд дераза кўзларига итқитарди. Стол устидаги бир жуфт мўм шам лип-лип қиларди. Пётр трубкани сўрар, вино ичар, қизарган юзини, ҳали қуримаган сочларини сочиқ билан артар эди. У Туладан боягина қайтди, лекин Преображенскийда тўхтамасдан тўғри Меньшиковникига келди-да, ҳаммомга тушди. Уч соатгача буғда терлаб, роса чўмилди. Сўнгра Алексашканинг атир сепилган кўйлак-иштони ва унинг кафтанини кийиб, шарф ўрамасдан, ёқаларини тугмаламасдан овқатланган ўтирди, емакхонага ҳеч ким кирмасин, ҳатто хизматкорлар ҳам, деб буюрган эди. (Арзимас нарсалар тўғрисида савол бериб, ҳазиллашиб ўтирди-да, тўсатдан Катеринани суриштириб қолди, каретадаги ўша ҳикоядан кейин подшо унинг номини биринчи марта тилга олиши эди).

— Уйланардиму, Пётр Алексеевич, насл-насабим чатоқ, бунинг устига асирага уйлансам... билмадим, кети нима бўлади... (Оташкурак билан ўтни титкилаб, учқун сачратди). Мен Арсеньевнинг қизи Авдотьяга уйланиш ниятида совчи қўйганман... Арсеньевнинг зоти улуғ, Олтин ўрдадан... Ҳар ҳолда, зоти пастлик маломатидан қутулиш учун қалқон бўлар дейман... Ажнабийлар ҳар доим меникига келишади ва кела солиб: кимга уйланган, унвони қанақа, деб суриштиришади... Ҳирсдай семирган зоти улуғларимизга худо берди дейвер... Дар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳол пичир-пичир, жавоб тайёр: «Буми?— кўчадан топилган бир зоти паст ялангоёқ-да...»

— Тўғри жавоб,— деди Пётр. Сочиқ билан юзини артди. Кўзлари йилтилларди.

— Лоақал унвоним граф бўлгандаям, майли эди.— Алексашка оташкуракни ташлаб, камин оғзини мис тўр билан тўсди-да, стол ёнига келди. — Бўрон роса қутурди, ана даҳшат. Менимча, сен, мин херц, уйга қайтиш тўғрисида ўйламасанг ҳам бўлади.

— Ҳалиям ўйлаётганим йўқ.

Меньшиков қадаҳни олди, қўллари қалтирай бошлади, ерга қараганича қимирламай ўтираверди.

— Бу гапни мен бошлаганим йўқ, ўзинг бошладинг,— деди Пётр.— Бор, чақириб кел уни...

Алексашканинг ранги оқариб кетди. Шартта ўрнидан турди-ю, чиқиб кетди.

Пётр ўтирган жойида оёғини ликиллатар эди. Уй ичи жимжит, фақат чердаклар устида бўрон гувилларди. Пётр қошларини кўтариб тингшанар, оёқлари эса, мурвати буралган ўйинчоқ сингари ликиллар эди. Оёқ товуши эшитилди: зарда билан, тезлик билан яқинлашиб келаверди. Алексашка эшикни очиб остонада тўхтади-да, лабларини тишлаб:

— Ҳозир келади,— деди.

Пётр қулоқларини динг қилиб, таранглаштириб, диққат билан тингшанди,— жимжит сукунат орасидан оёқ товушини эшитди: заифона оёқлар енгил одимлар билан гўё беғамлик билан шўх-шўх йўрғалагандек, пошналарини дукиллатиб келаверди.

Алексашка йўл бериб:

— Киравер, қўрқма,— деди.

Катерина кирди, кирди-ю кўзларини сузиб олди,— коронғи йўлакдан юриб келгани учун шам дарҳол кўзини қамаштирди. Гўё ижозат сўрагандек, Алексашкага бир қараб олди, (бу қора соч, қалам қош гўзал унинг кифтидан келарди) — яна ўша енгил қадамлар билан, тортинмасдан, Пётр ёнига бориб таъзимни бажо келтирди-да, унинг стол устига қўйилган зилдай қўлини, гўё бирор буюмни олгандай столдан олиб ўпди. Пётр унинг лаб ҳароратини, тишлари оппоқ ва бир текис эканини сезди. Катерина қўлларини оппоқ фартук ичига яшириб, Пётр ўтирган курсининг рўпарасида тўхтади. Енгил одимлар билан йўлакдан йўрғалаб келган оёқлари сал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пал керилганди. Кўзлари тиниқ, боқиши ўткир, кулиб турар, Пётрнинг кўзига дадил тикиларди.

— Ўтир, Катерина.

У русча сўзларни ғализроқ талаффуз этса-да, овози шу қадар ёқимли, мулойим чиқдики, Пётрнинг назарида камин ҳарорати бирдан баданини иситгандек, шамолнинг гувиллаши ҳам уйга файз киритгандек туюлиб, оёқлари ўзидан-ўзи ликиллашдан тўхтади, қулоқлари ҳам аслига келди. Катерина таклифга жавобан:

— Ўтираман, раҳмат,— деди-да, дарҳол стул четига омонатгина ўтирди, лекин қўлини фартук остидан чиқармади.

— Вино ичасанми?

— Ичаман, раҳмат.

— Асирликда турмушинг ёмон эмасми?

— Ёмон эмас, раҳмат.

Алексашка қовоғу димоғ билан стол ёнига келди-да, учала қадаҳга ҳам вино қуйди:

— Бир сўзни мунча такрорлайсан: раҳмат, раҳмат... Ундан кўра бирор нарса гапириб бергин.

— Мен нимаям дея оламан, ўзлари оддий киши эмаслар.

Катерина қўлларини фартук остидан чиқариб дарҳол рюмкани олди-да, ўйноқи кўзлари ила Пётрга кулиб боқди:

— Қандай гап бошлашни ўзлари биладилар...

Пётр кулиб юборди. Кўпдан бери бу хилда яйраб кулмаган эди. Катеринани гапга солиб, аслида қаерлик эканини, қаерда яшагани ва қандай шароитда асир тушганини суриштира бошлади. Катерина жавоб бераётиб стулга яхшироқ ўрнашиб олди, яланғоч билакларини дастурхон устига қўйди: қоп-қора кўзлари чақнар, ипакдай майин ва жингалак қора сочлари товланар, бир жуфт кокили — енгил нафас олаётган кўкси узра тушиб турар эди. Яхшироқ назар солинса,— ҳали йўлакдаги зиналардан осонгина йўрғалаб енгил одимлар ила бу ерга дадил кириб келган бу аёл,— ўз ҳаётида учраган жамики фалокатлардан ҳам худди ўшандек дадиллик билан осонгина ҳатлаб ўтганга ўхшар эди...

Алексашка ҳадеб рюмкаларни тўлдирар, каминга яна ўтин қалар эди. Бўрон эса тунда улиган бўри сингари тинмай ув тортарди. Пётр бурнини буриштириб керишди-да, Катеринага қаради:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Уйқу босяпти, ётсакмикан, а? Мен борай... Катерина, шамни ол, ёритиб турмасанг бўлмас...

* * *

Яқинда пешанасига тамға босилиб ўрни қизариб қолган ва ҳозир баланд эшак устида занжирбанд оёқларини кериб турган жуда бақувват, қовоғи солиқ мужик — Федька Ювин — узун дастали эман олчинни ҳавода айлантириб туриб, сепоянинг қоқ тепасига гурсиллатиб урар эди... Бошқалар ишни тўхтатиб: ким ғалтак замбилни ерга қўйиб, ким ўзи белигача сувда, кўзи осмонда, соқолини диккайтириб, ким ходани елкасидан ерга ташлаб, унинг олчин уришини, ҳар урганда сепоя билқилдоқ соҳилга камида бир газ киришини томоша қилишарди.

Ҳозир Янни-саари[1] номли кичкина оролнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш учун биринчи сепоя ўрнатилмоқда эди. Уч ҳафта илгари рус қўшини Невадан икки чақиримча юқорида жойлашган Ниеншанц номли тупроқ қалъани бир ҳамлада забт этганди. Шведлар Нева бўйларидан умид узишиб, Сестра дарёси томон чекинганди. Швеция флоти қумлаб қолишдан қўрқиб, қуёшда жимирлаб кўринган кўрфазнинг нариги чеккасида елканларини ҳилпиратиб юрарди. Иккита ўртамиёна кема дарё қуйиладиган жойдан Невага киришга журъат этиб, то Хирви-саари оролига довур сузиб борди,— лекин оролдаги ўрмонда капитан Васильевнинг батареяси яширинган эди,— рус галералари тўсатдан ҳужум қилиб, иккала кемани ҳам қўлга туширди.

Қонли курашлар ва не-не машаққатлардан сўнг, ниҳоят, Ладога кўлидан Болтиқ денгизига йўл очилди. Шарқдан сон-саноқсиз обозлар, тўда-тўда ишчилар, занжирбанд маҳбуслар кела бошлади. (Пётр Ромодановскийга устма-уст мактуб юборди: «...айниқса одам етишмайди, барча шаҳарларга, маҳкамаларга, ратушаларга буюргин: жамики ўғри ва қароқчиларни тўплаб бу ерга юборишсин»,— деб талаб қиларди.) Минг чақирим жойдан йўл юриб келган мингларча ишчиларни солларга солиб қайиқларга ўтказиб Неванинг ўнг қирғоғига, Қойбу-саари оролига туширишарди. Бу ерда соҳил бўйлаб чайлалар қурилган, ертўлалар қазилган, ҳамма ёқ-

[1] Янни-саари — фин тилида Қуён-орол. *(Авт. изоҳи).*

www.ziyouz.com kutubxonasi

да гулханлар тутар, болталар тарақ-туруғи, арралар виз-визи эшитилар эди. Дунёнинг бир чеккасидаги бу борса-қайтмасга келаётган шўрлик одамларнинг кети узилмасди. Зўр машаққат билан қўлга олинган рус ерларини ва қимматга тушган барча савдо йўлларини мудофаа қилмоқ учун Нева бўйига — Койбу-саари рўпарасига — ери ботқоқдан иборат Янни-саари оролига олти бастионлик қалъа қуришга киришилди. («...Олти бастионни олти бошлиқ қуради: биринчи бастионни бомбардир Пётр Алексеев, иккинчини — Меньшиков, учинчини — князь Трубецкой, тўртинчини — князь-папа Зотов...») Қалъага пойдевор қўйилгандан сўнг Пётрнинг ертўласида катта зиёфат берилди ва шу зиёфатда тантанали нутқлар, қадаҳ кўтаришлар, тўп отишлар билан баровар,— мазкур қалъага Питербург номи берилди.

Бу ер билан денгиз ораси жуда яқин эди, шамолда оҳиста мавжланиб жимирлашгани шу ердан бемалол кўриниб турарди. Ғарбида эса — Швеция кемаларининг елканлари ортида — осмонда муаллақ туриб қолган баҳайбат денгиз булути худди бошқа оламдан чиққан тутунга ўхшарди. Руслар элида учрамаган бу хунук булутни, бепоён сув сатҳида даҳшатли ёнғин сингари яллиғланган кечки шафақни — кимсасиз Котлин оролида соқчилик қилаётган фақат рус солдатлари томоша қиларди, холос... Нон етишмасди. Вайронага айланган Ингрияда ўлат бошланиб, дон-дун келмай қолганди. Одамлар илдизларни ва дарахт пўстлоғини талқон қилиб ер эдилар. Аммо Пётр князь-кесарга хат ёзиб: «...бу ерда касал жудаям кўпайиб кетди, ўлганларнинг сон-саноғи йўқ...»— деб яна одам юборилишини илтимос қилар эди. Обозлар, ишчилар, занжирбанд маҳбусларнинг кети узилмасди...

Федька Ювин эртадан-кечгача зилдай эман олчин билан сепоя қоқар, ҳар урганда сочлари ҳам силкиниб, яллиғланган ҳўл пешанасига тушар эди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧИНЧИ КИТОБ

БИРИНЧИ БОБ

1

Москва ҳувиллаб қолган эди. Тушлик овқат маҳалида жазирама июль иссиғида фақат эгасиз дайди итлар эгри-бугри кўчаларда думларини қисиб санқиб юрар, қақир-қуқир, эски-тускиларни искаб кўришарди. Майдонларда илгариги гавжумлик ва қий-чувдан асар қолмаганди; савлатли кишини дарҳол этагидан тортиб дўконга судрашар, ёинки бирор нарсани харид қилишга улгурмасданоқ тиқилинч жойда чўнтагини қоқлашарди. Яқиндагина, Арбат томондан, Сухаревская ва Замоскворецкая слободалари томондан тонг ёришар-ёришмас, қимматбаҳо буюмлар, темир-терсак ва чармдан қилинган моллар, сопол кўзалар, ликопча ва товоқлар ортилган аравалар, чипта кавушларни таёққа тизиб олган ҳамда сават-сават тармева ва сабзавот кўтарган одамлар ёпирилиб келарди-да, шошиб-пишиб майдонга араваларини қатор қилиб қўйишар, соябон-чодир тикишарди. Ўқчилар слободаси ҳам ҳувиллаб қолди, деворлари қулаб, ҳовлиларини бутунлай қичитқи ўт босиб кетди. Ҳозир кўп одам маҳбуслар ва қароллар билан бирга янгича корхоналарда ишлар эди. Бу корхоналарда ишлаб чиқарилган сурп билан мовут тўғри Преображенский маҳкамасига топшириларди. Москвадаги барча темирчилик ишхоналарда қилич, найза, узанги ва шпора ясаларди. Москвада каноп ўсимлигидан ўрилган арқон

www.ziyouz.com kutubxonasi

топиб бўлмасди, чунки ҳаммасини ғазна эгаллаб олганди.

Ҳатто илгаригидай қўнғироқлар даранг-дурингги ҳам йўқ эди, чунки кўпгина черковларнинг катта қўнғироқлари олинган ва эритиб тўп қуйиш учун дегрезлик қўрасига жўнатилганди. Аъзойи баданига тамаки ҳиди уриб қолган драгунлар Эски Пимен черковининг улкан қўнғироғини жомхонадан судраб туширгач, қўнғироқчи аламига чидолмай ичиб маст бўлволиб қўнғироқ ўрнига ўзини осмоқчи бўлди, лекин оёқ-қўлини боғлаб сандиқ устига ётқизиб қўйишганда: Москва шу қўнғироқ садолари туфайли шуҳрат қозонганди, энди Москвада диққинафаслик ва хунобгарчилик бошланади, деди.

Илгари ҳар бир бояриннинг дарвозаси олдида, шапкасини чаккасига қўндирган безбет малайлар чақа ташлаш ёки ошиқ ўйнашар, на отлиққа кун беришар, на пиёдага, масхара қилиб кулишар, турткилаб безор қилишарди. Ҳозир эса дарвозалар тақа-тақ берк, каттакон ҳовлида тиқ этган товуш йўқ, боярларнинг ўғиллари ва куёвлари ё полкларда унтер-офицер бўлиб хизмат қилмоқда ёинки чет элга жўнатилган, кичкиналари мактабга берилган: навигация, математика ва фортификациядан дарс олишмоқда; боярин эса дераза олдида бекор ўтирибди, лекин хурсанд, негаки Пётр бир неча кунга жўнаб кетган, демак, бир неча кунгача мажбуран тамаки чекишдан, соқол қирдиришдан, тиззагача сириб оқ пайпоқ, хотин-халаж сочидан қилинган парикни киндикқача тушириб кийишдан ва оёқ тапиллатишлардан қутилади-ку, ҳар ҳолда.

Дераза олдида ўтирган боярин сиртдан хурсанд кўринса-да, ғаламислик билан хаёл суради. «Менинг Мишкамга математика ўргатаман деб бекорга овора бўласан, Москва математикасиз бунёд бўлган, худога шукур, беш юз йилдан бери математикасиз ҳозиргидан яхшироқ яшаб келдик — ҳеч нолиган эмасмиз; бу урушдан вайронагарчиликдан бўлак ҳеч қандай яхшилик чиқмайди, мажусийлар худолари Нептун билан Венерани зарҳалланган араваларга солганинг, Невадаги ғалаба шарафига Москва кўчаларида айлантирганинг билан иш битмайди... Бари бир шведлар бизнинг қўшинимизни бир ҳамла биланоқ тор-мор қилади, кўпдан бери пайт пойлаб юрган татарлар балою қазодай Қримдан от солиб Окадан ўтса борми... Эҳ, ҳе-э! Ўшанда кўрасан...»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Боярин тарелкадаги малинага йўғон бармоқларини чўзади,— оббо, лаънати-ей, талинканиям, деразаниям ари босиб кетипти-я!.. Афон тоғидаги зайтун данагидан тизилган тасбеҳини имиллаб ўгира бошлайди, ҳовлига кўз ташлайди: ҳовли эмас — харобазор! Неча йилдан бери подшонинг базмлари ва сайил-томошаларидан бўшамайди, ўз уй-жойининг шикаст-рехтига қарашга қўли тегмайди... Ҳужралар бир ёққа қийшайиб оғиб кетган, ертўлаларнинг томлари чўккан, ҳамма ёқни бурган босиб кетган... «Товуқларнинг аҳволига қаранг, аллақандай лайлак оёқ, ўрдаклар ҳам жуда увоқ, чўчқа болалари ундам ҳам хароб: ҳаммаси ориқ ва ифлос, онаси кетидан тизилишиб кетяпти. Эҳ, ҳе-э!..» Дарҳол ҳайқириб молбоқарни ҳам, паррандага қаровчи аёлни ҳам чақириб этагини кўтариб қон чиқмас жойига хипчин билан савалаш кераклигига ақли етиб турса ҳам қимирлагиси келмайди. Шундай жазирама иссиқда бақириб-чақиришга, ўзини безовта қилишга эринади.

Боярин бошини кўтаринқираб ҳовлидан юқорироққа — девордан оша кўз ташлаб, оч сариқ гулларига асалари ёпирилган арғувон дарахтига қаради. Нарироқда Кремлнинг нураган девори, девор кунгуралари ораларида буталар кўринарди. Гоҳ кулгинг келади, гоҳ йиғлагинг! Қалъа хандақи то Троица дарвозаси тагидан охиригача бутунлай ботқоққа айланган, товуқ ўтса — қўланса ҳиди димоққа уради!.. Дарвоза олдига ахлат уйиб ташланган... Неглинная анҳори ҳам саёзлашиб қолган, унинг ўнг томонида — чайқов бозор, ўғирлик моллар шу ерда пулланади, чап қирғоқда, девор тагида ифлос кўйлакли болалар қармоқ билан балиқ тутишади ҳеч ким уларни бу ердан ҳайдамайди ҳам...

Қизил майдондаги растада баққоллар овқатга чиқса ҳам, бирпас бўлса ҳам, барибир дўконларини бир пудли қулф билан қулфлаб кетишади. Қўнғироқчи ҳам эшикни қия ёпиб черков олдига тўпланган гадойларга эчки соқоли билан пўписа қилиб, пиёз билан тузланган балиқ егани, квас ичгани сўнгра қорақат тагидаги соя-салқинда бирпас пишиллаб дам олгани секин-аста уйига йўл олди. Гадойлар, нотавонлар майиб-мажруҳлар ҳам черков айвонидан эмаклаб тушади-да, қиёмга келган жазирама офтобда судралиб бошлари оғган томонга кетишди.

Дарвоқе вақт бўлди, овқат ҳам ейиш керак, йўқса

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу диққинафаслик биратўла сулайтириб қўяди... Боярин бирдан бўйнини чўзиб, лабини чўччайтириб ҳатто табуреткадан бир оз кўтарилиб кафтини пешанасига қўйиб қаради: икки жуфт кўк от қўшилган ойнабанд карета қуёшда ярқираб (етакчи от устида — малина ранг либосли чавандоз) Троица дарвозаси билан чайқов бозор орасидаги Неглинная анҳорининг ғишт кўпригидан ўтди. Подшо Пётрнинг севимли опаси малика Наталья сайр қилиб чиққан, у ҳам иниси каби беором, серташвиш эди. Ажабо, малика қаерга кетаётганикин, а?..

Боярин тумшуғи тагида ғувиллаган ариларни дастрўмоли билан ҳайдаб деразадан энгашиб қаради.

— Гришутка,— бақириб, пўписа қилиб, қудуқ ёнида халқоб сувни босиб турган оёқ яланг, узун бўз кўйлакли болани чақирди,— оёғингни қўлга олиб тез югур, йўқса кўрасан мендан!.. Тверская кўчасида кетяпкан ойнабанд каретанинг кетидан қолмай чопиб боравер, қаерга борганини қайтиб келиб менга айтасан...

2

Кокилларига қизил жиға тақилган, абзалларига мис тўқа ва қўнғироқчалар осилган тўртта кўк от каретани кенг пичанзордан учириб келди-да, Измайлово қишлоғидаги эски қаср олдида тўхтади. Бу қасрни Пётрнинг отаси — ҳар хил томошалар ва антиқа нарсалар ишқибози бўлмиш подшо Алексей Михайлович қурдирганди, бу ерда ҳозиргача ҳам сигирлар билан бир пода қўлга ўргатилган лослар ўтлашар, чуқурларида айиқлар ётар, боғларида товуслар юрар, ёзда дарахтлар шохида қўноқлашар эди. Ёғочдан қурилган ва йиллар ўтиши билан бора-бора қорайиб кетган бу қаср ҳарамларнинг йўлаклари ҳамда пешайвонларининг сирланган ва олачипор томлари аслида қанчалигининг саноғига етиб бўлмайди. Айни жимжит туш пайти бу томлар тепасида ёрқанотлар чирқиллашиб, ҳавони кезиб учишади. Қасрнинг барча деразалари ёпиқ. Бир оёғини йиғиб зинада мудраётган қари хўроз карета келиши билан чўчиб уйғонди-ю, қўқўқлаб чопқиллаганича кетди, пешайвонлар тагидаги товуқлар ҳам уйга ўт кетгандай, ёппасига қақағлай бошлади. Пастак ҳужранинг пастак эшиги очилиб, қоровул бошини чиқариб қаради,— у ҳам қари... Каретани

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўриб, шошмасдан тиз чўкди ва пешанасини ерга теккизиб таъзим қилди.

Малика Наталья каретадан бош чиқариб, сабрсизлик билан сўради:

— Боярзода қизлар қаерда, буважон?

Чол ўрнидан турди, соқолини диккайтириб, лабини осилтириб:

— Салом, азиз онахон, саломат бўлгин, соҳибжамол малика Наталья Алексеевна,— деди-да, қалин қошлари тўсиб қолган кўзлари ила кулиб маликага мулойим боқди.— Садағанг кетай, худодод малика меҳрибон чирогим... Боярзода қизларни сўрайсанми? Билмадим, қаерда экан, кўрганим йўқ...

Наталья сакраб каретадан тушди, марваридлар қадалган оғир жиға тожни бошидан олди, устдан кийилган ёзлик кимхоб кўйлагини ечди. (Қадимги бичимда тикилган бунақа кўйлакни малика фақат бир ёққа чиққанда киярди.) Маликанинг сирдоши боярина Василиса Мясная дарҳол буюмларни каретадан олди. Бўйдор, озғин, чаққон Наталья голландча енгил кўйлакда пичанзордан тез-тез юриб дарахтзорга кирди: муздай салқинда, қийғос гулга кирган арғувоннинг муаттар ҳидига маст бўлиб, кўзини чирт юмиб олди.

— Ҳа-ю!— деб чақирди Наталья.

Нарироқда, шохлар орасидан кўринган қуёш нурида ярқираб кўзни қамаштирган сув томондан аёл кишининг овози келди. Ҳовуз бўйидаги қумлоқ жойга, кўприкнинг ёнгинасига сувга яқин қилиб ола-була чодир тикилганди, чодир соясида тўрт қиз юраги сиқилиб ёстиқда чўзилиб ётар эди. Улар шоша-пиша ўринларидан туриб, сочлари ёйилган, лоҳас ҳолда Наталья томон келаверишди. Паканагина, қирра бурун, ёши каттароғи — Анисья Толстая чопқиллаб малика ёнига келди-да, ўйноқи кўзларини чақнатиб қарс урди:

— Нури чашмим, Натальюшка, олампаноҳ маликам, ҳай-ҳай, ана либос, ажнабийча-я! Бай-бай, худди муҳаббат худоси!

Бошқа икки қиз — Александр Данилович Меньшиковнинг сингиллари — навқирон қизлар Марфа билан Анна эди, Пётрнинг буйруғи билан иккови ҳам ота уйидан олиниб, Анисья Толстаянинг назорати остида сарой расм-русмини ва рақс тушишни ўрганиш ҳамда савод чиқариш учун Измайлово қасрига юборилганди. Шир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мойдек етилган, лекин бир оз қўполроқ опа-сингил оғизлари очилиб анграйган ҳолда, киприкларини пирпиратиб, хумор кўзлари билан маликага тикилиб қолди. Натальянинг эгнида голландча либос: қип-қизил нафис жундан тикилган ва этаги уч қадор заррин ҳошияли кенг юбка ҳамда жуда тор нимча, бўйни ва икки кифти— яланғоч, қўли ҳам тирсагигача яланғоч. Муҳаббат худоси билан таққослашга арзишини Наталья ўзи ҳам тушунар, масалан, ҳусн-жамолда Дианадан қолишмаслигини яхши биларди: кулча юз, бурни худди укасининг бурнидек бежирим, оғзи ва қулоқлари кичкина — бари жойида, ҳаммасида ёшлик ғурури, навқиронлик ва такаббурлик акс этарди.

— Бу либосларни мен куни кеча олдим, барини Санька — Александра Ивановна Волкова Гаагадан юборибди... Бичими чиройли, баданинг яйрайди... Албатта, катта маросимларда кийиш учун эмас, лекин пичанзорларда ёки ўрмонда сайр қилиб ўйнаш учун жуда боп экан...

Қизлар кўзлари тўйгунча томоша қилсинлар деб Наталья ҳар томонга айланиб ўзини намойиш қилар эди. Тўртинчи аёл — ёшгина жувон солланган қўлларини жуфтлаб, олчадек қип-қизил ва дўрдоқ, фирибгар лаблари ила кулимсираб нарироқда турарди, кўзлари ҳам олча ранг, қувноқлик акс этган, сал нарсага ёшланадиган эди. Лўппи бетлари ипсиқдан қизарган, қоп-қора жингалак сочлари ҳам ҳўл эди. Наталья қизларнинг оҳ-воҳлари ва қарс уришлари орасида лабини чўччайтириб бир неча марта унга зеҳн солди, лекин ҳозирча тушунолмади: солдатча кафтанга ўралиб арава остида ётган жойидан фельдмаршал Шереметьев қўлига ўтган, ундан Меньшиков тортиб олган ва ниҳоят, бир кун кечаси камин ёнида вино ичишаётганда итоаткорлик билан Пётр Алексеевичга тақдим этилган мариенбурглик бу асира кўнглига ёқадими ё йўқми?

Наталья бокира эди; туғишган опалари Екатерина билан Марьядан ҳам, қондош малика ҳукмдор Софьянинг сингилларидан ҳам минг чандон ҳалол, покиза эди, ваҳоланки, Катька билан Машкани бутун Москва майна қиларди. Наталья табиатан ғайратли ва қаттиқ қўл эди. Катька билан Машкани бир эмас неча марта «манжалақи, сигир» деб сўккан, жаҳлига чидолмай юзларига тарсакилаган эди. Турма шароитини эслатувчи ярамас

www.ziyouz.com kutubxonasi

урф-одатларни, бурчакларда пичир-пичир қилувчи ғийбатчи хотинларни ўз қасридан ҳайдаганди. Ҳаттоки акаси Пётр Алексеевич уятсиз маъшуқаси Анна Монсдан бутунлай воз кечиб, хотин масаласида яхши билан ёмоннинг фарқига бормайдиган бўлиб қолганда,—уни койиган эди. Олдин Наталья: бу асира ҳам акамга бир кунлик кўнгил ҳуши, тезда унутади,— деб ўйлаган эди. Йўқ, Пётр Алексеевич Меньшиковникидаги ўша бўронли тунни, шамни олиб подшо ётоғини ёритган Екатеринани асло унутгани йўқ. Меньшиковнинг экономкаси учун Арбат кўчасидан ҳозирча кичкина уй сотиб олиш тўғрисида буйруқ бўлди; Александр Данилович Катеринанинг кўрпа-тўшаги, савату бўхчаларини ўзи каретада шу уйга обориб берди, орадан кўп вақт ўтмай, уни Измайлово қасрига жўнатишиб, Анисья Толстаянинг назоратига топширишди.

Бир вақтлар драгун билан арава тагида ётган Катерина бу ерда ғам чекмасдан, доим хушнуд, гулдай яшнаб яйрай бошлади. Пётр Алексеевич унга чопар орқали тез-тез мактуб юбориб турарди; бу калта-калта мактублар кўпинча ҳазил-мутойиба тарзида ёзилиб, гоҳ Болтиқ флоти қурилаётган Свирдан, гоҳ Питербург номли янги шаҳардан, гоҳ Воронеждан келарди. Подшо уни соғинар эди. Екатерина унинг мактубчаларини сатрма-сатр ҳижжалаб ўқиркан, қип-қизил бетлари баттар қизариб кетарди. Бу жувон Пётрни нимаси билан мафтун этганини малика Наталья тушунолмас, шуни билгиси келиб юраги эзилар эди.

— Хоҳласанг, подшо қайтгунча сенга ҳам шунақа кўйлак тикиб берардим,—деди Наталья унга жиддий тикилиб. Катерина таъзим қилди, тили аранг калимага келиб миннатдорлик билдирди:

— Жудаям хоҳлайман... Раҳмат...

— Сендан қўрқяпти, Натальюшка,— деб пичирлади Анисья Толстая,—унчалик қаттиқ тикилаверма, айланай малика, бир оғиз ширин сўзингга муҳтож... Сенинг раҳмдиллигинг ҳақида кўп гапирдим, у деб кўрдим, бу деб кўрдим,— асло унамайди: «Малика покиза, бегуноҳ, мен гуноҳга ботганман, унинг илтифотига сазовор бўлишга ҳаққим йўқ... Подшо нима учун мени севиб қолганига ўзим ҳам ҳайронман: гўё булутсиз осмонда тўсатдан чақмоқ чаққандек, ҳали ҳам ўзимга келолмайман»,— дейди. Бунинг устига, анави эси паст икки қиз тушма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гур: «Қандай асир тушдинг, кейин нима бўлди?»— деб шуқул уни қийнашади. Мен икковини ҳам койиб, бу ҳақда ўйлашниям, оғиз очишниям тақиқлаб қўйдим. Мана сизларга қадимги юнонликларнинг худолари ва ишқий афсоналари, шуларнинг саргузашти тўғрисида ўйланглар, истаганча гаплашаверинглар, дедим... Қошки гапга кирса, лаънати қишлоқилик суяк-суякларига сингиб кетипти: ўтган гапни суриштирмаса асло туролмайди... Эртадан-кечгача мен уларга: чўри эдингиз, юнон худоларидек эъзозландингиз, деб такрорлайман, қани энди кор қилса...

Чигирткалар жазирама иссиққа чидолмай, ўрилган пичан орасида шу қадар қаттиқ чириллай бошладики, қулоқлар шанғиллаб кетди. Олисда, ҳовузнинг нариги томонида қарағайзор қорайиб кўринади, гўё дарахт учлари яллиғланган ҳавога сингиб кетганга ўхшайди. Ниначилар қиёқларга қўниб дам олар, ўргимчаклар сув бетида қалқиб турарди. Наталья чодир соясига ўтиб нимчасини ечди, новвот ранг сочларини бошига чамбарак қилиб ўради, боғичларини ечиши билан юбкаси сидирилиб ерга тушди, ниҳоят ҳарир ички кўйлагини ҳам ечиб ташлади-да, худди сарой маҳкамаси ора-сира китобларга қўшиб юборадиган голландча суратларга ўхшаш қолди, қип-яланғоч ҳолда, уялмасдан кўприк устига чиқди.

Малика Наталья ҳамон сочларини чамбарак қилиб тузатаркан, чодир томон бурилиб бақирди:

— Ҳамма чўмилади, гап шу!

Марфа билан Анна ечингилари келмай нозланиб ивирсий бошлашди. Анисья Толстая: «Мунча имиллайсиз, сўқимлар, сизларни ҳеч ким еб қўймайди ёки бирор жойингиз камиб қолмайди», деб ўшқирди. Натальянинг қаттиқ тикилганини сезиб, Катерина ҳам уялиб кетди. Малика дам лабини бурар, дам жилмаяр, гўё ҳам жирканиб, ҳам ҳаваси келиб лаззатланаётгандек эди. Катерина жингалак сочли бошини қуйи солиб, ўрилган пичан узра оҳиста қадам қўйиши билан, жазирама қуёш унинг сип-силлиқ кифтларини, лорсиллаган сонларини, кучга тўлган соғлом баданини олтин нури билан йилтиллатиб юборди. Шунда Наталья: «Шимолда кемалар қураётган акам шўрлик албатта буни соғинса керак, шундай хотинни соғинмай бўладими? Ана шу қўллари билан чақалоқни лорсиллаган кўксига обораётганини акам тамаки

www.ziyouz.com kutubxonasi

тутуни орасидан хаёлан кўз олдига келтирса керак...»— деб кўнглидан кечирди. Сўнгра кўксини тўлдириб чуқур нафас олди-да, кўзларини чирт юмиб, муздай сувга шўнғиди... Худди шу ерда ҳовуз тагидан булоқ қайнаб чиқар эди...

Катерина уялинқираб, ёни билан сурила-сурила кўприкдан тушди, тобора дадиллашиб кўксигача сувга кирди-да, шодлигидан хандон отиб кулиб юборди, ана шундан кейингина Наталья ҳадемай бу жувонни севиб қолишини аниқ сезди. Малика унинг ёнига сузиб бордида, буғдой ранг кифтига қўлини қўйди.

— Гўзалсан, Катерина, акам сени севганига ниҳоятда хурсандман.

— Раҳмат, давлатпаноҳ маликам...

— Мени Наташа дейишинг мумкин...

Катеринанинг ҳўл ва муздай, лўппи юзидан ўпди, олча ранг кўзига тикилиб қаради.

— Ақлли бўлсанг сенга дўст бўламан, Катерина.

Марфа билан Анна дам бу оёғини, дам у оёғини сувга ботириб, шўнғишга юраклари бетламай, кўприк устида ҳув-ҳувлашар эди; Анисья Толстая, жаҳли чиқиб иккала қизни ҳам ҳовузга итариб юборди. Сув бетидаги ўргимчаклар тўзиб кетди, ниначилар қиёқлардан дув кўтарилиб, чўмилаётган нозанинлар устида гир айлана бошлади.

3

Наталья чодир соясида ҳўл сочларини ўриб, эндигина ертўладан келтирилган мева сувн билан нок шарбатини ва нордон квас ичиб ўтирар эди. Ширин кулчадан қиттагини оғзига солиб, ўз фикрини баён қиларди:

— Биздаги нодонликни кўрсам, жудаям алам қилади. Худога шукур, бошқа халқларга қараганда аҳмоқ эмасмиз, қизларимиз чиройли, қад-қомати келишган, ҳеч кимдан камчилиги йўқ, ҳатто ажнабийлар ҳам,— ўқишга ва сарой қоидасини ўрганишга жуда истеъдодли, деб эътироф этишяпти. Акам неча йилдан бери, қизларни ҳарамдан, қоронғи қафасдан ёруғликка чиқараман, деб жони ҳалак... Оёғини тирашади, холос, қизлар эмас,— ота-оналари. Акам шўрлик ҳатто урушга жўнаётганда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам кўнгли тинчимай: «Наташа, бу алмисоқдан қолган серсоқолларни ўз ҳолига қўйма, асло тинчлик берма... Яхши гапга юрмаса, мажбур қил. Йўқса — бу ботқоқ домига тортиб, бизни ютиб юборади...»— деб менга тайинлар эди. Лекин мен қўрқаман, чунки — ёлғизман. Ҳалиям пошшо ойим Прасковьяга раҳмат: сўнгги вақтда менга ёрдамлашяпти, эски урф-одатни емириш учун унга жуда оғир, лекин шунга қарамай, ўз қизларига янгича расм-русм, янгича тартиб жорий қилди: якшанба кунлари тушки ибодатдан сўнг қизлари французча кийиниб кофе ичишади, музика эшитишади, дунёвий ишлардан суҳбатлашишади... Бу йил кузда Кремлда ғалати янгилик кўрсатмоқчиман, антиқа янгилик...

— Қанақа янгилик, айланай маликахоним?— сўради Анисья Толстая лабларини артиб.

— Жудаям антиқа янгилик... Тиатр!.. Лекин Франция саройидагига унчалик ўхшамаса ҳам, ҳар ҳолда тиатр... Версалдаги тиатрда дунёга машҳур актёрлар, раққослар, рассомлар, созандалар бор... Бу ерда эса — биргина ўзим, трагедияларни французчадан русчага ўзим таржима қиламан, кам-кўст жойини ўзим ёзиб тўлдираман, актёрлар билан яна ўзим шуғулланаман.

Наталья «тиатр» сўзини айтганда унга тикилиб астойдил қулоқ солаётган иккала Меньшикова ҳам, Анисья Толстая ҳам, Катерина ҳам қарс уриб, бир-бирларига қараб қўйишди...

— Одамларни бирданига чўчитиб тиатрдан бездирмаслик учун олдин «Печда куйган ёш ўғлон»[1] қўйилади, ғазалхонлар куйлаб туради... Янги йилда подшо байрам муносабати билан уйга қайтади, Питербургдан кўп одам келади, ўшанда биз: «Ахлоқсиз Дон-Жуаннинг хотинбозлиги ёки уни қандай ер ютганлиги ҳақида», деган қиссани қўямиз. Ҳаммани тиатрга боришга мажбур этаман, кўнмаса,— драгун юбориб ҳайдатиб келаман... Афсуски, Александра Ивановна Волкова Москвада йўқ, у бўлганда менга ёрдамлашарди... Ана сизга мисол: ўзи ночор мужик оиласидан чиққан, отаси белига чипта арқон боғлаб юрарди, шундайлигига қарамасдан эрга теккандан сўнг ўз ихтиёри билан ўқиб саводини чиқарди... Уч тилда бемалол гаплашади, шеърлар ёзади, ҳозир

[1] Оригиналда «Пешное действо» дейилган. Печга солиб куйдирилган уч ўспирин тўғрисида диний афсона. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гаагада, элчимиз Андрей Артамонович Матвеевнинг ҳузурида. Кавалерлар уни талашиб қиличбозлик қилишади, ҳатто ўлганлари ҳам бор... Александра Ивановна энди Парижга жўнамоқчи, қирол Людовик Ўн тўртинчининг саройида ҳаммани ҳайрон қолдирмоқчи... Ўқишнинг фойдасини энди тушундингизми?

Анисья Толстая бигиздай бармоғи билан Марфа билан Аннанинг бақинларига туртди:

— Маликам олдида шарманда бўласиз девдимми сизларга? Айтганим келди-ку! Подшоҳим келса, у ҳам суриштиради, билимдон ва одобли кавалерлардан биттасини сенга ёпиқи сенга рўпара қилиб, синамоқ учун ўзи қулоқ солиб турса борми — шарманданг чиқади...

— Қўй уларни, Анисья, иссиқда қийнайверма. Хайр, яхши қолинглар,— деди Наталья.— Мен ҳали немислар слободасига боришим керак. Эгачиларим устидан яна шикоят тушди. Ишқилиб, подшонинг қулоғига етмаса гўргайди. Улар билан астойдил гаплашмоқчиман.

4

Софьяни Новодевичий монастирига қамашганда малика Екатерина билан малика Марияни ҳам Кремлдан кўчириб, кўздан узоқроқ жойга — Покровкага жўнатишган эди. Сарой маҳкамаси уларни озиқ-овқат ва керакли нарса билан таъминлаб, хонандалари ва отбоқарларига, барча хизматкорларига маош тўлаб турар, аммо маликаларнинг қўлига пул бермасди, биринчидан — бунга зарурат йўқ, иккинчидан—уларнинг тентаклигини била туриб пул бериш хавфли эди.

Катька қирққа яқинлашиб қолган, Машка ундан бир ёш кичик эди. Иккиси ҳам Покровкада тўқликка шўхлик қилаётганини бутун Москва биларди. Опа-сингил кеч туришар, тушгача таранмасдан дераза ёнида эснаб ўтиришарди. Қош қорайди дегунча — уларнинг меҳмонхонасига дўмбираю сурнайлар билан хонандаю созандалар кириб келади. Маликалар икки бетларини олмадек қизартириб, қошларига қоракуя суриб, ясаниб олишади-да, қўшиқ эшитишади, шарбат ичишади ва ярим кечагача ирғишлаб шундай ўйин тушишадики, эски ёғоч уй ларзага келади. Миш-мишларга қараганда, маликалар ашулачилар билан ўйнашиб бола туғишаркан, болаларини Кимри шаҳрида кимгадир боққани беришаркан...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ашулачилар шу қадар ҳаддидан ошгандики, ҳатто бегим кунлари ҳам малина ранг шойи кўйлак, қундуз шапка, сахтиён этик кийиб юришарди, қўярда-қўймай маликалардан ҳар кун пул олишар ва уни Покровка дарвозаси ёнидаги қовоқхонада ичиб тамомлашарди.

Маликалар пулга зор бўлгач, эски-туски кийимларини сотишга тушишади: уларнинг уйида, зина тагидаги ҳужрада турувчи кимрилик кампир Домна Вахрамеева орқали чайқов бозорида соттиришарди. Лекин барибир бу пул етмайди, шу сабабдан малика Екатерина, бирон-та кўмилган хазина топиш умидида, Домна Вахрамееванн ишга солади: тушингда ром кўриб, қаерга хазина кўмилганини аниқлагин, деб қистайди. Домна тушида хазина кўришга уста, шунинг учун ҳам малика тезда бойиб кетишига ишонади.

Наталья кўпдан бери опалари билан кескин гаплашмоқчи эди, бироқ қўли тегмасди,— гоҳ чақмоқ чақиб жала қуяр, гоҳ бирор зарур иш халақит бериб гаплашолмай қоларди. Кеча опаларининг янги саргузаштини эшитди: икки малика немислар слободасига қатнайдиган бўп қопти... Катька билан Машка очиқ каретада Голландия элчисиникига боришган, элчи парик билан кафтанини кийиб, қиличини тақиб чиққунча, опа-сингил унинг меҳмонхонасида пичирлашиб, кулишиб ўтирган. Элчи улуғ зотларга муносиб таъзим бажо келтирган, бироқ улар нима қилишларини билмай, курсидан кетларини кўтариб яна таппа ўтириб олишган ва шоша-пиша: «Қант ва конфет сотувчи немис хотин қаерда туради? Биз шунга келувдик»,—дейишган.

Голландия элчиси ҳурмат ва эҳтиром билан маликаларни қандфуруш аёлнинг дўконигача кузатиб қўйган. Бу ерда улар дам унга, дам бунга қўл уриб, қанд, конфет, сомса, марципан[1] олма ва тухум олишган, жами — тўққиз сўм.

— Дарров буларни каретага обориб қўйинг,— деб буюрган Мария.

— Пулини тўламасангиз, обормайман,— деган қандфуруш.

Икки малика пичирлашиб:

---

[1] Марципан — ёнғоқ, мағиз ва қанддан тайёрланган хамирга ўхшаш кондитер маҳсулоти, қотганда — қандолатга ўхшайди. Олмани марципанга ботириб қотирилган. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Буларни ўраб печатлаб қўйгин, кейин одам юборамиз,— деган унга зарда билан.

Маликалар уятни йиғиштириб, қандфурушнинг дўконидан жўнаб, собиқ маъшуқа Анна Монсникига борган; у ҳали ҳам ўша Пётр Алексеевич қурғб берган уйда яшарди. Уйга дарҳол киргизишмайди, анчагача тақиллатишга тўғри келади, занжирдаги итлар акиллайди. Ниҳоят, подшонинг собиқ маъшуқаси уларни каравотда ётиб қабул қилади, жўрттага ётиб олган бўлса ҳам ажаб эмас.

— Салом, марҳаматли Анна Ивановна, кўп йиллар соғ-саломат бўлгин,— дейди маликалар.— Фойдага пул қарз беришингни эшитганмиз, бизга юз сўм бериб тур, икки юз бўлса ҳам йўқ демаймиз...

Монсиха заҳрини сочиб:

— Гаровсиз пул бермайман,— дейди.

Екатерина йиғлаб юборади:

— Жудаям зарур эди, гаров қўядиган буюмимиз йўқ, ялинib кўрсак, гаровсиз берарсан деб ўйловдик...

Шундай қилиб, маликалар уникидан қуруқдан-қуруқ чиқиб кетишди.

Аксига қорнинларн очиб, овқат егилари келиб қолади. Шу пайт бир уйнинг деразасидан, ичкарида хурсандчилик қилаётган меҳмонлар кўринади. Қатерина каретани тўхтатади. Бу — сержант Данила Юдиннинг уйи бўлиб, ўша кезлари ўзи Ливонияда урушда, хотини эгизак туққан, чақалоқни чўқинтириш муносабати билан меҳмонлар зиёфатга тўпланган эди. Маликалар уйга кириб овқат сўрашди, уларни дарҳол иззат-икром билан дастурхонга таклиф этишади.

Орадан уч соатча ўтгач, маликалар сержантникидан жўнаб кетаётганларида, кўчада юрган инглиз савдогар Вильям Пиль уларни кўриб танийди, улар ҳам дарҳол каретани тўхтатиб: «Сизга меҳмон бўлсак, қарши эмассизми?»— деб гап отишади. Вильям Пиль шодлигидан шляпасини осмонга отади: «Бош устига! Бажону дил хизматингизга тайёрман». Маликалар уникига бориб овқат ейишади, инглиз ароғи ҳамда пиво ичишади. Кун ботишига бир соат қолганда Пилникидан жўнаб, слободада кўчама-кўча айланишади, чироқ кўринган деразаларга мўралаб қарашади.

Екатеринага қолса, кечки овқатни ҳам бирор уйда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтказмоқчи бўлган, лекин Мария бунга йўл қўймаган. Қоронғи тушгунча улар шу хилда сайр қилиб юришган...

5

Натальянинг каретаси немислар слободасида қушдай учиб, моҳирлик билан ғиштга ўхшатиб бўялган ёғоч уйлар олдидан, бойларга қарашлик узун ва ясси омборхоналарнинг тунука қопланган дарвозалари рўпарасидан, гулзорлар ичида ғалати қилиб бутаб-қирқиб қўйилган пакана дарахтлар ёнидан ўтиб борарди; ҳамма ёқда кўчага кўндаланг осиб қўйилган ҳар хил суратли вивескалар, дўконларнинг эшиги ланг очиқ, ичи тўла турли-туман моллар. Наталья лабларини маҳкам қимтиб, ҳеч кимга ва ҳеч қаёққа қарамасдан, қўғирчоқдай қотиб каретада ўтирар эди: бошига жиға тож, елкасида ёзлик кимхоб ёпинғич. Жун қалпоқ кийган ва подтяжка таққан бақалоқ кишилар маликага таъзим қилишарди; сават шляпали вазмин аёллар болаларига шоҳона каретани кўрсатишарди; баъзан бирор олифта йигит учраб, дарҳол йўлдан четга чиқар ва шляпаси билан юзини тўсиб чангдан сақланар эди. Малика Наталья опалари Катька билан Машка бутун слободага кулги бўлганини тушунар, айниқса голландиялик ва швейцариялик хонимлар, инглиз ва немис аёллари орасида: «Подшо Пётрнинг опалари ваҳший, суқтой, тиланчи»,— деган дув-дув гап тарқалишини биларди, шунинг учун ҳам азбаройи уялганидан йиғламоқдан бериб бўлиб зўрға ўзини босиб келарди.

Карета эгри-бугри, тор кўчага киргач, Наталья Пруссия элчиси Кайзерлингнинг уйи олдида, қизил ва сариқ бўёқ билан йўл-йўл қилиб бўялган дарвоза ёнида опаларининг каретасини кўрди. Кайзерлинг тўғрисида одамлар орасида, у Анна Монсга уйланмоқчи, бироқ Пётр Алексеевичдан қўрқади, деган гап юрарди. Малика каретанинг олдинги ойнасини узуги билан тақиллатди. Кучер қорамойдай қоп-қора соқолини буриб қаради-да, хирилдоқ овоз билан бақирди: «Так-ей, жонворлар!» Икки жуфт бўз от дарҳол тўхтади, ҳарсиллаб оғир-оғир нафас ола бошлади.

Наталья сирдош боярынага буюрди:

— Василиса Матвеевна, немис элчисига кириб айт, Екатерина Алексеевна билан Марья Алексеевнада мали-

www.ziyouz.com kutubxonasi

канинг зарур юмуши бормиш, дегин... Уларни бирор луқма егани қўйма, судраб бўлса ҳам тез олиб чиқ!..

Василиса Мясная инқиллаб-синқиллаб каретадан тушди. Наталья орқароқ ташланиб олди, бармоқларини қисирлатиб, сабрсизлик билан кута бошлади. Ҳадемай ориққина, паканагина, киприклари бузоқ кипригига ўхшаш элчи Кайзерлинг югурганича зинадан тушиб келди-да, шошилинчда олволган шляпаси билан таёқчасини кўксига босиб, ҳар қадамда таъзим қилиб, қизил пайпоқли оёқларини тапиллатиб, қирра бурунли тумшуғини илтижо билан чўзиб, маликани уйга қадам ранжида қилишга, муздай пиводан ичишга таклиф этди.

— Вақтим йўқ!— деди ғазаб билан Наталья.— Сеникида пиво ичгим ҳам йўқ... Уят ишлар билан шуғулланасан, отахон... (Элчини оғиз очгани ҳам қўймади.) Бор, дарҳол кириб, маликаларни бу ёққа юбор, тезроқ...

Ниҳоят, Екатерина Алексеевна билан Марья Алексеевна уйдан чиқди, иккиси ҳам гўё икки боғ похолдек ҳурпайган, ўз сочлари устидан эшилган қоп-қора парик кийиб, унга мунчоқлар тақиб олган, эгниларида — жудаям кенг бурма кўйлак, бетлари ранг суриб қизартирилган, юзларида қўрқув, аҳмоқлик акс этади. (Наталья тиш орасидан инграб юборди.) Иккала малика ҳам офтобга қараёлмай, шишинқираган кўзларини қисишар, бояриня Мясная орқадан пичирлаб, уларга тиқилинч қиларди: «Уялиб турмасдан тезроқ чиқиб ёнига ўтиринглар». Кайзерлинг таъзим билан карета эшигини очди. Маликалар у билан хайрлашишни ҳам унутиб каретага чиқишди ва Натальянинг рўпарасидаги скамейкага аранг сиғиб, жойлашиб олишди. Карета қизил ғилдираклари билан чанг чўзитиб ва ёнбошдан-ёнбошга тебрана-тебрана бўм-бўш жойлар орасидан зинғиллаганича Покровка томон йўл олди.

Наталья кела-келгунча индамай ўтирди. Катька билан Машка таажжубланиб, ҳадеб дастрўмоллари билан елпинишарди. Ниҳоят маликалар турган уйга кириб, уларнинг меҳмонхонасига чиққанларидан сўнг Наталья эшикни занжирлатди-да, койишга тушди:

— Бу нимаси, беномуслар, эсларингни едиларингми? Ёки монастирга қамалгиларинг келяптими? Москвада ном чиқарганларинг камлик қилдими? Энди бутун дунё олдида шарманда бўлмоқчимисизлар? Элчиларникига қатнашни сизларга ким ўргатди? Ойнага қаранглар, ҳа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

демай, тўқликдан бетларинг тарс ёрилади, шунча семирсаям кўнгиллари голландча ва немисча таомларни тусаб қопти-да! Қайси ақл билан икки юз сўм учун Анна Монскдек ярамас хотинга ялиндинглар? Сиз тиланчиларни уйдан ҳайдаб чиқаргани учун у энди хурсанд,— Қайзерлинг бу гапни албатта Пруссия қиролига ёзади, қирол бутун Европага овоза қилади, ана оқибат! Қандфуруш хотинни алдамоқчи бўлибсиз,— тонманг, бу рост! Яҳшиямки, эслилик қилиб фаҳмлаб қолгану пулсиз бермаган. Худоё тавба, подшо нима деркин ҳали? Бу кори бадларинг учун сиз сўқимларни энди нима қиларкин? Сочларингни қирқиб Печора дарёси бўйидаги Пустозерск монастирига жўнатиш керак, бошқа илож йўқ...

Наталья жиға тожини ва ёпинғичини ечмасдан хона ичида у ёқдан бу ёққа бориб келар, ҳаяжонланиб қўлларини эзғилар, Катька билан Машкани ўтли назари ила қийнар эди; олдинига улар чидаб туришди, кейин оёқлари бўшашиб ўтириб олишди: бурунлари қизариб, бақалоқ юзлари титраб, бўйин томирлари шишиб, фарёди томоққа келган бўлса ҳам овоз чиқаришга қўрқишарди.

— Подшо бизларни ҳалокат қаъридан рўёбга чиқариш учун кечаю кундуз жони ҳалак. Қониб ухламайди, тўйиб овқат емайди, ўзи тахта тилади, ўзи мих қоқади, ўқу снарядлар ёғилиб турган жойларда юради, фақат бизларни одам қилиш тўғрисида ғам ейди... Душманлари эса — уни бадном қилиш, ҳалок этиш учун пайт пойлашади, холос. Хўш, сиз-чи! Сиз қилган ярамас ишни ҳатто энг ашаддий душман ҳам қилмайди... Ўз ақлингиз билан немислар слободасига борганингизга мен ҳеч ишонмайман, кимдир ўргатиб сизни бу йўлга солган, мен бунинг тагига етмай қўймайман... Эҳ, қари қизлар, ўлгудай ношудсизлар...

Гап шу ерга етганда, Катька билан Машканинг шишинқираган лаблари осилиб, кўзларидан тирқираб ёш оқди.

— Ҳеч ким бизга ўргатгани йўқ,— деди Катька ҳўнграб,— турган жойимда тил тортмай ўлай, рост...

— Ёлғон!— бақириб жеркиб ташлади Наталья.— Хўш, қандфуруш хотин борлигини сизга ким айтди? Монсиха фойдага пул беришини кимдан эшитдингиз?

Мария ҳам ҳўнграб юборди:

— Буни бизга кимрилик Домна Вахрамеева айтди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қампир ўша қандфурушни тушида кўрипти, биз унинг гапига ишонамиз, марҳипан олма егимиз келувди...

Наталья тез бориб эшикни шартта очди: эшик орқасидан қулоқ солаётган заифона кўйлакли чол — хонаки масхарабоз дарҳол қочди, сиғинди кампирлар, ногирон аёллар, сочларига қўйтикан илашган қизиқчи хотинлар — ҳаммаси кетига тисарилиб четга чиқди. Наталья қора рўмолли озода хотинни қўлидан ушлади:

— Қимрилик кампир сенмисан?

Қампир бутун гавдаси билан икки букилиб таъзим қилди:

— Давлатпаноҳ малика, ҳа, мен Қимри шаҳриданман, беваю бечора Домна Вахрамееваман...

— Маликаларни авраб немислар слободасига боришга сен ўргатдингми? Айт-чи!..

Вахрамееванинг оппоқ юзи титрай бошлади, чўзинчоқ лаблари қийшайиб кетди:

— Мен — мияси айниган бир хотинман, садағанг кетай, маликам, тутқаноқ тутганда оғзимга келганини гапираверараман, саховатли маликалар бемаъни сўзларимдан овинишади, мен бўлсам — суюнаман... Кечалари антиқа тушлар кўраман. Лекин тушларимга маликалар ишонадими, йўқми — билмайман... Умримда немислар слободасида бўлган ҳам эмасман, ҳеч қандай қандфуруш хотинни кўрганим ҳам йўқ,— Домна Вахрамеева яна Натальяга таъзим қилди-да, қўлларини рўмол остида қовуштириб, тошдай қотиб тураверди,— қийнасанг ҳам энди миқ этмайди...

Наталья опаларига хўмрайиб қаради: Катька билан Машка иссиқдан қийналиб нуқул инграшарди. Шу пайт масхарабоз чол эшикдан тумшуғини тиқиб мўралади: бурун ўрнида фақат иккита тешик, соқолу мўйлови ҳурпайган, лаблари қайтарилган:

— Қизиқчилик қилиб кулдирайми?

Марья зарда билан унга «йўқол» деган маънода дастрўмолини силкитди. Аммо ўнтача қўл эшикка тармашиб, тортқилаб очди-да, бош яланг қизиқчилар, увадага ўралган ногиронлар, бесўнақай сарафан, пўстлоғ тақия кийган тавиялар чолни итаришиб меҳмонхонага бостириб киришди. Ҳаммаси беҳаё, бир-биридан чаққон, ўзаро уриш бошлаб, бир-бирининг юзига тарсакилашга, сочидан юлишга тушди. Масхарабоз чол букри хотинга миниб олди-да, чипта кавушини юбка остидан чиқариб

www.ziyouz.com kutubxonasi

димоғи билан пўнғиллаб бақирди: «Ана томоша қилинг, немис полвон немис бияга миниб пиво ичгани кетяпти!..» Тўсатдан даҳлизда қўшиқчилар пайдо бўлиб, ҳуштак аралаш рақс куйини бошлаб юборди. Домна Вахрамеева четга чиқиб печь орқасига ўтди-да, рўмолини қошигача тушириб олди.

Наталья ғазаби қўзиб тутақиб кетганидан қизил бошмоқлари билан ер тепиниб: «Йўқол!— деб бақирди ўмболоқ ошаётган бу жулдурваки майнавозларга қараб,— даф бўлинглар!» Бироқ қизиқчилар, тавия-тасқаралар аксига олиб баттар чийиллай бошладилар. Шўрлик малика бир гала тентакларга қарши бир ўзи нима ҳам қила оларди! Бутун Москвани шунақа бачканалик босиб кетган: ҳар бир бояриннинг уйида, ҳар бир черков пешайвонида шунақа жиннилик ва ўтакетган жоҳиллик... Наталья жирканиб этакларини йиғиштирди ва билдики, опалари билан гаплашадиган гапи тугади, гапни чўзишдан наф йўқ. Бироқ ҳозир кетадиган бўлса, Катька билан Машка деразадан қараб, то карета кўздан ғойиб бўлгунча роса кулишади, бу аниқ...

Қий-чув, тўпалон орасидан бирданига ҳовлида от туёқларининг дўпири ва ғилдираклар товуши эшитилди. Даҳлиздаги қўшиқчилар дарҳол жимиди. Масхарабоз чол тишларини иржайтириб: «Қочиб қол!»— деб бақирди. Қизиқчилар, букри хотинлар, тавия-тасқаралар — ҳаммаси ин-инига уриб кетди. Уйга қабристон сукунати чўкди. Зилдай қадамлар остида зинапоя тахталари ғижирлагани эшитилди...

Семиз киши ҳарсиллаб меҳмонхонага кирди, қўлида — кумуш қопланган ҳасса билан шапка. Эгнида — эскича бичимда тикилган, этаги ерга судралган, тўқ қизил рангли кенг чакмон: қорачадан келган япалоқ юзида соқоли тақир қирилган, қоп-қора мўйлови полякчасига буралган, ёшланувчи кул ранг кўзлари қисқичбақанинг кўзи сингари чақчайган. Қўлидаги шапкани то ергача теккизиб олдин Наталья Алексеевнага таъзим бажо келтирди, сўнгра бурилиб, қўрққанидан нафаслари чиқмай қолган малика Катеринага ва малика Марьяга таъзим қилди. Сўнгра скамейкага ўтирди-да, шапкаси билан асони ёнига қўйди.

— Уҳ,— деди ниҳоят,— мана, мен ҳам келдим.— Қўйнидан каттакон гулдор рўмол олиб юзини, бўйнини, терлаб ҳўл бўлган сочларини ва пешанасини артди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу — Москвада энг даҳшатли одам — князь-кесарь Федор Юрьевич Ромодановский эди.

— Эшитдик, ҳа, эшитдик, бу ерда ишлар чатоқ. Бай, бай, бай!—рўмолини яна қўйнига тиқди-да, кўзларини ғилайлатиб малика Катерина билан малика Марьяга қаради.— Марципан егиларинг келдими? Шундай, шундай... Аҳмоқлик ўғриликдан ҳам ёмон... Ҳамма ёқда шов-шув гап. Князь-кесарь ялоқ юзини Наталья томон ўгирди.— Буларни немислар слободасига пул топиб келиш учун юборишган,— гап пулда. Демак, кимгадир пул керак. Мендан хафа бўлмагин, Наталья Алексеевна, опаларинг турган уй ёнига қоровул қўйишга тўғри келади. Шу уйнинг ҳужрасида кимрилик кампир яшайди, кўзага овқат солиб махфий равишда шаҳар ташқарисига чиқади ва харобазордаги эски ҳаммомга оборади. Ўша ҳаммомда черковдан ҳайдалган қочоқ поп Гришка яширинган... (Бу ном тилга олиниши билан иккала малика ҳам докадай оқариб, юзларини чангаллади.) Ўша Гришка ҳаммомда ҳар хил гиёҳлардан шаҳват қўзғатадиган қувватибо, ҳомиладор бўлишнинг олдини оладиган ҳамда бола ташлатадиган дори тайёрлайди. Хўш... Шунингдек, бизга маълумки, поп Гришка ҳаммомда махфий варақалар ёзиб, ҳар жой-ҳар жойга секингина ташлаб кетади, кечаси немислар слободасига бориб, баъзи элчиларникига киради, бир роҳиба билан учрашади, бу роҳиба Новодевичий монастирига қатнаб пол ювади, собиқ ҳукмрон малика Софья Алексеевна ҳужрасининг полини ҳам ўша хотин ювади... (Князь-кесарь овозини паст қилиб, шошмасдан гапирар, хонада ҳеч кимнинг нафаси чиқмасди.) Мен шу ерда қоламан, ҳурматли Наталья Алексеевна, сен бу ифлос ишларга аралашмай, кечки салқинда уйга қайтганинг маъқул...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИККИНЧИ БОБ

1

Стол ёнида уч ака-ука Бровкинлар — Алексей, Яков, Гаврила ўтирибди. Ҳозирги шароитда бу хилда тўпланиш, вино ичиб, чин юракдан суҳбатлашиб ўтириш камдан-кам насиб бўлади. Ҳозир ҳамма шошилган, қўл тегмайди, бугун бу ерда бўлсанг, эртага қарабсанки, чанада пичан тагига кириб, пўстинга ўралиб, минг чақиримлик йўлда кетяпсан. Чунки одам кам, одам етишмайди...

Яков Воронеждан келди, Гаврила — Москвадан. Икковига зарур иш топширилган: Неванинг чап қирғоғига, Фонтанка анҳоридан юқорироқда омборхоналар, сув бўйига — кема тўхтайдиган жой, сувга — бонлар[1] қуриш, бутун қирғоқни сепоялар билан мустаҳкамлаш ва ҳамма ишни Свирь ёнидаги Лодейное Поледа шошилинч равишда қурилаётган Болтиқ флотининг биринчи кемалари келгунча тахт қилиш тўғрисида буйруқ берилганди. Бултур Александр Данилович Меньшиков Свирга бориб мачтабоп қарағай кесдирган ва айни муқаддас ҳафта кунлари биринчи верфнинг пойдеворидан иш бошлаб юборган эди. Олонецк уездидан машҳур дурадгорларни, Устюжинадан энг яхши темирчиларни ўша ерга олиб келишганди. Амстердамда кемасозлик соҳасида таълим олган ёш навигаторлар, Воронежда ва Архангельскда иш кўрсатган тажрибали эски усталар, Голландия ва Англиядан келган машҳур мастерлар — ҳаммаси ҳозир Свирда йигирма замбаракли фрегатлар, шнявлар, галиотлар, бригантинлар, галералар, шмаклар қурмоқда эди[2]. Подшо Пётр ҳам йўллар эримасдан олдин чанада ўша ерга борган эди, ҳадемай бу ерга — Питербург шаҳрига келишини кутишарди.

Алексей кафтансиз, фақат голландча сурп кўйлакда,

---

[1] Сувда қалқиб турадиган мудофаа иншооти. *(Тарж.)*

[2] Турли ҳажм ва шаклдаги ҳарбий кемалар. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

якшанба куни муносабати билан ҳели ёшариб, енгининг кружевали манжетларини қайириб, тахтачада сур гўшт тўғрамоқда. Укалари олдида сопол косаларда қайноқ карам шўрва, кўзачада ароқ, учта қалайи стакан, бир тўғрамдан қаттиқ қора нон.

— Москвада карам шўрва билан сур гўшт оддий бир таом,— деди Алексей укаларига қараб. (Юзлари қипқизил, соқоли қирилган, малла ранг мўйлови буралган, сочлари олинган, парчи девордаги ёғоч қозиққа илиб қўйилган).— Аммо бу ерда фақат байрам кунлари сур гўшт кўрамиз. Тузлаган карам эса — Александр Даниловичнинг ертўласида, Брюсда ва фақат менда бор, холос... Яхшиямки ёзда эсга келиб, ўзимиз полизга эккан эканмиз, йўқса — карам қайда... Турмушимиз оғир, жудаям оғир. Нарх-наво жуда баланд, ҳеч нарса топилмайди.

Алексей тўғралган гўштни шўрвалик косаларга солди, стаканларга ароқ қуйди. Оға-инилар бир-бирларига таъзим қилиб, нафас ростлаб, баравар кўтаришди, сўнгра сиполик билан карам шўрвани ҳўплай бошлашди.

— Одамлар бу ерга келишга қўрқишади, бу ерда хотин масаласи чатоқ, йўқ дейиш мумкин, худди саҳрода яшагандек яшаймиз, ўлай агар... Қишда ҳар қалай, даҳшатли бўрон, ҳамма ёқ қоп-қоронғи — бир амаллаб чидайсан, айниқса бу йил қишда бирам иш кўпайдики, хотин эсга келармиди... Лекин, мана бугунгидек, баҳор шабадаси эсган сари хаёл обқочиб миянгга шундай ғалати нарсалар келадики, айтишга тил бормайди...

Яков кемирчак ғажиётиб:

— Ҳа, бу ерлар жудаям бефайз, диққинафас экан,— деди.

Яков Алексейга ва Гаврилага қараганда унчалик нозиктабиат эмас, ўзига у қадар эътибор бермасди: эгнидаги жигар ранг кафтани доғ-дуғ бўлиб, тугмалари узилган, сержун бўйнидаги қора галстук кирланган, бутун вужудини тамаки ҳиди босиб кетганди. Сочларини тарамас, елкасига тушириб юрар эди.

— Ундай дема, ука, бу ерлар жудаям файзли, кўнглинг яйрайди: пастроқда, денгиз бўйида ва ундан четроқда — Дудергоф дачалари бор. Ўт-ўлан белга тепади, осмонга қад кўтарган қайинзорлар, учига қарасанг — шапканг бошингдан учиб кетади, қорақат билан маймун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жоннинг кони, қора буғдой, турли сабзавот ўсали... Лекин Нева дарёси қуйиладиган жойнинг атрофи — ботқоқ ва билқилдоқ. Шунга қарамай, подшо нима учундир худди шу жойни танлади. Лекин ҳарбий жиҳатдан қулай ва боп жой. Бироқ шведлар кўп безовта қилади — шуниси ёмон. Бултур уларнинг флоти денгиздан Сестра дарёсига кириб, шундай ҳужум қилдики, она сути оғзимизга келаёзди. Лекин бўш келмадик, улоқтириб ташладик. Ҳозир денгиздан бери келиб бўпти. Январь ойида биз сим тўрларга тош тўлдирнб, Котлин ороли ёнида муз тагига ташладик ва қиш бўйи араваларда тошу шағал ташиб устидан босдик. Дарёдан муз кетгунга қадар ўша ерда эллик замбаракли бастион тайёр бўлади. Пётр Алексеевич Воронеждан унинг планини ва ўз қўли билан ясаган кичкина макетини юборипти ва бу бастионга «Кроншлот» номи қўйилсин, депти.

— Ҳаммасидан хабарим бор,— деди Яков,— бу макет тўғрисида мен Пётр Алексеевич билан баҳслашиб қолдим: «Бастион паст, тўлқин турганда сув тўплар устигача чиқади, яна бир газ кўтариш керак»,— десам, мени таёқ билан сийлади. Лекин эрталаб чақирди: «Сенинг ҳисобинг тўғри чиқди, Яков, мен янглишибман», деди. Менга ўрама кулча билан қадаҳ тутди. Шундай қилиб ярашдик. Мана бу трубкани ҳадя қилди.

Яков ҳар хил темир-терсак билан тўлган чўнтагини ковлаб, четлари куйган, найининг учи ғажилган олча ранг трубкани олди. Унга тамаки босди-да, пишиллаб, пилик тутатиш учун чақмоқтош чарсиллатишга тушди. Кенжаси Гаврила, акаларига қараганда паканароқ бўлса-да, чайир ва бақувват, лўппи юзли, мўйлови қоп-қора, кўзлари катта-катта, худди опаси Санькага ўхшаган йигитча — тўсатдан қошиқни ичидаги шўрваси билан ликиллатиб, томдан тараша тушгандай қилиб:

— Алёша, мен суварак тутиб олдим,— деди.

— Вой, тентак, бу кўмир-ку!— Алексей унинг қошиғидаги қора нарсани олиб, стол устига ташлади. Гаврила бошини чалқанча ташлаб, қанддек оппоқ тишларини кўрсатиб, роса хахолаб кулди.

— Худди раҳматлик ойимнинг ўзгинасисан, Алёша. Баъзан дадам қошиқни улоқтирарди-да: «Яна лаънати суварак»,— дерди. Ойим дарҳол балогардон: «Кўмир-ку, Иланай дадаси». Ҳам кулгинг келади, ҳам йиғлагинг.. Сен, Алёша, катта бўлиб қолгандинг, Яков билан мен қиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўйи иштончанг печь устида ётардик. Санька бизга ваҳимали чўпчаклар айтиб берарди. Ҳа, бари эсимда...

Ака-укалар қошиқларини қўйиб, тирсакларини столга тираб, гўё ўтмишнинг ғамгин шабадаси юзларини ялаб ўтгандек, бир дам ўйланиб қолишди. Яна стаканларга ароқ қуйилди, яна бафуржа суҳбат давом этди. Алексей қалъадаги ишларга қараб юрганда учратган камчиликлардан ҳасрат қила бошлади: Пётр ва Павел номига қурилаётган жомелар учун тахта тилишга арра ва болта етишмаслигини, ишчилар учун нон, сўк, туз ташиб келиш тобора қийинлашганини, Финн кўрфази соҳилидан қишда чана билан тош ва ёғоч ташиётган отлар ем-хашак танқислигидан ҳаром ўлаётганини гапириб берди. «Ҳозир чана юролмайди, арава керак, бироқ ғилдираклар йўқ»,— деди...

Сўнгра яна бир стакандан отиб олишди-да, ака-укалар Европа сиёсати тўғрисида фикр юритишга тушиб кетишди. Гоҳ ҳайрон бўлиб гапиришар, гоҳ бу сиёсатни қоралашар эди. Шундай маданиятли давлатлар ободончилик йўлида меҳнат қилса, ҳалоллик билан ўзаро савдо-сотиқни ривожлантирса бўлади-ку! Йўқ, тескарисини қилишади... Франция қироли денгизда ва қуруқликда инглизлар билан, голландлар билан ва император билан урушади ва бу уруш қачон тугайди — номаълум; турклар эса Ўртаер денгизини Венеция ва Испания билан тинчгина бўлиб ололмайди, бир-бирининг кемаларини ёндириб ғарқ қилишади; фақат Пруссия қироли Фридрих ҳозирча аралашмай жим ўтирипти, лекин у ҳам аноий эмас, бурнини у ёқ-бу ёққа ўгириб искаб кўряпти: осонгина юлиб олиш йўлини қидиряпти; Саксония ва Силезияда, Польша билан Литвада уруш алангаланмоқда, ички урушлар авж олмоқда; ўтган ойда қирол Карл поляклларга янги қирол сайлаб олишни буюрди, натижада ҳозир Польшада қирол иккита — Август Саксонский ва Станислав Лешинский: панларнинг ярми Август томонда, ярми Станислав томонда, маҳаллий сайилларда қизишиб то қиличбозликкача боришади, лашкар тортиб бир-бирларининг қишлоқларига, мулкларига ўт қўйишади; қирол Карл эса ўз аскарлари билан Польшада бемалол кезмоқда, юртни талаб, шаҳарларни вайрон қилмоқда. «Польшани тамоман бўйсундириб олганимдан сўнг, подшо Пётрга қарши қўшин тортаман, Москвага ўт қўяман, рус давлатини харобазорга айлантираман», деб дўқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

урипти, ўшанда ўзини янги Искандар Зулқарнайн деб эълон қилармиш. Шунақа гаплар: бутун дунё ақлдан озипти, дейиш мумкин...

Лойсувоқ уйнинг тўрт кўзлик деразачаси ортидаги бўғотидан каттакон сариқ сумалак қасирлаб узилиб тушди. Ака-укалар дарҳол бурилиб деразачага қарашди: фавқулодда мовий осмонни — бунақа мовийлик фақат шу ерда, денгиз бўйида бўлиши мумкин — тубсиз осмонни кўрдилар, бўғотдан чак-чак қилиб сув томчилаганини, баргсиз бута устида чумчуқ чирқиллаганини эшитдилар. Шундан кейин улар снёсатни йиғиштириб қўйиб ўз дардларидан ҳасратга тушдилар.

— Мана, учта ака-укадан биттамиз ҳам уйланганимиз йўқ,— хомушлик билан гап бошлади Алексей.— Учта азамат — учаласи ҳам бўйдоқ. Кўйлагимни деншик ювади, тугмаси узилса — ўша қадайди, аммо, барибир, кўнгилдагидай эмас... Хотин қишининг қўли бошқа... Сирасини айтганда, гап кўйлакда ҳам эмас, ювилса — ювилар, сатқаи сар... Қани энди хотининг бўлса-ю дераза олдида кўчага термилиб, сени кутиб ўтирса, йўқ... ўлгудек чарчаб, совқотиб уйга қайтасан, тошдай каравотга таппа ташлайсану бурнингни ёстиққа тиқиб ётаверасан, итдан баттар ғингшиб бир ўзинг... Оламда ёлғизлик ёмон, хотинсиз яшаш қийин, лекин қани ўша хотин, қаердан топасан?..

— Гап шунда-да — қаердан топасан?— деди-да, Яков тирсакларини столга қўйиб трубкасидан кетма-кет уч ҳалқа тутун чиқарди.— Мен бу масалада жуда пишиқман, ака. Саводсиз тентакка уйлангандан кўра шундоғ ўтган яхши, унақа хотин билан гаплашиб барака топмайсан. Оқсуяк боярзода қизлар эса — унамайди: Пётр Алексеевичнинг амрига биноан улар билан базмларда рақс тушаман, ширинсуханлик билан хушомад қиламанку, аммо ўла қолса ҳам менга тегмайди... Шунинг учун униси-буниси билан иш битириб юрибман... Бу яхши эмас албатта, ифлослик, лекин бошқа илож йўқ... Мен учун математика дунёда барча хотинлардан ҳам қимматроқ туради...

— Бири бирига ҳеч халақит бермайди,— деди унга Алексей секингина...

— Йўқ, халақит беради мен сенга айтсам. Ана, бутадаги чумчуққа қара: мода чумчуққа ирғишдан бўлак ҳеч нарсани ўйламайди, ўйлашга ақли ҳам йўқ... Одам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зодга худо нега ақл берган?— ўйлаш учун.— Яков трубкасини хўриллатиб, инисига шама қилиб кесатиқ гап қотди:— Эҳтимол, бу масалада бизнинг Гаврюшка эпчилроқдир балки...

Гавриланинг юзидан тортиб то бўйнигача қип-қизариб кетди: мулойим кулимсиради, кўзлари ёшланди, уялганидан кўзини қандай яширишини билмай, довдираб қолди.

Яков уни тирсаги билан туртди:

— Гапириб бер, ука, мен бунақа ҳикояга жудая ишқивозман...

— Боринглар-ей, тавба... Нимасини гапиради — ҳеч гап йўқ... Мен ҳали ёшлик қиламан...

Лекин Яков ва унга қўшилиб Алексей: «Уялмай қўя қол, тентак, ўзлик-ўзимиз-ку, бегона одам йўқ»,— деб ёпишиб олишди. Гаврила анчагача терслик қилиб унамади, кейин хўрсиниб уҳ тортишга тушди ва ниҳоят, шу воқеани акаларига сўзлаб берди.

Рождество байрами арафасида, кечқурун Иван Артемичнинг уйига сарой югурдаги кириб келди ва: «Гаврила Иванович Бровкинга дарҳол саройга бориш хусусида амр қилинди»,— деди. Олдинига Гаврила бўйинтоблик қилди,— ўзи ёш бўлса ҳам, ҳар ҳолда, подшога манзур бўлган шахс, шахслигидан ташқари, Воронеж верфи учун икки палубалик кеманинг тайёр чертёжининг четларини гир айлана хитой туши билан чиройли қилиб чизмоқда ва бу чертёжни Навигация мактабидаги ўз шогирдларига кўрсатмоқчи эди (Пётр Алексеевичнинг буйруғига биноан Гаврила шу мактабда дворян болаларига кемасозлик санъатидан дарс берарди). Лекин Иван Артемич ўғлига ялиниб, бормаганига қўймади: «Гаврюшка, французча кафтанингни кийиб, тайинланган жойга тез етиб бор, бунақа ишларда ҳазил кетмайди, болам...»

Гаврила оқ шойи кафтанини кийди, шойи белбоғни боғлади, ёқа кружеваларини тўғрилади, қора парикка мушк сепди-да, тўпиғига тушадиган узун плашни кийиб, отасининг уч отлик каретасига тушиб Кремлга жўнади. Бу каретага бутун Москва ҳавас қилар эди.

Югурдак уни қоронғи йўлаклардан, тор зиналардан бошлаб, юқорига — ёнғиндан омон қолган қадимий ҳарамхоналарга олиб чиқди. Бу ердаги барча хоналар пастаккина, гумбазсимон бўлиб, тошдан қурилган, шифтию деворларига тилла суви билан қирмизи ва яшил ранг бе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рилган ва устидан турли-туман гулу гиёҳларнинг расми чизилган эди; ҳамма ердан мўм ва аллақачонги бухур ҳиди келарди, кошин печлар ёқилганидан хоналар исиб кетганди, ҳар бир сўричада бароқ мушук мудраб ётарди, идиш сақланадиган слюда кўзли жавонлар ичида кўзалар ва қадаҳлар йилтиллаб турар, эҳтимол Иван Грозний шу қадаҳларда май ичган бўлса ҳам ажаб эмас, лекин бу идишлардан ҳозир ҳеч ким фойдаланмасди. Гаврила нақшинкор тош плиталар узра шпораларини зарда билан жингирлатиб, жирканган ҳолда тез-тез юриб бу эскилик тимсоли бўлган хоналар ва жиҳозлардан узоқлашди. Охирги эшикка етгач, энгашиб ичкари кирди, кирди-ю, мислсиз гўзаллик ўт каби ярқ этиб, бутун вужудини қамраб олди.

Ҳарамнинг қоқ ўртасида, заррин бўёқлари ила ғирашира товланган гумбазсимон шифт остида стол турарди, унинг тўрт оёғи афсонавий гриф[1] сурати билан безалган, устига шамлар ёқиб қўйилган, стол ёнида — ёшгина аёл, яланғоч кифтига мўйнали нимча ташлаб, яланғоч билакларини столда сочилиб ётган қоғозларга қўйиб хат ёзиб ўтирар эди; шамларнинг майин шуъласи унинг нозик кулча юзида акс этиб оҳиста жимирлашарди. Аёл патқаламни столга ташлаб қўлини бошига оборди, чамбарак қилиб ўрилган новвот ранг ва йўғон сочини узуклар безаган бармоқлари билан тузатди-да, бошини кўтариб бахмал кўзлари ила Гаврилага боқди. Бу аёл малика Наталья Алексеевна эди.

Ваҳшиёна эски одат бўйича дарҳол маликанинг оёғига йиқилиши лозим эди, аммо Гаврила ундай қилмади: французча сарой қоидасига тамоман мувофиқ чап оёғини олға ташлаб, қўлидаги шляпани ер бағирлатиб ҳилпиратиб, чиройли таъзим қилди, парик шокилалари юзига тушди. Малика унга жавобан лабини икки бурчи билан жилмайиб ўрнидан турди, марварид атлас юбкасини икки ёнидан салгина кўтарди-да, ўтиринқираб таъзим қилди.

«Иван Артемичнинг ўғли Гаврила — сенмисан?— сўради малика шам шуъласида ялтиллаган кўзлари ила унга оёқдан-бошгача разм солиб, чунки унинг бўйи баландлигидан париги шифтга тегай деб турарди.— Салом,

---

[1] Бургут бошли, шер танали, икки қанотли афсонавий махлуқ. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гаврила, ўтир. Опанг Александра Ивановна менга Гаагадан хат юборипти: мен бошлаган ишларга анча ёрдаминг тегиши мумкинлигини ёзипти. Сен Парижда бўлганмисан? Париж театрларини кўрганмисан?»

Гаврила ўтган йили масленица байрамида икки навигатор билан Гаагадан Парижга борганини, ўша ерда қандай ажойиб театрлар, кўча сайиллари ва карнавалларни кўрганини сўзлай бошлади. Наталья Алексеевна ҳамма нарсани муфассал билишга ҳаракат этиб диққат билан тингларди, Гаврила тортинчоқлик қилиб, тузукроқ тушунтиролмай тутилиб қолган пайтларда малика сабрсизлик билан пошналарини тўқиллатарди; тобора завқланиб унга яқинроқ сурилар, кенгайган қорачиқлари билан тикилар, французча урф-одатлардан таажжубланиб оғзини очарди.

«Ана,— деди малика,— чет элдагилар бизнинг одамлар сингари уйида биқиниб ўтирмайди, улар хурсандчилик қилишни билишади, бошқаларни ҳам хурсанд қилишга уста, кўчаларда рақс тушишади, комедияни[1] астойдил тинглаб томоша қилишади... Бизда ҳам ўшанақа томошалар расм қилиш лозим. Сени инженер дейишади, тўғрими? Жуда соз, мен бир палатани театр учун мўлжаллаб қўйганман, шуни сенга топшираман, театрга мослаб бошқатдан тузатасан. Шамни ол, бориб кўрамиз...»

Гаврила ёниб турган шами билан оғир шамдонни олди; Наталья Алексеевна кўйлак этакларини шитирлатиб олдинга ўтди-да, енгил одимлар билан йўрғалаб, гумбазсимон палаталардан ўтди; иссиққина сўричаларда ётган бароқ мушуклар уйғониб, белларини камон сингари эгиб ҳурпайишар ва яна жойларига ётиб эркаланишарди; гоҳ у шифтда, гоҳ бу шифтда Москвада ўтган подшоларнинг хўмрайган суратлари учрар,— ўзи билан бирга ёнидаги шайтон шохига ўхшаш парик кийган йигитни ҳам, қадимий Москванинг эзгу урф-одатларини ҳам жаҳаннам сари судраган малика Натальянинг кетидан кўзларини олайтириб ёмон тикилишарди.

Типпа-тик тор ва қоронғи зинадан тушаётган Наталья Алексеевна қўрқиб, яланғоч билагини Гавриланинг тирсагидан ўтказиб олди; йигит дарҳол маликанинг юрак ҳароратини, сочларининг ва нимча мўйнасининг ҳидини сезди; малика қоронғи зинадан тобора эҳтиёткорлик би-

[1] Пьесани демоқчи. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

лан энгашиб тушаркан, юбка этаклари остидан учи тўмтоқ сахтиён бошмоқлари липиллаб чиқиб турарди; Гаврилани ич-ичидан қалтироқ босди, овози ҳам хиралашди; пастга тушишгач, малика ялт этиб унинг кўзига тикилиб қаради-да:

«Мана бу эшикни оч»,—деб буюрди мовут қопланган, куя еб мовути титилиб кетган пастаккина эшикни кўрсатиб. Гаврила очди, баланд остонадан олдин Наталья Алексеевна ҳатлаб ўтди-да, чанг ва сичқон ҳиди босиб кетган иссиққина хонага кирди. Гаврила шамдонни баланд кўтариб қаради: бу — тўртта йўғон устунли, шифти гумбазли, жуда кенг палата эди. Қадим замонда ювошлиги билан ном чиқарган подшо Михаил Федорович шу ерда халқ вакиллари билан бирга овқатланарди. Шифтларидаги ва устунларидаги нақшлар ва суратлар нураган, тахта поллари ғижирларди. Тўрдаги деворга қоқилган михларга мочалка париклар, жуббалар ва умуман артистлар киядиган эски-туски турли усти бош илиб қўйилганди, темир-терсакдан қилинган тожлар, совутлар, салтанат белгиси ҳисобланган шоҳона асбоблар, ёғоч қиличлар, синган курсилар бурчакда уйилиб ётарди, булар ҳаммаси, бемаъни ва одобга хилоф томошалари учун яқинда тарқатиб юборилган Иоганн Кунштнинг немис театридан қолган буюмлар эди.

«Бу ерда энди менинг театрим бўлади,— деди Наталья,— бу тарафга супа қиласан, олдига парда тўсилади, мой чироқлар қўйилади, артистлар ўйнайдиган жой бўлади, бу ерга — томошабинлар учун скамейкалар қўйилади. Шифтига чиройли суратлар чизиб шундай безатиш керакки, одамларнинг оғзи очилиб қолсин...»

Гаврила Наталья Алексеевнани яна ўша зиналардан суяб юқорига олиб чиқди, малика қўлларидан ўпишга ижозат этиб, унга жавоб берди. Гаврила тун ярмидан оғганда уйга қайтди, ечинмасдан — париги ва кафтани билан шундайлигича каравотга чўзилиб, шифтга тикилганича хаёлга чўмди, назарида, эриган шамнинг хира шуъласида гўё ўша кулча юзли, боқиши ўткир духоба кўзли сиймо ҳамон кўриниб тургандек, жажжи оғзи гўё сўзлаётгандек туюлди, хушбўй мўйна остидаги ярми очиқ нозик кифтлари оҳиста қимирлаб, марварид атлас юбкасининг сербурма этаклари ҳамон шитирлаб, секин-аста сузиб кўз ўнгидан узоқлашди-да, қоронғилик ичида ғойиб бўлди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эртасига кечқурун Наталья Алексеевна яна уни ўз ҳарамига чақиртириб, «Печда қуйган уч ўғлон» ҳақидаги ҳали тамомланмаган шеърий пьесасини унга ўқиб берди. Гаврила алламаҳалгача тинглаб ўтирди; маликанинг овозига, шеърни нақадар равон ўқишига маҳлиё бўлиб, қўлидаги патқаламни шеър вазнига ҳамоҳанг тебратишини кузатаркан, хаёлан ўзини даҳшатли печь алангасида қип-яланғоч, тик турган ҳолда ёнаётган уч ўғлондан бири ҳис этиб, шодлигидан овози борича чинқиргиси келарди...

Эски палатани қайтадан қуриш ишига Гаврила бошчи билан шўнғиб кетди, Сарой маҳкамасидаги мирзалар дабдурустдан унга тўсқинлик қилиб халақит бера бошласалар ҳам, ёғоч, тахта, оҳак, мих ва шунингдек материаллар масаласида расмиятчиликка бориб сансалорга солсалар ҳам — бўш келмади. Ўғли чертёжни ҳам, Навигация мактабига қатнашни ҳам йиғиштириб қўйганини Иван Артемич кўриб турса-да индамасди; Гаврила овқат ейиш у ёқда турсин, лоақал қошиқни ҳам қўлига олмасдан, бўш нуқтага тикилганича ўтираверарди, кечалари эса, ҳамма ухлаганда у уч тийинлик шамни бутунича ёқиб туни билан ўтириб тонг оттирарди. Фақат бир марта Иван Артемич, қўли орқасида бошмалдоқларини айлантираркан, лабларини қимтиб ўғлини огоҳлантирди: «Сенга бир айтдим қўйдим, Гаврюшка, оловга яқин юрибсан, ҳушёр бўл, ўғлим...»

Улуғ рўза кунлари подшо Пётр Воронеждан Свирга қуюндай учиб бораётиб йўл-йўлакай Москвага кириб Гаврила билан Яковга: Питербургга жўна, гавань қурасиз, деб буюриб кетди. Шундай қилиб Гавриланинг театр соҳасидаги фаолияти ҳам тугади...

Гаврила ҳам ўз ҳикоясини шу ерда тўхтатиб, стол ёнидан турди-да, голландча курткасининг ҳамма тугмаларини ечиб, барларини очиб юборди, пуффак сингари дўмпайган калта ва кенг шимининг чўнтакларига қўлларини тиқиб, лойсувоқ уйда дераза билан эшик орасида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Унута оласанми уни?— сўради Алексей.

— Йўқ... Унутишни истамайман ҳам, агар мени палахга тортишса ҳам унутмайман...

Яков тирноғи билан столни чертиб деди:

— Бундай диловарлик фақат она сути билан кириши мумкин, онаизоримиз бизни оташин қалб билан мукофотлаган экан... Санька ҳам шунақа... Илож қанча,—

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу дардга ҳеч қандай даво йўқ. Қўйинглар, жигарларим, қадаҳларни тўлдириб, раҳматлик онажонимиз Авдотья Евдокимовнанинг муборак хотираси учун ичайлик...

Шу пайт даҳлизда биров шпораларини жингирлатиб, лой чапиллатиб этигини қоқди, эшикни силтаб очди-да, қора плашли, қора шляпали, усти-бошига лой сачраган, кумуш уқа тақинган — Преображенск полкининг бомбардир-поручиги, Ингрия, Карелия ва Эстляндия генерал-губернатори, Шлиссельбург губернатори — Александр Данилович Меньшиков кириб келди.

2

— Бай-бай, уйни тамаки тутуни босиб кетипти-ку, лўлининг капасидай! Қўзғалманглар, бемалол ўтираверинглар, бу ерда амал кетмайди. Салом!— деди хушчақчақ қўрслик билан Александр Данилович.— Дарёга тобларинг қалай, а?— деб плашини ечди, шляпаси билан бирга каттакон парикни бошидан олиб ташлади-да, стол ёнига ўтириб, дастурхонда сочилиб ётган қуруқ устухонларни, бўшаган идишни кўздан кечирди.— Азбаройи юрагим сиқилганидан барвақт овқатланиб, пинакка кетибман, кўзимни очсам — уйда ҳеч ким йўқ — на меҳмонлар бор, на болалар. Генерал-губернаторни ёлғиз қолдириб кетаверишипти-я... Уйқумда ўлиб қолсам, ҳеч ким билмайди...— Алексейга кўз қисди:— Жаноби подполковник, қалампир ароқдан обкел, тузланган карам ҳам, нимагадир бошим оғрияпти... Хўш, ака-ука кемасозлар, ишларинг қалай? Бу иш жудаям зарур, шошилиш керак, шошилмасанг бўлмайди. Эртага албатта бориб кўраман.

Алексей даҳлиздан карам билан кўзачада ароқ обкелди. Александр Данилович бриллиант кўзли узук тақкан силлиқ жинжилоғини эҳтиёт қилиб, кўзачага тегизмасдан бир ўзига ароқ қуйди, тарелкадаги яхлаган карамдан пича олиб, кўзини юминқираб қадаҳни кўтарди, сўнгра кўзини очиб, карамни кусирлатиб чайнай бошлади.

— Якшанбадан ёмони йўқ, якшанба кунлари шундай юрагим сиқиладики, дод дегим келади. Ёинки бу ернинг кўклами шунақа зарарликмикин, а?.. Аъзойи баданим зирқираб оғрийди... Хотин йўқ — ҳамма иллат мана шунда!.. Тағин биз урушда енгган азаматлармиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Енгмай кетайлик! Шаҳар қурдик, хотин йўқ! Худо урсин, Пётр Алексеевдан жавоб олиб кетаман бу ердан, керак эмас менга генерал-губернаторлик, бутунлай керак эмас... Ундан кўра Москвада, савдо растасида у-бу сотиб, бир амаллаб тирикчилик қилганим яхши... Айниқса Москвадаги қизларни айтмайсанми! Паризод дейсан, паризод! Кўзлари ўйноқи, юзлари олов, бирам нозик бадан, бирам шўх, кулонғички... Қани, кетдик, дарё бўйига тушамиз, уйинг жудаям димиқиб кетди...

Александр Данилович бир жойда узоқ туролмасди, Пётр билан бирга ишлаган ҳамма одам сингари, унга ҳам доим вақт етишмай, шошганн шошган эди; тили бир нарсани гапириб турса — хаёли бўлак нарсада, тамоман бошқа ёқда бўларди. Унга ўрганиш, табиатига мослашиш жуда-жуда қийин, чунки у хавфли одам эди. Яна паригу шляпасини кийиб, сувсар мўйнали плашини елкасига ташлади-да, Бровкинлар билан бирга лойсувоқ уйдан чиқди. Рутубатли, кучли шамол — баҳор ели дарҳол юзга урди. Қадим замондан бери Фомин ороли бўлиб келган, ҳозир эса — «Питербург томони» деб ном қўйилган ва соҳил бўйлаб кетган ерларда қарағайлар шу қадар ёқимли майин товуш билан, салобат билан шовиллар эдики, гўё мовий осмон қаърининг қаърида дарё оқаётгандек туюларди... Заҳчалар чағиллашар, баргсиз, яккам-дуккам қайинларнинг қоқ тепасида айланиб учишарди.

Алексейнинг уйи, дарахтлар кесилиб, тўнкалари ковланиб текисланган Троицкая майдонининг тўр томонида, яқиндагина ёғочдан қурилган савдо растасининг ёнида эди. Дўконларга ҳозирча тахта қоқиб михлаб қўйилган, чунки савдогарлар етиб келмаганди; ўнг томонда — қори эриган баланд кўтармалар ҳамда қалъа бастионлари кўринарди; ҳозирча фақат биттаси — бомбардир Пётр Алексеевич қураётган бастион ярмигача харсанг терилган эди, бастион устидаги мачтада Улкан крест[1] суратли оқ байроқ — ҳарбий денгиз байроғи ҳилпираб, ҳадемай флот етиб келишидан дарак берарди.

Майдонни бошдан-оёқ қоплаган кўлмак сувлар шамолда жимирларди; Александр Данилович, оёқ таги ҳўлми, қуруқми — парво қилмай майдонни қияламасига кесиб, узун қўнжли этигини шалоплатиб, тўғри Нева

[1] Оригиналда — «Андреевский крест» дейилган. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

томон борар эди. Питербурхнинг асосий майдони фақат оғизда тайёр, Пётр ён дафтарига чизган планда бор эди-ю, амалда ҳеч нарса қилинмаганди; бу ерда бор-йўғи: яхлит ходалардан қурилган ва ёриқ-тешикларини лос ўрнига бахмал ўт билан беркитилган Троицкий жомесию унинг нарёғида, дарё бўйига яқинроқ жойда — Пётр Алексеевичнинг уйи бор эди, холос. Бу уй икки хоналик қилиб, усталик билан ёғочдан қурилган, сирти тахта билан қопланиб, гиштга ўхшатиб бўялган эди, ёғочдан ясалган мортира ва унинг икки ёғида иккита бомба томига — чиройли тагтахта устига ўрнатилиб шундай чиройли бўялгандики, узоқдан қаралса, бомбаларнинг пилтаси ёнаётганга ўхшарди.

Майдоннинг қариги томонидаги пастаккина голландча уй шу қадар жозибадор эдики, унга ҳар қандай одам бир кириб чиқмай ўтолмасди; унинг мўрисидан ҳамиша тутун чиқиб турар, дераза ортидан — хира ойналаридан ичкаридаги қалайи идишлар, осиб қўйилган хилма-хил колбасалар кўринарди, кираверишдаги эшикка бадбуруш қароқчисоқол штурманнинг сурати чизилган: бир қўлида — пиво кружкаси, иккинчи қўлида — соққа-ошиқ кўча эшик тепасидаги ходага қоқилган вивескага: «Тўрт фрегат майхонаси»— деган сўзлар ёзилган.

Улар дарё бўйига етиши билан шамол плащларини юлқилаб, парикларини тўзита бошлади. Невани қоплаган муз кўкара бошлаган, кўп жойлари очилиб, сув ёйилган, гўнгга қоришиб, баланд-паст йўл тушган эди.

Александр Даниловнч бирдан тутақиб кетди:

— Ҳамма ишлар учун уларга фақат икки минг сўм ажратишипти-я! Оббо, қоғозбоз тўралар-ей, хаҳ, лаънати тақводорлар, қўзиқоринхўрлар! Тупурдим ўша мирзаю мирзабошиларга, барча маҳкамаларига ҳам,— бари Москвада ўтириб қоғозбозликни билади, холос, бир тийин устида қалтираб-титраб ўлворади. Бу ерда мен хўжайин! Менда пул бор, от-улов бор, азамат мужиклардан қанча керак бўлса — ўзим топаман, қаердан топсам — менинг ишим... Эсингизда бўлсин, ака-ука Бровкинлар, бу ерга биз мудраш учун келганимиз йўқ... Уйқуга қонмасак ҳам, овқатга тўймасак ҳам, қандай бўлмасин — май охиригача кема тўхтайдиган пристанлар, бонлар ва омборхоналар тайёр бўлиши шарт... Сизга топширилган чап қиргоқдаги ишлардан ташқари, қилинадиган иш жуда кўп... Бу ёқда, яъни Питербурх томон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да, катта кемаларга қирғоққа яқин келиш ва осонгина тўхташ учун барча имконият ва қулайлик яратилиши лозим...— Александр Данилович соҳил бўйлаб тез юриб, қаерга сепоялар қоқиш, қаерга пристанлар қуриш кераклигини кўрсатиб берди.— Денгизда ғалаба қозониб, елканлари тилка-пора бўлиб қайтган флагман[1] кема тўплардан ўқ узиб келади. Хўш, шундай кема Фонтанка анҳорида тўхтайдими? Йўқ — мана бу ерда!— деди узун қўнжли этиги билан кўлмак сувни шалоплатиб.— Борди-ю, Англиядан ёки Голландиядан бадавлат меҳмон кемада сузиб келса, мана — Пётр Алексеевичнинг уйи, мана — менинг уйим — марҳамат...

Александр Даниловичнинг уйи, тўғрироғи — генерал-губернаторнинг қасри, подшонинг уйидан юз саржин юқорироққа, дарё бўйига шошиб-пишиб қурилган, пахса деворлари оҳак билан бир амаллаб сувалган, баланд голландча томи узоқдан кўриниб турар эди; иморатнинг олд томонига — қоқ ўртасига зинапоя ҳамда икки бақалоқ устунли пешайвон қилинган, пешайвон томида, ўнг томонда — ёғочдан ясалган Нептун ёнбошлаб ётар, қўлида уч тиғли найза, чап томонда — кўкси лорсиллаган Наяда[2] ағдарилган кўзага тирсакларини тираб ўтирарди; пешайвон бўғоти тагидаги учбурчак жойга — исми ва фамилиясининг бош ҳарфлари ёзилган ва уни илон сурати билан ўраб безатилган; томига ўрнатилган мачтага — генерал-губернаторнинг шахсий байроғи тикилган; пешайвон зинасининг икки ёнига икки тўп қўйилган эди.

— Бу уйни ажнабийларга кўрсатсам, қизармасман... Денгиз худоларига қаранг, қандай яхши! Гўё ҳозиргина денгиздан чиқиб, менинг пешайвонимда ёнбошлаб ётгандек... Кемаларимиз Свирдан тўғри келиб уйим рўпарасида сузиб ўтаётганда тўплардан ўт очиб табриклаймиз... Нақадар чиройли, жудаям чиройли!..

Александр Данилович кўкимтир кўзларини қисиб, завқ-шавқ билан уйини томоша қилди. Сўнгра бурилиб, чап қирғоқ томонга қаради-да, тўнкалар ва тап-тақир дўнглар орасида шамолда чайқалаётган яккам-дуккам қарағайларни кўриб ғижинди:

---

[1] Флотда бош кема.

[2] Денгиз париси. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Аттанг, аттанг!.. Анави жойни расво қилишипти,— деди Невадан Фонтанка ажралиб чиққан жойни таёқчаси билан кўрсатиб.— Деразаларим рўпарасида қарағайлар осмон билан ўпишиб турса, ажойиб манзара бўлар эди-да! Ёзда дам олиб роҳатланиш учун ўша ерга шийпон қурдирардим... Аттанг, ҳаммасини кесиб хунугини чиқаришипти! Мана аҳвол, доим шунақа... Ҳа майли, юринглар, меникига кириб егулик бирор нарса топамиз, қитдай-қитдай отамиз...

— Жаноби генерал-губернатор,— деди Алексей,— у ёққа қаранг: Невани нг юқори томонида аллақанча чана кўринди... Подшо эмасмикан-а?

Александр Данилович шундай қаради-ю, «Худди ўзи!»— деб ҳовлиқиб қолди. Оға-ини Бровкинлар турли топшириқлар билан ҳар томонга чопиб кетишди, ўзи эса шошиб-пишиб уйга кирди-да, овози борича бақириб хизматкорларини чақира бошлади. Орадан салгина вақт ўтгач, Преображенск полкининг формасида — енгининг қирмизи қайтармаси зар билан безатилган мундирда, елкасидан ошириб шойи шарф боғлаган ҳолда дарё бўйидаги кўприкча устида яна пайдо бўлди, белида қилич: бултур шу қилич билан Нева денгизга қуйиладиган жойда ҳужум қилиб, шведлар кемасини қўлга туширган эди.

Невада муз шиша бошлаган, қарасанг — ваҳима босар, тобора яқинлашиб келаётган чаналарнинг кети кўринмасди. Элликтача драгун чарчаган отларини чучулаб сув босган жойлардан эҳтиётлик билан ўтиб соҳилга чиқишди. Уларнинг кетидан, чарм қопланган оғир чана-карета ҳам бурилиб сувга солди-да, соҳилга чиқиб олгач, кўприкча ёнида тўхтади. Каретанинг ичидан, айиқ терисидан қилинган кўрпача тагидан узун қўнжли этик кўринган ҳамон,— генерал-губернаторнинг уйи олдидаги икки тўп баравар гумбурлаб ўқ отди. Этик кетидан пўстинининг икки енги, енг ичидан тирноқлари ўсган икки қўл чиқиб чарм фартукка тармашди:

— Данилич, ёрдамлашиб юбор, манави дардисарга ўралиб чиқолмаяпман,— деган паст овоз эшитилди.

Александр Данилович кўприкчадан сакраб тизза бўйи сувга тушди-да, Пётр Алексеевични каретадан тортиб олди. Шу пайт Петропавловск қалъасининг барча бастионлари бирдан ўт очиб тутунга бурканди. Нева бўйлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

гумбурлаган товуш янгради. Подшо уйининг томидаги мачтада байроқ пайдо бўлди.

Пётр Алексеевич кўприкчага чиқди, керишиб олди, мўйна қалпоғини энса томон суриб, аввало Даниличга, унинг шодликдан қип-қизариб кетган чўзинчоқ юзига, учиб турган қошларига тикилди. Сўнгра унинг бетларини кафти билан қисиб сўрашди:

— Салом, камрад... Ўз билгингча бориб мендан хабар олмадинг, сени кўп кутдим... Мана, ўзим келдим. Пўстинни торт эгнимдан. Йўлнинг расвоси чиқяпти, Шлиссельбургдан пастроқда чўкиб кетишимизга сал қолди, ўнқир-чўнқир жойларда чайқалавериб бўлганимча бўлдим, оёқларим увишиб қопти...

Пётр Алексеевич олмахон мўйнали мовут кафтанда эди; соқоли ўсган, мўйлови ҳурпайган, кулча юзини шамолга тутиб, тезлаб учган паға-паға баҳор булутига, кўлмаклар ва тошқин сувлар узра югуришган сояларга, Васильев ороли ортида дам-бадам булутлар орасини ёриб ялт этиб кўринган қуёшга қарарди; бурун катаклари шишинқираган кичкина оғзининг икки четида чуқурчалар пайдо бўлган эди.

— Жаннатнинг ўзгинаси-я! Рост айтаман, Данилич, ердаги жаннат... Денгиз ҳиди келади.

Майдон бўйлаб, кўлмак сувларни сачратиб халойиқ чопиб кела бошлади. Уларнинг кетида — ерни гурсиллатиб келаётган преображенлик ва семёновлик солдатлар кўринди: эгниларида яшил рангли тор кафтан, оёқларида бошмоқ билан оппоқ гетр, қўлларида милтиқ, саф-саф бўлиб, милтиқ найзасини олға қаратиб келмоқда эди.

3

— ... Варшавада, кардинал Радзеевскийникида у[1] мақтаниб: Невага кема тугул, бironта қайиқни ҳам киргизмайман, руслар денгиз бўйига ўрнашиб олишни орзу қилмай қўя қолсин... Августни бир ёқлик қилиб қўлим бўшагандан кейин, Санктпитербурх менга чўт эмас: худди олчани еб данагини пуфлаб ташлагандек, бир пасда саранжом қиламан-қўяман, депти...

— Роса аҳмоқ экан-ку, вой онаси байтал-ей!— Александр Данилович ҳаммомда қип-яланғоч ҳолда бошини совунлаб ювмоқда эди.— Агар жанг майдонида менга

[1] «Қирол Карл» демоқчи Пётр. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

рўпара келса, олча данагини кўрсатиб қўярдим унақа қаҳрамонга...

— Бундан ташқари у: бирорта инглиз кемасини Архангельск томонга ўтқизмайман, москвалик савдогарларнинг моллари омборхоналарида чириб кетсин, депти...

Молларимиз чиригани йўқ, чириб бўпти, шундайми, мин херц?

— Ўттиз иккита инглиз кемалари қаторлашиб, тўртта фрегатнинг ҳимоясида, тангрининг паноҳида бешикаст, эсон-омон Архангельскка етиб келди: темир, пўлат, тўп қуйиш учун мис, бочка-бочка тамаки ва бизга кераксиз ҳар хил мол обкелди, керак бўлмаса ҳам сотиб олишга тўғри келди.

— Зарари йўқ, мин херц, барибир зиён қилмаймиз... Улар ҳам хурсанд бўлиши керак, ахир шунча жойдан таваккал қилиб қўрқмасдан келган... Квас билан буғланишга тобинг қалай? Нартов!— деб чақирди-да Александр Данилович, янги тўшалган ҳаммом полини шилпиллатиб пастак эшикли даҳлиз томон борди.— Нартов, нима бало — ис тегдими, нега индамайсан, Нартов? Бир кўза квас обкелиб, яхшилаб буғлагин ҳаммомни...

Пётр Алексеевич шифт тагида, баланд супачада тиззаларини букиб ётар, барг супурги билан баданини савалар эди. Деншик Нартов икки марта уни буғлаб, устидан муздай сув қуйганди, ҳозир подшо роҳатланмоқда эди. Иштаҳа билан маза қилиб овқатланиш учун у кела солибоқ ҳаммомга тушган, ҳаммом ҳам шинамгина, нуқул арғувон ёғочдан қурилган эди. Генерал-губернаторнинг дастурхон ёзилган емакхонасида меҳмонлар икки соатдан бери мунтазир бўлиб подшони кутиб турса-да, Пётр Алексеевичнинг ҳаммомдан чиққиси келмасди.

Нартов печнинг мис қопқоғини очди-да, кетига тисарилиб турib, қип-қизил чўғга айланган тошлар устига бир чўмич квас сепди. Хушбўй буғ отилиб чиқиб, кучли ҳарорат баданга урди, ҳаммомни нон ҳиди босиб кетди. Пётр Алексеевич томоқ қириб, қайин баргли супурги билан кўкрагини ишқалай бошлади.

— Мин херц, Гаврила Бровкин, Парижда ҳеч ким ҳаммомга тушиб буғланишни, айниқса квас билан буғланишни билмайди, тушунмайди ҳам, дейди, одамлар ушоқ эмиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Лекин у ерда бошқа нарсани тушунишади, кошкийди биз ҳам тушуниб олсак,— деди Пётр Алексеевич.— Бизнинг савдогарларимиз ўтакетган нодон, ваҳшийдан баттар: Архангельскда уларга гап уқтираман деб қийналиб кетдим, кошки тушуна қолса... Бутун фикр-хаёли — олдин чириган молларини пуллаб қолишда, чиригани-ни сотиб бўлгунча янгиси, асл моллари чириб кетишига ақли етмайди... Шимолий Двина дарёсида балиқ шу қадар кўпки, эшкакни сувга тиқсанг — тикка туради, гала-гала сельд балиғи... Омборхоналар эса тузланган балиқдан сасиб-бижиб кетган, ёнидан ўтсанг, ҳиди димогингни ёради. Бурмистрлар палатасида савдогарлар билан олдинига ётиғи билан гаплашиб кўрдим, тушунмаганларидан кейин жаҳлим чиқиб, дўқ қилишга тўғри келди...

Александр Данилович аламзадалик билан уҳ тортди:

— Бизда аҳвол шу, мин херц, ҳаммаси нодонликдан... Бу лаънати савдогарларни ўз ҳолига қўйсанг, сал кунда бутун мамлакатни, давлатни шарманда қилади... Нартов, муздай пиводан обкел...

Пётр Алексеевич узун оёқларини осилтириб, бошини қуйи солиб супачада ўтирар, қоп-қора жингалак сочларидан тер қуйилар эди...

— Яхши,— деди у бирдан.— Жуда соз. Шундай, азиз камрад... Питербурх бўлмаса — биз жонсиз танамиз.

4

Ҳозир бу уйда, руслар ўлкасининг бир чеккасида, жанг билан қўлга киритилган денгиз бўйида, Меньшиковнинг дастурхон ёзилган стол атрофида ўтирганлар — подшо Пётрнинг: «Энди фақат иш кўрсатган одамларгина асилзода ҳисобланади»,— деган шиорига амал қилиб, фақат ўз таланти билангина чалдевор каталаклар қаъридан қутулиб чиққан ва чипта кавушларини булғори чармдан тикилган тумшуғи ингичка бошмоқларга алмаштирган азамат кишилар эди; улар ҳасрат-надомат билан нола қилиш ўрнига: «Худоё худовандо,—қайси гуноҳим учун мени муздай уйда оч-яланғоч азоб чекишга маҳкум этдинг?»— деб уззукун фарёд чекиш ўрнига дадил қад кўтариб, худди мана шу ҳозиргидай, ноз-неъматлар тўла дастурхон атрофида яйраб ўтиришга муяссар бўлишди, эндиликда давлат ишлари юзасидан фикр юри-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тадиган, қайғуриб гапирадиган даражага кўтарилишди. Ҳозир бу уйга ака-ука Бровкинлар, Пётр Алексеевичнинг Воронеждан Свирга сафарида унга ҳамроҳлик қилган машҳур кемасоз мастерлар Федосей Скляев билан Гаврила Авдеевич Меньшиков, кўзлари тунги мушук кўзига ўхшаб ёниб турган новгородлик пудратчи Ермолай Негоморский, лангар устаси Терентий Буда, ўймакорлик ва заргарлик касбининг пири Ефрем Тараканов тўпланган эди.

Меҳмонларнинг ҳаммаси ҳам пастки табақадан эмасди: Пётр Алексеевичнинг чап ёнида — қироллар хонадонидан бўлган қотма юзли, шотландиялик малла соч Брюс юпқа лабларини жаҳл билан маҳкам қимтиб, иниси Яков билан ўтирарди,— иккиси ҳам математик ва китобхон, иккиси ҳам Москвада немислар слободасида туғилган, ака-ука ёшлигидан бери Пётр Алексеевичнинг ҳузурида, унинг барча ишини ўз ишидай ҳисоблашар эди; қарчиғай кўзли, мағрур юзли, қовоғидан қор ёғиб турган, ингичка бурни остидан ингичка мўйлов қўйган, штурм билан Шлиссембургни олиб шуҳрат қозонган гвардия полковниги — князь Михайло Михайлович Голицин бор эди,— у ҳам бошқалардан қолишмай кўп ичар, тобора ранги оқариб, стол тагида шпораларини жингирлатиб ўтирарди; шу яқин кунларда етиб келадиган Болтиқ флотининг вице-адмирали,— ошланган теридек қалин юзини тарам-тарам ажин босиб кетган, ёшланувчан кўзлари ҳам денгиз қаъридек совуқ ва теран,— дарбадар денгизчи Корнелий Крейс ўтирарди; тўладан келган, таранг юзли, қирrабурун генерал-майор Чемберс ҳам бор,— бу ҳам дарбадар, подшо Пётрнинг омадига ишониб қиличини, ботир юрагини, солдатлик сўзини — бутун борлиғини унга сидқидилдан тақдим этганди; подшонинг ётоқ оғаси, шаҳар ва қалъалар қуриш соҳасида Меньшиковнинг ёрдамчиси, узоқни кўрувчи, ақли ўткир, камгап Гаврила Иванович Головкин ўтирарди.

Меҳмонлар чуғурлашиб, ҳаммаси баравар гапиришар, баъзи бировлар, подшо эшитсин учун, жўрттага бақирар эди. Шифти баланд меҳмонхонадан ҳали қуримаган сувоқ ҳиди келар, оппоқ деворларига осиб қўйилган уч панжали ойнавор мис шамдонларда шамлар ёнарди, шамлар шу қадар кўп эдики, олачипор дастурхондаги бўш қадаҳларга ҳам тиқиб, қалайи ва сопол идишлар орасига ҳам ўрнатиб ёқиб қўйилганди;

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу идишларга: ветчина, тил, дудланган колбаса, қовурилган ғоз ва қуёнлар, карам, турп, тузланган бодринг — ишқилиб, меҳмонларни сийлаш учун генерал-губернаторнинг бисотида нимаики бўлса — ҳаммаси қўйилган, ҳаммасини Александр Даниловичга пудратчи Негоморский совға қилиб олиб келганди.

Энг кўп баҳс-мунозара озиқ-овқат ва ем-хашак таъминоти устида бўлиб, кимни ким алдагани, ким кўпроқ юлиб қолгани ҳақида талашишди. Бутун озиқ-овқат Новгороддан, Таъминот маҳкамасидан келарди: ёзда таги ясси қайиқларга ортиб Волхов дарёси ва Ладога кўли орқали, қишда эса — қалин ўрмонзор орасидан ўтган янги йўл орқали Шлиссельбургдан складларга ташилиб, мустаҳкам қалъа деворлари ҳимоясида сақланар эди: бу складларга маҳаллий ходимлар орасидан чиққан энг яхши кишилар комиссар қилиб тайинланганди, улар талабнома бўйича Питербурхнинг Виборг томонидаги лойсувоқ казармаларга жойлашган қўшинга, қурилиш иши билан шуғулланган турли маҳкамаларга, қишлоқ ва уездлардан келган бинокорларга мол жўнатишарди; бу ерга апрелдан то сентябргача уч смена мужиклар — ер қазувчилар, дарахт кесувчилар, дурадгорлар, ғишт терувчилар, тунукасозлар келиб турарди. Новгород йўли ниҳоятда оғир, бу ерлар урушда вайронага айланган, яқин атрофда ҳеч нарса топиб бўлмас, озиқ-овқат запаси доим етишмас эди, бундай аҳволдан Брюс, Чемберс, Крейс ва бошқа паст даражали уддабуронлар фойдаланиб, ҳар ким балойи нафс илинжида кўпроқ юлишга ҳаракат қиларди, шу сабабдан ҳам улар дастурхон устида қизишиб, қасд олиш учун бир-бирини қоралашарди.

Пётр Алексеевичга қайноқ угра келтиришди. Бу уграга бironта товуқ топиб келиш учун юборилган солдатлар теварак-атрофни қидира-қидира, ниҳоят Фонтанка бўйидаги бир қишлоқдан, балиқчи чухондан қари хўрозни ўн беш тийинга олиб келишганди. Пётр овқатланиб бўлгач, узун қўлларини столга қўйди: ҳаммомдан кейин дастпанжа томирлари бўртиб чиққанди. Подшо кам гапирар, меҳмонларнинг гапига диққат билан қулоқ соларди, укки кўзлари жиддий, боқиши хунук, тикилиши қўрқинчли эди; лекин трубкасига тамаки солаётиб ёинки бирор нарсага алаҳсираб кўзини ўшанга қаратган пайтларда лўппи юзи, калта бурни ва кулимсираган

www.ziyouz.com kutubxonasi

кичкина оғзи билан бирга мулойимлик касб этгандек туюларди,— ўшанда бемалол унинг олдига бориш: «Сенинг соғлиғинг учун, жаноби бомбардир!» — деб у билан қадаҳ уриштириш мумкин эди. У ҳам одамига қараб,— баъзиларга индамас, баъзиларга — пастдан юқори бош ирғаб, қоп-қора ва майин жингалак сочларини силкитиб, йўғон овоз билан: «Бахуснинг паноҳида саломат бўлайлик»,— дерди-да, голландиялик матрослар ўргатгандек,— қадаҳга лабини теккизмасдан тўғри томоғига отарди.

Пётр Алексеевич бугун ғоят хурсанд эди, негаки шведларнинг ичи куйсин учун Данилич қасдма-қасдига шундай яхши уй қуриб томига Нептун билан денгиз париси Наяда ўрнатилган стол атрофига фақат маслакдош ўз одамлари тўпланиб, улуғ иш хусусида қизишиб баҳслашмоқда эди, бу иш нақадар хатарли бўлса-да, улар қўрқмас, рўёбга чиқадими-йўқми деб иккиланмасди; айниқса кўнгли шод, таъби равшанлигининг боиси шу эдики, кўпдан бери хотира дафтарига (ҳозир бу қалин дафтарча ғажилган бир парча қалам билан, трубка ва тамаки халта билан чўнтагида эди) калта-култа қилиб ёзиб юрган фикр-мулоҳазалари, орзу-умидлари, машаққатли ташаббуслари ушбу ерда амалга ошмоқда, ҳаммаси рўёбга чиқмоқда: ана — қалъа бастиони устида шамолда ҳилпираб турган байроқ, билқилдоқ соҳил бўйлаб ўрнатилган қатор сепоялар, қайга қарасанг — ишлаб турган ва кундалик ташвиш билан юрган одамлар кўринарди, ана — бинойидек шаҳар пайдо бўлган, ҳозирча унчалик катта бўлмаса ҳам, расмана шаҳарлар сингари бутун салобати билан қад кўтарган эди.

Пётр Алексеевич трубкасини каҳрабо найидан тишлаб дам-бадам тутатар, чириган пичан тўғрисида Брюс нима деб жавраганини, қадаҳ уриштурмоқчи бўлиб қўл чўзган Чемберс нима деб бақирганини тинглаб-тингламай ўтирар эди... Кўнгил тилаги, орзиқиб кутган денгизи ана шу ерда эди. Албатта кўп машаққат билан қўлга кирган серқуёш ва иссиққина Азов денгизи атрофи ҳам яхши, шунингдек, муздай тўлқинлари ва муаллақ туманлари билан Оқ денгиз ҳам чакки эмас, аммо иккиси ҳам Болтиқ денгизи билан тенглашолмайди, чунки бу ердан тўғри ажойиб шаҳарларга, бой мамлакатларга йўл очиқ. Бу ерда юрак бошқача уради, фикрлар кенг қанот ёзади, кучга куч қўшилади...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Александр Данилович дам-бадам кўз ташлаб, мин херцнинг бурун катаклари тобора шишиб, трубкасининг тутуни тобора бурқсиб чиқаётганига разм солиб ўтирарди.

— Бас қилинглар!— тўсатдан бақирди меҳмонларга қараб у.— Боядан бери — сўк, сули, сўк, сули — деб жаврайсиз, холос! Ахир, жаноби бомбардир сўк билан сули масаласини ҳал қилиш учун бу ерга келган эмас-ку...— Меньшиков иржайиб турган бақалоққина, калта кафтанли кишига бир ёқ бети билан ғалати имо қилди:

— Фельтон, рейн виносидан қуй, асраб қўйилганидан,— деди-да, ҳушёрлик билан подшо томон бурилди. Унинг кўзлари қорая бошлаганини Меньшиков ҳар доимгидай дарҳол фаҳмладики, ҳал қилувчи дақиқа яқинлашмоқда, бундай дақиқада эса — Пётр Алексеевичнинг миясида кўпдан бери ўралашиб, на у қарорга ва на бу қарорга келолмай қийнаб юрган барча фикр-мулоҳазалар муайян шакл касб этиб, мустаҳкам продага айланарди... Бундай пайтда унинг продасига қарши чиқиб кўр-чи...

Стол атрофида ҳамма жимиди. Фақат бақалоқ шишадан қадаҳларга қуйилаётган винонинг қулқуллагани эшитиларди. Пётр Алексеевич қўлларини столдан олмасдан, заррин курси суянчиғига чалқанча ташланиб, бемалол суяниб олди.

— Қирол Карл довюрак, аммо ақлли эмас, фақат ҳаддан зиёда кеккайиб кетган,— деди Пётр ҳар бир сўзни москваликлар талаффузи билан чўзиб.— Етти юз йилинчи йилда омади келганига ақли етмай, қулай фурсатни ўтказиб юборади. Агар ақли етганда, биз бу ерда рейн виноси ичиб ўтирмасдик. Нарва ёнидаги шармандалик бизга сабоқ бўлиб, жуда катта фойда келтирди. Калтакдан темир тобига келади, одам кучга тўлиб чиниқади. Билмаганимизни билиб олдик, кўп нарсаларни ўргандик. Борис Петрович Шереметьев ҳамда Аникита Иванович Репнин билан бирга бизнинг генералларимиз, шведлар сирли мўъжиза эмаслигини, уларни очиқ майдонда ҳам, қалъа деворлари устида ҳам тор-мор қилиш мумкинлигини бутун дунёга исботлаб беришди. Сиз, қалбимизнинг азиз ўғлонлари, бу муқаддас ерни сиз забт этдингиз, обод қилдингиз. Тўлқинларни алғоқ-далғоқ қилувчи денгиз худоси Нептун, мазкур арбобнинг қасри томида ёнбошлаб, кемаларимизни кутмоқда, бу кемаларни ҳаммамиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз меҳнатимиз билан, қаварган қўлларимиз билан йўқдан бор қилдик. Питербурхда ўрнашиб олдик, деб кетини ўйламасак, Сестра дарёсида ва Котлин оролида доим шведлар ҳужумини даф қилишдан бошимиз чиқмаса — унда нима бўлади? Токи Карл хаёл суриш ва тушини йўйдиришдан зерикиб, Европадаги қўшинларни биз томонга бургунча кутиб ўтирайликми? Унда — ҳатто денгизлар худоси Нептун ҳам бизни бу ерда сақлаб қололмас балки... Бу ер — бизнинг юрагимиз, шунинг учун Карлни нариги томонларда, мустаҳкам қалъаларда кутиб олиш лозим. Ўзимиз ҳужум бошлашга журъат этишимиз, жасорат кўрсатишимиз керак. Муз кўчиши биланоқ Кексгольмга ҳужум бошлаш, уни шведлардан тортиб олиш керак, ўшанда Ладога кўли, қадим замондагидек, яна бизники бўлади, кемаларимиз шимолдан бу ерга бехавотир қатнайверади. Нарва дарёсидан ҳужум қилишимиз ва бу сафар Нарвани шармандабозликсиз олишимиз шарт. Походга ҳозирдан тайёрланиш керак, камрадлар. Сусткашлик — ўлим билан баравар.

5

Пётр Алексеевич тамаки тутуни ва дераза кўзлари орасидан осмонга қаради: парча-парча булутлар орасида ёни билан тез сузиб кетаётган кемтик ой бирданига тўхтаб, муаллақ туриб қолди.

— Қимирлама, Данилич, бемалол ўтиравер, кузатиш керакмас, бирпас тоза ҳавода нафас оламану тезда қайтаман.

Подшо стол ёнидан турди-да, денгизлар худоси Нептун билан олтин кўзали кўкракдор Наяда тагидаги пешайвонга чиқди. Дарҳол димоғига майин ва хушбўй шабада урилди. Пётр Алексеевич трубкасини чўнтакка солиб қўйди. Уйнинг девори ёнидан, устунлар орқасидан шапкасиз, чакмонсиз, чипта чироқли бир одам чиқиб келди-да, тиз чўкиб, бир варақ қоғозни бош устига кўтариб узатди.

— Сенга нима керак?— сўради Пётр Алексеевич.— Кимсан? Тур ўрнингдан, фармондан хабаринг йўқми?

— Улуғ подшоҳим,— деди таъсирли, мулойим овоз билан,— фақири хор-зор, гариби нотавон, қарзга ботган Андрюшка Голиков сенга арз-дод билан келди... Подшоҳим, ўзинг раҳм қилмасанг, ҳолим хароб...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пётр Алексеевич жаҳл билан пишқириб бурун тортди, зарда билан қоғозни олиб, яна бир карра буйруқни такрорлади:

— Тур ўрнингдан. Ишдан қочдингми? Касалмисан? Буйруғимга биноан сизларга қарағай бужуридан қилган ароқдан беришяптими?

— Соппа-соғман, подшоҳим, ишдан қочаётганим йўқ, тош ташияпман, ер қазияпман, ёғоч арралаяпман... Лекин, подшоҳим, мендаги куч ва қобилият бекорга йўқолиб кетяпти... Мен рассомман, палехлик икона чизувчи машҳур Голиковлар авлодидан бўламан, одам суратини чиза оламан, мен чизган сурат худди тирик одамга ўхшайди, лекин қаримайди ва ўлмайди, абадий тирик... Истасанг, денгиз тўлқинларини ҳамда елканлари кўтарилган ва тутунга бурканган кемалар суратини чиройли қилиб чизиб беришим мумкин...

Пётр Алексеевич яна пишқирди, лекин бу гал беғараз:

— Кема суратини чиза оласанми? Сенга қандай ишонса бўлади, алдаётган бўлмагин.

— Югуриб бориб чизган расмларимни обкелиб кўрсатардиму, ҳаммаси деворга чизилган, бўёқ билан эмас — кўмир билан... Бўёғим ҳам, мўйқаламим ҳам йўқ. Уларни тушимда кўраман, холос... Лоақал ангишвонадек идишда қитдай бўёқ билан бир неча мўйқалам топилса, сенга шундай хизмат қилардимки, подшоҳим, ўзингни ўтга ташла десанг — ташлардим...

Пётр Алексеевич учинчи марта секингина бурун тортди: «Қани юр!» — деди-да, юзини ойга қаратиб, ой шуъласида йилтиллаган кўлмаклар бетидаги юпқа яхларни этиклари билан қисирлатиб, ҳар вақтдагидек тез-тез юриб кетди. Андрей Голиков подшо Пётрнинг ҳаддан зиёда узун соясига қараб-қараб, уни босмасликка ҳаракат қилиб, кетидан йўрғалаб аранг етиб борарди.

Майдондан ўтиб яккам дуккам қарағайлар орасига бурилишди, пича юриб, Катта Нева соҳилига чиқишди. Соҳил бўйлаб бинокор ишчилар учун пастак-пастак ертўлалар қазилган, томлари чим билан ёпилган эди. Голиков ертўлалардан бирининг олдида тўхтаб, таъзим билан шивирлаб, горбил тахта эшикни очди. Пётр Алексеевич энгашиб ертўлага кирди. Йигирматача одам сўрилар устида ухлаб ётар, калта пўстинлар, чипта шолчалар остидан яланғоч оёқлар чиқиб турарди. Белигача

www.ziyouz.com kutubxonasi

яланғоч, соқоли кўксига тушган киши пастак скамейкада ўтириб, чўпчироқ ёруғида кўйлагини ямамоқда эди.

У подшо келганини кўрса ҳам таажжубланмади, игнани қадаб кўйлагини скамейкага қўйди-да, ўрнидан туриб шошилмасдан, худди черковда иконага таъзим қилгандек, таъзим бажо келтирди.

— Шикоятинг бўлса гапир!— деди Пётр узуқ-юлуқ қилиб.— Овқат ёмонми?

— Ёмон, подшоҳим,— деди у оддийгина ва аниқ қилиб.

— Кийимлар ҳам ёмонми?

— Кузда манави устивошни беришувди, қишдан чиқмаёқ тўзиб кетди,— мана...

— Касал бўлганлар борми?

— Касаллар кўп, подшоҳим,— бу ернинг тупроғи оғир экан.

— Аптекадан фойдаланяпсизми?

— Аптека тўғрисида эшитдик, бормиш...

— Аптекага ишонмайсизми?

— Нима десам экан, ҳозирча ўзимиз тузалиб кетяпмиз шекилли...

— Қаерликсан? Қайси наряд билан келдинг?

— Керенск шаҳридан бўламан, учинчи наряд билан кузда келдим... Биз — посадликмиз. Бу ертўладагиларнинг ҳаммаси эркин кишилар...

— Нима учун уйга қайтмасдан бу ерда қишлаб қолдинг?

— Қишда уйимга қайтгим келмади, барибир печь устида очликдан инграб чиқишга тўғри келади. Яна ёлланиб қолдим,— ғазнанинг нонини еб, ёғоч ташияпмиз. Лекин қанақа нон беришаётганини ўзинг бир кўргин-а.

Мужик пўстин тагидан бир бурда нон олиб қоқшол бармоқлари билан синдирди.— Моғорлаб кетган. Бу ерда аптека қандай фойда бериши мумкин?

Андрей Голиков жинчироқ чўпини секингина алмаштирди: пастаккина лойсувоқ, баъзи жойлари оқланган ертўла ичи анча ёришди. Чипта тагидан аллаким бошини кўтарди. Пётр Алексеевич сўрига ўтирди, тиззаларини қучоқлаб, серсоқол мужикнинг кўзига қаттиқ тикилиб сўради:

— Уйингда, Керенск шаҳрида нима иш қиласан?

— Биз — бўзагармиз. Ҳозир эса, одамлар бўзани жуда кам ичишади, чунки ҳеч кимда пул йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Демак, ҳаммани пулсиз қолдирган мен айбдорда? Шундаймн?

Серсоқол мужик яланғоч кифтларини бўшаштириб ўрнидан турди, бўйнидаги кресги кўксига тушди, истеҳзоли илжайиб бош чайқади:

— Ҳақ гапни билмоқчимисан?.. Майли, ҳақ гапни айтишдан қўрқмаймиз, кўп қийноқларни кўриб роса пишганмиз... Албатта, илгариги замонда, халқнинг турмуши анча енгилроқ эди. Бунақа солиқлар ва ўлпонлар йўқ эди... Ҳозир — пул тўла, пул — шундан бўлак гап йўқ... Илгари уй бошига, қўш бошига тўлардик, кўпинча — ўзаро маслаҳатлашиб, жамоат кафил бўлиб, анча енгиллик бериларди, бу жуда қулай эди... Энди сен, жон бошига солиқ тўлансин, деб буюрибсан, шунинг учун тирик жон борки, барини рўйхатга олишди, ҳар бир жон тепасида — комиссар айланиб юради, уезд амалдорлари — тўла деб тиқилинч қилади. Бу ҳам етмагандек, сўнгги йилларда бу ерга — Питербурхга ёзда уч смена — қирқ минг одам юбориш керак... Қалай, бу осонми? Бизда ҳар ўн уйдан биттадан одамни болтаси, искана ёки белкураги, аррасн билан олишяпти. Қолган тўққиз хонадон унга озиқ-овқат учун уй бошига ўттиз тийину икки пулдан йиғиб беряпти... Аммо бунча пулни қайдандир топиш керак... «Мана, иссиққина бўза, ичиб қол!»—деб бозорда минг бақирганинг билан овора бўласан. Баъзи шинавандалар жон деб ичарди-ю, кассасида ҳеч вақо йўқ, қуруқ «раҳмат»га ҳеч нима бермайди. Ўғилларимни сен драгунликка олдинг. Уйда — кампирим билан тўртта қизчам қолди, бир-биридан кичкина... Ҳар ҳолда, подшоҳим, бу ишларнинг ҳаммаси биз учун қоронғи, сенга равшан бўлса керак, албатта...

— Бу гапинг тўғри, менга ҳаммаси равшан!— деди қатъий равишда Пётр Алексеевич,— бу нонни менга бер.— Моғорлаган бир бурда нонни олиб синдириб, искаб кўрди, чўнтагига солиб қўйди.— Невада муз кўчгандан кейин янги уст-бош, чориқ обкелишади. Ун ҳам обкелишади, энди нонни шу ерда ўзимиз ёпамиз.— У Голиковни бутунлай унутиб, кетмоқчи бўлиб эшик томон юрди, бироқ Андрей кўзларини шу қадар жавдиратиб ёлворгансимон унга талпинднки, Пётр Алексеевич кулимсираб деди: — Қани суратларинг? Кўрсат, икона чизувчи...

Сўрилар орасида деворнинг бир қисми ишқалаб те-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кисланган ва оқланган, устига чипта шолча тортиб қўйилган эди. Голиков шолчани авайлаб очди, оғир чўп-чироқни олиб келди, яна битта чўп қўшиб ёқди-да, қалтироқ қўлида кўтариб, баланд овоз билан изоҳлай бошлади:

— Минг етти юз учинчи йил, бешинчи май куни Нева этагида бўлган энг машҳур денгиз муҳорибаси: душманнинг ўн тўрт замбаракли шняваси «Астрель» ҳамда швед адмиралининг ўн замбаракли флагман кемаси «Гедан»— жаноби бомбардир Пётр Алексеевичга ва поручик Меньшиковга таслим бўлмоқда.

Оқланган деворга писта кўмир билан, ниҳоятда усталик билан икки нафар швед кемасининг расми чизилган эди: кўпирган тўлқинлар орасида тўп ўқларидан ёйилган тутун ичида қолган бу икки кемани қайиқлар ўраб олгани ва қайиқлардаги рус солдатлари унга ёпирилиб чиқаётгани тасвирланган. Кемалар устидаги булут орасидан байроқча ушлаган икки қўл чиқиб турар, байроқчага «Таслим» сўзи ёзилган. Пётр Алексеевич чўнқайиб олди: «қойил» — деб қўйди. Ҳаммаси тўғри: кема анжомлари, шамолда дўмбира бўлган елканлари, байроқлари — ҳаммаси жой-жойида эди. У ҳаттоки, қўлида қилич ва тўппонча билан ҳужум трапидан кемага чиқаётган Данилични таниди, ўзини ҳам таниди, «жудаям ясантириб юборипти», деб қўйди ичида, лекин ҳақиқатан ўша жангда подшо душман кемасининг дум томонида, қайиқ тумшуғида туриб бақириб команда берган, гранаталар улоқтирган эди.

— Қойилман! Бу муҳорибани сен қаердан била қолдинг?

— Ўшанда мен сенинг қайиғингда эшкакчи эдим...

Пётр Алексеевич бармоғи билан расмни ушлаб кўрди: тўғри, кўмир билан чизилган. (Орқасида турган Голиков оҳиста хўрсиниб ингради.)

— Шунчалик ҳунаринг бор экан, сени Голландияга юбориб ўқитишим керак. Ичкиликка берилиб кетмайсанми? Кўзингни оч, сендақа шайтонларни биламан...

Пётр Алексеевич генерал-губернатор Меньшиковникига қайтди, яна заррин курсига ўтирди. Шамлар тугашга яқинлашган, меҳмонларнинг кайфи ошиб қолганди. Столнинг пойга томонида кемасоз усталар бошларини энгаштириб олиб, қайғули қўшиқни куйлашарди. Ёлғиз Александр Данилович ҳушёр эди. У бир қараш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даёк, мин херцнинг лаби учаётганини пайқади ва дарҳол ўйланиб қолди — тағин қандай кор-ҳол юз бердийкин?

— Ма, е!— тўсатдан бақирди унга Пётр Алексеевич, чўнтагидан бир бурда моғорлаган нон чиқариб.— Буни еб кўр, жаноби генерал-губернатор!..

— Мин херц, бунга мен айбдор эмасман, нон масаласи билан Головкин шуғулланади, тағинам шу нон томогига тиқилиб ўлмайди-я... Оббо ноинсоф-ей, оббо уятсиз, ўғри-ей!

— Е! — Пётр Алексеевичнинг кўзлари ғазабдан олакула бўлиб кетди.— Одамларга гўнгдан баттар нарсани егизяпсан — ўзинг ҳам еб кўр, Нептун! Бу ерда фақат сен жавобгарсан, ҳар бир одам учун сен жавоб берасан...

Александр Данилович тавба назари билан кўзларини жавдиратиб мин херцга қаради-да, қаттиқ нонни чайнай бошлади, жўрттага ўзини ютолмай қийналаётганга солиб, ахири ютиб юборди..,

6

Пётр Алексеевич ухламоқчи бўлиб ўз уйига кетди, чунки генерал-губернаторнинг хоналари катта ва баланд эди, у эса — шифти пастгина, шинамгина хонани яхши кўрарди. Бир вақтлар Саардамда ҳам, темирчи Кристнинг уйида доим шкаф ичига кириб ухлар, оёғини узатиб ётолмаса ҳам, барибир шу ер унга ёқар эди.

Денщик Нартов печни ёқиб, подшо уйини яхшилаб иситган эди, чўзинчоқ дераза олдидаги стол устига китобу дафтарларни, қаламу қоғозларни, қалин чарм ғилофларга солинган чертёж, дурадгорлик ва медицинага оид чизмакашлик асбобларини, дурбин, қибланома, тамаки ҳамда трубкани териб қўйганди. Меҳмонхона деворларига — захдан сақлайдиган қалин сурп қопланган. Бурчакда — бел бўйи мис фонус турарди, уни Петропавловск қалъасининг маяк минораси учун олиб келинганди; кичкина кемаларнинг лангарлари, смолаланган арқонлари ва ёнбош ғалтаклари ётарди.

Қани энди — иссиқ ҳаммомдан ва лаззатли таомдан кейин бу ерда — тўртта устунча кўтариб турган гулдор чодир остидаги ана шу ёғоч каравотга чўзилса-ю, бўз тақияни бошига тортиб ширин уйқуга кетса... Бироқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пётр Алексеевичнинг уйқуси келмасди. Қутурган шамол шиддат билан томда гувиллаб безор қилар, печь мўрисига кириб ҳуштак чалар, дераза қопқоқларини тарақлатарди. Полга тўшалган намат устида — жонажон дўсти Алексашка ўтирар, гир айланаси майда кўзли юмалоқ фонусни олдига қўйиб, қирол Августнинг пулдан қийналганлиги тўғрисида ҳикоя қиларди: бу маълумотларни унга қирол ҳузуридаги элчи князь Григорий Фёдорович Долгорукий чопар орқали доим етказиб турарди.

Қирол Август маъшуқаларига сарф қила-қила, бутунлай пулсиз қолади; саксонлялик фуқаролари бор-будини унга бериб адойи тамом бўлади ва одамларнинг гапига қараганда, у ерда ҳозир қарзга лоақал юз талер[1] ҳам топилмайди; қирол Сандомирда сеймдан пул сўрайди, бироқ поляклар бир тийин бермайди; шундан кейин Август ўз қасрини Пруссия қиролига ярим баҳосига сотишга мажбур бўлади, бироқ — шайтонми ёки қирол Карл атайлаб йўлдан оздириш учунми — Европада энг гўзал бир жононни, яъни графиня Аврора Кенигсмаркни секингина унга рўпара қилади. Август дарҳол графиняга муккасидан кетиб, унинг шарафига базм-зиёфат, мушакбозлик, сайил-томошалар ташкил қилиб, бу пулни ҳам тамомлайди; графиня қиролнинг чўнтагида ҳеч нарса қолмаганини кўргач, хайр-маъзур изҳор қилади-ю, бир карета духоба, шойи ва кумуш идишлар билан жўнаб қолади. Август яна пулсиз, ейишга овқати ҳам йўқ, ноилож князь Григорий Фёдорович Долгорукийникига бориб, уни уйғотади ва ўзини курсига ташлаб йиғлай бошлайди: «Менинг саксониялик аскарларим икки ҳафтадан бери фақат қоқ нон ейишяпти, маош тўланмагани учун поляк аскарлар босқинчилик билан шуғулланишяпти... Поляклар бутунлай ақлдан озди, бундай ичкиликбозлик, бундай ўзаро қирғин Польша тарихида бўлган эмас, панлар лашкар тортиб бир-бирининг шаҳрини, қасрларини босиб олмоқда, қишлоқларига ўт қўйиб, татарлардан баттар бебошлик қилмоқда; Речи Посполита тўғрисида заррача қайғуришмайди... Воҳ, мен каби бахти қаро қирол йўқ оламда! Бу кунимдан кўра қиличимни суғуриб қорнимни ёрганим маъқулроқ!»

Князь Долгорукий раҳмдил одам бўлгани учун унинг ҳасратини тинглаб ўтириб, пироваридида йиғлаб

[1] Эски немис пули, ҳозирги уч франкка тўғри келади. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

юборади ва унга ўз пулидан тилхатсиз ўн минг ефимка беради. Қирол Август ўша заҳотиёқ оёқни қўлига олиб уйига жўнайди, янги маъшуқа графиня Козельская билан яна кайф-сафога берилади...

Александр Данилович фонусини олдига яқинроқ суриб қўйди, ёнидан хатни олди-да, темир фонус тешикчаларидан тушган ёруққа тутиб,— савод масаласида ҳали нўноқроқ бўлгани учун,— тутила-тутила ўқий бошлади:

— Мин херц, мана — масалан, князь Григорий Фёдорович Сандомирдан бизга шундай деб ёзипти: «Польша қўшини фақат қовоқхоналарда кружка пиво устида жанг қилишга уста, аммо душман билан майдонда жанг қилиш учун ўла қолсаям чиқмайди... Қирол Августнинг саксониялик аскарлари ёмон эмас-ку, бироқ шведларга қарши кўнглида адовати йўқ. Шведлар Польшанинг ярмини вайронага айлантиришди, на ибодатхоналарни аяшди ва на қабристонларни. Панлар эса ҳеч нарсага парво қилмайди, фақат ўз ғамини ейди, холос. Шундай аҳволда бу давлатнинг тағинам йўқ бўлиб кетмаганига ҳайронман. Фақат душманни чалғитиш учун керак дейилмаса — бизга бунақа давлатдан ҳеч қандай фойда йўқ...»

— Шундан ортиқ фойда кутмайман ҳам,— деди Пётр Алексеевич,— Долгорукийга хат ёзиб жўнатдим: қандай қилса ҳам қиролдан ўн минг ефимкани ўзи ундирсин, мен бунга жавобгар эмасман... Бу пулга битта кема қуриш мумкин эди.— У тишларини қисирлатиб керишди.— Эҳ, мома Ҳавонинг қизлари! Шўрлик эркакни нималар қилмайсиз! Амстердамда меникига трактирдан биттаси қатнарди,— ўлгудай ёлғончи, шўх, лекин бинойидек... ўшанга анча пулим кетган...

— Мин херц, бунақага пул сарф қилиш масаласида сен Август билан тенглашолмайсан. Битта Аврора Кенигсмарк унга ярим миллионга тушган. Трактирчи қизга сен — аниқ эсимда бор — атиги уч юз, кўп бўлса — беш юз сўм бергансан, холос...

— Наҳотки — беш юз сўм, а? Шунча пулни-я! Ўшанда мени яхшилаб савайдиган одам бўлмаган... Август бизга ўрнак эмас, биз — давлат одамларимиз, бизда хусусий пул йўқ. Кўзни каттароқ оч, Алексашка, оғзингнинг бир четидан бунақа «атиги» чиқиб кетавермасин, давлатнинг пули тўғрисида ўйлаброқ гапир...— Бирпас-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гача жимиб қолди.— Бу ерда бир одамнинг бор экан, ёғоч ташияпти... Ана худодод талант...

— Андрюшка Голиковми?

— Бу ерда бекорга умри ўтяпти, ёғоч ташиш — унинг иши эмас. Уни Москвага юбориш керак... Бир жононнинг расмини чизиб берсин.— Пётр Алексеевич кўзларини олайтирди. Алексашка тишининг оқини кўрсатиб илжайгандек бўлди.— Шартта ўрнимдан тураману, кулиш мунақа бўлади, деб қон чиқмас жойингга, оғайни, солиб қолмай тағин... Катеринани соғиняпман, шундай соғинаманки... Кўзимни юмсам — аниқ, равшан кўраман, очсам — бурним ҳидини сезгандек бўлади... Ўтмишида нимаики бўлган бўлса — барини кечираман, турли эркаклардан то сен билан бўлганигача — ҳаммасини... Эҳ, оғайни, гапирсам тилим куяди, гапирмасам дилим, мома Ҳавонинг қизи, дейишдан бўлак гап йўқ...

Пётр Алексеевич бирдан жимиб, бўзариб ёриша бошлаган чўзинчоқ дераза томон қаради. Александр Данилович лип этиб наматдан турди. Дераза ортида гувиллаган шамол орасидан гумбирлаб ёрилаётган, минди-минди бўлиб қасирлаётган музларнинг салобатли товуши эшитилди.

— Нева қўзғалди, мин херц!..

Пётр Алексеевич айиқ терисидан қилинган кўрпа тагидан оёқларини чиқарди:

— Йўқ-эй! Энди бизга уйқу йўқ!

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧИНЧИ БОВ

I

Кексгольм походи энди бошланганда тўсатдан тўхтатилди. Олдинроқ йўлга чиққан пиёда полклар ва ҳарбий обозлар Шлиссельбург йўлининг ярмига етмасдан, суворилар Охта дарёсидан батамом ўтиб бўлмасдан, преображенлик ва семёновлик солдатлар тушган эшкакли қайиқлар Невада беш чақирим узоқлашмасданоқ,— пайҳонланган арчазор орасидан бир сувори от чоптириб қирғоққа чиқди-да, жон-жаҳди билан шляпасини силкита бошлади. Пётр Алексеевич қайиқлар кетида — каттакон елканли қайиқда эди; қирғоқда шляпа силкитиб бақираётган одамнинг: «Ҳоой, қайиқчилар, подшо қаерда? Унга мактуб бор!»— деганини эшитиб, дарҳол елканни у томонга ташлади-да, қайиқни қирғоққа бурди. Сувори отдан сакраб тушиб, сувга жуда яқин борди ва икки бармоғини офицерча шляпанинг ҳошиясига теккизиб честь берди-да, қип-қизил тумшуғини чўзиб, қўрқувдан кўзларини жавдиратиб, хириллаган товуш билан:

— Жаноби бомбардир, мени сарой оғаси Пётр Матвеевич Апраксин юборди,— деди кирлаб кетган қизил рангли енг қайтармаси орасидан ип билан тикилиб, мўм билан печатланган хатни олиб подшога берди ва бир қадам орқага чекинди. Бу одам — прапоршик Павел Ягужинский эди.

Пётр Алексеевич тиши билан ипни узиб хатга кўз югуртирди, яна бир карра диққат билан ўқиб чиқди, қовоғи солинди. Кўзларини қисиб Неванинг юқори томонига — сувда қуёш шуъласи жимирлашган жойда баравар эшкак босиб, оғир юкли қайиқларда сузиб кетаётган солдатларга қаради.

— Отингни матросга бериб, ўзинг қайиққа чиқ,— деди подшо Ягужинскийга ва бирдан унга бақирди:— Сувга тушсанг-чи ахир, кўриб турибсан-ку, қайиқ қумлаб қолди, итариб юбор, кейин сакраб чиқиб оласан.

Елканли қайиқ шамолга қарши тўлғана-тўлғана,

www.ziyouz.com kutubxonasi

то Питербург томонга сузиб етгунча Пётр Алексеевич чурқ этмади. Усталик билан қайиқни ўзи кўприкчага тақаб тўхтатди, икки матрос дарҳол каттакон елканни туширди, бошмоқларини тапиллатиб қайиқ тумшуғига ўтди-да, кливерштокка илиниб шамолда патиллаган елкан четини чиқарди. Токи улар денгиз уставига биноан елканларни тахлаб, барча арқону асбобларни тартиби билан йиғиштириб бўлгунча Пётр Алексеевич кўзи билан тешиб юборгудек тикилиб турди. Қайиқда ҳамма нарса саранжом бўлгандан кейингина ўз уйи томон кетди. Бирпаснинг ичида Меньшиков, Головкин, Брюс ҳамда вице-адмирал Крейс — бари ҳаяжонланган ҳолда шу уйга тўпланди. Пётр Алексеевич деразани қия очиб, димиқиб кетган хонанинг ҳавосини тозалади-да, Нарвадан йигирма чақирим шимолроқда жойлашган Ямбург қалъасидаги гарнизон бошлиғи Пётр Матвеевич Апраксиндан келган мактубни уларга ўқиб эшиттирди:

«Сенинг амрингга биноан, подшоҳим, мен эрта кўкламда уч пиёда полк ва беш рота сувори билан Ямбургдан жўнаб, Нарова дарёсининг этагида, Россонь номли сой унга қуйиладиган жойда ўрнашиб олдим. Орадан кўп вақт ўтмай, шведларнинг бешта кемаси пайдо бўлди, булардан ташқари, денгизнинг нариги ёқларида яна аллақанча кема байроқлари кўринди. Шведларнинг иккита ҳарбий кемаси кучсиз шамолдан фойдаланиб, дарё денгизга қуйиладиган жойдан ўтиб олди ва тўплардан ўт очиб обозларимизни ўққа тутди. Худога шукурким, биз дала тўпларидан ўқ ёғдириб бир кемани дабдала қилдик ва душманни Нарова этагидан ҳайдаб чиқардик.

Мазкур жангдан сўнг орада бир ҳафта ўтиб иккинчи ҳафта бошланди, лекин душманнинг бешта ҳарбий кемаси ва ўн битта оғир қайиғи қирғоққа яқин жойда лангар ташлаб, денгизда турибдир, шведларнинг бу ҳаракати мени ниҳоятда шубҳага солиб қўйди. Мен соҳил бўйлаб қўриқлаб юриш учун узлуксиз сувори разведкалар юбориб, шведлар қирғоққа аскар ёки қурол-яроғ туширишига йўл қўймаяпман. Шунингдек, Ревель йўлига ҳамда Нарва остонасигача драгунлар жўнатиб, душманнинг қоровул постларини тор-мор қиляпман. Ушлаб келинган тилчилар, Нарвада халқ очликдан қийналаётгани, сенинг оқилона амринг билан Нарова дарёси атрофини биз эгаллаб олганимиздан ниҳоятда ташвишланаётганини гапириб бердилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Талабгор бўлиб разведкага чиққан йигитларимиз тунда Нарва дарвозаси тагигача биқиниб бориб, Ревель губернаторидан Нарва комендантн Горнга шифрланган хат олиб келаётган чопарни тутиб келдилар. Текшириш натижасида бу чопар машҳур бир оиланинг фарзанди, қирол Карлнинг энг суюкли одами — гвардия капитани Сталь фон Гольштейн эканлиги аниқланди. Олдинига у саволимга жавоб бермай қаттиқ туриб олди, мен бақириб унга пича дўқ қилганимдан сўнг тилга келиб: яқинда Нарвага улкан қўшин билан Шлиппенбах ўзи етиб келишини, шведлар ўттиз беш кемада бу шаҳарга ғалла, солод, тузланган ва дудланган балиқ, тузланган гўшт жўнатганини гапириб берди: «Кемалар карвонига вице-адмирал де Пру командир қилиб тайинланган, ўзи француз, чап қўли бутунлай йўқ, ўрнига кумушдан қўл қилинган; кемаларда икки юздан ортиқ тўп ва бир полк пиёда денгиз аскари бор»,— дейди.

Шундай жуда муҳим ва даҳшатли маълумотни эшитиб капитан Гольштейнга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай қолдим, аммо бугун эрталаб, подшоҳим, денгиз устини қоплаган туманни шамол тарқатиб юборгандан сўнг қарасак — бутун уфқни елкан босиб кетибдур, санаб чиқдик: қирқдан ортиқ кема... Менда куч кам: суворилар жуда оз, тўпдан фақат саккизта, биттаси у куни ўқ отаётганда ёрилиб кетди. Охири ҳалокат билан тугаши менга аён бўлиб қолди... Тезроқ мадад бер, подшоҳим...»

— Хўш? Бунга нима дейсиз?— хатни ўқиб бўлгач сўради Пётр Алексеевич.

Брюс зардаси қайнаб, бўйнини қисиб то бағбақасигача қора галстук ортига яширди. Корнелий Крейснинг ошланган терига ўхшаш юзи ҳеч нарса ифода этмади, фақат кўзлари қисилиб, қорачиқлари торайди, гўё Нарва кўрфазидаги Швеция кемаларини шу ердан туриб кўраётгандек. Ҳар доим ҳозиржавоб Александр Данилович ҳам нимагадир бугун қовоғини осилтириб чурқ этмасди.

— Сизлардан сўраяпман, жаноби ҳарбий кенгашчилар, жавоб беринг: бу фирибгар ўйинда қирол Карл менинг бир донамни ютиб олмоқчи — яъни менга панд бериш учун Нарвага асб юриш қилиб Кексгольмни асраб қолмоқчи, деб ҳисоблайсизми? Ёинки ўжарлик қилиб гвардия билан Кексгольм сари бораверамизу, Нарвани Шлиппенбахга бериб қўя қоламизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Корнелий Крейснинг юзи титрай бошлади, вице-адмираллик даражасига ярашмаса ҳам, ром ва қалампир билан қайнатилган матросча тамакидан бир чимдим олиб лунжига солди-да:

— Йўқ!— деди.

— Йўқ!— деди Брюс қатъий равишда.

— Йўқ!— деди тиззасини муштлаб Александр Данилович.

— Кексгольмни олиш биз учун қийин эмас,— деди мулойим овоз билан Гаврила Иванович Головкин,— лекин шу орада қирол Карл иккинчи донамизни, бу сафар фарзинимизни ютиб олмаса гўргайди...

— Шундай!— деб қўйди Пётр Алексеевич.

Сўзсиз шундай ҳам тушунарли эди; Шлиппенбахнинг корпусини Нарвага йўлатиш — Нарва билан Юрьевдек энг муҳим қалъаларни эгаллашдан воз кечиш демак,— булар бўлмаса, Питербурх ҳимоясиз қолиши аниқ эди. Шунинг учун бир соат ҳам кечикиш мумкин эмасди. Ҳадемай чопарлар Шлиссельбург йўлида ва Нева бўйлаб от чоптириб, бутун қўшинни ва эшкакли флотни изига қайтариш тўғрисида подшо буйруғини эълон қила бошлади.

Уч кундан бери отдан тушмаган поручик Павел Ягужинский деншик Нартовдан бир чўмиччада қалампир ароқ ва бир бурда нон билан пича туз сўраб олди-да, изига қайтиб Пётр Матвеевич Апраксин лагерига жўнади: унга — ҳар хил ўйлар билан гумонсираб-иккиланиб ўтирмасдан худога таваккал қилиб, бутун куч билан шведлар флотига қарши қаттиқ жанг қилиш, ҳаттоки охирги нафасгача маҳкам туриб бериш лозимлиги тўғрисида буйруқ берилганди. Пётр Алексеевич Ягужинскийни жўнатаётиб уни қўлидан ушлаб бағрига тортди-да, пешанасидан ўпди:

— Пётр Матвеевичга оғзаки айтиб қўй: бир ҳафтада бутун қўшин билан Нарва ёнида бўламиз,— деди.

2

Қирол Карл хўроз товушидан уйғониб, ғира-шира ёришган чодирда кўзини очди-да, томогига зўр бериб қичқираётган кулонкирнинг овозига қулоқ солди; бу хўрозни обозда олиб юришар ва кечаси қафасга солиб, қиролнинг чодири ёнига қўйиб қўйишарди. Сўнгра тонг-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни табриклаб мугиз сурнай янгради,— бирдан қирол туманли овни, мугиз сурнай овозини, тозилар вовиллаганини эслади, қандай бетоқатлик билан ёввойи ҳайвон қонини тўкишга шошилганини хаёлан кўз олдига келтирди... Бирдан чодирнинг ёнгинасида кучук акиллади, овозига қараганда — хонимлар каретада ёнида олиб юрадиган бир пулга қиммат лайчалардан бири бўлса керак... Кимдир унга пўписа қилиб ўшқирди, кучукча нолигансимон ангиллай бошлади. «Кучукча қайдан пайдо бўлди? Буни аниқлаш керак»,— деб қўйди қирол ичида. Қозиқдаги отлар бирдан типирчилаб қолди, биттаси жон-жаҳди билан чинқириб юборди. «Нептунни бичишга тўғри келади, аттанг, яхши арғумоқ эди»,— кўнглидан ўтказди қирол. Зилдай оғир қадамлар билан аллаким ўтди. Қирол қулоғини динг қилиб, соқчилар алмаштиришда бериладиган команда товушини эшитмоқчи бўлди. Чодир устидан ҳавони шувиллатиб паррандалар учиб ўтди. Буни ўзича: «Ҳаво очиқ бўлади»га йўйди. Хилмахил товуш ва овозлар тобора аниқроқ эшитила бошлади. Субҳидамда уйғона бошлаган лагернинг бу мардонавор мусиқий садоси қирол учун жамики виола, арфа, клавесинлардан[1] лаззатлироқ эди.

Қирол сафар тўшагида, йўл чанги ва терлаган от ҳиди уриб қолган шинель остида озгина ухлаб тургандан кейин ҳозир ўзини жуда яхши, бардам сезарди. Қани энди шундай хўроз қичқирган пайтда, душман майдоннинг у томонида бўлса-ю, ўша ёқдан — рутубатли туман орасидан гулханлар тутуни келиб турганда уйғонса — минг чандон ёқимлироқ бўларди, ўзини яхшироқ сезарди... Унда ирғиб тўшакдан турарди-ю, этикни кийиб, отга минарди. Арғумоқни секин юргизиб, ўз аскарлари олдига борарди, улар жанг олдидан аллақачон саф тортган, ҳаммаси мўйловдор, хўмрайган...

Бе, душман қайда! Клиссов ёнидаги қонли жангда Август бутун тўп-замбараги ва байрогидан айрилганидан бери тутқич бермай чекинади, холос, мана, бир йилдирки, беноён Польшада қуён сингари чарх уриб, панд бериб қочгани-қочган... Оббо қўрқоғ-ей, ёлғончи, иғвогар, фоҳишабоз! Очиқ майдонда рўпара бўлишга қўрқади, Нарвада, Ригада, Клиссовда оламшумул шуҳрат қозон-

[1] Ўша даврдаги клавишли асбоб, ҳозирги пианино ўшанинг такомиллашгани. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган ўз рақибини майда-чуйда тўқнашув билан овора бўлишга, саксониялик оч аскарлар кетидан ва маст-аласт поляк гусарлари кетидан уззукун қувиб юришга мажбур қилади... Бу лаънати ўз рақибини, танноз хонимларга ўхшаб, тўшакда тушгача ётишга мажбур қилади-я!..

Қирол Карл икки бармоғини лабига қўйиб ҳуштак чалди. Ўша ондаёқ чодирнинг бир чети очилиб, камерюнкер барон Беркенгельм кирди: танқай бурнида сўгали бор, боши чодир тепасига тегиб турган бу новча одам ҳам қиролнинг чопари, ҳам шахсий соқчиси эди; у қиролнинг тозаланган узун қўнжли этигини ва тўқ яшил сюртугини келтирди, сюртугининг ўқ ва бомба парчалари тегиб тешилган жойлари чатилган эди.

Карл чодирдан чиқди-да, кафтларини тутди, чопар кумуш кўзада унга оҳиста сув қуйиб турди. Қирол агар тепасидан тўп ўқи учиб ўтса — писанд қилмас, ўзини шунга ўргатган эди, аммо совуқ сув бўйнига тегса — чўчиб, сесканиб тушарди... Сочиқни чопарга улоқтирди-да, Беркенгельм ушлаб турган ойнага қарамасдан калта қирқилган сочини таради. Ёқасигача тугмаланган сюртугининг у ёқ-бу ёғини тўғрилади ва ямяшил ён бағирдан сой бўйигача бир тартибда тикилган қатор-қатор чодирларга кўз ташлади. Чодирлар орқасидаги от боғланган ғовлар атрофида ғивирлаган солдатлар кўринарди; тўпчилар латта билан тўпларнинг мис тиғларини тозалашмоқда эди. Карл жиркангансимон ўзича қайд этди: «Тўп тегарчикларига лой сачраса, мис тиғлар порох тутунидан қорайса — бундай манзара қайда!» Пастда, сой бўйида солдатлар кўйлакларини ювиб, пастак толлар шохига ёймоқда эди. Сойнинг нариги томонида, ботқоқзор орасида лайлаклар худди илоҳиёт профессорига ўхшаб, салобат билан лой кечиб юришарди. Ундан нарироқда — ўт кетган қишлоқнинг серрайган мўрилари ва ундан ҳам нарида, асрий дарахтлар ортида костелнинг нураган икки минораси сарғайиб кўринарди.

Бундай хунук манзара кунига учрайвериб, қирол Карлнинг жонига тегди. Уч йилдан бери бу лаънати Польшада гир айланади! Шу уч йил ичида дунёнинг ярмини — Висладан то Уралгача забт этиш мумкин эди-я!

— Қирол ҳазрати олийлари, понуштага марҳамат айлагайлар,— деди барон Беркенгельм эшик томони

www.ziyouz.com kutubxonasi

қайтарилган чодирни нозик қўли билан кўрсатиб. Чодирда, порохдан бўшаган бочка тўнтарилиб, устига оппоқ сурп ёзилган, кумуш тарелкада — юпқа қилиб кесилган нон, товоқда — пишган сабзи, яна биттасида — ёрмадан пиширилган солдатча гўжа. Бор-йўғи шугина, холос. Қирол кирди, ўтирди, сочиқни тиззасига ёзди. Барон орқасига ўтиб турди, ўжар қиролнинг ғалати қилиқларидан таажжубланиб: бунақа овқат билан соғлиғини ишдан чиқармаса гўргайди, деган гап келди кўнглига. Балки, келажакда ёзиладиган мемуарлар учун шундай ҳаёт кечириш зарурдир? Қирол шуҳратпараст... Клиссов ёнидаги жангдан сўнг Августнинг коллекциясидан ўлжага олинган— италиялик улуғ мастер Бенвенуто Челлини яратмиш тилла кўзачага қурбақа ҳиди келадиган булоқ суви қуйиб қўйилган... Ҳақиқатан, оламшумул шуҳрат — ҳазилакам юк эмас!

Карл сабзи чайнаётиб, тўсатдан сўраб қолди:

— Лагерда лайча кучук қайдан пайдо бўлди, бирорта одам келдими?

— Ҳазрати олийлари, тун ярмида лагерга қирол Августнинг маҳбубаси графиня Козельская келди, мурувват айлаб мени қабул қилғаймикинлар, деб сиздан умидвор...

— Граф Питер унинг келишидан хабардорми?

Барон «ҳа», деб жавоб қилди. Қирол Карл фақирона нонуштани тугатганидан сўнг, ботирона ҳаракат билан тилла кўзачадан сувни сипирди, лабини сочиққа артиб, чодирдан чиқди-да, уқасиз ва безаксиз уч бурчакли кичкина шляпасини энсасига босиб кийди. Сўнгра графинянинг каретаси турган жойга — ёнғоқзор томонга қараб юрди; ўша ёқдан, дарахт шохлари орасидан, карета устига ўрнатилган заррин ғулмон билан каптарлар ҳайкалчалари қуёшда ярқираб кўринарди...

Графиня Козельская каретада, парқу ёстиқлар ва кружевалар орасида ўхлаб ётган эди. Бу жувон авжи етилган, ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган, бадани оппоқ, новвот ранг сочлари чепчиги остидан жингалак-жингалак бўлиб чиқиб турарди. Кучукча қиролнинг этиги тагида қолиб вангиллай бошлагач, графиня уйғонди-да, зумраддек товланган катта-катта кўзларини очди. Карл славянларга хос бунақа кўзни эркак кишида кўрса жирканар, хотинларда учратса — ғаши келарди. Графиня карета эшигидаги ойнага тақалиб қараб

www.ziyouz.com kutubxonasi

турган кесак рангли озғин юзни, жирканғансимон қийшайган кичкина оғиз билан гўштдор катта бурунни кўрди-ю, чинқириб юзини пана қилди.

— Нега келдингиз!— сўради қирол.— Дарҳол кучеринғизга буюринг, отларни қўшсин, тезроқ бу ердан жўнанг, йўқса сизни, ифлос ва уятсиз Августнинг шпиони, деб расво қилишади... Эшитяпсизми мени?

Графиня поляк қизи — шунинг учун уни қўрқитиш осон эмасди. Бунинг устига Карл дабдурустдан пўписа ва қўрслик қилиб, ишни ўз зиёни томонга бориб қўйди... Графиня момиқдай қўлларини юзидан олиб, ёстиқдан бошини кўтарди-да, ҳар қандай одамни мафтун этадиган самимият билан қиролга жилмайиб:

— Bonjouv, sir[1],— деди таннозлик билан.— Тўсатдан чинқириб сизни безовта қилганим учун минг узримни қабул этғайсиз... Ҳаммасига Бижу айбдор, кучукчам тушмагур оёқ тагида ўралашавериб доим мени уятга қолдиради, холос... Бирор бурда нон ёки товуқ устухони топиб ермикин, деб мен уни каретадан чиқара қолувдим... Биласизми, сир,. очликдан ўлар ҳолатига етдик... Кеча кун бўйи вайронага айланган қишлоқлар ва ўт кетган қасрлар ёнидан ўтдик, лоақал бир бурда нон топилмади, битта тухумга бир червонс бермоқчи бўлдим, қани топила қолса... Аллақандай коваклардан чиқиб келган раҳмдил поляклар нуқул кифтларини қисишади, худога илтижо қилиб қўлларини осмонга кўтаришади, холос... Сир, нонушта қилгим келяпти... Сизнинг олийҳиммат, саҳий ва сезгир қалбингизга мурожаат этмоқчиман, йўлда чеккан азоб-уқубатларим эвазига — ҳузурингизда нонушта қилишга ижозат этғайсиз менга, сир...

Графиня Козельская гўё бутун умрини Версалда ўтказгандек, француз тилида фавқулодда назокат билан тинмай бидирлар эди; гапириб туриб сочини тузатиб олишга, лабини бўяб, упа ва атир сепиб, тунги чепчиги ўрнига кружевалик тақия кийиб олишга ҳам улгурди... Карл сўз қотмоқчи бўлиб кўп ҳаракат қилди, бироқ графиня навбат бермади, каретадан қушдай учиб чиқди-да, қиролни қўлтиқлаб олди:

— О менинг қиролим, бутун Европани мафтун эт-

[1] Французча сўз:— «Хайрли кун, ҳазрати олийлари», демоқчи. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

дингиз, ҳозир ҳамманинг оғзида — фақат сиз, шаҳзода Евгений Савойскийни, герцог Мальборони ҳеч ким тилга олмай қўйди,— Евгений билан Мальбрук шуҳрат тожини Швеция қиролига топширишга мажбур бўлди... Мени кечиргайсиз бу қадар ҳаяжонланганим учун, чунки бир минутгина сизни кўриш, тушларимга кирган сиз қаҳрамон билан дийдор кўришиш учун жонимни беришга ҳам тайёрман... Мана, ниҳоят сизни кўриб, овозингизни эшитиб турибман, мен — бахтиёрман, энди менга қандай айб қўйсангиз ҳам майли, сир...

Графиня оёқ остида ўралашган бароқ кучукчани кўтариб олди-да, қиролнинг тирсагига шу қадар маҳкам ёпишиб олдики, агар Карл қўлини хонимдан тортиб оладиган бўлса — кулгили аҳволга тушиши аниқ эди.

— Мен фақат сабзавот ейман, сув ичаман, холос,— деди қирол тутила-тутила,— қирол Августникидаги лазиз таомлардан сўнг бунга қаноатланишингизга ишонгим келмайди... Юринг менинг чодиримга...

Бутун швед лагери, ёнғоқзор орасидан соҳибжамол нозанин билан чиққан ўз қиролини кўриб ҳайрон қолди: унинг енгил юбкаси ва серҳашам кружевалари субҳидам шабадасида ҳилпираб учарди. Қирол уни қўлтиқлаб, жаҳл билан тумшуғини кўтариб олган эди. Чодир олдида — жуда катта парик кийиб, тилла лорнет таққан, чиройли қиёфадаги барон Беркенгельм билан мужикбашара, бесўнақай, истеҳзоли кулимсираган граф Пипер кутиб туришарди.

Қирол Карл графиняни чодирга киргизиб юборида, тиш орасидан графга ўшқирди:

— Бу хатоингиз учун кўп пушаймон ейсиз, узоқ вақтгача сизни кечирмайман,— деди. Сўнгра Беркенгельмга буюрди:— Қаққайиб турмасдан манави хонимга гўшт-пўшт топиб келинг ахир, тезроқ...

Қирол Козельскаянинг рўпарасида барабанга, графиня эса — барон келтириб қўйган ёстиқ устига ўтирди. Порох бочкасига дастурхон ёзилиб, нонушта учун хилма-хил таомлар билан кутилгандан ортиқ безатилганди: унда қийма жигар, ғознинг ўпка-юраги, яхна парранда гўшти қўйилган ҳамда Бенвенут Челлини кўзачасига бу гал сув эмас — вино тўлдирилган эди. Карл лабини қимтиб: «Жуда соз! Бу аблаҳ Беркенгельм ўз чодирида мендан яшириб қандай овқат еб юргани энди маълум», дея кўнглига тугиб қўйди. Графиня маза

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиб овқатни туширар, устухонларини лайчасига ташлар, оғзи тинмай гапирар эди:

— Ё биби Марьям, муғамбирлик қилиш кимга керак ахир!.. Сир, сиз мендан гумонсираб, боядан бери мақсадимни билишга уринасиз, холос... Мен бу ерга биргина мақсад билан келдим, у ҳам бўлса — Речи Посполитани ҳалокатдан асраб қолиш... Бу — юрак амри, менинг муқаддас бурчим... Мен Польшанинг илгариги беғам турмушини, хушчақчақ ўйин-кулгисини, оламга донғи кетган базм-зиёфатларини, тантанаю дабдабали овларини яна ўзига қайтариб бермоқчиман... Польша харобазорга айланган. Сир, қошингизни чимирманг,— ҳамма айб қирол Августнинг калтафаҳмлигида... О, эндиликда шўрлик қирол, ўша иблис Иоганн Паткулнинг гапига кирганига қанчалик пушаймон еяётганини, сизга қарши адоват қўзғатган ўша лаънати соатни қандай қарғаётганини билсангиз эди... Ливония учун бошланган лаънати урушга мутлақо Август сабабчи эмас, гапимга инонинг, фақат Паткуль сабабчи, бу жинояти учун уни нимта-нимта қилинса ҳам оз... Август билан Дания қироли ҳамда ваҳшийлар подшоси Пётр ўртасида ғайри табиий ҳарбий иттифоқни ким тузди? Паткуль, фақат Паткуль... Наҳотки хатони тузатиш мумкин эмас, а? Наҳотки жамиий савоблардан олийҳиммат лик паст турса... Сир, сиз улуғ одамсиз, сиз — олийҳиммат, валинеъматсиз...

Графинянинг славянча кўзлари сувга тушган зумрадга ўхшади қолди, аммо иштаҳаси бўғилмади. Унинг фикрлари бир-биридан ўзиб шу қадар тез чопишардики, Карл аранг қувиб етар ва биттасига кескин жавоб бермоқ учун энди оғзини очганда — иккинчиси рўпара бўлиб, унга жавоб қилиш лозим бўларди. Беркенгельм нафас чиқармай турар, Пипер эса, чодирнинг бир бурчагида зилдай оёқларини кериб, портфелини қорнига босиб, мулойим жилмаяр эди.

— Қирол Августнинг бутун фикри зикри — сулҳ, фақат сулҳ, подшо Пётр билан тузилган шармандали шартномани йиртиб ташлашга у бажону дил тайёр. Сулҳ ҳаммадан ҳам биз аёллар учун керак, шунинг учун биз сизга ялинамиз, ярашишга рози бўлишингизни сўраймиз... Уч йилдан бери давом этган уруш ва низолар, — биз ожизлар учун, қисқа умримиз учун жудаям оғирлик қилади...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Менга сулҳ эмас — сўзсиз таслим керак,— деди ниҳоят қирол Карл, сарғиш кўзлари билан графиняга ёмон тикилиб.— Мен Август билан бу ерда, Польшада эмас — Саксонияда, унинг пойтахтида гаплашаман, чунки Польша аллақачон унинг қўлидан кетган. Қорнингиз тўйдими, хоним? Менда бошқа гина-кудуратингиз йўқми?..

— Вой эсим қурсин, сир,— деди шошиб-пишиб графиня, яхшилаб қовурилган булдириқни тамомлагандан сўнг пушти ранг панжаларини ялаётиб.— Сизга энг муҳим гапни айтиш эсимдан чиқипти, мен ахир шунинг учун ўқдай учиб келдим бу ерга,— Графиня билагузугига осиб қўйилган кичкина қутичани очиб, ўралган қоғоз олди-да, уни ёзди.— Мана, кеча эрталаб почта каптари келтирган маълумот. Подшо Пётр катта қўшин билан Нарва томон қўзғалди. Менинг бурчим — москвалик золимнинг бу хавфли ҳаракатидан сизни огоҳлантириш...

Граф Пипер жилмайишни бас қилиб қирол олдига борди ва почта каптари келтирган қоғоздаги майда-майда ёзувни иккиси биргаликда ҳижжалаб ўқий бошлашди. Графиня зумраддек чиройли кўзлари билан Беркенгельмга қаради-да, эркин нафас олди, сўнгра Бенвенуто Челлининининг кўзачасини кўтариб, винодан ичди...

3

Ниҳоятда келишган ва бенуқсон Августни гўё табиат атайлаб, ҳашаматли сайил-томошалар учун, санъатга ҳомийлик қилиш ҳамда Европадаги энг гўзал нозанинлар билан айш-ишрат қуриш учун, Речи Посполитанинг шуҳратини ошириш учун яратгандек эдики, шуҳратпараст панлар ўз қиролини Венадаги, Мадрид ва Версалдаги қироллардан кам бўлмаслигини хоҳлашарди, бироқ шундай довруғи кетган қирол Август ҳозир руҳан эзилган, саросимага тушиб қолган эди. Унинг саройи ҳозир Львов вилоятига қарашли Соколь деган кичкина нообод шаҳарчада — ярми харобага айланган эски қасрда бўлиб, ҳамма қулайликдан маҳрум, қийналишга маҳкум эди. Бу шаҳарчада ҳатто якшанба кунги бозор ҳам бўлмас эди, чунки теварак-атрофдаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоқларда яшовчи украинлар уруш тугашини кутиб ё ўрмонзорларга яширинган ёки бошқа бирор ёққа, тўғрисини айтганда — Днепр бўйига қочганди, ўша ёқда қўзғолон бошланганлиги тўғрисида миш-мишлар юрарди.

Оч ётиб тонг отгунча гингшимаслик учун қирол Август кечки овқатга таклиф этган маҳаллий помешчикларникига боришга, маданиятсиз хонимларга французча мулоқот қилишга ва бир пулга қиммат винони ичишга мажбур эди. Поляк панлари шопдай мўйловларини бураб, кибр-ғурур билан столнинг пойга томонига — чуғурлашиб ўтирган бир тўда шляхтага тикилишар ва ҳар бири ўзини бир қирол деб билар, ҳатто Августдан ҳам юқори ҳисоблар эди. Август эса, Варшавадаги сеймнинг қарорига биноан тож-тахтдан ажраганди. Тўғри, Польша вилоятларининг ярми буни тан олгани йўқ, лекин барибир Варшавада, унинг саройини ва унинг тахтини иккинчи қирол — Станислав Лешинский эгаллаганди, мунофиқона фармонлар чиқарар, унинг — яъни Августнинг кимхоб либосларини ва Париждан олинган пайпоқларини бола-чақаларига улашарди. Бутун шарқ — Днепрнинг ўнг томони — Винницадан то Подолгача мужиклар қўзғолон кўтарган, Богдан Хмельницкий давридагидек қонли жанглар, ўт қўйишлар бошланган эди. Ҳаммасидан ҳам ёмони шуки, қирол Карл қуршов ҳалқасини тобора торайтириб, саралаган ўттиз беш минг аскар билан Львов билан Ярослав орасида жуда яқин жойга келиб қолган ва Августнинг она юрти Саксонияга чекинадиган йўлини кесиб қўйган эди.

Август ўзига ишончини йўқотиб, қирол Карлдан — сюртуги чангга беланиб, этиги сарғайиб кетган ўша ҳезалакбашара, йўлбарс кўзли ёвуз боладан юрак олдириб қолган эди. Карлни ҳеч қандай нарсага қизиқтириб, ҳеч қандай йўл билан алдаб бўлмасди,— ҳаётда фақат тўплар тутунию гумбирлашига, қиличлар бирбирига урилиб чақ-чуқ жаранглашига, ярадор солдатларнинг дод-фарёдини эшитишга, қон билан жизғинак ҳидига тўлиб отлар туёғи остида пайҳонланган жанг майдонини томоша қилишга ишқибоз эди, ана шундай майдонда сағрини чўккан арғумоғи ўликлар устидан оҳиста қадам ташлаб юрса — ана шунда кўнгли жойига тушиб роҳатланарди. Карл фақат битта китобчани

www.ziyouz.com kutubxonasi

билар, уни ёстиғи тагига қўйиб ётишни яхши кўрарди, у ҳам бўлса Цезарнинг изоҳлари эди. У урушни, жанг қилишни, ўрта аср норманлари сингари, жон-жаҳди билан яхши кўрарди. Карл сулҳ тузишдан кўра,— агар бу сулҳ Швеция учун ниҳоятда фойдали бўлса ҳам,— йигирма қадоқлик бомбага бошини тутиб беришга тезроқ рози бўларди.

Бугун қирол Август кун бўйи графиня Козельскаянинг қайтишини кутди. У графинянинг аёлларга хос айёрлигини яхши билса ҳамки, Карлни сулҳ тузишга кўндира олишига ишонмасди. Аммо, подшо Пётр қўшин тортганлиги тўғрисида почта каптари орқали Литвадан олинган хабар шу қадар муҳим ва таҳликали эдики, Карл генерал Шлиппенбахнинг ёлғиз корпусидан кўнгли тўлмаслиги аниқ, шундай бўлгач: Августнинг кетидан бекорга овора бўлиб таъқиб этишини давом эттириш керакми ёинки подшо Пётр билан олишмоқ учун қўшинни Болтиқ томонга буриш керакми, деб иккиланиб қолиши мумкин, айниқса уни Пётрга қарши солмоқчи бўлганлар: Австрия императори, Карлнинг Франция қироли билан битишиб иттифоқ тузишидан ва шведлар Венага қўшин тортишидан ўлгудек қўрқарди; Франция қироли эса аксинча — веналик дипломатлар Карлни Австрия томонига тортиб кетишидан ва унга Франция чегарасига қўшин тортишини таклиф этишидан хавотир оларди; Пруссия қироли бўлса — ҳаммадан қўрқар, айниқса Карлнинг номини эшитса, даҳдаҳ титрарди, чунки бу телбатабиат Карл бемалол Бранденбург Пруссиясига бостириб кириши, Кенигсбергни босиб олиши ва бунақа қиролнинг таъзирини бериши турган гап эди,— шунинг учун ҳаммаси қирол Карлни жон-жаҳди билан Пётрга қарши ишқаб гижгижлашарди...

Сўнгра, лаънати шайтон Иоганн Паткуль келди: яшил мовутдан бесўнақай тикилган қизил қайтарма енгли рус генерали мундирида баттар семириб кетганга ўхшарди. Такаббурона хўмрайган чўзинчоқ юзидаги ажинларни дўнг пешанасига тўплаб, французчани расво қилиб, қирол Карл билан тўқнашишга журъат этмаган подшо Пётрнинг юраксизлиги тўғрисида хирилдаган овоз билан нолишга тушди:

«Подшода иккита улкан армия бор. У Польшага бостириб кириши ва сиз билан бирлашиб, қанчалик қур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бон беришга тўғри келса ҳам, Карлни тор-мор қилиши лозим,— деди Паткуль қип-қизил бетларини дикиллатиб.

— Шундай қилинса, бу энг оқилона ва дадил қадам бўлар эди. Аммо подшо ҳамма руслар сингари жуда очкўз. Фин кўрфазида ўрнашиб олишга йўл қўйишгандан сўнг у энди ёш болалар сингари шошмашошарлик билан ўзига шаҳар қуришга киришди: Ингриянинг ярмини босиб олди, иккита яхши қалъага — Ям билан Копорьега эга бўлди; кошки шу билан қаноатланиб, Европа олдида ўз бурчини бажариб жимгина ўтирса! Йўқ, қайтага иштаҳаси очилиб Нарва билан Юрьевга кўз олайтиряпти, ҳатто Ревелга оғиз соляпти. Ундан кейин кўнгли Ливония билан Ригани ҳам тилаб қолар! Подшо Пётрни чегарада тўхтатиш керак... Лекин бу ҳақда унинг министрлари билан гаплашгандан гаплашмаган яхши... Ҳаммасининг бошида бўялган паҳмоқ жун парик, бари маданиятсиз, нодон мужиклар, улар учун Европа нима-ю, чўчқа учун озода тўшак нима... Мен жуда кескин ва очиқчасига гапиряпман, бунинг учун кечиргайсиз, ҳазрат олийлари, ахир мен изтироб чекяпман, юрагим эзилиб кетди... Мен ёлғиз бир нарсани истайман — жонажон Ливониямни яна сиз қирол ҳазрат олийларининг ҳимоясига қайтариш ниятидаман... Бироқ ҳамма ерда — Венада ҳам, Берлинда ҳам, бу ерда сиз томондан ҳам бутунлай эътиборсизликни кўраман, холос... Ўйлайвериб бошим қотди: оқибатда тўғрисини айтганда, Ливония учун энг ёвуз душман ким? Мени икки нимта қилмоқчи бўлган қирол Карлми ёки менга шу қадар ҳурмат билан ишонч билдириб, генерал-лейтенант унвони берган подшо Пётрми? Ҳа, мен рус мундирини кийдим, энди ҳалоллик билан бу ўйинни охирига етказаман... Аммо менинг ҳиссиётим ўзгармайди, илгари қандай бўлса — шундайлигича қолади... Қирол ҳазрат олийлари, сиздаги бўшашганлик ва ғайратсизликни кўрган сайин баттар юрагим эзилиб изтироб чекаман... Баланд овоз билан, дадиллик билан подшодан қўшин талаб этинг, Карл билан узил-кесил жанг қилишни талаб этинг...»

Бошқа вақт, бошқача шароит бўлганда-ку, Август бундай беадабни ҳайдаб чиқарарди. Бироқ ҳозир тамаки қутисини қўлида айлантириб индамай қулоқ солишга мажбур эди. Ниҳоят Паткуль кетди. Қирол навбатчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

ротмистр Трановскийни чақирди ва унга: кимики графиня Козельскаянинг келганини биринчи хабарини берса — унга юз червонс инъом қиламан, деди. Занглаб, кўкариб кетган уч панжали шамдонда шам ёқиб келтирдилар. (Яҳудийлар ибодатхонасидан олинган бўлса керак.) Қирол ойна олдига бориб, хомушлик билан ўзини — бир оз салқиган юзини томоша қила бошлади. Август ўзини ойнага солиб юзига тикилишдан ҳеч зерикмас, билъакс, антик ҳайкалнинг оғзидек ана шу бежирим оғзи билан садафдек тишларини, нозик ва сезгир лабларини, ҳуснига яраша катта бурнини, қалб ҳароратидан порлаган бир жуфт ўйноқи кўзни хонимлар нақадар ёқтирганини аниқ тасаввур этиб роҳатланар эди... Қирол парикни бошдан олди,— ана холос, соч ҳам оқара бошлабди! Ажинлар ғивирлашиб, кўзлари ёнидан чаккалари томон йўрғалашиб қолди... Лаънати Карл!

Эшик олдида турган ротмистр:

— Ҳазрат олийлари, ижозат берсалар яна эслатмоқчиманки,— деб қолди,— пан Собешанскийдан уч марта шляхтич келди: пан билан пани токи сиз ҳазрат олийлари бормагунча овқатланган ўтирмайди, дейди. Шундай таомлар тайёрланганмишки, кўпроқ турса тами бузилармиш...

Қирол мушк-анбар ҳиди гуркираган чўнтагидан упа қутичани олиб, оққуш пари билан юзини упалади, кўксига ҳамда кружеваларига тўкилган упа ва тамакини силкиб қоқди-да, сўради:

— Кечки овқатга қандай таом тайёрланибди?

— Шляхтичдан сўрасам: кечадан бери паннинг ҳовлисида чўчқа болалари ва ҳар хил парранда сўйиляпти, колбаса ва қийма тайёрланяпти, деди. Ҳазрат олийларининг овқат масаласида таъбилари нозиклигини назарга олиб, пани ўз қўли билан ғоз қонида зулук пиширяпти, деди...

— Жуда соз... Қиличимни бер, мен бораман...

Пан Собешанскийнинг қўрғони шаҳардан унчалик узоқ эмасди. Тобора қоронғилашган уфқдан момақалдироқ булути кўтарилмоқда эди. Кетма-кет бахтсизликка учрайвериб пўстаги қоқилган Август чарм қопланган каретада қўрғонга яқинлашганда ҳамма ёқни чанг босиб — ҳали ёғмаса ҳам — ёмғир ҳиди аниқ сезила бошлади. Карета олдида отда келаётган шляхтич олдинроқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

жўнаб, қирол ташриф буюрганини маълум қилди. Ғирашира қоронғи хиёбон бўйлаб кетган асрий дарахтлар тагидан машъала кўтарган одамлар югуришиб, каретага пешвоз чиқишди.... Карета гулзор чеккасидан айланиб ўтди-да, томига қамиш ёпилган бир қаватлик уй олдида, вовиллаган ва акиллаган итлар товуши остида тўхтади. Бу ерда ҳам усти-воши йиртилган, сочлари тўзғиган хизматкору малайлар машъала кўтариб у ёқдан-бу ёққа югуришарди. Пешайвон зинаси олдида элликтача фармонбардор шляхтичлар тўпланиб турар, ҳаммаси пан Собешанскийнинг текин овқатига ўрганган дастёрлари эди; булар орасида — панларнинг ўзаро жангларида қатнашавериб афт-башараларини тиртиқ босиб, хунуги чиққан кекса қиличбозлар ҳам, камида бир қарич келадиган тикандай мўйловлари билан мағрурланувчи қорни катта мечкайлар ҳам, бировларнинг эски кафтанини кийиб олиб, ўзини шижоатлироқ кўрсатишга уринган ёш-яланглар ҳам бор эди. Ҳаммаси қўлини белидаги қилич дастасига тираб,— бу билан шляхта эркинлигига содиқлигини исботлаб,— қимирламай турарди: қирол Август гавдасини эгиб каретадан тушиши билан ҳаммаси лотин тилида баравар бақириб уни табриклади. Пешайвондан қўлларини ёйиб, кекса пан Собешанский тушиб келаверди; поляклларга хос меҳмондўстлилиги ва тантилиги жўш урганидан, агар шу дамда меҳмон нимани истаса берворарди: тозиларини, отхонадаги арғумоқларини, эгнидаги мўйна ҳошияли, зангори ранг мовут чакмонини, агар керак бўлса — бола-чақасини ҳам инъом қилишдан қайтмасди. Аммо гулдай очилган пани Собешанскаяни ўла қолса ҳам бермасди... Пани Анна эрининг орқасида турар: жажжигина, оппоққина, сал-пал танқайган бурни-ю, ҳайрона кўзлари, пат қадалган испанча чўққи қалпоқчаси — ҳаммаси ҳуснига ҳусн қўшиб шу қадар ярашган эдики, Августнинг юраги сиқилиши, ланжлиги бир пасда ёзилиб кетди.

Қирол икки букилиб таъзим қилди-да, пани Аннани гўё полонез рақсидаги каби, бармоқ учидан ушлади-ю, қўлини кўтаринқираб, емакхона томонга олиб кетди. Қирол билан хотини кетидан, азбаройи кўнгли ийиб кетганидан кўзлари ёшланган пан Собешанский юрди, пан кетидан — така ҳиди уриб қолган, соқоли қирилган, белини арқон билан боғлаб олган яланг оёқ монах юр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди; шляхтичлар — катта-кичик даражасига қараб — уларга эргашди.

Столга ёзилган дастурхон тагига пичан тўшалган, устига — ҳар жой-ҳар жойга гул ташлаб қўйилган ва яхшилаб безатилган, ундаги ноз-неъматлардан ҳамма қойил қолди, ҳаттоки кўйлаксиз бадан устидан чакмон кийган бир шляхтич бошини чангаллаб, тебрана-тебрана мағраб, ҳаммани роса кулдирди. Кумуш ҳамда қалайи лаганлар тўла колбаса, қовурилган парранданлар, пиширилган бузоқ ва чўчқа сонлари, яхлит нимталар, тиллар, тузланган ва сирка билан тайёрланган бодринг, карам, олмалар, хилма-хил нон, кулча, бублик ва тўқочлар, яшил шишаларда кофе қўшилган украинча ароқ, бочкаларда венгер виноси, кўзаларда пиво... Шамдонларда шам ёнар, ундан ташқари, ҳовлидаги малайлар дераза ёнида машъала тутатиб, хонани янада ёритиб, хира ойналардан мўралашар,— панлар қандай маза қилиб овқатланаётганини томоша қилишарди.

Олдинига Август хотиржам бўлиб, ҳар ҳолда мезбон қирол ҳузурида эски одатга амал қилмас, меҳмонларни то оёқда туролмай қолгунча зўрлаб ичирмас, деб ўйлаган эди. Бироқ пан Собешанский полякларнинг қадимги расм-русмига муккасидан кетганди. Даврада қанча меҳмон бўлса, у мўйлабини бураб шунча марта ўрнидан турди ва қиролдан бошлаб то стол охирида ўтирган новча (бу ҳам этиксиз, оёқ яланг эди) шляхтичга довур — ҳар бирининг номини баланд овоз билан такрорлаб, соғлиғи учун қадаҳ кўтарди. Ҳамма ўрнидан турар, «виват!»— деб бақирар эди. Венгер виноси тўлдирилган қадаҳни соҳиби хона меҳмонга узатар, меҳмон ҳам унга жавобан пан билан панига соғлиқ тилаб оқ ичарди... Ҳамманинг соғлиғи учун ичилиб бўлгандан сўнг, пан Собешанский даврани айланиб, олдин Речи Посполита учун қадаҳ кўтарди, ундан кейин:— «Яккаю ягона ул зот бобаракот Польша қироли Августнинг соғ-саломатлиги учун ичайликки, унинг йўлида қиличимизни, жон-танимизни аямаймиз»,— деди. Шляхтичлар жазава тутгандай, баравар қичқириб юборишди: «Яшасин Август! Витсин Станислав Лешинский!» Ундан сўнг шляхтанинг бузилмас эркинлиги учун жимжимадор сўзлар айтилиб қадаҳ кўтарилди. Шунда баъзи бировлар қизишиб, бутунлай эсини йўқотиб қўйди: шляхтичлар қиличларини қинидан суғуриб, гандираклай

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошлади, шамлар ағдарилди. Бир кўзи йўқ, семиз шляхтич: «Биз душманларимизни — мазҳабпарастлар ва москалларни[1] мана бундай қиламиз!»— деб бақирди-да, колбаса солинган каттакон лаганни қилич билан шартта икки бўлак қилди.

Қирол Августнинг чап томонида — юракка яқин, шундоққина биқинида — қизил гулдек қип-қизариб кетган пани Собешанская ўтирар эди. Пани Анна қиқирлаб кулиб, қиролни гапга солар, гоҳ тирсаги билан, гоҳ кифти билан туртиб, Версалнинг ажойиб расм-русмларни, у ердаги саргузаштларини билиб олишга улгурар, айни замонда меҳмонларга, айниқса — пойга томондагиларга кўз ташлаб ўтирарди, чунки бу ёқда ўтирган баъзи бир шляхтич кайфи ошиб қолганидан, дудланган тилни ёки нимта гозни бўз чалвор чўнтагига урарди-да, тикандай қадалувчи кўзларини аланг-жаланг қилиб, хизматкорни чақирар ва унга ниманидир тайинлар эди.

Август бир неча марта Аннанинг хипча белига қўл юбориб кўрди, бироқ пан Собешанский ҳар гал унга тўла қадаҳни узатар: «Ўз қўлингиз билан олғайсиз, зот бобаракот қирол ҳазратлари», деб халақит берарди. Август барини ичмасликка ҳаракат этар, ёнки ҳеч кимга билдирмасдан стол тагига сепиб ташлар,— барибир қутулмасди: орқада турган хизматкор ёки стол тагида ўтирган малай дарҳол қадаҳни яна тўлдириб қўяр эди. Ниҳоят, азиз меҳмонга энг ноёб таом — қовурилган зулуклар келтирилди, пани ўз қўли билан тарелкани тўлдириб, қирол олдига қўйди.

— Қишлоқиларнинг бу таомини жудаям мақтаб юбордингиз, ростини айтсам, уялиб кетдим,— деди пани соддагина овоз билан (аммо кўзларида бошқача маънони ўқиди қирол).— Буни тайёрлаш жуда осон, фақат гоз ёш ва унчалик семирмаган бўлиши керак... Зулуклар гознинг қонини сўриб бўлгандан сўнг, гоз билан бирга печь духовкасига қўйилса, ҳаммаси гоз тўшидан узилиб тушади, товага солинса, тайёр...

— Шўрлик гоз,— деди қирол ва икки бармоғи билан зулукни олиб оғзига солди-да, қисирлатиб чайнай бошлади.— Лаззатланиш соҳасида дилраболар нималарни ўйлаб топишмайди.

---

[1] Москваликларни демоқчи. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пани Анна қиқирлаб кулар, чаккасига қўндирилган қалпоқчанинг чўққи тепаси пати билан бирга силкиниб ликилларди. Қирол иш ўнгидан келаётганини сезди. Пани билан холироқ гаплашиб олиш учун тезроқ рақс бошланишини сабрсизлик билан кута бошлади. Шу пайт эшик олдидаги маст шляхтичларни итариб-туртиб, чангдан қорайиб кетган, терга ботган, йиртиқ чакмонли бир одам ранги ўчган ҳолда уйга ҳовлиқиб кириб келди.

— Пан, пан, иш чатоқ!— деб бақирди у пан ўтирган курси олдида тиз чўкиб.— Сен мени бир бочка эски асал топиб келиш учун монастирга жўнатдинг... Асални топдим. Бироқ қайтишда шайтон оздирдими,— билмадим, нима бало бўлиб,— катта йўлга чиқиб қолибман... Ҳаммасидан айрилдим: бочкадаги асалдан ҳам, отдан ҳам, қилич билан телпагимдан ҳам... Аранг қочиб, жон сақлаб қолдим... Мени дабдала қилишди! Сон-саноқсиз қўшин Сокалга яқин келиб қолди!

Қирол Августнинг қовоғи осилди. Пани Анна унинг қўлидан маҳкам ушлаб олди, тирноқлари ботиб кетди. Шундай пайтда қайси бегона қўшин Сокалга яқинлашади,— фақат ўжарлик билан Августнинг пайига тушган қирол Карл бўлиши мумкин... Шляхтичлар ваҳшиёна овоз билан бақира бошлади: «Бу шведлар! Жангга отланинглар!» Бироқ пан Собешанский жаҳл билан столни муштлади, қадаҳлар учиб тушди:

— Жим бўлинг, панлар! Жаноб олийлари! Кимнинг кайфи тезроқ тарқаб мияси жойига келмаса — ана шу гиламга ётқизиб эллик дарра уришга буюраман... Гапимга қулоқ сол, итваччалар... Қирол меннинг меҳмоним, сочларим оқарганда бошимга абадий лаънат ёғилишига асло йўл қўймайман... Агар шведлар бутун қўшини билан ёпирилиб келса ҳам,— меҳмонимни уларга бермаймиз...

— Бермаймиз!— ёппасига такрорлади шляхта, қиличларини қинлардан суғуриб:

— Отларни эгарланг... Тўппончаларни ўқланг... Ўлсак — ўламиз, аммо Польша шаънига асло доғ туширмаймиз...

— Доғ туширмаймиз... Виват!

Қирол Август шундай шароитда бирдан-бир оқилона иш — дарҳол отга минишу қоронғи тундан фойдаланиб қочиб қолиш, шундан бошқа илож йўқлигини

www.ziyouz.com kutubxonasi

аниқ тушунди... Лекин унга, зот бобаракот Августга қочиш, шундай шодиёна зиёфатни ва қўлидан маҳкам ушлаб юборгиси келмаган бу нозанинни ташлаб, энг разил қўрқоқ каби қочиш уят эмасми? Бундай разиллик қилишга Карл уни ҳеч қачон мажбур этолмайди... Унақа оқилона мулоҳазаларни йиғиштириш керак, етар!

— Буюраман, муҳтарам жаноблар, стол ёнига қайтинглар, базм-зиёфат давом эттирилсин,— деди Август, қизарган бетларига тушган парик шокилаларини силтаб ташлаб курсига ўтирди. Борди-ю, шаҳарга шведлар кириб келган тақдирда ҳам уни бир амаллаб яширишар ёки бирор жойга жўнатишар,— ахир қиролларга ҳеч қандай заҳмат етказилмайди-ку... Ўзига вино қуйиб, қадаҳни кўтарди,— каттакон ва чиройли қўли ҳали бақувват... Пани Анна завқ-шавқ билан унга қиё боқди: бундай нигоҳ учун бутун қиролликни берса арзийди...

— Шундай! Қирол бизларга базм-зиёфатни давом эттиришни буюрди!— Пан Собешанский қарс уриб, боя колбаса солинган лаганни икки бўлак қилган шляхтич билан унинг шеригини чақирди-да, икковини катта йўлда пойлоқчилик қилишга жўнатди; сўнгра ҳаммага — столнинг пойга томонида ўтирганларга ҳам — энг яхши венгер виносидан қуйишни, то сўнгги бочка қоқлангунча ичишни, ертўла ва ҳужраларда нимаики бўлса, ҳаммасини обчиқиб дастурхонга қўйишни буюрди, созандаларни чақириб келишга одам юборди...

Базм-зиёфатга янада жон кирди. Анна Собешанская қирол билан рақс тушиб кетди. Пани шу қадар шўх ўйнар эдики, ҳар қандай авлиёни, ҳаттоки саҳоба Пётрни ҳам мафтун айлаб, жаннат эшигини очтириб олмоқчи бўлаётгандек кўринарди. Қалпоқчаси бир ёққа қийшайган, жингалак сочлари мазурка оҳанги билан баравар талпинар, калта юбкаси чиройли оёқлари атрофида эркаланиб пилдироқдай чарх урар эди, қизил пошнали бошмоқлари эса дам шўх-шўх депсиниб, дам йўрғалаб кетар, гўё пол узра учиб юргандай бўларди... У билан рақс тушаётган зот бобаракот қирол ҳам бенуқсон эди; гавда ҳам жойида, савлат ҳам, бироқ ранги оқариб кетганди, бу — винодан, айниқса, юраги орзиқиб талпинишидан...

— Мен ўзимни йўқотиб қўйдим, пани Анна, ақлдан озаёздим, барча авлиёлар ҳақи ҳурмати, менга шафқат айланг,— дерди у пичирлаб, бироқ пани,— шафқат йўқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

жаннат эшиги очиқ, деган маънода муғамбирона кулиб-кулиб қўярди...

... Дераза ортидан, қоронғилиқ орасидан — ваҳимага тушган хизматкорлар товуши, отлар пишқиргани эшитилди... Музика тақка тўхтади... Меҳмонлардан бирон-таси қиличини қиндан суғуришга ёки тўппонча тепкисини очишга улгуролмади... Фақат, қирол, кўз ўнги туманлашиб тамомий нарса гир айланаётган бўлса ҳамки, ўзини йўқотмай пани Аннанинг белидан маҳкам ушлади-да, қилич суғуриб мудофаага тайёрланди...

Зиёфат залига икки киши кириб келди: бири — гавдаси баҳайбат, бир кўзи сўқир, бурни катта, мўйлови осилган, зар попукли баррателпак кийган, иккинчиси — бўйи ундан пастроқ, истараси иссиққина, чанг босган мундири устидан — кифтидан ошириб — генераллик лентаси таққан, афт-башарасидан баринга ўхшаш одам эди.

— Қирол ҳазрат олийлари шу ердамилар?— сўради ва қилич ўқталиб турган Августни кўриб, дарҳол шляпасини бошидан олди-да, таъзим қилди:— Зот бобаракот қирол, рапортимни қабул қилгайсиз: подшоҳим Пётр Алексеевичнинг амрига биноан мен, ўн бир пиёда полк ва беш полк сувори казаклар билан сизнинг ихтиёрингизга келдим.

Бу одам Киев губернатори ҳамда ёрдамчи қўшиннинг қўмондони, Шлисселбург қаҳрамони Михайло Михайловичнинг иниси — Дмитрий Михайлович Голицин эди. Иккинчиси — қирмизи кафтан устидан этаги тўпиққача тушган чопонли новча киши эса — казаклар атамани, машҳур Данила Апостол эди. Бу казакнинг важоҳатини кўриб, шляхтчиларнинг қошлари хунук чимирилди. У қўлини биқинига тираб, чўқморини ўйнаб эшик олдида турарди: қошлари — қалам, чиройли лабларида — табассум, ёлғиз соғ кўзида — қўзғолончи казаклар ўт қўйган помешчиклар уйининг алангаси ёлқинланиб турар эди.

Август кулиб юборди, қиличини қинига солди, Голицинни қучоқлаб олди, атаманга эса — ўпиш учун — қўлини тутди.

Учинчи марта дастурхон ёзилиб, яна безатилди. Камида ярим шиша венгер виноси кетадиган қадаҳлар яна қўлма-қўл даврада айлана бошлади, ваъдасига вафо қилган подшо Пётрнинг соғлиғи учун қадаҳ кўтардилар, Украинадан ёрдамга келган барча полклар шарафига

www.ziyouz.com kutubxonasi

ичдилар, шведлар бошига қирон келсин, деб ичдилар. Қизиққон шляхтичлар атаман Данила Апостолни маст қилмоқчи бўлишиб устма-уст ичиришди, аммо у бамайлихотир қадаҳ кетидан қадаҳ бўшатар, фақат қошини чимирарди, холос,— маст бўладиган сиёқи йўқ эди.

Тонготар маҳалда, бирталай шляхтичларни судрасудра қилиб ҳовлига опчиқиб, қудуқ ёнига ётқизиб қўйилгандан сўнг, қирол Август пани Аннага мурожаат этди:

— Афсуски, оёқларингиз остига ташлаш учун менда на зар бор ва на зумрад. Мен — тахтидан қувилган ва садақа билан кун кўрувчи бир кимса эдим. Аммо бугун яна бақувват ва бадавлатман... Пани Анна, истайманким,— илтимос қиламан,— каретамга тушсангиз ва қўшиним кетидан изма-из борсангиз... Ҳозир отланиш, қўшин тортиш керак, бир соат хаяллаш ҳам мумкин эмас! Мен бу болани — қирол Карлни шундай боплайманки, томоша қиласиз, маликаи замон Анна, мен сизга тилла лаганда Варшавамни тақдим этмоқ орзусидаман...— деди ва улуғворона қўл силтаб ўрнидан турди-да, кўзини лўқ қилиб стол атрофида ўзини эплаб ўтирган ҳушёрроқ шляхтичларга мурожаат қилди: — Жаноблар, таклиф этаман ва буюраман, дарҳол отланинг, ҳаммангизни ўзимга шахсий мулозимликка қабул қиламан.

Князь Дмитрий Михайлович Голицин унга ниҳоятда одамийлик ва мулойимлик билан, қўшинга икки-уч кун дам бериш, отларни боқиш ва обозни тартибга солиш кераклигини исботлаб тушунтирса ҳамки, Август сира унамади. Қуёш энди кўриниб, ердан шабнам кўтарилар-кўтарилмас, князь Голицин билан атаман Апостол ҳамроҳлигида Сокалга етиб келди. Шаҳар кўчалари от, арава, тўпларга тўлган, йўлда чарчаган рус солдатлари барра ўтлар устида ухлаб ётарди. Ҳамма ерда гулханлар тутарди. Қирол карета ойнасидан қараб, маза қилиб ухлаётган пиёда аскарларни, аравалар устида чўзилиб ётган казакларни томоша қилар эди.

— Азамат солдатлар, аломат солдатлар!— такрорларди қирол.— Ҳар бири бир паҳлавон!

Қаср эшиги олдида уни капалаги учган ротмистр кутиб олиб, қулоғига пичирлади:

— Графиня келди, ётмасдан кутиб ўтирибди, жудаям ғазабланган...

— Хаҳ, арзимаган гап экан-ку!— деб қирол хурсанд

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳолда ичкарига, шифти гумбазсимон зах уйга кирди: бу — ётоқхона эди, зангдан кўкариб кетган бояги шамдонларда шамлар тугашга яқинлашиб, мўми сариқ сумалак сингари қотиб қолганди. Графиня қиролни турган жойидан қимирламай юзига қаттиқ тикилиб, индамасдан кутиб олди. Фақат биринчи саволни пойлаб, унга қандай жавоб беришга ҳозирланиб турди.

— Софи, бормисиз? Хайрият-ей!— деди қирол кутилмаган шошмашошарлик билан.— Хўш, қалай? Қирол Карлни кўрдингизми?

— Ҳа, қирол Карлни кўрдим, ташаккур...— Графинянинг юзи салқиган ва бир оз хунуклашгандек кўринар, худди ун сепилганга ўхшарди.— Қирол Карлнинг бирдан-бир орзуси — сизни осиш, биринчи учраган дарахтга, ҳазрат олийлари... Агар сизга, қирол билан қилган суҳбатларимнинг тафсилоти керак бўлса — гапириб бераман... Лекин олдин сизга мен савол бермоқчиман: айтинг-чи, ахлоқ нуқтаи назаридан қараганда бу ердаги юриш-туришингизга ўзингиз қандай баҳо берасиз? Сиз, мени идиш-товоқ ювувчи оқсочга ўхшатиб, жирканч ишингизни тозалаб келишга жўнатдингиз... Мен ҳақоратларга чидаб, йўлда таланиш, зўрланиш, бўғизланиш каби минг турли хавф-хатар ичида жонимни ҳовучлаб бориб келсаму... шу орада сиз пани Собешанскаянинг қучоғида бемалол ишрат қилсангиз!.. Сизнинг ўрнингизда бўлсам — мен бу пакана жувонни оқсочликка олишга номус қилардим...

— Арзимас нарса, Софи!

Бу хитоб қирол Август томонидан йўл қўйилган эҳтиётсизлик эди. Графиня унга яқинроқ келди-да, чаққонлик билан, худди мушук чанг солгандек, бетига тарсаки тортиб юборди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎРТИНЧИ БОБ

1

Тепа устига қурилган қоровул минораси ёнида Пётр Алексеевич отдан сакраб тушди-да, иккита тахта зинапоядан юқорига — айвончага чиқди. Унинг кетидан — Чемберс, Меньшиков, Аникита Иванович Репнин ва энг кейин — Пётр Матвеевич Апраксин ҳам чиқди,— семизлиги халақит берар, бундан ташқари, бошини буриб у ёқ-бу ёққа қаранаверарди: ахир ердан ўн саржин баланд жойга чиқиш ҳазил гап эмас... Баланд мачталарга чиқиб ўрганган Пётр Алексеевич лоақал ҳарсиллагани ҳам йўқ, чўнтагидан дарҳол дурбин олди-ю оёқларини керіб, узоққа тикилди.

Нарва шаҳри,— худди каттакон яшил лаганда тургандек,— кафтдек кўринар: пастак башнялар ва уларнинг дарвозалари билан кўтарма кўприклари, қалъа деворн бурилган жойларида — тарашланган харсангдан қурилмиш бастионларнинг тумшуқлари, баҳайбат кўҳна қаср билан унинг ёнгинасидаги порох сақланадиган юмалоқ башня, шаҳарнинг эгри-бугри кўчалари, ибодатхоналарнинг осмонга қад кўтарган, худди бигиздек ўткир чўққилари — ҳаммаси бемалол кўриниб турар эди. Дарёнинг нариги соҳилида эса, усти қўрғошин билан қопланган саккизта башня ҳамда тўп ўқлари илма-тешик қилиб юборган баланд деворлар қад кўтарган, бу — Иван Грозний барпо қилган Иван-город қалъаси эди.

Меньшиков ҳам дурбиндан қараб туриб:

— Шаҳарни албатта оламиз,— деди.

— Ҳалитдан ҳовлиқмагин,— жеркиб ташлади Пётр Алексеевич уни.

Шаҳардан пастроқда, Россонь номли сой бўйига Пётр Михайлович Апраксин қурган тупроқ қалъа ёнида, дарё бўйлаб қўшин ва обозлар ғивирлашар, бироқ кўтарилган чанг орасидан уларни аниқ кўриб бўлмасди. Сувори ва пиёда полклар сол-кўприкдан ўтиб, чап қир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғоққа, шаҳардан беш чақиримча пастроққа жойлашмоқда эди. Ўша ерда ҳалитданоқ чодирлар тикилиб, гулханлар ёқилган: чодирлар оқариб кўринар, тутун имиллаб кўтарилар, эгари олинган яйдоқ отлар пичанзорда ўтлаб юрарди... Болталар тақ-туқи эшитилар,— асрий қарағайлар, учи билан бир силкинарди-да, қарсиллаб қуларди.

— Ҳозирча атрофимизни фақат аравалар ва ғорлар билан ўрадик, агар буюрсанг, эҳтиёт шарт, янада мустаҳкамлаш учун хандақлар қазиб, қозиқ-деворлар ўрнатсак қалай бўларкин?— сўради Аникита Иванович Репнин. Князь жуда эҳтиёткор, зеҳни ўткир, кўпни кўрган, ҳарбий ишда тажрибали, мардлигини пеш қилмайдиган, лекин улуғ мақсад учун агар керак бўлса — жон беришдан қайтмайдиган одам эди. Фақат ҳусн-жамолда, зот масаласида мундайроқ эди,— аммо ўз зотини, қадимий асилзодалар авлодидан, ҳатто подшо Пётрнинг аждодидан ҳам қадимийроқ ҳисобланарди,— афти хунук, жуда хунук, шапкўрроқ, лекин митти кўзлари, чимирилган қош-қовоқлари остидан одамга оқилона назар билан тикиларди.

— Хандақлар ва қозиқ-деворлар билан иш битмайди. Биз бу ерга деворлар орқасида ўтириш учун келганимиз йўқ,— жеркиб ташлади Пётр Алексеевич, дурбинни ғарб томонга буриб.

Ақлни пешлаб, дадилроқ бўлиб олиш учун эрталабданоқ бир стакан ароқ ичиб олишга одатланган Чемберс хириллаб:

— Солдатларга ечинмасдан, милтиғи билан ухлашга рухсат этилса ҳам бўлади,— деди.— Ҳозирча ҳеч гап йўқ! Генерал Шлиппенбахнинг Везенбургда турғани аниқ бўлса — унинг қўшини бу ерга бир ҳафтадан кейин етиб келади, кутиб тура туриш керак...

— Бу ерда бир карра шведлар қўшинини кутиб, орзим куйган... Раҳмат, ўшанда мулла бўлганмиз!— деди ғалати овоз билан Пётр Алексеевич. Меньшиков қиқирлаб хунук кулиб қўйди.

Ғарб тарафда, Пётр Алексеевич дурбиндан кўз олмай орзиқиб тикилиб турган томонда — жимжит денгиз ёстаниб ётарди, қуёш нурига ғарқ бўлган кўкимтир-кул ранг сатҳи эса, тиқ этган шамол йўқлиги учун жимирламасди. Ўша ёққа, денгиз чети узоқдан чизиққа ўхшаб кўринган жойга астойдил тикилиб қаралса, елканлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

туширилган аллақанча кема мачталарини кўриш мумкин эди. Бу — ўша кумуш қўллик адмирал де Прунинг флоти эди, шамол йўқлигидан қимирламай турарди.

Апраксин лопиллаб турган айвончанинг панжарасига тармашиб сўзлай бошлади:

— Жаноби бомбардир, шу қадар кучдан қандай қўрқмай бўлади,— камида элликта кема, адмирали ҳам довюрак... Аввалambор — мени худо асради,— бу лаънатига денгиздан шамол юбормади, йўқса...

— Қанча озиқ-овқат нест-нобуд бўлади энди, аттанг!— Меньшиков бармоғи билан уфқдаги мачталарни санай бошлади.— Кема трюмлари тўла — дудланган илон балиқ, камбала, селёдка, ажойиб ветчина бўлса керак... Унақа ветчина қайда! Еб кўрмабсиз, оламга келмабсиз. Ветчина ейишни Ревельга чиқарган! Аттанг, бундай иссиқда ҳаммаси сасийди, бир қўли йўқ шайтон барини денгизга ташлайди... Апраксин, ҳой Апраксин, шунча кундан бери денгиз бўйида ўтираверибсан-да — тагинг қуруқ, жилгинг келмай... Нима учун сенда бирорта қайиқ йўқ? Бундай пайтдан фойдаланиб, бир рота гренадерни қайиқларга ўтқизиб ҳужум қилганингда — де Пру қочгани жой тополмасди...

— Чағалай қумга қўняпти!— қичқириб юборди Пётр Алексеевич.—Ана, қўняпти!—Унинг қувноқ кўзлари юмюмалоқ эди.— Ўн ефимкидан гаров ўйнайман, ҳадемай довул бошланади... Борми талабгор? Балли-е, сиздақа денгизчиларга! Аттанглайверма, Данилич, балки адмирал де Прунинг ветчинаси бизга насб қилса татиб кўрармиз.

Пётр дурбинни қўйнига тиқиб, зинадан зинғиллаб туша бошлади. Подшога ерга сакрашда ёрдамлашмоқ учун минора тагига югуриб келган полковник Ренга: «Бир эскадрон суворини олға жўнат, ўзинг иккинчи эскадрон билан қетимдан етиб ол»,— деб буюрди-да, ирғиб отга минди-ю, Нарва томон буриб ҳайдади. Остида шаталоқ отиб йўртиб кетаётган бўйдор, қулоқлари катта тўриқ ахтани фельдмаршал Шереметьев Эрестфер ёнидаги жангда ўлжа қилган ва гўё бу отни генерал Шлиппенбахни ағдариб остидан тортиб олгандек мақтаб, подшога тақдим этганди. Пётр Алексеевич отда юришни жуда яхши кўрар, от елганда ирғиб-ирғиб тушарди. Александр Данилович ҳам шведлардан ўлжа олган сутдай оппоқ арғумоқни учириб борарди,— жонивор ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўйноқи кўзларини чақнатиб гўё эгаси билан басма-бас ўйнаётгандек, бирдан калта йўртишга ўтиб бўйнини қайирарди-да, кўкаламзор узра якка кифтлаб чопар, гоҳ шартта думи билан ўтиринқираб, кетингги оёқларида гоз турар, қоп-қора бир жуфт туёғи билан ҳавони тепкилагандек буралиб оларди-да, яна олға ташланиб, шаталоқ отиб кетар эди,— Александр Даниловичнинг чап кифтидаги қирмизи мовутдан калта плаши яна елкаси ортида байроқ сингари ҳилпираб ўйнар, шляпасидаги патлар, шойи шарфининг учлари ҳавода пирпираб учарди. Ҳаво иссиқ бўлса ҳам кун ниҳоятда яхши эди, дарахтзор орасида, эгалари ташлаб кетган боғларда қушлар сайрар, турли паррандалар қичқирарди.

Ёшлигидан бери татарчасига от миниб ўрганган Аникита Иванович Репнин,— калтабақай югурик отда, баланд эгарга бемалол ёни билан ўтириб олиб, лўкиллаганига парво қилмасди... Апраксин эса, бесўнақай парикда — рус кишисига бу нарса на қулай ва на ярашар, фақат халақит берарди, — терлаб-пишиб кетган эди. Йироқда, чангалзор орасида бир эскадрон сувори кенг ёйилган ҳолда у ёқдан-бу ёққа от чоптирарди. Кейинроқда — саф-саф бўлиб келаётган иккинчи эскадрон кўринар, саф олдида полковник Рен от ўйнатиб борарди; бу чиройли ва майпараст полковник ҳам генерал Чемберс каби дунёда бахт, омад излаб, шон-шуҳратини ҳам, қиличини ҳам подшо Пётрга бағишлаган эди.

Пётр Алексеевич ёнма-ён кетаётган Чемберсга йўлда учраган хандақ ва чуқурларни, бурган билан бута босиб кетган баланд кўтармаларни, ердан қаққайиб чиқиб турган ярми чирик сон-саноқсиз қозиқларни кўрсатар эди.

— Менинг армиям шу ерда ҳалок бўлганди,— деди подшо оддийгина қилиб.— Қирол Карл худди шу ерда оламшумул шуҳрат қозонди, биз — тажриба орттирдик, кучга тўлдик. Бу ерда биз — шолғомни қайси томонидан ея бошлаш кераклигини ўргандик,— бу ерда биз тузалмас эскиликни, жаҳолатни абадий кўмиб ташладик, чунки унинг касофатидан ҳалокатга учрашимизга сал қолган эди...

Пётр юзини ўгириб, Чемберсдан яширди. Атрофга аланглаб қаради, нарироқда — томи ўпирилган, ташландиқ уйчага кўзи тушди. От жиловини тортди. Қулча юзи хунуклашди. Меньшиков унга яқинроқ бориб, хурсандлик билан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Худди ўша уйча. Эсингдами, мин херц?— деди.
— Эсимда...

Қовоғини солиб, қамчи босди-да, яна эгарда ирғишлай бошлади. Ҳалокат арафасидаги ўша уйқусиз тунни эсдан чиқариб бўлармиди... Ўшанда у ана шу уйчада, эриб тугаёзган шамга тикилиб ўтирганди: Алексашка намат устида индамай йиғлаб- ётганди. Ичини ўртаган алам билан умидсизликни, бадномлик ваҳми ва ожизлик ғазабини енгиш, эртага Карлдан калтак ейиши муқаррарлигини тан олиш ниҳоятда оғир эди... Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган даҳшатли қарорга келиш—шундай қийин соатда армияни ёлғиз қолдириб каретага чиқиш, жамики ишни бошқатдан бошлаш учун Новгородга жўнаб кетиш осон эмасди... Пул топиш учун, нон, овқат темир қидириш учун... Сўнгги кўйлак-иштонгача ажнабий савдогарларга пуллаб, қурол-яроғ сотиб олиш учун... Замбараклар, тўп ўқлари қуйиш учун... Ва энг муҳими — одам, одам, одам топиш! Одамларни асрий ботқоқдан тортиб олиш, кўзини очиш, биқинига туртқилаш учун... Уриш, сўкиш, эпақага келтириш, ўргатиш учун... Қору ёмғирда, лою балчиқда отдан тушмай мингларча чақирим йўл босиш учун... Бузиш ва қайтадан қуриш учун... Европанинг найрангбоз сиёсатида учрайдиган минг бир хавф-хатарга усталик билан чап бериш учун... Энди тинчидим деганда, ҳали бажарилмаган вазифалар кўплигини, тоғдай-тоғдай ишлар кутиб турганини кўриб ваҳимага тушиш учун...

Олдин жўнаган драгунлар отряди қарағайзор орасидаги димиққан соя жойдан кенг ўтлоққа от чоптириб чиқди-да, Нарва деворлари рўпарасидаги сув тўлдирилган хандақларнинг нариги томонига ўтиб олди. Қапалаги учган маҳаллий аҳоли қий-чув кўтариб, у ёқдан-бу ёққа чопиб; молларини нариган-бери шаҳарга ҳайдаб қоч-қочга тушди. Бирпасда ўтлоқда қимирлаган жон асари қолмади, кўприк занжирлари шарақлади, кўприк салобат билан кўтарилди, дарвоза тарақлаб ёпилди... Пётр Алексеевич отни секин юргизиб, тепа устига чиқди. Яна ҳаммаси баравар дурбинларини олиб қалъани: баланд ва мустаҳкам деворларни ва дарз кетган жойларидан ўсиб чиққан ўтларни кўздан кечира бошлади.

Дарвозалик башнянинг тепасида темир каска ва чарм совутли шведлар кўринарди. Биттаси — дастаси ерга тиралган сариқ байроқни ён томон чўзган қўлида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ушлаб турар эди. Иккинчиси — ниҳоятда новча киши, башнянинг четига келиб тирсагини харсанг кунгурасига тиради-да, у ҳам дурбинга тикила бошлади: олдин суворилларни кўздан кечирди, сўнгра дурбинни Пётр Алексеевичга тўғрилаб, қаттиқ тикилиб олди.

Апраксин шляпаси билан елпиниб, Аникита Иванович Репнинга секин-секин сўзлай бошлади:

— Ҳаммаси шунақа гавдали, бақувват, агар башняга чиқиб яқиндан қарасанг — капалагинг учади... Нарова бўйида бир ўзим, фақат тўққизта тўп билан қолиб, бутун флот устимга бостириб келганда, қандай аҳволга тушганимни ўзинг ҳам энди тушунгандирсан... Дурбин билан қараб турган анови новча — ўтакетган зарарли одам... Сизлар келган кундан салгина олдин мен у билан майдонда тўқнашдим, қўлга туширмоқчи бўлиб кўп уриндим... Бе, тушиб бўпти...

— Башнядаги ўша новча ким?— хириллаган товуш билан сўради Пётр Алексеевич.

— Подшоҳим, худди ўша новча — генерал Горн, Нарва коменданти...

Апраксин шу номни тилга олиши биланоқ,— Александр Данилович «чу», деди-ю, пичанзор бўйлаб от чоптирганича башня томонга кетди. «Аҳмоқ!»— кетидан бақирди Пётр Алексеевич, бироқ Алексашка, қулоғи тагида шамол ҳуштак чалганидан унинг овозини эшитмади. Дарвоза тагида арғумоқни таққа тўхтатди-да, шляпасини бошдан шартта олиб силкитаркан, овози борича бақириб-чақира бошлади:

— Ҳой, башнядагилар, ҳой жаноб комендант!.. Ўз иззатларинг билан, байроғу қурол, музикаларинг билан шаҳардан чиқиб кетинглар... Яхшиликча жўнаганларинг маъқул...

Генерал Горн дурбинни кўзидан олиб, оқ от устидаги ясанган-тусанган одамнинг нега ҳовликиб бақираётганига қулоқ солиб турди-турди-да, ёнига бурилиб, шведлардан бирига қаради,— таржима қил, деб мурожаат этди шекилли. Хўмрайган, қарилик таъсир этган сўлғин юзи, гўё беҳосдан нордон нарсадан сесканган-дек, бужмайиб кетди, у газаб билан башня четидан энгашиб, Меньшиков томонга туфлади...

— Сенга жавобим ана шу, аҳмоқ!— деб бақирди.— Ҳозир бошқача жавобни ҳам оласан.

Башнядаги шведлар масхараомуз хахолашиб роса

www.ziyouz.com kutubxonasi

кулишди. Ярқ этиб ўт чақнади, оппоқ тутун осмонга кўтарилди-да: Александр Даниловичнинг боши устидан вашиллаб тўп ўқи учиб ўтди.

— Ҳо-о-о-ой, шведлар!— деб бақирди тепа устида турган Аникита Иванович Репнин.— Отишни билмас экансизлар, тўпчиларингни бизга юборинглар, дарров ўргатиб қўямиз...

Тепадаги руслар ҳам баравар хахолаб кулишди. Александр Данилович эса, Пётр Алексеевичнинг қамчисидан барибир қутулмаслигини билгани учун, тезроқ кета қолмасдан, арғумоқни сакратиб, шляпасини силкитиб, шведларга тиш иржайтирарди, иккинчи ўқ ёнгинасида портлагач, от ҳуркиб бир сакради-да, олатасир чопганича башня ёнидан узоқлашди.

Қалъани айланиб деворларидаги тўпларни санаб, камида уч юзтача тўп борлигини аниқлаб қайтишаётганда, Пётр Алексеевич йўлдан бурилиб умр бўйи унутилмайдиган уйча ёнида отдан тушди ва ҳамроҳларига қимирламай кутиб туришни буюрди-да, Меньшиковни чақириб ичкарига — ўша хонага кирди: мана шу хонада у тўрт йил муқаддам рус давлатини ҳалокатдан қутқариш учун ўз номусини қурбон қилишга, шармандаликни бўйнига олишга мажбур бўлган эди. Ўша вақтда бу хонада яхши печь бор эди, ҳозир унинг ўрнида — бир тўда куйган гишт, полда пичан сочилиб ётарди, афтидан, кечаси бу уйга қўй ва эчки қамашса керак... Пётр дабдаласи чиққан дераза токчасига ўтирди. Алексашка унинг қаршисида гуноҳкорона, қимирламай турарди.

— Шуни билиб қўй, Данилич, ҳалигидақа аҳмоқона қилиғингни яна кўрсам — худо урсин, қамчи билан терингни шиламан,— деди Пётр Алексеевич.— Жим, гап қайтарма... Бугун сен ўз тақдирингни ўзинг ҳал қилдинг... Шаҳарни қуршовга олиш учун қўшинга кимни бошлиқ қилсам экан, деб ўйланиб юрувдим,— сенними ё фельдмаршал Огильвиними? Бундай муҳим ишга ажнабийдан кўра ўзимизнинг одам бош бўлишини истагандим... Бироқ ҳамма ишни ўзинг расво қилдинг, қадрдон дўстим: масхарабозга ўхшаб генерал Горннинг олдида отда рақс тушдинг! Уят! Ҳалиям Москва бозорини унутолмабсан-да! Дастурхон атрофида мен билан ҳазиллашгандай, доим ҳазил, доим майнавозлик! Бутун Европанинг кўзи сенда, тентак! Жим, гап қайтарма.— Пи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шиллаб, бурнини тортиб, трубкага тамаки жойлади.— Бу ёғини эшит, иккинчидан: бу деворларни яна кўрдимму, юрагим ғаш бўлиб ўйланиб қолдим, Данилич... Нарва ёнидан икки марта чекиниш асло мумкин эмас... Нарва — бутун урушнинг, ғалабанинг калити... Агар Карл буни тушунмаса,— мен яхши тушунаман... Эртага биз бутун қўшин билан шаҳарни қуршовга оламиз, шундай қилайликки, шаҳардан қуш ҳам учиб чиқолмасин... Қалъабузар замбаракларимиз икки ҳафтадан сўнг етиб келади... Хўш, унгача нима қилиш керак? Қалъа деворлари мустаҳкам, генерал Горн қайсар, Шлиппенбах орқамизда турипти... Бу ерда ивирсиб юрадиган бўлсак — Карл бутун армияси билан Польшадан етиб келади... Шаҳарни тезроқ олиш керак, лекин биздан кўп қон тўкилишини истамасдим... Нима дейсан, Данилич?

— Бу мумкин, албатта, бирор ҳийла ўйлаб топса бўлади... Масала бунда эмас... Модомики фельдмаршал Огильвини бошлиқ қилиб тайинлайдиган бўлсанг, ўша бош қотираверсин: нимани нима қилиш керак — китобига қараб ҳал қилаверсин... Мен нимаям дердим? Мужиклик қилиб, яна бирор аҳмоқона гап оғзимдан чиқиб кетиши мумкин...— Меньшиков у оёқдан-бу оёққа босиб типирчилар, ўнғайсизланарди; ниҳоят бошини кўтариб қаради: Пётр Алексеевичнинг юзи ҳаракатсиз, чеҳраси ғамгин эди, илгари бундай ҳолатда уни камдан-кам кўрганди... Бирдан Алексашканинг юраги пичоқ билан тилингандек ачишиб, унга раҳми келиб кетди:— Мин херц,— деб пичирлади, қошлари пирпираб кетди,— мин херц, сенга нима бўлди? Кечгача муҳлат бергин, чодирга кириб ўйлаб кўрай, бирор йўлини топарман... Битмайдиган иш йўқ, одамларимизни биласан-ку, ахир... Ҳозир етти юзинчи йил эмас... Ҳадеб ўзингни қийнайверма, бўлди-бўлди...

2

Кенг ва чиройли сурп чодирдаги стол устига ғамхўр Нартов, Питербургдаги уйда қандай бўлса, худди ўшандай қилиб готовальник, турли асбоб, қоғоз ва ҳарбий харитани тартиби билан ёйиб қўйган эди. Кўтариб қўйилган чодир пардасидан ичкарига қизиган ернинг тафти, худди печь оғзидан чиққандек, ёпирилиб кирар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

айниқса кўкатлар орасида чигирткалар шу қадар қаттиқ чириллардики, қулоққа пахта тиқиб олгинг келарди.

Пётр Алексеевич кўйлакчанг, тиззадан ошмайдиган голландча шимда ишлаб ўтирарди — кўкси очиқ, сарпойчанг оёғида туфли. Ора-сира ўрнидан туриб чодир бурчагига борар, Нартов бошига бир чўмич муздай булоқ сувини қуярди. Нарва походи бошлангандан бери қўли тегмай (ҳамиша вақт етишмас, қўли тегмасди) — кўпгина зарур ишлар тўпланиб унга қараб қолганди.

Яқинда хизматга олинган йигит — унчалик кўзга ташланмайдиган саркотиб Алексей Васильевич Макаров стол четига қўйилган бир тўп қоғоз ёнида турар ва ҳар бир қоғозни оларкан, чигиртканинг овозидан ўтадиган даражада, лабини қаттиқ чапиллатар эди. «Москвада, шунингдек, бошқа шаҳарлардаги ҳаммомларни Алексей Сидорович Синявин ихтиёрига топшириш хусусида фармон»,— деди-да, чап томони ёзилган бир варақ қоғозни подшонинг олдига қўйди. Пётр Алексеевич кўз югуртириб ўқиб чиқди ва патқаламни сиёҳдонга ботириб, йирик-йирик, қинғир-қийшиқ ва ноаниқ қилиб, баъзи ҳарфларни тушириб, қоғознинг ўнг томонига: «Мумкин бўлган жойларда, халойиқ соқолини олдириши учун ҳаммомлар қошида сартарошхона очилсин ҳамда оёқ қадоқларини тузатиш учун яхши усталар сақлансин»,— деб ёзди.

Макаров иккинчи қоғозни унинг олдига қўйди: «Мамлакатдаги жамики сув тегирмонларни ҳамда балиқ овлашни Пётр Васильевич Кикин ихтиёрига топшириш хусусида фармон...» Пётр Алексеевичнинг қўли учига хас илашган патқалам билан бирга — қоғоз устида муаллақ тўхтаб қолди:

— Фармонни ким тайёрлаган?

— Фармон Москвадан келди, сиз подшо аъло ҳазратларига князь-кесарь имзо чекиш учун юборибдилар...

— Москва текинхўрларга тўла, бекорчиликдан зерикиб дераза тагида ўтиради ҳаммаси нордонгина крижовник чайнаб, аммо ишлайдиган одам топилмайди... Ҳа, майли, Кикинни ҳам синаб кўрамиз, ўғрилик қилса,— қамчи билан савалаб аъзойи баданини дабдала қиламан, ҳар ҳолда ундан кўнглим тўқ эмас, шуни князь-кесарга ёзиб юборгин...

— Питербургдан чопар келди, подполковник Алек-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сей Бровкиндан маълумот келтирди,— давом этди Макаров,— Москвадан Тихон Иванович Стрешнев олти туп пион юборибди. Питербург томонидаги сизнинг богингизга экиш учун, бироқ боғбон Левонов экишга улгурмай ўлиб қолди...

— Нимага ўлади?— сўради Пётр.— Бўлмағур гап!

— Невада чўмилаётиб чўкиб кетибди...

— Ҳа, маст бўлса керак... Яхши одамларнинг умри қисқа бўлар экан... жудаям омилкор боғбон эди-да, аттанг... Ёз...

Пётр Алексеевич чодир бурчагига ўтиб бошидан сув қуйдирди ва пишқира-пишқира Макаровга айтиб турди, у эса стол четига қоғозни қўйиб тик турган ҳолда ёза бошлади.

— «Стрешневга... Юборган пионларинг бекам-кўст етиб келди, фақат оз юборибсан, шунга ачинамиз. Вақт ўтмасдан Измайловадаги ҳар хил гуллардан, айниқса хушбўйларидан: балзамгул, қалампиргул ва ялпизгуллардан кўпроқ юбор... Биронта яхши боғбон топиб юборгин, оиласи билан келса қайтага яхши — зерикмайди... Измайловада Катерина Василевская билан Анисья Толстая ва бошқаларнинг ҳол-аҳволи қалай,— худо хайр берсин, шуни ёзиб юбор... Бу тўғрида тез-тез ёзиб туриш эсингдан чиқмасин... Шунингдек, ул ерда драгун полкларига солдат олиш қандай ўтаётганини менга маълум қилғайсен,— айниқса бир полкка энг яхши одамлардан танлаб олиниши ва мумкин қадар тезроқ бу ерга юборилиши керак...»

Пётр Алексеевич стол ёнига қайтди, Макаров ёзган мактубни ўқиб чиқди-да, мийиғида кулиб қўл қўйди.

— Яна нима? Менга бир четдан ҳаммасини суқаверма, энг муҳимларини бер...

— Григорий Долгоруковдан мактуб: қўшинимиз Сокалга омон-эсон етиб борганлиги ҳақида...

— Ўқи!— Пётр Алексеевич кўзини юмди, бўйни чўзилди, тимдаланган катта ва бақувват қўллари стол устига чўзилди. Долгоруков ўз хатида қуйидагиларни маълум қилганди: рус қўшини Сокалга келгандан сўнг қирол Август яна ҳаддан зиёда ғайратга миниб, қирол Карл билан марди майдонда учрашгиси ва ажрим қилувчи асосий жангда унга қақшатқич зарба бергиси, Клиссовдаги шармандаликнинг алами учун ўч олгиси келиб қолган. Айниқса маъшуқалари ҳозир бир эмас —

www.ziyouz.com kutubxonasi

иккита, Голицинни бундай аҳмоқона ҳаракатга унатмоқ учун қистаб қўймаган. Аммо Дмитрий Михайлович Голицин роса қийналиб Августга тушинтиргандан сўнг, Карл билан дарҳол тўқнашиш ниятидан аранг қайтарган (чунки Карл, оч бўридай пайт пойлаб, фақат шу тўқнашишни кутиб турипти). Уни тезроқ Варшавага, Карл озгина аскар қолдириб чиқиб кетган пойтахтга жўнашга бир амаллаб кўндирган. Хуллас, оқибати нима бўлади,— ёлғиз худога аён.

Пётр Алексеевич узундан-узоқ мактубни чидам билан тинглар экан, энсиз мўйлови устки лаби билан бирга дам-бадам кўтарилар, ўшанда тишлари кўриниб қоларди. Бирдан бўйнини силтаб тўнғиллади: «Иттифоқдош эмиш!» Сўнгра бир варақ тоза қоғозни олдига яқин қўйди, энсасини қашлаб олди-да, фикрлар кетидан патқалам билан югуриб, Долгорукийга жавоб ёзишга тушди.

«...Сиз жанобга яна шуни ҳам эслатаменки, қирол Августни бундай қалтис, охири ҳалокатли ниятдан қайтариш учун чарчамай ҳаракат қилишингиз керак. У омади келишига ишониб, таваккал қилиб асосий жангга шошилади, лекин омад келадими, йўқми — буни фақат яратган билади... Аммо биз, одаммиз, шунинг учун узоқни қўйиб, яқин-атрофимизда — ер юзида бор нарсага қараб иш қилмоғимиз лозим... Қисқа қилиб айтганда, асосий жангга интилиш Август учун ниҳоятда хавфли, чунки, бир соатда тамомий нарсадан айрилиши мумкин... Асосий жангда, худо кўрсатмасин, агар енгилса — бу ўзи учун ҳам, биз учун ҳам ёмон,— қирол Август фақат душмандангина азият чекиб қутулмайди, балки ўз поляклари — ватанпарварлик ҳиссидан маҳрум бўлган ўз панлари ҳам уни тинч қўймайди: тож-тахтдан маҳрум этиб, шарманда қилиб ҳайдашади, бу аниқ... Шундай бўлгач, нима учун ўзини балога гирифтор қилиши керак? Маъшуқалар хусусида нимаям дейиш мумкин: ҳақиқатан, бу дардга ҳеч қандай даво йўқ... Қандай бўлмасин, сен бу хонимчаларнинг кўнглини овлаб иш битиришга ҳаракат қилгин...»

Чодир ичини шу қадар тамаки тутуни босиб кетдики, нафас олишга ҳаво етишмай қолди. Пётр Алексеевич сиёҳ сачратиб — «Птр»— уч ҳарф билан қўл қўйдида, чодирдан жазирама иссиққа чиқди. Бу ерда, ана шу тепадан Нарва томонга қаралса, қалъа рўпарасида жан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

говар позицияга ўрнашиб олиш учун лагердан жўнаган обозлар ва аскарлар кетидан кўтарилган чанг булути кўринарди. Пётр Алексеевич кафти билан оппоқ кўксини силади: юраги қаттиқ ураётганини сезди... Кўзини бошқа ёққа олиб, шишадек тиниқ бепоён денгизга — адмирал де Пруинг олисда мудраётган ва бу ердан ноаниқ кўринган кемаларига қаради; бу кемалардаги мол, озиқ-овқат бутун рус армиясига бемалол етарди-да... Ер ҳам, осмон ҳам, денгиз ҳам — ниманидир кутгандек интизор, гўё вақт тўхтаб қолгандек... Бирданига галагала қора парранда тепалик устидан тартибсиз учиб ўтди-да, ўрмон тарафга кетди. Пётр Алексеевич бошини чалқалатиб қаради,— бошланди! Ғарби-жанубий уфқдан шаффоф булут пардаси пайдо бўлиб, чўғдай қизиган осмон узра тез кўтарилмоқда эди.

— Макаров!— саркотибни чақирди.— Ўн ефимкага гаров ўйнайсанми?

Уйқусизликдан ва қаттиқ чарчаганлигидан ранги оқариб кетган қирра бурун, оғзи бежирим Макаров чодирдан югуриб чиқди-да, чўнтагидан ҳамёнини олиб, жиддий равишда деди:

— Хизматингга тайёрман, валинеъмат подшоҳим...

Пётр Алексеевич, энсаси қотиб, қўл силтади унга:

— Нартовга айт, матросча курткам билан зюйдвесткамни[1] ҳамда узун қўнжли этигимни обкелсин... Чодир қозиқларини ҳам маҳкамлашсин, йўқса бўрон учириб кетади... Ҳозир довул туради, ажойиб довул...

Денгиз уни мафтун қилиб доим ўз бағрига тортар эди. Падшо чарм шапкада ва кенг курткада,— ярим эскадрон драгунлар билан денгиз бўйига қараб елдай учиб борарди. (Апраксинга чопар юборилиб, икки тўп ва гренадерлар галаб этганди.) Офтоб, худди жон талвасасига тушган чаёндек ачиштириб чақарди. Йўлларда чанг булути гирдоб каби чарх уриб осмонга кўтариларди. Денгиз сатҳини ўқтин-ўқтин шамол ялаб ўтарди. Қорайган уфқдан қора булут ўрмалаб чиқмоқда. Ниҳоят денгиз ҳам уфура бошлади, йўсин ҳиди ва балиқ тангаларининг иси димоққа урилди. Шамол ҳам тобора кучайиб, Нептун лаблари ила ҳуштак чалиб ўкира бошлади...

Пётр Алексеевич зюйдвесткасини шамолдан эҳти-

[1] Ёмғирда кийиладиган сербар, матросча шляпа. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёпилаб ушлаб борар ва шодиёна иржаярди. Қумлоқ соҳилига етгач, отдан сакраб тушди;— шу пайт қуёш тўзғиган булутлар орасидан сўнгги марта ялт этиб кўринди-да, буралиб-эшилиб келаётган тўлқинларни хира нури билан ялаб ўтди-ю, ғойиб бўлди. Бирданига ҳамма ёқ қоронғилашди. Тўлқин кетма-кет ёпирилиб, чўққилари тобора баланд кўтарилиб, осмонга сапчир, зарраларга айланиб юзга урарди. Баҳайбат қора булут, гўё биров ўт қўйгандек, бу бошдан то у бошгача чақнаб ёришар ва кетма-кет қалдирар эди. Бирданига илон изи чақмоқ чақиб, кўзларни қамаштириб, жуда яқинга — сувга тушди. Кетидан шу қадар қарсиллаб кетдики, соҳилдаги одамлар ўтириб олди,— гўё осмон қулагандек бўлди...

Шу пайт Пётр Алексеевичнинг ёнида Меньшиков пайдо бўлди, у ҳам зюйдвестка, куртка кийган.

— Ана довул! Мана бу — ҳақиқий томоша!— деди унга Пётр Алексеевич бақириб.

— Мин херц, бирам сезгирсанки, олдиндан билаасан-а...

— Сен буни эндигина тушундингми?

— Ўлжа мўл бўлади чоғи, а?

— Шошма ҳали, сабр қил, кутиш керак...

Узоқ кутишга тўғри келмади. Жуда яқин келиб қолган адмирал де Прунинг ҳарбий ва савдо кемалари чақмоқ шуъласида бемалол кўринарди: бўрон уларни қирғоқ яқинига — қумлоқ жойга ҳайдамоқда эди. Кемалар гўё рақс тушаётганга ўхшарди,— қаққайган ялангоч мачталар у ёқдан-бу ёққа бориб келар, парча-парча елканлар шамолда ҳилпираб учарди, кемаларнинг Нептун ва денгиз париси ўрнатилган нақшинкор дум томонлари эса, кўтарилиб-кўтарилиб тушарди. Тартибсиз ҳолда тарқалиб кетган бу кемаларни ҳадемай бўрон қирғоққа тақаб қўйса ҳам ажаб эмасди.

— Қойилман, қойил, азамат!— қичқириб юборди Пётр Алексеевич.— Уни қара, чаққонлигини томоша қил! Мана бу ҳақиқий адмирал! Тўртинчи қаватдаги елканни ўрнатяпти-я! Олдинги учбурчак елканни, пастки мачтани — ҳаммасини ўрнатиб олди-я! Оббо шайтон-ей! Ўрганиб ол, Данилич!

— Эҳ, ҳозир қочиб қолади, қочиб қутулди бу лаънати!— ҳадеб ғингшир эди Меньшиков.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шамол бир оз ўзгардими ёинки денгиз билан курашда адмирал баланд келдими,— асосий елканларни ишга солиб, усталик билан бўронга чап бериб, кемалар секин-аста уфқ тарафга узоқлаша бошлади. Фақат учта юки оғир баржа кетолмай, қумлоқ жойга яқинлашиб келаверди. Ниҳоят, мачталарининг кўндаланг ёғочлари қисирлаб, елканлари йиртилиб, парча-парча бўлиб, қирғоқдан уч юз қадамча нарида учови ҳам қумлаб қолди. Баҳайбат тўлқинлар кетма-кет ёпирилиб, баржалар устидан ошиб мачталарни синдирарди, палубадаги қайиқ ва бочкаларни думалатиб оқизиб кетарди.

Меньшиков тўпчиларга қараб бақирди:

— Қани, ўт оч, лекин ўқ баржага етмасин, қўрқитиш учунгина!

Тўплар гумбирлади, ўқлар бир баржанинг ёнгинасига тушиб, сувни осмонга сачратди. Унга жавобан, баржадагилар тўппончалардан ўқ узишди. Пётр Алексеевич отга минди-ю, тўғри денгизга солди. Унинг кетидан гренадерлар эргашиб, ҳайқириб югуришарди. Остидаги арғумоқ оёғини тираб туриб олгач, Меньшиков ҳам пиёда сув кечиб, тўлқинлар орасида лойқа сув пуфлаб, пишқира-пишқира олға интилар ва бақирар эди:

— Ҳой, баржадагилар! Сувга сакра! Таслим бўлавер!

Шведлар, афтидан, тўлқинлар орасидаги баҳайбат отлиқ одамни ҳамда кўксигача сувга ботиб, қўлларида тутаган гранаталар билан дўқ қилиб сўкиб келаётган мўйловдор гренадерларни кўриб, капалаклари учган бўлса керак... Баржалардаги матрослар ва солдатлар ўзларини сувга ташлай бошладилар. Тўппонча ва қиличларини узатиб: «Москов, Москов, дўстлар»,— дея соҳилга чиқаверди, у ерда уларни сувори драгунлар ўраб олаверди. Ўз навбатида Меньшиков гренадерлар билан бирга баржага ҳужум қилиб, нақшинкор дум томонидан чиқди-да, капитанни асир олди, лекин ўша заҳотиёқ унга мурувват айлаб кифтига қоқди-да, ханжарини ўзига қайтиб берди ва ўша ердан туриб бақирди:

— Жаноби бомбардир, трюмдан сасиган ҳид келяпти, бироқ капитан, селёдкани ва тузлаган гўштларни еса бўлади, деб ишонтиряпти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рус қўшини Нарвани тақа шаклида ўраб, бир учи шаҳардан пастроқда, бир учи шаҳардан юқорироқда дарёга тақалган ҳолда қамалга олди. Дарёнинг нариги бетидаги Иван-город ҳам худди шу хилда қуршовга олинган эди. Окоплар қазишга, ғовлар ва қозиқ-деворлар ўрнатишга киришилди. Руслар лагери сершовқин, чанг ва тутун ичида эди. Шведлар баланд деворлардан хўмрайиб тикилишарди. Довул де Прунинг флотини чеқинишга мажбур қилгандан кейин шведлар ниҳоятда алламзада эди, ҳаттоки, йўлни яқин қилиш учун бастион рўпарасидан пичанзорни кесиб ўтаётган айрим суворини ҳам тўпдан ўққа тутишарди.

Пётрнинг буйруғига биноан баржалардан туширилган бочкалардаги тузли гўшт ва селёдкани аравалардa шведларнинг кўз олдида лагерга ташиб олинганди,— шоху новдалар билан безатилган аравалар кетида солдатлар, бақатунларга ўралган ҳирсдай семиз, яланғоч одамни кўтариб, адмирал де Пру билан генерал Горн шаънига барала уят қўшиқ янгратиб келган эдилар. Бочкаларни роталарга ва батареяларга тақсимлашди. Солдатлар бир кесак ёғ ёки селёдкани найзага санчиб олиб: «Ҳой швед, закуска тайёр!»— деб қичқирарди. Шундан кейин шведлар ортиқ чидаб туролмади. Сурнайлар чалинди, барабанлар тараклади, кўтарма кўприк жойига тушди-да, бир хилда катта от минган бир эскадрон кирасир тор дарвозадан тиқилишиб чиқди-ю, қиррадор шлёмли бошларини эгиб, сербар қиличларини от қулоқлари орасидан чиқариб ўқталган ҳолда, рус окоплари томон ёпирилиб кела бошлади. Ўлжани улоқтириб юборишга, нимаики қўлга илинса — қозиқ билан, тўп тозалайдиган чўтка, белкурак билан кирасирларга қарши олишишга тўғри келди. Ур-йиқит, дод-вой бошланди. Лекин кирасирлар орқа томондан қуюндай ёпирилиб келаётган драгунларни, ғовлардан ошиб тушаётган баҳайбат гренадерларни кўриб, дарҳол отларини буриб қочишга тушишди, бирпасда пичанзорда фақат ҳалок бўлган бир неча одам ҳамда ҳуркиб у ёқда-бу ёқда қочиб юрган эгасиз отлар қолди,— рус солдатлари уларни ушламоқчи бўлиб, қувиб юрарди.

Шведлар шу хилда майда ҳуружлар билан қаноат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланиб, жиддийроқ тўқнашиш учун ҳаракат қилишмас ва унчалик ташвишланмас эдилар. Ушлаб келинган тилчиларнинг гапига қараганда, генерал Горн: «Мен руслардан асло қўрқмайман, майли, зафарёр Георгий авлиёларидан мадад тилаб штурм қилишга журъат этиб кўрсин,— бу гал етти юзинчи йилдагидан ҳам яхшироқ сийлайман»,— деган эмиш... Унда ғалла, озиқ-овқат, порох ва тўп ўқи етарли,— кўнгли тўқ эди, айниқса, мададчи аскар кутиб турган Шлиппенбахга кўпроқ ишонар, у етиб келиши билан русларга қақшатқич зарба бериш умидида эди. Шлиппенбах эса, ўз қўшини билан Ревель йўлида, Везенберг шаҳрида эди. Буни Александр Данилович ўзи разведкага чиқиб аниқлаб келди.

Рус армияси ҳам сусткашлик қилиб ҳужумга ўтмасди, чунки қамалда ишлатиладиган қалъабузар тўплар ва мортиралар Новгороддан чиқиб ҳали ҳам ботқоқ йўлларда судралиб келмоқда эди. Оғир замбараклар келмай туриб ҳужум тўғрисида ўйлаш ақлдан эмасди.

Фельдмаршал Борис Петрович Шереметьевдан келган хабар ҳам унчалик қувонарли эмасди: Юрьев шаҳрини қуршовга олган, окоплар қазилиб иҳота чоралари кўрилган, қалъа деворини ўпириш учун мурчин ковланган ва шаҳар устига бомба ёғдира бошлаган. Фельдмаршал руслар лагерига Александр Данилович номига ёзган хатида: «Шведлар бизни кўп безовта қилмоқда,— деб нолир эди,— шу кунгача душман тўп ва мортираларини бир ёқлик қилолмаяпман, бу лаънатилар тўплардан баравар ўт очиб, батареяларимиз устига бир йўла ўнтадан ўт ёғдиришади, айниқса обозларни ўққа тутишади. Шунингдек, нақадар уринсак ҳам, шаҳардан биронта тилчи тутиб келолмаймиз, фақат иккита чўхна келди, лекин иккови ҳам ҳеч нарса билмайди, фақат ғалча тилида,— шаҳар аҳолиси ҳадемай Шлиппенбахнинг етиб келишидан умидвор,— деб чулдирайди, холос...»

Шлиппенбах чиндан ҳам зирапча эди, қанчалик тезроқ олиб ташланса шунчалик яхши, йўқса — иш чатоқ. Пётр Алексеевичнинг бутун фикр-хаёли шунда эди... Меньшиков алдамади, ўша кеча айтган сўзининг устидан чиқиб, чодирдаги одамларни, ҳатто денщик Нартовни ҳам чодирдан ҳайдаб, Пётр Алексеевич билан иккиси холи қолгач, генерал Горн бутунлай Шлиппен-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бахдан умид узсин учун, қандай ҳийла ўйлаб топганини гапириб берди. Пётр Алексеевич дабдурустдан жаҳли чиқиб: «Кайфинг ошиб қолганидан шуни ўйлаб топдингми?»— деб юборди. Лекин, чодирда трубка тутатиб, у ёқдан-бу ёққа юриб турди-да бирданига кулиб юборди:

— Дарвоқе, чакки бўлмасди чолни лақиллата олсак...

— Мин херц, лақиллатамиз, худо урсин...

— Сенинг «худо урсин»инг — уч пулга қиммат... Борди-ю ҳеч иш чиқмаса-чи? Унда бошқача жавоб берасан, ҳазили йўқ, оғайни.

— Майли, жавоб беришга тайёрман... Ўрганиб қолганман бунга... Бутун умрим жавоб бериш билан ўтяпти...

— Розиман, бошла!

Ўша кечаси поручик Павел Ягужинский, йўл оёғига бир стакан ароқ ичиб, ҳарбий складлар жойлашган Псков шаҳрига жўнади. Фавқулодда эпчиллик ва ғайрат кўрсатиб, ўйланган иш учун керакли ҳамма нарсани у ердан топиб, учтадан от қўшилган аравада олиб келди. Шундан кейин лагерда иш қизиб кетди: рота ва эскадрон тикувчилари икки кеча давомида кафтан ва чопонларини сўкиб бошқатдан тикишди, офицерча лента-ю шарфлар ва байроқларнинг тусини ўзгартиришди, учбурчакли солдатча шляпалар четига оқ ҳошия қадашди. Ўша калта тунларда яширин равишда эскадрон кетидан эскадрон жўнаб — Асафьев билан Горбов командирлигида икки драгун полки, Семёнов ва Ингерманланд полклари — кўк тегарчиги сариққа бўялган тўплари билан бирга Ревель йўлига чиқиб, Нарвадан ўн чақиримча нарида, ўрмонзор орасидаги Тервиеги номли дарага ўрнашиб олишди. Бошқатдан тузатиб тикилган кийим-кечак, ҳамма нарса ўша дарага ташилди. Шведлар ҳеч нарса пайқамади.

Саккизинчи июнь куни эрталаб Нарва ёнидаги лагерда руслар бирданига бесаранжом бўлиб, у ёқдан-бу ёққа югуришиб қолди. Барабанлар ваҳимали тараклаб, катта нояралар овози янгради, офицерлар от чоптириб овози борича бақириб-чақира бошлади. Солдатлар чайлалардан чопиб чиқишар, кафтан ва гетрларини тугмалаб, учбурчак шляпа остидан чиқиб турган узун сочларини қулоқлари ортига қайиришарди-да, икки қа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тор бўлиб саф тортишарди. Тўпчилар шовқин кўтариб тўпларни судраб чиқишар ва дарҳол буриб, Ревель йўли томонга тўғрилаб қўйишар эди. Суворилар пичанзорда ўтлаб юрган отларни лагерга, аравалар орқасига ҳайдаб келишарди.

Қалъа девори устидан қараб турган шведлар, руслар лагерида бошланган бесаранжомлик ва тўс-тўполонни кўриб ҳайрон бўлишарди. Генерал Горн бош яланг ҳолда ташқи томондаги тош зинадан дарвозали башня тепасига чиқди-да, дурбинни Ревель йўлига тўғрилаб қарай бошлади. Ўша тарафда икки тўп баравар гумбурлади, бир дақиқадан сўнг яна икки тўпдан ўқ узилди, шу хилда олти марта такрорланди. Шведлар буни, яқинлашиб келаётган Шлиппенбахнинг сигнали, деб тушунди-да, дарҳол унга жавобан қирол паролига мувофиқ Глория бастионидан йигирма бир марта тўпдан ўқ узишди. Шаҳардаги барча ибодатхона қўнғироқлари байрамдагидек тантанавор жаранглади.

Қовоғи солиқ генерал Горн, окоплар ортида икки қатор бўлиб сафга тизилаётган рус аскарлари олдида ясанган-тусанган Меньшиковнинг, руслар орасида энг безбет шилқимнинг оқ отда така сакраш қилиб йўртишини кўрди-да, қамал бошлангандан бери ўтган икки ҳафта ичида биринчи марта лабини буриб, мийиғида кулди: бу олифтанинг гўё ҳақиқий лашкарбошига ўхшаб, орқадаги қаторда турган солдатларга қилич силтаб буйруқ беришини томоша қилди,— солдатлар ҳам дарҳол қалъа томонга бурилиб, подадай югуришди ва қозиқ-девор ортидаги окопларга ўрнашиб олишди. Ана, отини роз турғизиб, Ревель йўлига қараб шайланиб турган солдатлар сафи олдидан яна от чоптириб ўтди. Узоқ йиллар давомида ҳамда шонли жангларда тажриба орттирган доно генерал Горн нима учун руслар ҳовлиқиб қолганини тушунди: шляпасига туяқуш пати тақиб олган қизил плашли бу жўжа хўроз аҳмоқлик қилиб ҳозир ўнгланмайдиган хатога йўл қўяди — сафи чўзилиб сийраклашиб кетган пиёда аскарларини Шлиппенбахнинг темир совутли суворияларига рўпара қилади. Шлиппенбах уларни тўпга тутади, отларга бостириб, қиличдан ўтказиб қириб ташлайди... Генерал Горн жун босган бурун катаклари билан эркин ҳаво ютинди. Ўн икки эскадрон суворися ҳамда тўрт батальон пиёда аскари қалъа дарвозалари орқасида шайланиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шлиппенбах пайдо бўлиши биланоқ русларга орқа томондан ёпирилиб ҳужум қилишга тайёр ҳолда турарди.

Меньшиков эса, гўё тезроқ ажалга рўпара бўлгиси келиб шошилаётгандек, ҳеч қандай заруратсиз, шляпасини бошдан олиб силкита бошлади ва илдам кетаётган батальонлар олдига тушиб, уларни ўйноқи арғумоқ кетидан югуришга, «ура» деб қичқиришга мажбур қилди. Ура садоси қалъа деворигача етиб борди, кекса Горн яна мийиғида кулиб қўйди. Бирданига ўрмон орасидан — Меньшиков бошлаб келаётган батальонлар рўпарасидаги қарағайзордан рус суворилари қочиб чиқди, уларнинг кетидан отилган қасира-қусир ўқ товушлари эшитилди. Ниҳоят, Шлиппенбахнинг гвардиячи роталари пайдо бўлди; шведлар ҳашамат билан худди параддагидай кифтма-кифт саф тортиб, милтиқ найзаларини олға қарата ўқталган ҳолда қарағайлар орасидан чиқиб келаверди. Иккинчи сафдагилар юриб-туриб биринчи сафдагиларнинг бошидан ошириб олатасир ўқ узишар, учинчи сафдагилар эса милтиқларни ўқлаб олдингиларга узатишар эди. Баланд кўтарилган сариқ байроқ шамолда ҳилпирарди. Кекса генерал Горн дурбинга тикилишни бир дам бас қилиб, ўқдондан дастрўмолини олди-да, кўзини артди: «Уруш тангрилариға шукур!»— деб қўйди ўзича...

Меньшиков шляпасини эҳтиётлаб, майдонда от ўйнатиб ўз батальонларини тўхтатди. Олтитадан от қўшилган тўплар ва ўқ яшиклари ортилган икки отли аравалар қуюндай етиб келиб, уларнинг ўнг ва сўл қанотида тўхтади. Рус тўпчилари шу тўрт йил ичида кўп нарса ўрганиб эпчил бўлиб қолган эди. То йилгиллагунча артиб тозаланган тўпларни ҳар қанотга олтитадан қўйишди-да, чаққонлик билан буриб, оғзини шведларга тўғрилашди. (Отлар тўп ва аравалардан чиқарилиб, чеккароққа олиб кетилганди). Орадан бир лаҳза ўтар-ўтмас, ҳамма тўплардан баравар оппоқ тутун отилиб чиқди,— бу эса, порохнинг сифати яхшилигини тасдиқлар эди. Шведлар йигирма қадам олға юрар-юрмас, тўплар уларга қарата яна тутун сочиб вангиллади. Кекса Горн рус тўпларининг бу қадар тезотарлигини кўриб, таажжубланганидан қўлидаги дастрўмолини ғижимлай бошлади. Ҳужум қилиб келаётган шведлар бирдан тўхтади. Бу қанақаси? Наҳотки Шлиппенбах тўп ўқидан чўчиса! Унга ўхшамайди. Қизиқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёки ҳужум қилиш учун кирасирларини олдинга ўтказиб юбормоқчимикин, ёки тўплари етиб келгунча кутмоқчимикин?.. Генерал Горн дурбиндан кўз олмай Шлиппенбахни қидирар, бироқ жанг майдонини тобора тўсиб олаётган тутун кўришга халақит берарди. Ҳаттоки унинг назарида, дўлдай ёғила бошлаган ўқлар шведларни довдиратиб қўйгандек туюлди... Аммо чол пайт пойлаб сабр қиларди... Ниҳоят, хайрият-ей!— ўрмон орасидан сариқ тегарчикли швед тўплари лоп этиб пайдо бўлди-ю, жанговар суҳбатни бошлаб юборди. Шундан сўнг — буни чол аниқ кўрди — Меньшиков батальонларининг сафлари аралаш-қуралаш бўлиб кетди... Вақт ғанимат!.. Горн бужмайган юзини дурбиндан ўгириб, сарғайган тишларини то милкигача кўрсатиб, ўз ёрдамчиси полковник Марквартга қаради:

— Буюраман: дарвозалар очилсин ва русларнинг ўнг қанотига ҳужум қилинсин,— деди.

Кўприклар шарақ-шуриқ қилиб жойига келди, тўрт дарвозадан кирасир эскадронлари баравар от солиб чиқди, кетма-кет ёпирилиб пиёдалар чиқа бошлади. Полковник Маркварт учбурчак шаклида ҳужумга ўтган Нарва гарнизони билан шу қадар тез бостириб келардики, шу келишида бир ҳамла билан ғовларидан ошиб ўтмоқчи, Меньшиковнинг ўнг қанотига орқа томондан қақшатқич зарба бермоқчи ва русларни Шлиппенбах қўшинига тақаб, темир ҳалқа орасига олиб қирмоқчи эди.

Генерал Горн дурбинда кўрганларидан олдинига суюнди, кейин — кўнгли ғаш бўлди. Полковник Марквартнинг отряди талафотсиз, бирпасда ғовларни ағдариб, қозиқ-деворлардан ошиб окоплар ортига ўтиб олди. Унинг кетидан пиёдалар, руслар лагерини талашга шошилган шаҳар аҳолиси аравaларга тушиб дарвозалардан чиқишди. Шу пайт, бетартиб ўқ узаётган Меньшиковнинг батальонлари тўсатдан ғалати ҳаракат қилиб чолни ҳайрон қолдирди: русларнинг ўнг қаноти изига қайтиб, шошилган ҳолда қозиқ-девор ва ғовлар томон тез чекина бошлади, йироқдаги чап қанотдагилар эса— булар ҳам шошилган ҳолда, тезроқ Шлиппенбахга таслим бўлишга қарор қилгандек, олға қараб югуришди. Иккала томоннинг тўплари ўқ отишни бирдан тўхтатишди. Зўр маҳорат билан ҳужум қилаётган Марквартт очиқ майдонга чиқиб, Меньшиков билан Шлиппенбах-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг аскарлари орасида қолди. Совутлари ярқираган кирасирлар — Марквартнинг суворилари отларини жиловидан тортиб ярим доира шаклида кетига тисарилишди-да, иккиланиб тўхтаб қолишди. Швед пиёдалари ҳам уларнинг ёнига келиб тўхтади...

— Ҳеч тушунолмайман! Нима бўлди ўзи бу жин ургур Марквартга?!— бақириб юборди Горн. Ёнида турган адъютанти Бистрем:

— Мен ҳам тушунолмай қолдим, жаноб генерал,— деди.

Горн шошиб-пишиб дурбин билан ҳар ёққа кўз югуртириб Меньшиковни кўрди: бу жўжа хўроз арғумоғини қушдай учириб шведлар томон бораётган эди. Нега боради? Таслим бўлмоқчими? Лекин Маркварт уни таниб қолиб, икки кирасир билан олдидан тўсиб чиқмоқ учун от солди. Бироқ Меньшиков унга еткизмай ўтиб кетди ва кўкаламзор тепада турган бир тўда офицерлар ёнида отдан тушди: бу офицерларнинг усти бошига ҳамда шер суратли сариқ байроққа қараганда — Шлиппенбахнинг штаби шу ерда бўлса керак эди. Лекин Шлиппенбах қани, нега кўринмайди? Горн дурбинни тўғрилаб яна тикилди: Маркварт Меньшиковни қувиб шу офицерлар ёнига келди-ю, бирданига кўзига жинпин кўрингандек ўзини ҳимоя қилиб қўл силкита-силкита, отини бурмоқчи бўлди, бироқ икки-уч киши югуриб келди-да, эгардан судраб туширди... Шалпанг қулоқ катта отга минган бир одам тепалик устига чиқди, байроқ унга таъзим қилгандек эгилди. Фақат шу одам Шлиппенбах бўлиши мумкин... Горннинг кўзлари ёшланиб хиралашди, лекин чол, зардаси қайнаб, бемаҳал келган ёшни дурбин ойнаси билан сидириб ташлади. Нимагадир, шалпанг қулоқ от устидаги одам Шлиппенбахга ўхшамасди... Йўқ, у худди...

— Жаноби генерал, хоинлик!— деб пичирлади адъютант Бистрем.

— Сиз айтмасангиз ҳам кўриб турибман, бу подшо Пётр, швед мундири кийиб олипти... Мени боплаб лақиллатишди, сизсиз ҳам ўзим тушуниб турибман... Буюринг: менга совут билан қилич келтирилсин...— Генерал Горн энди фойдасиз дурбинни қўйди-да, ёш йигитдай чопқиллаб тик зинадан дарвозалик башняга чиқди.

Лашкарбошинг лаққа тушгандан кейин — қалбаки жанг майдонида аҳвол нима бўларди... Бир томондан —

www.ziyouz.com kutubxonasi

шведлар усти бошига ўхшатиб кийинган семёновлик ва ингерманландлик солдатлар ҳамда Асафьев билан Горбовнинг ўрмонда пайт пойлаб яшириниб турган драгунлари, иккинчи томондан — Меньшиковнинг батальонлари ёппасига шведлар устига арслондек ташланишди; шўрлик Маркварт бўлса — қиличини подшо Пётрга топшириб, каскасини кўкат устига ташлаб, тепада, рус офицерлари ўртасида аламзадалик билан бошини хам қилиб, шармисорликдан ерга кириб кетгудек бўлиб турарди, Нарва гарнизонининг камида учдан бир қисмини ташкил этган ажойиб отрядининг ҳалокатини кўрмаслик учун ерга қараб олган эди.

Унинг кирасирлари эса, пиёда аскарларни ҳимоя қилиб, баъзан қарши ҳужумга ўтиб, сафини бузмасдан бирмунча вақтгача чекиниб бораверди. Аммо қайинзор орасига яширинган полковник Реннинг драгун эскадронлари уларнинг орқа томонидан ўраб чиққандан сўнг — бошланди қиёмат. Отишма бирдан тўхтади. Фақат қиличбоз русларнинг ғазабнок қийқириқлари, ҳалок бўлаётган шведларнинг хириллаган дод-войлари, темир совут ва каскаларга урилган қиличларнинг зинг-зинглари эшитиларди, холос. Отлар бир-бирини тишлаб осмонга сапчирди. Қирол байроғи қулаб тушди. Қирғинбарот жангдан қочиб чиққан айрим суворилар, гўё сўқир одамдек, пичанзор бўйлаб бошн оғган томонга отини ҳайдашар ва бир-бирига туртиниб, отдан чалпакдай учиб тушишарди-да, чўзилиб қолишарди... Бутун рус қўшини ёппасига окоплардан чиқиб, гўё масленица байрамида айиқ қувишни томоша қилгандек томоша қиларди... Солдатлар ҳаю-ҳаюлаб қичқиришар, шодликдан рақс тушишар, учбурчак шляпаларини осмонга отишар эди.

Шведлар отрядидан фақат бир қисмигина Нарвага чекиниб жон сақлай олди. Генерал Горн қанчалик ҳаракат қилмасин — қуюндай ёпирилиб келаётган рус суворилариии шаҳарга киргизмаслик учун фақат дарвозаларни тезроқ ёпиб олишга улгурди, холос... Лагерни талашга чиққан шаҳар аҳолиси араваларда у ёқдан-бу ёққа қочиб, хандақ олдида типирчилар эди... Солдатлар қалъа деворларидан ўқ ёғилиб турганига парво қилмай, қизиқ устида ғовлардан ошиб боришди ва кўпгина нарваликларни от-аравалари билан қўлга тушириб, жаноб офицерларга пуллаш учун лагерга ҳайдаб келишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кечқурун Меньшиковнинг катта чодирида дастурхон безатилиб, шод-хуррамлик билан овқатланишди. Адмирал де Прунинг оғизни ўртайдиган ўткир ромини ичиб, Ревель колбасасидан ва камдан-кам одам кўрган дудли камбаладан едилар. Балиқ бир оз ҳидланган бўлсада, жудаям антиқа эди. Ўйлаб топган ҳийласи учун Александр Даниловични мақтаб кифтига қоқаверіб, елкасини қизартириб юбордилар. Қайфи ошиб қолган Пётр Алексеевич: «Шундай донишманд Горнни бопладинг-а! Бурнини тортиб қолаверди: бугун сенинг тўйинг!»— деб бақирар ва кифтларини силкитиб қаттиқ куларди-да, зилдай қўли билан Алексашканинг икки кураги орасига гурсиллатиб муштлар эди. Чемберс ҳам: «Гаров ўйнашим мумкин, сен бу ҳунаринг билан подшо Одиссейни ҳам алдай оласан!— деб чинқирар ва генерал-губернаторнинг елкасига солиб қоларди.— Ҳийлакорликда русларга тенг келадиган одамлар топилмаса керак, тасаввур этиш ҳам қийин!»

Меҳмонлар бир-бирларига сўз бермай чуғурлашиб, генерал Горнга қай хилда нома ёзиш ва уни «Катта Бурун» ордени билан мукофотлаш масаласида бир неча марта гап қўзғадилар. Номанинг бош томони чакки чиқмади: «Сен ким, Нарванинг тасқараси ва бичилган мушуги ва ўкирган шери ва иштонини ҳўллаб қўйган ношуд қоровулидурсен, қариган сен тентаквойга маълум бўлғайким...» У ёғи айниди: мастликдан ҳар ким оғзига келганини қайтармай шу қадар уят сўзлар тилга олиндики, ҳатто уларни қоғозга туширишга саркотиб Макаровнинг қўли бормади.

Аникита Иванович Репнин такачасига қиқирлаб роса кулиб бўлгач, пировардида шундай деди:

— Пётр Алексеевич, чолни бунчалик изза қилишимиз қандай бўларкин. Ҳали иш тамом бўлганча йўқ...

Унинг оғзига қоқиб бақиришди, столни муштлаб тапиллатишди. Пётр Алексеевич тамомланмаган хатни Макаровдан олиб ғижимлади-да, чўнтагига солди:

— Роса кулишиб олдик, етар...

Ўрнидан турди, гандираклаб кетиб, Макаровнинг елкасидан ушлаб қолди, ялпайиб кетган кулча юзи ирода кучи билан яна таранглашди,— подшо ҳар доимгидай, бўйнини бир силтади-ю ўзига келиб, жиддий тус олди:

— Маишатни йиғиштир!— деб чодирдан чиқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тонг ёришмоқда эди. Шабнам қалинлигидан кўкатлар оқариб кўринар, лагердан тарқаган тутун кўкатлар узра сузиб юрарди. Пётр Алексеевич муздай субҳидам ҳавосини ичига тортиб чуқур нафас олди:

— Сизга, оқ йўл... Айни вақти!— деди ва ўша заҳотиёқ, орқасида турган ҳарбийлар орасидан Аникита Иванович Репнин билан полковник Рен олға ўтди.— Иккковингизга яна бир карра такрорлайман: менга ғалаба тўғрисида дабдабали рапортлар керак эмас. Унақа нарсага тобим йўқ... Олдингизда турган вазифа ҳазилакам оғир эмас. Унга шундай зарба бериш керакки, минбаъд ўнгланмасин, яна куч тўплаб қаршилик кўрсатишни хаёлига келтирмасин. Бундай оғир ишда юрак бақувват — ғазабга тўлган бўлмоғи шарт... Боринглар...

Аникита Иванович ва полковник Рен икки букилиб унга таъзим қилдилар ва чодирдан узоқлашиб, тизза бўйи ўт орасидан юриб, қорайган ўрмонга кетдилар, у ерда — кеча қалбаки жангда қатнашган драгун полклари яна ўз кийимларини кийиб, жўнашга тайёр бўлиб кутиб турган эди. Бугун уларнинг олдига ниҳоятда оғир вазифа қўйилган, у ҳам бўлса: Везенберг ёнида Шлиппенбахнинг корпусини қуршовга олиш ва қириб ташлаш.

4

— Шундай қилиб, жаноблар, шу кунгача биз, заррача аҳамияти қолмади деб ўйлаган собиқ қирол Август, эндиликда, руслардан ёрдам олиб, Варшавага тез яқинлашиб келмоқда,— деди ёш қирол Станислав Лешчинский, ҳарбий кенгаш мажлисини очиб. У зиммасига юкланган давлат ишларидан жуда чарчаган эди, совуқ, кибр-ғурур акс этган нозик юзи оқармоқ тугул кўкариб кетганди: сарой аҳлининг мағрур башараси ва уззукун уруш, пул, қарз тўғрисида гап сотиши жонига текканидан киприкларини юминқираб, кўзини ерга қадаб, дармонсиз қўллари ила тасбеҳ ўгириб ўтирарди. Қирол полякча либосда эди, лекин буни асло жини ёқтирмасди, шундай бўлса ҳам кийишга мажбур эди, чунки — Варшавада Арвед Горн (Нарва қаҳрамонининг жияни) командирлик қилган швед гарнизони пайдо бўлгандан бери поляк магнатлари ва панлари парик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларини қозиққа илиб, французча кафтанларига тамаки сепиб қўйишган, унинг ўрнига — қайтарма енгли чопон, қундуз шапка, қўнғироқли шпора тақилган юмшоқ этик кийиб, қилич ўрнига — боболаридан қолган сербар шамшир тақиб олишган эди.

Улар Варшавада Арвед Горннинг қаноти остида хурсандчилик билан беташвиш яшашарди, ҳаттоки қирол сайлашда бу шведнинг нодонлик қилганини ҳам аллақачон унутишган: сеймни мажбур қилиб, ўзи яхши тарбия кўрган бўлса-да, зоти номаълум йигитчани сайлатганини ҳам кечиришган эди. Швед офицерлари қўпол ва кеккайган эди, лекин вино ва бол ичишда — поляклларга тенг келолмасди, айниқса, рақс тушишга келганда — Вишневецкий билан Потоцкий устунлик қилар — булар мазуркани қийиб юборарди. Фақат бир нарса чатоқ: урушда вайрон бўлган мулкларидан келадиган пул борган сайин камаймоқда эди, лекин бу нарса тез ўтиб кетадигандек туюлар: Карл умрбод Польшада хўжайинлик қилмас, подшо Пётрнинг таъзирини бермоқ учун бир кунмас-бир кун бу ердан шарққа жўнаб кетар ахир, деб умид қилишар эди.

Бироқ Варшавага бехосдан қора булут ёпирилиб келди. Август ҳамма нарсага бой Люблинни жангсиз забт этиб, энди польшалик сувори қўшин билан Вислaнинг чап соҳили бўйлаб Варшавага тез яқинлашмоқда эди: башараси хунук, бир кўзи сўқир атаман Данила Апостол бўлса,— днепрлик казаклари билан аллақачон Висланинг ўнг томонига ўтиб, Варшаванинг ёнгинасига — Прага номли жойга яқин келиб қолганди; ўн битта рус пиёда полклари эса, Буг атрофидаги шаҳарчаларни қирол Станислав тарафдорларидан тозалаб, Брест шаҳрини ишғол этишган, ҳозир улар ҳам Варшавага томон йўл олишганди; ғарбдан — фельдмаршал Шуленбург, моҳирона ҳаракат билан қирол Карлга панд бериб (Карл уни бошқа йўлда пойлаб роса қидирди) саксониялик корпусни тезлик билан Варшавага бошлаб келмоқда эди.

— Биби Марям шоҳид, азбаройи худо, мен Польша тожини кийишга интилганим йўқ, бу иш фақат Сеймнинг хоҳиши билан бўлди,— деди қирол Станислав манфурона сусткашлик билан, кўзини ердан олмасдан. Гиламда, унинг оёғи ёнида, энг тоза зотли, оппоқ ургочи този тумшуғини панжасига қўйиб қимирламай

www.ziyouz.com kutubxonasi

ётарди.— Мен бу улуғ номга муяссар бўлганимдан бери нуқул қийинчилик билан ташвишдан ўзга ҳеч нарса кўрганим йўқ. Агар Сейм эҳтиёткорлик мулоҳазасига бориб, Варшавани Августнинг ғазабига дучор қилмаслик учун тожни бошимдан олиб қўйишимни лозим топса, мен бунга тайёрман. Август ўч олмаса, алам-дан чиқмайди, бу шубҳасиз. У шуҳратпараст ва қайсар. Унинг иттифоқдоши — подшо Пётр ундан ҳам қайсар ва айёр, иккиси ўз мақсадига эришгунча, токи ҳаммамиз бутунлай хонавайрон бўлгунча бизга қарши курашаверади.— У сахтиён этикли оёғини тозининг елкасига қўйди, ит ҳам бинафша ранг кўзларини жавдиратиб қиролга қаради.— Тўғрисини айтсам, менга ҳеч нарса керак эмас, бажону дил Италияга жўнаб кетаман... Мени Болонья университетидаги машғулотлар кўпроқ завқлантиради...

Қиролнинг рўпарасида буклама стулда ўтирган юзлари қип-қизил, кўзлари ваҳшиёна хунук, эскирган яшил сюртукли, йўғон гавдали полковник Арвед Горн тўнғиллади:

— Бу ҳарбий кенгаш эмас, шармандаларча таслим бўлиш...

Қирол Станислав ғазини қийшайтирди. Августнинг ашаддий душмани — кардинал примас[1] Радзиевский бу қўпол шведнинг ножўя танбеҳини англамай, Игнатий Лойола давридан бери иезуитлар мактабида изчиллик билан мияга қуйилган таълимотга биноан, мунофиқона ширинсуханлик ва амрона мулойимлик билан сўз бошлади:

— Сиз қирол ҳазратларининг хоҳишлари урушдан четланмоқни майл қилибдурким, бу тезда ўтиб кетадиган ожизликдан ўзга нарса эмас. Кўнглингиз гуллари ёвуз шамолга бардош беролмай эгилубдур,— биз буни тан оламиз... Аммо католик қиролининг тожи — шляпа эмас, уни фақат бош билан бирга олинади. Биз энди жонжаҳдимиз билан ўша золим дин душманига, яъни Саксония кюрфюрсти Августга мардонавор қаршилик кўрсатамиз. Қани, эшитайлик-чи, полковник Горн нима дейди.

Кардинал примас ҳақиқ рангли серҳашам ридосини шитирлатиб, зилдай гавдасини швед томонга бурди-да,

[1] Католик черковида олий унвонли руҳоний. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

гўё энг лаззатли таомга таклиф қилгандек, лаганбардорлик билан эшилиб, қўлларини ўйнатиб уни сўзлашга даъват этди. Полковник Горн стулни итариб ташлади-да, бақувват оёқларини бемалол керіб (оёғида — узун қўнжли қўпол этик, мойланган, эгнида — қайтарма енгли сюртук, кўп кийилган, ҳамма шведлар каби у ҳам қирол Карлга тақлид қилиб, шу хилда кийинар эди) қуруқ йўталиб томоғини қириб олди.

— Мен яна такрорлайман: ҳарбий кенгаш — ҳарбий кенгашдек бўлиши, кўнгил гуллари тўғрисида гап сотишга айланмаслиги керак. Мен Варшавани то сўнгги солдат қолгунча мудофаа қиламан, қиролимнинг амри шундай. Мен ўқчиларимга буйруқ бердим: қоронғи тушгандан сўнг кимики дарвозадан чиқса — отилади. Биронта қўрқоқни Варшавадан чиқармайман, менки борман — қўрқоқлар ҳам жанг қилади, ҳа! Менга кулгили туюлади,— биздаги қўшин Августникидан кам эмас. Буни мендан кўра улуғ гетман князь Любомирский яхшироқ билса керак... Кулгим қистайди,— Август бизни қуршаб олармиш! Аксинча, бу ҳаракати билан Август ўз қўшинларини қисм-бақисм тор-мор этишимиз учун ўзи бизга имкон яратиб беряпти: жанубда—унинг ароқхўр шляхтичлардан иборат отлиқ аскарларини — Варшавадан шарқда — атаман Данила Апостолнинг казакларини енгамиз, чунки улар енгил қуролланган, совутли гусарлар зарбига бардош беролмайди... Фельдмаршал Шуленбург Варшавага етмасдан ўз гўрини топади, чунки кетидан менинг қиролим қувиб келяпти, бу аниқ... Биз учун бирдан-бир зўр хавф — князь Голицинниинг ўн бир полк рус аскарлари, аммо улар Брестдан судралиб келгунча, биз бу ерда Августни енгиб бўламиз, руслар чекинишга мажбур бўлади, чекинмаса — қириб ташлаймиз. Мен князь Любомирскийга таклиф қиламан: шу бугун тунда барча сувори полкларни Варшавага тўпласин. Сиз олий ҳазратга, ана шу шам ёниб тугамасдан, ҳозирнинг ўзида посполит қарори[1] эълон қилишни таклиф қиламан... Биз албатта енгамиз, агар айтганим келмаса,— мени жин чалса ҳам майлига, шундай қиламизки, Августнинг патларини битталаб юламизу чўлтоқ товуққа ўхшатиб қўямиз...

[1] Уруш бошланганда халқ лашкарини сафарбарликка чақириш тўғрисидаги сеймнинг розилиги билан қирол томонидан чиқариладиган қарор. *(Автор изоҳи.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Арвед Горн кулиб юборди, оқпар мўйловлари тўзиб кетди. Энди ҳаттоки қирол Станислав ҳам кўзларини ердан олиб, бутун Польша ва Литва қўшинларининг лашкарбошиси улуғ князь Любомирскийга қаради. Кенгаш бошлангандан бери у қиролнинг чап ёнида заррин креслода кафтларини пешанасига тираб индамай ўтирган эди, шунинг учун фақат кокил қолдириб сочлари олинган юм-юмалоқ калласию сийрак, лекин узун ва осилган мўйлови кўринарди, холос.

Ҳамма бирдан жимгач, князь гўё уйқудан уйғонгандек, чуқур нафас олди, қаддини ростлади,— гавдаси катта, суяклари йўғон, кифтлари кенг эди,— белидаги қимматбаҳо камарга қистирилган, олмослар билан безалган гетманлик чўқморига қўлини оҳиста қўйди. Унинг қирра бурунли, салқиган чўтир юзида шу қадар одамовилик, такаббурона маъюслик ва даҳшат акс этардики, қиролнинг қош-қовоқлари пирпираб кетди, эгилиб тозини силашга тушди. Улуғ гетман секин курсидан турди. Князь кўпдан бери кутиб юрган ўч олиш пайти келган эди.

Любомирский Польшанинг энг бадавлат зодагони эди; ўз қарамоғидаги мулклари ва чексиз ерларида у ягона ҳукмрон ва ҳар қандай қиролдан кучлироқ эди. Ҳар доим сеймга ёки ибодат қилмоқ учун Ченстоховга жўнаганда — унинг каретаси олдида ва орқасида беш мингга яқин шляхтичлар отда ва аравада кузатиб борарди, ҳаммаси бир хилда — ложувард қайтарма ёқали, енглари кертик малина ранг чопонда... Қўзғолон кўтарган Украинага ёки татарларга қарши поход бошлаш тўғрисида посполит қарори эълон қилинса, у дарҳол уч полк аскарини — кифтлари ортига бир жуфт қанот ўрнатилган пўлат совутли гусарларини отлантириб йўлга чиқарди.

Князь қон жиҳатидан аслзода бўлгани учун, Август қиролликдан бекор қилингач, Польша тахтига ўзини биринчи номзод ҳисоблаган эди. Бултур сеймда, кимни қирол сайлаш масаласида делегатларнинг учдан икки қисми қиличлари билан полни дўқиллатиб: «Любомирскийни хоҳлаймиз!» деб қичқиришганди. Аммо қирол Карл хоҳламади, чунки унга қўғирчоқ керак эди. Ўшанда полковник шовқин-сурон кўтарган сеймни ўқчилари билан ўраб олганди, улар милтиқ пилталарини ёндириб, барабанларини тараклатиб, тантанали маро-

www.ziyouz.com kutubxonasi

симни таҳқир қилган эдилар. Горн пошнаси билан мих қоққандек, полни тўқиллатиб бўш тахтинишиннинг ёнига бориб: «Станислав Лешинскийни таклиф этаман!»— деб бақирганди.

Ўшанда улуғ гетман аламини кўнглига тугиб қўйган эди. Шу дамгача бирон жойда, бирон кимса унинг иззат-нафсига тегишга журъат эта олмаганди. Бунга қирол Карл журъат этди, ваҳоланки, унинг экинзор ерлари ва тилла идиш-товоқлари Любомирскийникидан камроқ бўлса керак...

Ниҳоят улуғ гетман атрофга хунук назар ташлаб олди-да, тирноғи билан чўқмор куррасини қитирлатиб, ундош товушларни илондек вишиллатиб, ғазаб билан гапира бошлади:

— Чала эшитдимми ё назаримда шундай туюлдимикин: менга, улуғ гетман князь Любомирскийга анчайин бир гарнизон командири буйруқ беришга журъат этса! Ҳазиллашяптими? Ёки безбетликми? (Қирол тасбеҳ ўгирган қўлини кўтарди, кардинал стули билан бирга олдинроқ жилди, укки башараси ўзгариб, салқиган бетлари титраб кетди, аммо гетман ғазаб билан овозини янада баландлатди.) Бу ерда мендан маслаҳат кутишяпти. Мен гапларингизни эшитдим, жаноблар, ўз виждоним билан маслаҳатлашиб кўрдим... Менинг жавобим бундай. Аскарларимиздан кўнгил тўқ эмас. Уларни ўз қонини ва биродарларининг қонини тўкишга мажбур этмоқ учун шундай шиор керакки, ҳар бир шляхтичнинг юраги ҳаяжондан жўш уриб куйласин, азбаройи ғазаби қўзиганидан боши айлансин... Балки, шундай шиорни қирол Станислав билар? Мен билмайман... «Баҳаққи парвардигор, Лешинскийлар шон-шавкати учун, жон фидо айлашга, олға!» — Ҳеч ким қўзғалмайди. «Баҳаққи парвардигор, шведлар қироли учун олға!»— Қиличларини улоқтириб юборишади. Мен қўшинни жангга бошлаёлмайман! Мен гетманликдан кечдим!

Гетманнинг юзи хунуклашиб то бароқ қошигача чўгдай ловиллаб кетди. Ортиқ ўзини босолмай, чўқморни шартта белидан олди-ю, ёш боладай ожиз қиролнинг оёғи тагига улоқтирди. Оқ този ғингшиб юборди...

— Хиёнат!— қутургандек бақирди Горн.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Берсеркиер» деган сўз қадим замонларда пайдо бўлиб, аслида шимолий халқларнинг заҳарли қўзиқорин еб маст бўлиш ва кайфини суриш одатидан чиққан, маъноси,— қутуриш ишқивозлари демак. Кейинчалик, ўрта асрда норманлар, жангда жазаваси тутиб ўлганига қарамай олишадиган аскарларга «берсеркиерлар» деб ном берганлар; улар совутсиз, қалқону шлёмсиз, ёлғиз бўз кўйлакда жанг қилганлар ва шу қадар даҳшатли эканки, ҳатто норманларнинг ўзи ҳам улардан қўрқар экан; ривоятга қараганда, масалан, қирол Канутнинг ўғиллари — ўн икки берсеркиер — шунинг учун ҳам алоҳида кемада сузиб юрган.

Қирол Карлни шундай жазава тутдики,— буни фақат берсеркиерлик хуружига йўйиш мумкин,— ўша онда чодирда ҳозир бўлган сарой аҳлининг капалаги учиб, довдираб қолди, граф Пипер эса, жонидан биратўла умид узди... Ўшанда, графиня Козельскаядан почта каптари орқали олинган маълумотни ўқигандан сўнг ҳам Карл, Пипер билан фельдмаршал Рёншельднинг ва бошқа генералларнинг фикрини тамоман рад этиб, ўч олиш ниятида қаттиқ туриб олганди, чунки тезроқ Августни енгиб жазосини бериш, бутун Польшани Станислав Лешинскийга бўйсундириш, аскарларига яхшилаб дам бериш ва келаси йили бир ёз давомидаёқ, Пётрнинг жамики лашкарини моҳирона жанг билан тор-мор қилиб, шарқдаги урушни бир йўла тугатишни орзу қилган эди. Нарва билан Юрьевнинг тақдири ҳақида ҳеч ташвишланмасди: у ерда ишончли гарнизонлар ва мустаҳкам деворлар бор — москваликларнинг тиши ўтиб бўпти, у ёқда довюрак Шлиппенбах... Ҳаммадан ёмони шуки, Искандар Зулқарнайн ва Цезарь шуҳратининг вориси бўла туриб, почта каптари келтирган шунчаки бир маълумотга, уни топиб келган бузуқ хотинга ишониб, улуғ режаларини қориштириб юборса — шаънига дог тушиши, обрўйи тўкилиши мумкин...

Сокалга рус қўшини ёрдамга етиб келганлиги, қирол Август Карлга панд бериб (ўша кезлари Карл, худди қорни тўқ шерга ўхшаб, тамом бўлаёзган Августнинг гирибонига чанг солишга эринчоқлик қилганди), тўсатдан Варшавага қўшин тортганлиги тўғрисидаги хунук хабарни,— пан Собешанскийникидаги знёфатда лаган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни қилич билан икки бўлган ўша шляхтич олиб келди. Граф Пипер ҳовликиб, қиролни уйғотишга борди,— тонг энди ёришганди. Карл поход каравотда, қўлларини кўкси узра чалиштириб, жимгина ухлаб ётган эди. Мойчироқнинг заиф шуъласи унинг каттакон қирра бурнини, зоҳидлар юзидек сўлғин юзининг ёноқ остидаги чуқурчаларини, маҳкам қимтинган лабларини ғира-шира ёритарди,— ҳаттоки у, уйқусида ҳам ғайри оддий бўлишни истарди. У худди тош тобутдаги рицарнинг тош ҳайкалига ўхшарди.

Олдинги граф Пипер ўзи уйғотишга юраги бетлай олмай, қиролнинг хўрозига умид боғлади,— ҳозир айни овози борича қичқирадиган пайти эди. Бироқ шўрлик хўроз ҳам қирол билан бирга зоҳидона ҳаёт кечиришга мажбур бўлиб силласи қуриганидан, чодир пардаси орқасидаги қафасда питирлаб, хириллаган товуш билан— ҳе-ҳе, деб қўя қолди...

— Ҳазрат олийлари, кўзингизни очинг,—мумкин қадар мулойимлик билан уйғота бошлади граф Пипер, мойчироқ пилигини кўтариб,— ҳазрат олийлари, хунук хабар келди (Карл қимирламади, фақат кўзларини очди)... Август бизга билдирмай ўтиб кетипти...

Карл дарҳол жун пайпоқли оёғини гиламчага қўйиб, қўлларини каравотга тираганича Пиперга тикилиб қолди. Граф сарой арбобига хос эҳтиёткорлик билан, Августнинг омади юришиб аҳволи яхшиланганини сўзлаб берди.

— Этикларим, шимим!..— деди Карл ҳар бир сўзни чўзиб, киприк қоқмайдиган кўзлари янада каттароқ очилиб милтиллай бошлади, ёки мойчироқ пилиги тутай бошлагани учун шуъласи акс этган бўлса ҳам ажаб эмасди. Пипер ҳовликканича чодирдан чиқиб кетди ва бирпасга паригини кийиб, Беркенгельм билан қайтиб келди. Генераллар бирин-кетин чодирга тўпланишди. Карл шимини кийди, оёғини кўтариб этигини ҳам, сюртугини ҳам кийди, тугмаларини солаётиб икки бармоғининг тирноғини синдирди, шундан кейин ғазабига эрк берди.

— Сиз бутун вақтингизни ярамас қизлар билан ўтказасиз, сиз католик монах сингари семириб кетдингиз!— дея ҳеч қандай гуноҳи йўқ генерал Гозенга акиллаган овоз билан бақиришга тушди (чунки жағи тортишиб, тишлари такиллай бошлаганди). — Бугун сиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг шарманда бўлган кунингиз.— шартта бурилиб генерал Лёвенгауптга бақира бошлади,— сизга генераллик эмас, армиям обозида судралиб юриш учун энг паст унвон яраша ди! Қани сизнинг разведкангиз?.. Мен ҳар бир янгиликни ҳаммадан кейин эшитяпман!.. Европанинг тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим хабарни аллақандай маст шляхтичдан эшитяпман. Мен бузуқ хотинлардан эшитяпман! Мен кулгили бир аҳволда қолдим! Тағинам уйқумда казаклар мени чодирдан ўғирлаб кетмаганига, бўйнимга арқон солиб Москвага жўнатмаганига ҳайронман! Сизга-чи, жаноб Пипер, графлик гербингиздаги тож ўрнига масхарабоз қалпоғини маслаҳат бераман! Сиз, булдуруқ, каклик ва бошқа паррандалар заволисиз, ароқхўр ва эшшаксиз! Ўзингизни аразлаган қилиб кўрсатишга ҳаққингиз йўқ! Мен хурсандлик билан сизни ғилдиракка боғлайман, тўрт бўлак қилиб ташлайман! Шпионларингиз қани, сиздан сўраяпман, қани?! Воқеа рўй бермасдан бир кун олдин хабар қиладиган чопарларингиз қани? Сатқаи сар! Армияни ташлаб кетаман, оддий шахс бўлиб яшайвераман! Сизларга қирол бўлишдан ҳазар қиламан!

Карл сюртугининг тугмачаларини узиб ташлади, барабанни тепиб ёриб юборди. Барон Беркенгельмнинг бошидан паригини юлиб олиб, титиғини чиқарди. Унга ҳеч ким эътироз билдиролмасди, у эса — чодирда ўзини дам у ёққа урарди, дам бу ёққа, сарой аҳли фақат кетига тисарилар, ғинг деёлмасди. Берсеркиерлик жазаваси тўхтаб ўзига кела бошлагач, Карл қўлларини орқага олиб, бошини энгаштирди-да:

— Буюраман: дарҳол тревога билан армияни оёққа турғизилсин,— деди.— Тайёрланиш учун сизларга уч соат муҳлат бераман. Мен отланаман. Қолган гапни буйруғимдан биласиз. Мени холи қолдиринглар. Беркенгельм, перо, қоғоз ва сиёҳ!

6

— Тоқатим тоқ бўлди... Бир жойда қимирламай турибмиз, бунақада бир умр шу ерда қолиб кетамиз шекилли... Чинакам шижоат билан астойдил ҳужум қилинганда — бугун кечаси бемалол Варшавада тунар эдик,— жаврай бошлади графиня Козельская карета

www.ziyouz.com kutubxonasi

ойнасидан қараб, шаҳар рўпарасида ярим доира шаклида чўзилган сон-саноқсиз гулханлар ёлқинини томоша қиларкан. Графиня ниҳоятда чарчаган эди. Ғулмон ҳайкалчаси ўрнатилган чиройли каретаси йўлда, сойдан ўтаётганда синиб, Анна Собешанскаянинг бесўнақай шалдироқ аравасига тушишга мажбур бўлганди. Графиня шу қадар хуноб эдики, кўзларига пани Анна жирканч махлуқдан баттар кўринар, айниқса бу қишлоқи хотин билан шунчалик хушмуомала бўлгани ўзига алам қиларди.

— Қиролнинг каретаси биздан олдинроқда турипти, лекин ўзи у ерда йўқ... Хаёли нимада, нимани ўйлайди — буни худо ҳам билмайди... На кечки овқатдан дарак бор ва на дам олишдан...

Графиня қайишни силтаб торта-торта, карета ойнасини аранг туширди. Отларнинг илиқ тер ҳиди ҳамда солдатлар ошхонасидан тутун билан бирга ёйилган ёқимли овқат иси димоққа урилди. Тун бесаранжом — лагернинг тўс-тўполони билан тўлган эди: бир-бирини бақириб-чақирган, қийқирган, сўкишган, хахолаб кулган овозлар, бир-бирига урилган араваларнинг тасир-тусури, отларнинг дупур-дупури, айрим ўқ товушлари ҳамма ёқни босиб кетганди. Графиня айниқса походнинг шунақа томонларидан безор бўлганди,— дарҳол ойнани кўтариб қўйди-да, каретанинг бурчагига сурилиб олди. Унга ҳамма нарса халақит берар: кўйлагининг этаги ҳам, ёпинчиғи ҳам, қутичанинг қирраси ҳам, бирор кимсани қонга бўяса, ўшанда алами босилиб роҳатланармиди балки...

— Менимча, қирол саройи бутунлай тартибсиз ҳолга келган, қимматбаҳо нарсалар ўғирланган бўлса керак... Лешинскийлар авлоди очкўз деб ном чиқарган, Станиславни мен жуда яхши биламан: ўтакетган пасткаш, хасис ва риёкор... Фақат битта тасбеҳ билан Варшавадан қочмаган албатта. Сизга маслаҳатим шуки, азиз дугонам, эҳтиёт шарт учун ўзингизга бирор хусусий уй топиб олинг, Варшавада тузукроқ танишларингиз бордир ҳар ҳолда... Қирол Августга унчалик умид боғламанг... У шундай бир аблаҳки, худо кўрсатмасин!..

Пани Анна графинянинг суҳбатидан роҳатланарди, бу анчайин суҳбатгина эмас, балки аристократча тарбия берувчи олий мактаб эди. Пани Анна ёшлик чоғи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан — кўйлаги тагидан кўкси билинар-билинмас дўппайиб кўрингандан бери ғайри оддий ҳаётни орзу қилиб юрар ва ўшандай ҳаётга муносиб эди. Бунинг учун ойнага қараш кифоя: чиройли, фақат чиройлигина эмас — офатижон, ақлли, тийрак, тиниб-тинчимас, шўх ва ўткир қиз эди. Фақат камбағал оиладан эди. Отаси хонавайрон бўлган шляхтич, ярмаркаларда ҳамда бадавлат панларникида умрини картабозлик билан ўтказар, аҳён-аҳёнда уйга келарди. Эгнида эски кафтан, мўмин-қобил бўлиб, бетлари салқиган, ҳориб-чарчаган ҳолда дераза ёнида индамай ҳовлига тикилиб ўтирар, фақирона рўзғорини томоша қиларди. Анна ягона севимли қизи — унга тиқилинч қилиб, ўз саргузаштини гапириб бермагунча қўймас эди. Баъзан дадаси ҳафсаласизлик билан гап бошлар, кейин — қизишиб кетиб, қандай ишлар қилгани, қандай зўр ошналари борлиги тўғрисида мақтанишга тушарди. Анна унинг ҳикоясини, Вишневецкий, Потоцкий, Любомирский, Чарторийский князларнинг давлати ва дабдабали ҳаёти тўғрисида ажойиб ва ғаройиб ҳодисалар ҳамда чин ва уйдирма гапларни худди афсонавий эртакни тинглагандек ҳаяжонланиб тинглар эди... Пировардида отаси картада ютқизиб қарзи бадалига сўнгги қирчанғи отни беріб, уйдаги сўнгги товуқни еб бўлгандан сўнг, қизини бадавлат пан Собешанскийга унашганда,— Анна қаршилик қилмади, чунки, бу никоҳ келажак учун фақат пиончли бир поғоналигини яхши тушунар эди. Фақат бир нарса уни хижолат қилар, у ҳам бўлса — ёши қайтганлигига қарамай эри уни ўлгидек севарди. Анна ниҳоятда раҳмдил эди, аммо ақл билан иш кўрар, ҳеч вақт юрак амрига бўйсуниб кўнгилчанлик қилмасди.

Мана, тасодифан тақдир уни бирдан бахт зинасининг энг юқори поғонасига чиқариб қўйди. Қирол унинг тузоғига илинди. Лекин пани Аннанинг боши, бир хил эси паст хонимлар бошига ўхшаб, айланмади ҳам; ўткир ақли, худди қоронғи ҳужрада дон қидирган сичқондек, узоғу яқинни титкилаб зир югура бошлади: ҳар томонини ўйлаб кўриш, оқибати нима бўлишини олдиндан билиш керак эди. Барча ошиқи беқарор эрлар каби — ҳеч нарса тушунмаган ва ҳеч нарсани кўрмаган пан Собешанскийга ширинсуханлик билан: «Пастқам қишлоқда шунча яшаганим етар! Сиз, Иозеф, бунинг учун қайтага мендан фахрланиб бахтиёр бўлишингиз лозим;

www.ziyouz.com kutubxonasi

энди мен Варшавада энг биринчи хоним бўлмоқчиман. Асло ташвишланманг, кўнглингиз тилаганча ўйнаб-кулинг, мени сидқидилдан севиб юраверинг»,— деб очиғини айтди-қўйди.

Лекин ишнинг бошқа томони мураккаброқ эди: графиня Козельскаядан ҳам усталик қилиб унга панд бериш, уни ими-жимида четлатиб қўйиш осон эмасди, айниқса энг нозик томони — қиролнинг фақат бир дамлик кўнгил хушлиги учунгина хизмат қилмасдан, балки қиролни бутунлай ўзиники қилиб олиш масаласи эди...

Бунинг учун фақат аёллик латофати, ҳусн-жамоли кифоя қилмасди, бунга тажриба керак эди. Пани Анна вақтни бекор ўтказмай, графиняни гапга солиб, шайдо қилиш сирини билиб олишга ҳаракат қиларди.

— Йўғе, ҳурматли графиня, мен Варшавада анчайин бир кулбада яшашга ҳам розиман, фақат сизнинг олдингизда бўлсам, атиргул атрофидан кетолмаган капалак сингари, ёнгинангизда айланиб юрсам бас,— деди каретанинг у бурчагида оёғини йиғиб ўтирган пани Анна, кўзи юмуқ графинянинг юзига кўз югуртириб; гулханлар шуъласида унинг юзи дам қизариб ёришар, дам (булут орасига яширинган ой каби) қоронғилашарди.— Мен ҳали гўдакдан баттарман. Шу кунгача қирол мени гапга солса қалтираб зўрға тураман, бирон бемаъни ёки ножўя гап қилиб қўймасам гўргайди, деб қўрқаман...

Графиня гўё сиркадай нордон фикрларига жавоб бераётгандек, ижирғаниб гап бошлади:

— Қирол қорни очганда Страсбург балишини ҳам, қора нонни ҳам фарқига бормай, лаззатланиб тушираверади. Йўл бўйидаги бир қовоқхонада қўлида кўза билан ҳовлидан ертўлага, у ердан яна қовоқхонага елдай учиб қатнаб турган бир чўтир казак аёлга илашиб қолди... Ушанга кўнгли суст кетипти... Унинг учун номига хотин бўлса — бўлгани, қандай даҳшат! Графиня Кенигсмарк рақс тушаётиб унга сонидаги тасмани — пушти ранг пайпоғига капалакнусха қилиб боғланган қора духоба лентани кўрсатиб, уни шайдо қилган-қўйган...

— Ё биби Марям!— деб юборди пани Анна.— Наҳотки шу ҳам таъсир қилса?

— У нимаю, мол нима, рус хоними боярыня Волковага ҳам ошиқ бўлувди; бал қизиган вақтда Волкова

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир неча марта устки ва ички кўйлагини алмаштиради; у кийинаётган хонага қирол бостириб кириб, терлаган юзини унинг ич кўйлагига артади... Бунақа қилиқни ўтган асрда Франция қироли Филипп Иккинчи кўрсатган эди... Лекин у ерда иккиси топишиб кетган, бу ерда эса — бояриня Волкова ҳаммани ҳайратда қолдириб, қиролга тутқич бермай, тумшуғи остидан лип этиб кетди-қолди...

— Ўлгудек бефаҳмман-ей!— хитоб қилди пани Анна,— ҳеч тушунолмадим: бунга ички кўйлакнинг нима алоқаси бор?

— Унга ички кўйлак эмас, ўша жувоннинг бадан ҳидини билиш керак, ахир бадан ҳиди ички кўйлакка ўради-да... Гулни муаттар бўйидан ажратгандек, аёл кишини ҳам бадан ҳидидан ажратиш мумкин, буни ҳатто мактабдаги қизлар ҳам билади. Визнинг хотинбоз хушторимиз, қирол Август — хотин танлаш масаласини бурни билан ҳал қилади...

— Ё биби Марям!

— Сиз унинг каттакон бурнига кўп назар солдингиз; у бурни билан фахрланади: шунинг учун ҳам Генрих Тўртинчига ўхшайман-да, деб мақтанади.„ Доим бурун катакларини шириб, худди каклик ҳидини сезган овчи итга ўхшаб искангани исканган...

— Демак, энг муҳими атир, хушбўй упа, баданга сўриладиган муаттар ёғупа экан-да? Тўғри тушундимми, ҳурматли графиня?

— Агар Одиссеяни ўқиган бўлсангиз, билишингиз шарт: сеҳргар Цирцея эркакларни чўчқага айлантирган эди... Ўзингизни жудаям гўлликка солманг, азиз дугона... Лекин тўғрисини айтганда, бу гаплардан кўнгил айнийди, ҳаммаси зерикарли, хўрлик келтиради, ҳолос...

Графиня жим бўлди. Пани Анна ўзича фикр юритди: ҳозир ким кимни алдади, ким айёрроқ?— деб ўйланиб қолди. Карета ойнасида от тумшуғи кўринди, қоп-қора лабларидан кўпик сачратиб, қирол келди. Отдан сакраб тушиб, карета эшигини очди,— бурун катаклари кенгайган, юзи йилтиллаб завқли табассум билан илжаяр эди. Жиловдор сувори ушлаб турган машъала ёруғида,— бошида заррин дубулға, елкасига ташланган қирмизи ёпинчиқ билан қирол шу қадар ҳашаматли, серсавлат эдики, Анна ўзини аранг босди: «Йўқ, йўқ, ҳеч қандай

www.ziyouz.com kutubxonasi

аҳмоқлик кетмайди»,—деб қўйди ичида. Қирол хушчақчақлик билан таклиф қилди:

— Қани, париваш хонимлар, каретадан марҳамат, ҳозир тарихий томошанинг шоҳиди ва томошабини бўласиз...

Пани Анна суюнганидан чинқириб юборди ва ўша ондаёқ каретадан қушдай учиб чиқди. Графиня деди:

— Менинг белим синган, бунга ўзингиз сабабсиз, муродингизга етдингиз, ҳазрат олийлари. Ҳали кийинганим ҳам йўқ, шунинг учун оч қоринга шу ерда мудраб ўтираверараман.

Қирол кескин жавоб қилди:

— Агар сизга замбил керак бўлса, ҳозир юбораман.

— Менга, замбил?— ўқрайган кўзларининг яшил ранг тиғи шундай қадалдики, қирол Август бардош беролмай кетига тисарилди. Графиня худди пилиги ёндирилган ўқдай, каретадан отилиб чиқди: эгнида шафтоли гул рангли ёпинчиқ, хилма-хил қимматбаҳо тошли тақинчоқ, қулоғида исирға, бўйнида маржон, бармоғида узуклар, сочларида куафюра[1], эскирган бўлса ҳам ҳар қандай янгисидан чиройли.— Хизматингизга тайёрман!— деди-да, яланғоч билагини қиролнинг қўлидан ўтказиб олди. Бу хотиннинг айёрлик санъати нақадар юксаклигини пани Анна яна бир карра тушунди.

Учови қирол каретаси ёнига борди; у ерда машъалалар ёқилган, бир эскадрон сараланган сувори шляхтичлар отда саф тортган эди — ҳаммаси совутда, совутнинг орқа томонига қанотга ўхшатиб оққуш патлари қадалган. Икки нозанин Августнинг ўнг ва сўл томонига, сал орқароқда гилам устига қўйилган курсиларга ўтиришди. Пани Аннанинг юраги гупиллаб ура бошлади: назарида, атрофни ўраб олган бўйдор отлардаги совут ва дубулғали, қанотли одамлар, худонинг амри билан Августга Варшава саройини, шон-шавкати ва пулларини қайтариб бериш учун осмондан тушган фаришталардек туюлди... Пани кўзларини юмди-да, калта сувра ўқиб дуо қилди:

— Илоё, қирол қўлимдан кетмасин, қўзичоқдек менга ўрганиб қолсин...

Отлар дупур-дупури эшитилди. Эскадрон орани очиб

[1] Сочни турмаклаш учун қилинган махсус нарса. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўл бўшатди. Қоронғилик орасидан улуғ гетман Любомирский ва унинг соқчилари кўринди,— улар ҳам қанот боғлаган, лекин қора патдан. Улуғ гетман қиролнинг ёнига келгандан кейингина жиловни тортди-да, чопон этакларини ёйиб, пишқирган отдан тушди ва дарҳол гиламда тиз чўкиб қиролга таъзим қилди:

— Агар мумкин деб топсанг, қирол, хиёнат қилганим учун мени кечир...

Улуғ гетман князь Любомирскийнинг тим қора кўзлари дадил боқар, яллиғланган юзи қайғули, овози бўлиниб-бўлиниб чиқарди. У иззат-нафсини ерга урмоқда эди. Гир айлана олмос қадалган мўйна шапкасини бошдан олмади, қоқшол қўллари қалтирарди, холос...

— Сенга хоинлик қилганимга — миям айниб ақлдан озганлигим сабаб бўлди.. Аммо менга инон: Станиславни қирол деб бир кун ҳам, бир соат ҳам тан олганим йўқ... Ичимни алам ўртаб, юрагим қон ютди, вақт-соатини кутиб юрдим... Ниҳоят, чўқморимни оёғи тагига улоқтирдим... Афтига тупурдиму, ёнидан чиқиб кетдим... Сарой ҳовлисида комендантнинг солдатлари менга ҳужум қилишди... Худога шукурки, қўлим бақувват, қилич ушлашдан толмайди ҳали — Лешинскийдан абадий юз ўгирганимни ўша лаънатилар қони билан тасдиқладим... Мен ўз жонимни, ҳаётимни сенга тақдим этаман...

Август гетманнинг сўзига қулоқ соларкан, темир қўлқопини қўлидан оҳиста ечди, ерга тушириб юборди, Юзи бирдан ёришиб ўрнидан турди, қўлини чўзиб, силкита бошлади:

— Сенга инонаман, улуғ гетман. Чин юракдан сени кечираман ва бағримга босаман...

Август бутун кучи билан князь Любомирскийни ўзига тортиб, Италия мастерлари афсонавий махлуқлар ва девлар сурати ўйиб ишлаган совутга унинг юзини маҳкам босди. Шу босганича кўксида анчагача ушлаб турди. Қирол яна битта курси келтиришни буюрди, лекин курси аллақачон келтирилган эди. Улуғ гетман эзғиланган юзини силай-силай, Августга ва русларга қарши жанг қилишдан бош тортиб кетгандан сўнг Варшавада қандай воқеалар юз берганини сўзлай бошлади.

Варшавада ҳаммани ваҳима босиб, қоч-қочга тушганди. Кардинал примас Радзиевский, бултур Люблинда сейм мажлисида, Августга ва Речи Посполита озод-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лигига содиқман, деб бутга тортилган Исо образини ўпиб онт ичганди, орадан бир ой ўтар-ўтмас, лютеранлар инжилини ўпиб, қирол Карлга содиқлигини тасдиқлаган, ҳаттоки оғиз кўпиртириб, Польша тахтига номзодликка князь Любомирскийни кўрсатган, лекин Арвед Горнинг талабига биноан ўша ондаёқ ўз сўзидан қайтиб, князни сотган уч карра қасамхўр бош руҳоний биринчи навбатда Варшавадан жўнаб, черков хазинасини бир неча сандиқда ола қочган эди.

Қирол Станислав ҳувиллаб қолган саройда уч кунгача айланиб юрар, эрталаб қирол ҳузурига келадиган сарой мулозимларининг сони кундан-кунга камаймоқда эди. Арвед Горн доим ундан кўз узмас, бир гарнизон аскар билан Варшавани ҳимоя қилиб қўлдан бермайман, деб онт ичарди. Сарой қоидаи одобига биноан Горн қирол ишлаётган вақтда ҳозир бўлиши мумкин эмасди, шунинг учун у тушки ва кечки овқат маҳалида ёнига кириб олиб, шпорасини жингирлатиб ўтирарди. Станислав бу дардисар жингир-жингирни эшитмаслик учун, бир хил таом тугаб иккинчиси келгунча, Апулей шеърларини овоз чиқариб лотин тилида такрорлаб ўтирарди. Тўртинчи кеча қишлоқича кийиниб ҳамда соқол ёпиштириб, ўз сартароши ва хизматкори билан ҳеч кимга билдирмай саройдан қочди. Икки бочка қорамой ҳамда бутун хазина ортилган аравада шаҳар дарвозасидан чиқиб жўнаб қолди. Арвед Горн қирол Станиславнинг айёрлигини, Апулей шеърини ўқишдан ва ҳувиллаган залларда у ёқдан-бу ёққа ити билан айланишдан ташқари яна нималар билан шуғулланганини вақт ўтгандан кейингина фаҳмлади... Арвед Горн қирол каравоти устидаги пардаларни юлиб, оёғи билан эзғилаб ташлади, сарой оғасини қилич санчиб ўлдирди, тунги соқчилар бошлиғини отиб ташлади. Шу воқеадан сўнг, Станислав Лешинский билан озми-кўпми алоқада бўлган атоқли панлар ёппасига Варшавадан қочишга тушди.

Август бу ҳикояни эшитиб хахолаб кулар, курси ёндорини муштлар, хонимларга ўгирилиб қарар эди. Графиня Козельскаянинг кўзларида фақат нафрат акс этар, аммо пани Анна, кумуш қўнғироқ товушидек жаранглаган овоз билан қотиб-қотиб кулар эди.

— Қандай маслаҳат берасан, улуғ гетман, қамал тузукми ёки дарҳол ҳужум бошлаш?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Дарҳол ҳужум бошлаш керак, валинеъмат қирол. Арвед Горннинг горнизон аскари кўп эмас, қирол Карл етиб келгунча Варшавани олиш керак.

— Дарҳол ҳужум, таваккал! Оқилона маслаҳат.—Қирол жанговар қиёфага кириб совутнинг темир кифтларини шалдиратди.— Ҳужум муваффақиятли чиқсин учун аскарларни лоақал ғоз гўшти билан тўйғазиш лозим... Бунга камида беш минг ғоз керак бўлади!.. Ҳм!— Бурнини жийирди.— Маошини ҳам тўласак, чакки бўлмасди... Бироқ князь Дмитрий Михайлович Голицин менга фақат йигирма беш минг сўм берди, холос... Бор-йўғи шу! Пул масаласида подшо Пётр тежамкор, ҳа, жудаям тежамкор! Мен кардинал қарамоғидаги ҳамда саройдаги хазиналардан умидвор эдим... Бироқ ҳаммаси ўғирланган, ҳаммаси!— бақириб юборди қирол чўғдай қизариб.— Ахир, қандай қилиб ўз пойтахтим аҳолисини товон тўлашга мажбур эта оламан!

Князь Любомирский ерга қараб, бу гапларни эшитиб ўтирди-ўтирди-да, паст овоз билан:

— Менинг сандиғим қоқланғани йўқ ҳали,— деди.— Буюрсанг бўлгани...

— Раҳмат, бажону дил қабул қиламан,— деди Август шошмашошарлик билан, лекин ниҳоятда чиройли овоз билан, Версаль саройига хос нозик ҳаракат билан миннатдорлик изҳор этиб.— Менга юз минг ефимка даркор.. Ҳужумдан кейин қайтариб бераман...— Чеҳраси ёришиб ўрнидан турди-да, гетманни бағрига босиб, юзини юзига теккизиб қучоқлади.— Энди рухсат, князь, бориб дам олгин, биз ҳам дам оламиз.

Гетман отга миниб қамчи босди-ю, шу ҳайдаганича қайрилиб қарамасдан, қоронғилиқ ичига кириб кетди. Қирол аёлларга мурожаат этди:

— Йўлда шунчалик қийналганингиз эвазига роҳатини энди кўрасиз, париваш хонимлар... Менга тилагингизни айтсангиз кифоя — дарҳол муҳайё бўлади... Биринчи ва энг оддий тилагингиз — овқатланиш, кўнглингиздагини топгандирман... Ўйламангки, қирол бизга қулайлик ва хурсандчилик кераклигини унутди деб... Қиролнинг вазифаси унутмаслик: ҳамиша, ҳамма нарсани эсида тутиши шарт... Менинг каретамга марҳамат қилгайлар...

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕШИНЧИ БОБ

1.

Гаврила Бровкин подшо томонидан берилган гувоҳнома билан йўлда дам олмасдан, уч отлик калта аравада Москвага учиб бормоқда эди. У давлат почтаси билан ҳамда князь-кесарга алоҳида топшириқ билан жўнаганди; бу топшириқ ҳар хил темир молларни Питербургга жўнатишни тезлатиш хусусида эди. Андрей Голиков ҳам шу аравада эди. Йўлда ивирсимасдан тезроқ етиб бориш тайинланганди. Ивирсиш қаёқда! Гавриланинг юраги аравадан юз саржин олдинда учиб борарди. Навбатдаги бекатга етиши биланоқ Гаврила ҳовлиқиб чангга беланган ҳолда зинадан югуриб чиқарди-да, қамчи дастаси билан эшикни тақиллатар: «Комиссар!— бақирарди кўзлари қинидан чиқаёзиб,—дарҳол уч от тайёр қил!»— дерди-ю, бекат назоратчиси устига бостириб кирарди; ухлайвериб юзлари шишиб кетган назоратчининг бошида зар жиякли шляпа (комиссарлик нишонаси), кун иссиқлигидан яланг оёқ, эгнида фақат ички кўйлак-иштон, кўйлаги узун, бели тасма билан боғланган. «Бир чўмич квас бер, ичиб тамомлагунимча отлар қўшилиб тайёр бўлсин...»

Андрей Голиков ҳам йўл таассуроти оғушида эди. Тишини тишига босиб, аравадан йиқилиб тушмаслик учун панжарасига тармашиб олганди, сочлари шамолда тўзғиб, елкасида учиб борар, бурни лойхўрак тумшуғи сингари диккайиб кўтариларди. Андрей гўё биринчи марта кўз очиб кўраётгандек, рўпарасидан смола ҳиди уфуриб сузиб келаётган ўрмонларни, гир айланаси ям-яшил кўкат билан жияк сингари ўралган доирасимон кўлларни ва унда акс этган осмон билан ёзги булутларни, илон изи сойларни ва унинг кўпригидан арава шалдираб ўтганда қорамтир сувдан кўтарилган гала-гала турли парранда ларни орзиқиб томоша қилар эди. Охири кўринмаган йўл ва узоқ манзил ҳақида дўға тагида-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги қўнғироқча мунгли овоз билан жингирлаб куйларди. Ямшик орқада ўтирган баджаҳл йигитнинг қамчисини букчайган елкаси билан сезиб, уч отлиқ аравани ҳайдагани ҳайдаган эди.

Қишлоқлар камдан-кам учрар, бари қашшоқ, одам жуда оз, уйлар хароб эди: кичкина-кичкина кулбалар, дераза ўрнида — пуффак қопланган кафтдай-кафтдай икки туйнук, пастак эшик тепасида — тутундан қорайиб кетган кичкина тешик, тарс ёрилган тол тагига ўрнатилган икона, бундай пастқам жойда худони эслаб чўқиниш учун ҳар ҳолда ярайди... Баъзи қишлоқларда битта ё иккита уйда одам яшайди, холос, қолганларнинг томи ўпирилиб тушган, дарвозаси қулаган, ҳовлисини қичитқи ўт босиб кетган. Эгаларини топиб бўпсан: чакалакзор ўрмонларга, шимол томонга — Двина ёки Вига дарёлари бўйидаги пастқам жойларга, ёинки Урал ортига ё эса қуйи Доңга қочиб кетган.

— Жудаям хароб қишлоқлар, одамлари ҳам қашшоқ яшар экан,— дерди Голиков ва ачинганидан кичкина кафтини юзига босиб бош чайқар эди. Гаврила унга бамаъни жавоб қиларди:

— Одам кам, мамлакат бепоён, бу четидан у четигача ўн йилда айланиб чиқолмайсан, ҳар бир киши учун кўпроқ тўлов тўлашга тўғри келади, камбағаллик шундан. Мана, мен Францияда бўлдим... Тавба! Одамлари нимжон, шамол турса — гандираклайди, ўт-ўлан еб, нордон вино ичишади, кўпчилигида бу ҳам йўқ... Аммо маркиз ёки қирол овга чиққанда паррандаю дарранданы отиб, арава-арава қилиб босиб келишади... Ҳақиқий камбағаллик ўша ерда. Бироқ сабаби тамоман бошқа...

Лекин Голиков французларнинг нимжонлигига, шамол гандираклатишига сабаб нима, деб сўрамади... У сабабини суриштирмас, чунки ҳали кўп нарсага ақли етмасди: фақат кўзи билан кўрган, қулоғи билан эшитган ва бурни билан ҳидлаб сезган нарсалардан, ҳаётнинг аччиқ ва чучук виносидан роҳатланар ва айни замонда жуда қийналар эди...

Валдай тоғига етгач, манзара ўзгарди: булутрги пичан уйилган ғарамлар, ғарамга қўнган калхатлар, дарахтзор орасига кириб кетган ёлғиз оёқ ўрмон йўллари учрай бошлади,— шу йўлдан юргинг ва ўрмон меваларидан тергинг келарди; ўрмоннинг шовуллаши ҳам бошқачароқ — майинроқ туюлар, кўнгил яйрарди. Қишлоқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар ҳам бинойидек, дарвозалар мустаҳкам, пешайвонлар ранг-баранг нақш ўйиб ишланганди. Отларни суғоргани қудуқ олдида тўхташди,— ўн олти яшар чамасида чилвир сочли қизга дуч келишди: бошида — пўстлоғдан ясалган кунгурадор тақия, ҳар кунгурасида биттадан ҳаво ранг мунчоқ,—шу қадар ёқимтойки, аравадан тушсангу лабларидан ўпсанг..: Голиков оҳиста уҳ тортиб хўрсина бошлади. Гаврила эса қишлоқи қизни назарига ҳам илмасдан унга:

— Нега анқайиб турибсан? Кўряпсан-ку, арава ўқи синган, чопқиллаб бориб темирчини чақириб кел,— деб буюрди.

— Дўқингни қара-ю!— оҳиста ўшқирди қиз ва челак билан обкашини ташлаб бўз кўйлак этаги остидан қизғиш товонини липиллатганича кўкаламзор ичидан чопиб кетди. Қиз кимгадир хабар берган бўлса керак, ҳадемай темирчи етиб келди. Бу қадар барваста мужикни кўрган ҳар қандай одам қойил қолиб, ана паҳлавон, дейди албатта. Жингалак соқолли тўлиқ юзи келишган, лабларида истеҳзоли табассум, гўё бу тентак йўловчилар ёнига фақат мурувват юзасидангина келгандек тутади ўзини, икки пудлик тош билан кўксига урилса, миқ этмаса керак, забардаст қўллари чарм фартуғи ортига суқилган.

— Ўқи синдими, нима гап ўзи?— масхараомуз йўғон товуш билан сўради темирчи.—Москва усталари ясаган буни, кўриниб турипти.— Бош чайқай-чайқай, аравани айланиб чиқди, энгашиб тагига қаради, аравани орқа томондан ушлаб, устидаги одамлари билан бирга даст кўтарди.— Бутунлай шалоғи чиқипти-ку... Бунақа аравада фақат шайтонлар ўтин ташиса бўлади.

Гаврила, жаҳли чиқиб, талаша бошлади. Голиков завқланиб нуқул темирчига тикиларди,— жамики мўъжизалар ичида энг ажойиби шу мужик эди. Қандай қилиб мўйқалам билан бўёқни, хушбўй эман тахтасини соғинмасин ахир! Тамомий нарса — энг ажойиб одамлар, энг гўзал манзаралар туманли хаёлот сингари йўқолиб, унут бўлиб кетмоқда. Қандай қилиб ачинмаслик мумкин? Фақатгина рассом ўз санъати билан бундай бойликнинг аҳмоқона йўқолишини тўхтатиб қолиши ва грунтланган оқ тахтада сақлаб қолиши мумкин.

— Кўп ивирсимасдан тезроқ тузатиб бероласан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ми?— сўради Гаврила.— Вақтим жудаям зиқ, подшонинг топшириғи билан кетяпман.

— Ивирсиш ҳам мумкин, тезлатиш ҳам,— деди темирчи.

Гаврила жиддий равишда қамчига кўз ташлаб қўйди, сўнгра темирчига хўмрайиб қаради:

— Яхши... Хизмат ҳақига қанча сўрайсан?

— Қанча сўрай?— темирчи кулиб юборди.— Менинг хизмат ҳақим жуда қиммат. Кўпроқ сўрасам — пулинг етмайди. Мен сени танийман, Гаврила Иванович, баҳорда аканг билан шу ердан ўтаётиб, меникида тунаб кетгандинглар. Эсингдан чиқдими? Аканг мияси бутун йигит. Мен подшо Пётрни ҳам яхши биламан, у ҳам мени билади. Ҳар сафар устахонамга кириб ўтади. У ҳам бамаъни, мияси бутун. Майли бўлмаса, аравани устахонага бурингланг, бир илложини қилармиз.

Устахона тепа бағрига, катта йўл бўйига пастаккина қилиб йўғон ходалардан қурилганди, томи лойсувоқ, олдида — от тақалаш учун учта махсус дастгоҳ бор эди; атрофида ғилдираклар, омочлар, сихмолалар пала-партиш сочилиб ётарди. Эшик олдида темирчининг икки укаси ҳамда паҳмоқ соқол, қовоғи солиқ, барзангига ўхшаш босқончи — акаси турарди, учови ҳам чарм фартук тутган. Темирчи шошмасдан, лекин чаққонлик билан, гўё иш билан ўйнашаётгандек, ишга киришди. Ўзи отларни чиқарди, аравани тўнкариб қўйди, ғилдиракларни олди, темир ўқларни суғуриб ташлади. «Қара, иккала ўқ ҳам дарз кетипти, мана шу ўқ билан москвалик темирчининг калласига солсанг...» Ўқларни қўрага қўйди, устига бир қоп кўмир тўкди-да, кенжа инисига буюрди: «Ванюшка, дамга зўр бер. Қўлингга қувват, бос азамат...» Шундан кейин ака-укалар баравар ишга ёпирилди. Андрей Голиков баланд остонага чўнқайиб ўтирди. Гаврила трубка тутатиб, эшикка суяниб олди. Ёрдамлашиб юборайликми, деб сўрамоқчи бўлганди, темирчи қўл силтади: «Қимирламай ўтиравер, валдайлик темирчилар қанақалигини лоақал бир марта ўз кўзинг билан кўриб қўй...»

Ванюшка зўр бериб дамни шиширар, бўрондек гувиллаган кўрадан чарсиллаб учқун сачрар ва шифтгача кўтариларди. Учқунлар шуъласи ёритган соқолдор тўнғич паҳлавон ҳайкалдек қотиб, бир пудли босқоннинг узун дастасига қўлларини тираб, қимирламай ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рар эди. Темирчи эса, ўт-аланга уфурган кўрадаги ўқларни секин-секин қўзғатарди.

— Исм-шарифимиз, маълумингиз учун, бизни Воробьевлар деб аташади,— деди у жингалак мўйлов остидан яна боягидай мийиғида кулиб.— Биз темирчимиз, қуролсозмиз, қўнғироқ ҳам ясайверамиз... Аравангиз дўғасидаги жарангдор қўнғироқни ҳам биз қўйганмиз.., Бултур подшо Пётр ҳам худди мана шу остонада ўтириб олиб роса суриштирган эди: «Болғани қўя тур, Кондратий Воробьев, менга айт-чи, нимага сенинг қўнғироқларинг бошқача жаранглайди? Нима учун сен ясаган қилич эгиладию, аммо синмайди? Нима учун Воробьевнинг қўлидан чиққан тўппонча йигирма қадам олисроқ отади ва бехато уради? Мен унга: подшо аъло ҳазратлари, Пётр Алексеевич, биз қўйган қўнғироқларнинг овози жарангдорлигига сабаб шулки, дедим, биз мис билан қалайини тарозида ўлчамасдан ишлатмаймиз ва қуйган вақтда пуффакчалар пайдо бўлишига асло йўл қўймаймиз, чунки билимдон кишилар бизга шундай ўргатган, дедим. Қиличимизнинг эгилувчанлиги ва синмаслиги — қиздиришга боғлиқ: биз пўлатни то тўқ-қизил малина ранг ҳосил қилгунча қиздирамиз ва кендир мойида тоблаймиз, дедим. Тўппончаларимизнинг узоқни бехато уришига сабаб шулки, падари бузрукворимиз Степан Степанович, илоё жойлари жаннатда бўлғай, кичкиналигимизда бironта хатога йўл қўйсак, хипчин билан аямай урар ва ҳар урганда: ёмон иш ўгриликдан ҳам баттар, деб такрорлаб турарди, дедим... Шундай...

Кондратий омбур билан ўқни кўрадан даст кўтариб, сандонга қўйди, занг қурумини супурги билан сидириб тозалади-да, соқолини селкиб акасига имо қилди. У бир қадам чекинди-да, босқонни ҳавода айлантириб,— дам бутун гавдаси билан орқага ташланиб, дам олға энгашиб,— ўқни гурсиллатиб ура бошлади; ҳар урганда қип-қизил чўғлар сачраб деворга урилларди. Кондратий ўртанча инисига имлади: «Қани, Стёпа, бошла...» Стёпа кичикроқ босқон билан акасининг бу томонига ўтди; шундан сўнг иккови басма-басга олгандек, ўқни дўппослашга тушди: оғаси улкан босқон билан гурс этказиб бир марта урар, иниси устма-уст икки марта урарди, Кондратий эса, ўқни дам ўнг, дам сўл ёғига айлантириб, болға билан барабан чалгандай тараклa-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тар эди. «Тўхта!»— деб бақирди темирчи ва тайёр бўлган ўқни ерга ташлади. «Ванюша, ўтни кучайтир...»

Кондратий терлаган юзини артиб, гап тўхтаган жойидан яна бошлади:

— Сўнгра подшо менга савол бериб: «Никита Демидов деган тулалик темирчини эшитганмисан, Кондратий Воробьев?— деб қолди.— Ҳозир Уралда унинг ўз заводлари, ўз конлари бор, аллақанча қишлоқ мужиклари билан бирга унга берилган, унинг дов-дастгоҳи, кўшкидаги буюмлари меникидан ҳам ортиқроқ, аммо у ҳам сенга ўхшаб озгина дастмоя билан иш бошлаган эди... Энди сен ҳам каттароқ иш тўғрисида ўйлашинг лозим, вақт-соати етди, йўл бўйида от тақалаш билан умринг ўтиб кетмасин... Ишни бошлаб юбориш учун керакли пулни мен бераман, пул масаласида ўзим қийналаётган бўлсам ҳам, сенга бераман. Москвада қуролярог заводи қургин, яхшиси — Питербургда қурганинг тузук... У ер — жаннат...» Шу хилда мақтаб гапиравердн, қарасам — мени ҳадеб изза қиляпти... Йўқ, аъло ҳазрат Пётр Алексеевич, катта йўл бўйида яйраб яшаётибмиз, ҳеч кимдан камлигимиз йўқ, дедим... Падари бузрукворимиз бизга: «Овқат — пичоқ эмас, қорнингни ёрмайди: тўйиб е, донг қотиб ухла, астойдил ишла»,— дерди. ҳамиша. Биз унинг насиҳатига амал қиламиз... Бизда ҳамма нарса сероб. Кузда қўлбола пиво соламиз, шундай ўткирки, бочка ҳалқалари қисирлайди, пивомисан пиво, сенинг соғлиғинг учун ичамиз, подшоҳим. Сўнгра бежама қўлқопни киямизу кўчага чиқиб, хурсандчиликка муштлашамиз... Бу ердан кетгим йўқ, дедим. Шундай жавоб қилдим унга. Лекин унинг жаҳли чиқди: «Сендан бундай бемаъни жавоб кутмагандим, Кондратий Воробьев. Кимики бугунги ҳузур-ҳаловатини эртаги бахт-саодатдан аъло билгай, бор-йўғидан айрилгай. Эҳ, жин ургур дангасалар, қачон буни тушунасиз?»— деди. Менга ғалати топишмоқ бериб кетди...

Темирчи жим бўлди, қовоғини осилтириб, ерга қараб қолди. Укалари унга тикилиб туришар, улар ҳам бир нима демоқчи бўлишар, аммо журъат этолмасдилар. Кондратий бош чайқади, ўзича кулиб қўйди:

— Шу хилда ҳаммани изза қилгани қилган... Уни қара-ю, ҳали биз дангаса бўлдикми? Бир ҳисобда — тўғри, дангасамиз.—У иккинчи ўқ қиздирилаётган кўра

www.ziyouz.com kutubxonasi

томон тез ўгирилди-да, омбирни қўлга олиб, укаларига ўшқирди:— Тайёрлан!

Бир ярим соатдан сўнг ўқу ғилдираклар жой-жойига қўйилди, мустаҳкам ва енгил арава жўнашга тайёр бўлди. Пўстлоғ тақиялик қиз боядан бери устахона ёнида айланиб юрарди. Кондратий уни кўриб қолди:

— Машутка!— қиз кокилини силтаб ташлаб, турган жойида қотиб қолди.— Чопқиллаб бориб, боярларга муздай сут опкел, чанқоғ бостига йўл олдидан ичиб олишсин.

Гаврила товонини липиллатиб кетаётган қиз кетидан кўзини сузиб тикиларкан, темирчидан сўради:

— Синглингми? Чиройликкина қиз экан...

— Э, чиройини бошингга урасанми,— деди Кондратий.— Эрга беришга кўзимиз қиймайди. Уйга салт кириб, сувай чиқади: на тикишни билади, на сигир согишни ва на ғоз боқишни... Унга фақат лой қориб ўйинчоқ ясаш бўлса бас: лойдан шундай нарсалар ясайдики, масалан, итга минган мушук ёки ҳасса таянган кампир — худди тирик дейсан... Дунёда йўқ антиқа қушлар ва ҳайвонларни ясайди. Токчалар тўлиб кетди шунақа ўйинчоққа. Улоқтириб ташламоқчи эдик, дод-вой кўтарди. Қўл силтаб қўя қолдик...

— Худоё тавба, вой худо-ей,— инграй бошлади Голиков,— тезроқ бориб кўришим керак!— деди-да, гўё кўзига муқаддас нарса кўрингандек, ҳаяжон ичида кўзларини катта очиб, темирчига тикилди. У эса сонига шапатилаб, кулиб юборди. Ванюшка билан Стёпанинг, кулгиси қистаб турган бўлса ҳам, ўзларини босиб, секингина жилмайиб қўйишди. Пўстлоғ тақиялик қиз кўзада сут олиб келди.

— Машка,— деди унга Кондратий,— бу йигит ўйинчоқларингни кўрмоқчи, нимасини кўради — билмадим. Кўрсат...

— Йўқ, керак эмас, кўрсатмайман!— қиз қўлидаги кўзани кўкат устига қўйди-да, изига қайтиб, гўё уйқу босгандай, оҳиста юриб, устахона ортида ғойиб бўлди. Ака-укалар биқинларини ушлаб, сочларини селкиллатиб хахолаб кула бошладилар. Андрей Голиков устахона муюлишига — ҳозиргина қиз бурилиб кўздан узоқлашган жойга тикилганича қотиб қолди.

— Хўш, Кондратий Степанович,— деди Гаврила,— хизматингиз учун қанча тўлашимиз керак?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қанча тўлаш керак?— темирчи юзини артди, мўйловини буради ва ҳомушлик билан соқолини силади:— Подшо Пётрни кўрсанг — мендан таъзим билан салом айт... Шунга яраша ўзингдан бир-икки оғир сўз ҳам қўшиб қўй. Айтгинки, Қондратий Воробьев, мендан ўпкаламасин, деяпти дегин, Қондратий Воробьевга шу аҳмоқлиги ҳам кифоя, бундан ортиқ аҳмоқ бўлмасмиш, дегин...Нима деганимни подшо ўзи тушунади...

2

Тарам-тарам далалар ортида, қайинзорлар ва жавдарпоялар ортида, йироқ кўкимтир ўрмон устида камалак кўринарди: бир учи — тобора узоқлашиб кетаётган ёмғир булутига сингиб кетган, иккинчи учи ёй шаклида ерга тиралган жойда ҳамма ёқ жимирлашиб, ялт-юлт этиб, тилла ранг учқун сочарди.

— Кўряпсанми, Андрюшка?

— Кўряпман...

— Бу Москва...

— Гаврила Иванович, камалак биз учун Москвани ёритяпти... Бу яхшилик нишонаси..

— Сира тушунмайман — нима учун Москва бунчалик йилтираб жимирлашаркан?.. Ишқилиб, Москвага кетаётганингга хурсандмисан?

— Бўлмасам-чи.., ҳам хурсандман, ҳам ваҳм босяпти...

— Қеламизу дарҳол ҳаммомга тушамиз... Эрталаб князь-кесарга учрашаман... Қейин сени малика Наталья Алексеевна ҳузурига обораман...

— Шунинг учун ҳам ваҳм босяпти-да...

— Менга қара, ямшик,— деди Гаврила бу сафар мулойим овоз билан шивирлаб,— тезроқ ҳайда, шунқор, илтимос қиламан, барака топкур, ҳайда тезроқ...

Ёмғирдан сўнг йўл кафтдек эди. От туёқлари лой сачратарди. Қайин барглари йилт-йилт қиларди. Шамол ҳам муаттар ҳид касб этди. Рўпарадан қаторлашиб келаётган бўш аравалар кўринди: мужиклар бозордан қайтган сигирларни ёинки оқсаган отларини арава кетига боғлаб қўйганди. Ҳар чақиримга ўрнатиладиган хода ёнидан ўтишди — унда бургут сурати ва рақам: Москвагача ўттиз тўрт чақирим... Йўл бўйида яна кўҳна

www.ziyouz.com kutubxonasi

кулбалар: баъзиси — йўлга ёни билан, баъзиси — йўлга тескари тушган, толзор орқасидаги қабристонда — тошнинг кўп жойи кўчган кичкина черков. Кўчада яна арава олдидан, нақ отлар тумшуғи тагидан иштончан бола сочлари тўзғиган ҳолда, от чопиш қилиб ўтди. Ямшик эгилиб туриб, чивин чақавериб мўматалоқ қилган юмшоқ жойига қамчи билан солди, аммо у лип этиб четга чиқди-ю, пинагини бузмай чақчайган кўзларини уч отли аравадан узмай қараб қолди.

Яна тепама-тепа ошиб боравердилар. Ўнг томонга, буталар орасидан йилтираб оққан сой бўйига қаралса, соқоли паҳмоқ, кўйлаги узун мужиклар кўринади: олдинма-кейин туриб, оёқларини кериб, чалғиларни баравар йилтиратиб пичан ўришмоқда. Чапга қаралса — ўрмон четидаги соя-салқинда ётган сигирлар кўринади. подачи бола қўлида қамчи билан ола танани қувлаб юрипти, ўрганган кучуги кетидан қолмай чопади, ҳар сакраганда ўтлар орасидан диккайган қулоғи кўринади... Яна ола-була йўл белгиси: ўттиз бир чақирим... Гаврила инграб юборди:

— Ямшик, боядан бери фақат уч чақирим юрибмиз, холос...

Ямшик беғамликдан танқайган бурни билан қувноқ юзини ўгириб унга қаради — бу бурун рюмкани ҳидлаш учунгина икки қирмизи бет ўртасига жойлашган бўлса керак.

— Сен-чи, боярин,— деди ямшик,— чақиримни ходага қараб санама, қовоқхонага қараб санагин, ходага ёзилгани тўғри эмас... Мана, энди ҳайдаймиз...

У бирдан чинқириб: «Чу ҳай, жонворлар, чу-у-ув!» — деб орқага ташланди-да, тизгинларни қўйиб юборди. турли тусдаги хумкалла отлар шаталоқ отиб чопди ва бирданига бурилиб, чўзинчоқ эски иморат ёнида, қовоқхона олдида таққа тўхтади; дарвозаси устида қаққайган ёғочга кўк тунука қоқилган ва унга қизил бўёқ билан — саводлилар учун — битта сўз ёзилганди: «Къобакъ»...

— Боярин, билганингни қил, лекин отларга дам бермасак илож йўқ,— деди хушчақчақ овоз билан ямшик ва чўққайган намат қалпоғини бошдан олди,— истасанг... мени уриб ўлдир, истасанг — сўк, яхшиси, буюргин, яшилидан келтиришсин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қовоқхона мутасаддиси, баланд қайтарма ёқали қирмизи кафтанда эскича кийинган тепакал одам аллақачон эшик олдига чиқиб, патнисда уч рюмка яшил вино, тамаддисига уч дона ширин кулча тайёрлаб, хушомадгўйлик билан жилмайиб турарди... Илож йўқ, аравадан тушишга тўғри келди...

Қош қорайганда Москвага яқинлашдилар. Катта қўрғонлар ва кичкина қишлоқларнинг, черковчалар, деворлар ва дарахтзорларнинг кети узилмасди. Баъзан дуға шохга тегиб кетарди-да, аравадагилар устига дув этиб ёғин суви тўкиларди. Пуффак қоплаган туйнукларда ва слюда кўзли деразалардан ёруғ тушиб турарди; черков остоналарида ўтирган гадойлар кўринарди; қўнғироқхоналар панжарасида захчалар чағиллашарди. Арава ғўла ётқизилган катта кўчага чиқди, ғилдираклар шалдирай бошлади... Гаврила ямшикни елкасидан ушлаб, қайси тор кўчага буриш лозимлигини айтиб келмоқда эди... «Ҳув ана, девор тагида ётган одамнинг рўпарасидаги боши берк кўчага бур... Тўхта, тўхта, келдик!..» Гаврила аравадан сакраб тушди, сандиққа ўхшатиб йўл-йўл темир қопланган дарвозани тақиллатди. Ичкаридан унга жавобан, Бровкинларнинг машҳур бўрибосарлари занжирларини шалдиратиб жон-жаҳди билан вовиллай бошлади.

Узоқ мусофирчиликда юриб ота уйига қайтиш нақадар соз. Уйга кирасан — ҳамма нарса таниш, ҳаммаси янгича, кўнгилдагидек. Муздай салқин даҳлиз токчасида шам ёнади, девор тагида — скамейка, илтимос билан келувчилар то хўжайин чақиргунча шу ерда бемалол кутиб ўтирсин учун қўйилган; у ёғи — икки печли иллиқ даҳлиз, хона бўш, полда шам ёниб турипти, гирғирак шамолда липиллайди, чап томонда — мовут қопланган эшик, бу эшикдан уйга баланд мартабали меҳмонлардан бўлак ҳеч ким киритилмайди, чап қўлдаги эшикдан иссиққина пастак ҳарамга кирилади, тўғри юрилса — қоронғи йўлаклардан, типпа-тик зиналардан гоҳ юқори кўтарилиб, гоҳ пастга тушиб ҳужраю ётоқхоналарга қазноғу омборларга ўтилади... Ота уйининг ҳиди ҳам бошқача, ниҳоятда ёқимли, кўнгил яйрайди... Гаврила келганига уйдагилар хурсанд, ҳаммаси суюниб ҳол-аҳвол сўрайди, меҳр-муҳаббат билан юзига тикилади, кўнгли нима тиласа — муҳайё қилишга ҳамма тайёр...

Отаси Иван Артемич уйда ўйўқ,— газлама заводига

www.ziyouz.com kutubxonasi

жўнаб кетган эди. Гаврилани тўладан келган, овози мунгли, жиддий қиёфали калитдор аёл ҳамда бош гумашта билан яқинда чет элдан ёлланиб келган мажордом Карл кутиб олишди; Иван Артемич гумашта тўғрисида, иблиснинг ўзгинаси, деганди, Карл эса — фамилиясини айтишга ҳеч кимнинг тили келмасди — жуда новча, қовоги солиқ, бекорчиликдан ва русча таомлардан юзи шишиб, ёноқлари дўппайиб, бағбақаси осилиб кетганди, айниқса пешанаси дўнг эди, лекин бу нарса мияси тўлалигидан далолат берарди, фақат битта нуқсони бор эди — шунинг учун ҳам арзимаган маошга Москвада ишлашга мажбур бўлган,— бурун ўрнида қора духоба тумоқча боғлаб юрар ва бир оз манқаланиб гапирарди.

— Ҳеч нарса истамайман, фақат ҳаммомга тушмоқчиман,— деди уларга Гаврила.— Кечки овқатга студень ҳамда гўштлик балиш, ғоз эти ҳамда тўқ тутадиган бирор нарса бўлсин... Питербургда кунимиз тузланган сассиқ гўшт билан қоқи нонга қолиб жудаям озиб кетдик...

Калитдор дастпанжаларини ёйиб яна жуфтлади: «Ё Исои масих, қоқи нон едингми ҳали!» Иблис-гумашта эса — худо кўрсатмасин, тавба, тавба, дея эчки соқолини селкиллатиб бош чайқади. Мажордом бўлса, бирон та русча сўзни тушунмагани учун туятовон оёқларини кериб, ўзига жиддий тус бериб, ҳайкалдай қотиб тураверди. Калитдор ҳаммомда алмаштириш учун тоза кўйлакиштон ва бошқа кийимларни тайёрларкан, хиргойи овоз билан тинмай гапирарди:

— Ҳаммомда буғлаб чўмилтирамиз, едириб-ичириб, қорнингни тўйғизамиз, оққуш патидан парқу тўшакка ётқизамиз, шунқор, ота уйида уйқу ширин бўлади, бунга нима етсин... Худога шукур, балою қазо ҳовлимизни четлаб ўтмоқда... Голландиядан олган сигирларимиз — ҳаммаси туғди, бузоқлари урғочи, инглиз чўчқалари ҳар биттаси ўн олтитадан туғди, князь-кесарь атайин келиб кўрди, ҳайрон қолди... Боғдаги мевалар, олча шундай ҳосил қилдики, асти қўявер... Ота уйи — жаннат, жаннатнинг ўзгинаси... Лекин нимагадир ҳувиллаб қолди, ҳеҳ-ҳеҳ... Даданг шўрлик, Иван Артемич, у хонадан-бу хонага кириб, айланиб юради-юради-да: «Зерикиб кетдим, Агаповна,— дейди менга,— яна заводга бориб келсаммикин...» Пули шунчалик кўпайганки, агар Санька бўлмаганда, ҳисобига ўзи ҳам етолмасди... Фақат

www.ziyouz.com kutubxonasi

ана шу қора бурундан хижолатмиз, холос... Лекин ҳозир бизнинг уйда мажордом бўлмаслиги мумкин эмас, чунки Москвада ҳамманинг оғзида: Иван Артемичка фахрий унвон берилармиш, деган гап юрипти... Бурни қора бўлсаям уйга жуда ярашган: қизил патли шляпасини кийиб, ҳассаси билан полни тўқиллатиб, сўлоқмондай оёқларини тапиллатганини кўрсанг, қойил қоласан... Илгари Пруссия қиролининг мажордоми экан, бурнини кесишганми ёки тишлаб узишганми — номаълум... Олдинига биз ундан чўчиб юрдик, минг қилгандаям ажнабий, ҳазил эмас ахир! Отбоқар Игнашка унга балалайка чалишни ўргатди... Мана энди кун бўйи тинғирлатгани тинғирлатган, ҳамманинг жонига тегди... Овқатни молдай ейди... Кетимдан эргашиб: «Ая овқат, ая овқат»,— аялайвериб безор қилади... Бунақа тентакни умримда кўрганим йўқ. Эҳтимол, бу амал учун шунақа тентак одам керакдир балки... Иван кунида[1] бизникида катта зиёфат бўлди. Пошшо ойим Прасковья Фёдоровна келдилар, яхшиямки Карл бор экан, йўқса— нима қилишимизни билмай роса қийналардик. Эгнига серҳашам кафтан — шокилаю попуклари, тақинчоқлари камида ўн қадоқ келар — қўлларига буғи терисидан қўлқоп кийиб ясаниб олди: тилла лаганни мундоғ олади-да, минг сўмлик косани таъзим билан пошшо ойимга узатади. Сўнгра яна битта лаганни олиб, ҳалигидан ҳам яхшироқ косани малика Наталья Алексеевнага узатади...

Қалитдор Агаповна ҳикоя қилар экан, хизматкор йигит Гавриланинг чангга беланган кафтани ва камзулини, галстугини ечди, қўнжи узун этигини инқиллаб торта бошлади,— уйда мажордом пайдо бўлгандан буён у анчайин малай эмас, камер-динер бўлиб олганди. Гаврила тўсатдан оёғини силтаб ўрнидан турди-да, ҳовлиқиб сўради:

— Бизнинг уйга малика келдими? Нималар деб валдираяпсан?

— Ҳа, келди, соҳибжамол, келди, Иван Артемичнинг чап томонида ўтирди, париваш малика... Ҳамма унга тикилганича қотиб қолди, овқат ейишни ҳам билмай, маҳлиё бўлди-қолди... Қўллари тўла узук ва билагузук, бўйни худди оққуш бўйнига ўхшайди, кўкси устида бир

[1] 1, 24-июнь. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

дона ясмуғдек холи бор,— ҳамма сезди... Эгнидаги кўйлаги чамандек гулгун, ҳаводан ҳам енгил, икки биқини қурпайтирилиб тепчилган, то этагигача шойи атиргуллар қадалган, бошида семург пати...

Гаврила ҳикоянинг давомини эшитмади... Барра пўстинни елкага ташлаб, татарча кавушни шапиллатганича йўлаклардан ўтиб, зиналардан тушиб ҳаммомга кирди. Ечинадиган жойда бирдан Голиков эсига келди:

— Агаповна, мен билан келган одам қаерда қолди?

Андрей Голиковни мажордом уйга киргизмаган, шунинг учун отлари чиқарилган аравада ҳали ҳам ўтирган экан. Бир ҳисобда, ўз ўйлари билан бўлиш, хаёл суриш учун бу ер унга бемалолроқ эди. Қорайган томнинг қоқ тепасида юлдузлар йилт-йилт этар, ошхона, сомонхона, оғилхона ҳиди келиб турар,— кўнгил яйрарди, қаердадир гуллаётган арғувоннинг муаттар ҳиди баъзан димоққа уриларди. Ана шунда юрак бирданига гупиллаб урарди. Андрюша тирсагини тираб олиб, юлдузларни томоша қилар эди. Бинафша ранг товланган қорамтил осмонда чироқ сингари милтиллаб ёнган бу сон-саноқсиз ёруғ нуқталар нима, ердан жудаям узоқми, нима учун ёнади — Голиков буни билмас ва бу тўғрида ўйламасди. Ўйламаса ҳамки, гўё ўша ёқдаги ажойиб сукунат уни оғушига тортаётгандек, кўнгли ором оларди. Айни замонда, бепоён осмонга нисбатан ўзини кичкина бир зарра ҳис этарди. Қичкинаю, аммо бир вақтлар дарвеш Нектарий олдида ўзини қул каби, чувалчанг каби, энг жирканч махлуқ каби ҳис этгани қадимги Андрейга мутлақо ўхшамасди... Андрюшка ёшлигидан бери бошидан кечирган азоб-уқубатларга инсон у ёқда турсин, ҳайвон ҳам бардош беролмас: уни хўрлашди, калтаклашди, қийнашди, қаҳратон аёзга оч-яланғоч ҳайдашиб ўлгандан баттар қилишди, аммо у барча қийноқлардан ўтиб, мана ҳозир подшолар подшосидек, кўзларини коинот чироқларига тикиб, ўша ёқдан келаётган сирли овозга қулоқ солмоқда: «Олға бос, Андрей, руҳан тетик, жисман кучли бўлгин, умидсизланма, шу йўлдан бурилма, манзил яқин, яқинда бутун куч-қувватинг, ажойиб талантинг барқ уриб яшнагай, жамики орзу-умидларинг рўёбга чиққай, ўшанда сен ўзинг ҳам ўзгаргайсен, энг хунук ҳаёт манзараларидин энг гўзал, оламшумул асарлар яратгайсен...»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳай, ҳай! Агар бу сирли овозни Нектарийникида юрган кезлари сезгандами,— дарвеш дарҳол уни кишанга солиб, қирқ кунгача бир чўмич сувдан бўлак ҳеч нарса бермасди, кўкарган ва қонаган кишан изларини иссиқ мойи билан яширинча силаб ўтирган бўларди... Шуни ўйлаши билан Андрей беғараз, оҳиста илжайиб қўйди. Шу он ялт этиб бир воқеа эсига тушди: бир куни уни — подшолар подшосини — Варавкадаги тутунис босган қовоққхонада аллақандай посадлик кишилар ўласи қилиб дўппослаган ва оёғидан судраб ҳовлига — гўнг аралаш қор уюмига чиқариб ташлаганди. Нима учун дўппослашганди? Эслаёлмади. Лекин бу воқеа ўша даҳшатли қишда рўй берган. Хитой-город ва Кремль деворларига осилган ўққчилар жасади шамолда чайқалиб ётгани аниқ эсида. Ўшанда Андрей оч-ялангоч, фақат илма-тешик чакмонда оёқ яланг ҳолда, аламзадалик билан қовоққхонама-қовоққхона кезиб, улфатчилик қилаётган одамлардан бир стакан ароқ тилаб юрганди, шилқимлик қилаверсам бирортаси ўлдириб қўя қолармикин, деган умидда эди,— ўз аҳволига ачингани ва хўрлиги келганидан, азбаройи жонидан тўйганлигидан ўлимига рози бўлганди. Жафокаш Варвара номидаги черковнинг қўнғироқчисини ҳам ўша қовоққхонада учратганди: кўзлари қисиқ, бурни япалоқ, кокили диккайган маст қўнғироқчи уни авраб, жаннат роҳатини излаш учун, рухсат чекиб жисм-танни азоблаш учун дарвеш Нектарий ҳузурига жўнашга кўндирган эди... «тентаклар!— ўзича пичирлади Андрей. — Жисм-танни азоблаш эмиш! Жисм-танга нима етсин...» Яна бир нарса эсига тушиб, ёшлик чоғи кўз олдига келди: Палех қишлоғи — ажойиб оқшом пайти, пода қайтмоқда, тилла ранг чанг кўтарилади, сигирлар маъраб ўз қўраларига бурилади. Она — озиб кетган,— ҳар кифтига бир одам сиғади,— дарвоза томон бормоқда, аллақачон тузатиш керак эди бу дарвозани, ҳовли ҳам ночор, қаровсиз аҳволда. Андрей укалари билан — бари йил ошиб туғилган — тўнтариб қўйилган ғилдираксиз аравада ўтиришти. Қутишади, чидашади,— онанинг жаҳли ёмон бўлгандан кейин чидайсан-да!.. Она қийшайган дарвозани очади. Жўжабирдек жонни боқувчи говмиш сигир тўмпайган бинкинларини дарвоза палласига суйкаб, калта маъраб ҳовлига киради. Онанинг юзи ғазабнок, ғамгин, қорайиб кетган, говмишнинг тумшуғи илиққина,

www.ziyouz.com kutubxonasi

пешана жунлари жингалак, бурни ҳўл, кўзлари катта-катта, бинафша ранг. Говмиш онадақа эмас,— жуда ювош. Болалар томонга қараб пуф дегандай бўлади-да, сув ичгани қудуқ ёнига боради. Она кичкина табуреткага ўтириб олиб, ўша ерда, қудуқ олдида соға бошлайди. Шир-шир, шир-шир — сут челакка қуйилмоқда. Она хурмачаларини опкелади, челакдаги сутни шовиллатиб хурмачаларга қуяди. Ниҳоят, бемеҳрлик билан: «Қани, келинглар»,— дейди она. Янги соғилган сут энг олдин Андрюшкага тегади; у қорни шишгунча ичаверади-ичаверади, укалари унинг сут симиришига қараб туришади, кенжатой эса хўрсиниб қўяди, чунки унга ҳаммадан кейин навбат келади...

— Ҳой, мусофир, ҳой, аравадан туш!— Андрей кўзини очди. Рўпарасида хўмрайган йигитча, камер-динер турарди.— Гаврила Иванович чақиряпти, ҳаммомга тушармишсан... Шу ерда ечинавер, шу ерда, кафтану шапкангни арава тагига ташла... Биздаги тартиб боярларникидан тамоман бошқача, биз жулдур кийимли кишини уйга киргизмаймиз...

Гаврила билан Андрей ҳаммомда роҳатланиб чўмилгандан сўнг бўйинларига сочиқ ташлаб, кечки овқатга ўтиришди. Агаповна йигитлар хижолат чекмасин деб мажордом Карлни ҳужрага жўнатди. Агаповна энг лаззатли таомдан олиб тарелкага соларкан ёки азиз меҳмон учун атайин жавондан олинган венецианча рюмкаларга асраб қўйилган қўлбола наливкадан қуяркан, унинг оппоқ ва мулойим қўллари дастурхон устида учиб юрарди. Шамлар текис ёниб, уй ичи ёришгач, бурчакдаги стулда парда билан тўсиб қўйилган рамкани Гаврила кўриб қолди. Агаповна бош чайқаб, қўлини жағига тираб, узр сўрагандек деди:

— Бегона одамнинг олдида қандай бўларкин, деб сенга кўрсатгим келмади... Голландиядан опанг Санюшка юборипти, худди Иван куни олдик... Иван Артемич бир қарасанг, уни деворга осиб қўяди, бир қарасанг, дилтанг бўлиб девордан олади-да, парда тўсиб қўяди... Суратга қўшиб юборган хатида: «Дадажон, худо ҳайрингизни берсин, асло хижолат бўлманг, депти, менинг суратимни тап тортмай емакхонага осиб қўяверинг, Европада бундан ҳам ғалатиларини осишади, ваҳшийликни бас қилинг...»

Гаврила стол ёнидан туриб шамни олди-да, стул

www.ziyouz.com kutubxonasi

устидаги суратга тўсилган пардани олиб ташлади. Андрей Голиков қаддини секин кўтарди, ҳаттоки нафаси қайтиб, юраги ҳовлиқиб кетди... Таърифига тил ожиз, соҳибжамол ва офатижон боярина Волкованинг сурати эди бу...

— Ие,— дедию қўлида шам билан қотиб қолди Гаврила. Рассом Александра Ивановнани эрталабки пайтда, денгиз тўлқини орасида дельфин устида қипяланғоч ёнбошлаб ётган ҳолда тасвирлаган, фақат бир қўли билан пана қилган, тирноқлари эса марвариддек товланади; иккинчи қўлида — узум тўлдирилган коса, иккита каптар коса четига қўниб узумни чўқиламоқда. Бояриня Волкованинг бошида — ўнг ва сўл томонда икки ғулмон — оёқлари осмонда, бошлари пастда — ҳавода муаллақ туриптти лунжларини шишириб, чиғаноқни сурнай қилиб чалмоқда. Александра Ивановна навқирон юзи ва туманлашган кўзлари билан кулимсираб, дўрдоқ лаблари билан маккорона жилмаймоқда...

— Оббо Санька-ей,— деди Гаврила жуда таажжубланиб.— Сени-чи, Андрюшка, худди унинг ёнига жўнатамиз, Голландияга... Ҳушёр бўл, тағин шайтон йўлдан оздирмасин сени у ерда... Венус[1]; худди Венуснинг ўзгинаси-я! Шунинг учун ҳам кавалерлар уни талашиб қиличбозлик қилишади, ҳаттоки ўлганлар ҳам бор...

3

Москванинг посбони князь-кесарь Лубянка майдони ёнида, Мясницкая кўчасида, бобокалонларидан қолган каттакон қўрғонда яшайди. Бу ерда унинг ўз черкови, алоҳида руҳонийлари бор, мовут ҳамда сурп тўқийдиган корхоналари, кўнчилик ва темирчилик устахоналари, отхона, молхона, қўйхона, паррандахоналари, ҳар хил моллар билан тўлдирилган омборхонаю ертўлалари бор; ҳаммаси — бир неча асрга мўлжаллаб, қучоқ етмайдиган ходалар билан қурилган. Уйи ҳам қадимгича — ҳеч қандай аҳмоқона безаксиз (подшо Алексей Михайлович даврида Москвада шунақа безак расм бўлганди.)— кўримсиз, аммо ниҳоятда мустаҳкам, томи —махсус тахтачалар билан черепицага ўхшатиб ёпилган, эскилигидан устини бахмалўт қоплаган, деразалари

[1] Қадимий рим мифологиясида муҳаббат худоси. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

кичкина-кичкина ва ердан анча баландда. Уйдаги тартиб ва таомиллар ҳам эскича. Борди-ю бирон кимса ақли калталик қилиб, бу уйда ҳамма нарса эскича экан, деб этаги товонга тушадиган, енги узун пўстин кийиб, бунинг устига соқолини селкиллатиб келса — ҳаттоки Рюриклар авлодидан бўлса ҳам — ундай одамни бирпасда суробин тўғрилашар: пўстин этагини то тиззагача қирқишар, соқолини кесишар ва худонинг олдига соқолсиз боришга уяладиган бўлса, тобутига қўшиб кўмиш учун чўнтагига солиб қўйишарди, шўрлик юзида қолган яккамдуккам соқоли билан, хизматкорларнинг қаҳқаҳаси ва қийқириғи остида ҳовлидан ҳайдалар эди... Князь-кесарь Ромодановскийникида катта зиёфат берилганда — таклиф этилган меҳмонлардан кўплари юраги безиллаб, бўйнидан боғлагандек, ноилож келарди, чунки бундай зиёфатдаги ножўя қизиққчилик ва хунук ҳазиллардан одам қийналарди. Ўргатилган айиқ патнисда бир неча стакан қалампир ароқни келтириб терслик қилган меҳмон олдига борарди-да, бўкириб тиқилинч қиларди, агар меҳмон ичкиси келмай, қочиб қутулмоқчи бўлса, айиқ дарҳол патнисни ташларди-да, уни тагига босиб, эзғилай бошларди. Князь-кесарь қорнини селкиллатиб, столни қимирлатиб куларди холос, князнинг қизиққчиси — эси бутун, тили заҳар, оғзида ёлғиз ўғри тиш қолган, ғилай масхарабоз: «Айиқ билади, қайси ҳайвонни қийнаш лозимлигини яхши билади»,— деб қичқирар эди.

Князь-кесарь эрталаб барвақт уйғонарди-да, бўялган одми кўйлакда, Исони зикр этувчи дуолар йўрмалаб битилган белбоғни кўкси тагидан боғлаб, олачипор сахтиён этик кийиб, эрталабки калта ибодатда қимирламай турар эди; қуёш нури бухур тутунига санчилиб, чилчироқ билан шамлар ёруғи сўна бошлагач, юрагини олдириб қўйган нимжон поп титроқ овоз билан «омин» дейиши билан, князь-кесарь инқиллаб, гиламча устида гурс этиб тиз чўкар, янги ювилган полга пешанасини қўярди, қўлтиқларидан суяб турғизишгандан сўнг муздай крестни ўпарди-да, салобат билан емакхонага борарди. У ерда курсига бемалол ўрнашиб олгач, тимқора мўйловининг у ёқ-бу ёғини тўғрилаб, қадаҳ тўла қалампир ароқни паққос ичарди, агар бу қадар ўткир ароқни рус эмас — ажнабий ичса, анчагача оғзини юмолмай қолиши аниқ, аммо князь-кесарь пинагини бузмасдан, тузга ботирилган қора нонни оз-оздан та-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мадди қиларди, холос, ниҳоят овқатга қўл урарди: тузланган, димланган, сиркада ивитилган хилма-хил сабзавот ва мевалар, турли угралар ва қовурилган гўштлар — шошмасдан мужикчасига секин-секин ерди. Болалари ҳамда княгиня Анистасия Фёдоровна (пошшо ойим Прасковьянинг туғишган опаси) — ҳаммаси дастурхон атрофида индамай ўтиришар, қошиқни оҳиста столга қўйиб, лагандан бирор луқмани қўл учи билангина олишарди. Дераза токчаларига қўйилган қафасларда беданалар ва ўргатилган майналар сайрашга тушарди, ҳатто биттаси: «Амаки, ароқ, амаки, ароқ»,— деб аниқ сўзлар эди...

Князь-кесарь бир чўмич квасни симирарди-да, пича дам олгач, ўрнидан турарди ва пол тахталарини ғижирлатиб даҳлизга ўтарди, хизматкорлар дарҳол унинг кенг мовут кафтанини кийгизишар, ҳассасини ва шапкасини беришарди. Деразанинг хира ойналаридан мўралаб турган одамлар, унинг сояси зинадан секин-секин тушиб кўздан ғойиб бўлиши биланоқ дув тарқалиб кетарди. Князь-кесарь ғишт терилган текис йўлда бир ўзи ҳовлидан юриб борарди. Унинг бўйини йўғон эди, буриб қарай олмасди, лекин бари бир, чақчайган кўз қири билан — ким қаёққа кетганини, ким қаерга яшринганини, қаерда қандай тартибсизлик бўлса — барини пайқар эди. Бирон тасини эсидан чиқармасди. Аммо ниҳоятда иши кўп эди, ҳаммаси катта ва муҳим ишлар — давлат ишлари, шунинг учун майда-чуйда ишларга кўпинча қўли тегмасди. Қўра деворидаги темир эшикдан у доим Преображенский маҳкамасининг ҳовлисига чиқар эди. Маҳкаманинг узун ва нимқоронғи йўлакларида мирзалар ва хизматчилар уни кўрган ҳамон шапкаларини бошдан олишар, солдатлар таёқдай қотиб туришарди.

Преображенский маҳкамасининг мирзабошиси Прохор Чичерин уни ҳар доимгидек маҳкама эшиги ёнида кутиб олди ва князь-кесарь пўпанак босган гумбазсимон хонанинг деразаси ёнидаги стол ортига ўтиргандан сўнг, қилинган ишлар тўғрисида унга бирма-бир сўзлай бошлади: кечаги кунда Туладан тўртта мис тўп ва ўшанча чўян тўп келтирилди. Бу тўпларни дарҳол қаерга жўнатиш керак — Нарва ёнигами ёки Юрьев ёнига? Кеча янги тузилган полкнинг биринчи ротаси тамоман кийинтирилди, фақат солдатлар оёқ яланг, бошмоқлар тўқасиз ҳолда янаги ҳафта ичида тайёр бўлади. Бурмистрлар палатаси,

www.ziyouz.com kutubxonasi

да, пойафзал растасининг савдогарлари — Сопляков билан Смуров, крест ўпишга тайёрмиз, алдамаймиз, деб ишонтиришди. Нима қилиш керак? Фармонга биноан Нарва ёнига халтачаларда порох, пилик, ўқ, қопларда — майдаланган чақмоқтош жўнатилди. Қўл гранаталари жўнатиш мумкин бўлмади: омборчи Ерошка Максимов уч кундан бери маст, омборхона калитини ҳеч кимга бермайди, зўрлаб олмоқчи бўлишса — жини қўзиб, одамларга ошпичоқ ўқталиб сира йўлатмайди... Нима қилиш керак? Мирзабоши Чичерин шу хил ишлардан аллақанчасини сўзлаб берди, пировардида дераза ёнига яқинроқ сурилиб бир даста махфий делоларни олди-да, (мирзалар олиб борган тергов протоколлари: урмасдан сўроқ қилинглар ҳам, қийноққа солинглар ҳам бор)— ўқий бошлади. Князь-кесарь зилдай қўлларини столга қўйиб ўтирарди, лекин эшитяптими ё мудряптими — тушуниб бўлмасди, аммо ишнинг моҳиятига келганда князь-кесарнинг қулоғи динглигини Чичерин яхши билар эди...

— Малика Екатерина Алексеевна билан малика Марья Алексеевнанинг ҳовлисидаги распоп[1] Гришка яширинган ташландиқ ҳаммомнинг поли тагидан дафтар топилди: катталиги чорак қоғоздек, қалинлиги ярим бармоқ энлик,— худди бошдан нўхот сочаётгандек бир хил оҳангда, ёқимсиз овоз билан сатрма-сатр ширилламтиб ўқир эди Чичерин.— Дафтарнинг биринчи варағига шу сўзлар ёзилган: «Турли мўъжиза ва гиёҳларнинг сир-асрорини аниқлаш йўли». Ўша биринчи варақ остида яна ёзув: «Ул падар ва ўғил ила руҳи муқаддас ҳурмати... Зелезека номли бир гиёҳ бор, жарларда ва ғорларда ўсади, ўзи кичкина, икки ёнида тўққизта барги, учида уч дона гули бор: бири қора, бири қизил, бири кўк, бу гиёҳ ниҳоятда ўткирдур, уни ой бошида узиб олиш керак, талқон қилиб, қайнатиб, уч марта ичилса — кўзингга сувдаги ва ҳаводаги инс-жинслар кўрингай. Уларга ушбу сеҳрли «НСЦДТЧНДСИ» сўзини айтгил — дарҳол муродинг ҳосил бўлғай...».

Князь-кесарь чуқур нафас олди, осилган қош-қовоғи очилди:

— Шу сўзни аниқроқ қилиб такрорла-чи.

Чичерин пешанасини қашлади, юзини буриштириб,

[1] Сочи қирқилиб, черковдан ҳайдалган поп, собиқ поп. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғижиниб, аранг такрорлади:— нсцдтчндси...— Князь-кесарга қаради, у давом эт дегандай бош ирғади. Мирзабоши ўқишни давом эттирди:

— «Э, князлар, мансабдор зотлар, э, кўз ёшларию оҳ-фарёдлар! Мақсадимиз нима? Истаймизки ҳозирги даврни жиловлаб, ғазабини тийиб олсак, осойишта замонлар яна қайтиб келса...»

— Ана, ана мақсади!— Князь-кесарь безовталаниб стулда қимирлай бошлади, чақчайган кўзларида истеҳзоли савол, ялт этиб гумон пайдо бўлди-ю йўқолди. — Зелезека деган гиёҳнинг нималиги маълум. Хўш, распоп Гришка дафтарни тан олдими?

— Гришка бугун соат иккидан ошганда, қийноққа олингандан сўнг тан олди. Дафтарни Кисловскда нотаниш кишидан тўрт тийинга сотиб олдим, деди, нима учун уни ҳаммомда пол тагига яширдинг, десак,— аҳмоқлигимдан, деб жавоб берди.

— Сен ундан сўрамадингми: «Осойишта замонлар яна қайтиб келса»,— деган жумланинг маъноси нима деб?

— Сўрадим. Беш қамчи урилгандан сўнг жавоб берди: дафтарни фақат қоғози учун сотиб олдим, уни ёқиб просфора пиширмоқчи эдим, деди, унда нима ёзилганини ўқимапти, билмасмиш.

— Хаҳ, муттаҳам, хаҳ, мунофиқ!— Князь-кесарь дафтарни олиб, бармоғини ҳўллаб, титилган варақларни оҳиста варақлай бошлади. Айрим жойларни овозини чиқариб ўқиб кўрди: «Вахария номли гиёҳ бор, гули сап-сариқ бўлади, агар одамга кўпроқ едирилса — бирпасда қайт қилдиради ҳам ичини суради...» Фойдали гиёҳ экан,— деб қўйди князь-кесарь. Тирноғини сатрлар узра йўрғалатиб яна ўқий бошлади:— «Кириллнинг китобида баён этилибдурким: тилёғламачи мунофиқ келгай ва ҳаммани йўлдан оздиргай. Анинг нишонаси — никотиан гиёҳи, яъни тамакидур, шуни тутатишга ва тутунини ичга ютишга ҳамда талқон қилиб ҳидлашга мажбур қилғайлар, одамлар тиловат қилиш ўрнига шуни ҳидлаб тўхтовсиз акса ургайлар. Яна бир нишонаси — соқол олишдир... Хўш,— князь-кесарь дафтарни ёпди,— қани, борайлик, мирзабоши, Гришкани сўроқ қилиб кўрайлик-чи, ҳозирги даврни жиловламоқчи бўлган ким экан? Распоп ўтакетган туллак, минг чиғириқдан чиққан. Бу дафтар тўғрисида аллақачон эшитган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ман, хабарим бор, Гришка шу дафтар билан Москвада кўпгина уйларда бўлган...

Захдан ғиштлари нураган тор зинадан ертўлага — қамоқхонага тушаётиб, Чичерин ҳар вақтдагидай ғамгин товуш билан ҳасрат қила бошлади:

— Ер тагидан захоб кўтарилиб, ғиштларни чиритяпти, эҳтиёт бўлмаса, одам ағдарилиб тушиши мумкин, янги зина қилинса, яхши бўлармиди балки...

— Ҳа, яхши бўларди,— деди князь-кесарь.

Олдинда шам кўтариб котиб-мирза борар эди, у ҳам мирзабоши сингари - ажнабийча либосда, бироқ жуда эскирган, бўйнига мис сиёҳдон осиб олган, ярми йиртиқ чўнтагидан ўроғлиқ қоғоз чиқиб турарди. Мирза пастак ертўлага тушгач, қўлидаги шамни эман столга қўйди, бир неча каламуш худди соя сингари, бурчакларга қочиб, ин-инига уриб кетди.

— Шу кунларда бизда каламуш ҳам кўпайиб кетди, — деди мирзабоши,— аптекадан маргимуш сўраб олмоқчиман...

— Ҳа, яхши бўларди...

Йиртқич башара икки мужик пастаккина гумбазсимон шифт тагида эгила-эгила, распоп Гришкани судраб келди: унинг кўзлари қинидан чиқаёзган, соқоли — титилган жунга ўхшаб, лаблари осилиб қолган, юзи эса — яшилтоб рангда эди. Оёқда туришга мажоли йўқлиги ростми ёки муғамбирлик қиляптими? Шифтдан осилиб тушган илгаклик арқон тагига уни турғизиб қўйишган эди, оёқлари буралиб секин йиқилди ва ўлигини ташлаб чўзилганича ер тишлаб қолди. Мирзабоши паст овоз билан: «сўроқ вақтида урганимиз ҳам йўқ, сўроқдан кейин ўз оёғи билан юриб кетган эди»,— деди.

Князь-кесарь Гришканинг сочлари орасидан кўринган тақир жойга бирпас тикилиб турди-да:

— Текшириш натижасида аниқланди,— деб бошлади сўник овоз билан,— ўтган йили сен Звенигород шаҳрида Илёс пайғамбар номидаги черковда иконаларнинг кумуш ромларини ўғирлагансан, Благовешченья черковининг иона қутисини бузиб ичидаги пулларни олгансан, яна ўша ерда меҳроб орқасидан попнинг пўстини билан пиймасини ўғирлаб кетгансан, ҳаммасини сотиб, пулни ичиб тамомлагач, қўлга тушиб қамоққа олинганингда қоровулни шамғалат қилиб қочгансан ва Москвага келгансан, бу ерда баъзи боярларнинг ҳовлисида,

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўнгги кунларда маликалар ҳовлисидаги ҳаммомда яшириниб юргансан... Бўйнингга оласанми? Жавоб берасанми? Йўқ... Ҳа, майли. Булар сен учун ҳали ҳолва...

Князь-кесарь жим бўлди. Ваҳший башара мужиклар орасидан секингина жаллод чиқиб келди: кўриниши бинойидек, юзи сўлғин, ранги кесакдек бўзарган, каттакон оғзи — қимтинган мўйлови билан жингалак соқоли орасидан қизариб кўринарди.

— Яна шу ҳам аниқландики,— давом этди князь-кесарь,— сен немислар слободасига қатнаб, бир неча марта роҳиба кампир. Ульянаникига киргансан, баъзи бир кимсалардан унга хат ва пул обориб бергансан... Ульяна бу хатларни Новодевичий монастирига, машҳур бир шахсга етказиб турган... Кампир ўша шахсдан келтирган хат ва совғаларни сен юқорида зикр этилмиш кимсаларга элтиб бергансан... Шундайми? Иқрор бўласанми?

Мирзабоши столдан энгашиб, кўзи билан имлаб князь-кесарга Гришкани кўрсатиб, пичирлади:

— Ҳушёр тортди, ўлай агар, қулоғи диккайганидан маълум...

— Иқрор бўлмайсанми? Шундай... ўжарлик қиляпсан... Фойдаси йўқ... Бизга ҳам ортиқча оворагарчилик, ташвиш орттирасан, ўзингни ҳам ортиқча қийноққа солиб, жонингга жабр қиласан... Ҳа, майли... Энди менга шуни айт... Шахсан кимларнинг уйига бординг сен? Мана бу дафтарга ёзилган — ҳозирги даврни жиловлаш, ғазабини тийиш, осойишта замонлар яна қайтиши тўғрисидаги тилакларни шахсан кимларга ўқиб бердинг?..

Князь-кесарь гўё уйқудан уйғонаётгандек, қошларини кўтарди, юзи шишинқиради. Жаллод мукка тушиб ётган Гришканинг ёнига оҳиста борди-да, ушлаб кўрди, бош чайқади...

— Князь Федор Юрьевич, барибир бугун у гапирмайди. Бекорга уни безовта қиламиз, холос. Палахдан кейин беш дарра егач, тарашадай қотипти-қопти... Эртага қолдириш керак.

Князь-кесарь тирноғи билан столни тиқиллатди. Бироқ жаллод Силантий тажрибали эди: агар одам тиришиб қолган бўлса — қийнамоқ тугул икки нимта қилсанг ҳам — уни гапиртириб, сирини билиб бўпсан. Лекин буни билиш жуда зарур эди: князь-кесарь распоп Гришкани қамоққа олиш билан бирга — гарчи бу тўғридан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўғри фитна бўлмаса ҳам — ичиқоралик билан иғво тарқатувчи москвалик айрим шахсларнинг изига тушганди, бу одамлар ҳали ҳам қайсарлик қилишар, ишонган тоғлари малика Софья Новодевичий монастирида қора каллапўшда умр кечираётган бўлса ҳамки, улар ҳамон малика давридаги боярлар эркинлигини соғиниб юлишарди. Илож йўқ, эртага қолдириш керак. Князь-кесарь ўрнидан турди, нураган зинадан кўтарилиб юқорига чиқди. Мирзабоши Чичерин Гришкани ҳушига келтириш ҳаракатида ертўлада қолди.

4

Эрталабки пайт, ҳаво илиқ, рутубат аралаш ҳарир туман ёйилган. Ёмғирда ивиган деворлар ҳиди ва печлар мўрисидан кўтарилган тутун сузиб юрар, димоққа уриларди. От торкўча бўйлаб, халқобларни чалпиллатиб келмоқда эди. Преображенский маҳкамаси ёнида Гаврила отдан тушди, лекин соқчи офицерни тополмай хуноб бўлди.

«Ахир, қаёққа кетди, бу шайтон?»— деб бақирди у дарвоза олдида турган мўйловдор солдатга. «Ким билсин, шу ерда эди, бирор жойга кетгандир-да...»— «Тез бориб, топиб кел...»— «Постни ташлаб кетиш мумкин эмас...»— «Ундай бўлса, дарвозани оч, мен кирай...» — «Ҳеч кимни киргизма дейилган...» — «Ундай бўлса ўзим кираман»,— Гаврила солдатни итариб юборди-да, бир қадам юриб, дарвоза эшигидан ўтди, бироқ солдат: «Эшикни очиб кўр-чи, уставга мувофиқ, найза билан қорнингни ёриб ташлайман»,— деди.

Вағур-вуғир шовқин кўтарилгач, дарвозанинг у томонидаги қоровулхонада бекорчиликдан зерикиб ўтирган офицер, ниҳоят егиб келди,— юзи кафтдек, сепкил тошган, кўзлари мужгон. Гаврила дарҳол унга мурожаат этиб, Питербургдан почта олиб келганини ва уни князь Федор Юрьевичнинг ўз қўлига топшириши лозимлигини тушунтириб, сўради:

— Князь-кесарни қаердан топишим мумкин? У ҳозир маҳкамадами?

— Қаердалиги номаълум,— деди офицер кўчани кесиб ўтаётган йўл-йўл бароқ мушукдан кўз узмай.— Ўша мушук князларники,— деди солдатга,— мушугимиз йў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолди, деб шовқин-сурон қилишганди, у бўлса, бу ёқда юрипти, лаънати...

Бирданига дарвоза ошиқ-мошиқлари ғижирлаб ланг очилди, фируза ранг абзалли икки жуфт қора от олдинма-кетин қўшилган карета дарвозадан ўқдай учиб чиқди. Гаврила аранг ўзини четга олди: тилла ранг бўёғи кўп жойидан кўчган, бесўнақай катта карета деразасидан Ромодановский чақчайган кўзлари билан унга қаради. Гаврила дарҳол отга миниб, карета кетидан ҳайдамоқчи бўлди, бироқ офицер жиловдан маҳкам ушлаб қўйвормади,— нимага ушлайди?— бу ўзи зотан шунақа ёмон одамми ёинки уставга биноан князь-кесарнинг кетидан қувиш ҳақиқатан мумкин эмасми — буниси номаълум...

— Қўйвор!— ғазабнок бақирди Гаврила, жиловни унинг қўлидан юлиб олди-да, шпораларини ниқтаб, отни сакратди, бироқ офицер юганга осилди ва йиқилди... «Қоровул, ушла ўғрини!»— бу овозни Гаврила узоқдан, Лубянка майдонига чиққанда эшитди.

Барибир у каретага етолмади, аламига чидолмай туф дедию Неглинная кўпригидан ўтиб, Кремлга кирди-да, отни Сибирь маҳкамаси томон бурди.

Том тунукалари занглаган, пастаккина ва узун бино — маҳкама жойланган уй Борис Годунов даврида жар ёқасига, қалъа деворидан баландроқ жойга, орқа томонини Москвага қаратиб солинган эди. Даҳлизлари ва йўлаклари одамга тиқилиб кетганди: девор тагларида, полда ўтиришар, ёнбошлаб ётишарди, ғижирлаган эшиклардан мирзалар шошилиб чиқишарди, эгниларида — узун кафтан, тирсаклари ямалган (уззукун столга ишқаланавергани учун йиртилмай илож йўқ), қулоқларига патқалам қистирилган, қўлларидаги қоғоз билан дўқ уриб қовоғи солиқ сибирликларга бақиришарди, улар минг чақирим жойдан бу ерга арз қилмоқ учун, дунё яралгандан бери мисли кўрилмаган безори — порахўр ҳоким устидан шикоят билан, ёинки кончилик масаласида ва тилла ювиш, мўйнали ҳайвон ҳамда балиқ овлаш соҳасида енгиллик сўраб илтимос билан келган одамлар эди. Ўз ишига пишиқ, уддабурон одам бундай ҳақоратларга чидаб, хушомадгўйлик билан илжайиб мирзага ялинарди: «Садағанг кетай, икки оғизгина гапим бор эди, барака топкур, мумкин бўлса бирор холи жойда — ошпазлик растасида ёки ўзинг қаерни тайинласанг, ўша ерда иккимиз бемалол гаплашиб олсак...» Тажрибасиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

кишн эса ишини битиролмай ерга қараганича кетарди. Эртага яна келиш, индинга келиш ва яна қанча кунгача келавериб, кутавериб, мурожаат қилавериб, бор-йўғини еб тамомлагунча қатнайверарди...

Князь-кесарь қурол-яроқ бўлимида эди. Гаврила унинг ҳузурига кириш мумкинми-йўқми деб суриштириб ўтирмади, уни туртиб, буни нтариб эшик олдига борди, аллаким унинг кафтанидан тортиб: «Қаёққа, тўхта, мумкин эмас!»— деб ўдағайлади. Гаврила тирсаги билан уни суриб ташлаб, ичкарига кирди. Князь-кесарь димиқиб кетган пастак хонада олачипор рўмол билан бўйнини артиб бир ўзи ўтирар, дераза қопқоғи қия очиб қўйилганди. Стол устида бир даста фармонлар, ариза ва шикоятлар кўринарди.

— Жудаям дадил экансан-ку, Иван Артемичнинг ўғли! Юрагинг жойида! Қора суяклар эндиликда эшикни ўзи очиб тўғри кириб келяпти... Сенга нима керак?

Гаврила мактубни топширди. Ундан ташқари, Питербургга ҳар хил темир молларни, айниқса михларни тезроқ етказиш хусусида тайинланган гапларни оғзаки айтди... Князь-кесарь ўроғлиқ қоғознинг мум печатини синдириб, подшо мактубини йўғон бармоқлари ила очди ва кўзидан узоқ тутиб лабларини қимирлата бошлади... Пётр шундай ёзган эди:

«Sir ҳазрат олийларига маълум қиламанким, Нарва остонасида ғоят қизиқ бир ҳодиса рўй берди, яъни — донишмандларни тентаклар алдади... Шведларнинг кўзини тоғдай такаббурлик тўсиб, биз тумшуғи тагида ишлатган ҳийлаю найрангни кўрмай қолишди... Бу маскарад жангида биз Нарва гарнизонининг учдан бир қисмини қирдик ва асир олдик, тафсилотини сиз, жанг шоҳиди гвардия поручиги Ягужинскийдан эшитгайсиз, яқинда у ҳузурингизда бўлғай... Аптека учун керакли доривор гиёҳларни Питербургга юбориш иши ҳамон судралиб келмоқда — шу вақтга қадар бир мисқол ҳам келган йўқ... Бу хусусда мен Андрей Виниусга кўп ёздим, аммо у ҳар гал мени Москванинг «хўп бўладиси» билан сийлаб келмоқда... Марҳамат айлаб ундан сабабини сўргайсиз: нима учун шундай муҳим иш бу қадар эътиборсизлик ва сусткашлик билан бажарилмоқда? Ахир бу иш унинг калласидан минг карра қимматроқ-ку... Птр...»

Князь-кесарь ўқиб бўлгач, имзо қўйилган жойни ўпди. Хўрсиниб нафас олди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Уй димиқиб кетди,— деди у.— Жазирама иссиқ, ҳаво дим... Иш кўп. Кечгача лоақал ярми ҳам битмайди... Ёрдамчилар, ҳеҳ, садқайи ёрдамчи кетсин!.. Астойдил меҳнат қилувчи одам кам, ҳаммаси сув юқмас, кўпроқ ўмаришнинг пайида... Сен нега ясаниб, парик кийиб олдинг?.. Малика ҳузурига бормоқчимисан? Малика қасрда йўқ, ҳозир Измайловода... Уни кўрсанг — эсингдан чиқмасин, айтиб қўй: Петровкада қовоқхона деразасида қимматбаҳо майна турипти, русчага жуда уста экан, ўткинчи одамлар тўхтаб тинглашяпти. Боя каретада ўтаётиб мен ҳам қулоқ солдим. Агар малика истаса уни сотиб олиш мумкин... Сенга жавоб... Мирза Нестеровга айтгин, Андрей Виниусга одам юборсин,— дарҳол бу ерга олиб келсин... Ма, қўлимни ўп...

5

Тушдан кейин ёмғир сепалай бошлади. Анисья Толстая, қизларнинг юраги сиқилишидан хавотирланиб, бўмбўш тахтнишин палатада копток ўйини ўйлаб топди: бу ерга кўп йиллардан бери ҳеч ким қадам босмас эди.

Меньшиковнинг қизлари — Анна билан Марфа учун ишқилиб ўйин бўлса бас,— ленталарни ҳилпиратиб, калта енгли кўйлакда тирсакларигача яланғоч қўлларини кўтариб, копток кетидан чинқириб, тахталари ғижирлаган пол узра югуришарди. Наталья Алексеевна бугун негадир, ғамгинроқ кўринар, ўйиндан хурсанд эмасди... Илгари, кичкинтой болалик чоғида бу палатага полдан жуда баланд деразаларнинг қизил, сариқ, кўк ойналаридан доим офтоб тушиб, деворларига қопланган тилла ранг чармда шуъласи ловиллаб ёнарди. Ҳозир эса чармлар кўчирилиб ташланган, девор очилиб, ходалари кўриниб, лослари осилиб қолган эди. Томда ёмғир ноғора чалларди.

— Измайлово қасрини ёмон кўраман,— деди малика Катеринага,— жуда катта, бўм-бўш, худди тобутга ўхшайди... Юр, бирор ерга бориб, жимгина ўтирамиз.

Малика қўлини Катеринанинг кифтига қўйди-да, уни пастдаги кичкина хонага бошлаб келди; бу ҳам унутилган, ташландиқ ҳолга келган хона бўлиб, марҳума онаси Наталья Кирилловнанинг ётоғи эди. Орадан шунча йил ўтган бўлса-да, ҳали ҳам бу ерда — буҳурнингми, мушкнингми — ниманингдир, элас-элас ҳиди келарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наталья Крилловна шарқ мушк-анбарини яхши кўрар ва сўнгги кунгача ёнида сақлар эди.

Малика Наталья тўшаксиз каравотга, чодирсиз ва пардасиз қаққайиб қолган бурама устунчаларга, деворлардаги чорбурчак хира ойнага кўз ташлади, шартта бурилиб, чириган дераза ромини очиб юборди. Хонага гуп этиб, дераза тагидаги сирень баргларини, отқулоқ ва қичитқи ўтларни шитирлатаётган ёмғир ҳиди кирди.

— Ўтирайлик, Катя.— Иккиси очиқ дераза ёнига ўтирди.— Ҳа! — хўрсинди Наталья.— Ана, ёз ҳам тугаяпти, кўз очиб юмгунча куз ҳам келади. Кунлар ўтиб кетяпти... Лекин сен учун барибир! Ўн тўққиз ёшда бунга ким парво қиларди: ўтса — ўтаверсин учар қушдек... Биласанми мен ҳозир нечидаман? Акам Петрушадан беш ёш кичикман, холос... Ҳисоблаб кўр-чи... Ойим ўн етти ёшида эрга чиққан, дадам қирққа яқинлашган экан... У семиз эди, доим соқолидан ялпиз ҳиди келарди, касалдан боши чиқмасди.. Дадам унчалик эсимда йўқ... Аллақандай сариқ сув касалидан ўлди... Бир куни Анисья Толстая наливка ичиб олди-да, тили қичиб, менга ҳеч ким билмаган ажойиб воқеани ҳикоя қилиб берди... Ойим ёшлигида жудаям қувноқ, беғам, шўх экан... Тушундингми? (Наталья туманлашган кўзларини Катеринанинг кўзларига тикди.) Софьянинг хушомадгўй лаганбардорлари онам шаънига доғ тушириш учун тўқимаган гап қолмади... Шўрликда айб нима? Аммо қадимги урф-одатга кўра — ҳамма вақт хотин киши айбдор, қимирласа — гуноҳкор, қиз бўлиб туғилгани учун ҳам гуноҳкор, чунки хотин киши — иблиснинг қароргоҳи, дўзахнинг дарвозаси... Лекин бизнинг тушунчамизда, янгичасига айтганда: муҳаббат париси, учиб келадию тиғи билан юракни жароҳатлайди... Шундай бўлгач, бўйинга тош боғлаб тунда ўзини ҳовузга ташлаши керакми? Йўқ, хотин эмас — муҳаббат париси айбдор!.. Анисья гапириб берди: ўша кезлари Москвада Мусин-Пушкин деган чиройли боярзода йигит бор экан, шу қадар чиройлики, унақа ҳуснфаришталарда бўлмаса, одамзодда бўлиши асло мумкин эмас, бунинг устига, жасур, қизиққон, чавандоз маишатпараст экан... Масленица ҳафтасида Москва дарёсида, муз устида туриб муштлашишга талабгор чақирар экан... Ҳар қандай одамни уриб ағдарар экан... Ойим яширинча оддий аравага тушиб, унинг жасоратини томоша қилгани ўша ерга борар экан... Кейин уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

саройга олиб соқийлик вазифасига қўйипти... (Наталья Алексеевна чиройли бошини буриб, эгасиз ҳувиллаб қолган каравотга қаради, икки қоши ўртасида кичкина ажин пайдо бўлди.) Тўсатдан уни Пустезерскка ҳоким қилиб жўнатишипти... Ўша-ўша ойим уни бошқа кўрмапти... Мен шўрликда лоақал шунақа йигит ҳам йўқ, Катерина.

Ёмғир ҳамон имиллаб сепаларди. Ҳаво дим эди. Туман пардаси ортидан аллақандай баҳайбат дарахтлар кўринар, лекин Измайловодаги қарағайларга мутлақо ўхшамасди. Паррандалар бўғотлар остига кириб олган — на сайрар ва на чирқиллар эди. Фақат патлари тўзғиган битта қарға хазон бўлган пичанзор узра пастлаб учиб ўтди. Катерина қувноқ назар билан унинг кетидан тикилар ва маликани огоҳлантиргиси: бу ўғри қарға яна паррандахона томонга кетди, кечаги каби битта сариқ жўжани олиб қочади, дегиси келарди жудажуда... Наталья Алексеевна тирсакларини дераза токчасига қўйди, тақимига тушадиган сочлари чамбарак қилинганиданми — боши оғирлашиб ерга қараб олди. Шу он Катерина унинг оппоқ бўйнига ва энса томондаги майин тукларга қараб: «Наҳотки шундай бўйинни ҳеч ким ўпмаган бўлса? Албатта алам қилади-да!» — деб қўйди ичида ва эшитилар-эшитилмас хўрсинди.

Лекин Наталья бу хўрсинишни барибир эшитди, саркашлик билан кифтини ўйнатди-да, қўлини жағига тираб:

— Энди сен ўз саргузаштингни гапириб бер,— деди. — Фақат ростини айт... Нечта ошиқни кўргансан, Катерина?

Катерина юзини тескари ўгириб, секингина пичирлади:

— Учта...

— Александр Даниловични биламиз. Унгача ким? Шереметьев билан бўлганмисан?

— Йўқ, йўқ!— деди Катерина.— Жаноб фельдмаршалга мен эстонча мазалик сут оши пишириб бердим ва кирини ювдим, холос... У менга ҳечам ёқмади... Йиғлашга қўрқдим, ўзимга-ўзим узил-кесил қилиб,— у билан бўлгандан кўра печни ёқиб, ис тегиб ўлганим яхши,— дедим... Александр Данилович мени ўша куншёқ ундан тортиб олди... Уни яхши кўриб қолдим... Жудаям қувноқ экан, мен билан ҳазиллашиб анчагача ўйнашди, икки миз роса кулишдик... Мен ундан қўрққаним ҳам йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Акамдан қўрқасанми?

Катерина ростини айтиш учун лабини жуфтлади, қора духобадек қошларини чимирди:

— Ҳа... Лекин назаримда, ҳадемай унга ўрганиб кетадиганга ўхшайман...

— Хўш, иккинчиси ким?

— О, Наташка, иккинчиси ошиқ эмасди, у рус солдати, жудаям раҳмдил одам экан, мен уни фақат бир кеча яхши кўрдим, холос... Наҳотки шундай кишини рад этиш мумкин,— уни хафа қилишга кўнглим бўлмади, чунки у мени тулки шапкали, эгри қиличли даҳшатли одамлар қўлидан ажратиб олди... Улар мени ёнаётган уйдан судраб чиқишди, кўйлагимни дабдала қилишди, юзларини тирнасам — қамчи билан уришди, зўрлаб эгарга ўтқазишди... Бирдан у югуриб келди-ю унисини у ёққа, бунисини бу ёққа шундай итариб ташладики, жудаям бақувват экан! «Ҳаҳ лаънати қимизхўрлар! Бегуноҳ қизчага озор бериш уят эмасми ахир!»— дедию мени даст кўтариб обозга опкелди... Миннатдорчилик юзасидан уни хурсанд қилишим керак эди, кошки менда бирор нарса бўлса... Бирпасда қоронғи тушди, иккимиз похол орасида ётдик...

Наталья бурун катакларини жийириб, дағал овоз билан сўради:

— Арава тагидами?

— Ҳа... У менга: «Ихтиёр ўзингда, қизча, истамасанг — кераги йўқ,— деди.— Қиз ўзи ёпишиб қучоқлагандагина бу иш лаззатли бўлади...» Шунинг учун ҳам мен уни ошиқ ҳисоблайман...

— Учинчиси ким?

Катерина сиполик билан жавоб берди:

— Учинчиси эрим, Иоганн Рабе, қирол Карл ҳазрат олийлари Мариенбург гарнизонининг кирасири эди... Ун олти ёшимда пастор Глюк: «Сени мен тарбияладим, Элен Катерин, раҳматлик онангга берган ваъдамни энди бажармоқчиман, сенга яхши эр топдим»,— деди.

— Онанг билан отангни яхши эслай оласанми?— сўради Наталья.

— Унчалик эмас... Отамнинг исми Иван Скаврошчук. Йигитлик чоғидаёқ Литвада Минск шаҳридан, пан Сапеганинг дастидан Эстляндияга қочиб, Мариенбург ёнида кичкина бир дачани ижарага олиб яшаган экан. Биз тўрт ўғил ва икки қиз ўша ерда туғилганмиз, кенжаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

менман... Юртга ўлат келиб, ота-онам ва катта акам ўлганлар. Мени пастор Глюк ўз ҳимоясига олди,— у менинг иккинчи отам. Мен уникида катта бўлдим... Бир опам Ревелда, иккинчиси — Ригада, акаларим ҳозир қаердалигини билмайман. Уруш ҳамманн тўзитиб юборди...

— Эрингни севармидинг?

— Севишга ҳам улгуролмадим... Тўйимиз Иван кунида бўлди... О, бирам яйраб ўйнадикки! Қўлга бориб сайр қилдик, Иван гулхани ёқиб гултожлар тақиб, гулхан атрофида рақсга тушдик, пастор Глюк скрипка чалди. Пиво ичдик ҳамда колбасани майда-майда тўғраб занжабил билан қовуриб едик... Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, фельдмаршал Шереметьев Мариенбургни қамал қилди... Руслар қалъа деворини портлатгач, мен Иоганига: «Қоч тезроқ!..»— дедим. У ўзини кўлга ташладию тиккасига сузиб кетди, шундан кейин кўрмадим уни...

— Уни тезроқ унутишинг керак...

— Мен кўп нарсаларни унутишим керак, зарари йўқ, осонгина унутиб юбораман, мен шунақа,— деди Катерина ва оҳиста жилмайди,— унинг олча ранг кўзлари жиққа ёш эди.

— Катерина, мендан ҳеч нарса яширмай, барини айтдингми?

— Наҳотки сендан яширишга журъат эта олсам?— деди куйиб-пишиб Катерина, шафтоли гулидек бетларидан кўз ёшлари тирқираб оқди.— Агар эсимга тушса, туни билан ухлаёлмай, эрта саҳардаёқ олдингга келиб, гапириб берарман.

— Барибир, сен бахтлисан,— Наталья қўлини жағига тираб, худди қафасга тушган қушчадек яна кўчага қаради. Тугундай нарса нозик томоғидан думалаб ўтди.— Лекин қанча хурсандлик қилмайлик — бизга қийин: биз малика-қизлар учун йўл битта — монастир... Бизни эрга беришмайди, эр олмайди. Ё уятни йиғиштириб, Машка билан Катькадек бебошлик қилиш керак, ё эса... Шунинг учун ҳам опам Софья ҳокимият учун курашда йўлбарсдек тиш-тирноғи билан олишган-да...

Катерина энди энгашиб, маликанинг аламзадалик билан мушт тугилган кўкимтир томирли қўлидан ўпмоқчи бўлганда — пичанзорда сувори кўринди, ёллари ювиган бўйдор ва ориқ отда бир одам яқинлашиб келаверди: плаши жиққа ҳўл, шляпасига қадалган патлар ҳам ивиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

осилиб тушган эди. У Наталья Алексеевнани кўриши билан оқ отдан тушди ва жиловни қўйвориб, дераза томон юрди, шляпасини бошдан олди-да, кўкатга тиз чўкиб, шляпани кўксига босди...

Наталья Алексеевна ҳовлиқиб ўрнидан турди, йўғон қилиб ўрилган бир дона кокили кўксига тушди, юзи чўғдай ёниб, кўзлари нурланиб, лаблари очилди, аъзойи бадани титрай бошлади...

— Гаврила!— деди оҳиста.— Сенмисан? Салом, азизим... Уйга кир тезроқ! Нега тўғри киравермасдан ёмғирда турибсан?..

Гавриланинг кетидан икки ғилдиракли арава етиб келди: кучер ёнида — капалаги учган қиррабурун йигит ўтирарди, ёмғирдан сақланиш учун устига қоп ёпиб олган эди. У дарҳол шляпасини бошдан олди, лекин аравадан тушмади. Гаврила қопқора кўзларини маликадан узмай, сирень тагига яқинроқ борди.

— Салом, Наталья Алексеевна, кўп йиллар соғ-саломат бўлғайсен,— деди нафаси тиқилгандек энтикиб.— Подшонинг топшириғи билан келдим... Сенга ўткир рассом опкелдим, буйруққа биноан бир дилрабонинг портретини чизиб бериши лозим... Сўнгра уни ўқишга чет элга жўнатиш керак... Ҳув ана аравада ўтирипти... Рухсат эт, бирга кирайлик...

6

Анисья Толстая бир хизматчини отга мингазиб, кечки овқатга керакли турли масаллиқ ҳамда ширинлик опкелиш учун Кремлдаги озиқ-овқат омборхонасига жўнатди,— «Шам, шам эсингдан чиқмасин, кўпроқ опкелгин!»— деб кетидан бақирди. Иккинчисини — созанда топиб келиш учун немислар слободасига жўнатди. Ошхона мўрисидан тутун бурқсаб чиқди, соч-соқоли қирилган ошпазлар пичоқларни ишга солишди. Этаклари липпага урилган хизматкор қизлар бурганлар орасида чопқиллаб, жўжаларни тута бошладилар. Бекорчиликдан дангасалашган сарой балиқчилари тўрларини кўтариб, ҳовузда ётавериб дангасалашган зоғора балиқларни тутишга кетишди.

Ўт босиб кетган ҳовузлардан ёмғирдан сўнг туман кўтарилиб, чириган катта кўприкни қоплади (бу кўприк-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан ҳозир ҳеч ким юрмасди) ва ўшанақаси дарахтлар орасидан ўрмалаб, қаср олдидаги пичанзорга ёйилди, эски қаср секин-секин то томигача туман орасига кириб кетди.

Кекса хизматкорлар,— подшо Алексей Михайлович даврида ҳам хизмат қилган қариялар ошхона эшиги олдида, қаролхона ёнида ўтириб, туманга бурканган қаср-нинг гоҳ у, гоҳ бу деразасида шам шуъласи пайдо бўлганини кўришар, тапиллаган оёқ товуши ва хахолаб кулган овозларни эшитишарди... Ҳа, бу ерга ҳам телба-тескари ёшлар янги тартиб билан кириб келди... Шўрлик эски қасрни ўз ҳолига ҳам қўйишмайдики, ёғоч деворини ва тешик томини қор-ёмғирга бериб, тинчгина чириб, умрини тугатса... Зинадан зинага югуриб дам чердакка чиқишади, дам пастга тушиб ҳужраларни титкилашади... Титкилаган билан кошки бир нарса топилса — бурчаклардаги ўргимчак билан инидан мўралаган сичқонлардан бўлак ҳеч нима йўқ...

Наталья Алексеевнага бир гап бўлди ўзи; эрталаб ғамгин эди, Гаврила келди — худо берди: қизил гулдай яшнаб, севинчи ичига сиғмай қолди, ҳар турли ўйин ва қизиқ томошалар ўйлаб топа бошлади, қани энди бирор кишини бир дақиқа ўз ҳолига қўйса, ҳеч кимга тинчлик бермай дам у ёққа, дам бу ёққа югуртирди. Анисья Толстая қаёққа қарашини, нима қилишини билмай довдираб қолди. Малика унга:

«Бугун Валтасар базм-зиёфати бўлади, масхарабозчасига кийиниб овқатланамиз»,— деди.

«Нуричашмим маликам, рождество байрамига ҳали анча вақт бор... Ахир,.. Валтасар подшонинг базми қачақалигини билмайман, кошки кўрган бўлсам...»

«Қасрни қараб чиқамиз, нимаики ғалати нарса топсак, ҳаммасини емаккона палатасига тўплаймиз... Бугун менинг жаҳлимни чиқарма, ўжарлик қилиб гап қайтара кўрма...»

Кўҳна зина тахталари ғижирлади, кўпдан бери очилмаган яшикларнинг занглаган ошиқ-мошиқлари нола қила бошлади... Қасрда у ёқдан-бу ёққа югур-югур бошланди: олдинда — малика Наталья, этагини кўтариб олган, унинг кетида — шам кўтарган Гаврила, ваҳима босиб, кўзлари бақрайиб қолган. Боя отда келаётиб, ғамгин ҳолда қўлини жағига тираб дераза ёнида ўтирган Наталья Алексеевнани кўрган заҳотиёқ уни ваҳима бос-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган эди. Ўша онда Наталья Гавриланинг кўзига худди ёшлик чоғида Санька печь устида айтиб берган эртакдаги Маликаи Соҳибжамолга ўхшаб кўринди... Шаҳзода Иван отини дарахтдан баланд, булутдан паст, нақ деразагача сакратиб, Маликаи Соҳибжамолнинг оппоқ қўлидан узугини юлиб олган...

Андрей Голиков орқада келар, (уни ҳам бирга юришга мажбур қилишганди) — ҳадеб ўнг-сўлига аланглаб қаранаверарди. Кеча Александра Ивановнанинг суратини кўргандан бери ҳамма нарса унга худди туш каби ғалати туюларди. Меньшиковнинг кулча юзли, оппоққина қизлари уни безовта қилар, юраги ҳаприқиб, энтика бошларди. Иккала қиз ҳам шу қадар чиройли ва етилган эдики, баданларининг жозибадор сўлимлигини ҳеч қандай кўйлак бурмалари яширолмасди. Улардан олма ҳиди келар, Андрей кўз узмай уларга тикиларди.

Ҳужраю қазноқлардан аллақанча кийим-кечаклар, ҳозир эсда қолмаган қадимги бичимдаги кўйлаклар, бош кийимлар, аврасп Византия кимхобидан ниҳоятда кенг пўстинлар, чопонлар, белбурма чакмонлар ва кафтанлар, оғирлиги бир пуд келадиган марварид гултожлар — ҳаммасини оқсоч қизлар қучоқ-қучоқ қилиб емаккхонага ташидилар. Пастдаги ҳужралардан бирининг шифти тагида дарчани кўриб қолдилар. Наталья шамни олди-да, оёқ учида кўтарилиб, дарчага қаради:

— Ўша ерга кириб олган бўлса-я!

Анна билан Марфа қўрқиб, ким-кимлаб қолишди:

— Ким?

— Ажина,— деди малика. Қизлар юзларини чангаллаб олишди, ранглари ўчиб, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди. Ҳаммани ваҳм босди. Кекса хизматкор-гўлах нарвон опкелиб деворга қўйди. Гаврила дарҳол нарвонга тармашди — у ҳозир ўзини ўтга ташлашдан ҳам қайтмас эди... Дарчани очди ва қазноққа кириб, қоронғида кўздан ғойиб бўлди. Уни узоқ кутишди,— на овози чиқар ва на қимирлар эди. Наталья хавотир олиб, даҳшатли товуш билан буюрди: «Гаврила! Туш!» Шундан кейин унинг этик товони, тарвайган этаклари кўринди, ниҳоят уст-боши исга беланган ҳолда ўзи тушди.

— У ерда нима бор экан?

— Қайдам,— аллақандай бир нарса кўрингандек бўлди, паҳмоқ юнги борга ўхшайди, назаримда, юмшоқ нарса билан юзимни силагандек туюлди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамма воҳ деб юборди. Оёқ учида шошиб-пишиб ҳужрадан чекинишди ва зинага ёпирилиб юқорига чиқишди, юқорига чиқиб олгандан кейингина Анна билан Марфа чинқира бошлашди. Наталья Алексеевна «ажина кўриш» ўйинини ўйлаб топди. Қасрнинг энг пастқам бурчакларигача текшира бошладилар: зина тагидаги ҳужраларни эҳтиёткорлик билан очиб кўришар, печ тагларига мўралаб қарашар, қаттиқроқ нафас олишга қўрқишар эди... Ниҳоят, ўргимчак уяси босиб кетган қоронғи бурчакда, худди дўзах оловидай ёниб турган бир жуфт ям-яшил кўзни кўришди... Ўтакалари ёрилиб қоч-қочга тушишди. Наталья қоқиниб кетди, йиқилишига сал қолганда Гаврила уни маҳкам ушлаб бағрига босди, малика унинг юраги бир меъёрда уришини, йигитлик жўшқини билан гупиллашини эшитди... Қафти билан Гаврилани туртиб: «Қўйвор»,— деди пичирлаб.

Шундан сўнг Валтасар базмига тайёргарлик бошланди. Кўйлак устидан мис крест тақиб, янги пийма кийиб олган эчки соқолли ҳалиги кекса гўлах яна нарвон кўтариб емакхонага келди. Хунуги чиққан ёғоч деворларга куя еган гиламларни қоқиб безашди. Стол эшикка чиқарилди, полга — гилам устига дастурхон ёзилди: қадимги бобилликлар каби ҳамма ерга ўтириши керак, Гаврила подшо Валтасар бўлади, дейилди. Унга кимхоб кафтан кийгизишди, эски бўлса ҳам қип-қизил, жуда чиройли, аждар суратли эди; елкасига пўстин ташлаб қўйишди (бунақа пўстинни ўтган асрда кийишарди) бошига — подшонинг бувисидан қолган марварид гултожни кийгизишди. Наталья Алексеевна Билқис бўлди: устма-устига кимхоб кўйлаклар кийгизишди, йўғон сочларини ранг-баранг рўмолчалар билан эшиб ўришди, оқсоч қизларни хўроз думидан чиройли патлар юлиб келишга жўнатишди ва бу патларни маликанинг салласига қадашди...

Хўш, Марфа билан Анна ким бўлиши керак? Наталья уларга, эшик орқасига ўтиб, сочларини ёйиб, кўйлак-юбкаларини ечиб ёлғиз ички кўйлакда қолишни буюрди,— ички кўйлаклари нафис сурпдан, узун ва янги эди. Оқсоч қизлар яна ҳовузга чопиб бориб, нилуфар опкелишди-да, Меньшиковнинг қизлари уни бўйнига, қўллари ва сочларига тақиб безашди, нилуфарнинг узун бандлари билан белини боғлашди, шундан сўнг Марфа билан Анна Фрот ва Дажла наҳрининг сув париси бўлди қол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Ҳаммадан Катеринани кийинтириш осон бўлди, унга сабзавот ва мева худосининг номи, бобилчасига — Астарта, юнончасига — Флора исми берилди. Оқсоч қизлар сабзи, укроп, кўк пиёз, ловия юлиб келишди. Катерина чўғдай қизариб анчайин нарсага ҳам, ҳар доимгидек, хандон отиб куларди; ловия билан укропга ўралиб, турли сабзавотдан ясалган тож кийиб, қизил смородина билан қора қанд солинган саватчани ушлаб турар ва шу туришида ҳақиқатан Флорага ўхшар эди...

— Айтгандек рассом-чи, у ким бўлиши керак?— бирдан эслади Наталья.— Бизда ҳабаш йўқ, у ҳабашлар подшоси бўлсин.

Андрей Голиков учун яна бир сирли синоат бошланди: ўнгидами ёинки тушидами — қизлар қўли уни туртиб, силтаб айлантира бошлади, кимхоб ва шойи билан ўраб-чирмашди, юзига қоракуя суришди, бурнига каттакон мис булоқи тақишди ва булоқи билан қимирламай ўтириш лозимлигини айтишди... Андрей шу қадар мамнун, бахтиёр эдики, агар худо унга фаришталар қанотини бериб осмонга учирганда ҳам бунчалик шод-хуррам бўлмасди балки... Ниҳоят, немислар слободасидан учта созанда: скрипкачи, гармончи ва найчи келди. Уларни ҳам бир амаллаб, базмга муносиб кийинтирдилар.

— Энди, кечки овқатга!— Ёстиқ устида чордона қуриб ўтириш, бол ичиш ва чиғаноқдан вино ичиш керак...

Валтасар базм-зиёфати қанақалигини ҳеч ким билмасди. Лаганларда таомлар қўйилган ва шамлар ёқилган дастурхон атрофига ўтирдилар, ҳамма бир-бирига қарар, жилмаяр, лекин ҳеч ким овқатга қўл урмасди... Ниҳоят, Наталья Алексеевна хўроз патларини ўйнатиб, лабларини чўччайтириб, ўша шеърни ёддан ўқий бошлади, бу шеърни Гаврила илгари бир марта қиш кечасида, иссиқ хонада, зарҳалланган гумбазсимон шифтли ҳарамда эшитган эди:

Маҳобатли тоғ узра фароғатда худолар,
Купидоннинг ўқидан юрак-бағри яролар...
«Шўрим қурсин менинг,— дер Юпитернинг ўзи ҳам,—
Оромим йўқ, йўқ эрур дили-дардимга малҳам.
Ташнаи об борлиғим, ичим ёнар тобора,
Қурашурман ишқ ила беҳуда мен бечора...»
Эвоҳ, ҳатто тангрилар Купидондан нолирлар,
Ундай бўлса, бандалар нима чора қилурлар?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Вақтихушлик қилсак-чи! Ғам ила ҳасрат нега?
Нўш этайлик ширин май заҳролуд ўқ шаънига...

Наталья ўқиётганда, каттакон салла остида юзи оқариб кетди. Малика бир қултум вино ҳўплади-да, Анисья Толстая билан полька рақсига тушиб кетди. Созандалар унчалик қатгиқ чалмас, лекин бадандаги ҳар бир томир жўш уриб ўйнайдиган даражада сайратиб чалишарди.

— Катерина билан рақс туш!— дея қичқирди Наталья, Гаврилага кўзини порлатиб. Гаврила ирғиб турди-да, Валтасар пўстинини елкадан ташлади — у бир кечаю кундуз тўхтамасдан рақс тушишга ҳам тайёр эди. Катеринанинг бадани иссиқ, қўлга ёпишиброқ келадиган, оёқлари енгил эди, рақсда айланган сари бошидан олча ва лўвия қўзоқлари тўкиларди. Анна билан Марфа ҳам қўл ушлашиб айлана бошлади. Гиламда шам рўпарасида ёлғиз Голиков қолди, бурнига тақилган булоқи халақит бериб, на овқат еёлар ва на вино ича оларди, лекин бу нарса шод-хуррамлигига заррача таъсир этмас,— най садолари остида Олимпия худолари ҳақида шеър ўқиган маликанинг овози ҳамон қулоғи остида янграрди... Дельфин устида қўлида коса билан ёнбошлаб ётган қипялангоч офатижон гўзал кўз ўнгидан сузиб ўтаверар, ўтаверарди юрагини ўртаб...

Гаврила жуда содда — Катерина билан рақсга туш, дейилдими — худо берди, орқа-олдига қарамай, пошналарини тапиллатиб тушаверди. Лекин бир неча марта Наталья Алексеевнанинг бошқачароқ илжайганини, илгаригидек кўзлари порлаб эмас, хунукроқ боққанини сезса-да, Катеринани тезроқ сабзи ва ошқовоқ ёнига ўтқизиб қўйиши лозимлигини тушунмади... Унинг юзига яна кўзи тушди: малика аламзадалик билан лабларини қимтиб, тишини тишига маҳкам босган эди... Наталья бирдан гандираклаб кетди, тўхтади. Анисья Толстаяни ушлаб қолди, хўроз патли салла бошидан тушиб кетди...

Анисья чинқириб юборди:

— Маликанинг боши айланди!— деди-ю, қўл силтаб созандаларни чалишдан тўхтатди...

Наталья Алексеевна унинг қўлидан юлқиниб, палатадан чиқиб кетди. Шу билан Валтасар базми ҳам тугади. Анна билан Марфа ёлғиз ичкўйлакда юрганларидан уя-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ, ўзаро пичирлашди-да, қочиб қолишди. Катерина кўрқиб кетди, жойига бориб ўтирди-да, уст-бошидаги сабзавотларни олиб ташлади. Гаврила ғамгин ҳолда оёқларини кериб, қўлида лаган билан, киприк қоқиб шамга хўмрайиб тикилганича гилам устида қимирламай туриб қолди. Анисья малика кетидан ўқдай отилиб эшикка чиқди ва бирпасда қайтиб келди-да, тирноқлари билан Гавриланинг қўлига чанг солиб шивирлади:

— Тезроқ ёнига бор, оёғига йиқил, тентак...

Наталья Алексеевна шундоққина эшик орқасида, йўлакда эди: ўзи кўринмаган ой шуъласида йилтиллаган туманга очиқ деразадан қараб турар эди. Гаврила ёнига борди. Томдан барглар устига ёмғир суви чакиллаб томчилагани эшитиларди.

— Сен Москвада кўп турасанми?— унга қарамасдан сўради малика. Гаврила жавоб бериш учун оғиз очмасиданоқ дами ичига тушиб кетди.— Москвада сен қиладиган иш йўқ. Эртагаёқ жўна, келган жойингга... деди-ю кифтини ростлади, Гаврила энди тилга келди:

— Нега бунчалик ғазаб, гуноҳим нима? Эҳ, малика, агар билсанг эди... Қошки билсанг!

Наталья шартта бурилди-да, қоракуя сурилган қошларини чимириб, унга яқинлашди:

— Менга керагинг йўқ, эшитдингми, кет, кет!..

«Кет, кет»,— деб такрорлашни қўймай, Гаврилани итармоқчи бўлиб қўлини кўтарди, бироқ шундай азамат йигитни итариб ташлашга кучи етмаслигини тушунди шекилли, Билқис билагузукларини жаранглатиб, кўтарган қўлини унинг кифтига қўйди, бошини тобора қуйи солиб, ерга қараб олди. Гаврила эса, нима қилганини ўзи билмай, Натальянинг соч фарқига оҳиста лабини теккизиб, устма-уст ўпа бошлади. Малика эса:

— Йўқ, йўқ, кет, кет,— деб такрорларди, холос...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЛТИНЧИ БОВ

I

Пётр Алексеевич парусин курткасини ечиб ташлади, кўйлак енгини шимариб олди-да, Измайловодан совға қилиб юборилган, четларига ток барги нусха гул тикилган лола ранг рўмолча билан пешанасини португал қароқчилари каби танғиб олди,— буни контр-адмирал Памбургдан ўрганган эди. Агар ҳозир ёшлик чоғи бўлганда, палубанинг илиқлигини оёғи билан сезиш учун, этигини ҳам ечиб ташлаган бўларди. Майин шабада елканларни шиширарди, икки мачтали кема — «Катерина» гўё учиб кетаётган қушдек, бир меъёрда силлиқ сузиб бормоқда, унинг изидан бригантина «Ульрика» келмоқда эди. Олисда, денгиз билан осмон туташган жойда — барча елканлари кўтарилган фрегат «Вахмейстер» кўринарди.

Бу кемалар яқинда шведлардан ўлжа олинган,— кутилмаган ҳужум натижасида ажойиб ғалаба қозонилган эди: руслар ўн иккита бригантина ва фрегатларни — командор Лешертнинг босқинчи эскадрасини бутунлай босиб олганди; икки йилдан бери бу эскадра Чуд кўлига бирорта кемани ўтказмас, кўл бўйидаги қишлоқларни ва дачаларни талаб тинчлик бермасди, Юрьевни қамал қилган Шереметьевга орқа томондан таҳдид қилиб хавф туғдирарди. Командор довюрак денгизчи эди. Лекин барибир, руслар уни алдади. Қоронғи тунда, момақалдироқ бошланганда, довул туришидан хавотирланибми ёки бирор бошқа сабаб биланми — нимагадир Лешерт эскадрани Эмбах дарёси денгизга қуйиладиган жойга олиб кирди, ўзи эса «Каролус» номли флагман яхтасида ҳеч нарсага парво қилмай ичиб, маст бўлди. Тонг ёришганда кўзини очди-ю — юзларча қайиқлар, соллар, бир-бирига боғланган бочкалар эскадра томон сузиб келаётганини кўрди. «Иккала бортдан рус пиёдаларига ўт оч!»— деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бақирди командор. Шведлар тўп запалларига порох солишга, лангар арқонларини кесишга улгурмасданоқ, руслар эскадрани бутунлай ўраб олишди-да, қайиқлардан, сол ва бочкалардан граната улоқтириб, тўппонча отиб, кемаларга ёпирилиб чиқа бошлашди... Бундай шармандалик ҳеч бўлган эмас: пиёдалар бутун бир эскадрани асир олди! Командор Лешерт аламига чидолмай, порох сақланган ертўлага тушди-да, яхтани портлатиб юборди,— барча тешик ва люклардан баравар аланга чиқди, даҳшатли гумбурлаган товуш ва тутун билан бирга мачталар, кўндаланг ёғочлар, бочкалар, одамлар, командорнинг ўзи ҳам осмонга отилиб кули кўкка совурилди...

Офтоб орқани куйдириб жазиллатар, шамол юзни оҳиста силаб эркаларди, ясси тўлқин жимирлаб кўзни қамаштирар, Пётр Алексеевич ҳадеб кўзини қисарди. У штурвалда эди, баданимга совуқ ўтсин деб, оёқларини кериб турарди. Кема арқонлари шамолда ҳуштак чалар, кема ортида, сувдаги из тепасида чағалайлар ғағиллаб учишарди. Елканлар, худди лорсиллаган оппоқ кўкракдек, ҳавога тўлган эди.

Уч кун илгари Юрьев қалъаси штурм билан забт этилган, энди Пётр Алексеевич ғалаба билан йўлга чиққан — қўлга тушган Швеция байроқларини Нарвага олиб бормоқда, байроқлар асосий мачта тагига уйиб қўйилганди. Қирол Карлнинг думидан яна битта пати юлинган эди. Бу ҳақда Австрия императорига, Англия ва Франция қиролларига нома юборилган! «Худонинг хоҳиши бирла биз қадимий шаҳримизни етти юз йил муқаддам улуғ князь Ярослав Владимирович рус ерларининг чегарасини мудофаа этмоқ учун барпо қилган Юрьевни қайтариб олдик», дейилган эди.

Пётр Алексеевич ҳеч қачон, масалан, қирол Карлга ўхшаб, ўзини Искандар Зулқарнайн билан тенглаштирган эмас ва бундай нарсани хаёлига ҳам келтирган эмасди, у доимо урушни энг оғир, машаққатли иш, давлат эҳтиёжи, манфаати йўлида кўплаб қон тўкиш, деб ҳисобларди, аммо бу сафар Юрьев ёнида ўз талантига қойил қолди, ўзидан мамнун бўлиб фахрланди: Нарва ёнидан у ерга келгач, фельдмаршал Шереметьев билан унинг ажнабий инженерлари назарида (ҳаммаси машҳур Вобаннинг шогирди) мутлақо бажариб бўлмайдиган ишни ўн кунда бажарди-қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ундан ташқари, йироқдан ўрмонзор соҳилга қараган сайин кўнгли ором олар:— «Яқиндагина шведлар қўл остида бўлган бу соҳил яна бизники, Чуд кўли яна бутунлай ўзимизники бўлди» — деб суюнар эди. Лекин одамзод шунақаки, у кўп олаверса, кўпга эришгандан сўнг ундан ҳам кўпроқни хоҳлаб қолади; ахир, шундай хушҳаво эрталабки пайтда, шундай чиройли кемада сузиб, Карлнинг ичи куйсин учун кеманинг баланд дум томонида улкан крест суратли флот байроғини ҳилпиратиб кетаётган бўлса-ю, кўнгил яна нималарни хоҳлаши мумкин? Бундан ортиқ ҳузур бўлмаса керак. Йўқ, ундай эмас! Айни шу бугун маҳбубаси бутун фикр-хаёлини банд этди, азбаройи соғинганидан бадани қизиб титроқ босди... Уни на мадам деб аташ мумкин, на жазман, у — маҳбуба, жонажон Катерина... Пётр кўйлак остидан кураклари-ни қимирлатар, бурун катакларини йириб, намхуш ҳавони ичига тортар эди... Кема ёғочларининг ва сувнинг ҳиди димоққа урилиб чўмиладиган жойни эслатарди, хаёлан шундай иссиқ кунда чўмилаётган Катерина кўз ўнгида намоён бўларди... Орқадан эсган шамолда ҳилпираган рўмолча гўё Катеринанинг тили билан қулоғига шивирлаётгандек, рўмолча учлари унинг ҳиди билан бурнини ва лабларини қитиқлаётгандек туюларди... Нимани совға қилишни билган бу ливониялик жингалак соч, қалам қош, офатижон... Юрьев шаҳрида ўтакаси ёрилаёзган хотинлар орасида не-не ёқимтой жононлар учради... лекин бироитаси Катерина билан тенглашиб бўпти, таранг бўксасини соллонтириб, ўйноқилик билан йўл-йўл юбкасини ҳилпиратиб бўпти,— ҳаммаси унинг олдидан ўтаверсин... Шунинг учун ҳам унақаларни ёқтирмади, бироитасини юзидан ушлагиси, кўзига тикилгиси, лабини лабига босгиси келмади.

Пётр Алексеевич сабрсизланди, учи тўмтоқ бошмоғининг пошнаси билан палубани дўқиллатиб тепинди. Ўша заҳоти кают-компания эшигини кимдир тарақлатиб, ҳовлиқиб чиқди — чўчиб уйғонган бўлса керак — Алексей Васильевич Макаров зинадан чопиб тушди:

— Шу ердаман, валинеъмат подшоҳим...

Пётр Алексеевич Макаровнинг кема бортида қовушмаган гавдасига, озғин ва сур ранг юзига, қизарган қовоқларига қарамасликка ҳаракат этиб, тиш орасидан вишиллаб буюрди:

— Ёзув асбоби...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Макаров азбаройи шошилганидан трапда қоқиниб кетди. Пётр Алексеевич кетидан, мушук каби «пих» этиб кулиб қўйди. У тезда қоғоз ва сиёҳдон билан кичкина стул олиб келди,— қулоғига бир неча патқалам қистирилганди. Пётр Алексеевич биттасини олди:

— Сен штурвалда тур, маҳкамроқ ушла, қуруқликка ўрганган шўрлик, шундай ушла. Елканларни чайқалтирсанг — арқон билан савалайман...

У Макаровга кўз қисиб, буклама стулга ўтирди, қоғозни тиззасига ёйиб қўйди, бошини қийшайтириб, асосий мачта учидаги соққага ва у ерда ҳилпираган узун байроқчага қараб олди-да, ёза бошлади.

Қоғознинг бир томонига: «Анисья Толстая хоним билан муҳтарама Екатерина Васильевскаяга...» орқа томонга — сиёҳ сачратиб ва баъзи ҳарфларни туширириб қуйидагиларни ёзди: «Салом, хола ҳамда бека, кўп йиллар саломат бўлғайсизлар... Сизларнинг соғлигингиз ва ҳол-аҳволингизни билмоқ истаймен... Биз меҳнатда ва муҳтожликда кун кечирмоқдамиз... Уст-вошимизни ювиб, ямаб берадиган кимса йўқ, айниқса, сизсиз зерикиб қолдик... Уч кун муқаддам шведларга шундай ғалати томоша кўрсатдикким, бу томошадин қирол Карлуснинг ичи куйиб, кўзи қоронғилашиб кетгай... Мен хизматга киришганимдан бери мундоғ ажойиб томошани кўрган эмасмен... Қисқа қилиб айтганда: тангри мадади ила биз қиличбозлик жангги бирлан Юрьев шаҳрини забт этдик... Эндиликда соғ-саломатлигингиз хусусинда фақат хат орқали маълум қилмоқни зинҳор, зинҳор хаёлга келтирмасдин марҳамат айлаб ўзингиз менинг ҳузуримда бўлғайсиз. Токи хурсанд бўлиб, кўнглим таскин топғай... Псков шаҳрига етганингиздан сўнг, қаерга бориш ҳақинда мендан фармон келгунча кутиб тургайсиз, чунки бу атрофда душман яқин... Питер...»

— Мактубни ўқимасдан ўраб печатлагин,— деди Макаровга ва штурвални ундан олди.— Биринчи чопар билан жўнатасан.

Бир қадар енгил тортиб, кўнгли жойига тушгандек бўлди. Қум соат болғачаси кетма-кет икки марта шишани жаранглатиб урди. Демак, соат бир. Ўша онда тумшуқ томондаги тўп гумбурлади, елканлар пирпиради, порох тутунининг ёқимли ҳиди димоққа урилди. Кема командири — қоқсуяк юзида ёшлик ғурури ва қўрслик акс атган капитан Неплюев кўприкчага югуриб чиқди-да, бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўли билан қиличини авайлаб, икки бармоғини учбурчак шляпага теккизиб честь берди:

— Жаноби бомбардир, адмирал вақти, марҳамат айлаб қадаҳ қабул қилғайсиз...

Неплюевнинг кетидан — яшил жун нимча кийган, юзи йилтиллаган, оғзининг таноби қочиб жилмайган ҳолда пак-пакана Фельтен етиб келди. Палубага чиққанда ошпаз қалпоғи ўрнига у ҳам қароқчилар сингари бошига оқ рўмолча боғлаб оларди. Фельтен қалайи патнисда кумуш қадаҳ ҳамда кўкнори уруғи солинган ўрама кулчани подшога тутди.

Пётр Алексеевич қадаҳни салмоқлаб кўрди-да, ачиган буғдой ҳидли жуда ўткир ароқни матросчасига пақ-қос кўтарди ва кулчадан синдириб кичкина-кичкина бўлакларни оғзига ташлаб чайнаркан:

— Кечаси Наровага лангар ташлаб тўхтаймиз,—деди Неплюевга.— Дарёнинг чуқурлигини ўлчаб кўрдингми?

— Наровага ирмоқ қўйилган жойда — ўнг қирғоқ яқинида қумлоқ бор, чап томонининг чуқурлиги — ўн бир фут...[1]

— Жуда соз... Бор...

Пётр Алексеевич жазирама палубада, штурвал ёнида яна бир ўзи қолди. Ичилган ароқдан бадани жимирлашиб ҳузур қилди, дам пишиллаб, дам мийиғида кулиб, уч кун илгари қилинган ажойиб ишни эслай бошлади: бу иш, албатта, қирол Карлнинг ичини куйдириб, кўзларини қоронғилаштириб юборса керак...

2

Фельдмаршал Шереметьев Юрьевни чинакам қамал қилишда сусткашлик кўрсатар, ўзини ҳам унчалик уринтирмасди, қўшинни ҳам; шведларни очликдан тинкасини қуритиб, таслим бўлишга мажбур этиш умидида эди. Ундан келган узундан-узоқ хатларни Пётр Алексеевич ғижимлаб стол тагига ташларди. Фельдмаршалга бир бало бўлди чоғи: икки йил давомида даҳшатли жанглар қилиб, зўр жасорат кўрсатиб келган одам энди қари хо-

[1] Бир фут 30,479 сантиметр. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

тинга ўхшаб, шведларнинг қалъа девори ёнида минғирлаб ҳасрат қиларди нуқул. Нарва ёнидаги лагерга фельдмаршал Огильви ниҳоят етиб келгач (уни Паткульнинг қистовига кўра катта маош — текин овқат, вино ҳамда турли ҳаржлардан ташқари йилига уч минг тилла ефимка тўлаш шарти билан Венадан хизматга олганди), Пётр Алексеевич дарҳол қўмондонликни унга топширди-да, сабрсизлик билан наридан-бери Юрьевга жўнади.

Фельдмаршал Шереметьев унинг келишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Тушлик овқатдан сўнг, айни жазирама туш пайтида, баланд кўтарма орқасидаги обозлар турган жойда, ўз чодирида бемалол хуррак отмоқда эди: пашша таламасин деб юзига ёпган рўмолни Пётр юлиб олгандан кейин уйғонди у.

— Ғовлар орқасида роҳат қилиб ухлаяпсан-да,—бақирди подшо бежо кўзларини ғалати айлантириб.—Юр, қамал ишларини менга кўрсат!

Бундай даҳшатли ваҳимадан фельдмаршал тилдан қолди, оёқларини шим почаларига қандай жойлаганини ҳам билмади, ён-верида на париги кўринди, на қиличи, бош яланг ҳолда отга минди. Ҳарбий инженер Коберт чопиб келди, уйқуси тарқамаганидан у ҳам довдираб, французча кафтанини нотўғри тугмаларди, бутун қамал даврида кўрсатган каромати шуки, русча карам шўрвадан бетлари осилиб, биқинлари чиқиб қолган эди. Пётр от устидан унга хўмрайиб, ғазаб билан имлади. Учови позицияга жўнади.

Бу ерда ҳамма нарса Пётр Алексеевичга ёқмади... Шереметьев қўшинни қалъанинг шарқ томонига ўрнаштириб, шу ёқдан қамалга киришганди, ваҳоланки, бу томондаги деворлар жуда баланд, башняларн бошқатдан янада мустаҳкамланган, қўшимча истеҳкомлари юлдуз шаклида далага туртиб чиққан ва уларнинг олдидаги хандақларга сув тўлғизилган эди. Ғарб томондан Эмбах дарёси шаҳарни бемалол мудофаа қиларди, жануб ёқда бахмал ўт ўсган билқилдоқ ботқоқлик... Шереметьев шарқ томондан чуқур окоплар ва траншеялар орқали ғоят эҳтиёткорлик билан шаҳар девори томон жилган бўлса-да, швед тўпларидан хавотирланган учун девордан анча узоқда эди. Унинг батареялари энг ноқулай жойларга қўйилганди: шаҳарга икки минг дона бомба ёғдириб, баъзи уйларни ёндирган, аммо

www.ziyouz.com kutubxonasi

қалъа деворининг биронта ғиштини ҳам кўчира олмаган эди.

— Хабарингиз борми, жаноби фельдмаршал, ҳар битта бомба менга қанчадан тушаётганидан?— қовоғу димоғ билан сўради Пётр Алексеевич.— Уралдан ташиб келяпмиз... Ана шу бекор кетган икки минг бомбанинг пулини моянангдан тўлашга тобинг қалай?— Подшо унинг қўлтиғидан дурбинни юлиб олди-да, қалъа деворига тўғрилаб қарай бошлади.— Жануб томондаги деворлар путурдан кетган ва паст. Худди мен ўйлагандек...— деди-ю шартта бурилиб инженер Кобертга қаради:— Шу ерга бомба ёғдириш керак, дарвозаю деворларни шу ёқдан бузиш керак. Шаҳарни шу ёқдан олиш керак. Шарқдан эмас. Бу томон қуруқ экан, деб қулайини кўзлаш керак эмас... Бўйнинггача ботқоққа ботсанг ҳам ғалаба йўлини қидириш керак.

Шереметьев баҳслашишга журъат этмади, катта тили буралгандек пўнғирлади, ҳолос: «Ўз-ўзидан тушунарли... Сизга равшан, жаноби бомбардир... Шунча ўйласак ҳам ақлимиз етмаяпти». Инженер Коберт эҳтиром билан, лекин афсуслангансимон кулимсираб, юзларини пирпиратиб деди:

— Подшо аъло ҳазратлари, жанубий девор ҳамда шу томондаги башнянинг «Рус дарвозаси» номли дарвозаси, тўғри, путурдан кетган, лекин барибир унга яқинлашишнинг иложи йўқ, чунки атрофи ботқоқлик... Ботқоқликдан ўтиш мумкин эмас.

— Ким учун мумкин эмас?— бақириб юборди Пётр Алексеевич, узун бўйнини силтади, тепинди, оёғи узангидан чиқиб кетди... Рус солдати ўтолмайдиган жой йўқ... Биз ахир шахмат ўйини эмас, ажал ўйинини бошлаётибмиз...

У отдан сакраб тушди-да, кўкат устига харитани — шаҳар планини ёйди, чўнтагидаги готовальняни очиб, унинг ичидан паргар, чизғич ва қалам олди. Дарҳол планни ўлчашга ва белгилар қўйишга киришди. Фельдмаршал билан Коберт унинг ёнида чўнқайиб ўтиришди.

— Мана бу ерга қўй барча батареяларингни!—«Рус дарвозаси» қаршисидаги ботқоқнинг четини кўрсатди у.— Бундан ташқари, дарё ортига қалъабузар замбараклар ўрнат...— Пётр эпчиллик билан турли чизиқлар чизиб, батареядан отилган ўқлар «Рус дарвозаси» томон қандай бориши кераклигини кўрсатди. Яна паргар

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ўлчаб чиқди. Шереметьев яна чулдиради: «Ўзўзидан тушунарли... масофа олисмас, ўқ бемалол етади...» Коберт кулимсираб қўйди.— Позицияни алмаштиришга уч кун муҳлат бераман... еттинчида тўпвозлик томошасини бошлайман...— Пётр паргар билан чизғични готовальняга жойлаб, уни кафтан чўнтагига солмоқчи бўлди, бироқ чўнтагида — ток баргли гулдор қирмизи рўмолча бор эди, шартта рўмолчани олиб қўйнига тиқди.

У уч кунгача одамларга на дам берди ва на уйқу. Кундузи бутун қўшин шведларнинг кўз олдида, қамал ишларини давом эттирди; милтиқ ва тўп ўқлари ёғилиб турганига қарамай, окоплар қазишар, нарвонларни бир-бирига улашар эди. Тунда эса чироқ ёқмасдан яширин равишда тўпларга ва мортираларга ҳўкиз қўшиб, янги жойга, ботқоқ четига кўчиришар, сузувчи кўприк орқали дарёнинг нариги қирғоғига олиб ўтишарди, батареяларни четан ва кўтарма билан яширишарди.

Қуёш ўрмон устидан энди мўралаб, ғарбий девор тепасидаги чириган тунукалар йилтираши биланоқ, ботқоқликдаги туман орасидан «Рус дарвозаси»нинг башня кунгуралари кўриниб, эрталабки жимжитликда шаҳар печларидан кўкимтир тутун кўтарилган ҳамоно — олтмишта қалъабузар тўплар ва оғир мортиралар еру кўкни ларзага келтирди, икки пудлик ўқлар ва пилиги ёндирилган бомбалар вашиллаганча ботқоқ устидан учиб ўта бошлади. Дарё ортидаги батареялар гумбурлади. Иван Жидок полкининг гренадерлари порох тутуни панасида югуришиб, боғланган шохларни ботқоққа тўшаб, йўл солишга киришдилар.

Пётр Алексеевич жанубий батареяда эди. Бақириш ва ғазабланишга — ундай қил, бундай қил, деб ўргатишга ҳожат йўқ эди, бошини буриб тўпчилар томон қарашга ҳам аранг улгурар: «Ҳай-лю-лю, ҳай-лю-лю», —деб сайрар эди, холос. Азамат тўпчилар бирпасда[1] тўп тиғларини узун дастали чўтка билан тозалашар, халтачаларга порох солишар, ўқларни жойлаштиришар, пиликни тутатиб, мўлжалга тўғрилашар эди...

— Барча батареялардан!— деб бақирарди пақ-пақана полковник Нечаев қонга тўлган кўзларини чақчай-

[1] Оригиналда «Отче наш» дуосини ўқиб улгурмасдан — дейилган. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

тириб; биринчи залпдаёқ шляпаси билан париги бошидан учиб тушганди.— Масофа эскича. Пиликни бос... Ўўўт оч!— Батарея командирлари такрорларди: «Ўўўт оч!»

Ўқлар тўғри бориб теккани, башня кунгуралари қулагани яққол кўринарди; девор тунукаси тутаб, кейин ловиллаб ёнди, бомбалар портлашидан шаҳар уйларига ўт кетди. Томлари найзасимон ибодатхоналарда қўнғироқлар жаранглай бошлади. Қалта кул ранг мундир кийган швед солдатлари дарвозадан чопиб чиқишди ва ҳар ўқ портлаганда сапчишиб, хандақ ковлашга тушишди, ходалар, бочка ва қоплар ташиб келтиришди... Ҳар ҳолда, дарвозалик башня кун охиригача мустаҳкамлигича туриб берди. Пётр Алексеевич батареяларни олдинга суриб дарвозага яқинроқ ўрнатишни буюрди.

Тўпвозлик олти кун давом этди. Иван Жидокнинг гренадерлари тизза бўйи лой кечиб, белигача балчиққа беланиб, билқилдоқ ботқоқликка шох-шабба босишар, тупроқ тўлдирилган кўчма саватлар панасида душман бомбаларидан сақланишарди. Ўлганлар, йиқилган жойида ботиб кетар, ярадорларни опичиб олиб чиқишарди. Шведлар мудҳиш хавф туғилганини пайқаб, бошқа башнядаги тўплардан бир қисмини шу ерга судраб келдилар ва тобора кучли ўқ ёғдиравердилар. Шаҳар тутун ичида қолди. Порох тутунидан ҳосил бўлган учқур булут орасидан қуёш қизариб кўринар ва баданни куйдирар эди.

Пётр Алексеевич батарея ёнидан бир қадам жилмас, порохдан қорайиб кетган бўлса-да, лекин ювинмас, овқатни ўтирмасдан юриб-туриб ейверарди — танлаб ҳам ўтирмасди. Тўпларнинг гумбурлаган садолари остида узоққа бормасдан артиллерия араваси тагида бирпас ухлаб оларди. Ҳаддан зиёда ювошлиги учун:—«Бу ерда бизга ювошлар керак эмас»,—деб олимлигига қарамай инженер Кобертни обозга жўнатди.

Ўн учинчи июлга ўтар кечаси ғира-шира қоронғида у Шереметьевни чақиртирди. Шу кунлар ичида фелдмаршал бутун қўшини билан шарқий томонда шовқин, тўполон кўтариб, қўлидан келганча шведларни қўрқитмоқда эди. Яна қадимги ғайрати қўзиб, уззукун отдан тушмас, бирор камчилик кўрса қамчи билан солар, сўкиб хафа қиларди. Пётр Алексеевични у отишдан тўхтаган батарея ёнидан топди. Атрофини мўйловдор бомбардир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар ўраб олганди — бари эски танишлар — болалик чоғларида Пётрнинг кичик қўшинида машқ қилиб катта бўлган азаматлар эди, ўшанда ёғоч тўплардан шолғом ва лойдан ясалган бомбалар билан князь-кесарнинг суворисини ҳазилакам безовта қилмаганди. Баъзилари бошини латта билан боғлаб олган, баъзиларининг мундири йилтиллаб дабдала бўлганди.

Пётр Алексеевич «Саламандра» номли энг катта тўпнинг тегарчигида нон еб ўтирар эди; бу тўп Тулада мисдан қуйилган ва ҳозир уни совутиш учун икки челак сирка қуйилса ҳамки, ҳамон вишиллар эди. Подшо ковшаниб, айрим сўзларни шошқалоқлик билан талаффуз этиб тез-тез гапирмоқда,— бугунги ишнинг натижасини аниқламоқда эди. Жанубий девор ниҳоят уч жойдан тешилди, энди бу тешикларни душман тўсиб ололмайди. Бомбардир Игнат Курочкин чўғдай қизиган бир неча ўқни дарвозали башнянинг нақ чап бурчагига устма-уст қадади...

— Худди мих қоққандек боплади-қўйди-я! Шундай эмасми? Нима?— хўрозчасига қичқириб юборди Пётр Алексеевич. Башнянинг бурчаги бутунлай қулаб тушди, ҳадемай башня ағдарилиб ер билан яксон бўлади...

— Игнат, қаердасан, кўрмаяпман, яқинроқ кел,— деди Пётр ва найи ғижиллаган трубкасини бомбардирга узатди.— Буни инъом қилолмайман, ёнимда бошқаси йўқ, фақат чекишга... Сендан миннатдорман... ўлмасак — унутмайман...

Игнат Курочкин — бароқ мўйловли, ниҳоятда сипоҳ киши — учбурчак шляпасини бошдан олиб, трубкани оҳиста қабул қилди, тирноғи билан ичини ковлаб кўрди-да, ажинларини буриштириб айёрона жилмайди:

— Тамакиси йўқ-ку, аъло ҳазратлари, ҳечтима йўқ...

Бошқа бомбардирлар хахолаб кулди. Пётр Алексеевич халтачасини олиб қаради,— унда ҳам бир чимдим тамаки йўқ. Худди шу пайт фельдмаршал келди. Пётр Алексеевич суюниб кетди:

— Борис Петрович, тамакинг борми? Бизнинг батареяда на ароқ бор ва на тамаки... (Бомбардирлар яна кулди.) Бизга раҳм қил... (Шереметьев майда мунчоқ қадаб тикилган тамаки халтачасини таъзим билан подшога узатди.) Ҳо! Раҳмат... сен буни бомбардир Курочкинга бера қол, Игнат, ол, сенга инъом қилдим, трубкамни қайтариб берасан, эсингдан чиқмасин...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бомбардирларга жавоб берди-да, анчагача қоқ нонни кусирлатиб чайнаб ўтирди. Шереметьев эса маршаллик ҳассасини биқинига тираб, унинг рўпарасида қимирламай турди.

— Борис Петрович, бундан ортиқ кутиш мумкин эмас,—деди Пётр овози ўзгарган ҳолда.—Одамларимиз аламзада... Гренадерлар неча кечадан бери ботқоқда ётипти... Қийналиб кетди! Мен бочкалардаги қорамойни ёқиб туни билан ўққа тутаман... Сен ишилламасдан, қўшимча мадад учун дарҳол Самохвалов полкидаги московлик ўқчилардан бир батальонини менга юбор — ҳаммаси оғир табиат, довюрак мужик... Сен ўз ишингга қара, аммо худо кўрсатмасин, бекорга одамларимизни ҳалок қилма... Тонг отиши билан ҳужум бошлайман... (Шереметьев қўлини биқинидан олиб чўқинди.) Энди жавоб, бор, азизим.

Ботқоқ четларида ва дарё ортида қорамойлик бочкалар ловуллаб ёна бошлагач, барча батареялардан шу қадар тезлик билан узлуксиз ўт очилдики, шведлар бундай даҳшатни кўрган ҳам, эшитган ҳам эмас. Дарвоза ағдарилди. Истеҳкомлари, четану ғовлари майда-майда бўлиб, тошу тупроқ билан бирга пайраҳалари кўкка соврилди. Шведлар ҳам шу кеча тунн билан ҳужумни кутиб тайёрланишганди: қорамой алангаси шуъласида ўпирилган девор тешикларидан зич найзалар, каскалар ва байроқлар липиллаб кўринарди. Шаҳарнинг ҳамма ёғида бонг садолари янграрди...

Пётр Алексеевич четанлар орқасидаги зовурда чўккалаган ҳолда дурбин билан қалъа томон тикилар эди. Ёнида — қоп-қора кўзлари чақнаб, лаблари қалтираб, лўлибашара, орёллик ёш полковник Иван Жидок турар, азбаройи ғазаби қўзиганидан тишини ғижирлатганини ўзи сезмасди. Тун калта эди; ўрмон ортида осмоннинг шарқ томони яшил тусга кириб ёриша бошлади, юлдузлар сўнди. Кутавериб ҳамманинг тоқати тоқ бўлганди. Лекин Пётр Алексеевич ҳамон шошилмасди. Бирдан Иван Жидок юрак қаъридан чиқариб: «Ииоҳ!» — деб хўрсинди-да, бошини қуйи солиб чайқади. Пётр Алексеевич унинг кифтларидан ушлаб:

— Бошла!— деди.

Иван Жидок четандан сакраб ўтди-ю, энгашганича, ботқоқликдан чопиб кетди. Ўша онда вашиллаб, илондай буралиб осмонга мушак кўтарилди ва пақиллаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёрилди-да, яшил учқунлари атрофга сочилди, кетма-кет осмонга иккинчи ва учинчи мушак чиқди... Тўплар садоси тинди. Бирданига чўккан сукунатдан қулоқлар шанғиллаб кетди. Ботқоқликдаги қизариб-қорайиб кўринган пушталар орасидан одамлар кўтарила бошлади, балчиққа ботиб, олға интила-интила дарвоза томон қўзғалди. Ботқоқликни бошдан-оёқ ғивирлаган солдат босиб кетди. Уларга ёрдам бериш учун москвалик ўқчи роталар найзаларини олға қаратиб, қирғоқ бўйлаб келаверди... Пётр Алексеевич дурбинни кўзидан олди, тиш орасидан ҳаво ютиниб юзини буриштириб: «Иҳ-иҳ»,— деди. Дабдала қилинган истеҳкомда шведларнинг бешта тўпи соғ қолган экан: ёпирилиб ҳужумга ўтган Иван Жидокнинг гренадерларини бешови баравар рўпарадан ўққа тутди. Ботқоқ ёқдан ёлғиз овоз жон-жаҳди билан: «Уррааа!»— деб бақирди. Шведлар тешилган жойдан кетма-кет чиқиб, гўё шодликдан жазаваси тутгандек, руслар томон чопиб келаверди. Ур-йиқит, тўс-тўполон бошланди, бақирган, чинқирган, жаранглаган товушлар эшитилди. Қалъа девори ва дарвоза ёнида тўрт мингга яқин одам минди-минди бўлиб кетди...

Пётр Алексеевич зовурдан чиқди-ю билқилдоқ бахмал ўт устида узун қўнжли этигини шалоплатиб олға томон юрди,— у ҳадеб ёнини титкилар, йўқотган трубкасиними ёки қуролиними — ниманидир қидирарди... Пакана бўйли полковник Нечаев югуриб етиб келди:

— Подшоҳим, у ёққа ўтиш мумкин эмас.

Иккиси тўхтаб, қалъа томонга тикилиб қолдилар.

Пётр Алексеевич унга:

— Солдатлардан юбор, уларга ёрдамлашсин,— деди.

— Подшоҳим, керак эмас...

— Юбор, дедим сенга...

— Керак эмас... Бизникилар швед тўпларини босиб олишди...

— Ёлғон...

— Кўриб турибман...

Ҳақиқатан тўғри, ҳалиги тўплардан олдин биттаси, кетидан яна бири дарвоза томон ўт оча бошлади... Жанг қилаётган гала-гала душман саросимага тушиб, девор тешикларидан ёппасига шаҳарга чекинди...

Нечаев хурсандлигидан кўзлари чақчайиб, йиғи аралаш деди:

— Подшоҳим, ана энди бошланди томоша!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гренадерлар ҳамда москвалик ўқчилар,— қанчасини шведлар бекорга нобуд қилганини билиб бўлмасди,— ғазаби қўзиганидан душманни найза билан санчиб, қилич билан чопиб, тор кўчалардан қувиб то шаҳар майдонига довур қувиб бордилар. У ерда Юрьев коменданти таслим садоси чалиш учун юборган тўрт барабанчини қизиқ устида ўлдириб қўйдилар. Фақат қаср башнясида трубачи пайдо бўлиб, таслим бўлиш ҳақида трубани жон-жаҳди билан хириллатиб чалавергач, даҳшатли қирғин анчадан кейин аранг тўхтади...

3

«Катерина» елканлари туширилган, мачта кўндаланг ёғочларига матрослар миниб олган ҳолда қирғоқ бўйлаб кетган ям-яшил ўрмон соясида оҳиста сузиб келмоқда эди. Тўп отилди, кетидан лангар занжири шарақлаб, кема тўхтади. Ўша заҳоти қайиқ сузиб келди. Қайиқда — узун плаш, пат қадалган шляпа кийган Меньшиков турарди. Унинг қайтарма енги учун инглиз мовутидан камида ўн газ кетган бўлса ҳам ажаб эмас... Пётр Алексеевич борт панжарасига тирсакларини қўйиб, юқоридан энгашиб унга қаради. Александр Данилич қўлини обкашдек эгиб, ўнг қулоғи томон оборib честь берди, шляпасини бошдан олиб, уч марта ёнга қарата силтаб бақирди:

— Виват! Жаноби бомбардирга виват! Улуғ ғалаба билан табриклайман...

— Шошмай тур, ҳозир олдинга тушаман,— деди Пётр Алексеевич йўғон овоз билан,— сизларда қандай янгилик бор?

— Бизда ҳам янгилик йўқ эмас...

— Жуда соз... Айтмоқчи, хатимда тайинлаган нарсани тайёрлаб қўйдингми? У ерда биз лоақал анчайин пиво ҳам тополмадик...

— Куни кеча уч бочка рейн виноси олинди!— деди Меньшиков бақириб.— Бизнинг лагерь Шереметьевникидақа эмас, бизда ҳамма нарса топилади, ҳеч қандай камчилик йўқ...

— Мақтан, ҳа, мақтан,— деди Пётр Алексеевич ва капитан Неплюевни ёнига чақириб, эртага кемаларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

байроқлар кўтарилган ҳамон иккала борт тўпларидан ўт очиш ва қўл байроқчалари билан: «Мард майдонда ўлжа олинди»,— деган сигнал бериб, Швеция байроқларини барабанлар садоси остида қирғоққа, қўшин ёнига туширии ҳақида буйруқ берди. Ёш капитан учун бундай буйруқ — зўр ҳурмат демак, у қизариб кетди, Пётр Алексеевич қаттиқ тикилиб олиб уни баттар хижолат қилди, пировардида:

— Чакки сузмадик, командор, ҳамма иш жойида,— деб қўйди.

Неплюев қип-қизариб терлаб кетди, қаттиқ ҳаяжонланганидан кўзлари ёшланди,— подшо уни эскадра флагмани — командор қилиб тайинлади, тағинам ҳаяжонланмасинми... Пётр Алексеевич бошқа ҳеч нима демади, узун оёқлари билан катта-катта қадам ташлаб, смолаланган бортни бошмоқлари билан тимдалаб, кемадан қайиққа тушди... Меньшиковнинг ёнига ўтирдида, тирсаги билан уни туртиб қўйди.

— Хурсандман, кутиб олганинг учун раҳмат... Демак, сизларни ҳам ғалаба билан табриклаш керак: Шлиппенбахни тор-мор қилибсиз-да, а?

— Тор-мор қилганда қандоғ, мин херц... Аникита Репнин араваларда қуюндай ёпирилиб, Венден ёнида унга ҳужум қилди, полковник Рен эса, менинг маслаҳатимга мувофиқ, бутун суворилари билан шведлар йўлини тўсиб, шаҳарга ўтказмай қўйди. Шлиппенбах ноилож очиқ далада жанг қабул қилишга мажбур бўлди... Шундай пўстагини қоқдикки, қаҳрамон Шлиппенбах ўнтача кирасири билан аранг Ревелга қочиб қутулди.

— Аттанг, бу гал ҳам қочиб қутулипти-да... Хаҳ, ношудлар-ей!

— Жудаям айёр тулки... Барибир энди унда на тўп бор, на байроқ ва на қўшин — қуруқ савлати қолди... Аникита Иванович маст бўлволиб роса йиғлади: «Шлиппенбахни қочириб юборганим унчали алам қилмайди, отини қўлга туширолмаганим алам қилади, холос, от эмас — тулпор!»— деди. Мен унга дашном бериб: «Сен Аникита Иванович, арқон солиб от ушлайдиган қримлик татар эмассан, сен — рус генералисан, давлат миқёсида фикр юритишинг керак»,— дедим. Иккимиз сан-манга бориб қаттиқ сўкишиб қолдик... Яна бир янгилик: Варшавадан чопар келди,— қирол Август сенинг ҳузурингга улуғ элчи юбораётган эмиш... Ўша элчини худди

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нарвадаги қасрда қабул қилинса соз бўларди-да... А? Мин херц?

Пётр Алексеевич унинг вайсашига қулоқ солар, кўзларини қисиб кўм-кўк сувга тикилар, тирноғини ғажир эди.

— Москвадан хат-пат борми?

— Ҳа, яна миянг ачийдиган бўлди: князь-кесардан хат, ёрлиқ, фармонлар келди — бир қоп қоғоз... Гаврила Бровкин йўл-йўлакай Питербургга кириб ўтипти, Измайловодан сенга мактуб келтирди.— Пётр Алексеевич шартта бурилиб унга қаради.— Мактуб менинг ёнимда, ундан ташқари, парникда пишган қовунни барра пўстинга ўраб опкепти, кечки овқат маҳалида маза қиламиз... Измайловода сени жудаям соғинишган эмиш: тўрт кўзлаб кутишяпти, йиғлайвериб кўзларида ёш қолмабди, дейди Бровкин...

— Бе, жудаям лоп уррординг!— Қайиқ ёни билан қумлоқ жойга келди. Пётр Алексеевич сакраб қирғоққа ўтди. Меньшиковнинг чодири шундоққина сув бўйида эди.

Иккиси чодирда кечки овқатга ўтиришди. Пётр Алексеевич эгар кўрпачаси устида букчайиб олиб, овқатдан бош кўтармасди, негаки, Шереметьевнинг лагерида оч қолган эди. Меньшиков эса кўнгли тортмагандек, лагандан чимдиб олар, лекин кўп ичарди, ҳар ичганда, қорнига тортиб боғланган энлик шарфга кафтини қўйиб турарди: чеҳраси очиқ, бетлари қип-қизил, кўкимтир ўйноқи кўзларида шам нури айёрона йилт-йилт қиларди. Пётр Алексеевичнинг озғин ва сокин юзида заррача норозилик асари кўрмаслик учун, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан янги фельдмаршал Огильви тўғрисида ҳикоя қилмоқда эди.

— Олимлигига шубҳа йўқ. Чарм муқовалик китоблардан бир аравасини Венадан опкелди, чодирда уюлиб ётибди. Дабдурустдан бизнинг овқатимизни оғзига олмаслигини такаббурлик билан дангалига айтди... Уйқудан уйғонган заҳоти унга,— ароқ билан тамадди ўрнига,— шоколад билан кофе, оқ нон, тушлик овқатга янги балиқ, анчайин балиқ эмас — фақат налим балиғи, парранда ва бузоқ гўшти керак экан. Бошимиз қотиб қолди, лекин фельдмаршал буюрдими — илож йўқ, топиш керак... Бир айғоқчи чухнани топдим, ёнимдан беш червонс бериб, шоколад билан кофе опкелиш учун Ревелга

www.ziyouz.com kutubxonasi

жўнатдим... Фақат фельдмаршал учун битта сигирни қозиққа боғлаб, уни соғиш учун озода бир қиз топдик... Чодири орқасига ҳожатхона қуриб, қулф осиб бердик... Ҳожатхона калитини ёнига солиб олди, ҳеч кимга бермайди...

Пётр Алексеевич оғзидаги луқмани шошилиб ютдида, кулиб юборди:

— Мен унга уч минг ефимкани бекорга тўлаётганим йўқ, сиз подон осиёликларни ўргатяпти ахир...

— Ҳа, ўргатяпти... Эртасига барча полкларнинг полковникларини чақиртириб тўплади, на отини сўради, на фамилиясини ва на бирон киши билан қўл бериб кўришди, мағрурлик билан гапга тушиб кетди: Австрия императори уни қандай яхши кўргани, қўшинларни походга бошлагани, шаҳарларни қандай қамал қилгани, маршал Вобан, сен энг яхши шогирдимсан, дегани ва тамаки қутисини унга инъом қилгани тўғрисида роса мақтанди... Олган орденларини ва ўша қутичани бизга кўрсатди: қопқоғида — сурати бор, шу билан бизга жавоб берди... Одамгарчилик учун лоақал шоколад билан сийламади ҳам... «Мен яқинда диспозиция ёзиб тайёрлайман, Нарвани қандай забт этиш кераклигини ўшанда тушунасиз»,— дейди... Шу кунгача ёзяпти...

— Бўлди-бўлди...— Пётр Алексеевич сочиқ билан қўлини артди, норжил ёнғоққа юнон афсонасидаги худолар суратини ўйиб ишланган заррин қадаҳни бандидан ушлади-да, бурилган лаби билан кулимсираб — кўзлари камдан-кам кулар эди — шодлик билан деди:— Жонажон дўстим, бир вақтлар йигитлик чоғимизда отамиз Бахусни ва тиниб-тинчимас онамиз Венусни Кукуйда қандай улуғлаган бўлсак, яна ўшандай улуғлаб кўкка кўтарамиз... Қани, мактубни чўз...

Мўм билан елимланган, худди ток баргли гулдор рўмолча каби, хушбўй ҳид — аёл кишининг ёқимли ҳиди гуркираган бу кичкина хат Катерина Василефскадан келганди. (Лекин Анисья Толстаянинг қўли билан ёзилган, чунки Катерина ёзишни билмасди.)

«Нури чашмим, қувончим, подшоҳимга... Сизга, подшоҳим, нури чашмим, қувончим, қовун юбордим, Измайловода ойна ичида пишган, жуда ширин... Маза қилиб енг, подшоҳим, нури чашмим, қувончим, ош бўлсин, соғ-саломат бўлинг... Баъдаз сўз шуки, нури чашмим, Сизни кўрмоқ истайман...»

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жудаям калта ёзипти... Лекин қошларини чимириб, фартугини ғижимлаб кўп ўйлаган бўлса керак,— деди Пётр ҳазил тарзида кулимсираб. Қадаҳни кўтарди. Тиззасига тарс эткизиб урди-да, шартта туриб, чодирдан чиқди.— Данилич, Макаровни чақириб, Москвадан келган почтани биргаликда кўриб чиқ, мен бирпас айланиб келай.

Оқшом пайти, ҳаво дим, қорайган ўрмон ёқдан илиқ смола ҳиди келади. Қаттакон шафақ тобора қорайиб сўнмоқда. Айни тунги парранда қичқирадиган, кўршапалак бош устидан унсиз учиб ўтадиган пайт. Пичанзорда унда-бунда қизарган гулхан кўринарди, Меньшиков билан келган конвой отлари нўхталарини шалдиратарди. Пётр Алексеевич шабнамда пайпоқларини тиззагача ҳўл қилиб, дарё бўйлаб бормоқда эди. Чуқурроқ нафас олмоқчи бўлиб тўхтади. Дарёга тушиладиган сўқмоқ четида яна тўхтади,— у ёқдан асал ҳиди ва аллақандай бўрсиган ис келар, тутунми ё буғми, нимадир сийрак туман сингари кўтарилар ҳамда аниқ овоз эшитиларди, бу — аскиябоз отбоқар солдатнинг овози бўлиши керак; одатда бунақа қизиқчилар бўлган воқеа ва бўлмаган нарсалар тўғрисида ҳикоя қилишни яхши кўради, нимани гапирса, тинглаб ўтириш керак, йўқса— уйқу бермайди. Пётр Алексеевич энди кетмоқчи бўлиб бурилиши билан қулоғига чалинди:

— ...Бе, ҳаммаси бўлмағур гап, нақ алвасти, алвастининг ўзгинаси! Бетайин оқсоч қиз эди, бирам исқирт, ёлғиз ич кўйлакда... Шу аҳволда уни топиб олишган. У билан ётишга кўнгил чопмасди... Мишка, гапим тўғрими? Кейин мен уни фельдмаршалникида кўрдим... Чодирдан лип этиб чиқди-ю, мағзавани тўкиб, қўлини фартукка артиб, оёқларини тапиллатиб, яна чодирга кириб кетди... Ўзиям силлиққина, қўл-оёги енгил... Ўшандаёқ мен, бу қўғирчоқ ерда қолмайди, деб қўйгач эдим... Жудаям эпчил-да!

Кимдир лақмалик билан савол берди:

— Амаки, кейин нима бўлди ўша хотинга?

— Хабаринг йўқми ҳали? Аҳмоқ олдингда, деб бежиз айтилмаган... Ҳозир у бизнинг подшо билан яшаяпти, балиш ейди, ҳазми томоққа пряник чайнайди, тушгача ухлаб, кечгача керишади...

Лақма таажжубланган товуш билан яна сўради:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Амаки, бундан чиқди, ўша хотиннинг тузилиши бошқача экан-да?

— Буни Мишкадан сўра, тузилиши қанақалигини сенга айтиб беради.

Уйқусираган йўғон овоз жеркиб берди:

— Хаҳ жин ургурлар-ей, билмайман, эсимда ҳам йўқ...

Пётр Алексеевич қийналиб нафас оларди... Номусдан бетлари ёниб, ерга кириб кетгудек бўлди... Ғазабдан қони бузилиб, томирлари қорайиб кетди... Давлат шаънига оид бунақа гапларни князь-кесарь эшитса, дарҳол кишанга соларди... Бу солдатларни қамоққа олиш ҳам мумкин эмас! Уят, уят бўлади! Кулгига қолади! Ҳалиям бутун қўшин куляпти: «Уни Мишканинг тагидан тортиб олди», деб. «Ҳа, ўзи айбдор...» Пётр гўё боши билан шўнгигандек пастга томон қадам қўйди — биринчи марта роҳатини кўрган ўша азамат ёнига бормоқчи бўлиб... Лекин аллақандай ноаниқ куч уни тўхтатди, оёқ-қўлини тушовлаб қўйди. Пётр нафасини ростлаб, терлаб кетган пешанасига кафтини босди... «Беҳаё қўғирчоқ, эҳ, Катерина...» Дарҳол кўз ўнгида Катерина лайдо бўлди... Қорачадан келган, қайноқ, ширин, меҳрибон, нима деб айблаш мумкин — заррача айбдор эмас... Ахир, уни олганда ҳамма гапдан хабаринг бор эди-ку... Солдатни ҳам биларding...»

Шудринг босган бурганлар орасидан оёқларини баланд кўтариб ўтиб, сиполик билан пастга тушди. Тутун орасидан уч киши сапчиб турди... «Ким у?»— деди биттаси даҳаллик билан. Пётр Алексеевич тўнғиллаб жавоб қилди: «Менман...» Солдатлар, капалаги учиб, бўлганича бўлди, лекин чаққонлик билан — кўз очиб юмгунча — милтиқларини олиб таёқдай қотиб туришди: рўпарада ўша азамат, бурни кўтарилган, кўзларини чақчайтириб, подшога тикилади, ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам ташлашга тайёр...

Пётр Алексеевич солдатларга қарамасдан сўнган гулханни бошмоғи билан босиб буюрди:

— Чўғдан ол!

Ўртадаги солдат — аскиябоз ҳикоячи — дарҳол тиз чўкди-да, кулни титкилаб чўғ топди, то жаноби бомбардир трубкасига тамаки тўлдиргунча, чўғни у кафтидан бу кафтига олиб кутиб турди. Пётр Алексеевич трубкани тутатаётиб, четда турган солдатга ер тагидан қара-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди... «Шу...» Новча, бақувват, соғлом, келишган солдат эди... Юзини кўролмади...

— Бўйинг неча газ? Нима учун гвардияда эмассан? Отинг?

Солдат уставга мувофиқ бехато, Москва шевасида пинагини бузмай жавоб берди, лекин бунақа бепарволикдан Пётр Алексеевичнинг мўйлови ҳурпайиб кетди...

— Блудов Мишка, Невский драгун полкининг олтинчи рота отбоқари, олти юз тўқсон тўққизинчи йилдан хизматда, бўйим — уч вершок кам уч газ, жаноби бомбардир...

— Тўқсон тўққизинчи йилдан бери жанг қиласану, ҳалиям солдат! Ялқовмисан? Тентакмисан?

— Худди шундай, жаноби бомбардир, ялқов, тентак...

— Аҳмоқ!

Пётр Алексеевич трубкадаги чўғни пуфлаб туширди. Аниқ билардики, агар кетса — туман орасида кўздан ғойиб бўлмасданоқ солдатлар маъноли назар билан бир-бирига қараб қўяди, албатта, кулишга журъат этмайди, лекин бир-бирига қараши турган гап... Озғин қўлини орқасига қилиб, юзини осмонга қаратиб, оғзидаги трубкасидан учқун сачратиб, тез-тез юриб, пастликдан кўтарила бошлади. Чодирга қайтиб, стол ёнига ўтирди, шамни нари суриб қўйди,— томоғи қақраб кетганди,— энтикиб вино ичди. Трубка тутуни билан ўзини пана қилиб:

— Данилич,— деди.—Невский полкида, олтинчи ротада бўйи гвардияга тўғри келадиган новча солдат бор... Бу тўғри эмас...

Меньшиковнинг кўк кўзларида на ҳайронлик аломати сезилади ва на айёрлик, фақат сидқидилдан хайрихоҳлик акс этади...

— Мишка Блудов... Ҳа, биламан... Мен уни кўпдан бери биламан... Мариенбург олинганда унга бир сўм мукофот берилган... Бироқ эскадрон командири уни бергиси йўқ, отларни яхши кўради, отлар ҳам уни яхши кўради, олтинчи эскадрондагидек ўйноқи отлар бутун армиямизда топилмайди.

— Ўша солдатни Преображенский полкининг биринчи ротасига кўчир, ўнг фланговойликка...

www.ziyouz.com kutubxonasi

4

Генерал Горн башнядан тушди-да, бозор майдони бўйлаб кетди: озиб қолган, ингичка оёқларида тайпоқ бошмоқ... Ҳар вақтдагидай дўконлар олдида одам кўп, лекин кундан-кунга молнинг баракаси учмоқда эди, егулик бирор нарса сотиб олиш қийин: бир боғ редиска, қуён ўрнида — териси шилинган мушук, дудланган от гўштидан бўлак ҳеч нарса топилмасди. Ғазабланган шаҳар аҳолиси энди генералга таъзим қилмай қўйган, баъзилар унга орқасини ўгириб тескари қарарди. Одамлар кетидан бир неча марта: «Русларга таслим бўл, қариган шайтон, бекорга ҳалқни қийнамасдан»— деб гап отганини ҳам эшитганди. Лекин генералнинг жаҳлини чиқариб бўлмасди.

Шаҳар соати ўн иккига занг урганда генерал Горн ўз уйи ёнига келиб, зинага тўшалган шолчага товонларини арта бошлади. Озодагина хизматкор аёл эшикни очди ва ўтиришқираб таъзим қилди-да, унинг шлёми билан зилдай қиличини қўлидан олди. Генерал қўлини ювди, вазминлик билан битта-битта қадам қўйиб емакхонага кирди: деразаси ниҳоятда сербар, лекин пастаккина, қавариқ ойнаси яшил ва сариқ ёғдуни унчалик ўтказмасди.

Стол ёнида унинг хотини — аслида графиня Шперлинг, феълн чатоқ аёл; сочлари сийрак, бурунлари отасининг бурнига ўхшаш узун, букчайиқираган уч қизи ҳамда онасининг эркатойи — тумтайган кичкина ўғил бола — ҳаммаси генералнн кутиб турарди.

Генерал Горн ўтирди, бошқалар ҳам, ҳаммаси қўлини жуфтлаб, ичида ибодат дуосини ўқиди. Қалайи кастрюльканинг қопқоғи очилди, гуп этиб буғ кўтарилди, аммо унда бугдан бўлак бирон мазали нарса кўринмади: яна ўша сутсиз ва тузсиз сули бўтқа... Маъюс қизлар бўтқани аранг ютишарди, тумтайган бола эса онасига пичирлаб: «Емайман, емайман»,— деб тарелкани итарар эди. Иккинчисига — кеча қайнатилган қари қўйнинг устухонлари билан пича нўхат келтирилди. Пиво ўрнига сув ичишди. Генерал парво қилмасдан, саргайган сўйлоқ тишлари билан устухонни ғажир эди.

Графиня Шперлинг нон сиртини майда-майда қилиб тарелкага тўғраркан, бидирлаб сўзлай бошлади:

— Турмушга чиққанимдан бери ўтган ўн тўрт йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

ичида нақадар ҳаракат қилсам ҳам, сизга ҳеч тушунол-мадим, Карл... Сизда, заррача бўлса-да ғайрат деган нарса борми ўзи? Сизда оталик ва эрлик қалби борми? Қирол сизга Ревелдан кемаларда ветчина, қанд, балиқ, тузланган эт ва печений юборди... Сизнинг ўрнингизда тўрт болалик бошқа ота бўлганда нима қиларди? Қўлда қилич билан жанг қилиб, кемаларни шаҳарга олиб келарди... Сиз эса, рус солдатлари Ревел ветчинасини маза қилиб еганини бемалол башнядан томоша қиласиз... Менинг болаларим сули бўтқани ютолмай тиқилиб ўлса ҳам сизга барибир... Сизда юрак ўрнида тош бор, мен буни такрорлашдан сира чарчамайман! Сиз — ёвуз одамсиз! Маскарад жангида шармандангиз чиқди-ку... Энди мен Европада ҳеч кимнинг кўзига кўринолмайман... «Э-э, сиз ҳали ўша генерал Горннинг рафиқасимисиз? Руслар ёш боладай қилиб лақиллатган ўша генералнинг-а?»— «Ҳа, афсуски, эрим ўша»,— дейман-да... Шаҳарда ҳар бир баққол хотин сизни, башнядаги қариган турна, деб атаганидан хабарингиз ҳам йўқ... Ниҳоят, бирдан-бир умидимиз — генерал Шлиппанбах бизга ёрдам бермоқ учун Венден ёнида ҳалок бўлмоқда, сиз эса бу ерда совуққонлик билан қўй пайини чайнаб ўтирибсиз, гўё умрингизда энг бахтли кунга етишгандек... Йўқ, етар энди! Кетишга йўл беришингиз керак, мен болаларимни олиб Стокгольмга, қирол саройига боришим керак...

— Кечикдингиз, хоним, жудаям кечикдингиз,— деди Горн, деразага тикилган сарғиш кўзлари ўша қаварик ойна сингари хиралашгандек туюлди.— Биз Нарвада қопқонга тушгандан баттар қамалиб қолдик.

Графиня Шперлинг кружевали чепчигини икки қўли билан бирдан чангаллади-ю, пешанасига туширди.

— Мақсадингиз нималигини энди тушундим,— деди графиня,— менга ва болаларимга хашак ва каламуш едирмоқчи экансиз!

Тумтайган бола бирдан кулиб юборди ва онасига қаради; қизлар йиғламсираб, тарелкага энгашиб олишди. Генерал Горн бир қадар гангиб қолди: бу ноҳақ гап, болаларига хашак ва каламуш едиришни ҳеч қачон хаёлига келтирган эмас ахир! Лекин барибир совуққонлик билан нонуштани тугатди...

Эшик орқасида боядан бери адъютанти Бистрем шпорасини жингирлатиб уни кутарди. Афтидан, бирор ҳодиса бўлганга ўхшарди. Горн ўчоқ тепасидаги ток-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чадан сопол трубкасини олиб тамаки тўлдирди, чақмоқтош билан пиликни ва ундан қоғоз ёндирди-да, трубкасини тутатди ва шундан кейин емакхонага чиқди.

Даҳлизда генералнинг қиличи билан шлёмини ушлаб, кутиб турган Бистрем энтикиб гапира бошлади:

— Жаноб олийлари, руслар лагерида тўсатдан ғалати ҳаракат бошланди, нима бўлаётганини тушунолмай ҳайронмиз...

Генерал Горн яна ўша майдондан юрди: одам тиқилиб кетган, ҳамма безовталанганди. Генерал бошини баланд кўтариб олган, унга қариган турна, деб ном қўйган шаҳарликларнинг юзига қарагиси келмасди. Йиқилиб тушган зинадан юриб башняга чиқди. Ҳақиқатан, руслар лагери қандайдир ғайри оддий тусга кирмоқда эди: шаҳарни ёй шаклида зич қисиб олган қамал иншоотлари бўйлаб рус қўшини икки қатор саф тортмоқда, шарқ томондан чанг булути тобора яқинлашмоқда эди. Олдин фақат от чоптириб келаётган драгунлар кўринди. Кейин сал орқароқда подшо Пётр билан Меньшиков пайдо бўлди. Эскадрон отларининг туёғи остидан кўтарилган сарғиш чанг шу қадар қалин эдики, генерал Горн ижирғаниб юзини буриштирди... Подшо билан Меньшиковнинг кетидан ўн саккизта сариқ атлас байроқни дастасидан ушлаб, жуда баланд кўтарган солдатлар от чоптириб келмоқда эди. Байроқлар шамолда буралган сайин ундаги шер суратлари — қирол герби — ғазаб билан чангалларини ёйиб талпинишарди...

Драгун эскадронлари, подшо, Меньшиков, Швеция байроқлари — бари қамал қўшини олдидан елдай учиб борар, саф тортган солдатлар эса кекирдагини чўзиб, жон-жаҳди билан: «Уррра! Виктория!»[1] деб ваҳшиёна бўкирар эди...

5

Руслар лагерида ҳамма шод-хуррам. Подшо чодири атрофида тўплар баравар ўт очгани Глория бастионидан бемалол кўринарди, залплар саналса — ғалаба

[1] Виктория — ғалаба, қадимги Рим мифологиясида — ғалаба худоси. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

шарафига неча марта қадаҳ кўтарилганини билиш мумкин эди. Генерал Горн русларнинг мақтанчоқлигини билгани учун у ёқдан димоғдор элчи келишини кутиб турар эди. Кутгани тўғри келди. Бирданига подшо чодиридан қирқтача одам ёпирилиб чиқди-да, қўлларидаги қадаҳ ва кружкаларни соллантира бошлади; биттаси отга ирғиб минди-ю Глория бастиони томон ҳайдади, унинг кетидан трубачи жўнади. Элчи отини ўнг-сўлга буриб, отилган ўқларга чап бериб, қиличини суғурди ва рўмолчасини олиб қилич учида баланд кўтарди-да, башня тагида отни тўхтатди; трубачи эгарда энгашиб олиб, жон-жаҳди билан трубани янгратар, учиб юрган қарғаларни ҳуркитарди.

— Пароль, пароль![1]— бақирди элчи.— Преображенский полкининг подполковниги Карпов гапиради.— У маст эди, юзи қизариб, жингалак сочлари шамолда тўзиб кетганди. Генерал Горн башня тепасидан энгашиб жавоб қилди:

— Гапир, қулоғим сенда. Сени отиб ўлдиришга улгирамиз.

— Эшитинглар!— бошини чалқалатиб қичқирди подполковник.— Ўтган ҳафта жума куни тангри мададкор бўлиб, фельдмаршал Шереметьев Юрьев шаҳрини қиличбозлик жангида забт этди. Шаҳар коменданти йиғлаб илтимос этгани учун раҳмдиллик қилиб, мардонавор қаршилик кўрсатганини назарда тутиб, офицерларнинг қиличлари ўзларига қайтарилди, ундан бир қисм солдатларда ўқсиз милтиқлар қолдирилди... Байроқ ҳамда музикадан маҳрум этилди...

Бистрем баланд овоз билан таржима қилар, Горннинг орқасида турган офицерлар ғазабланиб, бир-бирларига қаранишарди: биттаси ўзини босолмай: «Ёлғон айтасан, итвачча рус!»— деб бақирди. Подполковник Карпов қўлини барала чўзиб, йироқдаги чодирни кўрсатди,— у ерда бир тўп одам ҳали ҳам кружка кўтариб турар эди.

— Жаноб шведлар, ўйлаб кўринглар,— Шлиссельбург, Ниеншанц ва Юрьевдаги каби жанг қилиб шарманда бўлгандан кўра, холисона сулҳ тузган яхши эмасми?.. Шу сабабдан бош қўмондон фельдмаршал Огильви сизларга, обрўларинг борида тезроқ Нарвани

[1] Бу ерда: эшит, маъносида. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

топширишни таклиф қилади... Бу ҳақда музокара учун вакилларинг дарҳол чодирга келиши лозим... Сизлар учун қадаҳлар тўлдирилган, виват учун тўплар ўқланган...

Генерал Горн бўғиқ товуш билан жавоб берди:

— Йўқ! Мен жанг қиламан!— Унинг бетлари қапишиб кетган, бурни эса қариликдан чўзилиб сўррайиб қолган, юзида қон қолмаган эди, серпай қўллари қалтирарди.— Тезроқ жўна! Уч минутдан сўнг отишга буйруқ бераман...

Карпов генералга қилич билан салют берди, трубачига бақириб: «Қайт!»— деди-ю, тезроқ кета қолмасдан отини ўйнатиб, башнянинг нариги томонига ўтди. Офицерлар кунгуралар олдига ёпирилиб келишди. Карпов уларга қараб бақирди:

— Ораларингдан ҳали қайси нодон, қайси аблаҳ мени, рус офицерини ҳақорат қилиб, ёлғон айтасан, деди? Таржимон, тезроқ таржима қилиб бер... Қани, юрагинг бўлса, бу ёққа чиқ, яккама-якка майдонда учрашайлик...

Офицерлар шовқин кўтаришди. Биттаси — хирсдай семирган бақалоқ офицер қип-қизариб кетди, шериклари қўлидан юлқиниб чиқди, мушт ўқталиб ўдағайлади... Милтиқ тепкилари шарақлагани эшитилди. Карпов ёл устида чўзилиб ётиб олди-ю, арғумоқни ҳайдаганича башнядан узоқлашди. Икки юз қадамча нарида тўхтади-да, дам отини ўйноқлатиб, дам жиловлаб, рақибини кута бошлади... Ҳадеганда ундан дарак бўлмади. Ниҳоят, дарвоза ошиқ-мошиқлари ғижирлади, кўтарма кўприк жойига тушди, бақалоқ офицер даладан от чоптириб келаверди. Бўйи Карповдан анча баланд, тагидаги оти ҳам каттароқ, қўлидаги швед қиличи ҳам русча қиличдан икки вершок узунроқ эди. Яккама-якка жанг учун у, темир совут кийиб чиққанди, Карповнинг лоақал кафтани тугмаланмаган, кўйлак кружевалариии шамол тўзғитиб халал берарди.

Қоидаи таомилга биноан рақиблар жангдан олдин бир-бирларини сўка бошлашди: биттаси ғазаб билан аллақандай хунук сўзларни айтиб акиллар, иккинчиси московчасига шақиллатиб, болохонадор қилиб боплар эди... Иккиси сўкишиб бўлгач, эгар қайишига ўрнатилган ғилофлардан тўппончаларини олиб, бир-бирларига ҳужум қилишди. Иккиси баравар ўқ узди. Швед қили-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чини биратўла олға томон чўзиб санчмоқчи бўлди, Карпов татарчасига чап бериб, рақиб отининг тумшуғи тагидан ўтиб кетди, айланиб келиб иккинчи тўппончадан унга ўқ узди. Швед тишини такиллатиб сўкинди ва ғазаб билан яна ҳамла қилди,— Карпов лип этиб ўзини от панасига олди ва шу билан жон сақлаб қолди, бироқ душман қиличи отнинг бўйнига санчилди... «Эҳ, отни единг,— кўнглидан ўтказди у,— яёв бардош бериш қийин...» Лекин швед, гўё бирдан уйқу босгандек қилич дастасини қўйворди, гандираклаган ҳолда тўппонча ғилофини чап қўли билан титкилади. Карпов йиқила бошлаган отдан сакраб тушди-ю, совутининг биқин томонини мўлжаллаб, бир неча марта қилич солди ва шведнинг эгарда тобора қаттиқроқ гандираклаб чайқалишини ҳарсиллаб кузатиб турди... «Оббо тўнғиз-ей, жудаям бақувват экан, ўлгиси йўқ»,— деди-да, оқсоқлана-оқсоқлана, ўз шериклари ёнига кетди...

...Тун дала узра соя солди, шабнам тушди; ўқ товушлари аллақачон тугаган, ошпазларнинг оловларидан тутун кўтарилган, жамики жондор дам олиш, ухлаш тараддудида эди, аммо руслар лагери ҳамон тинчимасди. Лагернинг ғарб томонида, худди кўприк қурилган жойда, ҳаракатга келган сон-саноқсиз олов йилтираб кўринар, команда сўзлари шанғиллаб эшитилар, мунгли товуш билан такрорланган: «Уууухнем...» —садоси янграрди. Гулханлар, машъаллар ва фонуслар Нарованинг ўнг соҳилидан анча нарига — то Иван-городгача ёйилиб борарди, липиллаб кетаётган ва бир жойда қимирламай турган бундай чироқлар сал вақт ичида август осмонидаги улуғвор юлдузлардан ҳам кўпайиб кетди.

Тонг ёришгач, Нарва башняларидаги шведлар, катта йўлда қатор тизилиб келаёган баҳайбат қалъабузар замбарақларни ҳамда махсус қамал мортираларини кўрдилар, ҳаммасига ҳўкиз қўшилган ва шу қадар кўп эдики, кети узилмасди. Бир қисми кўприкдан ўтиб бормоқда, лекин асосий қисми йўлдан бурилиб, ўнг қирғоқда, аскарлар тўпланган жойда тўхтамоқда эди.

Генерал Горн шу куни эрталаб отда эски шаҳарга жўнаб, дарё бўйига тақалган Гонор бастионига борди. Ўша ерда ғиштдан қурилган ва ниҳоятда мустаҳкам ҳисобланган баланд истеҳкомга чиқди. Бу ердан дур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бинсизоқ, қуйма ғилдиракли даҳшатли замбарақларни бемалол кўриш ва санаб чиқиш мумкин эди. Генерал подшо Пётрнинг ниятини ва ўз хатосини дарҳол тушунди. Руслар тажрибали эски генерални яна бир карра алдаган эди. Горн шаҳар мудофаасида икки жой ниҳоятда путурдан кетганини унутганди: бири — энг мустаҳкам ҳисобланган бастион Гонор,— буни қалъабузар рус замбараклари бир неча кунда титиғини чиқариши турган гап, иккинчиси — шаҳарни дарё томондан ҳимоя қилувчи Виктория бастиони, бу ҳам Иван Грозний даврида ғиштдан қурилган ва жуда эскирган эди. Икки ой давомида руслар гўё янги шаҳарнинг қудратли истеҳкомларига ҳужум бошлаш учун тайёргарлик кўраётгандек, душманни чалғитиб иш кўришди. Лекин бу томондан ҳужумга тайёрланишган эди. Генерал Горн тепадан қараб, мингларча рус солдатлари шошиб-пишиб ер қазиётганини, қалъабузар замбарақларни Гонор ҳамда Виктория рўпарасига, дарёдан ўтадиган жойларни ҳимоя қилувчи Иван-городнинг қаршисига ўрнатилаётганини кузатиб турар эди. Руслар дарё ортидан понтон кўприклардан ҳужум қилишга тайёргарлик кўрмоқда эди.

«Жуда яхши, ҳаммаси равшан, аҳмоқона қизиқчилик тугади, энди жанг қиламиз,— деб тўнғиллади ўзича Горн ва гўё бирдан ёшаргандек, истеҳком бўйлаб дадил қадамлар билан юра бошлади.— Биз шведларга хос мардликни ёвга қарши қўямиз... Ҳа, бу катта куч». Бир тўда офицерлар томон бурилди.

— Қиёмат шу ерда бўлади!— деди ер тепиниб.— Шу ерда биз, русларнинг тўп ўқларига кўксимизни қалқон қиламиз! Руслар шошиляпти, биз ҳам шошилишимиз керак. Буюраман, шаҳарда белкурак ишлатишга ярайдиган ҳамма одамни тўпланглар. Деворлар қуласа — окопларда, кўчаларда жанг қиламиз... Нарвани русларга бермайман...

Қоронғи тушгач, генерал Горн уйига борди ва стол ёнига ўтириб олиб, чандир гўштни сўйлоқ тишлари билан чайнашга тушди. Графиня Шперлинг бозордаги гаплардан шу қадар ваҳимага тушгандики, ғазабини ичига ютиб, чурқ этмай ўтирар эди. Тумтайган бола ҳўлланган бармоғи билан тарелка четига чизиб:

— Болалардан эшитдим, руслар ҳаммамизни қириб ташлармиш,— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Генерал Горн бир қултум сув ичди, трубкасини шамдан тутатиб олди-да, оёғини чалиштириб ўғлига шундай жавоб қилди:

— Парво қилма, ўғлим, инсон ўз бурчини бажариши керак, энг муҳими шу, у ёғини тангрига ҳавола қил, ўзи меҳрибон, ноумид бўлма.

6

Бу қадар одамни зериктирадиган узундан-узоқ бошқа ҳар қандай нома бўлганда, Пётр Алексеевич аллақачон столдан ошириб саркотиб Макаровга улоқтирган: «Ўқиб чиқ, қисқача қилиб гапириб берасан»— деган бўларди, лекин бу фельдмаршал Огильви ёзган диспозиция эди. Агар фельдмаршалга май ойидан бери қанча маош тўланганини ҳисоблаб кўрилса — ҳозирча шундан бўлак ҳеч қандай иш қилмагани сабабли - бу диспозиция давлатга етти юз тилла ефимкага тушган, озиқ-овқат ва бошқа харажатлар бу ҳисобга кирмайди... Шунинг учун ҳам Пётр Алексеевич трубкасини хўриллатиб ва унга ҳамоҳанг инқиллаб, немисча ёзилган фельдмаршал ижодини чидам билан ўқимоқда эди.

Шамлар атрофида яшил рангли чивинлар айланишарди, афти хунук кўлпашшалар учиб келар, ўзини шамга уриб қаноти куяр ва столда сочилиб ётган қоғозлар устига чалқанчасига тушарди; катталиги чумчуқнинг ярмидай келадиган бесўнақай капалак шам атрофида айланиб қаноти билан уни ўчираёзди (Пётр Алексеевич сесканиб тушди: у ранги совуқ ва фойдасиз ҳашаротларни, айниқса суваракни ёмон кўрар эди). Макаров ирғишлайверибз паригини бошидан тушириб юборди, лекин капалакни чодирдан ҳайдаб чиқарди.

Пётр Алексеевичнинг ёнида, фельдмаршал билан бирга Москвадан келган пак-пакана Пётр Павлович Шафиров оёқларини кериб, ёшланган кўзлари ила жилмайиб, подшонинг лаби қимирлаши билан нима дейишини дарҳол тушунишга ҳозирланиб ўтирар эди. Пётр кўпдан бери унга разм солиб юрар: садоқатли бўлиш учун ақли етарлими, улкан ишлар даражасида муғамбирми, ҳаддан зиёда тамагир, очкўз эмасми?— шуларни билмоқчи бўларди. Шафиров элчилар маҳка-

www.ziyouz.com kutubxonasi

масида оддий таржимонликдан сўнгги вақтда обрўйи ошиб, унвонсиз бўлса-да, улкан шахсга айланган эди.

— Яна янглишипти, чалкаштириб юборипти,— деди Пётр Алексеевич юзини буриштириб, Шафиров узуклар билан безалган жажжи қўлини шартта ёзиб, ирғиб турди-да, энгашиб қаради ва мужмал жумлани дарҳол аниқ таржима қилди.

— Ҳа, шугина гап экан-ку, мен бўлсам, ҳикматли фикрмикин, деб ўйловдим.— Пётр патқаламини сиёҳдонга ботирди-да, қўлёзманинг четига таталаб бир неча сўз ёзиб қўйди...— Бизга оддий бўлгани маъқул... Пётр Павлович, сен фельдмаршал билан кўпдан бери биргасан, айт-чи, арзийдиган одамми?

Шафировнинг тап-тақир қирилган юзи муғамбирона ялпайиб кетди. Лекин у жавоб бермади, лекин эҳтиётқорлик қилгани учун эмас, балки Пётр унинг киприк қоқмас кўзиданоқ дилидаги гапни бемалол топишини билгани учун индамай кулиб тураверди.

— Бизнинг одамлар, жудаям такаббур экан, деб нолишяпти. Солдатлар ёнига боришга ҳазар қилармиш... Билмадим, рус солдатининг нимасидан ҳазар қилиш мумкин, қайси бирининг кўйлагини очиб қарасанг — бадани топ-тоза, оппоқ. Бит фақат обоздаги мужикларда бўлса эҳтимол... Ҳаҳ австрицлар! Бугун эрталаб чодирига кирдим, қарасам — кичкина жомда ювиняпти: бир сувда қўлини ҳам, юзини ҳам ювди, ўша жомга балгам ташлади... Тағин биздан ҳазар қилармиш... Венадан келгандан бери ҳаммомга тушгани йўқ.

— Ҳа, тушгани йўқ, тушгани йўқ...— Шафиров қотиб-қотиб, бармоқ учи билан оғзини тўсиб кулди.— Германияда хўжайин ювинадиган бўлса, чанда сув опкелишади, дейди, хўжайин оёғини ҳам, қўлини ҳам, бошқа жойини ҳам шу чанда ювади... Ҳаммом ваҳшийларга расм, дейди... Жаноб фельдмаршални энг кўп газаблантирган нарса саримсоқ пиёз: руслар саримсоқни қириб ҳам, талқон қилиб ҳам, бутунича ҳам кўп ер экан, боярлар ҳам, кароллар ҳам, дейди. Дастлабки кунлари ҳидига чидолмай бурнини дастрўмол билан тўсиб оларди...

— Йў-ге!— таажжубланди Пётр.— Нега буни олдинроқ менга айтмадинг?.. Ҳақиқатан ҳам саримсоқни жуда кўп еймиз, лекин саримсоқ фойдали нарса, у ҳам ўргансин...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пётр ўқиб чиқилган диспозициясини столга ташлаб, керишди, қўли ва кифтларини қисирлатди, тўсатдан Макаровга:

— Ҳой, ваҳший, манави жирканч чивинларни столдан сидириб ташла, —деди.— Айтгин, фельдмаршалга вино билан стул келтиришсин... Сўнгра, Макаров, ёмон бир одатинг бор: гапни тинглаётганингда нафасингдан одамнинг юзига саримсоқ ҳиди урилади... Тескари қараб нафас олгин...

Фельдмаршал Огильви чодирга кирди: бошида — сариқ парик, эгнида — зар жиякли оппоқ ҳарбий кафтан, этик кўнжлари қайтарилиб, тиззадан пастроқ тушириб қўйилган. Бир қўлида шляпа, иккинчисида таёқча билан таъзим қилди-да, дарҳол гавдасини ростлади,— бўйи жуда баланд эди. Пётр Алексеевич турмасдан, беш панжаси билан стулни кўрсатди: «Ўтир. Соғлиғинг қалай?»— Шафиров яқинроқ бориб, ширин табассум ила таржима қилди. Фельдмаршал обрў сақлаб, сиполик билан бир оз ялпайиб, қорнини чиқариб, таёқча ушлаган қўлини ёнга томон чўзиб бемалол ўтирди. Юзи сарғишроқ, тўла, лекин сўник, лаблари юпқа, боқиши— тан олиш керак — мардонавор эди.

— Сен ёзган диспозицияни ўқиб чиқдим, чакки эмас, бамаъни, оқилона.— Пётр Алексеевич стол тагидан шаҳар планини олиб столга ёзди, ўша ондаёқ план устига чивину қўлпашша ёпирилди.— Фақат бир масалада фикрингга қўшилмайман: Нарвани уч ойда эмас, уч кунда олиш керак! (Шундай, деган маънода лабини қимтиб, имлаб қўйди.)

Фельдмаршалнинг заъфарон юзи ғалати бўлиб, гўё орқада турган биров ёрдамлашгандай, чўзилиб кетди, малла ранг қошлари кўтарилиб париги тагига бориб қолди, оғиз четлари осилиб, кўзлари қинидан чиқаёзди.

— Йўқ, йўқ! Қизишиб кетганимдан уч кунда девордим... Савдолашиб кўрамиз, бир ҳафтада, шунга келишдик... Сенга шундан ортиқ вақт бермайман.— Пётр Алексеевич жаҳл билан харита устида ўрмалаган чивину пашшаларни чертиб ўлдира бошлади.— Батареялар учун жойни яхши танлабсан... Бироқ кечирасан, боя мен, дарё ортидаги барча тўпларни буриб Виктори билан Гонор бастионларига қарши қўйиш тўғрисида ўзим

www.ziyouz.com kutubxonasi

буйруқ бердим, чунки генерал Горннинг Ахиллес товони[1] худди шу ерда...

— Аъло ҳазратлари,— ўзини йўқотиш даражасида бақириб юборди Огильви,— диспозицияга биноан биз Иван-городни бомбардимон қилишимиз ва шу ердан ҳужум бошлашимиз керак...

— Керак эмас... Генерал Горн худди шундан умидвор: руслар Иван-город билан овора бўлади, деб ўйлайди. Иван-город бизга халақит бермайди, фақат понтон кўприкларимизга пича ўқ ёғдиради, холос... Диспозициянинг бошқа томонлари оқилона, сен қирол Карл тўсатдан зарба бериши мумкинлигини кўзда тутибсан, бу яхши... Етти юзинчи йилда шунақа зарба натижасида худди шундай позицияда жойлашган армияни ҳалокатга учратганман... Сен қарши зарба тайёрламоқчисан, бироқ бу жуда мураккаб ва қимматга тушади, бунга анча вақт ҳам кетади... Менинг қарши зарбамдан мақсади — тезроқ Нарвани олиш... Ғалабага тезроқ эришмоқ лозим, мутлақо эҳтиёткорлик орқали эмас... Сен тайёрлаган диспозиция ҳарбий фан билан Арасту ҳукамонлигининг самараси фақат... Менга эса Нарва ҳозир керак, оч одамга нон қанчалик зарур бўлса, менга Нарва шунчалик зарур... Оч кутмайди...

Огильви шойи рўмолчасини юзига босди. Ёш ваҳшийнинг мантиққа тўғри келмаган мулоҳазалари кетидан қувиб етиш, унга эътироз билдириш фельдмаршал учун жуда қийин эди, бироқ баҳслашмасдан рози бўлишга иззат-нафси қўймасди. Шу қадар терлаб кетдики, артавериб дастрўмоли жиққа ҳўл бўлди.

— Аъло ҳазратлари, тақдир менга омад бағишлаб, ўн битта қалъа ва шаҳарларни олишда мени бахтиёр этган,— деди-да, гилам устида ётган шляпасига рўмолчани ташлади.— Намюрни штурм қилганимда маршал Вобан, сен менинг энг яхши шогирдимсан, деб мақтади ва ўша ерда, инграётган ярадорлар орасида, жанг майдонида менга тамаки қутичасини инъом қилди. Диспозицияни тузатаётиб мен ўз ҳарбий тажрибаларимда рўй берган бирон та воқеани эсдан чиқармадим, ҳамма нарсани ўлчаб ва ҳисоблаб кўрдим. Лекин камтарлик ва

---

[1] Қадимий юнон мифологиясида қаҳрамон: унинг энг заиф жойи — товони экан. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишонч билан огоҳлантираманки, агар менинг хулосаларимдан заррача четга чиқилса, оқибати ҳалокат билан тугайди, мен бунга аминман. Тўғри, аъло ҳазратлари, мен қамал муддатини узайтирдим, бунинг бирдан-бир сабаби шуки, ҳозирча рус солдати чинакам солдат бўлганча йўқ, у фақат қурол кўтарган мужик. Унда ҳали тартиб-интизом деган нарса тўғрисида заррача тушунча йўқ. Уни сўзсиз буйруққа итоат этишга ўргатмоқ учун унинг елкасида ҳали кўп таёқ синиши керак. Ўшандагина уни интизомга ўргатиш мумкин, ўшанда қўл қимирлатишим билан нарвонларни кўтариб, ўқ ёғилиб турганига қарамай қалъа деворига чиқишига кўпгина тўқ бўлиши мумкин...

Огильви худди сайроқи қуш каби кўзларини юмиб-қираб, ўз овозига маҳлиё бўлиб қулоқ соларди. Шафиров унинг узундан-узоқ насиҳатомуз нутқини ихчамлаштириб русчага таржима қилар эди. Огильви гапини тугатиб Пётр Алексеевичга қаради, қаради-ю ўз қадр-қимматига номуносиб тарзда дарҳол оёғини йиғиб стол тагига тиқди, қорнини ичига тортиб олиб, таёқчаси билан бирга қўлини пастга туширди. Пётрнинг юзи даҳшатли тусга кирганди: бўйни гўё икки баравар чўзилган, оғзи маҳкам юмилиб, лунжлари ғазабдан шишиб кетган, кўзлари кенгайиб — худо кўрсатмасин, худо кўрсатмасин — ўт-аланга сочишга тайёр эди... Подшо ҳарсиллаб нафас оларди. Ўлган чивинлар орасида чўзилиб ётган калта енгил баҳайбат қўли ниманидир қидирарди... патқаламни топди... синдириб ташлади...

— Шундай дегин, рус солдати — қурол кўтарган мужик!— деди бўғиқ овоз билан подшо.— Мен учун яхши... Рус мужики ақлли, жасур, зеҳни ўткир... Милтиқ кўтарган мужикдан қўрқмайдиган душман йўқ... Бу фазилатлари учун калтаклаш керак эмас! Тартибни билмайдими? Жуда яхши билади. Агар билмаган жойи бўлса, бунинг учун унда айб йўқ, айб офицерда... Менинг солдатимни калтак билан уриш лозим бўлса, мен ўзим ураман, уни сенга урғизиб қўймайман...

... Чодирга генерал Чемберс, генерал Репнин ва Александр Данилович Меньшиков кирди. Учови Макаровнинг қўлидан биттадан қадаҳ олди-да, дуч келган жойга ўтирди. Пётр шам ёнида чивиндан елпиниб, тик турган ҳолда фельдмаршал Огильвининг қўлёзмасини кўздан кечираркан, қалам билан харитага чизиб, баъзи жой-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларига белги қўйиб чиқди-да, ўзи тузган диспозицияни ҳарбий кенгашга ўқиб берди; бир неча соатдан сўнг шу диспозицияга биноан бутун қўшин, батареялар ва обозлар ҳаракатга келди.

7

Бир гала бош яланг хотин-халаж генерал Горннинг отига ёпишиб, жиловидан ва узангисидан ушлади, чарм кафтан этагига тармашди... Ҳаммаси озиб, ёнғин тутуни ва қурумида қорайиб кетган, кўзларини олайтириб бақиришарди: «Шаҳарни топшир, тезроқ топшир...» Унинг соқчилари — қовоғи солиқ кирасирлар эса, хотинлар ўраб олганидан генерал ёнига боролмасдилар... Рус тўпларининг даҳшатли ҳайқириғидан шаҳар майдонидаги тўсинлари куйган, черепицалари чил-чил бўлган уйлар ларзага келарди. Шаҳарга барча тўплардан ўқ ёгдириш бошланганига еттинчи кун бўлган эди. Кеча генерал Горн фельдмаршал Огильвининг хушмуомалалик билан қилган таклифини — бекорга шаҳарни даҳшатли штурмга ва бостириб кирган аскарлар қаҳр-ғазабига дучор қилмаслик тўғрисидаги оқилона таклифни қўрслик билан рад этди. Генерал тузукроқ жавоб бериш ўрнига фельдмаршалнинг хатини ғижимлаб элчининг юзига отди. Буни бутун шаҳар эшитди.

Горн нурсиз кўзлари ила хотинлар юзига тикиларди, уларнинг афти қўрқувдан ва очликдан бужмайиб кетганди, бу — урушнинг афт-башараси! Генерал қиличини ғилофдан чиқарди-да, ёмон томони билан хотинлар бошига уриб, отини ҳайдай бошлади. «Ўлдир, ўлдира қол! Отингга бостириб ўлдир!»— деб бақиришарди хотинлар. У гандираклаб кетди, уни тортқилаб эгардан туширишди. Бирданига гумбурлаган даҳшатли товушдан ҳамма ёқ ларзага келди, ҳаттоки генералнинг метин юраги ҳам сесканиб кетди. Эски шаҳарнинг черепицали томлари ортидан сарғиш-қора тутун аралаш аланга осмонга кўтарилди: порох сақланган ертўлалар портлаган эди. Эски маҳкаманинг минораси чайқала бошлади. Қий-чув, фарёд кўтарилди, одамлар тумтарақай бўлиб тор кўчаларга урди ўзини, бирпасда майдон ҳувиллаб қолди. Генерал қиличини эгар устида кўндаланг ушлагани ҳолда отини Ганор бостиони томон ҳайдади. Дарё ортидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

отилган тўп ўқлари қияламасига учиб, гўё шар каби тобора катталашиб келарди-да, кўчага томон энгашган уйлар томига, эгри-бугри тор кўчаларга вашиллаб тушар ва пилдироқдай чарх уриб портларди... Генерал ҳуркиб ўйноқлаган отини бесўнақай шпоралари билан ниқтайвериб биқинларини қонатиб юборди...

Гонор бастиони чанг ва тутун ичида қолди. Генерал уюлиб ётган ғиштларни, ағдарилган тўпларни, оёғи осмонга бўлиб йиқилган отларни ва ўпирилган каттакон тешикни кўрди. Девор тагигача қулаб тушган эди. Юзидан жароҳатланган, чангга беланган полк командири унинг ёнига келди. Генерал унга: «Буюраман, душманни шаҳарга ўтказилмасин»,— деди. Қомандир ўпкаланган-симон ё масхараомуз тарзда, қандайдир ғалати назар билан унга қаради... Генерал тескари қараб олди-да, отни ҳайдаб, тор кўчама-тор кўча Виктория бастионига жўнади. Ловиллаб ёнаётган уйлар ёнидан ўтаётганда чарм курткасининг енги билан бир неча марта юзини тўсишга мажбур бўлди. Бастионга яқинлашгач, тўп ўқларининг вағиллаб учиб ўтаётганини эшитди. Руслар бехато отмоқда эди. Бастион деворларининг дам у томони, дам бу томони кўпчиб бирдан ҳавога кўтарилар ва қулаб тушарди. Горн отдан тушди. Қулча юзли, сутдай оппоқ ёноқлари қип-қизил солдат отни ушлади, лекин генералдан кўзини опқочди. Генерал унинг ияги тагига қўлқопи билан муштлади-да, қулаган ғиштлар устидан юриб, бутун қолган девор устига чиқди. Шу ердан қараб штурм бошланганини кўрди...

Меньшиков сузувчи кўприкда, ингермандланд полкининг пакана ўқчилари орасида қилич ўйнатиб югурар ва оғзини катта очиб бақирар эди. Солдатлар ҳам жонжаҳди билан бақирарди. Иван-городнинг баланд деворлари устидаги чўян тўплар уларни ўққа тутар, ўқлар ҳавони ёриб, бошлар устидан вашиллаб ўтар, бомбалар сувга шалоплаб тушарди. Меньшиков кўприк четига чопиб келиб, чап қирғоққа сакраб ўтди ва кетига қайрилиб, этаги билан ишора қилди: «Олға, олға!..» Елкаларида сумка билан букчайиб кўринган ўқчилар зич ҳолда баравар олға интилишар, бироқ унинг назарида жойидан қўзғалмай депсиниб тургандек туюларди... «Тезроқ, тезроқ!»— деб қистарди Меньшиков ва шу ерда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

шу онда кашф этган беҳаё сўзлар билан болохонадор қилиб сўкарди.

Бу ерда, дарёнинг чап қирғоғида, Виктория бастионининг қалъа девори билан дарё орасидаги чўзинчоқ ер торлик қилганидан солдатлар тиқилишиб, бир-бирларини итаришиб, юришини секинлатишга мажбур эди, димоққа қўланса тер ҳиди уриларди. Меньшиков тизза бўйи сув кечиб, колонна олдига чопиб ўтди: «Барабанчилар, олдинга ўт! Байроқ — олға!» — деб команда берди. Иван-городнинг тўплари дарёдан ошириб колоннани ўққа тутар, ўқлар шалоплаб қирғоқ четига тушар ва сувни тўлқинлантириб деворга урарди, ўқ парчалари одамларга тегар, сақичдек ёпишиб куйдирарди. Олдинги сафдагилар ўпирилиб тушган ғишт уюмларидан ёпирилиб чиқмоқда, гоҳ тойиб кетиб, гоҳ қўлларини лапанглатиб, девор тепасига интилишмоқда... Барабанлар тараклади... Девор чўққисига чиқиб олган ўқчиларнинг ҳайқириғи эшитилди, янада қаттиқроқ янгради... Чўққи ортидан швед тилда додлаб бақирган хирилдоқ овоз эшитилди... Залп янгради... Ҳамма ёқни тутун қоплади... Ўқчилар чўққининг ўпирилган жойидан ошиб шаҳарга бостириб кирдилар.

Ҳужумчиларнинг иккинчи колоннаси генерал Чемберснинг олдидан ўтмоқда эди. У баланд бўйли отда эди, от барабан оҳангига монанд бош ўйнатарди. Генералнинг эгнида — ғишт билан ишқалаб йилтиллатилган мис совут (бу совутни фақат тантанали маросимларда киярди), қўлида — худди қизиган бомбага ўхшаш қипқизил оғир шлём, қиррабурун юзини солдатлар кўрсин учун жўрттага уни ушлаб турар эди. Генерал хириллаб бепарволик билан нуқул: «Довюрак рус солдатлар — олға!.. Довюрак рус солдатлари — олға...» — деб такрорларди.

Колоннанинг бошида — преображенлик батальон, пичанзордан тез-тез юриб Гонор бастионига яқинлашмоқда,— ҳаммаси новча, мўйловдор, гирдиғум солдатлар: кичкина учбурчак шляпалари бостириб кийилган, найзалар милтиққа қадалган,— ўқ отилмасин, фақат найза ишлатилсин, деб буйруқ берилган. Батальонни подполковник Карпов бошлаб бормоқда. Ҳозир унга руслар ҳам, ўпирилган жойдан шведлар ҳам тикилиб турганини Карпов биларди. Шунинг учун у каптар сингари олиф-

www.ziyouz.com kutubxonasi

талик билан кўксини кериб, тумшуғи кўтарилган ҳолда, кетига қарамасдан батальон олдида қадам ташлаб борарди. Унинг кетида тўрт барабанчи зўр бериб барабан чаларди. Ўпирилган жойга эллик қадамча қолганда ҳам Карпов қадамини тезлатмади, фақат кифтлари сесканиб кўтарила бошлади, холос. Уни кўриб солдатлар оёқ олишдан адашди, орқадагилар олдиндагиларни қисиб, бостириб келаверди. Барабанлар «тарака-тум, тараката-тумга» олиб сайрарди. Ўпирилган жойдан темир каскалар, милтиқ тиғлари секин-секин кўтарилди... Карпов: «Қуролни ташла, аблаҳлар, таслим бўл!»— деб бақирди-да, қиличини яланғочлаб, тўппонча ўқталиб, шведлар залпига қарши олға ташланди... Ярқ этди, қарсиллади, порох тутуни юзига урди... «Наҳотки, тирикман?— суюниб кетди подполковник Карпов ва ўша ондаёқ, кифтларини сескантирган ваҳимадан асар ҳам қолмади... Қўли қичиб, қиличбозлик қилгиси келиб кетди... Қиличдан ўтказиб хумордан чиқиш учун рақиб қидирди, бироқ кечикди: солдатлар ундан олдин ишга тушиб кетганди. Карпов преображенлик азаматларнинг кенг елкаларини, худди паншаха билан ишлаётгандек, мужикчасига найза санчаётган қўлларини кўрди.

Учинчиси колонна — Аникита Иванович Репнин бошчилигида — бир-бирига уланган нарвонларни кўтариб, ярим вайронага айланган Глориа бастионига ҳужум қилди. Шведлар девор тепасидан солдатларга ўқ ёғдиришар, тош отишар ва ходаларни думалатишарди, смола солинган бочкаларни ёқиб, деворга тармашганлар устидан қуйишга тайёрланмоқда эдилар. Аникита Иванович чайир отда, дарвозалик башня тагидан туриб,— бесўнақай қайтарма енги шимарилган — муштини дўлайтириб ингичка овоз билан ҳаҳалаб, нарвонга чиқаётган солдатларга далда берарди. Бир солдатни, яна биттасини уриб, итариб энг тепадан қулатишди... Лекин — худо меҳрибон — солдатлар қаҳр-ғазаб билан нарвонларга тармашиб, ғуж-ғуж бўлиб чиқа бошладилар. Шведлар оловли бочкаларни ағдаришга улгуролмасданоқ бизникилар аллақачон девор тепасига чиқиб олишди.

Графиня Шперлинг дам-бадам болаларини қўлидан ушлар, гўё уларни қайтадан санаб кўрмоқчига ўхшарди. Иргиб туриб, кўчага қулоқ соларди: ўқ товуш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари, олишаётган жангчиларнинг ваҳшиёна ҳайқириғи тобора яқиндан эшитиларди... Графиня бармоқларини чалиштириб, қўлларини қайириб олға чўзар ва оғзини қийшайтириб, аламзадалик билан пичирлар эди: «Сен шуни хоҳладинг, золим, сен, сен, қайсар, тошюрак чол...» Қизлар йиғлаб чинқиришар: «Ойи, бас қил, керак эмас»,— деб ялинишарди. Бола эса муштини оғзига солиб, опаларининг йиғлашини томоша қилар эди...

Кўчада ғилдираклар шалдиради, графиня дераза ёнига чопиб борди: оёғи синган от турли рўзғор буюмлари ортилган аравани судраб ўтмоқда эди, тугун кўтарган хотинлар арава кетидан югуришар: «Қасрга қочинглар, қасрга! Тезроқ қочинглар!»— деб бақиришарди... Тўрт солдат носилка кўтариб ўтди, яна носилкалар, носилкаларда ранги оқариб кетган ярадорлар... Сўнгра, қоп орқалаб букчайиб кетаётган чолни — гаровга пул берадиган машҳур бойни кўрди графиня: қўлтиғида чўчқа боласи, мечкай чинқирар, чол эса туфлиларини шипиллатиб йўрғалар эди... Бирдан мечкайни ҳам, қопни ҳам ташлади-ю, қочиб қолди... «Воо-ой!»— жон азобида инграган овоз эшитилди... Графиня майдоннинг нариги четида турган генерал Горнни кўрди... У қўлини силтар ва аллақаёққа ишора қилар эди... Оғир совутли кирасирлар унинг олдидан от чоптириб ўтиб кетди... Генерал гандираклаган отини бир неча марта қилич билан урди — юзи қорайиб кетган, тишлари оппоқ, бўри тишидай, ҳаммаси кўринди — отини баланд сакратиб ҳайдаганича торкўчага кириб кўздан гойиб бўлди... «Карл! Карл!— графиня даҳлизга чопиб чиқди-да, эшикни очиб юборди:— Карл! Карл!...» Шу пайт графинянинг кўзи русларга тушди,— улар ҳувиллаб қолган майдон бўйлаб, уйлар ёнидан ўтиб боришар, деразалардан мўралашарди... Юзлари катта, сочлари узун, шапкаларида — мисдан ясалган бургут сурати....

Графиня шу қадар қўрқиб кетдики, турган жойида анграйиб, таёқдай қотиб қолди; кўчадан ўтаётган солдатлар уни эшик тепасига осилган комендант байроғини бир-бирига кўрсатишарди. Бир тўда солдат графинянн ўраб олди, қўлини бигиз қилиб, қизишиб, жаҳл билан гапира бошлади... Биттаси — япалоқ юзли, ранги совуғи — уни туртиб-итариб, уйга кирди... Уни бозорда-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги оддий хотинга ўхшатиб туртгандан кейин графинянинг хўрлиги келди, кўпдан бери юрагини эзиб юрган алам бирданига нафратга айланиб, умрини хазон қилган эри кекса генерал Горн ҳам, шунчалик азоб-уқубат ва даҳшат келтирган руслар ҳам кўзига балодай кўриниб кетди... Графиня япалоқ юзли солдатга маҳкам ёпишди-да, даҳлизга судраб чиқди ва илондай вишиллаб, энтикиб, узуқ-юлуқ сўзлар ёғдирди, унинг юз-кўзини тимдалашга тушди, тишлади, тиззаси билан тепа бошлади... Солдат гангиб қолганидан жини қўзиган графинянинг зарбини даф этиб ўзини ҳимоя қиларди... Иккиси баравар ерга йиқилди... Солдатлар аёл кишининг бу қадар баттоллигидан ҳайрон қолиб, уни четга судраб кўришди — бўлмади, жаҳл билан ёпирилиб ниҳоят солдатни ажратиб олишди, ора очилгач, муккасига чўзилиб ётган графинянни кўрдилар: боши қийшайиб қолган, юзи хунуклашиб, кўкариб кетганди... Бир солдат унинг юбкасини тушириб, очилиб қолган сонларини ёпиб қўйди, иккинчи солдат, эшик олдида турган уч қиз билан ўғил болага хўмрайиб қаради... Бола у оёқдан-бу оёққа босиб товуш чиқармасдан, йиғламасдан чинқирар эди... Солдат шерикларига қараб: «Қўй, жин урсин буларни, бари ҳаромдан тарқаган, юринглар, кетдик бу ердан, йигитлар!»— деди.

Чоракам бир соат ичида шаҳар олиниб ҳамма иш тамомланган эди. Руслар бўрон сингари ёпирилиб, эски Нарванинг майдону кўчаларига бостириб киришди. Уларни тўхтатиш, кетига қайтаришнинг иложи қолмаганди. Генерал Горн ўз қўшинига эски шаҳар билан янги шаҳарни ажратиб турган кўтарма ортига чекиниш тўғрисида буйруқ берди. Кўтарма жуда баланд ва энлик эди. Генерал шундан умидвор: Подшо Пётрнинг полклари шу ерда қирилишга ва типпа-тик ён бағирларни ўз қони билан бўяшга мажбур бўлади, деб ўйларди.

Генерал отда, отнинг боши энгашиб, тумшуғи туёгига тегай деб қолган. Муздай шамол туриб, узун ёғочга ўрнатилган сариқ ва қора рангли унинг шахсий байрогини ширтиллатиб черта бошлади. Элликтача қовоғи солиқ кирасир унинг орқасида ярим доира шаклида

www.ziyouz.com kutubxonasi

қимирламай турарди. Баланд кўтарма устидан бир неча кўча генералга бемалол кўринарди. Шу кўчалардан қўшин чекиниши керак эди, бироқ кўчалар бўм-бўш, қимирлаган одам кўринмасди. Генерал қовжираган лаблари билан тамшаниб, ўша ёққа тикилар ва кутар эди. Ниҳоят, энг четги кўчада, сўнгра иккинчи кўчада кичкина-кичкина одамлар пайдо бўлди-да, кўчанинг у бетидан-бу бетига чопиб ўта бошлади. Генерал тушунолмай ҳайрон бўлди: бу қандай одамлар, нега у бетдан-бу бетга чопишади? Орқада турган кирасирлар секин-секин жаврай бошлади. Жон-жаҳди билан от чоптириб келаётган суворг кўринди, кўтарма тагида отдан сакраб тушди-да, қонга беланган чап қўлини ўнг қўли билан авайлаб ушлаб, типпа-тик, жойидан тепага чиқди. Бу — адъютант Бистрем эди: на қиличи бор, на тўппончаси ва на шляпаси, мундирининг бир этаги йиртилиб, узулиб тушганди...

— Генерал!— деди адъютант юзини унга қаратиб.— Генерал! Вой худо, э худойим-ей!

— Қулоғим сизда, поручик Бистрем, тинчланинг, ҳовлиқмасдан гапиринг...

— Генерал, қўшинларимизни қуршаб олишди. Руслар қирғин бошлади... Мен бундай қирғинни умримда кўрганим йўқ... Генерал, қасрга қочинг...

Генерал Горн ўзини йўқотиб қўйди. Кўчада югуришган одамлар кимлигини у энди тушинди. Ҳар доим қатъий қарорга олиб келувчи фикрлари бирдан чалкашиб кетди... У ҳеч қандай қарорга келолмади. Оёқлари узангидан чиқиб, от қорни тагида осилиб қолди. Ҳаттоки ёнида кирасирлар чуғурлашиб, ваҳимага тушиб чинқиришганда ҳам кўзини очмади... Кенг кўтарманинг икки четидан соқоли ўсган суворилар, чўққайган барра шапкалари қулоқларига қийшайган даҳшатли казаклар қийқиришиб, қуюндай бостириб келарди. Улар эгри қиличларини силташар, узун пилта милтиқлардан нишонга олишарди. Поручик Бистрем бундай даҳшатни кўрмаслик учун юзини тескари ўгириб, генералнинг отига тақаб олди. Кирасирлар бир-бирларига аланглаб қараб, қиличларини қинидан суғуриб, ерга ташладилар ва отдан туша бошладилар.

Ҳаммадан олдин полковник Рен етиб келди ва генералнинг от жиловидан ушлаб:

— Генерал Горн, сиз менинг асиримсиз,— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Генерал гўё уйқудан энди уйғонгандек, қиличи билан бирга қўлини кўтарди; полковник Рен генералнинг қўлидан қиличини олмоқ учун чангалини аранг йириб очди, чунки панжалари қилич дастасига тармашганича қотиб қолган эди...

Агар фельдмаршал Огильви шу ерда бўлмаганида Пётр Алексеевич аллақачон от чоптириб қўшин ёнига жўнарди: тўрт йил тайёрланиб, не-не машаққатларни бошдан кечириб, алами битмас ярадек қийнаса ҳам чидаб, тўрт йил кутган ишини шу чоракам бир соат ичида бажарган ўз аскарлари олдига учиб борган бўларди... Аммо на чора — жин урсин уни! — Европа таомилига биноан подшо ундай қилмаслиги, ўзини подшодек тутиши лозим... Пётр Алексеевич оқ аргумоқда сиполик билан қимирламай ўтирар эди, эгнида — преображенча кафтан, шарф, бошида — яп-янги учбурчак бароқ шляпа, кокарда қадалган, ўнг қўлида — дурбин, биқинига тираб олган, бу ердан, тепа устидан дурбинсиз ҳам ҳаммаси равшан, юзида — даҳшатли улуғворлик акс этарди... Овозаси Европага ёйиладиган ғалаба: дунёда энг мустаҳкам қалъалардан бирини штурм билан забт этиш ҳазилакам иш эмас.

Офицерлар от чоптириб келишарди, бироқ Пётр Алексеевич ияги билан имлаб Огильвини кўрсатар эди, офицерлар жанг бориши ҳақида фельдмаршалга рапорт беришарди... Шунча кўча ва шунча майдон эгалланди... Бизникилар ёппасига ҳужум қилмоқда, душман ҳамма жойда бетартиб чекинмоқда... Ниҳоят, Глориянинг емирилган дарвозасидан уч офицер чиқди-да, отларни ҳайдаганича, ўқдай учиб келаверди... Огильви бармоғини кўтариб деди:

— О! Яхши хабар, дарҳол фаҳмладим...

Олдин етиб келган хорунжий[1] отини тўхтатмасданоқ ирғиб тушди-да, қоп-қора соқолини диккайтириб, Пётр Алексеевичга қараб шанғиллади:

— Нарва коменданти генерал Горн қиличини топширди...

— Жуда соз! — деди хитоб қилиб Огильви ва буғу терисидан оппоқ қўлқоп кийган қўлини ёзиб, Пётр Алек-

[1] Казакларда подпоручик унвонига тенг. *(Тарж.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

сеевичга назокат билан таклиф этди:— Аъло ҳазратлари, марҳамат айлаб ташриф буюргайлар; шаҳар сизга мунтазир...

Пётр қаср ичида гумбазсимон ишланган рицарлар залига шиддат билан кирди... Бўйи баландлик қилганидан елкасини букчайтириб, ҳарсиллаб нафас оларди... Қўлида — ялонғоч қилич... Ғазаб билан ўқрайиб Александр Даниловичга қаради: унинг темир совутида ўқ теккан жойлар пачоқ бўлиб қолганди, чўзинчоқ юзи эзиб, сочлари терга пишиллиб, лаблари қовжираб ёрилган эди; сўнгра кўзлари билан кулиб турган пакана Репнинга қаради; полковник Ренга қаради,— у қизариб кетган, винодан отиб олишга аллақачон улгурганди; генерал Чемберсга қаради,— гўё туғилган куни нишонланаётгандек, ўзидан ғоят мамнун эди.

— Мен билмоқчиман,— деб бақирди уларга Пётр Алексеевич,— нима учун шу вақтгача эски шаҳарда қирғин тўхтатилмади? Нима учун шаҳарда талон-торожга йўл қўйилди?— Подшо қиличини олға чўзди.— Мен бир солдатимизни урдим... Ғирт маст, бир қизни судраб кетаётган экан...— Қиличини столга улоқтирди.— Жаноб бомбардир поручик Меньшиков, сени шаҳарга губернатор қилиб тайинлайман... Бир соат вақт бераман, қон тўкиш ва талон-торож тўхтатилсин... Елканг билан эмас, калланг билан жавоб берасан...

Меньшиков, ранги оқарган ҳолда, йиртилган плашини судраб, ўша ондаёқ залдан чиқиб кетди. Аникита Репнин майин овоз билан гап қотди:

— Душман шафқат тилаб таслим бўладиган вақтни ўтказиб юборди, солдатларимиз шу қадар аччиқланганки, тўнини тескари кийиб олган, шунинг учун уларни тинчитиш жуда қийин... Мен юборган офицерлар сочларидан тортиб судрашяпти, ҳайдашяпти... Аммо шаҳарни бизникилар эмас, ўз одамлари талаяпти.

— Ушлансин, ибрат учун дорга осилсин!

Пётр Алексеевич стол ёнига ўтирди, лекин ўша заҳотиёқ ўрнидан туриб кетди. Залга Огильви кирди, унинг кетидан икки солдат ва бир неча офицер генерал Горнни ҳайдаб келишди. Залга сукунат чўкди, фақат Горнининг шпораларидаги юлдузнусха қўнғироқчалар оҳиста жингирларди. Генерал подшо Пётрнинг олдида тўхтаб, бошини кўтарди ва хиралашган кўзларини опқочиб четга қаради, лаблари илжайиб, биратўла қий-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шайиб кетди... Столга ёзилган қизил мовут устидан Пётрнинг қўли бирдан кўтарилганини, дастпанжаси муштга айланганини ҳамма кўрди — Огильви капалаги учиб унга томон бир қадам қўйди — подшо нафрат билан кифтларини қисиб, анчагача индамай туриб қолди, нафас олмай кутиб тураверіб ҳамманинг дами қайтиб кетди...

— Мендан ҳурмат кутиб хомтама бўлма,— деди Пётр оҳиста.— Тентак! Қариган бўри! Қайсар йиртқич!— полковник Ренга кўзи билан ишора қилди:— Турмага обор буни, бутун шаҳар бўйлаб яёв ҳайда, токи ўз қилмишини, қандай вайронлик келтирганини ўз кўзи билан кўрсин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Иккинчи китоб 3
Учинчи китоб 367

www.ziyouz.com kutubxonasi

Толстой А.,

Улуғ Пётр. (О. Шаропов таржимаси).
2 ва 3 китоб. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.

2 ва 3 китоб. 1974. 560 б.

Буюк рус ёзувчиси А. Толстой қаламига мансуб «Улуғ Пётр» романининг иккинчи ва учинчи китобида русларнинг Болтиқ бўйидаги қадимий ота мерос ерларини швед қироллари асоратидан қандай озод қилингани, Россияни Европанинг маданий мамлакатлари даражасига кўтариш учун қандай оғир курашлар олиб борилгани тасвирланади.

Асарда улуғ Пётрнинг маърифатпарварлик роли, унинг реакцион боярларга қарши олиб борган аёвсиз кураши ёрқин акс эттирилган.

Толстой А. Петр Первый. Роман. Кн. 2-я—3-я.

Р2

7—3—2—122
Т—М—352—06—74 146—74

www.ziyouz.com kutubxonasi

На узбекском языке

Алексей Николаевич Толстой

ПЕТР ПЕРВЫЙ

Роман

КНИГА ВТОРАЯ И ТРЕТЬЯ

Перевод с издания Гослитиздата, Москва, 1959

Редактор М. Раҳмон
Рассом Н. Пирогов
Расмлар редактори И. Бирюкиди
Техн. редактор В. Барсукова
Корректор Ш. Собирова

Босмаҳонага берилди 4/I-74й. Босишга рухсат этилди 19/IV-74й. Формати 84X108¹/₃₂. Босма. л. 17,5. Шартли босма л. 29,4. Нашр л. 27,82. Тиражи 30000. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. Навоий кучаси, 30. Шартнома №1—71.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат Комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида 3-қоғозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1974 йил, заказ № 1936. Баҳоси 99 т.

www.ziyouz.com kutubxonasi